


Абдулла
ҚОДИРИЙ

Буд кетмон

IV






Абдулла ҚОДИРИЙ

IV



Абдулқодирий



Тошкент
Info Capital Group
2017

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)6

Қ 53

Кодирий, Абдулла

Обид кетмон: қисса. Абдулла Кодирий. – Т.: Info Capital Group, 2017.
– 536 б.

Абдулла Қодирийнинг учинчи йирик асари – «Обид кетмон» қиссаси 1934 йилда ёзилган бўлиб, бу асар ҳам бошқалари каби ёзувчининг улкан маҳоратини ўзида мужассам этган. Барча замонларда устувор бўлган «Сен ерни боқсанг, ер сени боқади», деган қараш ушбу асарнинг бош мавзусидир. Оддий халқ вакили бўлган Обид кетмон – диндор бўлгани ҳолда тақводорликка даъво қилмайди, деҳқон бўлиб эса заминдорликка талабгор эмас. Бош бўлиб, йўл кўрсатинг, деб сайлашганда ҳам одам ишлатиб, раҳбарликни талаб қилмайди, аксинча, ўзи ўрناق бўлиб халқ билан баравар меҳнат қилади.

Асар мутолааси давомида ўқувчи Обид кетмон билан далага чиқади, уй-қусиз тонгларда шудгор оралайди, куннинг иссиғи-ю совуғи унинг шаштини синдирмайди. Атрофдагиларнинг маломатига доноларча сукут билан жавоб беради. Токи барча «Вақт – олий ҳакам» эканлигини ўз юрагида тан олишини истайди. Обид кетмоннинг ўз мақсадида собит туриши, мулоҳазакорлиги, меҳнатсеварлиги, атрофидаги турли қарашларга эга бўлган инсонларга шахсий намуна бўлиш орқали китобхон ҳурматини қозонади.

Бугунги адабиётимиз ҳақида сўз кетганда бот-бот такрорланадиган «Давр қаҳрамони» деган ибора айнан ўтган асрнинг биринчи ярмида ушбу образ – Обид кетмон орқали яратилганига асар мутолааси давомида амин бўласиз.

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)6

*Китоб асарнинг 1935 йилдаги биринчи наشري
асосида тайёрланди.*

Барча ҳуқуқлар муҳофаза қилинган. Ушбу китоб худди шундай тарзда ва шаклда кўпайтирилиши, ундан нусха олиниши ва бошқача усулда тарқатилиши, жумладан, китобнинг фотонусхаси яратилиши ва Интернет тармоғига жойлаштирилиши қатъиян ман этилади.

ISBN 978-9943-4712-9-0

© Абдулла Кодирий, «Обид кетмон», 2017.

© «Info Capital Group», 2017.

«ОБИД КЕТМОН» ҲАҚИҚАТИ

Сўзбоши

Абдулла Қодирийнинг эътиборга сазовор деярли барча асарлари қатори «Обид кетмон» қиссаси ҳам ўз даврида ҳақиқий баҳосини ололмади. Вульгар социологизм оғуси билан захарланган, фақат «синфий ёндашув»нигина мезон қилиб олган, аслида, чинакам илмий синфий ёндашишдан узоқ, ўта ўжар, жоҳил танқид бу қисса моҳиятини бузиб, уни «иделогик бузуқликлар ва хатолар»га тўла, «сиёсий тутуриқсиз» деб эълон қилди (Ж. Шарифий, О. Шарафиддинов. «Обид кетмон» ҳақида. «Қизил Ўзбекистон», 1937 йил, 3 июн).

Кейинги йиллар давомида адабиёт илмидаги соғлом кучлар Қодирий ижодига, хусусан, адиб романларига қарашдаги жаҳолатни бартараф этиш, бу ноёб санъат дурдоналари кадр-қимматини тиклаш, гўзаллик сирларини очиш йўлида ҳам хайрли ишлар қилдилар. Аммо «Обид кетмон» қиссаси ҳамон муносиб баҳосини олмаган эди. Тўғри, кейинги ишларда «Обид кетмон» ҳақида аввалги бешафқат танқидлар ҳамласи бирмунча юмшаган, муаллиф шаънига илгаригидай ғоявий-сиёсий ёрликлар тақиш, дағдағалар қилиш йўқ. Айни пайтда бу асар қиммати, адабиётимиз тарихидаги ҳақиқий ўрнини белгилашга астойдил уриниш ҳам бўлмади. Қисса устида сўз борганда жуда умумий тарзда «Обид кетмон» «ўзбек адабиётида колхоз мавзусини ишлашнинг муҳим ютуғи», «ёзувчининг ғоявий ва ижтимоий ўсишида олға қўйган қадами» бўлгани, унда муаллиф «қишлоқнинг социализм йўлидан боришининг афзалликларини кўрсатишга бел боғлаган»и, «колхозда деҳқонларнинг тўқ ва маданий ҳаёт қураётганини кўрсатишга алоҳида эътибор берган»и айтилади. Шу тарздаги мақтовлардан сўнг асарнинг «энг жиддий камчилиги» сифатида «колхоз қурилиши атрофида борган ўтқир синфий курашнинг етарли акс этмаган»и хусусидаги эски эътирозлар юмшоқроқ шаклда такрорланади. (Иззат Султон. Асарлар. Тўрт томлик, II том, 391-бет.)

Коллективлаштириш мавзусидаги асарларга баҳо беришда узоқ йиллар айна шу «ўтқир синфий кураш» концепцияси, яъни социализм қуриш жараёнида синфий курашнинг тобора кучайиб бориши тўғрисидаги сталинча қарашга таяниб иш кўрилди. Бунинг устига бу мавзудаги жамики асарлар М.Шолоховнинг «Очилган қўриқ» романи мезони билан ўлчанадиган бўлди. «Очилган қўриқ» пайдо бўлгач, рус ва қардош халқлар адабиётида унинг таъсирида ўнлаб асарлар яратилди.

Ҳабибулла Қодирийнинг эслашича, Абдулла Қодирий «Обид кетмон»ни ёзишдан аввал «Очилган қўриқ»нинг русча нашри билан танишган («Отам ҳақида», 165-бет). Бироқ қишлоқ ҳаёти-ни, коллективлаштириш жараёнини, ўзбек деҳқонлари руҳиятини яқиндан ўрганган, билган адиб «Очилган қўриқ» муаллифи ва бошқа қаламкашлар йўлидан бормади, мураккаб тарихий жараён тўғрисида ўша даврнинг ҳукмрон қарашларидан фарқ қилувчи ўз шахсий кузатиш ва хулосаларини ифода этди.

«Обид кетмон»нинг бадиияти хусусида ҳам ҳамон паст-баланд гаплар юради. Гоҳо Қодирий ижоди мухлислари орасида ҳам бу қисса бадий жиҳатдан адибнинг тарихий романлари даражасида етук эмас, деган фикрларни эшитишга тўғри келади. Ҳ. Қодирийнинг «Отам ҳақида» китобида ҳам шундай ҳоллар эслатиб ўтилган («Отам ҳақида», 170–171-бетлар). Эҳтимол, бундай эътирозларда муайян асос бордир. Аммо бадийликнинг бош мезони – ҳаёт ҳақиқатини ўзига хос тарзда кашф этиш, ижодий оригиналлик, шахс талқинидан, прозада эса биринчи галда теран, маънодор, ёрқин, жонли характерлар яратишдан иборат деб қараладиган бўлса, «Обид кетмон» шу юксак талабларга жавоб бера оладиган асар. Аввало, муаллиф қиссада Обид кетмон, Берди татар, Хатиб домла, мулла Муҳсин каби баркамол характерлар яратадики, улар ўзларининг жонлилиги ва ҳаётийлиги жиҳатдан адиб романларидаги персонажлардан асло қолишмайди. Иккинчидан, ёзувчи инсон ҳаётига ёндашишда ўша даврда одат тусига кирган тор синфийлик доирасидан анча четга чиқиб, умуминсоний қадриятларни асраш, ардоқлашга жазм этади. Адиб холис туриб колхозлаштириш даврининг бир қанча жиҳатларини ҳаққоний кўрсатиш, инсонийликка мос тушадиган, тараққиётга элтадиган томонларини қўллаб-қувватлаш билан бирга, бу ҳаракатнинг ички муаммо ва зиддиятларини ҳам имкон қадар, йўлини топиб айтади, очади,

эҳтимол тутилган хатарли оқибатлардан ўқувчини огоҳ этади; энг муҳими, замонавий деҳқон хўжалиги ҳақидаги ўзининг демократик моделини тақдим этади. 30-йиллар танқидчилиги учун жиддий нуқсон, ғоявий хато бўлиб кўринган кўпгина ҳолатлар – асарда «колхоз ичидаги синфий кураш кўрсатилмаган», «синфий душман фош қилинмаган», «ўқувчида синфий душманга нисбатан қаҳр-ғазаб кўзғатмайди», қиссада «улар ҳам одам-ку» деган ачиниш туйғуси бор, асар ўқувчини динга қарши тарбиялашдан узоқ туради, ёзувчи «одамларни синфий гуруҳларга эмас, балки «яхши» ва «ёмон» деган «гуруҳлар»га бўлади» қабилидаги айбловлар – буларнинг барчаси адиб дунё-қарашидаги чекланганлик, «шўро воқелигини билмаслик», «турмушимизда бўлиб турган буюк воқеаларнинг (жумладан, колхоз қурилиши) моҳиятини тушунмаслик» оқибати эмас. Синчков адиб ўша давр жараёнларини – колхоз ҳаракати муайян синфий силсилалар, алғов-далғовлар гирдобида кечаётганлигини, булар нуқул душман синфининг, қулоқларнинг иши, тескаричи руҳонийлар қутқуси оқибати эмас, балки сталинча зўравонлик, шафқатсизлик, буйруқ-фармойиш йўли билан ёппасига коллективлаштиришга ўтиш сиёсатининг ҳам оқибати эканини сезмаслиги мумкин эмас эди. Назаримда, улуғ адиб буларнинг барчасини теран идрок этган, аммо ўша кезларда бу ҳақиқатни ошқора айтиш, ифодалаш имкони бўлмагани учун асарда синфий курашга алоқадор воқеаларни иккинчи плонда беради, қолаверса, синфий кураш тасвирида ғалати киноявий усул қўллайди. Ёзувчи бутунича ўша мураккаб, зиддиятли тарихий жараённи коллективлаштириш ҳаракатининг «синфий онги» етук, фаол кишиларининг эмас, синфий-мафкуравий курашлардан четда турган холис-бетараф ўртаҳол деҳқон – Обид кетмон назаридан ўтказиб таҳлил этади.

Обид кетмон образи – адабиётимизда ноёб ҳодиса. Кўпгина танқидчилар таъна қилганларидек, чиндан ҳам ёзувчи уни фавқуллодда фазилатлар эгаси қилиб кўрсатади. Бироқ бу ҳол кусур саналмаслиги лозим. Ёзувчининг мақсади Обид кетмон образида шунчаки ўрта деҳқонга хос «типик хусусиятлар»ни қайд этиш, жамлашдан иборат эмас. Айни бу шахсдаги фавқуллодда фазилат-хислатлар, унинг ғайриоддий хатти-ҳаракатлари, ғаройиб кечмиши орқали адиб гўё, боя айтилганидек, янгича демократик деҳқон хўжалиги ҳақидаги ўз гуманис-

тик қарашларини, моделини тақдим этаётгандек, шу тариқа ўша кезларда қишлоқда ўтказилаётган хатарли сиёсат билан пинҳона ва моҳирона баҳс олиб боргандек туюлади. Коллективлаштириш даврида Обид кетмон тутган ўзига хос йўл – ўша давр учун ғайритабиий бўлиб туюлган ҳодиса – ҳаётда айнан бўлганми-йўқми, аниқ билмайман, аммо 20-йилларда якка деҳқон хўжалигининг тинч йўл билан социализмга ўсиб бориши ҳақида назарий қарашлар мавжудлигини жуда яхши билемиз. Қодирийнинг улар билан яқиндан таниш эканига шубҳа йўқ. Обид кетмон тақдири таҳлилидан аён кўриниб турибдики, муаллиф бундай қарашга хайрихоҳ, бу йўл онгли, асл меҳнаткаш деҳқон руҳига, дилига мос тушадиган гуманистик мафкура. Коллективлаштиришнинг сталинча зўравонлик ғояси зўр бериб тарғиб этилаётган, катта қурбонлар эвазига ёппасига коллективлаштириш амалга оширилаётган бир давр, хусусан, 30-йилларда ҳукмрон мафкурага зид ғоялар билан чиқиш мислсиз жасорат эди.

«Обид кетмон»нинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, коллективлаштириш ҳақида ўша йиллари яратилган кўплаб асарлардан фарқли ўлароқ, бу ерда синфий рақиблар орасидаги кураш – тўқнашув ва олишувлар эмас, хўжалик, ишлаб чиқариш муаммолари тасвири, талқини биринчи ўринда туради. «Обид кетмон» – ўзбек адабиётидаги биринчи «ишлаб чиқариш» асари, Обид эса ишбилармон киши образи. Бу ҳол ҳам ёзувчининг коллектив хўжалик тўғрисидаги қарашлари билан алоқадор. Адиб орзусича, коллективлаштириш сиёсий-мафкуравий мақсадлардан, беҳуда ғалвалардан, синфий душман қидириш, уларни маҳв этишдан иборат бўлмай, балки биринчи галда, эл-юрт фаровонлигини таъминлаш, камбағал-меҳнаткашга турмушда енгиллик бериш, барчани текис турмушга, текис саодатга етказиш, якка хўжаликка қараганда кўпроқ меҳнат унумдорлигига эришишдан иборат бўлмоғи лозим. Қиссанинг иккинчи қисми асосан Обид бошчилик қилган «Четан» колхозининг бир йиллик – эрта кўкламдан то кеч кузгача олиб борган меҳнат фаолияти, хўжалик ишлари тафсилотидан иборат. Қодирий романларида қаҳрамон кўпроқ севги куйчиси, мафкуравий, ижтимоий-сиёсий ҳодисаларнинг бадиий тадқиқотчиси сифатида танилган бўлса, бу ерда иқтисод, хўжалик масалаларининг зўр билимдони, тадқиқотчиси сифатида кўринади.

Асар бош қахрамони бисоти – характери, руҳий олами асосан меҳнатда, меҳнатга, хўжалик ишларига муносабатда очилади. Обид образини ўзбек халқининг деҳқончилик маданияти бо-бидаги етуклик тимсоли дейиш мумкин. У деҳқончилик илмини, хўжалик юритишни, иқтисодни, ҳисоб-китобни миридан сиригача пухта билади.

Энди Обид кетмон образи характери ва тақдири орқали ёзувчи илгари сурган ғоянинг баъзи жиҳатларига очикроқ ёндашиб кўрайлик. Маълумки, коллективлаштириш мавзусидаги деярли барча асарларда якка хўжалик коллектив хўжаликка қарама-қарши қўйилади; якка хўжалик – деҳқон учун кони кулфат, у фақатгина коллектив хўжалик орқали бахт топиши, фаровонликка эришиши мумкин, деган ғоя илгари сурилади. «Обид кетмон»да биз бошқача манзарага дуч келамиз. Мулла Обид қайнотаси инъом этган беш таноб ерда тадбиркорлик билан ҳалол ишлаб, катта бойлик, шон-шухрат топади. Бу ўринда Обид тажрибасидан энг муҳим сабоқ шуки, якка хўжалик шўро жамияти табиатига ёт эмас, агар оқилона, ҳалол ёндашилса, социализм шароитида ҳам у алоҳида шахс, жамоа ва бутун жамият учун наф келтириши мумкин. Афсуски, ўша пайтлари «сиёсий хушёр», аммо оқилона мулоҳаза юритишга келганда фирт карахт танқид Обид шахсий хўжалигида «яна бир-икки йил шундай ишласа, қулоқ бўлиши турган гап» дея ваҳима, шов-шув кўтаради.

Обид коллективлаштириш сиёсатида бошда шубҳа билан қарайди, айниқса, уни бу ҳаракатнинг истиқболи – келгусида эҳтимол тутилган бир хавф ташвишга солади: «Тиктепа деҳқонлари бир рўзғорга айландилар деяйлик, бунда унча фарқ йўқ. Лекин шу бир рўзғорга айланганлар ичида яхши ишлайдиганлари бор, ёлқамсиқлари, муғомбирлари бор. Албатта, бу сўнгиларидан бириси ўз табиатидаги ёлқамсиқликни қилади, иккинчиси муғомбирликни ташлай олмайди. Аммо яхши ишловчи деҳқон билан бу иккиси кузда даромадни баравар тақсим қилиб ола беради. Бу ёқда яна бир эҳтимол бор: ишчан деҳқон муғомбир билан ёлқамсиққа ишлаб берайми, дейди-да, бу ҳам яхши бир ялқовга ёки мукамал бир муғомбирга айланади...» Обид назарида «Тиктепа ерларини бириктириш, орадаги чегараларни йўқотиб, бир бутун қилиш қийин гап эмас», колхозга киришда ўзидан кетадиган нарсалар учун ачинмайди,

аммо «одамларни текислаш мумкинми?» деган савол кўнглини гаш қилади. Обид шу хусусда яқин одами – коммунист Берди татарга сўз очганида, у: «Колхозлаштириш шиорини танлаган коммунист фирқаси масаланинг бу томонини ўйлаб кўрмаганмикин, шундай катта ишга бел боғлаган ҳукуматнинг сен билан менча ақли йўқмикин!» – дея мушкул саволга савол билан жавоб қайтаради. Фирқа топшириғини сўзсиз бажаришга одатланган фирқа аъзоси Бердибой яна: «Мен бу тўғрида сенча узоқни ўйлаб турмайман, дарров «лаббай» дейман», дея жавоб қилади.

Қарангки, асар қаҳрамонларини қийнаган жумбоқлар устида «шундай катта ишга бел боғлаган» раҳнамолар яхшироқ ўйлаб кўрмаган экан, фирқанинг итоаткор ходимлари эса ўйламай қабул қилинган қарор-топшириқларни «лаббай» деб ижро этаверганлар; айти шу колхоз ҳаракатининг бошидаёқ «Обид кетмон» қаҳрамонларини қийнаган жумбоқлар кейинчалик жиддий муаммога айланди. Худди шу тарзда «текислаш», кўр-кўрона ижрочилик туфайли деҳқон хўжалиги издан чиқди, деҳқон энг азиз бисотидан – ерга, мулкка эгалик туйғусидан маҳрум бўлди, бу ҳол бора-бора деҳқондаги ўз касб-ҳунарига бўлган туғма ихлоснинг, шахсий ташаббуснинг сўнишига олиб келди.

Хўш, шундай хавфни сеза туриб, нега Обид Бердибойнинг ташвиқига жиддий эътироз билдирмади, колхозга кирди, деган савол туғилади; бу ерда масалага тарихий нуқтаи назардан қараш керак. Обид юз бераётган ҳодисалар ҳақида ҳар қанча теран ўйламасин, у – ўз даврининг фарзанди, колхоз ҳаракатининг «афзалликлари» хусусида кенг авж олдирилган тарғиботлар Обидга ҳам ўз таъсирини кўрсатди, «колхозчилик муваффақият қозонганда, текис, масъуд турмушга етилади, башарти қозонмаганда-чи?» деган ўй уни тарк этмаса-да, барибир, «камбағал-меҳнаткашга турмушда енгиллик бериш, барчани текис турмушга, текис саодатга етказиш» ғояси ширин орзу сифатида уни ўзига мафтун этади.

Обидни колхоз ҳаракатига тортган яна бир муҳим хусусий омил бор. Улуғ реалист қаҳрамони характериға хос табиий бир ҳолатни, уни худбинлик деймизми ёки инсоний ожизлик деб атаймизми, нима бўлишидан қатъи назар рўй-рост кўрсатаверади – Обид халқ орасида ном чиқаришни зимдан севади. Ёзув-

чи қаҳрамондаги бу туйғу илдиэлари хусусида ўз тахминларини ҳам айтиб ўтади: «Бу номдор бўлиш ҳисси ёки орзуси Мулла Обид «Шоҳнома»лар ўқиб юрган вақтларида туғилганми ёки ундан илгарими, ҳар ҳолда бу ҳис ҳануз сақланиб келмоқдадир. Деҳқончиликда муваффақият қозониб, «Обид кетмон» номини кўтариш унинг бу ҳиссини бир даражада қаноатлантирган бўлса ҳам, бироқ ҳозир бу ҳисни кенгроқ бир доирага ўтказишга майл йўқ эмас. Бунинг учун колхоз унга яхши замин бағишламасмикин? Камбағаллар, очлар, яланғочларнинг саодати йўлида қаҳрамонлик, номдорлик-а?!»

Бошда холис ният билан бошланган Обид кетмонда кўринган номдор бўлиш туйғуси, афсуски, кейинчалик кўп ҳолларда ёмон оқибатларга олиб келди, бу нарса мудҳиш ижтимоий иллатга айланди, ҳушёр адиблар эътиборини ўзига тортди; Қодирий издошлари Қаландаров, Давлатбеков, Отақўзи каби образлар тимсолида бу ҳодиса моҳиятини чуқур таҳлил этиб бердилар. (А.Қаҳҳорнинг «Синчалак», П.Қодировнинг «Қора кўзлар», О.Ёқубовнинг «Диёнат» асарлари назарда тутилмоқда).

Обид колхозда раис бўлиб иш бошлар экан, қатор жумбоқларга дуч келди. Бунда у жуда дадил, принципиал позицияда туради. Аввало, буйруқбозлик усули, колхоз ишига юқоридан туриб билиб-билмай аралашиш, кўрсатма бериш ҳолларига қарши чиқади. Иккинчидан, дабдабазлик, мадҳиябозлик жазавасига тушиб, озгина ютуқни кўпиртириб, кўкракка уриш бошланганида Мулла Обид тўғридан-тўғри оломонга қарши боради; «бойидик, болшевиклашдик, социализмга чиқдик», деб талтайишларга жиддий эътироз билдиради. Колхоз ҳаракатининг бошидаёқ Қодирий пайқаган, адиб қаҳрамонлари ҳаётда дуч келган бу кўнгилсиз ҳодисалар бора-бора қанчалик тус олгани ҳаммага аён.

Асарни ўқир эканмиз, ўта сезгир, ҳушёр реалист жамоатчиликни яна бошқа эҳтимол тутилган хатарлардан огоҳ этгандай бўлади. Қарангки, колхоз ҳаракатининг илк қадамларидаёқ пахта яккаҳокимлиги ғояси туғилган экан; аёлларни, мактаб ўқувчиларини оғир дала ишларига жалб этиш ўша кезлардаёқ бошланган экан.

Асарнинг кўп ўрнида пахта колхозда асосий экин бўлиб қолаётгани, пахтага ажратиладиган ерларни кенгайтириш зарурияти устида гап боради, ҳатто кичкина «Четан» колхозининг

«тўқсон беш фоизи» пахта ҳамда жуда яхши бўлмаса ҳам, ўртача ҳосил берадиган пахтадан иборат экани айтилади. Коллектив хўжалик юритиш жараёни мантиқидан шу нарса аён бўладики, бу хилдаги меҳнат тарзи албатта «хотин-қизлар меҳнатида фойдаланиш»ни, болаларни, мактаб ўқувчиларини, шаҳарликларни дала ишларига жалб қилишни тақозо этади. Шуниси ҳам борки, аёллар ўзига мос енгилроқ меҳнатга эмас, оғир ишларга, масалан, чопиққа жалб этилади. «Тавба қилдим, Худо... Хотинларнинг чопиқ қилганини етти отадан бу ёққа эшитмаган эдик, – деб баъзи хотинлар ёқа ушлайдилар». Аммо шу каби тарихда бўлмаган оғир ишларни қилишга мажбур бўладилар.

Асар бош қаҳрамонининг жамият турли қатламларига: фирқага, комсомолларга, қишлоқ устунлари саналмиш бадавлат кишиларга, дин пешволари – руҳонийларга муносабати ҳам ўзига хос, ҳозирги кун ишлари учун ғоят қизиқарли. У жамиятда ижтимоий гуруҳлар мавжудлигини, уларнинг асл синфий моҳиятини яхши тушунади. Бироқ одамларни фақат қайси гуруҳ, синфга мансуб эканига қараб дўст ёки душманга ажратмайди. Одамга баҳо беришда унинг учун бош мезон – кишининг маънавий-ахлоқий қиёфаси, одамийлиги, амалий фаолияти. Ким бўлишидан, қайси табақа, ижтимоий гуруҳга мансуб эканидан қатъи назар, у биринчи галда, одамни одам деб, уни тушуниб, одамларча муомалада бўлади: қишлоқ устунлари саналмиш бойлар инсофли, кўпчилик учун жони ачийдиган одамлар эканлигини билгани ҳолда зиёфатга таклиф этганларида, одамгарчилик юзасидан уларникига боради, бироқ улар қувлик билан Обидни ўз томонига оғдиришга уринаётганликларини сезгач, дарҳол улар билан орани очиқ қилади; яна ўша оддий одамгарчилик таомилларига кўра қишлоқ масжиди имомини меҳмондорчиликка чақириб, қўй сўйиб сийлайди... Обид учун коллективлаштириш давридан олиб ёзилган кўпчилик асарларнинг фаол қаҳрамонларига хос «сиёсий ҳушёрлик» шиори остида одамларга шубҳа билан қараш, улардан бўлар-бўлмас душманлик қидириш, одамлар орасига нифоқ солиш одати бутунлай ёт. Мулла Обид бош бўлган колхозда қулоқларни рўйхатга олиш, уларни «синф сифатида тугатиш», сургун қилиш ишлари хийла силлик, тинч йўл билан ҳал этилади; қизиққон ёшларнинг Худони, динни инкор қилиб, бошқаларни ҳам Худосизликка чақириши Мулла Обидга ёқмайди,

соғлом ниятли билимдон рухонийлардан коллектив манфаати йўлида фойдаланиш йўлларини излайди, одамларнинг диний туйғуларига эҳтиром, одоб билан муносабатда бўлади.

«Обид кетмон»да узоқ йиллар социалистик ҳаёт тарзи акс этган асарларда деярли учрамайдиган гайриоддий лавҳаларга дуч келамиз. Чунончи, Мулла Обидни раисликка кўтариш пайти «колхозга раис бўладиган киши намозхон бўлса ҳам майлими, бунга ҳукуматларимиз нима дер эканлар?» деган масала кўтарилди. Шунда масъул партия ходими: «Намоз ўқиш... кишининг шахсий иши, биров кўпчиликнинг ишига ва ҳукуматнинг сиёсатига зарба бериш учун намоз ўқир экан, албатта, ҳукумат бунга йўл қўёлмайди. Аммо ҳар икки томонга зарарсиз равишда биров намоз ўқир экан, бунга ҳукумат ҳеч нарса демайди... Обид кетмоннинг намози шу кейинги йўлда... Обид кетмоннинг ўқиган намози унинг колхоз раиси бўлишига моне бўлмайди» дея жавоб қилади. Бугина эмас, шундай саволни берган киши «синфий душманга сотилган одам», бу – қип-қизил фитначи, демагогнинг иши, деган қатъий хулосага келади... Оқилона сиёсат тантана қилади, Мулла Обид бир оғиздан раисликка сайланади.

Ўйлаб қоласан киши, «жанговар атеизм» жунбишга келган ўша йилларда ҳақиқатан ҳам ҳаётда шундай бўлганмикин? Ёки бу шунчаки ёзувчининг орзуси, янги, эркин демократик коллектив деҳқон хўжалиги ҳақида адиб тасаввуридаги моделнинг бир хусусиятимиди?! Мабодо ўша кезлари шу хил сиёсат ўтказилган бўлганда, адабий танқид қиссадаги дин ва диндорлар билан алоқадор ўринларга бу қадар хуруж қилармиди?! Агар Қодирий талқинидаги динга, диндорларга оқилона сиёсат ўша кезлардаёқ изчиллик билан ўтказилганида, тантана қилганида жамият қанчадан-қанча беҳуда ғалвалардан, фожиалардан халос бўлмасмиди?

Асарда худди шу масала билан боғлиқ яна бир характерли лавҳа бор. Берди татар Обидни фирқага тортишга тарғиб этади, ҳар жиҳатдан у фирқа аъзолигига муносиблигини айтади. Обид ўйланиб қолади. Улар орасида шундай савол-жавоб бўлиб ўтади:

- «– Фирқага кириш... менга тўғри келмас...
- Нега келмас?
- Мен... Худога ишонаман.

Татар Мулла Обиднинг юзига тўғри қараб бош қашинади...

– Фирқанинг бошқа йўлларига қаршилигинг йўқми?

– Йўқ. Мен фақат Худога...

Татар бир оз ўйланиб ўтуради...

– Хайр, бу масала очик қолиб турсин...»

Мана, етмиш йилдирки, бу масала очик қолиб келди.

Обиднинг динга муносабати масаласи каби асардаги руҳоний шахслар – Хатиб домла билан мулла Мухсин образларининг бадиий талқини ҳам эътиборга сазовордир. Руҳоний зоти бўлса фақат ё салбий, ёки ҳажвий қахрамон сифатида нуқул қоралаш одат тусини олган 30-йиллар шароитида «Обид кетмон»да Қодирий тутган йўл кутилмаган фавқулодда ҳол, катта ижодий жасорат эди.

Ёзувчи қув, тамагир Хатиб домлани ҳам, унинг зидди бўлмиш гўл, соддадил, аммо ҳалол одам мулла Мухсинни ҳам синфий, мафкуравий душман деб эмас, холис туриб инсон сифатида – ҳаётда қандай бўлса, шундайича, мураккаблиги, зиддиятлари, айрим фазилатлари (хусусан, Мухсин образида) ва инсоний ожизликлари билан бор ҳолича тирик одам сифатида гавдалантиради. Мана шу холис йўл ҳақиқатни эмас, синфий-мафкуравий мақсадларни бош мезон – дастак қилиб олган ўша давр танқидчилигига маъқул тушмайди. Синфий позицияда изчил турувчи танқидчилар назарида дин фақат оғу, диндор одам борки, барчаси реакцион, синфий душман, уларда ижобий фазилатлар, умуман, улар орасида яхши, ҳалол одамлар бўлиши мумкин эмас. Шунга кўра руҳонийларни «яхши» ва «ёмон»га ажратиш жиддий хато... Шундай қилиб улар «жаҳолат»га, «мутаассиблик»ка қарши курашаман деб, беихтиёр ўзлари жоҳил, мутаассиб кимса ҳолига тушиб қоладилар; ҳаётда, 30-йиллар шароитида Хатиб домла билан баробар мулла Мухсин типидagi шахслар ҳам борлиги, улар «асл ҳаёт»нинг ўзидан, ўзбек турмушидан олинганлигини ўжарлик, мутаассиблик, бундан ҳам ёмони, сиёсий демагоглик билан инкор этишга уринадилар. Юқорида тилга олинган 1937 йилда «Қизил Ўзбекистон»да чиққан тақризда: «Абдулла Қодирий одамларни синфий гуруҳларга эмас, балки «яхши» ва «ёмон» деган гуруҳларга бўлади. Шунинг учун ҳам у «Обид кетмон»да диннинг моҳиятини очиб бериш ўрнига, руҳонийларни «яхши» (Мухсин домла каби) ва «ёмон» (Хатиб шалҳак каби) руҳоний

тарзида кўрсатиш билан ўзини катта иш қилгандек ҳис этади, ваҳоланки, бу динни фош қилиш эмас, балки динга ва руҳонийларга ёрдам қилишдир», – дейилади. Тақриз муаллифлари, айниқса, мулла Муҳсиннинг «ижобий тип» қилиб кўрсатилиши, яъни унинг ислом динини тўғри англаши, беш вақт намозни ҳам қўймаслиги, бошқаларга зарар бермаслиги, динни ўз шахси учун ишлатмаслиги сингари хислатлар тасвирига тоқат қилолмайдилар. Демак, бу образ бундай табиий хусусиятлардан халос этилиши лозим... Мабодо шундай қилинганда бу шахсдан нима қолиши, умуман, тирик одам, ҳаётий, ҳаққоний образ сифатида барбод бўлиши уларнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Аслида, улар учун реалистик адабиётнинг жон-тани бўлмиш образнинг ҳаққонийлиги, ҳаётийлиги, самимийлиги – бир пул, уларга ҳаётий образ эмас, фақат синфий мафкурага хизмат қиладиган, бу ўринда эса динни, синфий душманни фош этишга ярайдиган кўғирчоқ керак, холос.

Синфий-мафкуравий муносабат даҳшат солиб турган 30-йиллар шароитида «Обид кетмон»да талай холис туриб битилган бетакрор ҳаққоний, ҳаётий образлар, жумладан, Хатиб домла ва мулла Муҳсиндек жонли типларнинг яратилиши чиндан ҳам ижодий жасоратдир.

Ниҳоят, яна бир муҳим савол. Нега сиёсий етук, ташаббускор фаоллар, қашшоқ батрақлар вакили қилиб айни Мулла Обид кетмон, ҳа, ўша Худога ишонадиган, руҳонийларга хайрихоҳ, таржимаи ҳолида «доғ»лари бор, колхоз ҳаракатига бошда унча қўшилмаган ижтимоий пассив одам раисликка сайланди? Гап шундаки, Обид, аввало, мулла, китоб кўрган, билимдон, қолаверса, чин меҳнатқаш, ишнинг кўзини биладиган, тадбиркор, мустақил одам. У бир қарашда содда, дағал бўлиб туюлган табиати ва шу соддалик, дағаллик замирида ётган фавқулодда теран ақл-идроки, тадбиркорлиги билан ҳаммадан ажралиб туради. У хўжаликни сохта фаоллик, гапдонлик, сиёсатбозлик билан эмас, балки халқнинг бой деҳқончилик тажрибаси, иқтисодий сабоқ, ҳисоб-китоб асосида бошқаради. Фақат Обид эмас, унинг яқин маслақдошлари ҳам деҳқончилик бобида билимдон кишилар. Суғоришга оид бир баҳсда оддий деҳқон рус агрономининг хато қарашига қарши чиқади, ўзининг ҳақлигига уни ишонтира олади; ўша деҳқонлар немисларнинг ерни гўнг шираси орқали ўғитлаш усули афзал томонларини ҳам, кам-кўстларини ҳам ажрата биладилар...

Қахрамон образининг ўзига хослиги, ёзувчининг асл муддаосини тушуниб етмаган ёки тушунишни истамаган танқидчилар: «Обид янги тип кишилар, колхозчилар образи, айниқса, социализм йўлида фаол иштирок этувчи колхоз раисининг образи бўлмайди. У икки жаҳон ўртасида қолган қоқоқ одам. У – тип, образ ҳам эмас, ўйлаб чиқарилган схема» деб даъво қиладилар. Адиб танқидчилар тасаввуридаги «типик» раҳбар ходим – «фаол» раис образини эмас (бунақа фаол раҳбар ходимлар образи адабиётда кўп яратилган), айти улар назарида «қоқоқ», «схема» бўлиб кўринган раҳбар образини яратган экан, бунда чуқур маъно бор. Ёзувчи эътиқодича, «сиёсий хушёр», «синфий» томондан мақбул, чаққон, гапдон кимсалар эмас, айти Обид типидagi билимдон, ишбилармон, холис, вазмин, мулоҳазакор одамлар коллектив хўжаликни чинакамига оқилона бошқариши мумкин. Ёзувчи Обидга синфий томондан эмас, меҳнаткаш халқ, деҳқон аҳли манфаати нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳо беради, худди ўша Обидни қишлоқ кишилари назарида унинг зидди бўлган, келиб чиқиши жиҳатдан меҳнаткаш, мафкура томонидан шўроларга яқин, аниқроғи, «партия ва шўро аъзоси», аммо фақат гапни, булбулдек сайрашни биладиган, меҳнатдан, хўжалик юритиш илмидан йироқ, бу борада деҳқонларга маъқул фикр айтолмайдиган кимсаларга қарама-қарши қўяди.

Обид типидagi истеъдодли, ишбилармон, тадбиркор шахслар – халқнинг миллий бойлиги. Ҳаёт йўлидаги, табиатидаги барча зиддиятли жиҳатларига қарамай, қишлоқ аҳли яқдиллик билан Мулла Обидни ўзларига бошлиқ қилиб сайлар эканлар, бу тасодифий эмас. Асл деҳқон учун шундай раҳнамо керак, меҳнаткашлар назарида Обиднинг «қовушмаган феъллари», «синфий чекланган»лиги катта айб саналмайди. Афсуски, ҳаётда акс ҳол устун келди, шахсга синфий-идеологик талаблар асосида ёндашиш устувор бўлган кезлари Мулла Обид типидagi халқнинг миллий бойлиги саналган истеъдодли одамлар раҳбарликка йўлатилмади, йўлатилганлари ҳам мафкуравий «чекланганлиги», «хатоси», ўтмишдаги «гуноҳ»лари учун ишдан четлатилди, қатағон қилинди, гумроҳ танқидчилар эса уларни адабий асар қахрамони бўлишга нолойиқ санадилар. Бундан халқ, жамият, қолаверса, адабиёт қанчалар ютқазгани тарихдан маълум! Ёзувчи мана бу хатарни кўрган, билган ҳолда ўз асарида Мулла Обид намунаси орқали гўё тарихнинг шафқатсиз оқимида терс бориб,

хато сиёсат тазйиқига тушиб қолган гумроҳ бандаларга сабоқ бермоқчи бўлгандай туюлади.

Қиссада колхоз йўлига кирган меҳнаткаш деҳқоннинг умумий кайфияти – улардаги коллектив хўжаликнинг истиқболи, бахтли, фаровон турмуш ҳақидаги тарғиботларига болаларча умид-ишонч, шу ширин орзу-ишончдан туғилган чексиз ғайрат-шижоат, саратон қуёши остидаги дўзах азобига тенг меҳнатни роҳат-фароғат билиб, ўзларини қуёш билан курашга чоғлашлари, қўлга киритилган озгина омадни катта бахт санаб зўр тантана қилишлари, ютуқлардан сўз очган нотикнинг ҳар бир гапига олқиш ёғдиришлари – барчаси ажиб бир нозик киноя билан қаламга олинган. Бу картиналар А.Платонов повестидаги истеҳзоларга тўла меҳнат тасвирини ёдга туширади.

Қизиғи шундаки, колхоз ҳаёти, меҳнат-шижоати, дабдабау асъасалар тасвири орасида гоҳо бир дақиқагина деҳқонларнинг ночор, аянчли аҳвол-ҳолати – орзу-умид қанотидаги парвоз билан реал турмуш орасидаги зиддият ярқ этиб кўзга ташланиб қолади. Мана, одамлар байрам кунинда ҳам дам олмай балчиққа қоришиб, тинка-мадори куриб, курсоқлари яланиб меҳнат қилаётирлар. Шунда кўкдан улар учун байрам муждаси ёғилади, самолётдан байрам варақалари тарқатилади, уларда, жумладан, «Биз коллектив хўжалик орқали фақирликдан қутуламиз» деган сўзлар ёзилган. Зовурда ишлаётган соддадил деҳқонлар бу «умидбахш» сўзлардан қувониб, бу ваъдаларга учиб, гўё бахт талашаётгандек «яшасин» деб қичқирадилар, зовурда чапак, олқиш, «яшасин» товушлари янграйди...

Нарироқ бориб меҳнат шижоати билан ёнган, фаровон турмушга умид боғлаган деҳқонларнинг ҳақиқий ҳоли маълум бўлади: «Сигирлилар шаҳарга сут, қатиқ сотиб, пулини рўзгор керак-яроғига яратиш учун бир-икки кунга идорадан рухсат сўрайдилар. Сигирсизлар пулсиз қийналганликларини арз қилиб, бирор ҳафта мардикор ишлаб, беш-ўн сўм топиб қайтиш учун изн истайдилар. Баъзилар этиксиз шудгорда қийналганликларини кўрсатиб, идора этик бермаса, ишга чиқмасликларини танбеҳ қиладилар».

Ҳар қандай ғайрат, меҳнат шижоатининг ҳам чегараси бор. Қарангки, колхоз ҳаракатининг илк босқичидаёқ бошланган зўр меҳнат шижоати моддий муҳтожлик туфайли секин-аста сўна бошлаган. Энди меҳнатни уюштиришнинг бошқа чора-тадбирлари кўрилади – қаттиқ меҳнат интизомини ўрнатишга, зўравонликка ўтилади. Колхозчиларнинг бояги арзи

додларига идоранинг жавоби шундай: «Идора уларга изн беролмайди, чунки изн бериш – колхоз ишини ост-уст қилиш деган сўз. Бундан ташқари, ўн кишига изн берилса, эртага йигирма кишининг рухсат сўраши турган гап. Шу билан бирга, гарчи баъзиларининг узри бир баҳонадан иборат бўлса ҳам, баҳарҳол уларни сукут қилдириш учун тадбирлар лозим бўладир».

Эркин меҳнат хўжалиги орзусида ташкил топган колхоз хўжалиги шу тариқа бора-бора меҳнат каторгасига айланган. Ҳатто Обид кетмондай тадбиркор, инсонпарвар одам ҳам ўша хилдаги шафқатсиз тартиб исканжасидан чиқиб кетолмайди, хўжаликда қатъий меҳнат интизоми ўрнатиш бобида кўпинча қаттиққўлликни ҳаддидан ошириб юборади. Чунончи, танбалроқ одам Аҳмад тоға ёзилиш баҳонасида меҳнатдан бўйин тоблаганда, уни тафтиш қилиб, ёзилган жойини бориб текширади, шу тариқа унга танбеҳ беради, уялтиради...

Юқорида келтирилган колхозчиларнинг моддий аҳволига оид лавҳа колхоз ҳаракатининг биринчи йилига тегишли. Орадан тўрт йил ўтиб, колхоз қурилиши «дев қадамлар билан илгариланган», тўрт йиллик ғалабани нишонлашга бағишланган катта тантана арафасидаги умри бетиним меҳнатда ўтаётган деҳқонларнинг ҳол-аҳволи ҳақида муаллиф мана буларни ёзди: «Аъзолар ёз ўтиб кийим-кечакка, кўрпа-ёстикка қарай олмаганлар. Барчанинг яктак-иштони, тўн ва чолвори лавак-лавак бўлган, этиклардан пайтава осилиб юрийди. Аксар дўппилар тепчиғидан қирқилиб, пилтаси кўриниб туради...»

Шуниси ҳам борки, биз юқорида тилга олган ўринлар, қиссада кўтарилган колхоз қурилишининг илк босқичига оид талай зиддиятли ҳолатлар, муаммолар бутун ўткирлиги билан ўқувчини ўйга толдирадиган, ларзага соладиган пафос даражасига бориб етмаган. 30-йиллар шароитида бунинг иложи ҳам йўқ эди. Бироқ ўша кезларда колхоз ҳаракати ҳақида шунча гапларни, бор ҳақиқатни йўлини топиб айтиш, ифодалаш катта шижоат эди. «Обид кетмон» ҳақиқати ўша мураккаб йиллар ҳақидаги бугунги ошкоралик, демократия даври тафаккурига кўп жиҳатдан мос тушиши кишини ҳайратга солади, ўз давридан бир неча йиллар илгарилаб кетган донишманд, ҳақгўй, чин реалист адибимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромимизни яна бир карра оширади.

Умарали НОРМАТОВ

ОБИД КЕТМОН

(Колхоз ҳаётидан қисса)

БИРИНЧИ ҚИСМ

1. ТИКТЕПА ҚИШЛОҒИ

Ҳозир «Пахтачи» колхозининг гўзалари орасидан борамиз... Нега булар бундай, буларнинг эгалари ўлганми, деган савол кўнгулга келиб туради.

Кўнгулга бундай саволнинг келишига бир томондан ҳақли ҳам кўрунамиз: гўзаларнинг энг «унган»лари ярим газдан ошмайди, аксарияти эса, ерга қанот ёзган мусичадек бир-икки-та «ҳаромзода» кўсагини очган бўлиб ётади. Баъзи жойларни баланд бўйли гўмайлар босиб, ҳалиги «ҳаромзода»¹ларни ҳам кўриб бўлмайди.

Унда-бунда учрашиб турган бедазорлар сувсиз қолиб қувраган, суғорилган ўрунлари ҳам «суғордингми суғордим» қабилидан сув теккан жойлари кўклар, тегмаганлари қувраб «кал боши» манзарасини беради. Аҳёнда бир беда анғизида ўтларб юрган ориқ хўкуз ва қовурғаси саналиб кўрунган яғир отлар бу манзарага яна маҳзун бир «оханг» бериб, чор-ночор сизни бу жойларнинг эгаси ўлган ёки экинни экиб, ўзи бир томонга ҳижрат қилган, йўлда юролмайдирган ориқ молларни ташлаб кетган, деб ўйлашга мажбур қилади...

Бу ҳол ва бу маҳзун кўруниш ярим соат чамаси давом этгач, ҳеч бир кутмаган жойда бирдан биз ўзимизни бошқа бир дунёда кўриб қоламиз. Бирдан манзара ўзгара бошлайди!

Орадаги фарқ фақат бир қир: қирнинг бериги тарафи бояги аҳвол, нариги томони одам бўйи бўлиб ўскан, бегона ўтлардан соф кўм-кўк гўзалар денгизи, қирқ-элли кўсакни кўтаришолмай турли томонга таъзим қилишган пахта «дарахтлари» ердан

¹ Ҳаромзода – бу ерда: бегона.

бир метр кўтарилиб, оч бинафша ранг гуллаган, кўкликдан ўтиб барглари қорамтилга айланган, тилсиз ҳайвонларнинггина эмас, ҳатто тилли ҳайвонларнинг ҳам иштаҳасини қитиқлайдиган йўнғучқа кўллари ўнгида кўрамиз. Бу қандай тафовут?

Ер, сув, ҳаво, иқлим қирнинг икки томонида ҳам бир, фарқ қиладирган орадаги масофа фақат икки юз одим, аммо экин билан экин орасидаги айирма ер билан кўкча, Америка билан Африқача.

Сўнги манзара давом қила беради, кишида бир нав баҳр очилиш бошланиб, кўкракка шамол тегади.

Йўлакай анғизда ўтлаб юрган семиз, ҳайбатли ҳўкузлар оёқ товуши билан озгина вақтга анғиздан бош кўтариб, бизга қарайдилар-да, яна мазали чўпни ердан тишлаб тортишга бошлайдилар. Қорни солинган семиз биялар елинларини тирсиллатиб, ердаги ўтга қарамай бошларини лақиллатиб чибинлар билан курашиб турадилар, анғизнинг турли томонида сакрашиб юрган дўндук қулунлар гоҳ ўтлаб, гоҳ кишнаган кўйи оналарининг сутига югурдилар. Ўртача гўштли ишчи отлар келган-кетганларга парвосиз, анғиздан бош кўтармайдилар. Ариқ ёқалаб ўсган турли дарахтлар ҳам қуруған, мертилган шох бутуқлардан тоза, гўё сартарошлиқдан чиқиб, ўзига тенг «ёр» қидирган шаҳарнинг олифта йигитларидек яшнайдилар. Маржон каби қизарган меваларини кўтаролмай, турли томонга бош эккан жийда дарахтлари узоқдан кумуш каби оқариб кўрунадилар.

Узоқ-узоқда ҳали кун кўтарилмаганига қарамай, иштонларини липпа уриб, қўллариға кетмон ушлаган йигитлар пахта суғориб юрийдилар...

Хулоса, теварагимизни сириб олган ҳозирги манзара бояги маҳзун кўруниш таъсиридан бизни қутқаради.

Икки томонимиз гоҳ тўқай каби ғўза билан ва гоҳ йўнғучқа, баъзан мош ва жўхорилар билан ўралган ҳолда ярим соат чамаси жануб-ғарбиға қараб борганимиздан кейин, энг илгари Тиктепа қишлоғининг теварагидаги боғ-боғчаларнинг дарахтлари, ундан сўнг қишлоқнинг ўнг елкасига кўклам уфқиға чиқатурган бир паға лойқа булут каби ётган Тиктепа кўрунади. Бора-бора тепа зўрайиб, қишлоқнинг гузаридаги йўғон туп толларнинг тўрт томонига қулоч отган бутуқлари, бутуқлар орасидан «Четан» колхозининг бултур солган зўр қлубининг оқ тунука томи, шу қлуб ёниға район маорифи томонидан бултур солиб бе-

рилган етти йиллик қишлоқ мактабининг қизил бўёқли тунукаси, шу қаторга учинчи бино бўлиб ўлтурган ва ичига матлубот кооперативи, қишлоқ омонат кассалари жойлашган, ҳозирча деворларидан ганчланмаган иморат. Унинг нариги ёнидаги шу кунлардагина янги биноларнинг бешинчиси бўлган ва ҳозирча тераза, эшикларидан қурулиб битмаган «Четан» колхозининг хунари устaxonаси томлари кўрунади.

Яна бир оз юргандан сўнг қишлоқ кўчасига кирилиб, бундаги бинолар макки-чакки, қинғир-қийшиқ оддий қишлоқ уйлари бўлиб, оғизга оларлик бир фазилат кўрсатмайдилар.

Аммо кўчаларда бошқа қишлоқларга нисбатан бир мумтозлик кўрунади: кўча ва эшик олдилари озода, ўзга қишлоқларда кўрулгандек кўча ва эшик олдиларига гўнг, тезак, кул, хашак, супуринди каби нарсалар тўкмаганлар, кўчалар супурилиб, сув сепилган, чанги ётиштирилган.

Қлуб биносига яқинлашғач, «Туғлуқ ариқ» суви кўчани кесиб ўтади. Тахта кўпрукнинг нариги томони боя айтилганча янги бинолар бўлиб, олдиларига қатор ар-ар тераклар эканлар. Кўчанинг ўнг томони эски кунларнинг «ёдгори» бўлган қатор тахтабандлик дўконлар, кўпрукнинг ўнг муюши қизил чойхона, нариги бети зўрғина майдончадан иборат бўлиб, қарши тараф ҳам чор хари катта собиқ чойхона ва сарой (колхоз отхонаси) биноларидир. Бу йилги қурт тутиш мавсумида «Четан» хотин-қизлари шу чойхона биносида колхознинг бир қисм қуртини боқиб бердилар.

Саройнинг нариги томонидаги ҳовли «Четан»нинг идораси бўлиб, бу эски иморатларнинг орқа тарафи ҳалиги Тиктепадир. Тепанинг талай ҳиссаси кўчанинг бу бетидаги янги биноларнинг хом гишти, сувоғи каби бинокорлик эҳтиёжларига ишлатилиб, бир нимтаси олинган туядек кўрунишга келиб қолган. Бу тепа сарой орқасидан бошланиб, етмиш метрча масофага чўзулади, эҳромий бир шакл олиб, нариги этакдан колхознинг гўзаси бошланиб кетади. Келаси йил бинокорлик мавсумида муюшдаги чойхона, сарой ва ҳозирда колхоз идораси ўрнашган бино ҳам бузулиб, тепанинг ости қатори билан аравасозлик устaxonаси, колхоз отларини марказлаштирадиган отхона, арава, от жабдуқлари сақланатурган омбор, қишлоқ хўжалик машина ва асбоблари омбори, ем-хашак бостирмалари бино

қилинмоқчи ва бу биноларга кетатурган кесаклар ҳам, албатта шу тепадан қуйилса керак.

Шу хилда бинокорлик давом этиб турғанда Тиктепадан бир неча йилнинг ичида фақат бир хотирагина қолиши турган гапдир.

Ҳозирча қишлоқнинг бошқа бутоқ кўчаларига айланишмай, колхоз идорасига кириб чиқамиз.

Бултурги йил кулоққа чиқарилиб, Украинага жўнатилган Абдужалил тегирмончининг кичкина меҳмонхонаси «Четан» колхозининг идораси эканлигини биз юқорида ўқуб билганмиз. Иккита содда, тахтаси бўялмаган оқ устолнинг бирида колхоз саркотиби Умарали, иккинчисида ҳисобчи Абулқосимлар шуғулланмоқдалар. Ҳар икки устолнинг бу томонига қўйилган ёғоч эшакка яна икки киши омонатгина ўлтуриб, нима тўғридадир қаттиқ-қаттиқ сўзлашмоқдалар. Булардан бириси, Четаннинг раис муовини, йигирма беш ёшлар чамалик, ярим янгича кийинган қотма Мирсоат исмлик бўлиб, қўлида ушлаган қоғозини туртиб кўрсатиб, борлиқ товуши билан қичқиради. Иккинчиси, Четаннинг раиси Мулла Обид – 45 ёшларда, бугдой рангли, кенг яғрин, қўнғир тусли соқол-муртини ўртача ўстирган, оғир ҳаракатланатурган, зўр қора кўзли, қирра бурун, оғир бошли, олди очик кўк яхтак, қалами тик иштон, қўн этик кийиб, тагдўзи тўпписини сўл қўлининг йўғон бармоқларида ушлаган ва ўнг қўли билан сўзлагувчисининг сўзини очикроқ эшитиш учун бўлса керак, ўнг қулоғини букиб тутган ҳолда кўзини Мирсоатнинг оғзига тикиб туради...

– Ўнинчи сентябрдан бошлаб теришга қарор қилганлар, – деб қичқиради Мирсоат, – сентябр плонини 25-нчигача бажаришга буюрадилар!

Мақсадни англаган Мулла Обид қўлини қулоғидан олиб, тўпписини бошига кийиб олади ва Мирсоат нечоғлиқ қичқириб сўзлаган бўлса, Мулла Обид шунчалик оҳиста қилиб масалани қайтадан сўраб қўяди:

– Ўнинчи сентябрдан теришга буюрганлар?

Мирсоат бош қимирлатиб жавоб беради. Мулла Обид бир оз сўзсиз қолади.

– Кеча колхозлар билан пункт орасида ўтказилган маслаҳат мажлисида иштирок қилган Мардонбой ҳам шундай деган эди, – дейди Мулла Обид ва яна бирмунча вақт жим ўлтуради.

– Хўш, ўнинчи сентябрдан бошлаб тера берамизми? – деб

Мулла Обиднинг қулоғига яқинроқ келиб бақиради Мирсоат.

– Йўқ, биз теролмаймиз, – дейди оҳиस्ताгина қилиб Мулла Обид, – бизникини теришга ҳали вақт бор.

Мирсоат бақириб гапиришдан зерикади-да, қўлидаги қоғозга ишорат қилиб қўяди.

– Буйруқни ёза беради! – дейди қўл силкиб Мирсоатнинг ишоратига жавобан Мулла Обид, – мен 25-сентябрдан илгари гўзани ичига одам эмас, ҳатто бир мушук ҳам киритмайман.

Мирсоат ва ановилар Мулла Обиднинг қатъиятидан илжа-йишади.

– Бизнинг гўза «Пахтачи»нинг ерга қанот ёзиб туллаш учун бағрини иссиқ кесакка бериб ётган мусичага ўхшаш умирвоқи гўзасидан эмаски, теримчилар Мирзанинг чўлида юргандек гўзани ораласалар, – дейди Мулла Обид, – ҳар тупнинг тегидаги иккита-учта очилган пахтани териб оламан деб, ўн тарафга қулоч отган гўза шохларини қийратиб олайми, иккита очилган пахта деб йигирмата кўсакни сўлитаёми?

Мирсоат ўрnidан кўзгалиб, Мулла Обиднинг қулоғига шанғиллайди:

– Юқори ҳукуматлар ҳам бизнинг районнинг биринчи теримини ўнинчи сентябрга белгилаганлар!

Мулла Обид бошини чайқатиб олади:

– Мен анови кун юқори ҳукуматларнинг буйруғини ҳам ўқутиб эшитканман, – дейди бепарво, – буйруқда «экиннинг шароитига қараб ўнинчи сентябрдан биринчи терим бошлансин» дейилган. Экиннинг шароити нима деган сўз? – Шароити деб экиннинг чоғи, вақти, фурсатини айтадилар. Юқори ҳукуматларнинг қилни қирқ ёрадиганлардан бўлмаса, ундай ўрун-га ўтқузмас ҳам эдилар. Умарали, сен мана шу қоғозни бизга юборган идорага: «Бизнинг гўзаларнинг териш чоғи ҳали етган эмас, йигирма бешинчи сентябрдан илгари биз теримга кира олмаймиз, йигирма олтинчи сентябрдан бошлаб ҳар кун пахта топшира борамиз. Ўнинчи ўктябрда йиллик пахта шартномазининг саксон процентини бериб битирамиз. Агарда буйруғингизда қаттиқ турмоқчи бўлсангиз, пахталаримиз ҳолини кўриб, баҳо бериш учун комиссия чиқарингиз», деб ёз дейди-да, Мирсоатнинг қўлидаги қоғозни олиб, Умаралига беради ва Мирсоатни қаноатлантириш учун бўлса керак, – Кеча ҳосилот комиссияларимиз билан шу қарорга келиб қўйганмиз –

деб ўрнидан туради. Расмий одамларга бир яримта келадирган қаддини рост тутган ҳолда, кўн этигини ерга гурс-гурс босиб, эшик олдига келгач, тўхтади:

– Мен букун экинларни айланаман, – дейди, – сен, Умарали, идорани кишисиз қўйма, Мирсоат, сен бугунги ишингни хотирлайсанми?

– Хотирлайман, ҳозир 15 аравани қўшишга буюрдим.

– Яхши. Бўлтаклардан¹ келган рўйхатни қўлингда ушлаб юр; озгина беда учун ортиқча аравани шалдиратиб юрма, қўлингдаги рўйхат ҳисоби билан араваларни бўлтакларга тақсим қилиб юбор, ўзинг энг кўп бедали бўлтакка бориб тур... Мен ҳам эҳтимол сенлар билан учрашиб қоларман.

Мулла Обид чиқа бошлаган жойида бош қашиниб яна тўхтади:

– Мен кеча ҳам тайинлаган эдим: бедани фақат Карим ота билан Мирвали бангигина боссинлар, бошқа киши босадирган бўлса ўхшатолмай, ғарамни ёгинга чидамсиз қилади.

– Дуруст, уларнинг ўз вазифаси-да! – деб бош қимирлатади Мирсоат.

– Сиз биринчи навбат бедани кетиргунча Карим ота билан Мирвали банги ғарам тушатурган жойни ёноқроқ, сув тўхтамайтурган қилиб текислаб турсинлар!

Мирсоат бош қимирлатади.

Мулла Обид қаноатланган ҳолда бир қадам ташқариға босиб, яна Мирсоатга қайрилиб ён қарайди.

– Нега сен қимирламай ўлтурасан, онанг тинчлик учун туққанми?

Мирсоат ижирганиб ўрнидан туради-да, ўзича шикоятланади:

– Бу кар жондан безор қилади-да.

Мулла Обид Мирсоатнинг қимирлаган лабини кўради, нима деётганини, албатта, эшитмайди, аммо ҳарҳолда ўз муомаласи Мирсоатга ёқмаганини сезади:

– Ҳозир кун ёйилиб кетди, кўплар ярим кунлик вазифасини тугатди... Сенинг араваларинг ҳануз қўшулмаган, ўлтурушинг бу, қишда моллар ҳаром қотмаса шу...

– Арава минувчилар ҳозир чой ичишаётибдилар! – деб кичқиради Мулла Обиднинг ёнига келган Мирсоат.

¹ Бўлтак – деб бунда участкани айтадилар (Муаллиф).

– Сен чикиб тур-да, ахир, уларингни қўя берсанг, эҳтимолки, тушлик ширчойни ҳам ичишиб олсалар...

Мирсоат жавоб қайтармай, нимадир айтиб гўнгуллайди, иккиси олдин-кетин кўчага чиқади. Сарой дарбозасига етканда Мулла Обид тўғрига қараб ўта беради, Мирсоат унинг орқасидан қичқириб сўрайди:

– Отга минмайсизми?!

Мулла Обид орқасига қарайди:

– Нима дейсан?

Мирсоат отни қамчилағаннамо Мулла Обидга ишора қилади.

– Ҳа... – дейди Мулла Обид, – от йўқ, мен яёв айланаман.

– Тўруқ йўрға-чи?! – деб бақиради Мирсоат.

– Боқишга юбордим, кеча Мардонбой миниб койитган эди.

– Оёқдан йиқиласан, занталоқ, – дейди эшитдирмасдан Мирсоат.

– Йўқ, унча кечикмасман, тунови кун ҳам яёв юриб, етти бўлтакни охирпешингача¹ айланиб чиққан эдим.

Мирсоат илжаяди.

– Бўлмаса, саманни мининг!

– Саманни сен мин, сен арава билан баравар юрмасанг бўлмайди.

– Мен жийронни эгарлатаман! – деб бақиради Мирсоат.

– Жийронни ҳам тўруқ билан анғизга юбордим, унинг ҳам ўнқови йўқроқ кўрунди... Отхонада бу кун аравага қўшуладирган отлар билан сен минадирган самандан бошқа от йўқ.

– Жин урсин сизни, – деб кулади Мирсоат.

– Ҳа, эрталаб юзимни ювмасдан отхонадан хабар олиб жўнатганман! – дейди Мулла Обид ва гурс-гурс кўн этигини ерга босиб йўлига кетади.

2. ОБИД КЕТМОН

Мулла Обиднинг асли теги деҳқон эмас. Отаси шаҳарлик бир косиб, деҳқонларча таъбир қилганда «сояпар» бир одам.

«Нон-насиб»ми ёки тирикчиликми, ҳар ҳолда шу иккисининг бири Мулла Обидни Тиктепа қишлоғига келтириб қўйган.

Чамаси бундан ўн бир-ўн икки йиллар илгари Мулла Обиднинг асли касби бўлган кўндўзликнинг мазаси бўлмайди, яъни бозор-

¹ Охирпешин – соат тўртлар атрофи, аср намозидан олдинроқ пайт.

дан танавор¹ топилмай бола-чақаси анча ториқади.² Мулла Обид ночор қолиб, мардикор ишлаб юрганда Тиктепа кишлоғининг ўртаҳол деҳқонларидан бўлган қайнотаси Холмирза ака куёви Мулла Обиднинг мардикор ишлаб юришига розилик бермай, қизининг мероси важҳи билан ўзининг йигирма таноб еридан беш таноб ерни бериб, қолмуш ўн беш танобини икки ўғлига қолдиради. Холмирза ака болажонлик бир кекса бўлганликдан ер бериш билангина қолмай, биринчи йилда ерни хайдаб, экишиб, ҳатто овқат жўнларидан ҳам қарашиб туради.

Мулла Обидга берилган ер кўпдан буён гўнг отини эшитмай, ғумай ва ажриқ босиб ётган шилтароқ ер³ бўлиб, бу йил экин унча яхши унмайди, шундай ҳам бўлса, қишдан чиқарарлик даражада жўхори, мош, ловия, картошка, ковоқ каби ҳосил беради.⁴ Аммо Мулла Обид бу йил деҳқончилик илмлари билан яхшигина танишиб, ҳамма нав чопиқларга ўрганеди, турли экинларнинг сувга эҳтиёж даражалари, касаллари, зараркундалари, ернинг кучайтирадирган хурушлар ва шунинг каби кўп тўғриларда маълумот олади. Айниқса, ердан яхши унум олиш учун ернинг бегона ўтлардан тозаланиши, кузда чуқур чопилиши, гўнг солиниши каби масалаларга кўп аҳамият бериб қолади.

Кузги йигим-теримдан сўнг ерни ғумай ва ажриқлардан тозалаш тўғрисида қайнота ва қайноғалари билан кенгашади. Улар кузда ағдариб хайдаб қўйишдан бошқа чораси йўқ, дейдилар. Бу кенгашга Мулла Обид унча қаноатлана олмайди. Чунки, омоч билан жуда ҳам чуқур олинганда, ўн икки вершиқдан⁵ нарига етказиб бўлмайди. Ҳолбуки, Мулла Обиднинг ўз синовича, ғумайнинг томири йигирма, ҳатто йигирма беш вершиқ чуқурда ётади.

– Кетмонлаб ағдармағанда, ғумай қурумас деб ўйлайман! – дейди.

– Албатта, кузда қўш солиб, бир йилда ғумайни қурутиб бўлмайди. Ғумайни қурутишга уч-тўрт йил керак. Аммо беш та-

¹ Танавор – пойабзалнинг бошлиғи ва кўнжи учун ишлатиладиган тери ва ундан тайёрланган хомашё.

² Ториқмоқ – танг, мушкул аҳвол.

³ Шилта ер – ташландиқ, изза ер.

⁴ 1921-22-нчи йиллар пахтакорликнинг энг орқага кеткан давридир (Муаллиф).

⁵ Вершиқ – бершок, 4,4 см га тенг узунлик ўлчови.

ноб ернинг ғумайини кетмон билан бир йилда чошиб қурутиш мумкин бўлса ҳам, бироқ бу иш бир кишининг уҳдасидан келмас, – дейдилар.

– Мен шу куз бекорчиликда бир ғайрат қилиб кўрмакчиман, – дейди Мулла Обид.

Улар кулишади.

– Ўзингизни койитиб овора бўлманг, тайёр бизнинг қўшда хайданг-қўйинг. Агар куз ҳавоси яхши келса, жуда ғайрат қилганингизда, икки ярим танобдан ортиқ чошиб тоза қилолмайсиз.

Мулла Обид индамайди. Эртаси кун қайнотасидан от арава сўраб, шаҳарга беш-ўнта қовоқ билан икки пуд мош олиб боради. Буларни сотгандан сўнг кетмончиликка бориб, каттароқ бир кетмон излайди. Кетмончиларнинг энг катта деб билган ўн қадокли кетмонлари ҳам Мулла Обидга ёқмайди. Кўнгулдагича кетмон тополмагандан кейин бир кетмончига бир ярим кетмон баҳога бир катта кетмон буюради. Кетмоннинг вазнидан қатъи назар, кетмоннинг бет катталигини ерга чизиб кўрсатади. Ерга тушган доира чизиқ катта ош баркаш ўлчовини беради. Кетмончи илжайиб сипоришни¹ қабул қилади, Мулла Обиднинг орқасидан шогирдига «шу гавдасига бу кетмон ҳам кичик», деб кулади.

Орадан уч кунни ўтказиб Мулла Обид яёвлаб шаҳарга тушади, кетмонни олиб, васса бозорига киради. Кетмонига яраша соп солдириб, далага қайтади.

Тиктепа қишлоғининг гузарида Мулла Обиднинг қўлидаги фавқулодда кетмонни кўрган ҳар ким кулади:

– Афросиёбдан қолган кетмонми десак, янги... Кетмоннинг ўзини кўтарасизми ёки бир ярим пудли тупроғиними, почча? – деб ҳангама қилишадилар.

Қишлоқнинг ҳар бобига ҳам дарров баҳо берадирған Мирвали бангиси кетмонни юқари кўтариб ерга ташлайди:

– Нах ярим пуд, тўлатиб турпоқ ирғитмоқчи бўлган бизлар-декларнинг белини синдиради, аммо поччамнинг гавдасига қарағанда, эгасига бало ҳам урмаса керак, – дейди ва Мулла Обиддан қичқириб сўрайди, – бу ҳолвачининг лаълисини² нима қиласиз, кўёв?!

– Ғумай кўчираман.

– Ўзимизнинг жайдари кетмонлар ҳам кифоя қилар эди-ку?!

¹ Сипориш – топшириқ.

² Лаъли – патнис.

– Турпоқ катта кўчмай, томири узилиб қолар экан, – дейди ва орқасидан, – кичкина кетмонда овора бўлиб юрамизми, – деб илжайди.

Мулла Обиднинг кетмонидан қайнота ва қайноғалари ҳам кулишадилар.

– Ер чопишга оғирлик қилар... аммо сув бўғишга боп кетмон ясатибсиз, – деб қўяди қайнотаси.

Эртасидан бошлаб Мулла Обид ҳалиги фавқулодда кетмон билан ер чопиб, ғумай ва ажриқ теришга киришади. Кузнинг энг қисқа кунда ярим таноб ерни ағдариб, ғумай ва ажриғини хирмон равишли уюб қўяди. Ишга кулги йўсунида қараган Холмирза ака иккинчи кун куёвининг олдига келади. Ҳар бир кетмонда бир пуд чамаси турпоқ кўчириб, бир уришда ярим мурабба¹ метр жойни ағдариб борган Мулла Обиднинг кучига ичдан таҳсин ўқуб, бурнига нос искаб олади ва:

– Ўзингизни унча койитманг, болам! – деб қўяди.

Гузарда гап кутиб ётган Мирвали бангига ўхшаш «достончилар» Мулла Обиднинг қўлида кўрулган кетмон ҳақида Тиктепа қишлоғига жар солиб юборадилар. Зўр кетмоннинг ҳикояси оғиздан-оғизга ўткан сайин афтига кўз, қош қўя боради: ошбаркашдан тарозисаватга, тарозисаватдан суфра зўрлигига бориб етади. Жуда ҳам қизиқсинганлар киши билмас Мулла Обиднинг шудгорига келиб, ўз кўзлари билан ваҳмали кетмонни ва кетмондан ҳам Мулла Обиднинг даст бозусини² томоша қилиб кетадилар. Энди гузар ва йиғинларда Мулла Обиднинг кучи ҳақида муболаға бошлайдилар:

– Бир кунда бир минг кетмон урса, минг пуд турпоқ ағдаради! Мирвали банги дарров бу сўзга илова қилади:

– Байталмон кетмон ярим пуд бўлса, жамулжам бир ярим минг пуд дегин...

Мулла Обид ўн уч кун деганда беш таноб ерни чопиб, ерни кип-қизил шудгорга айлантиради, бир четга хирмон каби ғумай ва ажриқларни йиғиб, бир қишлик ўтунни ҳам олади.

Холмирза ака ерни чопиб битириш олдида Мулла Обиднинг олдига келади:

– Бажосиз³, Мулла Обид! – дейди ва бурнига нос искаб ола-

¹ Мурабба – квадрат метр.

² Дасту бозу – қўл ва тизза; қомат, савлат.

³ Бажо – яхши, дуруст.

ди, – энди шу меҳнатингизга юз аравагина гўнг ҳам бўларми-ди-я, худди келаси йил ерингизга одам экса ҳам битар эди.

Мулла Обид фавқулодда кетмонига суяниб, қайнотасининг сўзига қулоқ солиб туради.

– Гўнгни айтасизми, – деб ўйланиб қолади, – сигир-бузоқ йўқ, арава бўлмаганда ҳам, биттагина отни эплотмадик.

– Гўнг ўрнига тепанинг турпоғини солса ҳам бўлади-ку, – деб тўхтади Холмирза ака ва бир оз ўйлагандан сўнг давом қилади, – бироқ қийин-да, ағдарма шоти керак. Бизнинг бу ўрталардан ағдарма шоти топилмийди... Бўлмаса, мана шу хирмонтепанинг ранги гўнгга қараганда юз мартаба яхши!

Мулла Обиднинг қулоғи тиккаяди.

– Тепанинг турпоғи дейсизми?

– Ҳа, – дейди Холмирза ака, – мана шу хирмонтепанинг турпоғи нукул гўнг-да, дехқонлар буни ранг деб атайдилар. Минг йиллардан буён устида мол боқилиб, куз келиб хирмон кўтарилади... Ағдарма шоти бўлганда...

Мулла Обид кетмонни қўйиб, қайнотасининг ёнига келиб ўлтуради ва ернинг жанубига тиралиб ётган кичкина хирмонтепага қарайди...

– Бу тепа ўзи сизники-а?

– Ҳа, шу ерлар билан бирга отамиздан қолган-да.

Мулла Обид бир оз ўйлаб, ердаги бир чўпни синдириб ўлтуради ва илжайганнамо Холмирза акага қарайди:

– Шу тепангизни ҳам бизга бера қўймаган экансиз-да?

– Биз бермасак ҳам, сиз ола қўйинг! – деб кулади Холмирза ака, – нима қилмоқчисиз, ранги керакми?

Мулла Обид чўпни ўйнаб ерга қараб илжаяди:

– Ранги ҳам керак, ери ҳам... Ҳамон, энди дехқон бўладирган бўлсак, биратўласи бўлайлик, дейман-да.

Холмирза ака кулади:

– Хўп, хирмонтепа ҳам сизники бўлсин, аммо ағдарма шоти бўлмаса, тепани олиб битириш қийин, ўзи бир таноб¹ мўл жой... Ортиқча турпоғини олиб ерингизнинг ана шу сойларига² солинса, кафтдак ер бўлар эди-да, Мулла Обид.

¹ Таноб – турли ерларда турлича (1/6 гектардан 1/2 гектаргача) қийматга эга бўлган ер ўлчови. Масалан: Фарғонада 1 гек. – 5 таноб, Тошкентда 1 таноб – 40x50 метрда ўлчанган.

² Сои – чуқур, паст.

Мулла Обид индамайди, ташаккур айткан каби илжайиб кўяди.

Мулла Обид қишни шаҳарда ўтказиш фикридан кутмаганда айнаб қолади. Хотини Фотима опанинг: «Шаҳарга кўчиб тушадирган бўлсак, ҳаво ёғмасдан дон-дун, сапча-супчаларни таш-моллаб олиш керак эди» деган сўзига, «шаҳарга бориб нима ҳам қилдик, отанг биздан бир уйни аямас; шунда қишлаб, қишлоқнинг ямоқ-ясқоғини тикиб ётаман», дейди.

Ерни шудгор қилиб битиргандан кейин, Мулла Обид шаҳарга тушиб кетади ва уч кун чамаси шаҳардан қайтиб келмайди. Фотима опа ташвишга тушуб, Холмирза ака шаҳардан чиққанлардан хабар олиш учун гузарга чиқади. Ундан-бундан дарак сўраб юрганда аравасига баҳайбат катта занбалғалтак ортган бир деҳқон келиб, Холмирза акага занбалғалтакни топширади:

– Яхши ўзингиз учрашиб қолдингиз, буни шаҳардан куёвингиз бериб юборди. Ўзи ҳовлисини бировга ижарага қўйиб чиқмоқчи, эрталарга бориб қоларман, деб айтди, – дейди.

Холмирза ака Мулла Обиднинг мақсадига тушуниб илжаяди. Мирвали бангининг кўмагида аравадан занбалғалтакни тушириб оладилар. Кўрулмаган даражада катта, тут новдасидан тўкулиб, йўғонлиғи бир қулоч қайрағочдан ғалтак ўрнатилган занбал устига гузардагилар йиғилишиб келадилар. Мирвали банги қизиқчиликка бошлайди:

– Тунови кунги кетмоннинг шериги! – деб ҳаммани кулдуради, – Холмирза ака дейман, куёв боласи тушкур нималар қилмоқчи? Суфрадек кетмон, аравадек занбалғалтак; бизнинг Тиктепа деҳқонларини синдиради чоғи?

– Ёш, янги деҳқон-да, ҳали бели оғрмаган! – дейди Холмирза ака, аммо хирмонтепага бўладирган «ҳужум» ҳақида оғиз очмай, ғалтакни ғилдиратиб уйига жўнайди.

Эртаси кун Мулла Обид шаҳардан чиқиб келади. Бу кун дам олиб, эртасидан бошлаб фавқулодда кетмон ва «дахшатли» занбалғалтак билан тепага ҳужум бошлайди. Ҳар бир занбалғалтакда ярим арава чоғлиқ хирмонтепанинг тупроғи кўчиб туради. Бир кунлик иш натижасида ернинг анчагина сатҳини олган уч юзтача кичкина қабрчалар ҳосил бўлади. Тепадан ҳам мурабба ўн беш саржин¹ чамаси янги ер очилади...

Кечки пайт қўлида бир хивични ўйнаб, Мулла Обидга томон

¹ Саржин – сажен (рус.), уч газга тенг узунлик ўлчови (1 газ – 0.71 метр).

келаётган Холмирза ака, узоқдан ахволни томоша қилиб, не-гадир ўзича илжаяди ва «астағфирулло» ўқуйди. Аммо Мулла Обиднинг қайнотаси ва бошқа келган-кетганлар билан парво-си йўқ, фақат, хирмонтепага хўмрайиб қарайди. Холмирза ака ичидан, «шу ғайратинг, шу ҳимматинг бўлса икки йилда хир-монтепадан аниқ айриламиз» деб ўйлайди, очилган тақир ерда юруниб бурнига нос искаб олади.

Тевага қарши хужумнинг учинчи кунда Холмирза ака ки-чик ўғли Ўктамбойни Мулла Обидга ҳашарга юбориб, ўзи ҳам ҳабўллашиб «ундан ур-бундан тушир» деб туради.

Ўктамбой ҳам ўз тенглари ичида дуркун, орқасида олти пуд кўтариш билан махтанадирган йигит. Аммо, «даҳшатли» занбалғалтакдан ўн қатнашдаёқ эсанкираб, ғалтакни алжитиб кўяди. Мулла Обид билан Холмирза ака унинг ҳолига кулиша-дилар. Сўнгра Мулла Обид ғалтакни ўзи олиб, Ўктамбойни те-пани бузиб турпоқ тайёрлашга кўяди. Ўктамбой язнасининг¹ кетмонини ҳам узоқ ишлатолмай ўзи олиб келган расмий кет-монини ишлатишга мажбур бўлади.

Холмирза ака ўғлидан ярим жиддий койийди:

– Паловимни бекорга еб юрган экансан-да, Ўктам!

Ўктамбой қизаради, Мулла Обид илжаяди. Бу кун кечқурун уйга қайтганда, Холмирза ака қизиға буюриб, куёвига исирик солдиради... Мулла Обид Холмирза аканинг кўнгли учун тўп-писини исирикқа тутар экан, хотинига:

– Кетмонимга ҳам исирик сол, занбалғалтагим ҳам қолма-син! – деб уйдагиларни хахолатиб кулдуради.

Хирмонтепага хужум давом этади. Кетмоннинг ёнига зан-балғалтак ҳам кўшулиб, қишлоқ деҳқонлари Мулла Обид ҳақи-да дoston тўқуйдилар. Баъзи иши камрак деҳқонлар «шундай, шу ёққа ўткан» бўлиб, Мулла Обиднинг кетмон, занбалғалтак, ташилган турпоқларига разм солиб «ҳорма, бор бўл» қилишиб кетадилар. Улар қишлоқ гузарига бориб, бирга ўнни кўшуб «ха-бари мутавотир»² юргизадилар. Аммо Холмирза ака қишлоқда давом этган олмоқдан-солмоқ «ҳабсинишлар»дан қайғилана-ди, кўзикиб қолмаса, деб қўрқади. Бироқ Мулла Обиднинг на ўзи ва на кетмони билан занбалғалтаги кўзикмасалар ҳам, ях-шигина бориб турган куз ҳавосига «кўз тегиб» ердан тўрт та-

¹ Язна – почча.

² Хабар мутавотир – кетма-кет, пайдар-пай хабар.

нобга турпоқ солиб, тепадан чорак танобдан мўлроқ очилган пайтда, бирдан икки кеча-кундуз тинмай ёмғур ёғиб, ишнинг белига тепади. Мулла Обид ҳавонинг яна очилиб кетишини кутиб турса ҳам, ёмғурнинг лойи қурумасдан қор ҳам келиб қолади. Мулла Обид зўр кетмонни қумлаб, ғалтакни сувлаб, бостирмага киргизиб қўйишга мажбур бўлади ва: «Энди қолган бир танобини эрта кўклам турпоқларман» деб тинчийди. Йўқ, тинчимайди – гузарда ямоқчилик дўкон очиб, ҳам ўзининг ҳамда қишлоқнинг эҳтиёжини ўтаб туради.

Эрта кўклам ердан қор кетиб, занбалғалтакнинг ғилдираги шудгорга ботиб қолмайтурган бўлгандан сўнг Мулла Обид яна ғайратга келади. Вақт ўтмасин учун илгари ярим таноб эртаги савзини сепиб, ундан кейин беш куннинг ичида қолмиш ерга ҳам турпоқ солиб битиради. Беш танобга солинган турпоқларни ёзиб, очилган ерни ҳам чопиб шудгор қилиб қўяди.

Холмирза ака бу йил экилатурган экин учун тақсимот ясаб беради: бир таноб пахта, бир таноб эртаги полиз – бодринг, ҳандалак, қовун (полиз олингандан сўнг ўрнига туруп ва шолғом), ярим таноб эртанги савзи (савзи олингандан сўнг ўрнига кечки картошка), бир таноб беда, ярим таноб жўхори, ярим таноб мош, ярим таноб резавор-қовок, лавлаги, пиёз, кечки савзи ва бошқалар. Янги очилган ярим таноб ер бир-икки йил шудгор бўлиб туради, кейинча ток ва мевали дарахтлар киритилади. Ҳа, айтканча, шу кўклам ер теварагини жийда экиб чегараланади, деган гап ҳам режа ичида.

Ерни икки ҳайдаб, молалаб юборгандан сўнг Мулла Обид экинни кетма-кет эка бошлайди: пахта ўн бешинчи апрелда экилиб битади, шунга ўхшаш бошқа экинлар ҳам элдан ўн-ўн беш кун эрта экилади.

Биринчидан куздаги ағдариб чопиш, иккинчидан ярим газ миқдори тушган бегона зўр турпоқ билан ернинг турпоқлилиги бир метрдан ортиб, кун сал қизиши билан экин кўтарилиб кетади. Элнинг экини ердан униб чиқганда, Мулла Обидники чопиқ сўрайди, қўшниларники чопиққа етганда, Мулла Обиднинг бодринги гуллаб найчалайди, пахтаси иккинчи чопиқ сўраб ғунчалайди, қовунлари сапчалайди, савзиси сотишга келади.

Мулла Обид эртаги экинларини элдан ўн-ўн беш кун илгари бозорга чиқаради. Ўзгалар илгариги экинларини бозорга чиқарганда Мулла Обид савзи ва бодрингни сотиб битириб,

ҳандалагини узади, қўшнилар хандалак узганда, Мулла Обиднинг қовунига гал келиб қолади...

Ёлғиз Тиктепа қишлоғидагина эмас, теварак қишлоқларда ҳам Мулла Обиднинг эртаги, экиндаги муваффақияти оғиздан-оғизга юриб кетади.

– Тиктепада Обид кетмон деган бир деҳқон чиққан! Эртаги савзининг ўзидан юз минг сўм капалакка¹ сотиб, белга туккан! Бодринг билан хандалакни ўн беш кун илгари чиқариб, тўрт юз минглик сотиб олган! Остидан олов ёқтимикан, хотинталоқ! – деб ҳабсинишадилар².

Абдужалил тегирмончи эса хандалакни вақтида етказолмаган корандаси³ – Умурзоқдан койиб, «бултургина деҳқончилик бошлаган бир косибча ҳам бўлолмадинг, наҳс босган» деб ичи ёнади.

Холмирза ака куёвининг экинидаги муваффақияти ҳамма томонга донғ тортиши билан талтайиб, дам-бадам бурнига носвой искаб олади ва ўғуллариға: «Сенлар ҳам деҳқонсан-да, асли рисоладаги деҳқон деб куёвингни айтса бўлади!» – дейди, кези келди дегунча, яъни уларнинг ўсиб-унмаган экинларини кўрган сайин чаёндек чақиб олади. Ўзи бўлса Мулла Обиднинг теварагида айланиб ёрдамлашади. Кўпинча ўғулларининг от-аравасига Мулла Обиднинг молини ортиб бозорга сотиб чиқади, Мулла Обиднинг хазинадори сифатида ақчани ўзи ушлаб, рўзгор керак-яроқларини ҳам ўзи тўлдириб туради.

Хандалак сотилиб, битиб, бир-икки арава қовундан ҳам узулгач, йиғилган ақчанинг чўғи кўпайиб, қўлни қаёққа узатилса етадирган бўлиб қолгандан сўнг Холмирза ака мол бозорига кетади. Носвойни искай-искай мол бозорини узоқ вақт ағдариш-тўнтариш қилгандан кейин бир қулунли бия ва бузоқли соғин сигир сотиб олади. Буларни бир қўра қилиб Тиктепа гузаридан олиб ўтканда, бултурги йил Мулла Обиднинг фавқуллодда кетмони ва занбалғалтагидан кулушган акалар хангинак бўлиб қоладилар, Холмирза ака эса ўрунли-ўрунсиз йирик носни ўлдириб, бурнига искайди....

Икки йилдан буён янгаларининг сут-қатиғиға муҳтож бўлиб, бўюн эгиб юрган Фотима опа бир сигирга ва бир зўр бияга

¹ 1922-23 йиллардаги Марказ ақчаси. Ўша вақтда халқ болға ва ўроқ тамғали ақчаларни капалак пул, деб атар эди (*Муаллиф*).

² Ҳабсиниш – чўчимоқ, ҳайқиқиб қўймоқ.

³ Коранда – ҳосилнинг бир қисмини олишга байлашиб ишловчи деҳқон.

қараб, қилар ишидан янглишиб, боши айланиб қолади. Ўзини тутиб олгандан сўнг сигирли янгаларининг олдида қошини юқори кўтариб, кўзини катта очиб, лабини ҳам чўччайтириб юра бошлайди... Дам-бадам сигир билан бияни «сен жониворларнинг устингга сира ҳам супурги тегмаган экан, сотган эгаларинг мол кўрмай ўлсин» деб супуради... Мулла Обиднинг эса бия билан сигирни келиб кўришга қўли тегмайди, савзиси олинган ердаги картошка учун тортилган жўякни суғориб, кечки картошкани экиб олиш фикрида юрийди, иккинчи томондан юзлаб дум бериб ётган қовунларни эртага бозорга тушуриш, яна кимнинг от-аравасига бўюн эгиш ташвишини чекади.

Холмирза аканинг ўзи носвойни искаб, Мулла Обиднинг олдида келади. Сотиб олган биясини зотлилиги, аравага кириши, сигирнинг эрта-кеч ўн беш товоқ сут бериши ва буларни таниш – ошна кишилардан бахаёлга¹ олганлиги тўғрисида сўзлаб:

– Энди сизга битта арава керак; мен уста Мадамин аравасоз билан гаплашиб келдим; битта янги араваси бор эмиш, буюрган киши пулини бериб ололмаган; агар Мулла Обид оладиган бўлса, ақчасини топганда берсин деб айтди, – дейди.

Мулла Обид аравани дарров олишни сўрайди. Арава ҳам эртаси кун келтирилиб, Холмирза ака отга жабдуқлар олиш, аравага темир қоқдириш учун шаҳарга тушиб кетади. Хулоса, бир неча куннинг ичида Мулла Обид от-аравалик ва сигир-бузоқлик бўлиб қолади.

Мулла Обид ердан қор кетгандан бошлаб кеч кузаккача кеча-кундуз тинмай ишлайди, на ейиш-ичишда ва на уйқуда ҳаловати бўлмай, чўпдек қотиб кетади, бурни сўррайиб қолади. Аммо бунинг бадалига юқоридаги моллардан ташқари бир таноб ердан олтмиш пуд пахта олиб, нақд пул бараварига ҳукуматга топширади, ярим танобдан икки юз пуд картошка олиб ерга кўмади, йигирма пуд жўхори, ўн беш пуд мош, олти юз боғ беда, тўрт юз пуд шолғом ва туруп, икки юзта адоғи ўттуз-қирқ, ҳатто элли қадоқли қовоқ, икки юзта тарвуз, аллақанча пиёз, лавлаги, савзи ва ҳоказо кўп нарсаларга эга бўлади. Холмирза аканинг ёпилгандан буён ҳеч бир ёлчибгина тўлмаган омбор ва ертўлалари буларни сиғдиrolмай қолади.

Бу ҳақда яна қишлоқда шов-шув қўпади:

– Обид кетмон картошка экибти – ҳар биртаси замбарак-

¹ Бахаёл – зўрга, қийинчилик билан.

нинг ўқи; шолғом экибти – ҳар бири сават кўтарганда бошга қўятурган чамбарак; лавлаги экибти – ҳар бири чақалоқ бола; қовоқ экибти – сизга ёлғон Худойга чин, ҳар бири эшакнинг хўтугидек!.. Буларни жойлаш учун Холмирза аканинг ўчоғи ҳам бўш қолмай яна ярмиси ортиб қолибти... илгари омборингни тайёрлаб, ундан кейин дехқончилик қилмайсанми, хотинта-лоқ!.. – дейишадилар.

Мулла Обид сиғмай қолган тарвуз ва қовоқлардан беш арава сотиб, пулига тўртта катта қўй олади. Қишлик гўшт ва мой учун қўйларни лавлаги билан бўрдоқиға боқади. Шолғом билан туруп-ни ҳам арзон-гаров сотиб, кўрпа-ёстик, кийим-кечак қилади.

Бунчалик нарсаларни саранжомлаб олишнинг ўзи ҳам қор тушкунчалик овора қилганлиқдан ёз бўйи ўйлаб келган тепадан яна чорак таноб очиб, ернинг сой ва ёноғроқ жойлариға солиш фикри ишга ошолмай қолади.

Мулла Обид турпоқ солишнинг иккинчи ва учунчи йилларида ҳам биринчи йилдаги каби ҳосил олиб, тепага ҳам ҳужум қилиб туради. Сўнгроқ, тепанинг ўртасидан катта доиравий қадди етти газли бир суфа қилиб, устига бир шийпон солади. Бу шийпон ўзининг хушқайф ва хушманзаралилиги билан қишлоқда «Обид кетмоннинг шийпони» деб машҳур бўлади. Шу очилган ернинг токи яхши ҳосил бериб, бир чеккасига Мулла Обиднинг кўрғони ҳам келиб қўнади.

Мулла Обид олти-етти йилнинг ичида Тиктепа қишлоғининггина эмас, балки бутун бир овулнинг атанган, ишбилармон, оқловар¹ бир дехқони бўлиб қолади. Холмирза ака қариған чоғида куёви билан махтана-махтана дунёдан «оёқ узатиб» кетади. Аммо Мулла Обид ўз қишлоғида бўлсин, теваарак қишлоқларда бўлсин «Обид кетмон» деб машҳур кетмони билан лақабланиб қолади. Баъзилар «Тева бузган» ҳам дейдилар, лекин кейингиси жуда сийрак ишлатилади.

Мулла Обид ёки Обид кетмоннинг исмига тақилган «Мулла» сўзи ва қулоғининг оғирлиғи устида қитта тўхтаб қиссамизнинг бу фаслига хотима берамиз: Мулла Обид эскича саводли киши. Эски адабиётни яхши ўқуйди, айниқса «Шоҳнома», Аҳмадзамчи, Абомуслим дostonларини, Жамшид афсона ва асо-тирларини ўқуғанда жуда ҳам жонли чиқаради. Ёш, косиб кўндўз вақтларида ўз тенги косиблар қишли улфатчиликда ундан

¹ Оқловар – оқилона, бамаъни.

халиги дostonларни ўқутиб эшитар эдилар. Унинг «катта китобларни» шариллатиб ҳамда «кўргандек» килиб ўқушига суяниб, ўртоқ – жўралари Обид исмига «Мулла» сифатини таққан, «Мулла Обид» деб атаган эдилар. «Обид кетмон»нинг муллалик сифати шундан келиб чиққан ва биз ҳам гарчи қиссамизнинг номини «Обид кетмон» деб атаган бўлсак ҳам, ўз томонимиздан атаганда «Мулла Обид» деб юритишни мувофиқ кўрамиз.

Мулла Обиднинг қулоғининг карлигига келганда, бу нуқсонга минг тўққуз юз ўн олтинчи йилда Германия frontiда¹ илашади. Ўзининг сўзига қараганда, минг тўққуз юз ўн олтинчи йилда Лошмон² хизмати учун бир бойга ёлланиб, фронтга кетади. Фронт орқасида ўр қазиб турганда, Мулла Обиддан ўттуз метрча нарига бир катта тўп ўқи тушиб, қаттиқ товуш чиқариб ёрилади. Гўёки осмон чатнаб, қиёмат кўпқандек бўлади. Мулла Обид ўқ ёрилгандан кейингисини билмайди... Бир вақт кўзини очиб қараса, ўзини турпоқдан чиқариб олаётганларини кўради. Турпоққа кўмулса ҳам, аъзоси саломат бўлиб, уч-тўрт кун касалхонага кириб ётади. Аммо ўша ўқ ёрилиб турпоққа кўмулиб қолгандан бошлаб, Мулла Обиднинг қулоғи оддий товушларни эшита олиш хусусияти билан видолашади.

3. КЎПЧИЛИКНИНГ ТАВАЖЖУҲИ

Тиктепа қишлоғининг беданабоз «йигитча»ларидан Мирвали банги бировнинг қўлидағи беданани кўриб дидига ўлтурадирган бўлса, сиқимида салмоғлаб туриб, «ҳамма жойи ҳам келган экан» деб қўяди. (Мен юқорида ҳам «Четан» колхозининг аъзоси ўртоқ Мирвали тўғрисида «банги» сифатини бир-икки қайта ишлатиб юбордим. Бу эҳтиётсизлик Мирвали акага бир ҳурматсизлик ёки ҳақорат юзасидан эмас, балки ўртоқ Мирвали отанинг ўзига «банги» сифати чумоли чақганча

¹ Германия fronti – Биринчи жаҳон урушидаги (1914–1918) империалистик давлатларнинг икки гуруҳи (Германия – Австрия – Венгрия ва Россия – Англия – Туркия) ўртасидаги босқинчилик уруши.

² Лашман – (немисча), дарахт кесувчилар, 17 асрдан подшоҳ Пётр I буйруғи билан Россия денгиз флотини қуриш учун хусусан татар крестянлари устида ташкил қилинган меҳнат мажбурияти. Биринчи жаҳон уруши даврига келиб эса подшоҳ Николай II нинг буйруғи билан орқа фронтдаги ёрдамчи ишларни бажариш учун мустамлака ўлкалар халқларидан сафарбар қилинган мардикорлар, меҳнат батальонлари.

ҳам озор бермаганлиги учундир. Колхоздаги ўз вазифасини ўтаб бўш юрган пайтларда, ҳатто Мулла Обиднинг кўз ўнгида бўлса ҳам белбоғининг қатиға эҳтиёт юзасидан ташлаб қўйган катталиги бўғоз чичқондек нашани ийлаб, «банги»лик сифатини ўзи ҳам ҳаммага фош қилиб юруй беради). Шунга ўхшаш замонамизнинг «хусн-шинавандаси» саналган зукко йигитларимиздан бири мутаносиб аъзоли бир маҳбубани кўриб завқланса, «ҳамма жойи ҳам келган экан» деб баҳо беради.

Аммо Мулла Обидга баҳо беришда мен юқоридаги таъбир билан «ҳамма жойи ҳам келган эмас эди» деган иборани қўлламоқчи бўламан. Балки ўқувчи кулар: «Нима, сенинг Обид кетмонинг Мирвали бангининг беданаси ёки замона зукколариининг завқ оладирган маҳбубаси эдими?» деяр. Тўғри, масалага юзаки қараганда ўқувчининг бир даража ҳаққи ҳам бўлар, лекин бошқа томондан мен ҳам ҳақсиз эмасман. Хотин-қизлар орасида юрган «от гадойи» деган бир таъбирни эҳтимолки эшитган чиқарсиз. Ҳозирги баҳсимга бирмунча дахли бўлгани учун қиттағина мавзудан ҳам чиқишга рухсат қиларсиз: яъни, туғулган болага от қўйиш хотинларнинг ўз ихтиёрлариға қоладирган бўлса, улар домудла имом ёки узоқни ўйлайдирган оталар каби чамалаб турмайдирлар-да, энг яқин қўшни ёки севикли қариндошларининг болаларидан бирининг оти билан атаб, қараб тура берадилар. Эрлар «яқинимиз фалончининг оти билан атабсан, ранжисалар керак», деб эътироз қиладирган бўлсалар, «нега ранжисин, от гадойи!» деб бақраядилар. Тўғриси ҳам бу «от гадойи»га нариги томон хотинлар ҳам яхши тушунадилар, «от гадойи» қонуни олдида тах туриб, болаларининг отини «оёқ ости» қилгани учун баъзи оталар каби ранжиб юришга ўзларида ортиқча ҳақ-хуқуқ сезмайдилар.

Шунга ўхшаш мен ҳам бу ўрунда «от гадойи» қонуниға сундим. Чунки, ановиларнинг бири бедананинг устки кўрунишидан, иккинчиси маҳбубанинг мутаносиб андомидан¹ ҳисса олиб, бир ҳукм берди. Мен эса Мулла Обиднинг маънавий жиҳатидан олиб, ҳалиги таъбирни қўлладим. Яъни Мулла Обидни сажия² ва фалон томонларини олиб, Мирвали бангининг иборати билан ифода қилганда, «унинг ҳамма жойи ҳам келган эмас» дейишга тўғри келиб қолди.

¹ Андом – қомат, жусса.

² Сажия – характер.

Яна Мирвали бангича айтканда, «Худой берган феъл», кўпчиликча айтканда, табиат эски ва янгини қўшиб ҳукм берганда фитрат,¹ оила, мактаб, муҳит, фалон ва фалон...

Бир оз жиддийлашайлик, мавзудан узоқлашмайлик.

Мулла Обид инқилоб бошларидан тортиб минг тўққуз юз йигирма бешинчи йилларгача советлар ҳокимиятига бетарафона қараб келди, меҳнаткашлар ишига дуруст қайишмади, десамиз ҳам бўлади. Агарда минг тўққуз юз йигирманчи йиллардаги унинг бозордан тановор тополмай ишсиз, оч қолган вақтларидаги аҳвол руҳиясини хотирласак, унда советлар ҳокимиятига бир кек туғулган даврига ҳам туртуниб ўтамиз.

Тиктепага келгандан сўнг унинг маълум шўхратли ва донғли даври бошланади. Қишлоқнинг бирмунча донғ тортиб юрган муштумзўрларининг ичлари ёниб, тишлари кичирлашса ҳам, аммо ерсиз, кам ер ўртаҳол меҳнаткашлар Мулла Обидга томон муҳаббатланишиб, ўзсинишиб қоладилар. Унинг ўзлари билан қўлга қўл беришиб, жамоат ишларида ишлашувини тилайдилар. Ўзларининг ҳар бир йиғинларида Мулла Обид каби бир қаҳрамоннинг бўлиб турушига ҳаракат қиладилар. Бироқ... Бироқ Мулла Обид томонидан садо чиқмайди, чиққани билан самимий муҳаббатга самимий жавоб йўлида бўлмайди.

Мулла Обиднинг бу ҳаракатида анови бир неча синфий душманларнинг таъсирлари ҳам бўлмади эмас, бўлди, буни келаси фаслларимиз ёритиб борар. Аммо бу ҳол учун яна кучлирақ омил Мулла Обиднинг ёлғизликни севган табиати эди, дейишга тўғри келади.

Мулла Обид қишлоқ йиғинлариға, фаоллар мажлисларига бормайди эмас, боради. Лекин боргани билан... йиғилганлардан бир йиғилган, ўлтурганлардан бир ўлтурган бўлиб, қайтиб кета беради. Ҳолбуки, қишлоқ меҳнаткашлари Мулла Обиддан ўзининг деҳқончиликда қозонган муваффақияти каби муваффақиятли бир гап, маъқул бир фикр истайдилар. Дуруст, Тиктепаннинг «гул» ўрнида келган партия ва совет аъзоси ўртоқ Очилди Собиров қишлоқ йиғинининг ҳаммасида деярли йўлбошчилик қилади, булбулдек сайраб, йиғинни таклиф, савол, изоҳ каби маъжунлар² билан тўлдириб ҳам ташлайди. Лекин ўртоқ Собиров ҳар қанча сайраб сўз ва иш билган билан қиш-

¹ Фитрат – туғма табиат, яратилиш.

² Маъжун – қоришма, аралашма.

лоқ меҳнаткашларининг муҳаббатларини ўзига тортиб битиролмайди.

Қишлоқилар сиз билан менинг кўзимга «анойи» кўрунсалар ҳам, аммо ҳақиқатда ундай эмаслар. «Пих ёрган» деб нахшуларни айтса бўлади. Ўртоқ Очилди чет қишлоқнинг боласи бўлмаганидек, советга чет унсур ҳисобланган оиладан ҳам эмас – Тиктепанинг ўзидан чиққан, кам ерли, камбағал деҳқоннинг боласи. Агар ишонсангиз, оғзи билан меҳнаткашлар мафкурасига жон беради. Бироқ қишлоқилар оғзи билан ўроқ ўриб, оёғи билан машоқ терувчига қаноатланиб қола бермайдилар, яъни маъраканинг¹ гули бўлмоқчи бўлгандан яна бошқа нарсани ҳам талаб қиладилар: омовнинг қулоғини ушлаганми, кетмоннинг шамолини еганми? – Хўб, еган бўлса ўз касбида қанчалик муваффақият қозонган, ёлчибгина хирмон кўтарганми, бели букилибгина аравага пахта ортиб, ертўлага деҳқончилик тўкканми?

Ўртоқ Очилди Собиров, Мирвали банги таъбирини қўлласак, маъракада сўз важдан «гар-гар» қилса ҳам, бироқ деҳқонларнинг кейинги шартлари устига келганда, яна Мирвали ота иборати билан жавоб берсак, «ер чизади». Қишлоқилар ўзларича энг аҳамиятли ҳисобланган кейинги шартни Очилди Собировдан тополмайдилар, шунинг учун йиғинлардаги унинг сўздан ўйнаган хулсларига² унчалик аҳамият беролмайдилар. Аммо Мулла Обид...

Мулла Обид қишлоқиларнинг кейинги шартларига икки юз фоиз жавоб бера биледи. Жамоатга раҳбарлик жўнига³ келганда унинг ақли, ўйчан кўзлари «у ёқни ҳам юз фоиз эплайман» деб туради. Аммо йиғинга қишлоқ меҳнаткашларининг кучлашлари билан келиб, бир чеккада қурт шимигандек ўлтуриб олади. Йиғинда аҳамиятли бир масала кўрулиб қолса, қишлоқилар тез-тез Мулла Обидга маъноли қилиб қарашадилар, гўёки сен ҳам бу ҳақда «ўз фикрингни айтсанг-чи» деб ёлборадилар. Мулла Обид эса уларнинг кўзига қарамасликка тиришиб, бошини кенг Ўратепа чакмонининг ёқасига яширади, буларнинг ўзи ҳам етмагандек намоз вақтини чоғлаб туриб йиғиндан оҳиста йўқолиб ҳам қолади...

¹ Маърака – йиғин, маросим.

² Хулс – қартада дақиқроқ (нозик) бир ўйин (Муаллиф).

³ Жўнига – ҳақида, тўғрисида.

Мирвали банги хоҳ ўз қишлоғидан, хоҳ чет қишлоқдан ким бўлмасин «пайрави келиб қолганда» аяб, сийлаб ўлтуришни одат қилган эмас, пайрав вақтида хоҳ қитта кайфи бўлсин, хоҳ бўлмасин – бу ҳам фарқсиз.

Бир кун шаҳардан бир вакил чиқиб, пахта экиш, бошқа экинлар ўрнини пахтага олиб бериш устида қишлоқ йиғини чақирилади. Меҳнаткашларнинг талаби билан Мулла Обид ҳам йиғин раёсатига кечирилади. Вакил маъруза қилиб, маъруза устида қишлоқилардан анчагина деҳқонлар сўз олиб, ўз фикрларини айтиб ўтадилар. Умрида минбарга чиқмаган Мирвали банги ҳам ўзича айтканда, меҳробга сўзга чиқиб, сўзининг охирида ҳаммани кулдиради:

– Бошқа экинлар ўрнини пахтага олиб беришга қарши эмасман... Аммо пахта уватларига наша экилса, ғўзаларимиз ҳайвонларнинг ғажиб кетишидан яхши сақланиб қолар эди! – дейди.

Бу йиғинда ҳам одати бўюнча Мулла Обид сўзламайди. Йиғин тарқалганда Мирвали банги йиғинда ўз ёнида олиб ўлтурган искавич итини эргашдириб, Мулла Обид билан биргалашиб қайтади:

– Ахир, мендек бир банги дувурга¹ чиқиб ўз тилагимни айтсам-да, сизни меҳробга чиқариб қўйсақ ҳам нуқул сўк шимсангиз... Ибанбойнинг биясиға ўхшаган бу гавдаларга ҳам ишониб бўлмас экан-да, почча! – дейди.

Мулла Обид парвосизгина илжайиб қўяди. Мирвали банги аччиғланади, нашаманд қизғиш кўзини ўйнатиб, ёнида борган итига қарайди:

– Мана шу итим ҳам йиғиндан қолмайди, бироқ бу ҳам сизга ўхшаш йиғинда сўзлашни билмайди! – дейди.

Биргалашиб бораётган деҳқонлар хахолашиб кулуб юборадилар. Мулла Обид ҳам уларга қўшулишиб кулса ҳам, Мирвали бангига ранжиш аломати кўрсатмайди. Деҳқонлар Мулла Обидга эшитдирмай бир-бирларига «банги ёмон тишлади, узиб олди» дейишади. Аммо бангининг ўзи уларнинг сўзига қўшула олмайди:

– Поччамни «тепса тебранмас» деб атайдилар... Мен тугул, итим тишласа ҳам, қимир этмайди бу Афросиёб! – деб негадир яна ғижиниб Мулла Обидга қарайди.

Мирвали банги ўзининг танқиди ёки шунинг сингари пай-

¹ Дувур – давра, йиғин, ўрта.

рави маҳкум¹ устида қанчалик таъсир қолдирганлигини ҳам яхши сезади. Башарти ўз сўзи ва ё танқиди билан нариги тараф қизарса ёки таъсирланса, унга иккинчи мартаба ҳужум қилмай қўяди, чунки душман оёғи остида. Аммо ҳалигидек қимирламаган кишига жўни келди дегунча, ҳужум қила беради.

Яна бир жума кун бояғидек қишлоқнинг умумий йиғини бўлади. Йиғинда шаҳардан махсус белгиланиб чиққан масъул ишчилар, қишлоқ комсомоллари, нариги қишлоқ вакиллари ҳам иштирок қиладилар.

Йиғин авжи қизиб турган пайтда қишлоқ масжидида жума азони айтилиб қолади. Гарчи, бошқа кичикрак йиғин асноларидан намоз ўқуш учун мажлисни ташлаб кетадирган қарри-қартанг деҳқонлар ҳам ҳозир ботирчилик қилолмай турадилар, йиғиндаги намозхонларнинг ҳозирги илинжли ҳолларидан хабар олиб турган Мирвали бангининг Мулла Обидга қарши эски «кеки» ғимирчиб қолади. Яъни, ҳозирги нозик фурсатдан фойдаланиб, Мулла Обидни бўғиб ташламоқчи бўлади-да, ўзидан нарироқда ўлтурган Мулла Обидга қўл чайқаб, қўли билан масжид томонга имлайди ва қулоқ юмшоқларини икки бош бармоғи билан ушлаб, «азон айтилаяпти» деган ишоратини қилади. Бангининг мақсадиға тушунган Мулла Обид сакраб ўрнидан турадир, огоҳ қилганлиғи учун Мирвали бангига боши билан раҳмат айтади ва бепарво йиғиндан чиқа бошлайди. Бундан руҳланган бошқа намозхонлар ҳам жойларидан қўзғаладилар. Натижа Мирвали банги ўйлаганча чиқмайди. Билъакс, ўзи қабзятга тушади. Гапдан хабардорлар, «энди нима бўлдинг» деган каби бангини масхара қиладилар. Банги шошиб турмайди, дарров бошқача йўл тутаяди, ўрнидан туриб раёсатга мурожат қилади:

– Ўртоқларимиз мажлисни ташлаб намозга бормасалар! – дейди.

Бир неча комсомоллар ҳам унинг сўзини кучлаб тушадилар.

– Тўғри-тўғри!

Намоз учун жойларидан турган етти-саккизта кексалар тиккайганча қараб қоладилар, Мулла Обид «ҳангома»ни эшитмай йиғиндан узоқлашади. Раёсатни олиб борган шаҳарли ишчи сўзни тўхтатиб, ўртада қадалиб қолган кексаларни кўздан кечиради:

¹ Пайрави маҳкум – хулоса, ҳукмнинг натижаси.

– Майли, кексалар намозга борсинлар. Аммо яна тезда мажлисга қайтиб келсинлар! – дейди.

Ўн-ўн беш чоғлиқ қари-қартанглар бенамоз, «иғвогар» бангига хўмрайган ҳолда йиғиндан чиқадилар, бангининг ўйинидан хабардор деҳқон йигитлар унга ер остидан тиржайишиб қарайдилар, ҳазилмандрак Ўтарбой бангининг кўзини учратиб, жиртак чалгандек қўлини оғзиға олиб боради.

Мирвали банги тажангганиб, белбоғининг қатидағи носқовоғини олиб, бир кап носни тилининг остига ташлайди-да, совуқ еган товукдек хурпайиб олади...

Мулла Обиднинг йиғинларда сўзга чиқмаслиғи, йиғинға қистатиб келиши, намоз ўқуши ва бошқа шунинг сингари қовушмаган феъллари қишлоқ меҳнаткашлари назарида катта айб ҳисобланиб турмайди.

Юқорида айтилганча, унинг ўз ичларида бўлиб турушининг ўзи ҳам улар учун кифоя каби сезилади. Ёш-яланглар баъзи кезларда аччиғланиб, «бу Обид кетмон ўзи қандақа одам...» деб қизиша бошласалар, Усмон полвонга ўхшаш кексалар «енгиллик ярамайди, ахир бир кун эпақаға келиб қолар, Обиддек йигитни четга қоқишни ўйламангиз!» деб уларни босиб қўядилар.

Айниқса, ер ислоҳоти вақтида Мулла Обид Тиктепа чоракор ва ерсизларини жуда ҳам ранжитади. Ерсиз деҳқонлар Мулла Обидни ўзсиниб, ҳамда оз ерли билиб, Жалил тегирмончининг еридан беш танобини айириб бермакчи бўладилар. Бироқ Мулла Обид бой ва домлаларнинг қутқуси биланми ёки ўзининг диний таассуби орқасидами баҳарҳол ерни рад қилади. Мана шу гап устида ерсизлар олағовур қўпормоқчи, Мулла Обидни ўз ичларидан тамоман четка чиқариб ташламоқчи бўладилар. Бунда ҳам аччиғланган ерсизларни қишлоқнинг бир неча гапка тушунадирган Берди татар каби меҳнаткашлари тўхтатиб қўядилар, «бу майлли ош, ер олмаса садқайи сар, балки ишлаш учун чоғи келмас», дейдилар.

Хуллас, Мулла Обидни бошда эпақаға олиш, одамшаванда қилиш Тиктепа меҳнаткашлари учун арзонга тушмайди. Бояғидек ерсизларни ранжитишидан қатъи назар, уни қишлоқ йиғинлариға, фаол мажлисларига жалб қилиш ҳам бир машаққат бўлади. Бирор йиғин бўлатурган бўлса, махсус бир йигит ҳамма вақт Мулла Обид учун овора: «Фалон тўғрида мажлис бўлмоқчи, ўртоқлар йиғилиб келганлар, мажлиснинг очилиши

сизга қараб туради!» Мулла Обид чор-ночор боришга мажбур... Қишлоқ меҳнаткашлари йиғилган, мажлисни очмай ўзига қаратиб турган бўлсалар бормасдан чора йўқ.

Башарти Мулла Обид бирор сабаб билан бир йиғинга боролмай қолди. Эртаси ёки бириси кун деҳқонлар ундан ҳисоб сўрайдилар: «Нега бормадингиз, шундай арзимаган иш учун ҳам йиғинни ташлаш мумкинми ёки шунча меҳнаткашлар сизнинг назарингизда ҳеч нарсами... Қишлоқ меҳнаткашлари отидан сизга норозилик билдирамыз!» деб беозор шилталаб¹ олгандан сўнг кечаги йиғинда қаралган масалалар ва улар тўғрисида берилган қарорлар билан Мулла Обидни таништирадilar.

Киши қайси даражаларда индивидуалист² бўлмасин, на даражаларда ўзини кўпчиликдан четга олмасин, баҳарҳол кўпчиликнинг таважжуҳи,³ тарбияси ҳазил гапка ўхшамайди. Мулла Обид кўпчиликнинг жозибасига, тагин ҳам тўғрироғи, муҳаббатига қочиб жавоб беришдан виждонан азобланадими ёки бошқача бир таъсир бўладими, ҳарчи бир вақт уни кўпчилик кучоғида самимий ҳолда кўриб қоламиз...

Энди йиғин хабарини эшитса, кишиларни овора қилмасдан ўзи югуриб келади, жиддий масалалар текширилиб турган пайтда азон айтилиб қолса, кўпчилик ҳурмати учун намозини ҳам қазога қўяди, раёсатга сайласалар, дарров раёсат курсисига бориб ўлтуради, рўзномани кўриб, бу ҳақда ҳайъат раёсат билан жиддий равишда кенгашади, лозим топганда гарчи бирмунча қийналиб бўлса ҳам сўзга чиқиб, ўзининг маъқул, мазмунли ва қисқа фикрини айтиб кўпчиликнинг олқишини олади...

Тиктепа, Дўстариқ ва Учқулоқ қишлоқлари бир овул ҳисобланиб, ҳар уч қишлоқдан бир қишлоқ шўроси тузулиб келади. Бу ўртанинг қоидаси бўюнча Тиктепа ўзидан ўн учта вакил кўрсатиши керак бўлиб, шу ўн уч вакилнинг бирига минг тўққуз юз йигирма тўққузинчи йилдан бошлаб бизнинг Мулла Обид сайланиб келмақда.

Қишлоқ шўроси Учқулоқ қишлоғида жойлашган. Тиктепадан узоқлиғи уч чақиримча бор. Мулла Обид шўро мажлисларининг ҳеч биридан қолмай, яёвлаб боришдан ҳам эринмайди. Минг тўққуз юз йигирма саккизинчи йилда қишлоқ шўроси ёнида ту-

¹ Шилталамоқ – айбга, жавобгарликка тортмоқ.

² Индивидуалист – манфаатпараст, худбин.

³ Таважжуҳ – ҳурмат, эҳтиром.

зулган ҳосилотни юқори кўтариш комиссиясига раис белгиланган эди. Ҳозир ҳам шу комиссиянинг бошида ишлайди. Минг тўққуз юз йигирма тўққузинчи йилда қишлоқ шўросига муовин раис бўлиб сайланади. Шўронинг кўпчилиги уни раисликка таклиф қилган бўлсалар ҳам Мулла Обид «ҳозирча колхоз йўлга кўюлиб етмаган – кечагина тузилган «Четан»ни йўлга қўймасдан туриб бошқа вазифага ўтолмайман» деб раисликни қатиян рад қилади. Район парткоми ҳам Мулла Обиднинг фикрини маъқул топиб, уни «Четан»нинг раислигида турушини мувофиқ кўради.

4. ТИКТЕПАНИНГ «УСТУНЛАРИ»

– Тиктепанинг учта устуни бор, бири мулла Султонқул, иккинчиси Хуббибой, учинчиси мен! – дер эди Абдужалил тегирмончи кўкрак кERGиси келган фурсатларда, – агар шу уч устундан бири жойидан қўзгалатурган бўлса, Тиктепа халқи том остида қолади!

Қишлоқнинг тўйими, азасими, баҳарҳол каттарак бир гурунгни асноси бўлса керак, Абдужалил тегирмончи гурунгни тўрида ўлтуриб, аччиғ фамили чойни қантлаб ичар экан, бояғидек «Тиктепанинг учта устуни бор...» деб кўкрак кера бошлайди. Гурунга йиғилганлар ичида чет қишлоқдан келган азкиячи бир меҳмон ҳам бўлади. Абдужалил тегирмончи ўбдан кўкрагини кериб бўлгандан сўнг, ҳалиги меҳмон мулоимгина қилиб айтади:

– Тиктепанинг учта зўр, шашраха¹ устуни бор, деб эшитиб юрар эдим... Шукр, бу кун уларнинг суҳбатларига ҳам етишдим. Лекин бу зиёрат менга шуни билдирадиги, манави икки устун бирмунча узунроқ, аммо жанобингиз қисқароқ кесилган экансиз! – деб мажлисдагиларни кулдуриб, ичакларини узади. Чунки Мулла Султонқул билан Хуббибойларнинг қадлари узун, Абдужалил тегирмончининг бўйи жуда қисқа бўлиб, азкиячи меҳмон шундан киноя қилади.

Юқорида Мулла Обиднинг кўп вақтлар жамоат ишларидан четда юрганлигини ёзганимизда, «меҳнаткашларга чет бўлган унсурлар таъсирларига тушканми?» деган чамани ҳам қилган эдик. Биз ҳозир Мулла Обиднинг ҳалиги уч «устун» билан алоқа ва муносабати тўғрисида сўзлаймиз.

¹ Шашраха – олти тарафли: бу ерда бақувват маъносида.

«Устунлар» қишлоқларидан ёки чет қишлоқдан ҳар кимни ҳам ўзларига тенглашдира олмайдилар. Уларга тенглашиш учун қишлоқ катта масжиднинг имом ва хатиби Мулла Исо маҳдум, кичик масжиднинг имоми Мулла Муҳсин домла, қишлоқнинг собиқ оқсоқоли Юнус юртоғаси бўлиши керак. Қўшни қишлоқлардан уларнинг икки оғиз сўзларига арзийдирганлари ҳам шу ўлчовда юруйди. Мана шу гуруҳ кишилардан бошқалар Мулла Султонқулча айтканда, «сўтаклар»дир, Хуббибойга қолса «юпунлар»дир, Абдужалил тегирмончи эса бу тўғрида унчалик такаллуфланиб ўлтурмай, «чиртинг-пиртинг» дейди ва орқасидан «чирт» этиб тупугини сачратиб ташлайди...

«Устунларимизни» унчалик ҳам «қора қозонидан олиб, қизил қозониға қуятурган» бесаховат, дастурхонсиз одамлар деб бўлмайди. Қишин ва ёзин бу уч «устун» ўз хизматларига Фарфи қассобнинг ўн олти ёшли ўғли Нуъмонжонни олиб, кўнгил очиш учун бир-бировларининг қўрғонлариға ҳар ҳафта бир-икки қайта оғишиб турадилар. Бундан ташқари ўн-ўн беш кунда шаҳар ёки нариги қўшни қишлоқлардан келиб қолган одамшаванда қардошларни ёки дуоғўй эшон ва муллаларни ҳам қимтинмай кутиб турадилар. Бундай пайтларда Хатиб домла ва кичик масжиднинг имоми Мулла Муҳсинларни ҳам қўшиб меҳмон қиладилар.

Юқорида айтилганча, бу уч «устун» аксар вақт чойхона каби кўпчилик йиғилатурган жойларға ҳам биргалашиб сўз қўюшиб келадилар, «чиртинг-пиртинг»лардан айрим ўлтуриб, алоҳида суҳбатлашадилар.

Чойхонада ўзаро чакчақлашиб ўлтурганларида, иш излаб қишлоққа янги бориб қолган «юпун»ни учратиб қолсалар:

– Бегона ит... чамаси, қишлоққа суяк қидириб келган-ов. Савоб учун оғилингизға олмайсизми, Хуббибой?

– Сиз бундай «савоблар»ни қидирган киши эдингиз-ку, Мулла Султонқул? Бултурги Зиём овсарингиздай бир озгина жирини олиб, қишға кирганда лоақал қуйруғини кесиб қолсангиз, янгамиз учун елпиғич бўлар эди-ку?

– Ҳиқ-ҳиқ-ҳиқ... эшакнинг эти ҳаром бўлғани билан кучи ҳалол демакчисиз-да, хи-хи-хи-хи! – деб кулишади.

«Устунлар» бу хилда гапни қиш, дала ишлари чиқмаган пайтларда фақат ҳангама учунгина сўқадилар. Аммо қишдан чиқаёзган, дала ишлари яқинлашган кезларда бу хилдаги

«қишлоққа суяк қидириб келган итлар» билан бошқача муомала қиладилар, оч ва ишсизликдан гангиб юрган «ит»ларни ёзда ишлатиб, кузда қўйруғини кесиб қолиш тўғрисида ҳавасланадилар. Ана шундай пайтларда «суякка муҳтож итлар»дан аҳвол сўраб, олдига бир чойнак чой, иккита нон қўйиб, бўйнидан боғлаб олишга ҳам укувлари чакки эмас. Кеч кузга етканда, яъни дала ишлари битканда ҳалиги «ит»ни қишдан боқиб чиқариш жўни, ахир, бир гап бўлади. Мулла Султонқулга ўхшаш «ит»ни кеч кузда беда ўғриси қилиб, ёзда ўзи қилиб берган уст-бошини ҳам « сен ўғурлаган бедамнинг бадалига» деб шилиб олиш йўллари ҳам топилади.

«Устун»ларимизнинг Зиём овсар кабилар билан қилатурган муомала ва муносабати юқоридагича. Аммо Мулла Обид каби ўз олдига деҳқончилик қилмоқчи бўлган мустақил янги «келгинди»лар билан уларнинг кўпда олди-бердиси бўлмайди. Мавриди келиб, бундайлар билан қўл бериб кўришканда ҳам мулла Султонқул ҳамёза аралаш эринибгина «омонми» дейди-да, кўтарган қўлини нариги ёққа берар-бермас яна ёнига ташлаб юборади. Хуббибой тилини соқовлантириброк «саватми- саватми» (саломатми, саломатми?) дейди ва орқасидан ёнидаги ҳамроҳига кўз қисиб қўяди, Абдужалил тегирмончи эса кўришгувчисига зўрғағина бармоғининг учини беради-да, берган қўйи бир оз қараб турғач, бир оғиз сўзсиз кўришгувчидан ажрашади, агарда кўришгувчи «чиртинг-пиртинг» билан ўйнашмоқчи бўлса, узатган қўлини тезда ундан тортиб олмайди-да, бир нав кулумсираб бошдан-оёқ, гўёки ёғоч бозорида тиккайтиб қўйилган ходанинг тобини текшираётган дурадгор уста каби уни, яъни «чиртинг-пиртинг»ни юқоридан пастка томон кўздан кечириб тушади...

Мулла Обид чойхона каби жойларга жуда оз чиқади. Чиққанда ҳам киши, тос¹, чой танлаб ўлтурмай, ким тўғри келса, яъни ким ўз ёнига чақирса, ўша билан ўлтуришиб кета беради. Қулоғи оғирлиғи учунми ёки ўзини яратилиши шундайми (биз яратилиши шундай эди, деб биламиз), баҳарҳол биров ундан гап сўрамаганда сўзга ҳам аралашмайди, жуда зарур бўлиб қолмаса ўзи ҳам гапирмайди, фақат қўлига тутқузилган пиёлани бўшатиб беришни, тарқаш вақтида ҳисоб бўйича тушкан чой-

¹ Тос деб бу ўринда чойхонада бирга тўпланиб бир пиёлдан чой ичиб ўлтурганларга айтилади (Муаллиф).

чақани тўлашнигина билади. Шунга ўхшаш қишлоқнинг мулласи ким, домласи ким, тегирмончиси ва фалони ким, бу билан ҳам унча қизиқиб турмайди. Баъзи «елпатак юпунлар» каби анави баланд охирдан сув ичадирганларнинг энсасини қотириб, улар тиламаса ҳам қўл бериб кўришиб, ўзининг иззатнафсини оёғости қилиб юрушни ҳам билмайди ёки ёқтирмайди. Агар биров ўзи билан сўрашмоқчи бўлса, қўл бериб кўрушади, гап сўраса, жавоб беради, ҳорма деганга, бор бўл дейди, улдурки,¹ бу тўғриларда ўзи ташаббус кўрсатмайди.

«Устун»ларимиз Мулла Обидни қишлоққа янги кўчиб келган йилнинг эрта баҳорида, кечаси гузар чойхонасида кўрадилар. Лекин бу янги меҳмонни бошқа юпун ёки сўтакка ҳисоблай олмайдилар. Яъни Мулла Обид улар томонидан оддийгина, кулуниб ва масхараланибгина қаршиланмайди, билъакс, бирмунча фавқулоддароқ, эҳтимолки, бир оз қизиқроқ истиқбол қилинади. Мулла Обиднинг ярим қоронғи ичида бошқалардан чорак газ чамаси юқорироқ кўрунган зўр гавдаси, айниқса, оғир ҳаракатли зўр кўзи, икки жағини шоп каби ёпиб тушкан мурти, кўк сурф қийиғининг чап томонига осилган ярим газлик пичоғи «устунлари»мизни дабдурусдан ёмон хаёлга тушириб қўяди. Мулла Обидга кўзи тушиш билан хусусан Абдужалил тегирмончининг юраги орқасига тортиб кетади-да, бир неча вақт сўзлашга ҳам тили келмай қолади. Оғзига бирмунча тупук олгандан сўнг Абдужалил тегирмончи оҳиस्ताгина Хуббибойга қарайди:

– Қишлоғимизга одамхўр дориған экан, – дейди.

Хуббибой секин ер остидан Мулла Обиднинг ярим газлик пичоғига кўз юборади:

– Мелесага хабар бериб қўйиш керак эди.

– Мелеса боя Дўстариққа кеткан, – деб Мулла Султонқул сездирмасдангина деворга суялинқирайди.

– Мелесанинг қўлидан нима ҳам келар эди, – деб тегирмончи яна секин Мулла Обидга қарайди.

– Мелесанинг қўлидан ҳеч гап-ку келмайди, – дейди Хуббибой. – Лекин эҳтиёт лозим... Ўзи бу ерда нима қилиб юрадир, қай ердан келган, қай ерга тушкан, баспорти борми? Мелеса мана шу тўғриларни текширар эди-да.

Тегирмончининг энсаси қотиб, манглайини тириштириб қўяди.

¹ Улдурки – шундоқки.

– Ҳамма вақт айтаман-ку, бир гапни сал ўйлаброқ гапиринг деб, – дейди, – лекин сиз ҳануз пашмалоқи¹ гапларни айтиб қолгансиз!

– Гапимнинг қай ери пашмалоқи экан?

– Секинрак-секинрак... Пашмалоқисини айтиб берайми сизга? Қай ерга тушдинг, деса, чойхонага, дейди; қай ердан келдинг, деса, фалондан, дейди, баспортинг борми, деса, мана, дейди, хўш?.. Бу халқ учун нима кўп – важ; нима арзон – баспорт.

– Тўғри-тўғри! – дейди суянган жойидан Мулла Султонқул, – ҳарчи мақсадига етмасин-да, бадбахт... Менда-ку ўрадаги беш-ўн пуд ғалла билан оғилдаги беш-ўнта қорамолдан бошқа нарса йўқ... Лекин ҳарчи ташвиш бор-да...

– Менда нима бор дейсиз! – дейди камсухунлик билан тегирмончи, – ўша сизникига ўхшаш борди-келди... Уч тош тегирмондан келган даромад чойчақадан ортмайди... Нима, биз пўлат сандиқда асраган ақчамиздан қўрқармидик... Сиз айтканча, бир оз ташвиш бўлмаса, бошқа ваҳима...

Хуббибой ҳам ёронлари каби ўзининг «йўқлиғидан» шикоят қилиш учун оғзини жўпласа ҳам, аммо бирдан дами кесилиб қолади. Чунки бирор соатдан буён ўзига дам-бадам кўз ташлаб, алланарса тўғрисида суҳбатлашаётган «устунлар» Мулла Обиднинг диққатини жалб этиб, оҳистагина буларга қараб қўяди. Гўё иттифоқлашган каби «устунлар»нинг ҳам қўрқоқ кўзлари унга тўқнашиб, шикоят гали ўзига келганда Хуббибойнинг нафаси ичига тушиб кетади. Аммо Абдужалил тегирмончи фурсатини қочирмайди. «Даҳшатли» бир «чиртинг-пиртинг» олдида бош эгади, яъни Мулла Обидга имо ичида салом бериб, тамаллуқ² билан ялтоқланиб қўяди. Мулла Обид тамаллуқ маъносиға албатта тушунмайди, тунд бир турда бош ирғатиб, жавоб беради-да, кўзини четга олади.

– Мақсади шу ёқда экан, – дейди энтикиб Хуббибой.

– Шу ёқда, шу ёқда, – дейди тутуликиб Мулла Султонқул, – сизнинг саломингизни ҳам писанд қилмайди-а, Абдужалил?

– Одамхўр-да, – дейди тегирмончи, – даюс ҳукумат нукул шунақа одамхўрларга йўлни катта очиб берди...

– Сиз Хуббибой, ҳадеб унга қарай берманг, ўчакишиб қолади.

¹ Пашмалоқи – оддий, паст.

² Тамаллуқ – хушомад, сурбетлик.

– Йўқ, мен...

Учави ҳам бирмунча вақт сукутка боради, чойнакдаги чой эсидан чиқиб совийди...

– Қани, Мулла Султонқул, чойни қуйинг, банда пешонасидагидан ортиқчани кўрмайди, – дейди бир вақт тегирмончи.

Учави ҳам узун нафас олиб, сўз қўйишқандек Мулла Обид томонга қарайди. Иттифоқо, Мулла Обид ҳам шу вақтда буларга қарайди. Дарҳол кўзини булардан олиб, ярим газлик пичоғини қинидан суғуриб чиқаради, дамига чароғнинг нури тўқуниш билан пичоқ ярқираб кетади. Мулла Обид тирноғининг кемтикларини тўғрилай бошлайди.

– Ана холос, – дейди шивирлаб тегирмончи, – биз қарай бериб уни ўзимизга ўчактирдик. Бад олганимизни сезиб пичоқ янишка турди. Ух, даюс... Бу пичоқ неча гуноҳсизнинг ястиғини қурутган экан....

Энди ҳар уч «устун»нинг ҳам силласи ўбдан қуруйди. Хуббибойнинг далага чиққуси келиб қолади: Хуббибой астагина ўрнидан турганда кўрдошлари: «кўрғонингизга кетиб қолманг, биргалашиб кетамиз», деб таъкидлашади.

Хуббибой қайтиб келар экан, гузар ўртасида ким биландир узоқгина сўзлашиб қолади. Сўзлашиб ажралишгандан кейин кулумсиган ҳолда қайтиб келади, жойига ўлтурар экан, яна ўзича кулуб қўяди.

– Ким билан сўзлашдингиз?

– Нега кулдингиз?

– Биз кулмайдиган ваҳмага тушмабмиз-да, – деб Хуббибой яна кулади, – ўлтурган занталоқ Холмирза бузоқнинг куёви экан, қайнотасидан бир-икки таноб ер олиб, деҳқончилик қилиш учун шу кунларда Тиктепага кўчиб келган экан. Юрагингизга балли дедик, тегирмончи!

Бу сўз билан Мулла Султонқулнинг устидан ваҳима юки кўтарилиб, юзига қон югуради:

– Ҳамма ваҳимани сиз бошладингиз, тегирмончи!

Аммо бу «хушхабар» тегирмончига Хуббибой кутганчалик ўзгариш бермайди, бояги ваҳимали вазиятга нуқс тегмайди.

– Мен ҳали ҳам бояги мулоҳазамда туравераман, – дейди тегирмончи, – одамхўр ёки босмачи деган Холмирзага куёв бўлса, нима таажжуби бор? Ёки каллакесарнинг қайнотаси манглайдан шох чиқарган бўлади, деб эшитганмисиз?... Йўқ, мен

бояги мулоҳазамда туравераман. Менга қолса, шу кеча-кундузларда теварагимиздаги қишлоқларда овозаси эшитилган босмачиларнинг бири ёки биринчиси шу Холмирзанинг кўёви! Мен чувалган ипнинг учини энди топдим... Сиз Хуббибой, қайнотасидан икки таноб ер олиб дехқончилик қилгани келган, деб лақилламанг. Бу ўзи бир гап, бир баҳона. Мулла Султонкул, сизнинг ақлингиз жойидароқ, икки-уч таноб ер билан бола-чақали одамнинг тириклик ўтказиши мумкинми, бунга қайси аҳмоқ ишонади?! Ҳа-ҳа, баракалла. Бу ўзи Хуббибойга ўхшаган лақмаларнинг кўзини бўяшдан бошқа гап эмас. Сиз, ошнам, Хуббибой, лақиллайберинг, сизга ўхшаш «сағир»ларга лақиллаш учун китоб ҳам рухсат беради...

Хуббибой қўлидаги пиёласини қулта ютиб, ўзига томон илжайиб қараган Мулла Султонкулга узатади.

– Кўз билан кўрмаган ишни Худой билади-да.

– Худой билдирса бандаси ҳам билади, – дейди тегирмончи кичкина гавдасини ўлтурган кўйи кеккайтириб, – ҳар бир ишга ақлни югуртириб бормасангиз, айниқса, бу қалтис замонда қийин-да, Мулла Султонкул!

Шу чоқда Мулла Обидларнинг тослари кетишга қўзғаладилар. Мулла Обид «устунлар»га илтифот қилмай, чойхонадан чиқиб кетади...

– Кўрдингизми? – дейди Абдужалил тегирмончи ўз даъво-сига асос солиб, – қишлоқ халқи бизнинг соямизга салом беради. Айниқса қишлоғимизга янги келган «чиртинг-пиртинг»лар бизга яқинлашиб салом бериб олгунча ўлиб қолади. Аммо бу? Бу бўлса бизни писанд қилмайди, бу ерда ит ўлтурганми, эшак ўлтурганми – парвосиға келтирмайди. Эҳтимолки, бизни танймайди, деб айтарсиз, йўқ, минг мартаба, жуда яхши билади. Бироқ бу халқ ялинмайди, ялинтиради... Мен бу халқнинг феъл-лини жуда яхши биламан. Сен билан ўчашмакчи бўлса, жўртта қитиғингга тегади. Агар сен унга ўчакишиб жавоб берсанг, ўзининг ёмонлиғи учун йўл ҳозирлаган бўлади. Бир кун сен кутмаган вақтда бошингга қиёмат савдосини солади-кетади, ҳозир бу ҳам ўша йўлни тутди, бизга сирт бериб, кўнглимизга адоват уруғини сепмакчи бўлди, хотинталоқ; йўқ, биз бу ўйлаган юзаки одамлардан эмасмиз. Биз бундай одамдан иззат-ҳурмат кутиб турмаймиз, балки иззатимизни букиб бўлса ҳам муроса йўлини тутамиз...

Хуббибой давлат важидан тегирмончи билан Мулла Султонқулларга қараганда жуда ҳам юқорида туради. Уларда иккитадан коранда ишлаганда, Хуббибойнинг тўртта қариндоши ҳам унинг дастгоҳига кўмакчилик кўрсатадирлар, чунки фақат шолининг ўзидангина ўттуз ботмонгача борди-келди қилади. Бошқа экинлар ҳам инчунин. Аммо ақлга келганда Мулла Султонқулдан анча пастда, тегирмончидан эса жуда ҳам тубан туради. Тўғриси айтканда, унинг ақли кўпинча бир шиша ароқни ичиб олгандан сўнг киргандек бўлади, лекин шунда ҳам Ёқутхон отлиқ бузуқ хотинни қандай қилиб яхши кўрганлигини ва унинг йўлига қанча пул сарф қилиб, базўр ошна бўлганлигини такрор-такрор айтиб беришдан нарига ўтолмайди.

Мулла Султонқул эса тегирмончига нисбатан саводли, гоҳо «тўққуз йил мадраса тупроғини яладик» деб, «Мухтасар виқоя»-нинг¹ «Китоби салот» бобидан дарс олганлигини, гапга тушундиган кишиларга тиқиллатиб қўяди. Ароқ ичишда Хуббибойдан қолишмаса ҳам, лекин муллача ёқалик кўйлак кийиб, бошига салла ўрашни асло тарк қилмайди. Баъзи вақтларда «бу ишларинг дуруст, буниси ношаръий» деб қишлоқиларга фатволар ҳам бериб туради. Аммо ақл, тадбир, яъни «алоқаи дунё» важига келганда, шунчалик «илми» бўлгани билан Мулла Султонқул ҳам саводсиз тегирмончининг олдида аксар бош эгиб қолади.

Хуллас, Абдужалил тегирмончи Мулла Обид ҳақидаги ўзининг васвасасини уларга ҳам сингдиришга муваффақ бўлади. У ўзининг икки дўстига Мулла Обид билан алоқа боғлаш, муроса қилишни таклиф қилиб, бу тадбир фақат ўз жон ва молларини сақлаб қолиш учунгина эмас, балки бу алоқадан жуда катта гаплар кутиш имконияти борлигини ҳам тушунтиради.

– Масалан, – дейди тегирмончи, – Анжан атрофида Холхўжа эшон, Курама теварагида Раҳмонқул мингбоши, Ўш атрофида Қирғиз кўрбошилар болшевикнинг биқинига қамчи тушираётдилар. Аммо бизнинг бу томонлар ҳам шундай азаматларга муҳтож. Битта-яримта ҳалигидек кўкрагидан ёл чиқарганларимиз бўлса, қичиган жойини тополмай, келиб-келиб яна калтакзада – бизга ўхшашларга човут қилмоқдалар. Бунинг учун ким айбли? Нафсамбирини айтканда, биз ўзимиз айбли. Нега? Негаки, биз ўзимизнинг ёлдорларимиз билан танишиб олишни, уларнинг елка-

¹ «Мухтасар-ул-виқоя» – фақиҳ Бурхониддин ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя» номли фикҳ асарига ёзилган шарҳ китоби.

сига қоқиб, ишга солишни, бизга ўқталган пичоқларни керакли жойларга буриб юборишни билмаймиз. Нега ахир билмаймиз? Нима учун билганнинг сўзига кирмаймиз?!

5. МЕН БОСМАЧИ ЭМАСМАН

Тунда занжирдан бўшатишган Арслон тегирмон теварагидан зир қатнаб, ҳатто япроқ шитирлатган кеча хашаротлари устига ҳам ириллаб югуради. Тувагини сийлаб турувчи хўжасига садоқатини тамом адо қилиб, тегирмон йўлагига кечалик қора чигирткани ҳам йўлатмайди, дам-бадам тегирмоннинг кифтидаги ахтахонага юзланиб, хўжайинининг бир жуфт севикли отларидан хабар олади, бунда ҳам узоқ тўхтамай, тегирмон даромади устидаги толларга жойлашган йигирма чоғлиқ товуқлар остидан ҳам айланиб ўтади.

Эгамберди ака ҳар кун тонг пайтида Арслоннинг хўрагини бериб, занжирга бойлаб олади. Арслон занжирга кирмагунча, унинг бадфеълига тушунган қишлоқилардан ҳеч ким тегирмонга оёқ қўймайди. Ҳатто бундай пайтларда Абдужалил бойнинг ўзи ҳам ўйлашиб тегирмонига тушади, чунки ғазабли Арслон қоронғида ташланиб қолса, ҳатто ўзини танитиб олгунчалик, бир қадоқ гўшт ёки жуда бўлмаганда тўндан бир парчасининг Арслоннинг оғзига ўтиб қолиши аниқдир.

Сахар пайтларида ҳанпалардаги унларни қопга солиб, икки дўлни янги буғдойлар билан тўлғазгач, бир оз кўз илинтириб олиш учун Эгамберди ака ухлашга ётади. Сувнинг гувиллаб парраларга тўқиниши, қалин тошларнинг тегирмон биносини қалтиратиб ғир-ғир айланиши, шу қадар олағовур кифоя қилмагандек, дўл билан тошлар орасига бириктирилган шақилдоқ ёғочларнинг айланаётган тошларга тўхтовсиз равишда тақ-туқ тўқиниб чиқарган оҳангсиз товушлари Эгамберди акага аллаган каби таъсир қиладилар, яъни тезда сув остига ўлтурган кумдек тинчиб уйқуга кетади.

Гулдур-шалдир, тарақ-туруқ ўзгаришсиз давом этади. Дўллар тўғрисидаги бешинчи чироқ титраб-титраб ун гарди ўлтурган кичкина шишасидан хира, кучсиз нур сочиб туради. Тегирмон йўлаги ун тўзони ичига кўмилиб, кеч кузнинг қуюқ туманли ҳавоси манзарасини беради, димоққа эзилиб қизишган буғдойнинг ачимсиқ иси тўқиниб туради.

Эгамберди акани уйқу қаттиқроқ ушлайди, куёш туғаёзса ҳам, уйқудан уйғонмайди. Арслон занжирсиз тўрт томонга човут қилиб, изғиганликдан донлаш вақти кечган товуқлар тол устидан тегирмон томонга мўралашиб қут-қутлайдилар, гўёки Арслонни ўз вақтида занжирга солмаган Эгамберди акадан шикоятланиб кўядилар.

Арслон ахтаҳона билан обпарто¹ ўртасида изғиб негадир қахрланади, тегирмон томига келиб тушган бир неча кўк каптар ва мусичалар, айниқса, унинг ғазабини юз қат ортдирадилар, одобсиз қушларнинг татиқларини бериш учун бир нав ёввойи товуш чиқариб томга ирғишқа йўллар қидиради... Шу вақт Арслоннинг қулоғига недир чалинган бўлса керак, томдаги қушларни унутиб тегирмонга тушилатурган катта йўл томонга бирдан ириллаган кўйи ташланади... Арслон янглишмайди, қинғир-қийшиқ равишда тепани кесиби ясалган арава йўлининг юқорисида, орқасига бир-икки пуд юк кўтарган зўр гавдали биров оғирлиқ таъсири билан юзини ерга мойилроқ тутиб, ўзини истиқбол қилаётқан Арслоннинг хужумидан тамоман хабарсиз равишда йўртиб келмақда...

Икки ўртада ўн одимча масофа қолғач, бу қадар парвосиз келган душман сари Арслон бутун қахр-ғазабини тўкиб ташланади. Аммо қоп орқалаган Мулла Обид ҳануз кўзини кўн этининг бетидан узмай келади... Мулла Обиднинг кўзи худди хужум олдидагина Арслонга тушади, кўзи тушиш билан қоп учини тутамлаб ушлаган ўнг кўкраги устидаги қўлини Арслон оғзида ғажилганини сезади... Теварагига аланғлайди, ёрдам берарлик на тош, на кесак ва на калтак... Тишланган қўлининг аламиданми, ҳарчи² бирдан қопни бўшатиб юборади, ғажилиб ётган қўлини бўшатишга интилиб ўлтурмай, соғ қўлини оҳистагина Арслоннинг бўғозиға юборади... Орадан бир неча сония фурсат ўтмайди, Арслон Мулла Обиднинг липпа устларига қўйган олдинги икки оёғини ерга ташлаб, бояги ириллаган товуши бўғулиб чиқа бошлайди, ғажиб турган қўлини ҳам бўшатиб, ўзи икки ёнига чайқалади, яъни ҳиқилдоғини қутқаришға ҳаракат қилади. Бироқ бўшалиш қийин... Мулла Обид кўпта куч сарф қилмай, совуққонлиқ билан Арслоннинг бўғозини сиқиб туради, ғажилган қўлидан чак-чак томиб турган

¹ Обпарто (в) – оқова сув.

² Ҳарчи – ҳар қалай.

қонини кийимига тегдирмаслик учун ўзидан узоқроққа чўзиб ушлайди ва охистагина орқасига қарайди. Боя ерга тушишда қоп оғзидан сачраган буғдойдан бир қанчаси ерда тўкилиб ётади. Арслон тоқатсизлангандек биғиллаб теварагига чайқалади, хириллаган товушлар чиқариб ерга ётмоқчи бўлади... Мулла Обид ҳозир ёки раҳмсиз ҳолга келади, ёки итнинг бўшалгандан сўнг яна ҳужум қилишидан қўрқади. Баҳарҳол Арслоннинг бўғозидан сиқиш вазиятини бир зарра ҳам ўзгартмайди, мажруҳ қўлининг кафтига йиғилиб уйиган қонини мижгилаб ерга оқизади... Шу ҳолда йўлнинг юқорисидан Абдужалил тегирмончи кўрунади. Бошда бу манзара унга англашилмайди, қўйми, эчкими ушлаб турган бировни кўради. Яқинроққа келгандан кейин...

Арслоннинг тумшугида қон кўрулгач, Мулла Обид ҳиқилдоғини бўшатади. Арслон жон чекишиб турмай, Мулла Обиднинг қўлидан бўшалгач, ерга чўзилиб қолади.

Абдужалил бой Мулла Обиднинг ўнгига ўтиб юзига қарагандан сўнг жуда ҳам шошади, тўрт оёғини баҳузур узатиб ётган садоқатли Арслоннинг хотираси эсидан чиқади, ҳозиргина кўнглига мулк қилиб туккан «сингли талоқдан Арслоннинг хунини тўлатарман» фикри ювилиб кетади.

– Қўлингизни ёмон ғажибти, Полвон! – дейди Мулла Обиднинг қўли устига энгашиб, – вой бааай, узиб олишига озгина қолган экан-да... Падар лаънат ўзи ҳам ажаб ўлибти-да... Ўзи ҳам жонга теккан эди... Нима, қулоғингизни ҳам тишладимиз? Қулоғингизда жароҳат йўқ-ку. Ҳа-ҳа, пайқадим, қулоғим оғир, қаттиғроқ сўзла, демакчисиз... Йўқ, йўқ, турпоқ сепманг! Сиз илгари ювиб қонини тозаланг! Мен ҳозир кийиз куйдираман! Кийиз куйдириб босмаса, қони тийилмайди! Кийиз ҳар нарсага ҳам дори, тиш заҳарини ҳам сўради! Қопингизни қўя беринг, ҳозир ўзимиз саранжомлаймиз! Эгамберди!! Ҳо Эгамберди!!!

Мулла Обид ўрnidан туриб, қонли қўлини кўкрагига яқин кўтариб, сув бўйига туша бошлайди. Тегирмон эшигидан кўзини ишқалаган ҳолда Эгамберди кўрунади.

– Шу топгача ухлаб ётдингми? Падарингга минг лаънат, сен итнинг!! Шу чоқгача итни занжирга солмай ухладингми-а?! Кунга қара, кунга, даюс! Тегирмонни энангнинг бешиги деб ўйладингми?! Ўрнингни ҳам булғатғандирсан, хунаса! Чиқ юқориға, йўлдаги тўкулган донларни териб, қопи билан тегирмонга олиб туш, даюс!!

Эгамберди ака Мулла Обиднинг қонли қўлини кўрган он фожиага тушунади, бу тўғрида ўзини гуноҳкор санаганликдан Абдужалил бойнинг юқоридаги «ширин» ҳақоратларини хазм қилиб, секингина йўл бўйлаб юқориға чиқиб кетади.

Абдужалил бой сўкина-сўкина тегирмонга киради. Оёғи куйган товукдек типирчилаб тўни билан салласини ечиб ташлайди. Дарров кийизнинг четидан бир бурдани кесиб олади-да, гугурт топиб ёқади. Кигиз куйиб тайёр бўлгандан сўнг кулини товоққа солиб, сув бўйига, Мулла Обиднинг ёнига тушади.

– Ҳар нима йиртиб юбормаган экан! – дейди Абдужалил бой, – мен йиртганми деб кўрққан эдим. Фақат озик тишини қаттиқ ботирган... Сиз кўлингизни тутиб туринг, мен тиш теккан ўрунларга кул босаман!

Мулла Обид қўлини тутиб беради. Абдужалил бой ўз қўли билан кулни босиб чиқади.

– Худо хоҳласа, бир ҳафтада кўрмагандек бўласиз, фақат иш чоғида беш-олти кунгина... Мен сизнинг қишлоғимизга янги келган меҳмон бўлганингизни кечагина эшитдим. Сиз бизнинг қишлоққа куяв экансиз... Холмирза акам биз билан жуда ҳам қадрдон одам... У ёқдан Холмирза акам, бу ёқдан биз, ахир, сизни ёлғизлатиб қўймасмиз-ку... Фақат биринчи танишувимиз бир оз қалтисроқ тушди-да. Шошманг, шошманг, рўмингизни менга беринг, мен ўзим беозор қилиб боғлайман. Ўз оти билан ит деб атаганлар, ит – итлигини қилди-да... Лекин ўзининг ҳам ажали етган экан, ўзи ҳам жонимизга теккан эди. Ҳаммадан ҳам катта итнинг итлиги ортиб тушган, неҳолки, кун чиқғунча ҳўкуздек бўлиб ухласа...

Мулла Обид билан Абдужалил тегирмончи тегирмонга келиб кирганда, Эгамберди ака ҳам қопни орқалаб келади. Қопни ерга қўйғач, арслондек итни ўлдириб қўйган баҳайбат кўрунишли Мулла Обидга ер остидан кўз юборади ва шошиб-пишиб дўлардан хабар олиш учун тошлар тепасига тушиб кетади.

– Буғдойни бу кун ун қилиб бўлармикан? – деб сўрайди Мулла Обид.

– Ҳозир, ҳозир! – дейди Абдужалил бой, – қани, манави катка ўлтуринг; буғдойни бир гап қилармиз... Буни қаранг-а, полвон, озиб-ёзиб тегирмонимизга тушуб қолганингизда итга йўлуқибсиз... Биз, сиздан жуда ҳам уятлик бўлдик, почча. Эгамберди, сен дарров самоворингга ўт сол! Йўқ, йўқ, мен хафа бўламан,

ҳозир мен ҳам чой ичмаганман, биргалашиб ичишамиз!

Абдужалил бой уни чой ичишга кўндиролмади. Мулла Обид такрор буғдойни қачон ун қилиб берилишини сўрайди.

– Буғдойингизни яхши унга ҳозироқ алиштириб бераман, лекин шуниси борки, бу мажруҳ қўлингиз билан ўзингиз кўтариб кетолмайсиз. Эгамберди отга ўнгариб элтиб ташласин. Ахир биз ҳам одам фарзанди, кишини итга қоптириб юбормаймиз. Эгамберди, шу буғдойнинг вазнига бараварлаб саримағиз ундан торт, айбонанг¹ учун устига ўзимиздан бир пуд ун ҳам қўш!

Мулла Обид бир пуд ун қўшиб олишга эътироз қилади:

– Буғдойни тайёр унга алмаштирдингиз, миннатдорман! – дейди, – бир пуд унингизни олмайман, итингиз қопган бўлса, мен ҳам уни...

– Ўлдирган бўлсангиз садақайи сар... Ит деган маҳлуқ топилади, аммо одам топилмайди. Сиз ҳали, бир ҳафтасиз ишга ярайман, деб ўйлайсизми? Албатта ярамайсиз, бир пуд эмас, ўн пуд берсак ҳам арзийди... Айтканча, ҳозир ваъда берингиз-чи, қўлингиз ишга ярағунчалик бизга бир меҳмон бўлишингиз керак, биз пича ўлтуриб бир суҳбатлашайлик! Мавридини қўйинг, ҳозир чойга тўхтамадингиз, майли, аммо меҳмон бўлишга ваъда бермасангиз сира иложи йўқ! Эртами, хайр бўлмаса, бириси кун... Бириси кун шаҳарга тушатурган бўлсангиз, жума кунгаёқ ваъда берингиз-чи! Хафа бўламан, азбаройи Худо, хафа бўламан!!

Ўзига бояғи Арслондан ҳам баттарроқ ёпишиб олган Абдужалил бойга ноилож жума куни меҳмон бўлишга ваъда бергач, Мулла Обид тегирмондан чиқади. Абдужалил бой уни йигирма-ўттуз қадам наригача узатиб боради.

Абдужалил бой тегирмонга қайтиб кирганда, Эгамберди Мулла Обиднинг қопага бояғи бир пуд мукофотини ҳам қўшиб турган бўлади.

– Қанча қўшдинг? – деб сўрайди.

– Бир пуд.

– Ўттуз қадоқ қўшсанг бўлади! – деб жекиради бирдан авзойи бузулган тегирмончи, – сени наҳс босмаса, кун чиқғунча ухлармидинг?! Бу қандай расволикки, Арслондек ит кетса, тегирмон ҳақи кетса, бу ҳам етмагандек бир пуд ун ҳам кетса... Бари бир бу ўттуз қадоқ унни ҳам сенинг ҳисобингга ёзаман!

¹ Айбона – жарима, товон.

Эгамберди ака бирдан шилқиллаб, қўл-оёғи бўшашиб қолади.

– Бўшашма, сенга ҳали бу ҳам оз!

– Нима, сиздан у тегирмон ҳақини олма, итинг қопқани учун бир пуд ун ҳам қўшуб бер, жума кун мени меҳмон қил, деб сўрадимми?

– Лунжингни осилтирма, ит эмган! – деб бақиради Абдужалил бой, – сен уни танидингни, Арслондек итни ўлдирган фалакатни танидингни?

– ...?

– Танимаган бўлсанг, жим тур! – дейди Абдужалил бой, – худди энангни Учқўрғондан кўрсатади, итни вақтида занжирга солмай, уни қоптирганинг учун оғзингдан туйнук очиб, ичагингдан белингга белбоғ боғлатиб қўяди, фаҳмладингни? Менинг ҳамма қилаётқан одамгарчиликларим фақат сенинг учун, сенинг бошингни аяғаним учун!

– Мен ахир синглиталокни жўртага қоптирдимми?

– Яна тагин баҳслашмоқчи-я, бу аблах, – дейди бўшроқ оҳангда Абдужалил бой, – хўб, сен ўттуз қадоқ унни тўламаёқ қўй, ҳали ҳам оғирлиқни ўзимнинг устимга олайин... Сен ҳозир итни йўл устидан четга судраб чиқар-да, ундан кейин шу унни отга ортиб, Холмирзанинг қўрғонига элт!

– Итни боя четка чиқариб ташлаганман.

– Бўлмаса, Бурилни тўқимлаб келтир.

Эгамберди ака отга унни ортиб жўнайди. Абдужалил бой дўллардан хабар олиб, ханпалардаги унларни кураклаб четга чиқарар экан, ҳозирги можарода ўзига ҳисоб бера бошлайди.

Абдужалил бой Мулла Обидга аниқ босмачи сифат билан баҳо беради. Тунови кунги чойхонадаги ўз даъвосига ўзи ҳам унчалик ишонқирамаган эди; ҳозир эса ўз шубҳасининг жуда ҳам тўғри чиққанлиғига икки жойда икки тўрт қабилидан эътиқод қилиб қолади. Чунки унинг фикрича, бояғи Арслон фожиаси тасодифий бир ҳодиса эмас, балки ўйланиб, чизилиб қилинган бир ишдир. Яна ҳам тўғриси, Мулла Обиднинг ўз тавинларига¹ аччиғланиб кўрсатқан йигитлигидир. Яъни Абдужалил бой ўзининг бу кашфиётини қўйидаги «формула»дан келтириб чиқаради: Мулла Обид ўз йигитларига Абдужалил бойнинг тегирмон ахтаҳонасида боқиб қўйган бир жуфт тулпорларини гум қилишни буюради. Йигитлар кечаси келиб, отларни

¹ Тавин, табин – қўл остидаги киши (Муаллиф).

олиб кетиш эбини сира ҳам кўролмайдилар, яъни Арслоннинг яқинига йўлолмайдилар. Эртаси кун ёки шу кун кечаси икки қўлларини бурунларига тикиб, қўл қурук хўжайинларининг ҳузурига борадилар. Мулла Обид улардан койийди, бир итдан кўрқингизми, итдан хароб йигитларим, бўлмаса мен итни ўлдуриб, йўлингизни тозалаб берайин, дейди-да, азон пайти-да гўёки ун тортмоқчи бўлган киши каби елкасига икки пуд буғдойни қўйиб, тегирмонга юзланади. Абдужалил бойнинг фикрича, кишининг бахти қулмаса, эшак бозорига даллол ҳам бўлолмайти. Шунга ўхшаш «қўли келиб турган» босмачининг бахтига Эгамбердини «наҳс босиб» қолади-да, ўз вақтида Арслонни занжирга соллолмайти, шу билан босмачи Арслонни ўлдириб, от йўлидаги ғовни олиб ташлайди,

Босмачига нисбатан ўзининг уста муомаласидан жуда рози қолади: биринчидан, босмачига мардлик, одамгарчилик кўрсатди, шу билан эҳтимолки, босмачининг кўнглини ҳам овлаган бўлса: ўттуз қадоқ ун кеткан бўлса, бари бир ҳисоб вақтида кўр бўлиб Эгамбердининг ўзи тўлайди. Иккинчидан, ўз мардгарчилигининг ўттуз қадоқ ун устидагина тўхталмаганлигини, жума куни зиёфатга таклифи билан яна бир қайта исбот қилди. Буниси билан шоядки босмачининг отлар тўғрисидаги ёмониятига ҳам хотима берган бўлса. Учунчидан, бир-икки зиёфат, бирмунча борди-келди орқасида баҳарҳол босмачи билан оғайнилашган бўлади, ундан кейин... Ундан кейин босмачини кимларга қайраб солишни ўзи билади.

Жума кунги зиёфат жамарғаларини ва яна кимларнинг зиёфатга чақирилишларини ҳам бир сидра кўнглидан ўтказди; бир қўй сўймаганда ҳам бир кўзи сўюб тануркабоб қилиш керак, албатта, кабобнинг ёнида уч четверт хонаки май, бу топилмаганда бирор четверт самагон лозим. Булардан сўнг яхшилаб бир палов. Зиёфатга Хуббибой билан Мулла Султонқулни албатта таклиф қилмай чора йўқ, чунки уларнинг ҳам босмачи билан танишишлари, сўнгра бирма-бир уни ўз уйларига меҳмон қилишлари зарур. Зиёфатга четдан кимларни таклиф қилишни ўйлаганда, Абдужалил бой боя ўзидан ўткан бир хатони фаҳмлаб қолади: уни зиёфатга таклиф қилганда, «жума кун келасиз!» дейиш билан кифояланган, ҳолбуки, «ўртоқларингиз билан» деб айтиш керак эди. Киши орқали шундай деб айтдирсамикан... Хайр, энди унча келишмайди... Ҳозирча бошини қайириб олса, кейинча қуйруғини букиш осон.

Эгамберди унни ташлаб келади. Абдужалил бой: «Унни ким олди, полвон кўрундими, миннатдорчилик қилдими?» каби саволлар берса ҳам, Мулла Обиднинг кўрунмаганлиги, унни Холмирза ака тушириб олганлиги маълум бўлади.

Абдужалил бой тегирмонда яна бирмунча вақт айланишади. Тегирмонга келиб, кетиб турган аллақанча қишлоқилар билан муомала қилишса ҳам, мияси хануз эрталабки воқеа устида машғул бўлади. Ўзининг босмачига ишлаткан хушмуомаласидан ҳар қанча рози бўлса ҳам, яна негадир шумланиб, «чаённинг касби чақиш, эҳтиёт яхши. Бу кундан эътиборан отларимни кўрғондаги молларим ёнига кўчираман, кўшчиларим ҳам кўрғоним тева-рагида ётсинлар», деган қарорга келади-да, икки отини етаклаб «вахимали» тегирмондан кўрғонга жўнайди.

Жума кун Абдужалил тегирмончи Мулла Обидни қандай меҳмон қилиб кутди, кейинги жума мулла Султонқул не зайлда зиёфат берди, Хуббибойники қандай ўтди, бу тўғриларда тафсилот бериб турмаймиз. Аммо бу зиёфат асноларидаги баъзи нуқталарга тўхтаб, икки томон бир-бировларидан қандай таассурот олдилар ва қандай фикрга келдилар масаласига қоқиламиз.

Абдужалил бойникидаги зиёфатни Мулла Обид бирмунча таажжуб ичида ўтказди, чунки, махсус қўзи сўйиб, кабоб пишириш, яхши май, булар кифоя қилмағандек палов, уй эгаси томонидан ва бошқа икки меҳмон тарафларидан ўзига қилинган фавқулодда тамаллуқ ва мулозамат, табиий, уни ўйлашга мажбур қилади. Аммо ўзининг яратилишидаги оғир табиати, кишиларга тамаллуқ қилишга, ўз сажиясидан ортиқча таназзул этишга ўрганмаганлиги соясида бой томонлар унинг таажжубини пайқамайдилар, билъакс, ўз қаршиларида сир бермас, мағрур, оз сўзли бир босмачини кўрадилар. Лекин, шундай бўлса ҳам, яна уларни таажжубландирган жиҳатлар ҳам бўлади. Масалан, Мулла Обиднинг намоз чоғи етканда дарров туриб намоз ўқуши, ўзига май ичиш навбати келганда қистатиброқ майни олиши, яъни майга совуқ қараш каби аҳволлари. Холбуки, уларнинг фикрича, босмачининг намоз-ниёз билан алоқаси бўлмаслиги, ичкиликка эса ҳарис¹ бўлмоғи лозим эди. Майга тортинчоғлиқ қилиш балки шайтонлиқ жиҳати биландир, лекин намози... Биринчи ўлтуришда Мулла

¹ Ҳарис – ишкибоз, ўч.

Обидга табиатсозлик юзасидан, яна ҳам тўғриси «бенамознинг моли билан боши менга ҳалол бўлсин» деган фикрга келмасин, деган андишада, ҳатто жума намозини ҳам ўқумай турган Хуббибой бетаҳорат бўлса ҳам намоз ўқуб, сирдан хабардор ўртоқларини мўйлаб остидан кулиб олишга мажбур қилади. Ҳар бир ичкилик мажлисида қип-қизил жинни бўлгунча ичатурган бойлар, айниқса, Хуббибой бу гал босмачининг раъйига қараб ичкиликни бирмунча такаллуф, тортинчоғлик билан ичишади. Уларнинг майдан тортинчоғлиғига босмачининг раъйига қарашдан бошқача сабаб ҳам бўлади. Чунки, кўп ичканда босмачига сир бериб қўйиш мумкин, аммо босмачи ҳар қанча ича бериши керак, токи ундан сир олиш қулай бўлсин. Мулла Обид билъакс майни кам ичкандан сўнг, бойлар майдан жуда ҳам тортиниб қоладилар. Абдужалил бойнинг кўнглига «бундан сир олиш қулай эмас экан» деган фикр келади.

Зиёфат охирида Мулла Обидни Мулла Султонқул кўрғониға таклиф қилади. Мулла Обид ҳар қанча узр айтса ҳам кўнмайди, зиёфат вақти келаси жумага белгиланади. Мулла Обид бунчалик сийланиш, зиёфатдан зиёфатка ўтуш ва мулозаматларга яна тушунмайди, бу қадар гапларга арзирлик ўзида қандай лаёқат борлигини билмайди.

Мулла Султонқулнинг зиёфати ҳам яхши май, яхши манти ва сомсалар билан кечиб, бу ўлтуришда ҳам улар асли мақсадга яқинлашиш учун ботирлик қилолмайдилар. Мулла Обиднинг кўзидаги жиддий бир маъно, тубан жонларга кўрқув солатурган бир салобат бунга йўл қўймайди.

Мулла Обид учинчи жумада Хуббибойнинг зиёфатини ейишка ҳам мажбур бўлади. Лекин бу кун ўзининг таажжубини жуда ҳам ортдирган, сирни билиб олишга қасд қилади. Оғир ва жиддий табиатини бир мунча қийналиб бўлса ҳам изидан чиқаришга, уларнинг сўзидан йўлли, йўлсиз кулиб баҳарҳол сир олишга тиришади. Унинг кўрулмаган даражада очилган чехраси бойларга анча таъминот беради. Абдужалил эҳтиётлаб, яъни рамз ва ишорат ичида босмачига яқинлашади. Бошлаб, Фарғонада бош кўтариб, шўро ҳукуматига халақит бераётган кўрбошиларнинг қаҳрамонлиқларини мақтайди, сўнгра шу теварақдаги қишлоқларни босиб турган йигитларнинг ҳам юракларига қойил бўлганлиғини сўзлаб келиб, пурс-пурс орасида:

– Мен уларнинг юракларига ҳар қанча қойил бўлсам ҳам,

лекин бир камчиликларини айтмай ўтолмайман! – дейди ва Мулла Обиднинг чехрасидан бир ўзгариш ўкушга тиришадиди-да, сўзида давом қилади, – бизнинг бу ўртадаги йигитларимизнинг ҳам Фарғонадаги оғаларидан намуна олишлари керак эди, яроқларини ўз боёнларига эмас, болшевикларга қаратсалар, бой оғайнилари ҳам безрайиб қараб турмас, қўлларидан келган ёрдамини қахрамон йигитларидан аямас эдилар... Ўз отлари ҳам халқ оғзида юрганча... аталмай, бек, қўрбоши ёки қози исмланиб ҳолис бир газот қилган, кўп савобларга дахлдор бўлган бўлар эдилар... Мана шу фикримиз сизга қандай ўхшайди, полвон?

Мулла Обид «сир»га аллақачон тушуниб қолади, беихтиёр мўйлаб остидан кулуб қўйишга мажбур бўлади-да, бирдан кўзини зўр очиб, юзи шу чоқгача кўрулмаган бир дахшат касб этади. Бу кўрунишдан бойлар ерга синггандек бўлиб, кайфлари тарқайди, кўзлари очилади.

– Дуруст! – дейди Мулла Обид заҳарханда қилиб, – яхши ўйлагансиз!

Улар ўз фикрларининг босмачига ётишиб келмаганлигини пайқайдилар. Абдужалил бой ҳалиги тўғрида бошқача сўз айлантирмай қўяди. Бу кун-эрта, бошлаб ўз молининг таланишини ва бошининг ҳам сапчадек узулишини аниқ кўради... Мулла Обиднинг дахшатли вазияти тезда тарқайди, мажлис тарқагунча ўзининг табиий кайфиятини ушлайди, гоҳо муносабатсиз бўлса ҳам ўзича илжайинқираб қўяди. Улар бўлса: «Секин ёққан булутдан, кулиб қараган подшоҳдан кўрқ!» мақоли бўйинча нофармон товланадилар... Тунда мажлис тарқалгач, йўллари бир бўлганликдан Мулла Обид билан Абдужалил бой биргалашиб кетадилар. Абдужалил бой муносабатсиз сўзлар билан бояғи кинани Мулла Обиднинг кўнглидан чиқаришқа тиришадди, унинг кўрқоқ ва разил табиатидан Мулла Обид гоҳ кулуб, гоҳ аччиғланади. Мулла Обид ўзидан Абдужалил бойнинг қочинқираб юрганлигини ва пичоғидан кўзини олмаганлигини ҳам сезади.

Абдужалил бой кўрғонининг яқиниға етиб «эсон-омон» Мулла Обид билан хайрлашади, ҳозирча соғ қутулғаниға шукр қилиб, ўн қадам босар-босмас Мулла Обиднинг: «Бой ака, тўхтанг!» деган товушини эшитилади. Абдужалил бойнинг юрагида кучли бир оғриқ пайдо бўлиб, бу оғриқ бутун баданиға югуриб

кетади, ҳатто бу оғриқ унинг оёғини юришдан ва тилини ҳам сўздан қолдиргандек бўлади.

– Мен... мен...

– Қўркманг! – дейди турган жойидан Мулла Обид, – мен босмачи эмасман!

– Мен... сиз...

– Довдирамангиз... Ўзингиз васвасаланганингиздек бошқаларни ҳам васвасага солиб, ҳалол касбли бир кишини босмачига ҳисоблаб юрмангиз! – дейди Мулла Обид.

Абдужалил тегирмончи нимадир айтмакчи бўлади. Мулла Обид унинг сўзига қулоқ солмай, ўз йўлига жўнаб кетади.

Абдужалил бой бу сирни бир неча вақтгача анови ўртоқларига айтолмай юради. Сўнгралари уларга кулги тарзда айтиб чиқса ҳам, лекин нима учундир «ҳали ҳам мен унга ишонмайман» деган эҳтимолни қўшуб қўяди. Улар ҳам Абдужалил бойнинг икки тарафлама сўзидан шубҳали бўлиб қоладилар.

«Устунлар»нинг Мулла Обид тўғрисидаги шубҳалари узоқ давом этмайди. Мулла Обиднинг тепа бузуши, кетмони билан шухратланиши, ўша қиш «устунлар»имизча энг паст ҳунар ҳисобланган ямоқчилик билан кун кечириши уларни шубҳадан қутқаради. Чунки тепа бузуб деҳқончиликнинг энг оғир меҳнатини адо қилиш, эл ўртасида ямоқчилик «разолатини» гарданга олиш энгил касбга ўрганган босмачининг қилиғи бўлмайди.

Мулла Обид билан Тиктепа «устунлари» мана шу йўсунда танишадирлар ва Мулла Обиднинг кўнглидан чиқмай турган чучмал бир хотира қолдирадилар. Мазкур можародан сўнг ўзини таҳқир эткан «устунлар» билан гарчи кўчада учраганда ҳам сўрашмайди, улар салом берганда ҳам, жавоб қайтармайди. Ер ислоҳоти вақтида Абдужалил бойнинг еридан қирқилиб берилган бир ботмон жойни олмаганлиғига ҳам фикримизча юқоридаги таҳқир сабаб бўлган эди. Чунки Абдужалил бойнинг: «Сен ўзингни порса¹ олма, мол босмачиси бўлмаганингда ҳам ер босмачисан!» деб пичинг қилиши ва ўзини ўша оғирликдан қутқазishi аниқ эди.

Тиктепанинг «устунлари» билан Мулла Обиднинг алоқаси колхоз тузилганча совуқ ҳолда давом қилади.

¹ Порсо – ёмон ишлардан ўзини сақловчи, тақводор.

6. БИР ТУЛКИ ВА БИР КУЛКИ

Тиктепанинг катта масжид ва кичик масжид деб аталган иккита масжиди бор. Катта масжид қишлоқнинг ўрта жойида (гузардан бир оз нари) бўлиб, бунда жума ва ийд намозлари ўқулади, хонақоси зўр, уч томони айвон. Бу масжидни ўн уч йиллардан буён халқ оғзида: «Хатиб домла» деб шухратланган Мулла Исо маҳдум «обод» қилиб келади.

Кичик масжид қишлоқнинг Этак маҳалла деб аталган қисмида бўлиб, сиқикроқ бир хонақоҳ ва торроқ бир айвондан иборат. Бунда ийд ва жума намозлари ўқулмайди. Имоми – «домла шалҳақ» деб от чиқарган Мулла Муҳсин домла.

Хатиб домла – Мулла Исо маҳдумнинг асли таги Тиктепа қишлоғидан эмас, шаҳарлидир. Катта масжиднинг илгариги имоми Мулла Худойназар ўлгандан сўнг Мулла Исо маҳдумни, унинг собиқ шогирди Мулла Султонқул далолатида, хайри садақадан ташқари ҳар йилга бир юз пуд бугдой бериш шарти билан олиб келганлар. Тиктепа деҳқонлари ҳам бошқа қишлоқилар каби диний томонга чакки эмасдирлар. Хатиб домланинг Тиктепага келганига ўн уч йил бўлган бўлса-да, шундан буён қишлоқиларнинг манглай териси, яъни меҳнати билан кўкарган тўрт таноб жаннат каби обод боғли, яхши қўрғонли, бир говмиш сигирли, танача-новвосча ва бир қанча қўйли бўлиб олади. Ҳолбуки, қишлоққа янги чиққанда шаҳардаги борйўқ давлатини мусодарага бериб (чунки озроқ савдогарчилик ҳам бор эди), мусичадек увол ҳолга келган, афтидан безгак иси анқиб турган бир афтодаҳол эди.

Кичик масжиднинг имоми четдан келтирилган киши эмас, қишлоқнинг ўзидан етишган бир домла. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидек, даромади Хатиб домланикининг ярмисига ҳам етишмайди.

Илмини Хатиб домланикидан паст деб бўлмаса ҳам (чунки баъзан мубоҳасада уни мулзам ҳам қилиб қўяди), лаб-дахан эбида ва ўзича муттақийнамо¹ ҳам бўлса керак. Нариги домла каби имоматга «фалон нарсани берасиз» деб бошда шартлашиб киришмаган ва ҳануз шартлашмай келади; ўзига қарашли деҳқонлар йиғим-теримни олгандан сўнг нимани берсалар, гарчи ичидан ранжиса ҳам, юзаки «Худо қабул қилсин» деб кета беради.

¹ Муттақий – тақводор, гуноҳ ишлардан сақланувчи.

Бундан ташқари деҳқонлардан Хатиб домла каби ушр, закот, хайрот, зиёфат, худойи ва шуларга ўхшаш гапларни ундиролмайди. Беш-олти таноб ери бўлиб, лоақал ўз қавмларидан шу ерни дурустрак ишлатиб олиш йўлларини ҳам билмайди. Холбуки, бу тўғрида Хатиб домладан ўрناق олса аллақанча молли, жонли бўлиб қолар эди, деб ўйлаймиз. Хатиб домланинг озгина фурсатда ўнлаб молга эга бўлганлиги ҳаммага маълум. Аммо Мулла Муҳсин бўлса биттагина сигирни базўр эплаб боқади, ҳар йил қоида каби қишдан бир отни қирчанги қилиб чиқаради ёки очликдан ўлдириб қўяди. Мулла Муҳсиннинг мол боқиши Тиктепанинг ҳаммасига маълум, отхонада оти борлиги хотирада бўлса, ҳар кун бир бора хашак солиб «эҳтиётлайди», хотиридан «фаромуш» бўлган баъзи фурсатларда икки кунсиз отхонага оёқ босмайди. Унинг мол «боқишини» яхши билган деҳқонлар домланинг қўлига дурустрак от тушканини кўрсалар: «яхшигина мол экан, ажали етмаган бўлса эди» деган тилакда бўладилар. Бу жиҳатдан қараганда, қишлоқиларнинг «домла шалҳак» деб унга берган лақаблари жуда ҳам ўйланиб айтилган кўрунади.

Мулла Муҳсин Хатиб домла каби пишиқ-пухта, яъни замона ишларига тушунатурган киши ҳам эмас. Жумладан, масалан, бир вақт шўрога сайлов олдида ҳақсизлар рўйхати қишлоқ кўчаларига ёпиштирилиб қўюлади. Мулла Муҳсин ҳақсизлар рўйхатида ўзини ҳам кўриб қолгандан сўнг, баъзиларнинг маслаҳати билан бўлса керак, шўрога ҳақли қилишни сўраб, ҳақсизларни текширатурган комиссияга ариза беради. Ариза ўз қўли билан қўйидағича ёзилган бўлади (айнан):

«Ассалому алайкум, камина фақир Мулла Муҳсин домла Кичик масжид имомидан сиз ҳурматлик ва баланд мартабалик олимақом балшавик улуғлариға ариза қилиб ёзадирман, камина алҳол ёшим синни¹ пайғамбариға еткан бўлса, шундин йигирма етти йилдир Кичик масжидга имом эрдим ва яна қавмларим ҳар наки ҳаққи имоматимга берсалар, кўп-оз демасдан олиб, зероки, ҳазрат абу Ҳанифа мазҳабларида шуни таржих² қилган эрдилар. Ва яна қавмларимни кишти коримга³ чақириб ишлатган эрмасдирман, азбаски, ужрат⁴ бермасам ҳаром бўлур ва лекин бурноғи

¹ Синни – умр, ёш.

² Таржих – афзал деб билиш.

³ Кишти кор – деҳқончилик – экинзор.

⁴ Ужрат – меҳнат ҳақи (Муаллиф).

йилда ташқаримдағи ҳавзимга беҳисоб лойқа тўлиб қавмлардан баъзи обхўрлар ҳавзнинг суви азбаройи қишда сер¹ бўлсин ва яна таъми бузулмасин деб ўзлари бахтиёр жамият бўлиб қазиган эрдилар. Бинобарин, фақир каминада гуноҳ йўқдир, беш вақт намозга омода² турганман ва ҳоло ҳам ҳозир ораста³ қавмларимиз маъталлик⁴ тортмайдирлар. Қиссаи кўтоҳ⁵, фақирни шўрога беҳақ қилиб нолугдан ранжитмасалар деб, камина Мулла Муҳсин Кичик масжид имоми қўлим қўйдим. Олим сўфи ўғлидирман, марҳум шаввол⁶ ойида рўзи жумъа баъдаз салот⁷ таҳрир⁸ бўлди».

Домланинг аризасини ўқур экан, комиссия ўзини хаҳолашдан қутқара олмайди ва унинг ўз иқрори шаръиси бўйича аризани натижасиз қолдиради. Мулла Муҳсин натижасиз жавобни олгач, «хайр, бизни балшавиклар беҳақ қилса-қилсин, ўзи беҳақ қилмасин. Нолугдан ранжитсалар Ҳақ таоло уларга ҳам бирон офатни юборар» деб кета беради. Имоматдан истеъфо бермаганидек, бошқа жиҳатдан ҳам баъзи тадбирларни кўрмайдир.

Ҳолбуки, Хатиб домла ҳақсизликқа қарши бошқача пухта тадбирларни кўради. Аввало, ўзига сирдон қишлоқ кексаларини йиғиб можарони англатади, ҳақсизлик балосининг ўнгини олинмаса, кейинчалик кўп «фалокатлар» юз беришини сўзлаб, бунга лозим чора ва тадбирларни ҳам айтиб чиқади. Кексалардан ҳар қандай маслаҳатга ҳам тайёрлик ваъдасини олгандан сўнг, дарров Катта масжидга қарашли умуммеҳнаткашлар отидан Мулла Исо маҳдумнинг бундан беш йиллар илгари имоматни тарк қилиб кетганлиги, шундан буён халқдан ҳеч қандай даромад қилмаганлиги, тўрт таноб боғни ишлаб шу орқада кун кечирганлиги, фақат кўп қатори масжидга кириб намоз ўқуғанлиги ҳақида бир иттифоқнома ёзилиб, остига Катта масжидга қарашли партия, комсомол аъзолари ва баъзи батраклардан ташқари ҳаммадан қўл қўйдирилади. Юқоридағи мазмун билан иттифоқнома ёнига бир ариза қўшиб, ҳақсизларни текширадирған комиссияга берилади. Чора ва тадбир шунинг ўзидагина тўхтаб қолмайди. Чунки кишилар теракнинг

¹ Сер – кўп (Муаллиф).

² Омода – тайёр, ҳозир.

³ Ораста – тартибли; безатилган.

⁴ Маътал – кутиб қолмоқ, кутмоқ.

⁵ Қиссаи кўтоҳ – гапнинг қисқаси.

⁶ Шаввол – ҳижрий-қамарий йил ҳисобининг ўнинчи ойи.

⁷ Салот – намоз.

⁸ Таҳрир – ёзиш, ижод қилиш.

шохида юрса, Хатиб домла баргида юрийди. Комиссияларнинг илдизини топиб, илтимос учун одамлар белгилатади, халқдан текширганда сир очилмасин учун партия, комсомол аъзолари ва ҳоказо «ишончсиз»ларнинг ўз яқинларидан илтимосчилар ёллайдилар. Ўзи ҳам дарров салла-чопонини ешиб ташлаб, содда, алвир-шалвир деҳқон сифатига кириб олади.

Табиий, бу қадар тадбир ва бунчалик эҳтиёт натижасиз қолмайди, лип этиб Хатиб домла шўрога ҳақли ҳам бўлиб олади.

Мулла Муҳсин ўз қавмлари орасида уста муомала, амри маъруф билан халқни ийдириш йўлларига ҳам уқувли эмас. Қавмлари орасидаги ўлтуришларда ўз ақлидан чиқариб, бирор нарса сўзлаб амри маъруф қилмайди. Башарти қавмлари китоб ўқуб беришни сўрасалар «Мухтасар»нинг «хайзу нифос, ғусл ва таҳорат» каби баҳсдан ёки қишлоқилар тушуниб етмайтурган масалалардан бошлаб, ҳаммани ўз ёнидан қочириб юборадиди-да, бир вақт ўз ҳузурда масжиднинг муаззини Исҳоқ сўфи ва тушунса-тушунмаса, ёки эшитса-эшитмаса мудраб ўлтуратурган Неъмат боболардан бошқа киши қолмаганлигини пайқайди. Шуниси ҳам борки, китоб ўқуганда ёнида ўзидан бошқа «соеъ» қолмаганда ҳам нафси ранжимайди, яна бир оз китобни ўзича ўқуб ўлтургандан сўнг мужтаҳидларнинг¹ руҳларига фотиҳа ўқуб, китобни ёпади.

Мулла Муҳсин гоҳ ўзининг баъзи ҳаракат ва сўзлари билан кўрувчи ва эшитувчиларни кулдуриб, кўп вақт оғизларда зарбулмасал ҳам бўлиб юрийди. Масалан, бир вақт Катта масжид қавмларидан Салимат исмли бириси ўлади. Давра² ва исқот³ учун тобут ёнига Хатиб домла Мулла Муҳсин ва яна бир нечалари ҳозир бўлиб, давра қилувчи – Хатиб домла майитнинг⁴ ёшини сўраганда, ўлук эгалари марҳумнинг ёшини дуруст билолмайдилар. Шу ҳолда Мулла Муҳсин қўли билан ўлукка ишорат қилар экан:

¹ Мужтаҳид – етук илмли уламолар.

² Давра – марҳумнинг гуноҳларини ювиш учун жанозадан илгари тўпланиб ўтказиладиган маросимлар (бунда садақага ажратилган нарса марҳумнинг ёшига мувофиқ қўлдан-қўлга ўтказиб айлантирилади).

³ Исқот – қилинган гуноҳни ювиш ёки бало-офатни даф этиш ниятида ажратилган пул, нарса (ўлган кишини нариги дунёда тортиладиган азобидан қутқариш учун бериладиган хайр-садақа, нарса).

⁴ Майит – ўлик, жасад, мурда.

– Ё мен ит, марҳум Салимат тўнғуз,¹ ёки марҳум Салимат ит, фақир тўнғуз, – дейди-да, Хатиб домладан тортиб, ҳатто йиғлаб турганларгача хахолатиб юборади.

Мулла Муҳсин ақча ҳисоблариға ҳам унчалик етук эмас. Бир йили кузга яқин пайтларда шаҳардан савдогарлар мева олиш учун қишлоққа келиб, қишлоқ боғларидан олма, ноклар олиб юруйдилар. Мулла Муҳсин уларга ўз боғида бир туп қишлик олма борлигини билдириб, савдогардан иккисини чақириб келади. Савдогарлар олмани кўриб ёқтирганларидан сўнг баҳолашадилар. Мулла Муҳсин чаккисига² бир туп олма учун йигирма сўм сўрайди. Савдогарлар ўн сўмдан бошлаб ўн саккиз сўмгача чиқадилар. Домла кўнмайди. Савдогарлар савдони битиролмай, боғдан чиқиб кета бошлагани ҳолда бириси иккинчисига айтади: «Домла кўрунишига қарағанда жуда ҳам соддага ўхшайди, чунки ўзи йигирма сўм сўраган нарсага биз ўн саккиз сўм берсак ҳам кўнмайди... Шошма, сен боравер, мен домлани бир ўйнаб кўрай», – дейди-да, домланинг ёнига келиб қўлини олади:

– Табаррук қўлингизни менга беринг, домла... Шу бир туп олмангиз тухум пўчоқ,³ тўқсон танга, бердингизми?

Мулла Муҳсин ҳам узоқ ўйлаб турмайди:

– Бор барака топ! – деб юборади.

Савдогар кулумсиган ҳолда бай пулини бериб жўнагандан сўнг савдо устида ҳозир бўлган Исҳоқ сўфи ўзича бармоқлари билан ҳисоб юргузиб қарайди-да, домлага томон бошини чайқаб кулади:

– Эй домла, ахири яна ўн саккиз сўмга сотибсиз! – дейди.

Домла ҳеч бир пинагини бузмай:

– Эй ука, илгари ўн саккиз билан тўқсоннинг фарқини қилсангиз-чи, – деб жавоб беради.

Мулла Муҳсин советлар ҳукуматига ҳарчанд душман бўлса ҳам, Хатиб домла каби фавқулодда ваҳимали баҳолар бермайдиги ёки беришни билмайди:

¹ Тўнғуз – бир асрнинг саккиздан бири бўлган 12-13 йилни бир мучал дейдилар. Мучалнинг ҳар бир йили бир ҳайвоннинг исми билан аталиб, буларнинг ичида ит ва тўнғузлар ҳам бор. Масалан, биров ит йилида туғулган бўлса, «йилим ит» деб ҳисоб юрутади (*Муаллиф*).

² Чакки – дуруст, яхши бўлмаган.

³ Тухум пўчоқ – арзон, текин.

– Боён ва деҳқонлардан (муштумзўрлардан) инсоф кетиб, улар закот ва ушрни унутган эдилар; камбағал, бева-бечора-ларга силаи раҳм қилмас бўлган эдилар. Бинобарин, Оллоҳи таоло қаҳру ғазаби билан уларнинг устига шўро ҳукуматини мусаллат¹ қилди... – деб юруйди.

Хатиб домла қишлоқилар билан муомала қилишни жуда яхши билади. Ҳар кимнинг аҳволига қараб сўз сўзлаганидек, амри маъруфни ҳам одамига ва фурсатига қараб бошлайди. Унинг муомала ва амри маъруфининг бир тарафида ҳамма вақт ўзининг моддий ва маънавий манфаати эргашиб боради. Масалан, Хатиб домла бир мажлисда неча нуқталарни кўзда тутуди, аввалан, қизиқ гап ва ҳикоялардан сўзлаб, халқни хурсанд ва ўзидан рози қилади. (Бунда ўзининг фазлини авомдан тасдиқ этдириш мақсади ҳам бор.) Шундан кейин оҳистагина тузоқ теварагида айланишиб қолган қишлоқиларнинг орқасини силаб, кимлар ва қандай умматлар жаннатга лойиқ бўлади, қандай миллатлар жаҳаннамга сазовор қилинади баҳсига ўтади. Қишлоқиларнинг барчаларини ҳам жаннатга жойлаштиригандан сўнг, жаннатнинг энг олий, ой юзли хурлар билан тўлган, бол-шарбатлари ҳар тарафга оққан, дарахтлари анвойи мевалар тўккан бир мақомни кўз ўнгига келтириб тасвир қилади, аммо бу жойни кишилардан бўш кўрсатади-да, аҳли мажлисдан: «Биласизми, бу олий мақом кимларнинг жойи?» деб сўрайди. Қишлоқилар ҳайрон бўлиб турадилар.

Мана бу мақом дунёда ўз молларининг закотини ва деҳқончилигининг ушрини берган мўъминларнинг манзилидир, дейди (ўзига закот ва ушр беришга тарғибот) ва давом этади, – башарти бир киши на закот ва на ушр беришга қодир бўлмай, аммо ўз умрида бир мартаба бўлса ҳам бир муллани меҳмон қилиб кутди, бу ҳам бир саховатга ўтуб, у ҳам шу мақомга эга бўлади (ўзини зиёфат қилишга ташвиқот), энди учинчи яна бир киши борки, на ушрга кучи етади ва на бир муллани меҳмон қила олади, яна шу ҳолда ҳалиги мақомга сазовор бўлса, албатта, биз таажжубланиб қоламиз. Лекин ҳеч бир таажжуби йўқ. Зероки, бу учинчи киши муллани кутолмаса ҳам, унинг бир мушкулини ўзининг меҳнати билан осон қилган эди (боғиға ишлатишга тарғибот). Бас, яна тўртинчи даражадаги яна биров бор... Худонинг қудрати! Бу одам на ушр беролган, на муллани кутолган ва на кучи етмаганликдан

¹ Мусаллат – эга, ҳоким.

мулланинг мушкулини ҳам осон қилмаган! Хўш, қандай қилиб бу одам шундай мақомга сазовор бўлди дейсиз-да, жуда ҳам енгилгина: бу киши фақат муллани ҳурмат қилди, орқасидан ғийбат сўзламади ва ҳар турли йўллар билан бўлса ҳам, мулланинг моллариға кўз олайтирмади. Мана шугина билан бу мақомга етишди! (Қишлоқилардан ўзини ҳурмат қилдириш, молларини сақлаш учун ташвиқот ва эҳтиёт!)

Бу йўлли «амри маъруф»ларни албатта «варсоқи¹ авом халқ» ўртасида ўтказади. Ҳукуматдан «кишт теккан»² ўз кишилари орасида ўлтурганда мажлисининг руҳини сиёсий рангда олиб боради:

– Шўро ҳукумати ҳам беш-олти кунли қордек гап, – дейди Хатиб домла, – теварақдаги қиронлар саккиз томондан тикилганлар, фақат вақт-соати етмай туради-да... фикримча, бу кўк-ламдан ўтмас!

Ёронлар Хатиб домланинг оғзидан ўпиш даражасида хурсанд бўлиб, унинг шу мақомли «амри маъруфини» кўп эшитадилар. Домланинг «руҳларини енгиллатувчи» суҳбатига нойил бўлиш учун тез-тез уни меҳмон қилиб кутадилар ва ушр закотлари³ билан ҳар доим йўқлайдилар.

Лекин орадан неча кўк-ламлар ўтиб кетади, советлар ҳукумати битмайди; аммо «кишт текканлар»нинг ўзлари, мол-мулклари, ундан сўнг домланинг «каромат» тариқасида сўзлаган фикрларининг аҳамияти битади. Хатиб домла ўз фикрини, эмиш-мемишини янгилаб олишга мажбур бўлади, чунки, билъакс унга нон қолмайди. Ўзи ҳам умидсизланган фурсатларда бўлса керак, советлар ҳукумати тўғрисида диний таъвилотга⁴ киришади.

– Бу муттафақун алайҳ Дажжол! – дейди ўз дўстларига, – ҳаммангиз ҳам эшитгансиз: Дажжолнинг манглайига «бу кофир» деб ёзилган бўлар экан, буни етти яшардан тортиб, етмиш яшаргача ҳар ким билар экан; болшевикларнинг Худога инкорини, яъни кофирлигини гўёки манглайига ёзилгандек ҳар қайсимиз билмаймизми, – Дажжолнинг бир кўзи кўр бўлар экан; болшевикларнинг дунё кўзлари очиқ, аммо охират кўзлари кўр эмасми?! (яъни охират ҳаётига мункирлар⁵ демакчи); Дажжол

¹ Варсоқи – валдир-вулдир, бемаъни одам.

² Кишт теккан – туртилган, ҳайдалган.

³ Ушр закоти – даромаднинг ўндан бири ҳисобидан олинадиган солиқ.

⁴ Таъвилот – сўзни ўз маъносидан бошқа маънога буриш; шарҳлаш.

⁵ Мункир – инкор этувчи, тан олмовчи.

хуруж қилганда эшакка миниб кезар экан; болшевиклар, ахир, ким билан устун бўлмоқда, кимларнинг ёрдами билан тева-ракка қулоч отмоқда? Яланоёқ, пастарин одамларнинг кўма-гида эмасми? Дажжол хуруж қилганда бир қўлида жаннат, бир қўлида дўзах кўтариб чиқар, ўзига итоат қилганни жаннатига ва қилмаганни дўзахига солар экан; болшевик фирқасига кир-ган яланоёқлар жаннатдаги каби роҳатда, кирмаганлар ГПУ ва турмаларда азоб-уқубатда эмасларми? Дажжолнинг орқасидан оммаи халойиқ эргашар эканлар; хозирда қўпчилик одамлар шўро ва фирқанинг орқасидан кетмадиларми, фақат сиз ва биз каби озчилик кишилар четка чиқиб қолмадиқми?!

Хатиб домла ўзининг бу таъвилоти билан эшитувчиларни жуда ҳайрон қилиб, ҳатто баъзида йиғлатиб ҳам юборади.

– Энди, тақсир, Дажжол алайҳилаъна кимнинг қўлида ҳа-лок бўлса керак, китоблар бу тўғрида нима деганлар? – деб сўрайди биров.

– Китобларимиз Дажжол малъунни ҳеч кимса ҳалок қилол-майди, магар кўкдан Ҳазрати Исо тушуб ҳалок қилсалар керак, деганлар. Аммо бунда ҳам таъвил лозимдир. Яъни ҳазрати Исо алайҳиссалом кўкдан тушмайдилар, магар у зотнинг руҳи маънавилари ўз қавмлари устига нузул қилиб, қавми Исодан бўлган хозирги француз ва итальянлар, немис ва англичанлар, амриқо ва испаниёнлар, романия ва палаклар бу бадбахтни ҳа-лок қилсалар керак.

– Китобларда Дажжол лаин¹ бутун ер юзини ўзига қаратса керак, деб ёзилган экан. Ҳали бу малъун ернинг олтидан би-рини эгаллаб турган бўлса, бундан маълум бўладирки, болше-виклар бутун ер юзини олиб битирсалар керак экан-да?

Сомеъларнинг бири томонидан берилган бу савол аҳли маж-лисга бир даҳшат берганидек, Хатиб домлани ҳам эсанкиратиб қўяди...

– Тўғри... Тўғри, – дейди Хатиб домла, – бутун ер юзини Дажжол олса керак. Лекин қўлида узоқ ушлаб туролмайди, китоблар шундай деганлар... Мана биз шундай шум замонда яшаймиз. Ҳар вақт Дажжолнинг шарридан² паноҳ сўраш, лаин-нинг амри фармонларига итоат қилмаслик, ўзаро хайри эҳсон-га қўл очишимиз лозим... Оллоҳ таоло малъуннинг шарридан ҳаммамизни ҳам ўз паноҳида асрасин!

¹ Лаин – лаънати (шайтон).

² Шар – ёмонлик, ёвузлик.

– Омин, тақсир, омин...

Хатиб домла ҳамма мажлисларни ҳам юқоридағи руҳда қаршиламайди. Баъзи мажлисларда тасодифий равишда тўғри келиб қолган партия, комсомол аъзолари ва шулар сингари ҳукуматга яқинроқ турган кишилар билан ҳам муомала қилишни яхши билади.

– Болшевикларнинг аксар йўллари бизнинг шариатга тўғри келади. Мени намоз ўқуйди, руҳоний демасалар, аллақачон болшевиклар фирқасига ёзилган бўлар эдим... Жаҳонгир давлатлар шўро ҳукуматини йўқотамиз деб, кўкнори хаёлини қилмоқдалар. Агар улар шўролар ҳукуматининг бир тола мўйини ҳам қилсалар шу соқолимни шартта кесиб ташлайман! – деб паҳмоқ соқолини тутамлаб олади. Мажлисдан кейин ёки «ишончсиз кишилар» ўлтурришдан жўнагандан сўнг ўз кишиларига:

*Осойиши ду гети, тафсири ин ду ҳарф аст
Бо дўстон мурувват, бо душманон мадоро, –¹*

деб Ҳофизнинг байтини ўқуйди.

Юқоридан ҳам фаҳмланган бўлса керак, Хатиб домла зиёфатдан-зиёфатка, тўйдан-тўйга ва маъракадан-маъракага ўтишни жуда ҳам дўст тутади. Қишлоқилардан бирининг уйида зиёфатда бўлса, зиёфатнинг давомини кимнинг устига қўйиб юбориш қайғусини чекиб, зиёфатдагиларнинг жўлдам² ва муносиброғини кўз тегига олиб ўлтуради.

– Ҳой, сиз фалонча бой дейман, ўзингиздан бир гап чиқар десам, бетамизлик қияпсиз... Ахир ўғул уйлантириб, келинлик бўлдингиз, янги келиннинг қўлини кўрсатай ҳам демайсиз! – дейди ва ёнидаги кишини «сен ҳам сўзимни кучла» дегандек қилиб туртиб қўяди. Кўпчилик Хатиб домланинг сўзини кучлаб тушгандан сўнг, у ҳам ноилож зиёфатни бўйнига олишга мажбур бўлади.

Албатта, баъзи жумаларда зиёфатсиз қолишга ҳам тўғри келади. Бундай сакталардан³ ҳам домла осон қутулади. Жумадан сўнг қавмлардан бирини жўплаб туради-да:

– Ҳой Каримжон, мен бу кун сизникига бориб суҳбатлашиб

¹ ... мадоро – ҳар икки оламнинг тинчлиги мана шу икки сўздан иборат, у ҳам бўлса, дўстларга меҳрибончилик ва душманлар билан муроса қилишдир.

² Жўлдам – гапга, муросага кўнадиган; лақма.

³ Сакта – узилишлар, тўхталишлар.

қайтмоқчиман; унчалик такаллуфнинг ҳожати йўқ, уйингизда нимаики бўлса, олиб чиқсангиз бас! – дейди, дабдурусдан бу кунги ошни Каримжоннинг устига юклаб юборади.

Хатиб домланинг бу хилдаги борди-келдиси, албатта, қишлоқнинг бирмунча гапка тушунадирган жирлироқ деҳқонлари устуда юрийди. Аммо «қаторга киролмаган» деҳқонларга бошқачароқ тадбир қўлланади. Бу хил кишиларни кўча-кўйда учратиб қолса (чунки булар масжидга жуда оз борадирлар):

– Тўлаган бой, Тўлаган бой! – деб ёнига чақириб олади-да, жиддий вазиятда ундан сўрайди, – отангга Қуръон ўқуб бағишлайсанми?

Албатта, Тўлаган саводсиз, Қуръон ўқушни билмайди; буни Хатиб домла яхши билади.

– Йўқ, тақсир! – дейди содда Тўлаган.

Хатиб домла ачиниш туси олади.

– Эсизгина, отанг бечора шунинг учун ҳам бетинч экан-да.

Тўлаган ўлиб кеткан отасининг бетинчлигига тушунмай туради.

– Ҳайрон бўлма, – дейди Хатиб домла, – мен икки кечадан бери раҳматлик Йўлдош акамни тушимда кўраман... Тўлагандан дарак йўқ, сиз ўқинг домла, деб Қуръонга ишорат қилади... Киши ўз отасини ҳам шунчалик йўқламай қўядими, отанг сени шу умид билан ўстирганмиди? Агар ўзинг Қуръон ўқушни билмасанг, менга айт, мен албатта ўқуб бағишлайман.

– Ўқинг, тақсир, – дейди отасига ачинган Тўлаган.

– Ҳўб... Бўлмаса мен бу кундан Қуръон бошлайман. Тўрт кунсиз Қуръонни хатм қилиб бўлмайди. Тўртинчи кун панжшанба бўлса хатмни битириб, асрдан сўнг қўрғонингга бориб, ўша жойда бағишласам керак. Арвоҳ ҳамма вақт ўз уйида бўлади.

– Ҳўб, тақсир, мен сизни кутаман.

Демак, домла панжшанба кунига бир палов ундурди. Тўрт кун ўлтуриб Қуръон «тиловат» қиладиган Хатиб домлани Тўлаган албатта қуруқ қайтармайди – беш-ўн сўм пул ҳам униб қолади...

Мулла Муҳсин ҳар жихатдан ҳам уқувсиз, айтканларича «берсанг ейман, урсанг ўламан». Ҳолбуки Мулла Муҳсиннинг қавмлари ичида пичоққа илинадирганлари анчагина, бироқ Хатиб домла каби соғишни билмагандан кейин нима фойдаси бор? Хатиб домла Мулла Муҳсин ташвишини ҳам чекади. Мулла Муҳсин билан кўча-кўйда учрашиб қолса, уни ишга солиш ҳаракатига тушади.

– Кўпдан буён ўлтуриша олмадик, бир китоб қарашсак бўлар эдими, дейман Мулла Муҳсин.

– Жуда яхши бўлар эди, – дейди мақсадга тушунмаган Мулла Муҳсин.

– Қавмларингизнинг зиёфатларини ўзингиз ёлғиз еб юрасиз; бизни ўшандай вақтларда йўқлай ҳам демайсиз...

– Бу замонларда зиёфат қаёқда дейсиз, – дейди Мулла Муҳсин, – икки ойлардан буён зиёфат у ёқда турсун, лоақал зиғирмойлик маърака оши ҳам кўрмадик.

Хатиб домла бошини қимирлатиб Мулла Муҳсиннинг ҳолига афсус қилади: – Лаб-даҳан йўқ, денг.

– Қих-қих-қих... айтканча, лаб-даҳан ҳам йўқ, валлоҳи аълам... ўзи чақирмағандан кейин мен ҳам...

– Шўрвага йиқилинг домла, иззатталаб бўлиб ўзи чақиришини кутиб юрсангиз, ёвғонсираб ўласиз, хала керак, хала. Эш-шаклар учун албатта халачўп керак. Шундагина улар йўрғалаб, сиз билан бизнинг кўкрагимизга шамол тегади. Бўлмаса келаси жума бир суҳбатлашайлик, қавмларингиздан бирининг устига зиёфатни юклаб, менга хабар юборингиз, хўпми?

Мулла Муҳсин манглайини қашийди...

– Нега ўйланасиз? Шу аҳволингиз билан ҳанузгача очиқиб ўлмаганлигингиз таажжуб, қавмларингиздан Эгамберди, Сотиболди ва Собир новчалар ўлиб бораётган одамлар эмас; ҳар бириси хирсдан ҳам тўқ. Шулардан бирига: «Хатиб домла билан китоб кўришмакчи эдик, жума кунига савобталаб бирингиз бизни кутасиз» десангиз, холос.

Мулла Муҳсин манглайини қаший-қаший, «хўп» жавобини бериб, мулла Исо махдумдан қутулади. Аммо ўз қавмлари орасида Хатиб домланинг увадасини чиқариб, жумалик зиёфатини белгилаб олгунча, бир жойга бориб етади:

– Хатиб домлангизнинг томоғи қичиған, – деб сўз бошлайди намоздан кейин Мулла Муҳсин, – бирортангиз жума кунига зиёфат қилмасангиз, мени кўрганда баайни итдек қопса керак, қих-қих-қих... Чунончи, китобларимизда таъмани ҳаром деганлар, магар бу маънидин Мулла Исо махдум мустасно бўлса керак, вех-вех-вех... Бу зиёфатдан савоб-ку бўлмас, илло, Мулла Исонинг товуши ўчар, қих-қих-қих! – дейди ва қавмларини кулдура-кулдура охирида зиёфатни бировнинг устига қўяди.

7. ҚАРҒА ҚИЗИЛ КҰРАДИ¹

Бошда Хатиб домла бошқалар каби Мулла Обидга тубан даражада бир «галварс» сифатида қараб, ортиқча аҳамият бермайди. Ҷша йил кузга етиб Мулла Обид ўзининг даҳшатли кетмони, занбалғалтаги ва қаҳрамонона меҳнати билан қишлоқилар орасида донғ тортганда ҳам Хатиб домла «жони ачимаган аҳмоқ валлохи аълам» деган фикрда бўлади. Аммо Мулла Муҳсин уни Уж бинни Унуқ² авлодидан ҳисоблаб, Мулла Обиднинг меҳнатдаги қаҳрамонлигига эмас, беш вақт намозни ўз вақтида ўқуб турушига таҳсин қилади. Кўкламга чиқиб Мулла Обид маълум экинларини барчадан ўн беш-йигирма кун илгари экиб олиб, бу тўғрида қишлоқ бўйлаб сўз кетганда ҳам на Хатиб домла ва на Мулла Муҳсин бундай «бемаъни лоф»ларга эътибор қилмайдилар. Бироқ Мулла Обид ўз ҳосилотини элдан ўн беш-йигирма кун илгари бозорга чиқариб, деҳқончиликда катта муваффақиятлар қозона бошлагандан сўнг, айниқса, Хатиб домланинг қулоғи тиккайиб кетади.

Мулла Обид жума намозларида кўруниб қолганида аксар хутба асноси унга бир неча бора қараб олишга мажбур бўлганидек, кўнглида унинг зиёфатини ейиш, зиёфат асноси ушр масалаларидан «амри маъруф» қилиш ҳаваси ҳам туғулади. Ўз қўл остидаги қишлоқиларнинг устига зиёфат қўйиш Хатиб домла учун, маълумки, унча оғир гап эмас. Бироқ Мулла Обид Муҳсин домланинг «тобеъ»ларидан бўлгани учун ундан, яъни зиёфат тўғрисида Мулла Муҳсиндан илгари баҳс очиш маълум бир даражада обрўсизлик саналади. Гўрсўхта – домла шалҳак бўлса оғзидаги луқмани ҳам эплаб ютолмайди. Бу тўғридаги «оғирлиқ ва ташвиш» яна бечора Хатиб домла зиммасида. Бу ҳақда бир неча вақт қайғуриб юриб, бунинг устига домла шалҳакни учратолмай, ноилож бир жума асноси гарчи бир қадар таназзул ҳисобланса ҳам, Мулла Обид билан танишиб тамаллуқ кўрсатади.

– Мен сизнинг қилган меҳнатларингизни орқангиздан эшитиб жуда ҳам хурсанд бўлиб юрибман, ҳар доим холисона дуоингизни қиламан. Ҳар ким деҳқончилик даъвосида бўлса, кировий сизча бўлсин, боракалла укам, – дейди ва яна бир қанча ҳалигидек тамаллуқ, мадҳияларда бўлгандан сўнг асл мақсадга ҳам ўтади,

¹ Қарға оч қолса, кўзига ҳамма нарса қизил гўшт бўлиб кўринар экан.

² Уж бинни Унуқ – асотирда узун бўйли хаёлий бир шахс (*Муаллиф*).

– кеча имомингиз Мулла Муҳсин билан бирга эдик. Мулла Муҳсин сизнинг тавсифингизда бўлиб, «Мен бир кун Обид куёвнинг деҳқончилигига меҳмон бўлмоқчиман, башарти вақт топсангиз сиз ҳам ҳамроҳ бўлингиз, ўзи кўп солих, обид ва сахий йигит», деди. Мен унга ваъда берсам ҳам бироқ сизнинг фурсатингиз қандай ва қачон вақтингиз бўлади, палак экинлардан нималарингиз пишкан – андиша қилиб қолдим...

Хатиб домла, «маслаҳат» йўлида аксар ёлғонни ҳам бежаб юборади. Чунки, ўзи устоз Саъдийнинг «дуруғи маслаҳатомиз беҳ аз рости фитнаангиз»¹ сўзига амал қилувчилардан саналади. Юқорида «Мулла Муҳсин фалон деди, башарти фурсат топсангиз сиз ҳам менга ҳамроҳ бўлингиз, деди» сўзи, албатта, тамоман ёлғон, бу гап ҳатто Мулла Муҳсиннинг тушига ҳам кирган эмас. Хатиб домла эса буни «маслаҳат юзасидан» сўзламакда ва бу томондан қараганда домлани айблаш ҳам оғир...

Мулла Обид Хатиб домла каби «олим, фозил, соҳиби меҳроб» бир зотнинг сўзини қайтаролмайдир, «ўзим ҳам жанобларини кўриш фикрида эдим, фурсати билан Муҳсин домла орқали сизни йўқлатарман», дейди.

Хатиб домла шу йўсун кўнгил илинжини муваффақият-ла ҳал қилиб, дарров баъзи андишалар юзасидан Мулла Муҳсинга ўзи бориб учрайди. Унга «дуруғи маслаҳатомиз»ни² яна бошқача «дуруғи маслаҳатомиз» билан айрибошлаб муомала қилади:

– Бу кун баъдаз жума Холмирзанинг куёви «бизнинг янги деҳқончиликга бир меҳмон бўлсангиз» мазмунли таклифда бўлиб қолди. Мен домлангиз Мулла Муҳсин билан сўзлашиб бир кунни таъйин қилсангиз борарман, дедим. Майли-да, мабодо сизга зиёфат кунини таъйинлаб хабар юборса мени ҳам бирор кун илгарирак йўқлаб қўясиз, – дейди. Мулла Муҳсин «хўп-хўп» айтиб, домлани хотиржам қилмоқчи бўлади, лекин Хатиб домла хотиржам бўлиб етолмайди.

– Гапга яхши қулоқ солинг, Мулла Муҳсин, – дейди Хатиб домла, – ўзингизга маълум, бу йигит деҳқончиликдан жуда ҳам бўлиб, шуҳрати бутун офоқни³ тутди. Албатта, тарозига қараб тош қўйган яхши: Хатиб домлани ҳам қўшиб чақирадир-

¹ ...фитнаангиз – маслаҳат юзасидан айтилган ёлғон, фитнага сабаб бўлу-чи ростдан яшидир (*Муаллиф*).

² Дуруғи маслаҳатомиз – маслаҳатга ўхшаган ёлғон.

³ Офоқ – дунё, олам.

ган бўлсанг қўй сўйишинг лозим, ундан кейин битта тўн бермасанг яна ўхшамайди; зеро, тўнсиз жўнатсанг, «тахқири уламо» қилган бўлиб, гуноҳкор бўласан, – деб айтасиз, маъқулми? Менга тўн бергандан сўнг ўз имоми бўлган сизга ҳам тўн бермай чораси бўлмас, тушундингизми?

Мулла Мухсин негадир кўзини ўлган бузокникидек бақрайтириб, Хатиб домлага қарайди. Чамаси ёки Хатиб домланинг даромадга жуда ҳам усталиғи уни таажжублантиради, ёхуд «шариатда тамаъ муттафақун алайҳ харом альъаёзи биллоҳ»¹ деб ичдан истиғфор айтади.

– Бақрайманг, Мулла Мухсин, – дейди кулумсиб Хатиб домла, – бу гапларни «танозуи бақо ва муборазаи ҳаёт»² деб айтадирлар. У қадарли роҳиблар сулукини³ тутиш ҳам жилла бизнинг бу замонларга тўғри келмайди, билъакс, ёвғонсираб ўламиз, Мулла Мухсин... чунончи, «вало тулқув биайдиякум илла таҳлика»⁴ ояти каримасидан ҳам танозуи бақога катта ишорат бор, сиз бу томонлардан хотиржам бўлингиз, мен буни аллақачонлар мутолаа қилиб, бояғидек тадбирлар учун йўл борлиги қаноатиға келганман... Сиз нима деб ўлтурасиз ҳали? Шундай, сиз меним ҳалиги таълимотим бўйинча унинг бўйнига қўй сўйиш ва тўн беришни юклашга ҳаракат қилингиз.

Мулла Мухсин бир оз кулумсиб олади-да, маъқул дегандай қилиб бош ирғатади.

Мулла Мухсин Хатиб домланинг феъли-хуйига яхши тушунганликдан унинг ҳамма сўзларига ҳам батамом ишониб етолмайди. Бинобарин, зиёфат тўғрисида на Мулла Обидга ва на Холмирза акага чурқ этиб оғиз очмайди. Яъни, Мулла Исо махдумнинг сўзи чин бўлса, ўзи зиёфатга йўқлар, деб кутади. Аммо Мулла Исо махдумнинг «ифодаи калом»⁵ қилишидан, башарти ростини айтса, «ўлгунча бепарвосиз» деб койишидан чўчиб, унга кўрунмай юруйди. Орадан ўн кунлаб фурсат ўтиб, зиёфатдан дарак бўла бермайди. Бу ўртада ҳарчанд эҳтиёт қилса ҳам бир жаноза асносида Мулла Исо махдумга учрашишга тўғри келади. Мулла Исо махдум ўз қаршисиға жанозаси ўқуладирган

¹ Альъаёзи биллаҳ – Худо сақласин.

² Танозуи бақо ва муборазаи ҳаёт – боқий қолиш учун низолашув ва ҳаёт учун кураш.

³ Сулук – йўл.

⁴ Ўз ихтиёрингиз билан ўзингизни ҳалокатга ташламангиз (Муаллиф).

⁵ Ифодаи калом – калом ифодаси (мантиқ илми атамалярідан).

тобут келиб тўхтаса ҳам, Мулла Муҳсинни кўздан қочирмай, оҳистагина «хушхабар борми» деб сўрайди. Мулла Муҳсин ноилож «дуруғи маслаҳатомиз» ишлатишга мажбур бўлиб, «ўзим фурсати билан йўқлайман, дейди», деган жавобни беради. Хатиб домла мадраса замзамаларига ҳам жуда уста. Атрофини сириб турган кишиларга сездирмай анча таъкидларда бўлади:

– Халаси бўлмаса зотилжанб касали, деб айтилмайди, бинобарин сиз халасини пайқашга ҳаракат қилингиз. Иншоолло шифоёб ҳам бўлиб қолар, деб ўйлайман. Баҳарҳол рўшнолик бўлса бир қўй сўйиб юборишга ҳаракат қилингиз ва лекин мен айткан гап ёдингиздан кўтарилмасин... Шаҳарнинг чопон бозоридаги табибдан сўралса, ўзида бўлмаса ҳам топиб беради! – дейди.

Мулла Муҳсин бошда «гапга» тушунмай турса ҳам, сўнгра пайқаб олиб илжаяди ва домланинг «маслаҳат»ларини қабул қилган вазият кўрсатади. Лекин Хатиб домла қошларини чимириб, ёнидаги кишига қарайди-да, ярим товуш билан «тиржаймай ўл, куйдирган калла!» деб қўяди. Унинг сўзини чалароқ эшиткан киши «Ҳа-ҳа тақсир, зотилжанб касалига куйдирган калла даво эканми?» – деб сўраб қолади. Хатиб домла кулумсираб, «Қўйнинг бақалоғи мужарраб»¹ дейди-да, оқ бўйра устидаги тобут ёнига боради ва салласининг пешини тушуриб, такбир учун қўл кўтаради.

Шу йўсун интизор орқасида бир неча ҳафта ўтади. Бир кун тонг намозидан кейин Холмирза ака Мулла Муҳсиннинг ёнига келиб, жума куни куёвининг кутмакчи бўлганлигини сўзлаб «Тунови кун Хатиб домла Мулла Обидга тегишкан эканлар. Куёвининг тиғиз ишлари бўлса ҳам у зот тилга келганларидан сўнг ноилож қолдиқ. Хатиб домлага ўзингиз хабар юборасиз-да, жума кунига ҳар икковингиз меҳрибончилик қиласиз... Бизнинг қишлоқдан ҳамма вақт эт топиб бўлмайди; билмадим, бирорта қўй сўямизми», – дейди. Мулла Муҳсин Исо маҳдумнинг «найрангбозлиги»ни пайқаб, таклифга ижобат қилади. Аммо чопон ваколоти тўғрисида гарчи ўзида ҳам бу масалага бир қадар рағбат уйғонган эса-да, лекин Холмирза аканинг «...ноилож бўлдиқ» деб бир қадар шикоятланиброқ ўтуши, чопон масаласини очмаслик мажбуриятини туғдуради. Хатиб домлага «дуруғи маслаҳатомиз» ишлатишни кўнглидан ўтказар экан:

– Яхши, яхши, қўй сўйганингиз маъқул, беш-ўн қадоқни зиёфатга ишлатсангиз, қолган ёғ-гўшт, ахир рўзғорчилик... – дейди.

¹ Мужарраб – синовдан ўтган; маъқул, яхши.

Ўқувчининг хотирига солиб ўтиш керак: Мулла Муҳсин шу ерда ҳам бир анойилик кўрсатадир. Яъни зиёфатга беш-ўн қадок ишлатсангиз, қолгани рўзгорингизга, деб катта бир «сиёсий хато» ишлайди. Холбуки, Хатиб домла унинг ўрнида бўлса, зиёфатдан ортиб қолган ёғ-гўштга қандай маслаҳат кўрсатар эди, бир қўйнинг ёғ-гўшtidан беш-ўн қадокни зиёфатга ишлатдириб, қолмишини беозоргина Мулла Обиднинг рўзгориға қолдириб кета берар эдими?

Хатиб домла билан алоқа ва муносабатда бўлган тиктепалик бир биродарнинг фикрига қараганда, Мулла Муҳсиннинг ўрнида Исо махдум бўлганда мана нима қилар эди:

– Буродар Холмирза, – дер эди мулойимона, – шу қўйнинг кимнинг йўлига сўйилади, айт-чи?

– Албатта Худонинг йўлига, тақсир.

– Баракалла, – дер эди домла, – қўй Худонинг йўлига сўйиладиган бўлса, сен ва куёвингга жуда ҳам ёмон бир маслаҳатим бор: керагичани зиёфатингда ишлат, қолмишини ўзим, бола-чақам есин деб, қурумсоқлиқ қилмағил-да, борини ҳатто уйингга бир жаз ҳам қолдирмай, ёғ-гўшт аралаш мустаҳиқларга¹ тарқат: ана ундан кейин бунинг мукофотини кут!

– Холмирза акага ўхшаш содда қишлоқи «холис» бу тарғиботга, албатта, «хўп тақсир»дан бошқача жавоб бермайди, – дейди бояги тиктепалик биродар ва давом қилади. Албатта, сизнинг фикрингизга Хатиб домла холис бир диний тарғиботда бўлди, деган сўз келгандир. Ҳозирча Хатиб домла Холмирза акадан қўйнинг Худо йўлига сўйилиши, зиёфатдан ортиқча ёғ-гўштни Худо йўлига тарқатилиши учун иқрор олди. Энди Холмирза ака бола-чақаларининг ҳақлариға дуо қилиб, у билан хайрлашганини ҳам кўрсангиз, яна «холис диний тарғибот экан» деб қола-сиз. Йўқ, ҳали шошмангиз. Холмирза ака ўн-ўн беш қадам Хатиб домладан йироқлашсин, Хатиб домла ҳам гўёки ўз йўлига қараб ўн қадамни боссин, – деб кулади бояги буродар, – бирдан... шу вақтда бирдан домланинг ёдиға бир нарсa тушкандек тўхтайтиди ва Холмирза акани чақириб ҳам қолади.

– Буродар Холмирза, кета туриб ёдимга тушди; игна ўз тешигини тиколмайди-да... Ўйлаб қарасам, ўзим ҳам ёғ-гўштга муҳтожман; у ёғини сўрасанг бола-чақа ўн беш кундан буён гўштли ош емаган... Қўйнинг гўшт-ёғини тарқатган вақтингда

¹ Мустаҳиқ – мухтож.

бизни ҳам ёдингда тут... Дурустрак жойидан кўпайтирибрак...
Ҳа, болаларингнинг мақсадиға ет, биродар, ҳа шундай бўлсин!

– Эҳтимолки сиз, – дейди ҳалиги тиктепалик буродар, давом қилиб, – ҳақиқатан, домла бошда холис тарғиботда бўлди. Аммо, бора туриб ўзининг рўзгор аҳволоти ёдига тушуб, худойига ўзини ҳам мустаҳиқ санаб қолди, деб ўйлагансиз. Лекин ундай эмас. Гўшт-ёғни худойига тарқатиш тўғрисидаги тарғиботи ҳам ўз ғарази юзасидан бўлган эди. Аммо, хайрлашиб йўлга тушиши, йўл устида бирдан ўз оила аҳволотини эслаб қолиши ўзини холис кўрсатиш, Холмирза акани ўз ғаразидан четга қоқиш йўлидаги бир ўюн, – деб кулади тиктепалик буродар.

Биз ҳозир асли мақсадга ўтамиз.

Хатиб домла панжшанба кунидан туз ялаб зиёфатга боришга ҳозирланади. Мулла Мухсиннинг «дуруғи маслаҳатомиз» билан унинг тўн киядирган елкаси ҳам қичишиб қолади. Зиёфат вақти «жума кунига» дейилганликдан, жума кун эрта биланоқ наҳорга ўғли кичик маҳдумдан иккита зўр муқовали китобни кўтартириб (демак, амри маъруф ҳориқул-ода¹ бўлса керак) Мулла Обидникига томон йўл солади. Йўлакай Мулла Мухсинни ҳам чақириб олиб (чунки Мулла Мухсинсиз бориш, Хатиб домланинг обрўси учун яхши эмас...) бирга кетадилар. Бу ўрунда гарчи бир қадар муносабатсиз бўлса ҳам Мулла Мухсиннинг бир бетамизлигини айтмасдан ўтолмаймиз.

Мулла Мухсин ўз қўрғонидан чиқғач, оқ яқтак кийиб, бошига кичкина салла ўраган кичик маҳдумни китоб кўтарган ҳолда кўриб, ундан китобларни ўз қўлига олмоқчи ва маҳдумни овора қилмай, шу жойдан уйига қайтариб юбормоқчи бўлади.

– Йўқ, йўқ, қўя беринг, китобни ўзи кўтариб боради, – дейди Хатиб домла Мулла Мухсиннинг бетамизлигидан ранжиб, – асли сиз ҳам ўғлингизни бирга олиб борсангиз яхши бўлар эди, болалар мажлис кўрса, одоб ўрганади, амри маъруф эшитиб қулоғи ҳам пишийди.

– Мезбон болалар тўғрисида оғиз очмагани учун мен... – дейди-да, Мулла Мухсин бетамизликни яна икки қат ортдиради.

Хатиб домла бир оз сукут қилиб боради.

– Киши зиёфат тадорикини қилгандан кейин, албатта, борди-келдини тарозуга тортиб пиширмайди... Ундан сўнгра бир-икки боланинг еган овқати билан мезбон ўлиб ҳам қол-

¹ Ҳориқул-ода – одатдан ташқари.

майди, жилла, бунчалик сертакалуф бўлиш ярамайди, Мулла Муҳсин! – дейди Хатиб домла ва бир оз индамай кетади, – ҳали ҳам сиз кўргонингизга қайтинг, дарров ўғлингизни кийинтириб бирга олиб келинг, биз мана шу сув бўйида кутиб турамыз.

– Боланинг дурустрак кийими ҳам йўқ... – дейди Мулла Муҳсин.
– Дурустрак кийими бўлмаса, нима қилади? Боринг, эски кийими билан бўлса ҳам олиб кела беринг; нима, хон олдига борадики, хонни ўзининг ифлослиги билан ранжитса...

Мулла Муҳсин иккиланади.

– Бу кун жўхори суғоришга буюрган эдим... Жўхорилар ҳам жуда қовжираб қопти... Шукр, уйда озиқ-овқати ҳам йўқ эмас...

Мулла Муҳсин сўнгги жумла билан бетамизликни яна ҳам ортдириб юборади.

– Астафидулло, – дейди Хатиб домла юра бошлар экан, – сизга сира ҳам ақл кирмади-да, Мулла Муҳсин... Нима, бизни-кида озиқ-овқат йўқ, деб ўйладингизми? Содда десам, соддага ўхшамайсиз, овсар десам – овсарга.

Мулла Муҳсин баҳслашиб турмай сўзини четга чалғитади:

– Қандай китоблар олдингиз?

Хатиб домла жавоб бермай, оғиз ичидан нимадир тўнғуллаб қўяди. Мулла Муҳсин негадир эшитар-эшитмас қилиб «алҳамдулиллоҳ» дейди.

8. ХАТИБ ДОМЛАНИ ТАРРА ТУТАДИ

Мулла Обид домлаларни жума намозидан сўнг кутмакчи бўлганликдан ҳали кўп ҳозирликларни кўрмаган, шунга кўра уларнинг вақтсиз ташрифларидан анча шошади. Уларни оёғ устида тўхтатиб, ўктамбой ва Холмирза акаларнинг ёрдамида ҳавз ёнидаги суфага палос ёзиб, кўрпача тўшади. Ҳозиргина чойни ичиб бўлганликларидан Фотима опага самоворни янгидан қайнатиб, дастурхон ясашга буюради. Ошириб қўйган хамири ҳали ачиб етишмаганликдан Фотима опа: «Ноним ҳам қолмаган эди, ичикмай ўлсин гадой домлалар», – деб қарғаб олади.

Меҳмонлар суфага ўлтуриб олганларидан сўнг, Хатиб домла Мулла Обидга эшитдириб, баланд товуш билан деҳқончилигига баракат, ўзига узун умр, соғлиқ ва яна аллақанча яхши тилаклар қўшиб дуо қилади.

Домлаларни чой ва дастурхон тайёр бўлгунча овитиб туруш учун Мулла Обид палақдан уч-тўртта қовун узиб чиқади. Хатиб

домла Мулла Обиднинг кучогидаги кўрулмаган даражада зўрайиб кеткан қизилуруғ қовунларга ва уларнинг узоқдан кўруниб турган қоп-қора қуюқ палакларига қараб ҳайрон қолади:

– Ҳай-ҳай-ҳай! – дейди Хатиб домла, – бизнинг деҳқонларда ҳали ҳандалак ҳам пишиб етмаган, ҳолонки, сизнинг қовунларингизни қаранг, ҳай-ҳай-ҳай!

Хатиб домла билан Мулла Муҳсин суфага думалатилган қовунларни кўлларига олиб салмоқлайдилар.

– Офарин, офарин! – дейди Мулла Муҳсин.

– Ҳай-ҳай-ҳай! – дейди яна Хатиб домла.

– Мулла Обиднинг умри узоқ бўлсин, – дейди Холмирза ака нос искаб, – бизнинг Ўктамбойларнинг ҳандалаги эндигина бир-икки арава узулди. Аммо Мулла Обид ҳандалакни сотиб битириб, бир ҳафтадан буён қовунни ҳам бозорга чиқарди.

– Таҳсин-таҳсин! – дейди Хатиб домла ҳасадли таажжуб билан, – тоза ҳам пулни қирдиқ, денг... Таҳсин-таҳсин! Ўзимиз ҳам деҳқонлардан эшитиб турамыз. Мулла Обид дейман, сиз, бу деҳқончилик илмини қай ерда ўқигансиз?

Мулла Обид бир илжайиб қўйиб, жавоб бермайди. Қовуннинг бирини баркашка олиб пичоқ қўяди. Пичоқ тегиши билан қовун тарсиллаб кетиб, ҳар томондан тартибсиз равишда чатнаб ёрилади.

– Бай-бай-бай! – дейди Хатиб домла, – қўл-кўзинг дард кўрмасин, ука, қовун экмабсан – шакар экибсан!

– Мулла Обид деҳқончиликни биздан ўрганди ва лекин «Шогирди калони шумост»,¹ – деб кулади Холмирза ака, – биз унга устоз бўлсақ ҳам, бироқ бизни «шалок деҳқон» деб атайдилар, Мулла Обид эса пухта – рисоладаги деҳқон чиқди. Биз унга берган ер шилта, ғумай ва ажриқ босган бир ориқ жой эди. Кузда бу ерни Мулла Обид шундай ағдариб чопди ва ғумайни тозаладики, ҳанузгача деҳқон боласи бундай меҳнатни қилган деб айтолмайман. Ундан ташқари, мана шу кўруниб турган хирмон тепанинг ёнидан очилган янги ерни кўрасизми, ана шунинг ҳамма тупроғи беш таноб шудгор устига келиб ётди. Бола фақирнинг қилган меҳнатига ҳали бу ҳосилотлар ҳам оз, тақсир!

– Оз-оз! – дейди Мулла Муҳсин.

– «Обид кетмон» лақабини беҳудага тақадиларми? – дейди кулуб Хатиб домла.

¹ Шогирди калони шумост – сизнинг катта шогирдингиз.

Холмирза ака хих-хихлаб Мулла Обидга қарайди. Мулла Обид илжайган кўйи қовун тўғрайди.

Хатиб домла давом этади:

– Баъзан «Обид тепа бузган» деган лақабини ҳам эшитиб қоламан, каласка аравадан ҳам каттарак занбалғалтаги ҳам машҳур. Мулла Обид, сиз, ҳали менга шу кетмони азимингиз билан занбалғалтаги жасимингизни¹ чиқариб кўрсатингиз-чи, Худо ҳаққи, эшитканимдан буён уларни кўришга орзуманд бўлиб юруйман!

Кулушадилар. Мулла Обид ҳам кулумсираб қўяди.

– Кўрманасиз кўриш мумкин эмас! – дейди Мулла Муҳсин.

– Кўрмана ҳожат бўлса, унга ҳам тайёрмиз! – дейди Хатиб домла, – Сиз билан мендан қандай кўрмана кутилар эди, кетмон билан занбалғалтақдан кўрманани биз оламиз!

– Тўғри-ку, аммо кетмон билан занбалғалтакнинг ҳақлариға мен дуо қилсам, сиз омин десангиз, шу ҳам кўрмана-да, олтин олма, дуо ол демаганларми!

Ҳаммалари кулушуб, айниқса, Холмирза аканинг хихилашдан ичаги узилаёзади.

Домлалар ва махдумзода қурт даҳага киргандек баркашдаги янгилик – қовунға ёпишадилар. Хатиб домла қовунға зарбдорларча ҳужум қилганликдан соқол-муртидан қовун шарбати оқиб тушкан сайин тилини хилип-хилип тағлайиға қайтариб, «Қовунингиз ажойиб ширин бўлган, Мулла Обид!» деб қўяди. Иккинчи қовунни ҳам Мулла Муҳсин баравар олишиб битиргандан сўнг, қорни кўпчиб тиралинқирайди. Учинчи қовундан емай қўлини артади. Аммо Хатиб домла ҳарчанд қорнининг эшилиб тушканига парво қилмай, «жаннат неъматларининг бири қовун экан, бу қовунларда асло ғубор йўқ, ҳар қанча есангиз ҳам ҳазми енгил» деб, гоҳ қовун таърифини ва гоҳ унинг хибзисихҳат учун манфаатини сўзлайди, махдумзодасини қовунға тарғиб қилиб, Мулла Муҳсинга, «қовун есанг сахар е, сахар емасанг захар е» деб кулади ва мезбонларни ҳам биргалашиб турушга чақиради. Тўртинчи қовундан ҳам бир неча карж еб, қорнидаги оёғ етмас, ҳамма бурчакларни ҳам чала чайналган қовун шарбат ва туруплари билан тўлдургач, олдига бир хўкузни тўйдирарлиқ пўчоқни тўплаган ҳолда, ноилож қўлини артишга мажбур бўлади. Қорин бўғоз сигирникидек ўбдан эшилганликдан ёнидаги ёстикқа

¹ Жасим – катта, баҳайбат.

Мулла Мухсиннинг бўш турган ёстиғини ҳам замлаб, ёндамасига чўкиб олади.

Орадан узоқ фурсат ўтмайди, саккиз-тўққуз ойлаб қовун кўрмаган меъдага одатдан ташқари кўп тиқилган янгилик ўз ишини қилади. Яъни Хатиб домлани қовуннинг тарраси тута бошлайди. Кучала еган каби тиришиб, бузоғи тесқари келган сигирдек тўлғанади ва ихрайди...

Қовун ҳақидаги бояғи таърифотларнинг барчаси ҳам ҳозир бирдан ёдидан кўтарилади:

– Нафс қурсун... Сиз ақллили қилган экансиз, Мулла Мухсин, – дейди курсоғини ишқалаб, – чоғи қовуннинг тарраси ушлади мени...

– Тарраси ушлаган бўлса-ку, ҳеч гап эмас, аммо қорнингиз чатнамаса шукр қилингиз, махдум!

– Ўҳ-ўҳ, еб боради... Сизнинг сассиқ гапларингиз курсин-да, Мулла Мухсин... Сиз ким, ҳали Холмирза ака, тарра тутқаннинг давосини билмайсизми! – деб мурожаат қилади ва тиришиб ижирғанади, – бай-бай-бай, ажаб бемаъни оғриғи бўлар экан-да!

Холмирза ака муолажашунослиқ қилиб, Ўктамбойни бир пиёла совуқ сув келтиришқа буюради ва сувни домлага тутиб бир қултум қолдирмай ичиб юборишга таклиф қилади.

– Совуқ сувми? – деб кўзини олайтиради Хатиб домла, – ичкарида ҳатто тупук ютушга ҳам ўрун йўқ, биродар!

Мулла Мухсин қих-қих кулади.

– Дарҳақиқат, шундан бошқа тадбири йўқ, махдум, ичингиз...

– Иссиғроқ чой берилса нечук бўлар экан? Бай-бай-бай... Байни кучала егандек тиришиб бораман, ўҳ-ўҳ...

– Ҳозир иссиқ чой мумкин эмас, – дейди ҳозиқнамо Холмирза ака, – тарра, қовуннинг ширасидан пайдо бўлади, ширани совуқ сув билан юмшатишмас, меъдадаги совуққа иссиқ аралашгандан кейин яна ҳам азоб ортади.

Хатиб домла ноилож бир пиёла совуқ сувни шимириб юборади, бечора қорин яна ҳам тирсиллаб кетади...

– Қабзият ортди-да, қабзият... Шу вақтда бир ел юришса кўзим очилармиди дейман... бай-бай-бай, эҳ...

– Бу ерни саситманг, махдум! – дейди жиддий турда Мулла Мухсин.

Хатиб домла оғриғи аралаш Мулла Мухсинга хўмрайиб қарайди ва лекин у билан сўзлашиб туруш учун ўзида мажол топ-

майди... Можародан хабардор Ўктамбой пиқ-пиқ кулуб, бир четка кетишка мажбур бўлади. Холмирза ака илжайиб ерга қарайди.

Қўргондан дастурхон ва лаъли олиб чиқган Мулла Обид ёстик тортиб ётиб олган «янги бемор»га бир оз тушунолмай тургандан кейин фожиани англайди.

Холмирза аканинг муолажаси тезда ўз таъсирини кўрсатиб, домланинг «бемаъни оғриғи» босила тушади, кучала егандек тиришиб, туғадирган сигирдек ихраш жараёнлари ўтади, домла эркин нафас олади.

– Луқмондан ҳам зиёда экансиз, Холмирза ака, алҳамдуллилоҳ оғриқлар зойил бўлди... бай-бай-бай-бай, ёмон азоб чекдим-да!

– Қовуннинг тарраси ёмон бўлади, тақсир, бу дарднинг совуқ сувдан бошқа давоси йўқ-да. Бир оздан кейин бир пиёла аччиқ чой ичиб юборсангиз жуда ҳам тирилиб қоласиз!

– Таажжуб, таажжуб! – деб Хатиб домла дурустлабрак чўзилади, – вой бўй, тарраси қурсин дейдирган бўлдик-да.

Мулла Муҳсин ўзининг сассиқ-қўлансами ёки содда-тўғри-ми баҳарҳол ўз бисотидаги сармоясига билан сўзга аралашади:

– Вой-вуй, нафс қурсин дейдирган бўлдингиз домла.

Хатиб домла ётган жойидан Мулла Муҳсинга хўмрайиб қарайди...

– Жуда ҳам сассиқ сўзлик ярамайди, Мулла Муҳсин!

– Одамларнинг ҳузурида ичдан «ел» юриштириб ҳаммани беҳузур қилганга қараганда, меним сассиқ сўзим маъқул-да, қих-қих-қих...

Ўктамбой билан Холмирза ака қаттиқ куладилар, ҳатто кичкина махдум ҳам кулгига қотишади. Мулла Обид орадан ўткан гапни эшитмаганликдан аланг-жаланг бўлади. Ҳозирда Мулла Муҳсинга сўзлаб обрў ортдириш қийинлигини сезган Хатиб домла сўз айлангириб турмайди, фақат ўзича «садақайи одамгарчилик» деб тўнғуллаб қўяди.

Хатиб домла суфадан тушиб, бир оз ўзини шамоллатиб ва ичда турилиб қолган «захира»ларни нарилатиб келгандан сўнг, чой ичишка навбат етади.

Чой асноси орадан унча аҳамиятли гап ўтмаса ҳам, Хатиб домла Холмирза аканинг ҳавзи устида баҳс очиб, шу воситада Мулла Муҳсиндаги бояғи кекларини бир оз енгиллаштирмакчи бўлади.

– Ҳавзингиз даҳи дардах¹ эмас, Холмирза, – дейди кашфиёт ясаб Хатиб домла, – бу ҳавздан сув ўтиб турмаса суви истеъмол учун макруҳ бўлади. Сиз, Мулла Муҳсин, фақат қўланса гапларнигина кутиб юргандан қавмларингизнинг шундай шаръий ишларига назорат қилиб турсангиз, ҳам ўзингиз савобли ҳамда қавмларингиз тўғри йўлли бўлар эдилар! Гўё сиз ҳам домласиз-да! Ҳам ўзингиз осий,² ҳам қавмларингиз залолатда.³

Мулла Муҳсин бирмунча вақт жавобсиз ўлтуради...

– Ҳавзни ифлос сувлардан, нажас нарсалардан эҳтиёт қилинса, ҳеч боки йўқ.

Хатиб домла истехзоли заҳарханда қилади.

– Ҳавз бошига ифлос сув ва нажас нарсалардан эҳтиёт қилиш учун қоровул қўйиш керакми, башарти, борди-ю, бир мушук ёки сичқон тушиб ўлиб қолди, унда нима бўлади?

– Ўлумтукни чиқариб ташланади-да, бир сув ҳайдаб юборилса тоҳир ва атҳор⁴... Сиз ўқуған китоб бир-икки ойда ҳам сув кўрмай турған иқлимлар учун ёзилган; ҳолонки, бизнинг бу жойларда, шукр, ҳамма вақт оқар сув тайёр. Сиз айтканча ҳавз даҳи дардах бўлганда ҳам, ичига ўлумтук ёки шунга ўхшаш нажас нарса тушканда, ичувчиларнинг, албатта, кўнгуллари тортмайди, кўнгул тортмагандан кейин яна сувни янгилаш лозим бўлади.

Хатиб домла боладан кулган каби ясама кулуб олади.

– Хўп, сизнингча ҳам бўлсин. Аммо даҳи дардах бўлмаған ҳавздан қўл ювган, таҳорат олиб бурун қоққан вақтларда нима бўлади, албатта, макруҳ⁵ ва акраҳ!⁶ Сизлар айтингизлар-чи, – деб мезбонларга мурожаат қилади, – шу ҳавзда қўл ювуб таҳорат оласизларми?

Мезбонлар тасдиқ ишорасини берадилар. Хатиб домла кучая тушади.

– Ана холос!

Мулла Муҳсин ҳам бўш келмайди:

– Имоми Молик мазҳабларида агарчи ҳавз даҳи дардах бўлмаса ҳам, ўзидан тез-тез сув ўтиб туратурған бўлса, жавозига⁷

¹ Даҳи дардах – ўнга ўн ёки ҳар томони ўн газлик (Муаллиф).

² Осий – гуноҳкор, айбли.

³ Залолат – йўлдан озиш, гумроҳлик.

⁴ Тоҳир ва атҳор – тоза, пок; топ-тоза.

⁵ Макруҳ – ҳаром билан ҳалолнинг ўртаси, нопок.

⁶ Акраҳ – ҳаром.

⁷ Жавоз – жоизлигига, дурустлигига (Муаллиф).

рухсат бор! – дейди ва бу ҳам мезбонларга мурожаат қилади, – шу ҳавздан кунора сув ўтадимми ёки йўқ?

Мезбонлардан кунора эмас, балки ҳамма вақт сув ўтиб туради, деган жавоб бўлади.

– Ана холос! – дейди тантана билан Мулла Мухсин, – бунда ҳатто ҳавз ҳукми йўқ, биз буни оби жорий, яъни оқар сув деб атаймиз!

Мунозара бирмунча жиддийлашади, мубоҳаса ҳатто Хатиб домланинг обрўйига (айниқса, Мулла Обиднинг қошида) тўқунатурган бўлади.

– Илгари билиш керак, – дейди Хатиб домла ҳаяжонланган ҳолда, – сиз имом Аъзам Абуҳанифа мазҳабларидамисиз ёки имоми Молик?

– Мен Абуҳанифа мазҳабларидаман, хўш?

– Жуда яхши, – дейди Хатиб домла ёришиб, – бас, сиз, нега энди имоми Моликдан рухсат оласиз?!

Мезбонлар қизиқсиниб Мулла Мухсиннинг оғзига тикилади-лар. Хатиб домла «қўлга тушдинг» дегандек қилиб, қурбонининг устида ўлтурган арслон вазиятини олади. Лекин домла шалҳакнинг юзида душман кутканича мағлубият сезилмайди.

– Аввал имоми Моликнинг ўзи мусулмонми, эмасми, баъдазон имоми Молик мазҳабидаги кишилар мусулмонми, кофирми, сизким, мулла Исо маҳдум, шу тўғрига жавоб берингиз-чи?

Хатиб домла энтикади, чунки оёғим остига тушди, деб талтайган Исо маҳдумнинг бетига душман томонидан мудҳиш бир зарб берилади...

– Имоми Молик мусулмонми, деб масалани чалғитманг, Мулла Мухсин, ўзингиз Абуҳанифа мазҳабларидамисиз ёки имоми Молик, ахир?

– Мен Абуҳанифа мазҳабларида бўлсам ҳам, – деб кулади Мулла Мухсин, – бирор масалада мушқилот пайдо бўлса, имоми Моликдан ҳам маслаҳат сўрайман, Шофий ва Ҳанбалиларга¹ ҳам мулозамат қилиб кўраман, қих-қих-қих. Ахир уларнинг ўзлари ва мазҳабларидаги одамлар ҳам мусулмон-ку, аҳли суннат валжамоат-ку.²

¹ ...Ҳанбалия – булардан ҳар бири исломда мустақил бир мазҳаб эгаларидир (Муаллиф).

² ...аҳли суннат валжамоат-ку – шу тўрт мазҳаб имомларига эргашкан мусулмонлар аҳли суннат валжамоат, яъни пайғамбарнинг сўзларини тўғри тушунувчилар дейилади (Муаллиф).

Хатиб домла куйрук кидириб, кулоқдан ҳам ажралиб қолатурган бўлади. Кутулмаган жойда жуда ҳам эзилиб, мезбонлар олдида обрўси тушканга ўхшаб қолади. Чунки, масалани жиддий тинглаб турган Мулла Обид билан Холмирза ака Мулла Муҳсиннинг ҳалиги жавобидан сўнг «енгдинг домла шалҳак» дегандек, бир-бирларига кулумсиб қарайдилар. Бу ҳолдан ўзини йўқотаёзган Хатиб домла душманнинг тўғри келган жойига ҳужум қилғали туради:

– Бўлмаса, сизнингча эшак сути ҳалол экан-да,¹ топилса, эшак сутидан ҳам қатиқ уютар экансиз-да!

– Зарурат тушганда шубҳа йўқ! – деб кулади Мулла Муҳсин.

Хатиб домла жуда ҳам ўнгғайсиз ҳолатга тушиб қолади. Ўзи ҳам иш кўрган туллак эмасми, энди бу оғир ҳолатдан усталик билан чиқиб олиш йўллариغا ёпишади.

– Сиз, Холмирза ака, домлангизга яхши тушунсангиз керак, бу ёқнинг сўзини ҳуллол,² деб қўя беринг, – дейди, – домлангиз зарурат чиқди, деб шииликка ҳам ўта беради... Кузга боргандан сўнг беш-олти кун сувни ташланг-да, ҳавзни даҳи дардах қилиб кенгайтинг... Менга хабар юборсангиз, худди китобларимиздагича ўзим ўлчаб кўрсатаман!

Холмирза ака Хатиб домланинг оғир ҳолатини яхши тушунганликдан ўзининг жуда ҳам хурсанд бўлишини изҳор қилади. Мулла Муҳсин ўз маслакига, яъни фатвосига тескари бўлган бу битимга қарши чурқ этиб оғиз очмайди. Эҳтимолки, унинг ўзи ҳам Хатиб домлани ҳозирги оғирликдан чиқармоқчи ёки душманни аҳмоқ ҳисоблаб, унга сукут билан жавоб бермакчи бўлса...

Қўй сўйилиб меҳмонларга яхши қовурдоқ билан тушлик берилгандан сўнг, айниқса, Хатиб домла Мулла Обиднинг экинларини оралашга орзу билдиради. Холмирза ака бошлиқ домлалар экинга кирадилар.

Такрорлаш яхши бўлмаса ҳам, яна сўзлашка мажбурмиз: тепа бузган Обид кетмон қайси нав экин эккан бўлмасин, давлатнинг намунали боғидан ҳам юқори даражада биткан ва кўқарган кўруниши ва кутилган ҳосилот бизнинг чучмал домлаларнигина эмас, деҳқончиликда ва тиришқоқликда донг чиқарган немисларни ҳам ажаблантирарлик даражада.

Мулла Обид бошқа ўзбек деҳқонларимиз қоидаси бўйича

¹ Шофииларча эшак сути ҳалол ҳисобланар эмиш (*Муаллиф*).

² Ҳуллол – ҳалол.

меҳмонларга ўз қўллари билан пишиб еткан нарсалардан узиб олиш таклифида бўлади. Эгасининг одамгарчилиги ҳар қанча катта бўлганда ҳам, меҳмоннинг бир қадар истиғно ва виждон доирасидан чиқмаслиги лозимдир. Холбуки, Хатиб домла... Хатиб домла экин эгасидан «шаръий иқрор»ни олгандан кейин қовундан тўртни узади, пишиб етмаган ва ҳатто Мулла Обиднинг ўзи ҳам ҳали емаган қовоқдан иккини, палак ичига янглиш тушиб қолган тарракдан¹ «болалар хуш кўради» деб бирни, хазанак² бўлган ҳандалакдан «жонивор, жонивор» деб учни, «шўрвага янгилик» баҳонаси билан ёш қизилча лавлагидан уч-тўртни, «бизники ҳали кабоб учун бунчалик етмаган» деб, жўхоридан етти-саккизни, «пиёзингиз ажаб битиптими» мадҳияси билан йигирма-ўттузни, хулоса – деҳқончиликдаги кўзга кўрунган нарсаларнинг ҳар бирисига бир нав эҳтиёж кўрсатиб ола боради. Ҳаш-паш дегунча оз деганда бир арава юк қилиб, катта маҳдумдан эртага бозорга жўнатса ҳам арзийдирган миқдорга етказиб қўяди...

Мулла Муҳсин, Хатиб домлага қараганда ўзини истиғно ва виждонли кўрсатмакчи бўлади ёки бунда ҳам бўшлиқ ва шалҳақлик кўрсатади, иккита палаги ўлиб безгак иси анқиб турган ҳандалак билан ўн-ўн бешта савзидан бошқа нарса олмайди. Мулла Обид унга «қовундан ҳам олингиз» таклифида бўлса ҳам, «илгари ўзинг сот, ука, биз бўлсак ҳамма вақт шундамыз», дейди. Мулла Обид уни қовун олишга кўндуролмагандан сўнг ўзи бир қовун узиб беради.

Хатиб домла дарров кичик маҳдумга икки қовунни кўтартириб уйига жўнатади ва «қайтишингда аканг бир қоп билан келиб, буларни ташиб кетсин» деб буюради. Қолмиш «ганиматлар»ни ўзи, Холмирза ака ва Мулла Обидларга кўтартириб, ҳавз бўйига – суфачага келтириб олади.

Мулла Муҳсин жумадан сўнг келмакчи бўлиб кўрғониға кетади. Хатиб домла «ўз юқларини» катта ва кичик маҳдумлар келиб олиб кетгунчалик суфадан қўзғалмай, «ҳалол молларига кўз бўлиб туради», бу ўртада Мулла Муҳсиннинг йўқлигидан фойдаланиб, анчагина «ҳордиқ ҳам чиқариб» олади.

– Домлангиз шиими деб қўрқаман... Бобий³ бўлса ҳам ажаб

¹ Таррак – кабачка.

² Хазанак – териб олинган хосилдан қолгани.

³ Бобий – 19-асрнинг 40-50 йилларида Эронда шиа мазҳаби ичида вужудга

эмас, – дейди, – лекин сиз, Холмирза ака, албатта, хавзни кенгайтирингиз. Мулла Мухсиннинг ўзи муртад¹ бўлибти... Ҳа, айтканча, Мулла Мухсиннинг орқасида намоз ўқуш ҳам нодуруст, агарчи тарки жамоат бўлса ҳам, унга иқтидо² қилмангиз; сиз ҳам Мулла Обид!

Холмирза ака «хўп тақсир» билан турса ҳам, Мулла Обид унинг таклифларини сукут қилиб кечиради ва сирт бергандек сўз тугалгунча эшитиб турмай, кўрғонга кириб кетади. Домлани нам босади, ўзининг хатосини англаб, сўзни кесишга мажбур бўлади. Жумани ўқуб қайтиш учун Холмирза ака билан катта масжидга кетадилар.

Мулла Обид бу кунги зиёфатга домлалардан ташқари шу ўртадаги уч-тўртта кўшниларни ва Тиктепанинг гузар четидан Берди татар исмли яна бир ўртоғини ҳам айткан бўлади. Жумадан сўнг улар ҳам суфага йиғиладилар. Бир оздан кейин кичик маҳдумни бошлаб Хатиб домла етиб келади. Анчагина кутдириб Мулла Мухсин ҳам алвир-шалвир ташриф этади. Меҳмонларга манти берилади, мантидан кейин уч-тўртта қовун сўйиб ширинлик қилинади.

Мулла Мухсиндан «оғир суратда» енгилиш ва маълум ғийбатга Мулла Обиднинг сирт бериб кетиши Хатиб домлани анча руҳсизлантириб ва бўшаштириб қўйган, ҳар бир мажлисда булбул бўлиб сайрайтурган Хатиб домла ҳозир сувга тушкан нондек бўкиб ва шилқиллаб ўлтуради. Мулла Мухсиннинг аҳволи эса маълум, ўзидан бир гап чиқариб мажлисни хурсанд қилишга иқтидор ва маҳорати йўқ. Гўёки қайнотасининг чарловига келган уятчан эски куёвлардек ёки домласининг хузурида ўлтурган «пешқадам» муллалардек сўл оёғини остига босиб ва ўнг оёғини бўксасидан чиқарган ҳолда, икки қўлини қовиштириб ва зўр салла ўраган бошини ўнг кўкрагига мойил эгиб, баайни муроқабда ўлтуради.

Баҳарҳол мажлисни идора қилиш яна Хатиб домланинг ўзига қолади. Қовунни еб бўлгандан сўнг Хатиб домла бояғи китоблардан бирини олиб, Мулла Мухсинга тутаяди:

- Буларга китоб ўқуб беринг, Мулла Мухсин.
- Йўқ, мен... ўзлари марҳамат қилсинлар.

келган диний оқим. Асосчиси Муҳаммадали Бобуллоҳ.

¹ Муртад – диндан қайтган.

² Иқтидо – эргашиш, тақлид.

– Сиз ўқунг ахир, домла.

Мулла Муҳсин ортиқ кистатмай, китобни қўлига олади ва қўйин чўнтагидан ойнагини чиқармоқчи бўлиб анча қийналади. Охирда ойнагини тополмай, китобни эгасига қайтаради.

– Ойнагим уйда қолган.

– Қайси фаслдан ўқусақ экан, – дейди китобни варақлаб Хатиб домла, а, Мулла Муҳсин?

– Баихтиёр, – дейди Мулла Муҳсин.

Хатиб домла китобни ёстиқ устига очиб қўяди ва фурсатни қўлдан қочирмай ушр масаласидан бошлайди. Мажлиснинг Мулла Муҳсиндан бошқаларига маълум бўлмаган арабий ибораларни ўқуйди. Бир неча жумладан сўнг ўқушни тўхтатиб, қаттиқ товуш билан Мулла Обидга хитобан амри маъруфга муқаддима ясайди: аркони ислом, аркони исломнинг бири бўлган закот ва закотнинг бир қисми бўлган ушрнинг нимадан иборатлиги ва кимларга вожиблиги ҳақида сўзлаб, яна бир-икки жумлани китобдан ўқуб қўяди. Китоб бундан неча асрлар бурун ёзилган, китобнинг айтишича, ушрни қандай ва кимлар томонидан йиғилиб, нималарга сарф қилиниши бу кунги шароитга сира ҳам қовушиб келмайди. Табиий, Хатиб домла бу тўғрида анча кучанади. Юз бало орқасида бурмалаб, сурмалаб дегандек «мақсад»га яқинлашиб келади. Сўнгра Мулла Обидга хитобан айтади:

– Ҳар бир деҳқони мўъминга, яъни мусулмонга ўзининг зироатгоҳидан олган ҳосилотининг ўндан бирини, яъни вазинли ўлчовларда ўн пуддан бир пудини, идиш билан ўлчаганда ўн идишдан бир идишини мустаҳиқлариға бериш вожиб экан. Башарти, бу икки усулни зироат навига татбиқ қилиш имконияти бўлмаганда, яъни қовун, қовоқ, тарвуз, ҳоказо на вазинли ўлчовларга ва на идишларга тушмай турган ҳосилотларни айтиб туриб турган фурсатида икки холис амин¹ одамни чақириб, масалан, шу палакда қанча ҳосил бор деб сўрашув лозим бўлур экан. Мазкур даъват билан келган холис аминлар қанчаки тахмин айтсалар, шу тахминнинг ўндан бирини хоҳ баҳойи тамом билан пул, яъни ақча суратида ва хоҳ мазкур тахминдаги ҳосилотнинг ўзидан ўндан бирини ажратиб ўз мустаҳиқлариға бериш фарз экан...

Мулла Обид Хатиб домланинг сўзини қулоғи орқасиға қўлини тутган ҳолда диққат билан эшитиб олади ва:

¹ Амин – ишончли, имони комил.

– Мустаҳиқлари кимлар бўлар экан? – деб оҳистагина сўрайди.
 – Мустаҳиқлари, – деб Хатиб домла Мулла Муҳсинга қараб қўяди, – мустаҳиқлари толиби илмлар ва муллалар бўлади-да, а, Мулла Муҳсин?

Мулла Муҳсин тасдиқ ишорасини беради.

– Толиби илмлар деб кимларни айтилади? – деб сўрайди Мулла Обид.

– Толиби илмлар деб илм олиш йўлида юрганларни, яъни кашшоқ муллабаччаларни айтамыз.

Мулла Обид бир оз ўйлаб туради:

– Ҳозирги кунда ўқуш учун қишлоқдан шаҳарга бориб мактабларда ўқуб юрган камбағал ёшларга бериш керак, денг-чи?

– Йўқ, йўқ, хошо ва калло!¹ – деб Хатиб домла кулади, – шундай толиби илмларгаки, улар фақат мадрасаларда диний илм таҳсил қилатурган бўлсинлар. Ҳолонки, ҳозирги ёшлар динга зид бўлган ва балки динсизлик илмини ўқумоқдалар. Агар уларга ушр бературган бўлсангиз, сизга кафорат² лозим бўлуб қолади, ука.

Мулла Обид манглайини қашиб, Муҳсин домлага қараб олади:

– Ёшлар ўқуб турган илмларнинг аксариси ўзимиз учун фойдали эмасми? – деб сўрайди.

– Масалан, қайси бириси?

– Масалан, – деб ўйланади Мулла Обид, – масалан, дўхтурлик, инженерлик, кимёгарлик...

– Гап ундай эмас, – дейди Хатиб домла, – мужтаҳидларимиз фақат охират учун фойдали бўлган илмни илм деб атаганлар. Агарчи сиз айткан илмлар ҳарчанд дунё учун фойдали бўлсалар ҳам асли илмга қўшулмайди. Масалан, касал бўлганда дўхкур топмасак табиб, табиб ҳам топилмаса эми-дими³ билан навъе қилиб бораберамиз, ажал еткан бўлса уларнинг ҳар учави ҳам фойда бермайди. Аммо, диний илм-чи, диний илмдан хабарсиз қолсақ, аввало мусулмончилигимиз барпо бўлмайди, намоз, рўза, ҳаж, закот каби аркони исломдан хабарсиз қолиб, ҳатто ўлганимизда жанозасиз кўмуламиз, наузанбиллоҳ. Мана шунинг учун ҳам бизга диний илм керак, хайри садақотимизни диний илмни тиргизиш йўлига сарф қилишимиз фарз!

¹ Хошо ва калло – шаксиз ва шубҳасиз.

² Кафорат – диний жарима, штараф (Муаллиф).

³ Эми-дими – кинна солиш ва бошқа дуо, қоқиқ-суқиқлар билан даволаш.

– Ҳозирги вақтда кўп диний мадрасалар ёшилган, толиби илмлар йўқ, – дейди Мулла Обид, – яна энди кимларга бериш керак бўлади?

– Ҳа-а-а-а, ука, ана бу саволингиз тўғри! – дейди Хатиб домла, чунки ов сайёд ёнига анча яқинлашиб қолади, – толиби илмлар топилмаганда диний йўлга ишлаб, халойиқни роҳи ростга¹ бошлаб борган муллаларга бериш керак!

– Қандай муллаларга?

– Ҳозирда масжидларимизни обод қилиб турган домлаларга бериш керак. Масалан, Мулла Муҳсин, яна шу кишига ўхшаш домлаларга...

Мулла Обид унча ҳам бўш келмайди:

– Ҳўп, – деб рўмоли билан ўзини елпийди, – Мулла Муҳсин домланинг ўзига яраша даромади бор, масалан, боғидан унади, имомгарчиликдан келади, сигири, оти, баҳархол ўлар ерда эмас, ўзига тўқ... яна шу ҳолда ушрга мустаҳиқ бўла оладими?

– Тоатга қувват деган гап бор, – дейди Хатиб домла, – домлангизни қанчалик яхши таъмин қилсангиз масжид ва динигиз шу қадар обод бўлади.

– Яхши, тақсир, – деб кулумсирайди Мулла Обид, – домланинг бу йил икки таноб жойга жўхори экканларини мен яхши биламан. Шундан энг ози элли пуд дон кўтарсалар керак. Мана шу элли пуд дондан Мулла Муҳсин домланинг ҳам ушр беришлари керакми?

Хатиб домла ўзининг ким билан баҳслашиб турганини энди фаҳмлаб, кўзи чарақлаб очилиб кетади. Бир неча вақт қандай жавоб беришини ҳам билмай туради.

– Мулла Муҳсиннинг ўзидан сўранг...

Мулла Обид савол назари билан Муҳсин домлага қарайди. Мажлисдаги бошқа деҳқонлар ҳам қизиқсиниб Мулла Муҳсиннинг оғзига тикиладилар.

Мулла Муҳсин шалҳаланади.

– Ҳа, ука, – дейди тамшаниб, тамшаниб, – алҳамдулиллоҳ мусулмон бўлгандан сўнг ҳар бир мўъминга ушр вожиб... Башарти Худой таоло менга элли пуд дон ато қилса, шундан беш пудини жоним билан мустаҳиқларга бераман...

Мулла Обид қих этиб кулади-да, Хатиб домлага юзини ўгуради:

¹ Роҳи рост – тўғри йўл.

– Ўзи ушр берган киши бошқалардан ушр олса бўладими, тақсир?

Хатиб домла бир соатли эмас, бир неча ойли ҳамма меҳнатларини ҳавога кетканлигини фаҳмлайди...

– Бўлмайди, – дейди аранг, жон бераётган кишидек кучланиб, – ушр беришга қодир бўлган хоҳ мулла, хоҳ эшон ва хоҳ бошқалар ушр ололмайдилар... Меним сўзим шундай даромадди бўлмаган мустаҳиқ муллалар устида эди-да, укам...

– Ўзингизни ушр олишга мустаҳиқ фаҳмлайсизми?

Хатиб домла ичидан ихранади, ҳамма ишни ост-уст қилиб юборган Мулла Мухсинга хўмрайинқираб қарайди... Мустаҳиқлик изҳор қилса, давлати Мулла Мухсинниқидан ўн баравар ортиқ, унинг устига бу йил қирға септирган қирқ пуд буғдой ҳам ҳаммага маълум...

– Йўқ ука, мен ҳам мустаҳиқ эмасман, алҳамдулиллоҳ... Мен фақат ҳадя олсам мумкин...

Мулла Обид бошқа савол бериб ўлтурмайди. Хатиб домла ҳам ушр баҳсини ортиқча узайтирмай, тезда китобни ёпади. Нима, аллақандай мустаҳиқларга ушр ундуриб бериш учун кекирдакни беҳудага чўзаберишга кимнинг тоқати бор, дейсиз. Хатиб домла фақат ҳадя олса мумкин...

– Ўғлим, шу китобни нариги ёнингга олиб қўй, – дейди кичкина маҳдумга қўлидаги китобни узатиб, – а, Мулла Мухсин, кун ўт қўйдими, терлаб бораман... Ҳай, Ўктамбой укам, аччиғ-аччиғ қилиб менга бир-икки пиёла чой беринг-чи... Манти ҳам яхшигина чанқатди!

Бундан сўнгги суҳбат жуда ҳам руҳсизланиб кетади. Айниқса, Хатиб домла бу кун сартопо бахтсизликка учраб, сувга тушкан мушукдек тараниб қолади. Палов пишкунчалик орадан уқадар тилга оларлик гаплар ўтмайди, фақат икир-чикир ҳангамалар бўлиб туради. Хатиб домла кўпроқ Берди татар билан ҳазил-мазоҳ қилиб вақт кечиради.

«Четан» колхозининг энг фаол аъзоси, батрак Берди татар ўртоққа алоҳида тўхтамоқчи бўлганимиздан бу ўрунда ўқувчини у билан таништириб турмаймиз.

– Хўш, татар, – деб кулади Хатиб домла, – нега бу қадар уйланишдан безорсиз. Кеткан хотинингиз юрагингизни жуда ҳам олиб қўйган, чамаси!

– Номаъқул бузоқнинг гўштини бир едик-да, – дейди Берди

татар, – бир-икки йил хотин кучоклаб шохим чикмади, тақсир кайтага уй-дунё алғоқ-далғоқ бўлди.

– Ўзингиз татардан уйланиб янглишгансиз-да, ўзимизнинг жайдарилардан олсангиз, бунчалик безиллаб қолмас эдингиз, «Кабутар бо кабутар, жинс бо жинс» деганлар.

– Жинси ҳам курсин, ножинси ҳам! – деб қўл силтайди Берди татар, – Бердининг манглайига хотин билан турмуш ёзилмаган экан, тақсир. Энди бундан сўнг агарчанди манглайимга ёзилган бўлса ҳам, қўлимга бир чўп олиб, ўзим қириб ташлайман!

Берди татарнинг сўзи ҳаммани кулдуради.

– Энди Бердибой учун каптарлари омон бўлсалар, бас! – дейди Холмирза ака.

– Эй, сиз нима деяпсиз ҳали, Хол ака! – дейди Берди татар, – наҳс босган, каптарларни ҳам қурутиб кетди-ку, юзта каптардан ўн еттита қуш қолди. Яна қандай денг, энг ўюнчи, серпарвоз каптарларимдан ажралдим-да... Эй ака, хотин олмай мен ўлай!

Олов вақтига яқин меҳмонларга палов берилиб, зиёфат итмомига¹ етади. Ҳар қайсилари бир-икки пиёла чой ичкандан сўнг Хатиб домланинг тўн умиди билан юқори кўтарилган қўли бошқа қўлларни ҳам бир неча дақиқа муаллақ тутиб зериктиради. Фотиҳадан сўнг меҳмонлар тарқала бошлайдилар. Хатиб домла бир Мулла Муҳсинга ва бир тўн чиқиб келатурган кўрғонга қарайди. Мулла Муҳсин ўзининг тўн тўғрисидаги мунфаиллигига² тушунганлигидан у қадар илинжланмай, олдинроқ жўнаб кетади. Аммо Хатиб домла тақ этса эшикка қараган ҳолда, Холмирза аканинг кузатиши билан кўчага чиқгач, ночор тўндан умидини узиб, бошқа нарсага чангини солади. Гўёки сирли бир гапи бор каби Холмирза акани четроққа олиб боради...

– Холмирза ака, энди Мулла Обид уят қилса ҳам майли, зарурат... Ўзингизга маълум, бизнинг қишлоқдан гўшт топиш жуда ҳам қийин. Ўша сўйган қўйингизнинг гўштидан беш қадоққинани хоҳ пул олиб, хоҳ шундай...

– Хўп, хўп! – дейди Холмирза ака, – беш қадоқ гўшт нима бўлар эди дейсиз, шукр, Мулла Обид қўли очиқ йигит. Қани, рўймолингиз бўлса менга берингиз, тақсир.

– Худо хайр берсин, эсдан чиқмайтурган иш қиласиз! – дейди Хатиб домла рўймолини чиқариб. – Сен ўғлим, бирга кир,

¹ Итмом – сўнг, охир.

² Мунфаил – хижолатли, уятли.

гүштни олгандан сўнг ўзинг борасан, мен кетдим, хайр Холмирза ака!

– Хайр, хўш.

Холмирза ака қўлида рўймол ушлаб, суфада Берди татар билан чой ичиб ўлтурган Мулла Обид ёнига келиб кулади ва баланд товушда:

– Хатиб домлага озроқ гўшт керак экан, берсак майлими? – деб сўрайди.

– Майли, берингиз! – дейди илжайиб Мулла Обид. Гўё домланинг гўшт сўрашини илгаридан кутиб турган каби бепарво кўрунади.

Холмирза ака кичик махдум билан гўшт учун кўрғонга жўнайди. Берди татар Хатиб домланинг кичик махдуми борлигидан бепарво Мулла Обид томон шанғиллайди.

– Яшасин Хатиб домла, уяти бўлмаса, елкасиға тўрва солиб гадойлик ҳам қилар эди!

Мулла Обид кичик махдумга ишорат қилиб «эшитади» дейди.

– Бе-э-э... буларнинг нимасидан уялай? Обид кетмон дейман, берган қишлоғини қайтариб олсин, мен тўғриси сўзлайман-да, ўртоқ! Лекин боя зап бўғдинг-да, ошнам, мен сенинг ақлингга қойилман-да. Ўзи тўнғуздан тўқ, тагин сендан капсан¹ олар эмиш, вой капсан еган тишингга... Лекин шалҳак домлани шу замоннинг авлиёси деса бўлади... Мен ўзим-ку, тўппим масжидга тушса одам ёллаб олдираман, аммо ҳалигидек Худо тавфиқ² берганда ўзига пир қилиб қўл берсанг ҳам арзийди.

Мулла Обид жавоб бермайди, фақат илжайган кўйи қўлидаги чойни пуфлаб ичади.

9. БЕРДИ ТАТАР

Берди татарни Тиктепада билмайтурган ва танимайтурган киши йўқ. Илгарида «Берди» ва ҳозирда «Берди татар» деганда Тиктепадан ҳар кимнинг кўз ўнгига умри оғир меҳнатда кечкан сертажанг, баджаҳл ва ўз сўзли бир шахс келиб тўхтайтиди.

Йил ағдарувчиларнинг ҳисобларига қараганда, ҳозир Берди татар 56 ёшга кирган эмиш. Ўзи бўлса «неча ёшга кирдингиз?»

¹ Капсан – хирмон кўтарилганда камбағалларга бериладиган садақасийлов.

² Тавфиқ – диний эътиқод; инсоф.

деб сўровчига – «йилим маймун» деган жавобни беради. Яъни «йил ағдаришни билсанг, менинг ёшим сенга керак бўлса, ўзинг ҳисоблаб ол!» демакчи бўлади.

Ота-онаси Берди татар ёшлиқ вақтда ўлиб кетиб, Чиришоқ хола исмли она томонидан яқинроқ бир қариндошининг тарбиясида ўсади. Қўлидан иш келатурган бўлгандан кейин Тиктепанинг бой дехқонларидан ҳисобланган Шодмонбой отлик кишига малай бўлиб киради. Бошда Шодмонбойнинг молларини боқади. Уч йил шу хизматини қилиб, суюғи бир оз қотқандан кейин ҳам мол боқиб, устига мойжувоз ҳам ҳайдайди. Икки йил мойжувоз ҳайдаб ўзининг «йиқилса ер тишлайтурган» хизматчилигини кўрсатгач, унга харидорлар кўнаяди. Шодмонбой беш йил ишлатиб унга беш сўм бермаган ва беришни ҳам ўйлаб кўрмаган бўлиб, «оғзидағи ош»ни четка чиқарғуси келмайди. Бердибойнинг «йилига элли сўм» бермакчи бўлган харидорларининг оғзиға «элли сўмни мен ўзим бераман» деб қоқолмайди. Аммо Бердибойнинг онаси ва кенгашчиси мақомида турган Чиришоқ холани аврашга тушади: «Бердибой тўғрисида меним муддаом бошқа, Хайримни бўйи чўзулса, уни ўзимга куёв қилсам деган ниятим бор!» дейди. Чиришоқ хола Шодмонбойнинг сўзига лақиллайди. Бердибойға: «Иссиқ ўрнингни совутма, яна уч-тўрт йилни ўзингга кўриб, Шодмонбойнинг қизини ол, бойнинг мол-мулкига шерик бўл!» деган маслаҳатини беради. Бердибой ҳам Чиришоқ холанинг кенгашига кўнади, ихлос билан Шодмонбойнинг хизматига бел боғлайди! Куз ва қишда мойжувоз қўшади, кўклам ва ёзда дехқончилик қилади. Шодмонбойнинг бир ўғли ўрнида, ишини гўё ўзиники каби жон отиб ишлайди: совиқ демайди, иссиқ демайди, кеча-кундуз меҳнат қилади. Шодмонбойнинг молига мол қўшулади, ериға ер, ўзи ҳам беш-олти йилнинг ичида қишлоқнинг ўрта қўлдек бойлари сирасига кириб қолади. Бердибой эса Хайрининг бўйи чўзилишини кутади. Лекин бу «чўзилиш» ҳадеганда меъёриға етмайди. Куёв қилиш ваъдаси олинганда Хайри тўққуз-ўн ёшлиқ бўлса, ўн тўққуз-йигирма ёшга борганда ҳам бўйи «чўзилиб еткан» ҳисобланмайди. Ҳолбуки, мучаси онасидан ҳам тўлароқ, кўкраги бола боқишға ярайтурган даражада кўтарилган, баъзи кезларда Бердибойға ўпгириб, қучоқлатишдан ҳам тортинмайди.

Бердибой Хайри учун ишлашнинг тўққузинчи йилида (ёшлиқда ишлаган беш йили бу ҳисобдан бошқа) орага Чири-

шоқ холани кўяди. Шодмонбой, «сиз айтмасангиз ҳам, менинг ҳар вақт ташвишим шуларнинг тўйи, бу кузга-ку тўй қилолмасмиз, аммо келаси йил куздан ҳам қолдирмасмиз» деган жавобни беради.

Бердибой келаси кузни кутади, қиши билан мойжувозни кўшуб Хайрининг ишқида ашула айтиб чиқади. Қишдан чиқғач, ердан қор кетар-кетмас ёнига Шодмонбойнинг ўғли Қурбонни олиб деҳқончиликга урнайди. Бердибойнинг ўзи: «айниқса шу қиш билан ёзда итдек ишладим: қирға элли пуд буғдой сепдим, Шодмонбойнинг ўз еридан экилмаган бир бўйра эни жойи ҳам қолмади, булар озлик қилгандек икки ботмон ерни кишидан ижарага олдириб шоли ҳам экдим, кузда тўй бўлса, гуруч ўзимиздан чиқсин дедим», – дейди.

Лекин кузга борганда Бердибойнинг ўз таъбирича «Шодмонбой хунасалик қилади». Қирдаги буғдойлар, қўруқдаги деҳқончиликларни саранжомлагандан кейин Бердибой тўқайга шоли ўроқга кетади. Шоликорлик қишлоқдан бир тош чамаси нарида бўлиб, Бердибой унда ётиб ишлайди, ўроқ, хирмон дегандек ўн-ўн беш кунгача қишлоқга келмайди. Шу фурсатдан фойдаланган Шодмонбой Хайрини ёзда яширинчи битишилиб қўйилган бировга бериб ҳам юборади.

Бу ёқдаги «тўй ишларини саранжомлаган» Шодмон ака сипсиллик бўлиб шоликорга тушиб боради. Баракалла, баракалла билан Бердибойни яна ҳам ғайратга келтириб, хирмондан чиққан тайёр шолиларни қоплатади, қопланган шолиларни ўғли Қурбондан аравалаб қишлоқга жўната бошлайди. Уч куннинг ичида шоли ташилиб битканидек, похол ҳам шоликорнинг муюшига ғарамланади. Ҳамма ишдан тамом хотиржам бўлгандан сўнг, сўнгги мартаба келган араванинг орқасига икки хўкузни боғлаб, остлариға уч-тўрт боғ похолни тўшак қилиб, Шодмон ака билан Бердибой аравага чиқадилар. Қурбон отни ҳайдаб қишлоқ йўлига тушадилар.

Хайри, Бердибой каби йигитларнинг юрагини ўйнатарлик даражада обдор.¹ Бердибой ҳам қизлар кўзини сузса арзийдирган, тожикафт, кўк кўз, қирра бурун. Ўз сўзига қараганда, Хайрининг жон-дилдан хуштори бўлган. Овлоғроқда ўптирар, тевааракка аланглаб қучоқлатар эди, дейишидан, чамаси, Хайри ҳам Бердибойга мойил. «Танача кўзини сузмаса, буқача ипини узмас» деганлар.

¹ Обдор – оқ юзли, гўзал; таранг.

Шундай, ўн беш кундан буён маъшуқасини кўрмай соғинган Бердибойнинг қишлоқга яқинлашган сайин юраги «каптарбачча»дек ўйнайди, ваъда кузи етканлигини ўйлаб, ўн беш йиллик меҳнатини хотирига ҳам келтириб қарамайди, ҳозир унга хурсандчиликдан бошқа гап йўқ...

– Тақдир шундай экан-да! – деб қўяди Шодмонбой.

Бердибой «тақдир...»га тушунмайди ёки сўзни эшитмайди, фақат Хайри тўғрисидагина ўйлайди...

Шодмонбой Бердибойга бир қараб олгач, яна бояғи сўзни такрорлайди:

– Тақдир шундай экан-да!

Бердибой ҳануз бир нарса фаҳмламайди, фақат «тақдир...»-нинг кўзига қарайди, ағрайиб қарайди.

– Сенинг тўғрингда яхши ниятлар қилиб юрган эдик, Бердибой ука, – дейди Шодмонбой, – аммо ният бошқа, тақдир бошқа бўлар экан...

Бердибой яна ҳеч нарса англамайди...

– Бердига ваъдамиз бор, десак ҳам қўймадилар. Бердига ҳам тақдир қилгани бордир, дедилар... Ахир бўлмади, сенга ёлғончи бўлдиқ-да, ука!

– Нима?! – дейди Бердибой.

– Хайринг тўғрисини айтаман! – дейди Шодмонбой, – синглинг Хайрини кишига бериб юбордиқ!

Бу сўзни эшитканда Бердибой қандай ҳолатга тушканлигини ўзи ҳам тасвир қилолмайди, гўёки мени захри ҳалоҳилга¹ ботирдилар, дейди.

– Аммо, сен кўнглингни бузиб юрма, – деб давом қилади Шодмонбой, – сен менинг бир боламдек гапсан... Бу йил бўлмаса янаги йил, ахир ўзим уйлантириб қўярман...

Бердибойнинг бир оғиз бўлсин сўз айтишга тили келмайди, фақат кўзидан қатор-қатор ёши оқиб туша бошлайди. Қишлоқга келиб кирадилар. Қишлоқ кўчаларида учраган кишилар Бердибойга кулиб, масхаралаб қарагандек бўладилар... Қўрғонга келиб аравадан тушадилар, шундай пайтларда аравадаги юкларни бўшатишатурған Хайрининг ўрнидан еллар эсади...

Бердибойнинг қорни ҳар қанча оч ва ўн беш кунлардан буён иссиқ кўрмаган эса-да, олдига қўюлган паловдан бир-икки ошам олиб, томоғидан нарига ўтказолмайди. Бу машъум қўрғондан на-

¹ Ҳалоҳил – шарқ тиббича, еганда тузалиб бўлмайтурған захар (Муаллиф).

сибаси узилганини пайқайди-да, қўлини артади. Меҳмонхонага кириб янги кийимларини ахтаради. Меҳмонхонадан эмас, жувозхонанинг бурчагидан бир эски қопға тиқилган ҳолда топади. Қопни қўлтуқлаб ўн беш йиллиқ таниш қўрғон билан видолашади, таниш қўрғон билангина эмас, шу куннинг ўзида туғулган қишлоқ билан ҳам хайрлашади. Қишлоқда бундан сўнг бош кўтариб юра олишини тасаввур қила олмайди. Чунки унинг Шодмонбойга куёв бўлиш учун ишлаб юрганлигини қишлоқда ҳар ким билади. Энди бундан сўнг ўзини бутун қишлоқ томонидан «куёв» деб масхараланишини ва айниқса, бу масхарага чидай олмаслигини яхши сезади.

Қишлоқдан қоронғида чиқади. Ҳозир қаёқға боришини, қарерга қўнишини ўзи ҳам билмайди. Фақат шу машъум қишлоқдан қочишигина керак!

Шаҳарга кетишига тилаги эмас, йўлда тасодифий ҳамроҳлик қилган кишининг шаҳарга бораётканлиги сабаб бўлади. Ярим кеча вақтида шаҳарга киради, ёнидаги тетик ҳамроҳининг кўмагида бир чойхонага кириб олишга муваффақ бўлади. Жой танлаш унинг одати бўлмаса ҳам бутун кечани азоб ичида кечириб чиқади. Бир томондан алданиш, ҳақорат азобласа, иккинчи ёқдан бундан сўнгги қоронғи истиқбол энтиктиради. Ҳозир кўнгли нон тиламайди, гўё «ёғ ичкан» каби тўқ. Аммо эртага нима билан овқат қилади, чўнтагида лоақал бир танга ҳам пули йўқ. Бошига эски иш кийимларини ешиб сотиш фикри келади.

Эрта билан ювиниб «аёвли» кийимларини кийинади, эски кийимларини қопқа тиқиб, чойхонадан йироқлашади. Бирор-та чой-нон ололмагандан кейин, чойхонани қуруққа банд қилиш яхши эмас. Эски латта бозорини топқунча кун чошгоҳга етади. Бир эски этик, яхтак-иштон, пахтаси оқган чопони қирқ тийиндан нарига ўтмайди. Лекин ҳозир у шунга ҳам хурсанд, ахир уч-тўрт кун очиқмайди-ку. Беш тийинга чой-нон ичиб, бир оз ёришгандек бўлади. Шаҳар томошасига берилади.

Икки-уч соат боши оққан ёққа кетиш натижасида шаҳарнинг янги қисмига юзланади. Бир-бирисига ўхшаш кўчаларда боши айланади, ихтиёрни савқи табиийсига топширади. Нима, йўқса ҳозир Бердибойда бир мақсад борми, унинг ғояси, ўн беш йиллик меҳнати оёқости қилиниб, ўзи номаълум кўчаларга ташланмадими? Шундай, ҳозир қаёқға борганини, қайердан

чиқишини у қадар ўйлаб қарамайди, шаҳарнинг ўри-да, қири-да, фарқсиз, ҳар бир жойдан бўлса ҳам кечаси ухлаб туриш учун бир далда топилса бас...

Янги шаҳарнинг очиқ бозорига келиб чиқади. Олувчи ва сотувчи, ҳар турли мева-чева кўп. Бердибой ҳар бир сотувчи ва олувчи устида беш-ўн дақиқа тўхтаб томоша қилади. Бир рус хотин ўзбек сотувчидан олма ва олмага ўхшаш сарик нарсалар савдолашмоқда. Бердибой олмалардан ҳам кўра хотиннинг савлатига ҳайрон бўлиб қарайди. Хотин олган нарсаларини саватига солгандан сўнг Бердибойга бир нарса деб гужурлайди. Сотувчи: «Барина саватни уйимга элтиб берармикан, дейди, нега анқаясан?» деб Бердибойга жекиради. Бердибой дафъатан мақсадга тушунмайди, ҳақ берадими, деб сўрайди. Сотувчи яна ҳам кўзини олайтиради: «Нима, ҳақ бермасан... берадими, ўзинг ғалчамисан?!» дейди. Хотин сотувчининг сўзига тушунадими ёки бошқа сабаб биланми ҳар ҳолда бир илжайиб қўяди.

Бердибой хотиннинг саватини кўтариб орқасидан юради. Хотин яна бошқа нарсалар харид қила-қила саватини тўлдиргач, Бердибойни уйига бошлаб кетади. Янги шаҳарнинг четрагида бўлган бир кўрага кирадилар. Хотин ҳовлида Бердибойдан саватни олиб ичкарига кириб кетади. Уй эшиги теварагида етти-саккиз ёшлик бир қиз бола, ўн бешлар чамалик бир ўғул бола ўйнаб юрадилар.

Бердибойни анчагина кутдириб ичкаридан уй кийими кийган ҳолда барина чиқади. Ҳақ бериш ўрнига Бердибойни ўтунхонага бошлаб келтиради, ярим-ёрти ўзбекчалаб ўтун ёришга буюради. Бердибой қўлига болтани олиб ғўлаларни тарашага ёра бошлайди. Хотин кўрсатган мўлжални битириб ошхона ёнидаги айвонга келади. Хотин барина ошхонада овқатга уриниб юруйди.

– Кунчал барина! – дейди Бердибой.

Хотин Бердибойга элли тийин тутқузади ва уни яна ўтунхонага бошлаб киради.

– Эти дрова гамзим кесади, якши?

Бердибой бир оз тушунолмаётгани хотиннинг кўзига қараб туради.

– Яхши.

Бердибойнинг мақсадига тушуниб, тушунолмаганлигини пайқаш учун бўлса керак, барина бир мунча илтифот билан унинг кўзига тикилиб илжайинқирайди...

– Сеники кўз якши, ўзи яман.

Бердибой ҳам илжайинқирайди. Эртага келишга ваъда бериб кўрадан чиқади.

Кечқурун ухлашга жой топиш Бердибойни анча тентиратади. Шаҳар ўртасидаги чойхоналар ётишга рухсат бермайдилар. Шаҳар четрагидаги бир чойхонага бориб ухлайди.

Эрталаб нонуштадан сўнг баринанинг ўтунини ёриб бериш фикрида Янги шаҳарга жўнайди. Қўрани топиб олиш анча машаққатли бўлади. Кўчадан кўчага ўтиб нишонлаб қўюлган дарвозани тополмай бир-икки соат адашади.

Баринанинг сўзига қараганда эри офицер, ҳозир Япония урушида. Барина икки боласи билан қўрада эрсиз туради. Ўтун ёрувдан қоронғи туша бошлаган пайтларда қутулганликдан хотин бу кун кечаси ошхонада ухлашга изн бериш устига салқитлар билан уни тўйдириб ҳам қўяди.

... Тонг ёрир-ёримас барина Бердибойни дарвозадан чиқариб юборади.

Бердибой бу кун ҳаммоллик қилиб ўттуз тийин топади, кечқурун ўткан кун ётган чойхонага келиб ухлайди.

Ошхонада ухлашнинг учинчи кунида Бердибойга бир касал арз бўлади: пешоб асноси азобланиб бўшанади. Бир неча кун соғайишни кутиб юради, билъакс соғайиш ўрнига бу ачиб, куйиш зўраяди.

Чойхонада ётиб юриш хушомадига чойхоначининг сувини ташийди, ўтунини ёради ва икки орадан вақт топиб ҳаммолчиликка ҳам бориб келади. Бироқ касаллик аримайди, кундан-кунга кучайиб боргани сезилади. Касал арз бўлганининг ҳафталарига етканда азоб жуда ҳам ортади, ҳатто пешоб асноси додлаб юборғудек бўлади.

Оғриқ жонига тегизгандан кейин сирни чойхоначига очади, чойхоначи, «расво бўлибсан ука, касалинг ёмон, сўзак касали билан кўплар ўлиб кеткан» деб қўрқутади. Бердибой йиғлайди, касалга қарши қандай чора кўриш тўғрисида кенгаш сўрайди.

– Умринг боқий бўлса тузаласан, бироқ бир ҳамён ақча керак бўлади, иним!

Бердибой ерга қарайди, орада яна икки-уч кун азоб чекади. Унинг чеккан кулфатига чойхоначининг раҳми келгандек бўлади.

– Бердибой ука, ўзинг яхшигина йигит экансан, – дейди чойхоначи, – ёш жонингга раҳмим келаяпти, жувонмарг бўлиб кетмагил... Агар мен сени дўхтурга кўрсатиб, ҳар нима чиқим бўлса ўз ёнимдан тўлаб тузатиб юборсам, чойхонамга неча ой хизмат қилиб берасан?

Ҳозир Бердибойга жонидан бошқаси ҳеч нарсага арзимаиди:

– Сиз қанча ой ишла десангиз, мен кўнаман!

– Олти ой ишлаб берасанми?!

– Ҳўб.

Эртаси кун чойхоначи Бердибойни шаҳар касалхонасига олиб бориб таносил аъзо касалларини қарайтурган дўхтурга йўлуқтиради.

Дўхтур муоянадан¹ сўнг енгилча сўзак бўлганлигини айтиб дорилайди, кўлига ҳам дори бериб парҳез қилинатурган ва еятурган овқатларни кўрсатади, тузалганча ҳар икки кунда бир мартаба келиб турушга буюради.

Дўхтур ёнидан чиқгач, чойхоначи дўхтурнинг сўзини «таржима»га бошлайди.

– Ўлишингга бир баҳя қолган экан, укам, қазонг етмаган экан болам, – дейди чойхоначи, – сен учун элли сўмдан ажрайтурган бўлдим, бироқ сендек яхши йигитнинг жони учун элли сўмим садақа... Олти ой бажондил ишлаб берсанг бас, тузалгунингча ҳар икки кунда дўхтурга кўруниб турасан, тузалганингдан кейин ўзим бирга бориб дўхтурнинг ҳақини тўлайман.

Бердибой миннатдорчилик учун айтишга сўз тополмади, олти ой хизмат қилиб бериш учун чин қалбдан ваъдалар беради.

Дўхтурга иккинчи ва учинчи қатнашдаёқ оғриқ кучсизланиб Бердибой ўзини енгил ҳис қилади. Буни сезиб турган чойхоначи тўртинчи кўрунишида дўхтур ёнига биргаллашиб боради, бу кун ақча сўраса керак, деб Бердибойнинг кўз ўнгида элли сўмни ажратиб олади. Дўхтур муояна қилиб касал битканлигини, синов учун бир ҳафта ўтказиб яна бир йўлуқишини буюради. Чойхоначи Бердибойни дўхтур ёнидан илгарирак жўнатиб, ўзи гўёки дўхтур билан ҳисоблашган каби кечикади.

Шаҳарда пулсиз муолажа қилатурган шифохоналар борлигидан хабарсиз Бердибой «нақд элли сўм» бериб ўзини ҳалокатдан қутқариб қолган «виждонли» чойхоначига олти ой хизмат қилиб беришга чинлаб бел боғлайди...

¹ Муояна – кўрик, назорат.

...Қишлоқ чаёнининг заҳари уни шаҳарга келтириб ташлайди. Аммо шаҳарнинг усти силлиқ илонлари ҳам ундан ўз насибаларини чиқара бошлайдилар.

Бердибой шаҳарда ўн уч-ўн тўрт йиллаб қолади. Юқорида бир-икки мисолни кўрсатганимизча унинг шаҳар ҳаёти ҳам ранг-баранг жабру зулм лавҳаларидан иборат бўлади. Биз, қиссамизнинг ҳажми сиғдирмағанлиқдан унинг шаҳардаги сафил¹ ҳаётига тафсилий тўхтай олмаймиз. Бердибой ҳар бир қадамда бир алданади, турмуши хийла ва тазвир² асосига қурулған жамиятнинг тузоғидан-тузоғига ўтиб илинади, ботқоғидан-ботқоғига ўтиб йиқилади. Қўлига пул бериб қовоқхона ва фоҳишахоналар воситасида тортиб оладилар, очиқтириб бир бурда нон бадалига ойлаб, йиллаб ишлатадилар, яланғочлаб номуси бадалига кийинтирадилар ва ҳоказо...

Одатдан ташқари меҳнат ва у яшаған муҳитнинг сафоҳати,³ фаҳши⁴ уни жисман ва руҳан сўндиради; тинчрак, осойишроқ бир ҳаётга ўтгуси келиб қолади. Анови «номус...» масаласи ҳозир аҳамиятини йўқотғанлидан қишлоқга қайтади. Тиктепада туратурған ватани йўқ, отасидан қолған чордевор бузилиб, ёрилиб кеткан. Ҳолбуки, чойхоналар турмушидан безор бўлған Бердибойнинг яна қишлоқ чойхонасига келиб қўниши унинг асли мақсадини қаноатлантира олмайди. Узоқ ўйлаб турмай, бу кунги Тиктепанинг гузарга тескари томонидан ўзи учун бир «бошпаноҳ» очиш қарориға келади. Бу тўғрида кишилардан изн сўраш лузумини ҳис қилмайди. Чунки Тиктепа кишининг хусусий мулки эмас, тепанинг мўлжалга келған қулай четидан ўн беш газ чамаси жойни кесиб туширади. Кесилған турпоқни саҳннинг ўнқир-чўнқир ва бўғоз-қисир жойларига тарқатиб, текис бир саҳн ҳосил қилади. Кесилған тепа деворидан бир эшик ўрнини мўлжаллаб ер – уй очишга тутунади. Уч кунлик иш натижасида бўйи ва эни беш газли, қадди уч ярим газли бир даҳлиз ясайди. Тўртинчи кун даҳлиз ичкарисининг сўл биқинидан бир равоқча очади, яъни бу равоқча даҳлиз орқали кирилатурған ҳужранинг эшиги хизматини ўтамакчи. Бешинчи кун ҳалиги равоқча ичини кенгайтира, яъни ҳужра оча бошлайди.

¹ Сафил – жуда ёмон, тубан.

² Тазвир – алдаш, ёлғон.

³ Сафоҳат – ақлсизлик, аблаҳлик.

⁴ Фаҳш – бузуқлик; ҳақорат.

Хужранинг ишланиши даҳлизга нисбатан анча қийин кўчади, чунки кўчирилган турпоқни даҳлиз орқали челақлаб ҳовлига чиқариб ташлашга тўғри келади. Иш узоқга тортилади. Ўн кунлик меҳнат орқасида ҳар томони беш газлик ва қадди уч ярим газлик бир хужра ҳосил бўлади. Бироқ, хужранинг ичи оқшом каби қоронғи, даҳлиз орқали тушкан ёруғлик хужрани ёритишга кифоя қилмайди. Агар хужра даромадига эшик қурилтурган бўлса, қоронғи бир қабр, яна ҳам тўғриси даҳма ҳолига киради. Ҳар кун Бердибойнинг «янги бино»сига келиб кенгашлар бериб туратурган Мирвали банги даҳлиз тўғрисида бир нарса демаса ҳам, хужра устида нарх уриб қолади.

– Агар эшикни ёпиб бу оқшом ухласанг, эшикни очувчи бўлмаса, азбаройи Худо, хужрангда бир ҳафтагача тонг отмайди! – дейди.

– Ҳали иши бор! – деб кулади Бердибой.

Дарвоқеъ, Мирвали банги эртаси кун келганда даҳлизнинг ташқи қаторидаги хужра деворидан бўйи икки ва эни бир газлик дераза ўрни очилганини, хужра ичи ҳовлидаги каби ёриб кетганлигини кўради.

– Менга қўлингни бер, Берди, сен шаҳардан Берди фаранг бўлиб чиқибсан! – дейди.

Бердибой даҳлиз билан хужра девор ва шипларини бир кун ишлаб пардозлайди, андава чети билан қириб, теша ва кетмон изларини йўқотади. Даҳлиз ва хужранинг томи ҳисобланган тепа устини текислаб, қор-ёғмур ювиб бузмасин учун «бино» манглайига бўғотлар чиқаради.

Даҳлиз ва хужрадан чиқарилган турпоқлар ўз олдига бир тепа ташкил қилиб, «бино» олдини бўғиб ётади. Турпоқни четга чиқариб ташлаш ёки шу турпоқдан «бино» теварагига ихота турғузиш масаласи туғилади. Мирвали банги ихота ясаш томонида бўлади:

– Кичикрак бўлса ҳам «равоқларинг»нинг олдини бўғмасанг кўчада ётқандек гап! – дейди.

– Чама¹ йўқ!

– Чаманг келмаса, мен қарашай, мен ҳам савобдан қуруқ қолмай!

Мирвали бангининг далдасида ихота деворига ҳам урнайтиди. Пахсага қараганда хишт девор тез битиши учун икки қолиблаб

¹ Чама – ҳафсала, хоҳиш.

хишт қуядилар! Бир ҳафтада уюлган турпоқ хиштга айланиб, ўнинчи кунда бу хиштлар икки боши кесилган тепага (бино ёнларига) келиб биткан, ярим доира шаклидаги қўрғон деворига ётади. Ярим доира ўртасидан кичикроқ даромад ўрни қўюлиб, агар бунга «дарвоза» қурулса, Мирвали банги таъбирича «пўлат сандукдек» бир қўрғон пайдо бўлади.

Бердибой кичкина ҳовли саҳнчасини кўнгли тилаганча текислаб ва баъзи ҳожат ўрунларини ҳам қуриб битиргач, қишлоққа келгандан буён чойхонада ётган рўзгор алоқаларини «янги ҳовлига» кўчириб, ўзи ҳам ўн учинчи май, минг тўққуз юз ўн олтинчи йил тарихида умрида биринчи мартаба «мустақил турмушга» ўтади. Янги ҳовлининг «расми кушоди»да иштирок қилган Мирвали банги хўтукдек чилимини кўтариб келади, хужрани наша дудига тўлдирган ҳолда ҳар иккиси наша чекадилар. Янги ўчоқда қайнатилган чойни қантлаб ичиб, «шу ердан ўткан яхшилар»нинг арвоҳига фотиҳа ўқуйдилар.

Бердибойнинг шаҳар ҳаёти унга анча ҳунарлар бағишлаган: яхши бир нонвой, шу воситада танур ва ўчоқлар қурушни биледи, жуда уста бўлмаса ҳам миёнароқ бир сартарош, соч олишни ҳам уҳдалайди; уста бир арракаш-шерик топилганда тахта ҳам тила беради; ўртача гилкор, хиштчи – русларга товукхона ва ўтунхоналар солиб бериб тажриба ордирган; уста кесувчи – шаҳардаги қалтис ўскан дарахтларни зарарсиз йиқитиб олқишлар олган; гулчи – икки йил Прохоров тўранинг гулзорига қараб, тақдирнома олган. Булардан бошқа қассоб топилмай қолганда қўй ҳам сўя беради, қўйларингизни кузатмоқчи¹ бўлсангиз, кузамчилик ҳам қўлидан келади... Қисқаси, Бердибой гарчи шаҳардан думи юлинган мусичадек бўлиб келган бўлса ҳам фазлсиз эмас. Бу ҳунарларга тегишли бўлган ҳамма асбоблари бут, ҳозир янги хужранинг обрўсини олиб турган «рўзгор асбоблари» ҳам шулардан иборат.

Бердибой янги ҳовлининг кам-кўстига ортиқча қараёлмайди (масалан энг зарури кўча даромади учун эшик, хужра учун эшик, хужрага деразами ёки шунга ўхшаш дарпардами ва бир-икки бўйра). Чунки шаҳардан орддириб чиққан йигирма икки сўм дастмойси «бинокорлик» билан тугаб, Мирвали банги таъбирича «ҳисоби тоқ» келиб қолади.

¹ Кузамоқ – қўйнинг юнгини олиш.

Мирвали бангини қишлоқнинг маълумот устоли деса бўлади: қишлоқда кимнинг қандай иши бор, ким нимага муҳтож, кимнинг кимда қандай ўчи ва ғарази бор ёки фалончининг ҳамёнида қанча ақчаси бор, буларни жуда ҳам билади. Бердибойнинг «ҳисоби тоқ» келиб қолганлигини сезгандан кейин кўз очиб юмгунча унга иш топади: ҳозирги Хуббибойнинг отаси Исҳоқ семизнииг терак ғўлаларини тилиб, тахта қилиб беришни ўзи ҳам бир тан шерик бўлган ҳолда баҳолаб олади. Бердибой усткашлик,¹ Мирвали осткашлик² қилиб иш бошлайдилар.

Шу кезларда мардикор масаласи туғулиб, қишлоқ оқсоқоли Шодмонбойнинг оёғи олти бўлиб қолади. Шаҳардан олган таълимотига биноан қишлоқда тартибсизлик чиқариши мумкин бўлган шубҳали кишилар устидан назорат қилишга махфий одамлар белгилайди. Айниқса, шаҳарнинг «хамма муттаҳамчиликларини ўрганиб қайтқан» Бердибойни кўз остида қаттиқ ушлайди.

Бир-икки куннинг ичида шаҳардан янги «ваҳимали» хабарлар келиб қолади, халқ ҳукуматга қарши кўтарилган, Полисмистирни ўлдирган, Турпоққўрғонга хужум қилмоқчи эканлар... каби гаплар кўпаяди. Бу гапларни эшиткан сайин Бердибойнинг эсига шаҳарга янги борган йиллардаги мастиравойлар³ тўполони тушади.

«Шаҳардан закўн ўрганиб келган» Бердибойнинг янги кўрғонига кечалари қишлоқилар йиғилишиб келадилар, мардикор масаласи тўғрисида ундан фикр сўраб, шаҳарда бўлаётқан жанжаллар ҳақида музокара қиладилар.

– Ўрусиянинг мастиравой отлиқ бир халқи бор, – дейди Бердибой билимдонлик сотиб, – агар жанжалга мусулмониялар томонини олиб шулар аралашса, мардикорни бердирмайдирлар, бўлмаса, барибир, оқпошшо бўш келмайди.

Дехқонлар «мастиравой» ҳақида эшиткан бўлсалар ҳам, уларнинг кимлар бўлганини яхши билмайдилар. Бердибой бу тўғрида ҳам «маълумот» беради:

– Ўрусиялар мастиравой деб завод-фабрикаларда ишлайтурган ҳунарманд халқларини атайдилар. Оташарава, милтиқ,

¹ Усткаш – тепага тортиш.

² Осткаш – пастга тортиш, кашма-кашлик.

³ Мастиравойлар кўзғолони – 1905-нчи йил инқилобида иштирок қилган ишчилар (Муаллиф).

тўп, ўқ, калуш, газлама... борингчи шу рўйи заминда кўруниб турган ҳамма илми ҳунар шулардан чиқади. Ана шу халқ оқпошшонинг бояғидек кирдикорини сира ёқтирмайди.

– Ҳа-ҳа, одамохун десангиз-чи?

– Одамохун, деб секинрак айтасизми, – дейди Бердибой, – худди оқпошшонинг юзига тап тортмасдан: «Сен золимсан, сенда адолат йўқ», деб айта берар эканлар, алай-балай деса, дарров заводдаги бўкуроғини чалиб, товинларини¹ йиғиб, лашкар торта берар эканлар. Мен бу халқнинг оқпошшо одамлари билан урушганини ўз кўзим билан кўрганман: жондарол бўлсин, қозоқ аскарлари бўлсин, булардан зир-зир қилади... Ана шу халқ мусулмонияларнинг ишига қотишса, оқпошшо биздан мардикор эмас, эски маҳси ҳам ололмайди!

Бердибой айтканча, мастиравойлар мусулмонияларнинг ишлариға қотишмаганликдан ёки қотиштирилмаганликдан оқпошшо зўр келади, мусулмониялар мардикор беришга мажбур бўладилар.

Тиктепа қишлоғининг эллик тўрт рўзғориға йигирма етти мардикор, яъни икки рўзғорға бир киши белгиланганлигини Шодмон оқсоқол халққа эълон қилади. Бердибой ҳам қишлоқда бир рўзғор ҳисобланиб, Исҳоқ семиз билан бирликда ўртадан бир киши бериши билдирилади.

Бердибой бу «тўғри» тақсимот тўғрисида безовталиқ кўрсатмаса ҳам, лекин ичидан жуда ҳам аламланади: ўн беш йил Шодмонбойнинг бир пулсиз хизматини қилиб, охирда ўн тўрт йил қишлоқ бетини кўрмай кетсин, шунча йил шаҳарда саргардон кезсин, эндигина «тинч бир турмуш» қуриш учун қишлоққа қайтиб келганда, тепадан қазиб очилган бир ертўласи учун бир рўзғор қаториға, яъни Исҳоқ семизга тенглашсин-да, Исҳоқ семиздан арзимаган йўл харжи олиб, уруш майдонига кетсин... Исҳоқ семиз билан бириктирилиш сирриға ҳам яхши тушунади, Шодмон оқсоқолнинг Исҳоқ семизга енгил тушириб бериш учун бир «оғайнигарчилиғи» бўлганлигини сезади.

Бердибой бу кун ишка бормаиди, шериги Мирвали бангига «бу кун тобим йўқ» деган жавобни бериб юборади. Унчалик овқатга ҳам иштиҳоси бўлмайди, кечгача ҳужрадан ташқариға чиқмай, нималар тўғрисидадир ўйлаб ётади. Вақт хуфтандан ошганда те-рак бутайтурган болтасини белига қистириб ҳужрадан чиқади.

¹ Тобин – тобе, эргашувчи, бўйсинувчи.

Шодмон оқсоқол уйда йўқ, мулла Султонқулнинг зиёфатида. Бердибой кўрғон дарвозасидан нарироққа бориб, уни кутиб ўлтуради. Узоқ кутади, лекин кутишдан зерикмайди. Эл ётқан вақтда узоқдан бир қора кўрунади – бу оқсоқол. Кўрқмасин учун Бердибой йўталиб ўзини сездиради.

– Ҳа, сенми Берди болам, – дейди оқсоқол.

– Мен... Сизга икки оғиз арзим бор эди.

– Арзингни эртага айтсанг ҳам бўлар эди, болам, бунчалик бемаврид...

– Ўзи икки оғиз гап...

Шодмон ака «эски ҳисобларни сўрамоқчими» деб бир оз ичдан безонғлайди.

– Хўп, хўп, гапир болам.

Иккиси дарвоза камгагига тусма-тус ўлтурадилар.

– Бошқалардан ҳам меним сиррим сизга маълум: ўн беш йил сизнинг хизматингизни қилдим, ўн уч йил шаҳарда саргардон бўлдим...

– Насибанг-да, болам.

– Қишлоққа келганимга ҳали икки ой тўлган эмас, ундан кейин меним қишлоқда бир қарич жойим йўқ.

– Худой етказар, ўғлим.

– Мана шу ҳолда мени ҳам қишлоқнинг бир рўзғори ҳисоблаб, Исҳоқ семиз билан тенглаштириш, ўша билан баравар мардикор жамарғасини тўлашга мажбур қилиш тўғрими, инсофми?

– Э-э-э-э, болам, ёшсан-да ҳали... Биз сени ўзимизнинг бир рағадимиз¹ ҳисоблаб, жамарға² беришингни лойиқ кўрсак сенга обрў эмасми? Бу ўзи кўпга келган тўй, бунга бор ҳам, йўқ ҳам баравар: мулки борми, қишлоққа кеча келганми, уни суриштириш йўқ, менга уяз ҳокимидан келган буйруқ шундай.

– Сизча ҳам шу инсоф, шу адолат?!

– Инсоф шу болам, ҳаракатингни қила бер...

Оқсоқол сўзини тугата олмайди, ногаҳон келиб тушкан ўткур болта Шодмонбойнинг бошини баравар иккига бўлади... Душман иккинчи зарбини ҳайфсинган каби ўзича алланарсалар деб сўкиниб жўнаб кетади. Оқсоқол эса камгакнинг³ девориға суянган кўйи қирр-қирр товуш чиқариб қола беради...

¹ Рағад – яқин кишилар.

² Жамарға – жамғарма, пул, маблағ маъносида.

³ Камгак – атрофи ёки икки уч томони девор билан ўралган пана жой.

Оқпошшоҳ учун содиқ бир қулнинг раҳмсизча болталаниб ўлдирилганлигини эшиткан уяз улуғлари эртаси кун шаъни шавкат билан қишлоққа етиб келадилар. Қишлоқ обрўдорларининг маълумотлари бўйича оқсоқолнинг қотили деб Бердибой кўрсатилади. Бердибойнинг қотиллиги гувоҳ ва ҳужжат билан исбот қилина олмаса ҳам, унинг оқсоқолга ўн беш йил хизмат қилганлиги, шу чоқгача ўн беш йилли ҳақини ололмаганлиги (Шодмонбойнинг бермаганлиги эмас!) адоватга сабабчи ва шунинг ўзи Бердибойнинг қотиллигига далолатчи қилиниб кўрсатилади.

Бердибой оқсоқолда ўн беш йиллик хизмат ҳақи борлигини иқрор қилади, аммо ўлдирганлигидан тонади, баҳарҳол Бердибой қамалиб, шаҳар турмасига жўнатилади.

Жиноятни исбот қилиб бўлмаганликдан тергов узоққа тортилади, ҳатто минг тўққуз юз ўн еттинчи йил феврал инқилобида ҳам Бердибой тергов остида қамалиб ётган бўлади. Феврал инқилобидан сўнг қамоқдан озод қилиниб, қишлоққа қайтади.

Бердибойнинг минг тўққуз юз ўн еттинчи йил Ўктябр инқилобидан то минг тўққуз юз йигирма олтинчи йилгача, иккинчи хил айтканда қишлоқда ер ислоҳоти ўтказилганча, ортиқча кўзга чалинатурган инқилобий фаолиятига учралмайди. Ер ислоҳотидан бошлаб, айниқса, колхоз тузулиб, қишлоқда синфий кураш кескинлашқачгина уни инқилобчи қишлоқ камбағалларининг биринчи сафида кўрамыз.

Бердибойда синфий фаолият кучайгунчалик у қандай кечинади, нималар қилади, биз ҳозир шу тўғрида тўхтаб олмоқчимиз.

– Етмиш икки ҳунаринг бор, лекин хумчангда беш пайса жиринг йўқ! – деб Мирвали банги бир кун Бердибойни койиган эди.

Хумчасида беш пайса жири борми, йўқми унисининг бизга тегишлиги бўлмаса ҳам, аммо етмиш икки хил ҳунари борлиги анча муболағали, шунинг билан бирга ҳақиқатан ҳам унча узоқ эмас: Бердибой дарахт кесади, тахта тилади, тандур ва ўчоқ қуради, том сувайди, соч олади, қўйларнинг юнгини кузайди, енгил-елпи иморат солади, жўякчиликка биринчи, пахта чопиғиға бўлса қишлоқда унинг олдиға тушатурган уста йўқ, қўй сўйиш, балиқ ови, тўр тўқиш, ошпазлик жўнидан: уч-тўрт пуд гурунчни палов дамлаш, ҳалим пишириш... Хулоса, ёзин-қи-

шин бекор қолган вақти жуда оз. Дуруст, кишки пайтларда ишсиз қолган кезлари ҳам бўлади, бироқ Бердибой шунда ҳам чин маъноси билан бекор эмас, бир-ярим киши йўқлаб келса, сочини олиб қўяди, сочдан бўшаса, ёзда йиғиб қўйган тахта парчаларидан курак чопади, қозони қайнамайтурган ёки шунинг сингари бирор тақчилликга учраса, тайёрлаган куракларини кўтариб шаҳарга жўнайди. Шундай вақтларда ўзи билан бир йўла болта олишини ҳам унутмайди. Чунки куракларни сотолмаса бирорта танишига омонат тариқасида қўяди-да, ўзи болтани елкасига қўйиб, янги шаҳар кўчаларидан айланади, ўтун ёриб бериб, нон пули ишлайди. Шундай кезларда қор ҳам ёғиб қолатурган бўлса, дарҳол болта куракка айирбошланиб, қор курашга тушилади. Шаҳарда бир неча кун қолишдан, қишлоқдаги «амлок рўзғор»ни эгасиз ташлашдан у қадар ташвишланмайди, чунки хужрага тераза ва эшик қурулиб, ўз қўли билан ясалган лўкидони солинган; занбал эшикка бўлса кишан қулф урулган... Яхши, кишан қулф синдирилиб занбал эшик ҳам очилди, хужрадаги лўкидоннинг «тилига» тушунатурган ўғри бўлса уни ҳам кушада қилди¹ деяйлик. Шунда ҳам ўғри нимага эга бўлар эди, дейсиз? – Уч-тўрт пуд келатурган «асбоб» исмли темир-терсақларгами, ёнғоқ ва қайрағоч гўлларида кесиб олинган беш-олтита қийма тахталаригами, хужранинг рапига² эҳтиёт учун терилиб қўйилган уч-тўртта болта ва кетмон сопларигами ёки анови кўрпа-ёстиқ исмли бир тўда уводага, ёхуд дахлиздаги ўчоқда турган кичкина декча, устига тўнкарилган сопол тоғора ва ё ўчоқ ичида суви билан қолган қора қумғонгами? Булар тўғрисида, эҳтимолки, ўқувчи ташвишланса, аммо Бердибойнинг ивирғамига³ келмайди.

Қишнинг энг кучайган кунларида беш-ўн кун саъва тутиш одати ҳам бор. Аксар бир эрмак тариқасида саъва тутса ҳам эҳтиёж сезилганда тутилган саъваларни қафасга солиб, сотиш учун шаҳарга бориб тушган вақтлари ҳам бўлади.

Бердибой «тинч турмуш» қурғанининг иккинчи йилидаги янгилекларнинг бириси хужранинг қаторида бир катак очиб, беш жуфт чин каптар боқишидир. Бир йил ўтиш билан беш жуфт каптар йигирма жуфтга етади, орадан бир-икки жуфт ўйинчила-

¹ Кушада қилмоқ – кушод очмоқ.

² Рап – раф, токча.

³ Ивирғам – хаёлига, парвойига.

ри ҳам кўруниб, унинг вақтлари шуларни учириб, ўйнатиб кечади, табиий, каптарларни боқиш Бердибойнинг буджатиغا катта зарба беради. Бироқ Бердибой ўзи емаса ҳам, уларнинг донини етказиб туради. Ҳатто кейинги йилларда каптарлар урчиб, олти-миш жуфтга етканда, яъни бир қишда беш пудлаб тарик талаб қилганда ҳам чурқ этмай, «қушчаларим» дейди, орада битта-яримта каптар оғриб қолса, азтаҳидил дори-дармон қилади, борди-ю, каптарнинг қазоси етиб ўлса, бир неча вақт ўлугини қўлига олиб, маъюс у ёқ-бу ёғини тимсиклайди, ўбдан ўлганлигига қарор берса, четга ирғитиб ташламайди, бир четдан чуқурча қазиб, эҳтиром билан кўмиб қўяди.

«Тинч турмуш» кўрғонига келганининг тўртинчи йили Бердибой уйланади. 1921 йилнинг бошларида Мирвали банги ўртада туриб, Бердибойни қишлоқда ҳар хил майда-чуйда сотиб юрувчи татар аёли Соҳибжамолга унаштиради. Соҳибжамолга Бердибойнинг ўзи, уйи, унинг турмуш тарзи маъқул келади. Лекин Бердибой журъат қилмаётган эди. Гарчи аёлнинг афт-андоми рисоладагидек бўлса-да, унинг савдогарлик қилиши бор эди-да. Савдода катта-катта даромад келишини кўриб, уни ташлаб кетиши ҳеч гап эмас. Мирвали эса бу томонини хаёлига ҳам келтирмас эди.

– Бола туғиб беради, – дерди у. – Кейин қаёққа боради бола-ни ташлаб? Бу дунёда сендан ҳам бир туёқ қолади.

Бердибой уйлана олмаслигига кўрпа-тўшаги йўқлигини важ қилади. Буларни сотиб ололмаслигини ҳам айтиб ўтади. Мирвали бу жиҳатдан уни хотиржам қилади.

– Битта кўрпани мен бераман, кўрпача ва ёстиқни ошна-оғайнилардан оламан. Бўйниларига қўяман. Энди хотиржам бўлдингми, дардисар? Нима бўлганда ҳам, ўзи учиб келган қушчани қўлдан чиқармаймиз!

Бердибой татар аёлига уйланади. Бошида яхши яшашди. Бердибой қишни ғамини ўйлаб, икки пуд ун, йигирма қадок¹ гурунч ва шунга яраша мой олди. Лекин буларни еб бўлишгандан кейин қозонни сувга ташлаб қўйилган кунлар ҳам бўлди. Шунда Соҳибжамол асабийлаша бошлади. Ўша кунлари Бердибой нима сабабдандир ишсиз қолган эди. Соҳибжамол юзингда кўзинг борми демай уни ҳақоратлай бошлади.

– Ҳой лаънати, уйда хирсдай ётишга уялмайсанми? Каптар-

¹ Кадок – 409,5 граммга баробар.

ларингга тариқни сочиб, уларнинг гу-гуларини тинглашдан бошқа нарса қўлингдан келадими ўзи?

Бердибой ҳам ўзини тутиб туrolмайди:

– Ҳа, нима, менинг овқатим ёғсиз бўлиб қолдими ёки бозорингни хумори тутиб қолдими?

Соҳибжамол баттар қизишади:

– Ҳа, сен уйда ағанаб ётганингдан кейин, албатта хунарининг хумори тутайди-да. Мен итдай оч қолишни ҳам, каптарларингга маҳлиё бўлиб ўтиришингни ҳам хоҳламайман.

Бердибой тирикчилик дардида югуришни бошлаган эди ҳамки, пичинг, аччиқ сўзлар ўрнига Соҳибжамолнинг оғзидан ширин сўзлар чиқа бошлайди.

– Мана кўрасан, мен сенга кўчқордай ўгил туғиб бераман, икки ойдан бери касалим келмаяпти.

Бу гапга Бердибой ишонади. Оғироёқ бўлмиш хотинини аяб, уни оғир ишлардан озод этади. Ўзи ўтин ёради, ўзи кўчадан сув келтиради. «Сен боламизни асра, ўзингни уринтирмай уйда ўтир», – дейди у.

Орадан уч-тўрт ой ўтади. Соҳибжамолнинг қорни ўша-ўша супта. Соҳибжамол бу ёғига алдаб бўлмаслигини сезиб, «негадир касалим келяпти», – деб иқроор бўлади. Бердибой маъюсла-ниб қолади.

Бердибой уйлангандан сўнг қишлоқда «Берди татар» деб лақаб ортдиради. Ҳатто айримлар уни «татар» деб атай бошлайди.

Соҳибжамол уни ташлаб кеткандан кейин ҳам лақаб уни тарк этмади. Бердибой Соҳибжамол билан миллатининг бошқа-бошқа эканлиги учун ёки «кабутар бо-кабутар» нақлига амал қилиб ажрашмади. Фикримизча, Бердибой билан Соҳибжамолнинг ҳаёт йўли бутунлай бошқа-бошқадир. Соҳибжамолнинг касб-хунари-ю, ўзининг сўзидан келиб айтсак, у савдогарнинг қизи, яхши еб-ичиб, яхши кийинишга ўрганган. Унинг Бердибой билан турмуши зарурият туфайли эди. Шунинг учун вақти келиб Бердибойни ташлаб кетиш унга оғир бўлмади.

Янги иқтисодий сиёсат эълон қилингандан кейин шаҳар ва қишлоқларнинг бозорлари ривожлана бошлайди. Соҳибжамол харид учун баъзан бозорга боради, қатор расталардаги мўл, чиройли молларни кўриб, ҳаваси келади. Савдонинг қут-баракаси билан келадиган «гўзал ҳаёт»ни орзу қилади.¹

¹ НЭП – ЯИС – шўро давлатининг «ҳарбий коммунизм» сиёсатидан кейин 1921 йил қабул қилган сиёсати бўлиб, раҳбарлик ўринларнинг шўро давлати

Бердибойни ташлаб кетиш қийин эмасди. Лекин дастмоясиз бозорга чиқишдан на маъно, на фойда бор. Соҳибжамол Бердибой орқали бирон нимали бўлишни режа қилишни бошлайди.

Бердибой бозорга боришга вақт тополмайди, чунки кўпинча иш билан овора. Топган пулини Соҳибжамолнинг кўлига келтириб беради, рўзғорга нима лозим бўлса, барчасига харажатни Соҳибжамол қилади. Пулнинг тенг ярмини рўзғорга ишлатса, қолганини туғиб қўя бошлайди. Бундай ҳолда, табиийки, уйда овқатдан маза қочади. Бу тўғрида Бердибой нолиб оғиз очкудек бўлса, Соҳибжамол дарҳол қимматчиликдан нолиб кетади. «Чайқовчиларда ҳеч инсоф қолмади», – дейди у. Энди унинг ўзи ҳам овқат гўштсиз бўлибдими, деб зорланмайди. Илгариги савдогар эриникида егани олдида, емагани кетида бўлганини писанда ҳам қилмайди. Аксинча, киноя билан Бердибойга шундай дерди: «Ноз қилмай қўяқол, бориға шукр қил-да, ётиб ухла! Фақат болшавойларнинг куни туққан замон бу, шўроларни минг осмонга кўтарганинг билан косаси оқармайди».

Бердибой Соҳибжамолнинг тежамкор ва қаноатли бўлиб қолганидан боши осмонда эди. «Шу уйга кўниқди. Илгаригидек кўнгли яна тансиқ, ёғлиқ овқатлар тусаб қолса, нима қилман», – деб ўйлаб қолар эди.

Лекин Соҳибжамол овқатни бирор марта ҳам гўштсиз емаётган эди. Бунга албатта, туғиб қўйган пуллари эвазига эришмаганди, бунинг бошқа йўлини топган эди.

Эрталаб Бердибой наридан бери чой ичар, гоҳида чойсиз ҳам ишга жўнаб қолар эди. У кетиши ҳамон Соҳибжамол дарҳол каптархонага кириб, иккита семиз-семиз каптарни туғиб чиқар эди-да, сўяр эди. Пар-патларини яхшилаб берки-тар эди, кейин каптарларни ёғда яхшилаб қовуриб димлар ёки ажойиб қушшўрва қиларди, кейин ўзи айтканидек «еб-ичиб яйрар, баданидан тер чиқар эди».

Бердибой бу сирни узоқ вақт сезмади. Чунки каптарлар жуда кўп эди. Агар уларни ҳар куни атай санаб турилмаса, 10-12 та каптарнинг камайиб қолгани билинмас эди ҳам. Бироқ «бадан яйраб

қўлида бўлиши шарти билан капиталистик тартиб қоидаларга вақтинча йўл қўйиб, социалистик қоидаларнинг капиталистик қоидалар устидан ғалаба қозонишини ва социалистик хўжалик (*иқтисодиёт*) асосини куришини кўзда тутган эди. «Ҳарбий коммунизм» даврида бозорда савдо-сотикқа рухсат берилмай халқ қўлидаги озик-овқат тортиб олинган эди.

терлаган» кунлар ортгани сайин ишнинг миси чиқа бошлади. Бир куни Бердибой каптарларга дон сочиб туриб оёғи пайпоқли ўйинчи каптар билан тўртта жигарранг тождор каптар йўқлигини пайқаб қолди. Каптархонадан чиқиб оёқлари остида «кувуғ-кувуғ» деб овоз чиқариб қувнаб донлаётган каптарларига разм солар экан, Бердибой уларнинг анча камайиб қолганини сизди. Бу ҳақда Соҳибжамолдан сўради.

– Билмадим, – дейди Соҳибжамол. – Ҳар куни ўз вақтида эски дўппида бир дўппи дон сочиб бераман. Бошқа нима ҳам қилардим. Балки бозорга кетканимда мушукми, қушми олиб кеткандир.

Бердибой елка қисади, ҳайрон бўлади. Ҳафта ўтади. Соҳибжамол ҳар куни иккитадан каптарни қозонга босади, иштаҳаси келса учтасининг баҳридан кечиб юборади.

Бир ҳафта ўтиб Бердибой яна каптарларини кўздан ўтказди, каптарлар олдингидан ҳам камайганини аниқ билади ва шартта Соҳибжамолга ташланади:

– Ҳой, чайқовчи, каптарларни бозорга олиб бориб сотма-япсанми мабодо? Ё уларни мендан яшираяпсанми?

Соҳибжамол ҳам бўш келмайди:

– Оғзингга қараб гапир, – дейди у, – сабил қолгурларингни ким ҳам оларди. Ит-пит егандир ёки бу ердан зерикиб учиб кетгандир.

Бердибой бу жавобга айтарлик қоникмайди. Агар каптарни ит еса патлари яқин атрофда қолган бўлар эди. Учиб кетиб қолиши эса ҳеч мумкин эмас. Агар каптарлар катта тўдада яшаса, улардан бири ҳеч вақт ажраб учиб кетмайди. Аксинча, катта тўда учганда дуч келганда кичкина тўдаларни ўзига қўшиб олади. Бердибой буни яхши биларди.

Бердибой яна индамайди. Соҳибжамол ҳеч андиша-пандиша қилмай ҳар куни иккитадан каптарни сўйиб, ҳазм қилиб юборар эди. Агар сир очилиб иш ёмонга айланса, Бердибой уни кўчага ҳайдаб солишини энди у биларди. Лекин аёл бундан чўчимайди. Чунки йиғилган дастмоя унинг қўлида, ўзи ҳам шунга тайёр.

Бир куни кутилмаганда Бердибой ишдан барвақт келиб қолади. Ҳайрон бўлиб, бевақт қайнаётган қозоннинг қопқоғини очиб кўрмоқчи бўлади. Соҳибжамол унинг қўлидан ушлаб:

– Очма, бундай қилиш сенга ярашмайди! – дейди. Бердибой

унинг гапига парво қилмай қопқоқни кўтаради.

– Ҳа, ярамас! – дейди Бердибой ранги бир оқариб, бир кўкариб, – каптарларнинг кушандаси сен ўзинг экансан-да!

– Мен, ҳа, мен, – дейди тан олиб Соҳибжамол, – итдай оч қўйганингдан кейин мен нима қилай? Каптарларни ейман-да! Қорнимни тўйдира олмаганингдан кейин жазоинг шу!

Бердибой ғазаб билан Соҳибжамолни айлантириб бир солади. Соҳибжамол уни қарғаб ўша заҳотиёқ нарсаларини йиғиштира бошлайди. Бир оздан сўнг жомадонини кўтариб, эшикда кўринади. Бердибой жомадоннинг тутқичидан ушлайди.

– Кўлингни жомадонга теккизишга нима ҳаққинг бор?! – деб ўшқиради Соҳибжамол. – қўйиб юбор, мен кетаман. Сен билан яшашга тоқатим йўқ!

– Яшамасанг яшама, – дейди Бердибой, – жомадон ичидаги нарсаларни кўрмагунимча сен бу ердан кетмайсан.

– Менинг жомадоним билан нима ишинг бор? Мен сени судга бераман, ҳибсга олдираман!

– Судга бер, майли, мени отишсин, лекин мен жомадонни очиб кўраман, ҳа, – дейди Бердибой ва жомадонни хотинининг кўлидан юлиб олиб, очмоқчи бўлади.

– Очма, дедим сенга! – қичқиради Соҳибжамол. Мен кетмайман, мен сен билан яшайман!

– Агар кетмасанг, мен билан яшашни истасанг, нега каптарларимни ўлдирдинг?

– Мен айбдорман, мен уларни бошқа емайман, ўлдирмайман.

Бердибой жомадонни Соҳибжамолга қайтаради-ю, ўйланиб қолади: – Нега тўсатдан кетмайдиган бўлиб қолди. Уйда ўғирлашга арзийдиган нарса йўқ-ку! Бу ерда бошқа гап борга ўхшайди.

Эртасига эрталаб ишга кета туриб, Бердибой ҳовли саҳнида тўхтайди ва Соҳибжамолни чақиради.

– Ҳа-а-а-а.

– Бу ёққа кел.

Соҳибжамол ичкаридан чиқиб келади.

– Агар кетмоқчи бўлсанг, яхшилик билан кет. Каптарларга тегинма!

– Яна аллақаяёқдаги гапларни бошляяпсанми? Мен сенга сўз бердим-ку, уларни ўлдирмайман деб!

– Мен сенга жиддий айтаяпман. Агар истасанг кет. Жомадонга беркитканинг ўша пуллар сеники бўлсин. Чайқовчи бўласанми-бошқами, ихтиёринг ўзингда. Лекин каптарларимга яқинлашма!

Шундай дея Бердибой Соҳибжамолни юзига бошқа қарамай, эшикдан чиқади. Соҳибжамол узоқ вақт унинг ортидан ганги-ганча қараб қолади. Хаёлларини бир жойга йиғиб хонага киреди ва жомадонни очади. «Сезибди, аблах, пулдан олмадимикан», – деб пўнғиллайди. Пуллар жойида эди. Ноқулай аҳволда қолди. Қолай деса, ҳамма сирни билиб турган Бердибойнинг юзига энди қандай қарайди, кетай деса баттар алам қилади – барибир Бердибой ўз виждони олдида кек қолади.

Бердибой кечки пайт ишдан қайтиб, четан эшикка қулф урилганини кўради. Одатдаги жойдан калитни олиб, қулфни очади. Хонада ҳамма нарса жойида, лекин янги кўрпа ва ёстиқнинг ўрни бўш эди. Бердибойнинг кўнгли ҳувиллаб қолгандай бўлди. У эски дўппига қопдан сиқимлаб тариқ олиб солди-да каптархона эшигини очди. Эрталабдан бери оч ётган йигирмага яқин каптар унинг оёқлари остида дон чўкилар эди. У Соҳибжамолнинг кетиб қолганига ачинмади. Эсиз, олтмиш-етмишта каптарлари бекорга нобуд бўлгани қолди.

Бердибойнинг Тиктепадаги яқин ўртоқларининг бириси – Мирвали банги. Кейинги йилларда Обид кетмон ҳам унинг яқин ўртоқларининг қаторига ўтади. Уларнинг танишишлари Мулла Обид гузарда ямоқчилик қилган қишда бўлади. Бердибой бекор қолганда Мулла Обиднинг ямоқчилик ишхонасига чиқиб ўлтуради ва бир кун Мулла Обидни ўз уйига чақириб палов билан меҳмон қилади. Мулла Обид ҳам муҳаббатга муҳаббат билан жавоб бериб, уни ҳам баъзи мавридларда ўз кўрғонига таклиф қилиб туради. Шу воситада ўртоқлашиб кетадилар.

Бердибой ҳарчанд Мулла Обиднинг кўп хусусиятларига қойил эса-да, лекин унинг тепса тебранмас – оғир табиатини унча ёқтирмайди. Ёқтирмаганлигини Мулла Обиднинг ўзига ҳам очиб айтади: «Ошнам, тошдек оғир, пуфланган мешдек димсан, бир кун паққа ёрилиб ўлугингга эга бўлмасалар шу!», дейди. Мулла Обид илжайиб қўяди.

Биз юқорида Бердибойни инқилобий ишларга ер ислохотидан кейингина чинлаб енг шимаради, деган эдик. Тўғриси ҳам шундай: ер ислохоти ўтказилиш олдида қишлоқ камбағаллар

уюшмаси тузилади ва уюшманинг раислигига Бердибой сайланади. Ер ислоҳоти бошланиб, қишлоқнинг ерсиз камбағаллариға ер берилади, шу жумладан, қишлоқ камбағаллар уюшмасининг раиси Бердибой Шоди ўғлиға ҳам икки гектар ер ва хўкуз ажратиб берадилар.

Бердибойнинг оғзи қулоғиға етади:

– Ана энди шўро ҳукумати билан фирқаси менинг дидимга келди, – дейди, – ҳа, ана буниси дуруст! – дейди.

Орадан кўп ўтмай, Бердибой аъзоликға қабул қилишни сўраб, партияға ариза беради.

ИККИНЧИ ҚИСМ

1. ЧЕТАН ҚУРУЛИШ ОЛДИДА

Қиш чиқар кезида дехқоннинг ичи ғивирлашади, дейдилар. Ердан қор кетар-кетмас қўш ҳозирлигини тамом кўриб қўйишга одатланган Мулла Обиднинг ичи бу кунларда жуда ҳам ғивирлашиб қолади. Қиши билан йиғилган гўнларни чуқурдан чиқариб, ернинг кучсизланган қисмлариға яйратиб қўйилганлиғиға ўн кунлаб бўлади. Ернинг чегараси бўйлаб экилган жийда ва ар-ар теракларнинг ортиқча шохларини ва қуруғанларини олиб ташлаганлиғиға хафталар ўтади. Бу кун кўрғон йўлагидаги ҳужрага кириб олиб, қўш асбобларини кўздан кечиради; от жабдиқларининг¹ мертилган, йиртилган жойларини тикиш билан тикади, баъзи қувраған жабдиқларни жайдари шам² билан мойлаб, ийлаб қўяди.

Мулла Обид кўлидаги тиркишнинг³ у ёқ-бу ёғини диққатлаб кўздан кечириб қарар экан, бирдан ҳужра ичи қоронғилашиб бошини юқори кўтаради. Ҳужрага Хатиб домла кириб келмакда... Мулла Обид ўрнидан туриб, домлани ўзи ўлтурсан кўрпачага ўтқузади.

– Қачон кўрсам, бир ишга оворасиз, – дейди баланд товуш билан домла, – дунёдан нималар ўтиб турганидан хабарингиз йўқ, чамаси!

Мулла Обид жавобсиз илжаяди. Хатиб домла фотиҳа ўқуйди. Қаршидаги тўқум устига ўлтурар экан, домланинг фотиҳасиға биргалашади.

– Сиз шўронинг аъзоси, яъни бизнинг улуғимизсиз, – дейди домла, – бу гапларнинг ўзи теги борми?

– Қандай гапнинг? – дейди Мулла Обид, домланинг сўзини дурустрак эшитиш учун сўл кўли билан қулоғини ўнглаб туради.

¹ Жабдиқ – от абзали.

² Жайдари шам – оддий, маҳаллий шам.

³ Тиркиш – арава шотисини эгар устида тутиб турувчи, икки учи бириктирилган қалин қайишдан иборат от-арава абзали.

– Одамлар: колхоз бўлади, мол-мулк ўртага солинади, деб гапиришадилар!

– Ҳа, шундай гап бор.

– Эртага қиёмат бўлади деган вақтда, – деб кулади домла, – одамлар қаламча¹ экар эканлар, шунга ўхшаш бу ёқда колхоз бўлмоқчи, сиз эса тиркиш тузатасиз!

Мулла Обид кулади.

– Колхоз қиёмат эмас, – дейди, – колхоз бўлганда ҳам, нон керак, ош керак...

– Хўш, – дейди домла, – ўзи теги бор гапми, ахир сиз ҳам ҳукумат арбобидансиз?

Мулла Обид гапни эшитмайдими ёки эшитса ҳам, домлага жавоб бериш учун ҳозирлик кўрадими, баҳарҳол бир оз ўйла-ниб туради...

– Яхши хабарим йўқ.

Хатиб домла Мулла Обиднинг кўзидан бир маъно ўқуш учун тиришгандек бир оз тааммул² қилиб қолади...

– Э, биз аҳли қишлоқ – меҳнаткашлар ажаб одамни ўзимизга улуғ сайлаган эканмиз, – деб кулади, – арбоби ҳукуматдан бўла туриб, фуқарога энг зарур гапни ҳам билмаса...

Мулла Обид қўлини қулоғидан тушуриб илжаяди.

– Ҳукуматнинг ҳар бир сирини ҳам билиб етказиш қийин, ҳукумат аҳли синалмаган кишига сир айтмайди!

Домла бу жавобдан тараддудга тушади. Мулла Обидга ишонмагандек тикилади.

– Масалан, сиз вакили қишлоқсиз, таъбири дигар, арбоби ҳукумат, – деб сўз айлантиради домла, – бас, нега ҳукуматнинг сирини аҳил бўлмайсиз? – Ёки мени ҳукуматга ноаҳил санаб сирни айтмайсизми?

Мулла Обид унинг сўзини эшитмайди, домла иккинчи мартаба ҳалиги саволини такрорлайди.

– Ҳукуматнинг сирини аҳил бўлиш учун фирқага кириш керак, мен фирқага кирган эмасман.

– Дастлабки сирни фирқага кирган билади, сўнгра биз билемиз денг-чи?

– Ҳа, тақсир.

– Фирқасига кириш ҳар жиҳатдан ҳам лозим... – деб ўзича

¹ Қаламча – ниҳол.

² Тааммул – фикр, мулоҳаза.

сўзланиб қўяди домла, – хўш, башарти колхоз деган гап вужудга келса, биз нима қиламиз, ўзингиз нима қилмоқчисиз?

– Билмайман.

Хатиб домла Мулла Обиднинг юзига бир неча вақт тушунолмаслик вазиятида қараб қолади.

– Укам, Обид, – дейди домла, – сиз мусулмон, биз мусулмон; мусулмондан мусулмонга ёрдам қилиш, билмаганни билдириш фарз, шундай эмасми ахир?

Мулла Обид боши билан «шундай» ишорасини кўрсатиб қўяди.

– Шундай бўлатурган бўлса, сизнинг ўз билганларингиз билан бизни фойдалантиришингиз, сиз билмаган гаплар бўлса бизнинг билдиришимиз лозим.

– Албатта.

– Баракалла. Хўш, колхоз деган гап вужудга чиқатурган бўлса, нима қилишимиз керак?

Мулла Обид елкасини қисиб кулади.

– Мен боя айтдим сизга, нима қилишни ҳозир ҳеч бир айта олмайман.

– Нега айтолмайсиз ахир?

– Колхоз қандай бўлушини мен ўзим яхши билмагандан кейин, кишига ўзим билмаган нарса тўғрисида маслаҳат беришимиз девоналик бўлади, тақсир.

Домла бир неча вақт сукутга кетади...

– Хўп, башарти колхозни вужудга келди деяйлик, шунда сиз ўзингиз нима қилмоқчисиз?

– Менми, мен... кўпга қарайман.

– Ана шунда хато қиласиз, укам, – дейди домла, – кўпчиликка қарайман – аҳмоқларга қўшуламан, деган сўз билан барабар. Фикримизча, қишлоқнинг уч-тўрттагина кўзга кўрунадирган кишилари бўлиб, шулардан бири сиз ҳисобланасиз!

– Марҳамат.

– Мен сизга айтсам, кўпчилик гўёки подадаги қўйлардек гап, бири келиб қаёқга ҳайдаса, шу ёққа томон юра беради; ўтга ҳайдалдими, сувгами, фарқини билмайди. Мана шундай сизга ўхшаш подачиларнинг ҳушёр бўлишлари керак. Подани залолатдан қутқазиб, хидоятга¹ бошламаги лозим!

¹ Хидоят – тўғри йўл.

– Мен бундаги подачиликка ярамайман, тақсир! – деб кулади Мулла Обид.

– Шикастанафслик¹ қилманг, айниқса, сиз подачилик уҳдасидан келасиз... Аммо, шуниси борки, дунёвий ишларга ҳарчанд вуқувингиз² бўлса ҳам, диний ишларга келганда бизга ўхшаш кишиларга муҳтожсиз. Аввало ўзингизни, сониян халойиқни залолатдан қутқариш учун бизнинг «ёмон» сўзимиз билан юрмоғингиз фойдадан холи бўлмасми, деб ўйлайман.

Мулла Обид жавоб бермайди, илжайиб ўлтуради. «Сукут – аломати ризо» дастури билан Хатиб домла Мулла Обидни ўз дамига яқинлашган кўриб, асли «сабаби ташриф» тўғрисида сўз очади.

– Буқун кечасига Мулла Султонқулнинг кўрғонида бир неча аҳли салоҳлар йиғилишиб, колхоз тўғрисида кичкина маслаҳат қилишиб олмоқчи эканлар. Биродарларимиз шу суҳбатда сизнинг ҳам бўлмоғингизни мувофиқ кўриб, таклиф қилиш вазифасини фақирга ҳавола қилдилар. Ҳузурингизга келишим шу ваддан бўлиб, ижобатингизга шубҳа қилмайман.

Мулла Обид тараддудланган тусга киради...

– Хўп...

– Кўп яшанг...

Мулла Обид Хатиб домлани ҳужрадан кузатиб, яна бояги ишига машғул бўлади. Аммо, эндиги машғулияти қуруқ машғулият бўлмайди, колхоз тўғрисида ўйлаб ишлайди. Колхоз тўғрисидаги маълумоти ўзини Хатиб домлага нодон кўрсатканчалик эмас. Бу масала қишлоқ шўросида ҳам бир даража музокара қилиниб ўткан, бундан ташқари баъзи ўртоқлардан сўрашиб, масалани анча ўрганиб олган. Бироқ колхоз тўғрисида умуман бир тасаввурга эга бўлса ҳам, ҳали унинг учун мушкул ва англашилмаслик масалалар кўп... «Тиктепа деҳқонлари бир рўзғорга айландилар деяйлик, бунда унчалик катта фарқ йўқ. Лекин шу бир рўзғорга айланганлар ичида яхши ишлайдирганлари бор, ялқамсиқлари, муғомбирлари бор. Албатта, бу сўнггилардан бириси ўз табиатидаги ялқамсиқликни қилади, иккинчиси муғомбирликни ташлай олмайди. Аммо яхши ишловчи деҳқон билан бу иккиси кузда даромадни баравар тақсим қилиб ола беради... Бу ёқда яна бир эҳтимол бор: ишчан

¹ Шикастанафслик – камтар, камсукум.

² Вуқув – вуқуф – билишлик, хабардорлик.

деҳқон муғомбир билан ялқамсиққа ишлаб берайми, дейди-да, бу ҳам яхши бир ялқовға ёки мукаммал бир муғомбирга айланади, икки ўртада «ҳосилни дев уриб...»

Фикри шу ерга етканда Хатиб домланинг бояғи сўзини ва шу тўғрида бу кун кечаси бўладирган уларнинг кенгаш мажлисини муҳокама қилади. Улар ҳақиқатда ҳалиги нуқталарни ўйлаб, шундан сўнг бу тўғрида кенгашиш фикрига келдилармикин? Мулла Обид ҳар қанча диндор бўлса ҳам, Хатиб домланинг ғаразсиз бир киши эканлигига унча ишонмайди. Шунга ўхшаш нариги бойларни ҳам инсофли, кўпчилик учун жони ачидирган одамлар деб билмайди. Мулла Обид улар тўғри-сида бир коммунистча бўлмаса ҳам, ундан қуйироқ даражада муҳокама юрутади: домланинг саман йўргаси, бир жуфт қўш хўкузи, жила – ҳаммаси қўшулмағанда ҳам қорамолидан иккита сигири ҳам ўртага тушса керак, ўзи бўлса домлалиги учун эскича сийланиб қолмай, қора ишга ҳам мажбур қилинса керак. Анави бойлардан ҳам домлага нисбатан – кўпрак жонли-жонсиз моллар олиниб, орада тегирмон – обжувозлар ҳам колхознинг умумий дошига тушса керак. Бунинг устига ўзлари хўрланиб, омочнинг қулогини ушлашга мажбур қилинсалар ва эскича одам ёллаш имкониятини тополмасалар керак... Бу кун кечки ўлтуриш, албатта, шу фалокатдан қутулиш талвасаси... Шу муносабат билан колхозлашган тақдирда ўзидан кетадирган нарсалар ҳам кўз ўнгига келади, бир от, бир хўкуз, бир арава, бир сигир, тўрт қўй, бир ботмон ер... Буларни ўртага қўшуш унчалик жонни ачитадирганга ўхшамайди, чунки бошқалар ҳам шундан кам нарса қўшмайдилар, аммо бояғи масала унинг кўнглини ғаш қилади, яхши ҳосил ололмай, келаси қиш очиқиб қолмасак, деб кўнглига қўрқув тушади. Тўғнаган тикишини ярим тортиб чиқарган ҳолда хаёл суриб қолади...

– Ишингни қил, ишингни! – деб бақиради ҳужра эшигида кўрунган Берди татар, – қавақда чичқон кўрдингми?

Мулла Обид чўчиб кетади, Берди татар гулдир-шалдир ҳужрага кириб келади.

– Қўзғалма ошнам, қўзғалма, мен мана бу ерга ўлтураман... Қалай, бола-чақанг тинчми, ўзинг соғ-саломат бормисан?.. Худойга шукур, мен ҳам ўйнаб-клуб юрибман, бироқ иш кўп, ухлағали ҳам қўлим тегмайди.

– Начук Худо ёрлақади? – деб қолади Мулла Обид.

– Зарур бир иш билан келдим, бўлмаса Бердибойнинг бир минутга ҳам кўли тегмайди... Бу кун кечга шаҳардан чиққан рахбар бошлиқ, қишлоқ камбағаллари билан фирқалиларнинг қўшма мажлисини қиламиз, масала – колхоз қуриш! Мен ўзимга қарашли камбағалларимни колхозга торта оламан, бу тўғрида бошқанинг ёрдамига муҳтож эмасман. Аммо ўрта деҳқонлар масаласи бир оз оғир. Бу тўғрида сенга ўхшаш биронта бообрў ўрта деҳқоннинг ёрдамига муҳтожмиз. Агар сен бу ёқни ўз зимманга олатурган бўлсанг, бу томондан ҳам хотиржам бўламан.

Берди татар товушини юқори даражада қўйиб шанғиллаған-лиқдан Мулла Обид унинг сўзини аниқ эшитиб боради.

– Мен ўз зиммамга нимани оламан? – деб сўрайди Мулла Обид.

– Сен ўз зимманга ўрталарни колхозга тортишни оласан! Мулла Обид бир неча вақт сўзламай жим ўлтуради.

– Хўш, қани.

– Ўз зиммамга олиш қийин иш эмас, аммо илгари мени колхоз билан таништириш керак.

– Тиктепани чегарасиз бир ер, ундаги деҳқонларни бир отанинг болалари – бир рўзғор деб ўйласанг, кузда кўтарилган хирмонни ўртада бўлунади деб билсанг, ана шунинг оти колхоз!

Мулла Обид илжайиб қўяди.

– Яхши... Тиктепа ерларини бириктириш, орадаги чегараларни йўқотиб, бир бутун қилиш қийин гап эмас. Аммо одамларни текислаш мумкинми?

Берди татар дафъатан мақсадга тушунмайди.

– Шунинг ўзи одамларни ҳам текислаш бўлади-да.

– Тушунмадингиз, – деб Мулла Обид илжаяди, – масалан, мен ўлгунча ишёқмас ялқов, сиз муғомбир, учинчимиз ишлайтурган, тўртинчимиз жуда ҳам девкор; мана шу тўрт хил кишининг ўртасида ишланиб топилган ҳосилни тўрт турли киши, яъни ялқов, муғомбир, ишлайдирган, жуда ҳам девкорлар кузда баравар тақсимлаб ола берадиларми?!

Бердибой Мулла Обиднинг кўзига бир оз тикилиб қолади.

– Тўғри айтасан, – дейди, – аммо ҳозирги масаламиз бу эмас, ҳозирги масала – колхоз қуруш. У масалани колхозни қуруб олғандан сўнг, албатта, яхшилаб, тўппини ерга олиб қўйиб текширишимиз керак бўлади.

Мулла Обид бу жавобга қарши Бердибойга эътироз қилмайди, гўё ўртадан ҳеч нарса ўтмагандек қўлидаги ишига машғул бўлади. Бердибой ўз жавобидан Мулла Обиднинг қаноатланмаганлигини сезади.

– Колхозлашиш шиорини ташлаган коммунист фирқаси масаланинг бу томонини ўйлаб қарамаганмикин, шундай катта ишга бел боғлаган ҳукуматнинг сен билан менча ақли йўқмикин?!

Мулла Обид ишини тўхтатиб, Бердибойнинг юзига қарайди, қараганча бир неча вақт ўйлаб туради.

– Сиз ўша тўғрида ҳукуматнинг нима айтишини билмайсиз! Бердибой ўз нодонлигини иқроқ қилишдан уялмайди.

– Билмайман.

Мулла Обид нима учундир кулуб кўядир... Бердибой бу кулгининг маъносига нодонлик қилмайди.

– Тушунаман, – дейди Бердибой, – ўзинг фойда-зарарини яхши билмаган бир иш учун бошқаларни чақириб юрасан, деб куласан... Тўғри, меним фаҳмим сенча чуқур эмас, мен қилни қирққа ёрадирган зукко, шу билан бирга сен ўйлаганча қип-қизил нодон ҳам эмасман... Мен бир вақтлар ўн беш йил Шодмонбойнинг қўшчиси бўлиб ишладим, адоғида итдек алданиб, бир пулсиз шаҳарга томон қочдим. Ана шунда Бердибойнинг зое кетган ўн беш йиллик меҳнатини ҳимоя қилатурган бир зот кўрунмади; мен шаҳарда саҳройи ит каби кўрунган кишининг таёғини еб, ўн тўрт йил изғидим; мени тўғри йўлга солувчи, бу ҳам бир одам-ку деб ҳолимга раҳм қилғувчи биров ҳам бўлмади. Ошпазнинг ўчоғида, кўнчининг ёмида,¹ новвойнинг томида² сиғиниб юрган калтакзада бир ит эдим, сиғиниш жонимга теккан эди... Шаҳардан қочдим, тирноқларим билан Тиктепа бағридан ўзимга уя ясадим; мен шунда «тинч» бир турмуш кечирмакчи эдим. Бироқ шунга ҳам йўл бермадилар, шуни ҳам менга лойиқ кўрмадилар... Одам ўлдуришга, зиндонда ётишга мажбур қилдилар. Мен дунёга келиб тинчлик кўрмадим, бахт деган нарсага учрамадим; эҳтимолки, бахтли ҳам бўлар эдим. Бироқ оқпошшо бунга йўл бермади, кенг йўлни Шодмонбойларга берди. Яхши, оқпошшо ғайридин эди, кофир мусулмонга бахт бермайди, деярсан. Ўзимизнинг мусулмон Шодмон оқ-

¹ Ём – катта, улкан хум.

² Илгари новвойлар тандирда куйган, оққан нонларни ерга ташламай, ирим қилиб томга ташлашар экан.

соқол нега мендан бахтни аяди, нега лоақал мени алдашдан ҳам уялмади?! Хўп, Шодмонбойлар инсофсиз киши, чин мусулмон эмас, деярсан. Мен бу жавобга ҳам оёғ узатмайман.¹ Негаки, Шодмонбойлар инсофсизлик қилганда, лоақал домлаларинг инсофли бўлуши керак эди. Лекин домлаларинг ҳам бойларнинг мойли ошини еб, уларнинг сўзини айтди, мендек камбағалнинг ҳақини ҳимоя қилмади. Полвон ошнам, мен сенинг сўфилигингни яхши биламан, Худойдан кўрқасан. Сен мендан ҳар қанча хафа бўлсанг ҳам кўнглимга тугиб қўйганимни энди айтиб солмасам иложи йўқ: сен ихлос қилган домлалар ҳам мен бахтсизга ёрдам бермаганларидан кейин, диёнатдан ҳам кўнглим қолди, шу дин деган нарса ҳам камбағалдан безор экан, деб қолдим... Шундай, мен расмана одамлар қаторидан чиққан, бир мирили қадрим, ўн пуллик обрўйим йўқ эди. Кучим бор экан, ишлаб, бир бурда нонни тишлар, кучим битар экан, бир кун ўша ўзинг кўрган ғор ичида очликдан ўлиб қолмоқчи эдим. Мана шу пайтда меним ёрдамимга болшевиклар етди, меним бошимни силади, ҳақимни, ҳуқуқимни оёғости, дунё орзуларидан бенасиб, бир бурда нонга муҳтож қилган оқпошшо, бойлар ва домлаларнинг синғанлиқларини айтди. Оёғости қилинган ҳуқуқларимни ўзимга қайтганлигини, меним ҳам бошқалар сингари одамлигимни сўзлади. Яланғоч эдим – устимга кийим, ерсиз эдим – ер, қўшсиз эдим – қўш берди. Тиржайма, ошнам! Мендан болшевикларинг ким деб сўра. Бу, албатта, домлаларинг айтадирган Хизр эмас: коммунистлар партияси, шўролар ҳукумати эди! Мана шу бахтсизларга бахт берган болшевиклар: «Бу кун кўпчилик бирлашиб ишлангиз, яна ҳам бахтли бўласиз!» – деб буюради. Мен бу тўғрида сенча узоқни ўйлаб турмайман, дарров «лаббай» дейман. Чунки, мен бу болшевиклардан алданмаганман, унинг ваъдасининг ростлигини амалда кўрганман. Бу кун сен орқангга офтоб тегиб, ўткан кунларингни унутган бўлсанг, эҳтимол. Аммо кўзингни бир юмуб, ўткан кунларингни ёдингга олсанг, сен ҳам менинг томонимга ўтасан: сен бойнинг арзимаган пулига ёлланиб урушга бормадингми, камбағалчилик орқасида қулоқларингдан ажралмадингми, агарда Холмирза ака сенга шу беш таноб ерни бермаса, ким бўлар эдинг, мендан ҳам бахтсизроқ бир ямоқчи эмасми?! Шундай, ошнам, сен энди бундан беш-олти йил илгаридаги ҳолингни бир ўйлагин-да, фирқанинг

¹ Оёқ узатмаслик – қониқмаслик, рози бўлмаслик.

этагини ушла, фирқа сенинг душманларинг билан ҳам ҳисоблаша олади, турмушингни ҳам тузата билади! Балки кўнглингга «мен энди ўз турмушимни тўғриладим, йўлимни топдим» деган сўз келар. Тўғри, сен ўз меҳнатинг орқасида турмушингни тўғрилагансан, эҳтимолки бировнинг ёрдамига муҳтож ҳам эмассан. Бироқ бу одамгарчиликдан эмас, ошнам. Орқада қолган камбағал ўртоқларингга ёрдам керак эмасми, ўз билимингдан менга ўхшаш оғаларингни ҳам фойдалантиришинг лозим эмасми, ўзинг айтканча иш билмас, ялқов, муғомбир ва шунга ўхшаш меҳнаткашларни йўлга солишинг ва шу билан уларни камбағалчиликдан қутқаришинг керак эмасми?

Мулла Обид Бердибойнинг сўзини диққат билан эшитиб ўлтуради. Бердибойнинг сўзи уни таажжублантиради, чунки Бердибой бир неча йилнинг орасида тамоман ўзгарган, ақлаң, фикран ўскан, Мулла Обиднинг тушига кирмаган сўзларни, фикрларни топиб сўзлайди. Дуруст, у Мулла Обидни диний ҳиссиётига ҳам бирмунча тўқуниб ранжитади, бироқ бу тўғрида ҳам унга муқобала оғир, бунда ҳам у ҳақсиз эмас.

– Ҳўш, ошнам, сўзларимга қарши айтадирганинг борми? – деб сўрайди Бердибой.

Мулла Обид илжаяди.

– Айтадирганим йўқ.

– Ўрта хўжалиқдан биринчи бўлиб колхозга кирасан?

Мулла Обид илжайинқираб бош иргатади.

– Кираман!

– Яша! – дейди Бердибой қувонган товушда, – демак, сендан хотиржам бўлдим, сен ўзинг билан Тиктепа ўрталарини колхозга судрайсан, колхозимиз ўзига яхши иттифоқчилар топади; мен букунги камбағаллар ўлтуришида ўрталардан биринчи бўлиб сени колхозга кирганлигингни эълон қиламан! Аммо ўрталарни колхозга тортиш тўғрисидаги сенинг вазифанг устида эртага сўзлашамиз!

Бердибой шу сўзни айтиб, ҳужрадан чиқади. Мулла Обид ишида давом қилиб қолади. Аммо ҳозир Хатиб домла билан Бердибойнинг ташвиқотларини бир-бирисига тўқнаштириб муқояса қилиб ишлайди. Узоқ муқояса қилади. Хатиб домланинг ташвиқоти ҳар қанча омма манфаати юзасидан каби кўрунса ҳам, лекин ҳақиқатда домланинг ўзини ва ўзига ўхшаш бир нечаларнинг мол-мулкини, обрўй-шарафини ва кам-

бағал елкасида кун кўриш манфаатини ҳимоя қилиш эканлиғи очиқ кўрунади.

Ҳарчанд текшириб Бердибойни колхоз ташвиқотидан хусусий бир ғараз тополмайди, камбағал-меҳнаткашга турмушда енгиллик бериш, барчани текис турмушга, текис саодатга етказиш, бошқа... Бошқа ғараз йўқ!

Дуруст, колхозчилик муваффақият қозонганда текис, масъуд турмушга етилади, башарти қозонмаганда-чи? Мулла Обид бунда ҳам катта бир гуноҳ кўра олмайди, чунки ният холис!

Мулла Обид маҳдуд табиатли, фақат ишлаб ейишни ёки туфлаб тугушни яхши кўрган қорин бандаларидан эмас. Хусусий эҳтиёжлари ўталиб турганда ортиқча кучини номдорликка бериб, халқ ўртасида от чиқаришни зимдан севади. Бу номдор бўлиш ҳисси ёки орзуси Мулла Обид шоҳномалар ўқуб юрган вақтларда туғулганми ёки ундан илгарими ҳар ҳолда бу ҳис ҳануз унда сақланиб келмақдadir. Дехқончиликда муваффақият қозониб, «Обид кетмон» номини кўтариш унинг бу ҳиссини бир даражада қаноатлантирган бўлса ҳам, бироқ ҳозир бу ҳисни кенграк бир доирага ўтказишга майли йўқ эмас. Бунинг учун колхоз унга яхши замин бағишламасмикин? Камбағаллар, очлар, яланғочларнинг саодати йўлида қаҳрамонлик, номдорлик-а?!

Мулла Обид шуларни ўйлаганда юрагидан колхоз томонига бир иссиқ томир югурганлигини сезади.

Унинг қишлоқ аҳли салоҳлари билан маълум сабаб орқасида эскидан чиқишими йўқ. Юқоридаги майлдан сўнг бу чиқишимсизликни давом эттиришга, уларнинг букунги мажлисига бормасликка қарор беради.

* * *

Райондан юборилган вакил – Рафиқов очиқ юзли, ичи кирсиз, табиати содда бир ишчи. Дехқончилик ишлари, умуман, қишлоқ хўжалиги масалалари билан у қадар ошналиги йўқ. Буни ўз оғзи билан ҳам иқрор қилади.

– Меним сизнинг дунёнгиз билан олди-бердим йўқ, Ильич заводини «таннози»ман, – деб кулади Рафиқов, – бу кунги давримиз таннозликка қарамади, оғалариға ўз билгани билан ёрдам қилишни хоҳ-нохоҳ зиммага қўйди. Сиз билан мен икки ёрти – бир бутун бўлсақ, албатта, ўз устимиздаги вазифани қулай адо қилармиз! – дейди.

Рафиқов бир қишлоқ шўроси кўл остида тузуладирган колхозларга раҳбар белгиланган. Ўзининг сўзига қараганда, Дўстариғ, Учқулоқ ва Тиктепалар бўйича уч колхоз уюштирмакчи. Булардан ҳозир Дўстариғдаги колхозни ташкил қилган.

– Сурат яшаш унча қийин кўрунмайди, – дейди Рафиқов, – аммо суратга жон киритиш қийинроққа ўхшайди!

Рафиқовнинг фикрича, бу тўғрида район қизғанчиқлик қилган. Чунки унинг фикрича, ҳар бир қишлоқ шўросига эмас, ҳар бир қишлоққа биттадан раҳбар бериш керак эди.

– Уч қишлоқ орасида югуриб, бутим йирилмаса яхши эди, – деб кулади Рафиқов, – бошга тушганни кўз кўрар деганлар... Баҳарҳол дуруст, маъқул бир иш чиқара олсак эди, бош кетса ҳам, обрўй кетмас эди!

Қишлоқ партиялари билан батрақларнинг қўшма мажлиси очилмасдан илгари Рафиқов Берди татар, Очилди Собиров, Мардонбой ва Мирсоатлар билан баъзи ҳозирликлар масаласи устида икки соат чамаси кенгашиб олади.

Фирқалилар билан қишлоқ камбағалларининг бирлашкан мажлисида 44 киши иштирок қилади. Раёсатга Рафиқов, Собиров, Берди татар, Мардонбой, Мирсоатлар сайланиб, мажлисни Собиров олиб боради. Рўзнома: 1 – Колхоз қуруш тўғрисида; 2 – Қулоқлар ажратиш; 3 – Навбатдаги масалалар.

Рафиқов унча маълумотли кўрунмайди. Шу билан бирга баъзилардек ўз нуқсонларини яшириш учун билар-билмас адабий ва сиёсий истилоҳларга жиноят ҳам қилмайди. Ўз устига юкланган вазифани яхши англайди. Вазифасини ишчи тили, ишчи ифодаси билан қишлоқиларга содда, марғуб, қизиқарли қилиб сўзлайди. Унинг сўзларида қишлоқ камбағаллари тушунмайдирган истилоҳ, таъбир, ташбиҳ ва жумла йўқ. Ҳаммаси қишлоқиларнинг савиясига, онгига гўё мослангандек.

Рафиқов бир соат чамаси сўзлайди. Сўзида букунгача бўлиб келган қишлоқ хўжалик усулини, унинг баракатсизлигини очик кўрсатади. Колхозчиликнинг эски усулга нисбатан серунумлигини, ҳар турли маданий ишлаш йўллари татбиқ учун қулайлигини исбот қилиб чиқади. Унинг эски қишлоқ турмушидан мисоллар олиб сўзлаган сўзи, ташвиқоти кучли олқиш остида битади. Олағовур орасидан: «Қотирди! Боплади! Жойида экан! Яшасин!» каби тақдирлар эшитилади.

Рафиқовга саволлар берилади. Саволларга тегишли жавоб

олгандан сўнг, Берди татар, Собиров ва камбағаллардан яна бир нечалар музокарага чиқадилар. Натижада бир оғиздан колхоз қурушга қарор қилинади.

Колхозга от қўйиш тўғрисида бирмунча тортишув бўлиб олади. Собиров бир турли ва Берди татар иккинчи турли, кўпчилик орасидан яна неча хил таклифлар тушиб, анчагина вақтни тортишиб кечиради. Охирда Берди татарнинг бирикиш ва бириктириш маъносини англаган «Четан» таклифи қабул қилинади. Колхозга беш кишидан иборат идора кўрсатилиб, бунга Рафиқов, Собиров, Берди татар, Мардонбой ва Мирсоатлар сайланадилар.

Тафтиш комиссияси уч кишидан иборат бўлади. Колхоз раислиғи учун Рафиқов кўрсатилса ҳам, бироқ у қабул қилмайди. «Мен ҳозир уч қишлоқнинг раҳбарлигини олганман, иш бошида доимий туратурган кишини кўрсатиш керак. Мен раис бўлмасам ҳам орангизда бўламан», дейди. Сайловчиларни бирмунча тихирлиғи сезилган ҳолда Собиров колхоз раислигига белгиланади.

Иккинчи масалага ўтулади.

– Ўртоқлар! Колхозчилик шу кунгача бўлиб келган киши кучидан фойдаланиш усулини тамоман зиддига қурулади! – деб сўз бошлайди Рафиқов, – колхозда ишламасдан ёки киши кучидан фойдаланиб кун кўриш мумкин эмас. Букунгача сизга ўхшаш камбағалларнинг кучидан фойдаланиш асосида кун кўриб келган муштумзўр – қулоқларга колхозчи-меҳнаткашларнинг қатъий жавоби – бундан сўнг қишлоқда бойларга кун йўқ, деган сўздир!

Рафиқов қулоқ ажратиш лузумини яхшигина англатиб чиққандан сўнг қўлига бир рўйхат олади.

– Меним қўлимда қишлоғингиздаги шу кунгача киши кучидан фойдаланиб келган бойларнинг бир рўйхати бор. Мен ҳозир сизга шу рўйхатни ўқуб кўрсатаман. Ўртоқлар, бунда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак. Бу масалада шахсий нафсоният ярамайди. Аммо синфий нафсониятни бир мирилик яхшиликка айирбошлаш ҳам пастлик бўлади. Қариндош-уруғчилик, дўст-биродарчилик ҳар кимнинг хусусий иши. Лекин синфий душманни дўстим эди ёки қариндошим эди, деб бошқа ранг билан ёқлаб чиқиш ҳам синфий хушёрлик эмас! – дейди ва қуйидаги рўйхатни ўқуйди:

1. Абдужалил Абдукарим ўғли; 2. Мулла Султонкул Ҳошим ўғли; 3. Хубби Исҳоқ ўғли; 4. Қурбон Шодмон оқсоқол ўғли; 5. Мулла Исо маҳдум Абдуғофур маҳдум ўғли; 6. Носирбой Кўзи ўғли.

Мана шу муштумзўрга лойиқ деб кўрсатилган олти киши устида ўз фикрларингизни беришларингиз керак, агар орага нолойиқ кишилар киритилган бўлсалар, чиқарамиз, башарти рўйхатдан четда қолганлар бўлса, киритамиз, ҳар ҳолда ҳамма гап сизлар билан ҳал қилинади.

Халқ орасидан «ҳаммаси ҳам боп, ҳаммаси ҳам хўжайинлар» деган товушлар эшитилади. Рўйхат устида биринчи сўз Очилди Собировга берилади.

– Ўртоқлар! – деб сўз бошлайди Собиров, – рўйхат меним фикримча, бирмунча тузатишга муҳтож кўрунади, орага янглиш киритилган кишилар ҳам бор, аммо киритилмай қолганлар ҳам сезилади. Жумладан, мулла Исо маҳдум ўзи шўрога ҳақли, қўл кучи билан кун кўриб келган бир киши (Берди татар негадир кулуб кўяди). Мен шу ўртоқни рўйхатга хато киритилган деб биламан. Аммо рўйхатга киритилмай қолганлар ҳам бор, улардан бириси ўзи шўрога ҳақсиз, ҳамда шу чоққача имомгарчиликда келган Мулла Муҳсин домла бўлса, иккинчиси, гарчи ўзи шўро аъзоси бўлса ҳам, меҳнаткашларга чет мафкуралари ҳисобланган Обид кетмон, деб биламан. Рўйхатни товушга қўймасдан илгари шу тузатиш киритилишини талаб қилиб ўтаман.

Собиров, айниқса, Обид кетмон тўғрисида сўзлаганда, Берди татарнинг қовоқ остлари учиб, ранги ўчади. Раис Собировдан сўнг сўз олиб ўрнидан туради.

– Ўртоқ Собиров жуда ҳам тутуруқсизлик қилади! – дейди ҳаяжонли оҳанг билан Берди татар, – Исо маҳдумни рўйхатдан чиқар, ўрнига Мулла Муҳсин билан Обид кетмонни киргиз... Шу ҳам гапми... Бундай сўзни айтиш учун ёки жинни, ёки ўртоқ Собиров бўлиш зарур! – (Халқ кулуб юборади, Собиров раис сифати билан Берди татарни тартибга чақиради.) Берди татар сўзида давом қилади, – мен буни ҳозир исбот қиламан... Ҳа, хўш, Мулла Исо ўзи ким? Шаҳарда бир гап бор: «Ҳангоматалаб бўлсанг, маҳқамага йўрта кўр, юз эчкини бир лўли, минг мақомга ўйнатур!» Агар биз Тиктепа меҳнаткашлари ҳам ҳалигидек хангоматалаб бўлиб, юқори масжидга йўртсамиз, шубҳа йўқ, ўртоқ Собировнинг Мулла Исо маҳдуми бизни минг эмас, ўн минг мақомга ўйнатади! (Мажлис хахолаб кулуб юборади.)

Кулушнинг ҳожати йўқ... Агар Собиров кўз юмса, юмсин, аммо биз меҳнаткашлар бундан кўз юмолмаймиз: мулла Исо маҳдум деган лўли биз меҳнаткашларни ози ўн беш йилдан буён ўйнатиб келади! (Олқиш.) Ҳозир кимда тўртталаб сигир, иккиталаб от, ўнлаб қўй, йигирма ботмонлаб ғалла бор? Бу маблағлар қаёқдан келган, қандай эчкилардан соғилиб олинган? Мулла Исо маҳдумнинг боғи кимнинг кучи билан кўкарган, ёки унинг бирор кетмон турпоқ кўтарганлигини ўртоқ Собиров кўрганмикин? Ўртоқ Собиров бу ерда Мулла Исо маҳдумнинг шўрога ҳақли эканлигини пеш келтиради. Агар сиз билан мен лўлининг ноғорасига ўйнайдирган эчкиликда давом қилсақ, унинг шўрога ҳақли бўлганига эмас, фирқамизга раҳбарлик қилмаганига таажжуб қилайлик. (Кулги ва чапак.) Мана шундай шайтонни муштумзўр қилмайлик, қоғоздаги қантдек ҳимоя қилайлик-да, кечаси ўнги билан чапини ажратолмаган қишлоғимизнинг «афанди»сини муштумзўр қилайликми? (Кулги.) Мен Муҳсин домланинг касбини ва ўзини яхши деб айтмайман, бироқ ўзи муштумзўрларнинг «қаддиға» солиб кўрайдирган газимизга мос келмагандан кейин қандай қиламиз? Сиз айтканча, Исо маҳдум шўрога ҳақли, Муҳсин домла ҳақсиз. Лекин бу бизнинг муштумзўр ажратишдаги андазамиз эмас. Муштумзўрлик учун халқ елкасида кун кўриб, тўнғиздан тўқ ҳолга келганлар керак. Биз ҳозир Муҳсин домла каби овсар билан ҳисоблашмаймиз. Аммо у колхозимизга «амри маъруф» билан зарар бера бошлар экан, бултурги йил қишда очиқиб қолган ўзининг бўз байталидек кўталанг қилиб қўйишимизни назарда тутсин! (Кулги ва чапак.) Энди Обид кетмон тўғрисига келайлик.

– Ўртоқлар! Менга қолса, Обид кетмон қишлоғимизнинг обрўсидир! (Чапак, «тўғри!» деган товушлар.) Мажлисда ўлтурган ўртоқларнинг ҳар бири ҳам инсофи бўлса айтсин: Обид кетмон меҳнаткашликда бизнинг ҳар биримиздан ҳам юқорида эмасми? («Жуда юқорида», деган товушлар.) Биз унга «Обид кетмон» лақабини нима учун берганмиз, шунинг ўзи ҳам унинг меҳнат қаҳрамонлигини кўрсатмайдими? Дуруст, ўртоқ Собировни ўйлатган нарса Обид кетмоннинг бизнинг ҳар қайсимизга қараганда ҳам тўқлиғидир. Лекин шуни эътиборга олиш керакки, Обид кетмон бу тўқликқа қишлоғимизнинг бойларидек киши кучидан фойдаланиш орқасида етишганми ёки ўз меҳнати орқасидами? Унинг ўз ерида шу етти-саккиз йилнинг

ичида беш кунгина киши кучидан фойдаланганини билган ва кўрган ўртоқлар бўлса айтсин, бўлмаса меҳнаткашнинг отига бундақанги ҳақоратни тақмасин. Мана бу томондан қараганда, биз меҳнаткашларнинг Обид кетмонга кўз олайтиришга ҳеч бир ҳаққимиз йўқ. Аммо колхозчилигимизнинг ривожини ўйлайдирган бўлсак, яна икки-уч мартаба ҳаққимиз йўқ. Ўз меҳнати, тажрибаси орқасида тиктепаликларнинг ҳатто тушларига кирмаган даражада юқори ҳосил ола билган бир меҳнаткаш бу кун бизнинг колхозимизнинг аъзоси бўлса, ўша ўзининг беш-олти таноб ери устидаги тажрибаларини минг танобли Тиктепа ерларига қўйса, бу нима деган сўз бўлади? Колхозимизнинг ривожини, Тиктепа меҳнаткашларининг бойиши ва гуллаши эмасми? Бошида қитта ақли бўлган меҳнаткаш, социализм қурушга чинлаб бел боғлаган камбағал бу томонни бир ўйлаб қарасин-чи! Ўртоқлар! Ҳали ўртоқ Собиров Обид кетмонни муштумзўрга чиқариш тўғрисида таклиф қилди, аммо мен ўз томонимдан агар Обид кетмон қабул қилса, колхозимизга раис бўлсин, деб таклиф қилар эдим! (Кучли олқиш, «Тўғри! Тўғри!» деган товушлар.)

Берди татар сўзидан бир оз тўхтаб олади...

– Оғайнилар! Мен ҳарчанд тилимни қисмоқчи бўлсам ҳам, бўлмаппти, чунки мен ўзим бунга жуда ҳам хурсандман. Меним хурсандчилигимга сизлар ҳам қўшуласиз, деб ўйлаганим учун айтмасдан чорам йўқ: бу кун Обид кетмон билан узоқ сўзлашиб, уни тузуладирган колхозимизга таклиф қилдим. Обид кетмон қишлоғимизнинг ўрталаридан биринчи бўлиб колхозимизга киришга ваъда қилди! (Олқиш.) Обид кетмонларни колхозга таклиф қилиб юрушим уни муштумзўрликдан қутқариш ёки оғайничилик кўрсатиш учун эмас: тузулаётган колхозимизга билимдон девкорларни тортиш, колхозда уларнинг тажрибасидан фойдаланиш... Иккинчи фойда шунда: эртага кўриб турарсиз, Обид кетмонга ўхшаш одам ўрталардан биринчи бўлиб колхозимизга қадам қўйса, иккиланиб турган ўрталар дув этиб колхоз сафига ўтадилар, мен бунга шубҳа қилмайман (чапак, «Тўғри!»).

Берди татарнинг сўзидан кейин Рафиқов масалани ешилган ҳисоблаб, иккинчи кишига сўз бермасликни таклиф қилди ва Собировдан беҳудага вақтни исроф қилмаслик учун ўз таклифини қайтариб олишни сўрайди. Собиров кўнади. Сўнг-

ра рўйхат бўюнча муштумзўрга кўрсатилганлар бирма-бир товушга қўюладилар.

Рўйхатнинг кўпчилиги бир товуш билан муштумзўрга қарор қилинсалар ҳам Хубби Исҳоқ ўғлининг фойдасига кўтарилган етти қўл мажлисни бир оз машғул қилиб олади. Бу етти кишининг фикрини билиб олишга қизиқсинган Рафиқов Хубби Исҳоқ ўғлини ёқловчилар мажлисга чиқиб сўзласинлар, деган таклифни қилади. Мажлиснинг кўпчилиги ҳам бу таклифга қўшулади. Бошқа ёқловчилардан ун чиқмайди, мажлис ўзининг талабида исрор қилгандан сўнг Зиём Овсаров деб шуҳратланган бир йигит ўрнидан туради:

– Мен Хуббибойга ўн икки йил хизмат қилдим, бир тийин ҳақимни емади. Ҳозир ўзим ислоҳотдан ер олиб кетканман... Лекин дар қолганимда¹ ханузгача қўлидан келадирган ёрдами-ни аямайди, ўзи мард йигит...

Берди татар унга савол беради:

– Сен ҳам қўлингдан келганча хизматингни аямасанг керак?

Зиём Овсар:

– Ҳа, энди... қўлимдан келганча.

Берди татар:

– Гоҳ Хубби аканг буюрганда шаҳарга ароқ учун ҳам борарсан?

Зиём Овсар:

– Ҳа, унча-мунча.

Берди татар:

– Ароғидан сенга ҳам узатиб турса керак?

Зиём Овсар:

– Хуббибойнинг ароғини ичмадим, ошини емадим десам, кўр бўлай... Баъзида икки-уч пиёлани ҳам бостириб беради, ўзи мард-да!

Мажлис қаттиғ кулуб юборади. Зиём Овсар ўзининг сўзлаган сўзини жиддий деб билса керак, атрофига ҳайрон бўлиб қарайди...

Рафиқов сўз олади:

– Ўртоқлар! Билмадим сизларга қандай, аммо мен бу ўртоқнинг сўзидан муддаони яхши англадим. Энди қолмиш олти ўртоқ мажлисга чиқиб Хуббибойни ёқламасалар ҳам бўлади, чунки вақт қиймат, фикримча, у ўртоқлар ҳам Хуббибойга ароқ харид қилмаганларида ҳам ҳалигидек «мард йигит» ёки

¹ Дар қолмоқ – оғир, қийин аҳвол.

«мехмондўст бой»нинг бир пиёла-ярим пиёла ароғидан оғизланган бўлсалар керак! (Кулги.) Бир вақтларда мен Иванов деган ўрус бойнинг заводида ишлар эдим. Шунда бой баъзан биз ишчиларни ҳам ароқ ва пиволар билан мехмон қилар эди. Ўша вақтларда эҳтимолки, мен ҳам бойнинг «мардлиги»ни мақтаган бўлсам, аммо тушунаманки, у «мардликлар» биз меҳнаткашларни захарлаш, қул табиатли қилиб кучимиздан кўпрак фойдаланиш учун бўлган бир тузоқ экан! («Тўғри!» деган товушлар.) Ҳозирги беш-олти ўртоқларимиз ҳам менинг мисолимга кўзларини катта очиб қарасалар фойдасиз бўлмас эди. Ўртоқлар! Ҳозир биз бундай майда гаплар билан вақт ўтказмай, амалий ишларга қарашимиз керак. Муштумзўр ажратиш масаласи ҳал қилинди, энди вақт ўтказмасдан уларнинг хўжаликларини рўйхатга олишни шу ондан эътиборан амалга ошириш вазифаси туғулди. Баъзи ўртоқлар буни эртага қўйсақ дейдилар. Ҳолбуки, эртага соат ўнда бизнинг ўрталар билан бирликда ўтказиладирган мажлисимиз бор!

Рафиқовнинг таклифи қабул қилинади. Мажлисида олти муштумзўрнинг хўжалигини рўйхатга олиш учун олти бригада тузулади. Ҳар қайси бригаданинг бошига саводли ва ишончли бир киши белгиланиб, бригада аъзолариға ҳам чиниққан камбағаллар киргизиладилар. Рафиқовнинг рўйхатга олинадирган нарсалар тўғрисидаги таълимотидан кейин мажлис ёпилади, бригадалар белгиланган жойларига тарқайдилар.

2. КОЛХОЗ – БАРАКАДИР

Камбағаллар билан ўрталарнинг қўшма умумий мажлисида Рафиқов кенг маъруза қилади.

Рафиқов биз юқорида баҳо берганимизча унчалик уста ташвиқотчи ёки эски таъбир билан айтканда, «нутқи том» соҳиби эмас. Бизга қолса, «нутқи том» эгаларида самимият бўлмаса, сомеъларнинг юракларига қуруқ сўз билан таъсир қила олишлари амри маҳол ёки қуруқ хаёлдир. Бир завод ишчисидан «нутқи том» талаб қилиш бўлмайди, аммо самимият талаб қилинса, бу бошқа гапдир. Ҳақиқатан ҳам Рафиқовда инқилобий самимият ёки прўлетар соф кўнгиллиги катта роль ўйнайди. Унинг ташвиқотчилиғиға лозим бўлган ижодни ёки илҳомни шу манба, яъни инқилобий самимият манбаи ҳада

килади. Бу ҳадяларни ўзининг пастда қолган ўртоқлариға кўчиришда замонамизнинг «адабий нотиклари»дек янги ифода, янги таркиб ва бўлар-бўлмасға «нинг» изофалари тиркаб, осон илҳомларни мураккаб таркибларға солиб қийналмайди, кундалик муомаласини қайси тилда адо қилиб келган бўлса, бунда ҳам ўшандан ортиқчаға урунмайди. Иқрор қилиш керакки, Рафиқов ўзининг бу соддалиги билан бир вақтнинг ўзида неча муваффақиятға эга бўлади: ўзи тушуниб етмаган истилоҳ ва таъбирларға ёпишиб қийналмайди, мажлисдаги бир-ярим тушунадирганларнинг мўйлаб остидан кулуб қўйишлариға ҳадаф бўлмайди, бу кунги каби мажлисимизга йиғилган қишлоқ меҳнаткашларининг бошларини оғритмай, билъакс уларнинг содда, очик, ўз тиллари билан масалани онглатади...

Бу соддалик ўрталарнинг юрагига ҳам бир иссиқлик бағишлайди (улар колхоз томонга гўёки соз рақс куйи чалганда беихтиёр рақсға кирган кишилар ҳолатига келадилар).

Президиумда ўлтурган Обид кетмон Рафиқовнинг маърузасидан сўнг кечаги жавобсиз қолган масалаларни ешилган ҳисоблайди, яъни колхознинг ёлғиз хўжаликларға нисбатан мумтозлигига қаноат қилиб қолади.

Мулла Обид сўз олади. Камбағаллар ва ўрталар хайрон бўладилар, чунки мажлисға чиқиб сўзлаш бу ўртада Обид кетмондан кутулган бир иш эмас...

Обид кетмон оғир-оғир ерни босиб олдинга чиқади, Рафиқовнинг маърузасидан кейин ўзаро олағовур қўпораётган халқ бирдан тинчийди...

– Оғайнилар! – дейди оғир ва салмоқ оҳанг билан Мулла Обид, – кеча мен ўртоқ Татар билан колхоз тўғрисида бир соат чамаси сўзлашкан эдим. Ўртоқ Татар менга ҳарчанд колхознинг серунум келиши тўғрисида қаноат беришға тиришкан бўлса ҳам, яна меним кўнглимда анча чигиллар ешилмай қолган эди. Ҳозир манави шахарлик оғайнининг сўзидан кейин бу чигиллар ешилди, колхознинг бизнинг ёлғиз хўжаликка қараганда афзаллиги маълум бўлди, энди менга қолса серунумлиги жиҳатдан колхоз баракадир, орқада қолган камбағалларни одам қилиш жиҳатига келганда, колхоз хайрдир! (Олқиш.) Хўп... энди колхозға ёзадиганларингиз бўлса ёзилсинлар. Мен ҳозирдан бошлаб колхозға кираман! (Олқиш, Рафиқов қўлиға қоғоз-қалам олади.) Олти таноб ер... бир от, бир хўкуз... бир

арава... тамом от асбоблари билан, икки тишли бир сўқа... бир мола... учта кетмон (кулги), иккита ўроқ...

Шуларни ёздириб битиргандан сўнг Мулла Обид ўз жойига бориб ўлтурмоқчи бўлади.

– Яна ёздирадирган нарсалар қолди! – дейди бу ёқдан лукма солиб Берди татар.

– Нималар қолди? – дейди Мулла Обид тўхтаб.

– Сигир, бузоқ, қўй, уруғлиқ, дон...

Мулла Обид иккиланибрак яна бояги жойига боради.

– Бир сариқ швед сигир бузоғи билан... тўртта соғлиқ қўй, ўттуз пуд уруғлиқ буғдой... беш пуд мош...

Рафиқов бу кейинги нарсаларни ҳам ёзиб олгандан сўнг Мулла Обид олқиш остида ўз жойига бориб ўлтуради. Сўз Рафиқовга берилади.

– Мен бу ўртоқни яхши танимаيمان, аммо эшитишимга қараганда қишлоғингизни энг тажрибали, олдинда борган ўрта деҳқонларидан бўлса керак! – дейди Рафиқов. – Бир мақол бор: «Сўзни сўзла уққанга, жонни жонга суққанга» дейдилар. Худда шунга ўхшаш бу ўртоқ сиз ўртоқлардан биринчи бўлиб сўзни уқди, ўз жонини келтириб бизнинг жонга суқди (кучли чапак)... Мен шаҳар меҳнаткашларининг вакили бўлушим сифати билан бу ўртоққа раҳмат айтаман! (Чапак... Рафиқов бориб Обид кетмоннинг қўлини олади.) Яшасин меҳнаткашларнинг ўрталар билан бўлган бузулмас иттифоқи! (Кучли чапак, барча ўрнидан қўзғалиб кетади.)

Обид кетмон каби атанган бир деҳқоннинг барчадан илгари колхозга қараб оқиши бошқа деҳқонларнинг ўйлаб турушлариға йўл қолдирмайди, бирдан ҳамма ўртоқлар мажлисининг турли томонидан «Мени ҳам ёзинг! Мен ҳам аъзо бўламан! Сиз колхозга киргандан сўнг мен қолиб нима қилдим! Колхозни ҳам кўрайлик!» деб қичқиришиб юбордилар. Табиий, турли томондан тонг хўрози каби қичқиришиб юборган элли-олтмишлаб деҳқонларнинг бирдан ҳаммалариға жавоб бериш мумкин эмас.

– Ўртоқлар! – дейди Рафиқов ва чувур-чувурнинг тиниши учун бир оз кулумсиб қараб туради, – ўртоқлар! Мен энг илгари ҳаммаларингизга ташаккур айтаман, сўнгра сизларнинг кўнгилларингизда уйғонган ҳароратли тилакни оғизларингиздан чиққандан адо қила олмаганлигимиз учун ўз нуқсонимизга та-

ассуф қиламан... Аммо орзуларингизни тезда қондириш учун бирдан-бир йўл – орангизга беш-олти ўртоқни тарқатиш. Бундаги саводли ўртоқлардан сўрайман, қўлларига биздаги тайёр қоғоз формани олиб «Четан» колхозига аъзо бўлишни тилаган ўртоқларни қайд қилиб чиқсалар эди!

Рафиқовнинг таклифи қабул қилинади. Дарров Рафиқов бошлиқ саводлилар қўлларига тайёр формани олиб орага кирадилар. Беш-олти жойга тўпланишиб, аъзо қайд қилина бошланади. Қайд ярим соатга чўзилиб тамом бўлгандан сўнг Рафиқов рўйхатларни йиғиб олиб, Мирсоатга мажлис охиригача янги аъзолар сонини ва улар томонидан колхозга қўшулган ер, ишчи ва бошқа ҳайвонлар ҳамда асбоб ва уруғлиқлар якунини билиб арз қилишга топширади.

– Ўртоқлар! – дейди Рафиқов, – сиз ўртоқларнинг бирликларингиз натижасида шу мажлисимиздаёқ колхозимизнинг қанчалиқ кучи борлигини билиб олишга ҳам муваффақ бўламиз (чапак). Шунгача биз энг зарур масалаларимизни ҳал қилиб турайлик... Бу ерда ўртоқ Берди Шоди ўғлининг бир таклифи бор, бу ўртоқ таклиф қиладики, колхознинг идорасига ҳозир янги аъзоларимиз ҳисобидан яна икки киши олинсин, деб. Мана шу таклифга сизлар қандай қарайсизлар?

Теваракдан, «тўғри, олинсин» деган товушлар эшитилади.

Рафиқов давом этади:

– Шу таклифни қилган ўртоқнинг кўрсатган номзоди ҳам бор:

Биринчи: Мулла Обид Даврон ўғли; иккинчи: Усмон полвон Ўрмон ўғли. Мана шу номзодларимиз ёнига яна қўшадиганларингиз бўлса кўрсата оласиз.

– Иккови ҳам маъқул, иккиси ҳам ўрунли! – деган товушлар эшитилади.

– Мувофиқроқ деб билган бошқа кишингиз йўқми? – деб такрор сўрайди Рафиқов.

– Йўқ! Товушга қўйингиз!

Товушга қўйилади. Мулла Обид бир товушдан, аммо, Усмон полвон икки қарши билан колхоз идорасига сайланиб ўтадилар.

– Навбатдаги масаламиз – деҳқончиликка ҳозирлик! – деб рўзномани ўқуйди Рафиқов, – рўзнонамизнинг бу қисмини агарчи мен ўзим киргизган бўлсам ҳам, бироқ деҳқончилик ҳозирлиги тўғрисида айниқса бу ўлтурган деҳқон акаларим олдида дам урушдан кўрқаман, яна ҳам тўғриси уяламан... Мен, хусусан, ўр-

тоқ Обид кетмон акамдан сўрар эдимки, ҳозир экин экиш вақти яқин, мана шу вақтда янги қурулган колхозимизнинг қандай ҳозирлик кўриши керак, ишни нимадан бошлаш зарур, ўз фикрини, тажрибаларини мажлисга арз қилиб ўтса эди!

Мажлис Рафиқовнинг таклифини олқишлайди. Чиндан ҳам Рафиқов бунда тўғри ва уста ҳаракат қилади, деҳқоннинг ўз билим ва тажрибаларидан фойдаланмакчи, деҳқоннинг ўзини ишга солмоқчи бўлади.

Таклифни эшитиб ўлтурган Мулла Обид барчанинг кўзи ўзига тикилганлигини пайқагандан сўнг ўрнидан туради на оғир-оғир босиб столнинг ёнига келади...

Мулла Обид ярим соат чамаси экинга ҳозирлик тўғрисида сўзлайди. Унинг сўзидан экинга ҳозирлик кўкламдан эмас, куздан – ҳосил ердан кўтарилгандан бошланиши маълум бўлади. Унинг саккиз-тўққуз йиллик тажрибаси колхоз учун бир дастур равишда кечади.

Иккинчи сўз Усмон полвонга берилади. Полвон тамоман, деярлик, Мулла Обиднинг ҳозирлик тўғрисидаги сўзига қўшилиш билан бирга ҳукумат томонидан ер ҳайдаш учун бериладиган трактор ва бошқача ёрдам тўғрисида тўхталиб, Рафиқовга баъзи саволлар беради. Рафиқов жавоб бериб ўтқандан сўнг «илгари биз ўзимиздаги кучни синаб кўришимиз керак. Ўзимизда етишмаган кучни ҳукумат трактор ва бошқалар билан албатта тўлдириб беради. Обид ака айтканча, ҳозирда қанчалиқ асбобларимиз қўш чиқаришга тайёрлар!» – дейди. Деҳқонлар ҳозирликни қўл кўтариш билан билдирадилар. Йигирма беш фойиз қўш асбоблари ишга тайёрлиги маълум бўлади.

Масала яхши очилганликдан музокара узоққа чўзилмайди. Мулла Обиднинг таклифи асосида бир қарор қабул қилинади:

1. Ишга тайёр турган воситаларни сафарбар қилиб, етарлик ишчи кучи билан эртага, бир ҳафтадан ҳам кечикиб қолмаслик шарти билан Берди Шоди ўғли қўл остида қирға буғдой сепиш учун жўнашга.

2. Четдан ва колхоз ичидан қўш асбобларини созлашга моҳир усталарни сафарбар қилиб, бир ҳафта муддат ичида бузук асбобларни тузатиб чиқишга.

3. Обид кетмон, Усмон полвон ва Карим оталардан иборат ушлик тузуб, буларга колхоз ерларини текшириб чиқишни топширишга.

4. Аъзоларнинг кўрғонларида йиғилган гўнларни бир ҳафта муддат ичида керакли ерларга тарқатишга (бунда гўнг тўқуладирган ерни белгилаб бериш учинчи қисмда кўрсатилган учлик комиссия ихтиёрида бўлади).

5. Юқоридаги вазифалардан ортиқча аъзоларни бир ҳафта ичида тозалаб, қазиб чиқиш шарти билан ариқга солишга.

Юқоридаги ишларни бу кун кечдан қолдирмай ташкил қилиш колхоз идорасига топширилади.

Кейинги масалада колхознинг тахминий кучи тўғрисида Мирсоатнинг маърузаси эшитилади.

Унинг маърузасига қараганда олти тугатилган хўжалиқдан колхоз мулкига ўткан нарсалар: ўн уч от (бундан беши бия), ўн икки хўкуз, икки буқа, ўн бир сутли сигир, етти бузоқ, қирқ уч қўй (шундан йигирма тўрт қўй совлик, бўғоз), етти эчки, етмиш учта товуқ, тўққуз хўроз, етти юз етмиш бир пуд буғдой, икки юз йигирма беш пуд шоли, қирқ бир пуд гурунч, етмиш олти пуд мош, юз саксон тўрт пуд арпа, икки минг уч юз боғ беда, ўн етти пуд эритилган мой, тўққуз пуд қази ва тузланган гўшт, қирқ етти пуд ун, учта ов милтиғи, олти кўрғон, ўн етти таноб боғ, етмиш икки таноб ер, бир уч тошли тегирмон, бир обжувоз, тўққузта арава, тўрт сўқа, олти омож, етти мола...

Колхозга кирган камбағал ва ўртаҳол деҳқонлар саксон тўққуз хўжалиқ бўлиб, булардан қўшулган жонли-жонсиз нарсаларни юқоридагиға қўшиб ҳисоблаганда: олтмиш етти от (булардан ўн уч бия), йигирма саккиз хўкуз, тўқсон қўй, ўн бир эчки, олти буқа, қирқ беш сигир, йигирма бир бузоқ, минг тўрт юз олтмиш бир пуд буғдой, уч юз беш пуд шоли, олтмиш бир пуд гурунч, беш юз элли етти пуд арпа, тўққуз минг саккиз юз боғ беда, саккиз юз элли етти таноб қуруқ ер, юз саккиз таноб боғ-мевазор, икки юз йигирма боғ пичан, ўттуз беш арава, (бузоқлари ҳам бирга), ўн олти сўқа, саксон уч омож, тўқсон саккиз мола, юз тўқсон уч кетмон...

Мирсоатнинг ҳисоб маърузасидан кейин узоқ олқиш бўлади.

Рафиқов сўзга чиқади:

– Ўртоқлар! Мана шу кўрсатилган ҳисоб бўйича колхозимизнинг кучида ортиқлиги борми ёки камчилиги борми ўз фикрларингизни айта оласиз. Биз шунга қараб камчилигимизни тўлдиришга, кейинчалик оқсаб қолмаслиқ чорасини кўришга ҳаракат қиламиз!

Ҳар ким ҳар турли фикр баён қилади. Собировнинг фикрича колхознинг ҳамма томони бир-бирига мутаносиб, ортиқ бўлса бўлиб, камчилиги йўқ топилади. Берди Шодиев кўп экинларнинг ўрнини пахтага олиб берсак, ишчи кучимиз етишмай қолармикин, деб шубҳаланади. Мирсоатнинг қўлидаги рўйхатини ўқуб ўйлаб ўлтурган Мулла Обид энг кейин сўз олади. Мулла Обидда букун кўрулган фавқулудда бир жонлиликданми ёки унинг оғзидан маъқул бир фикр эшитишга ишонганликданми, ҳар ҳолда халқ уни чапак билан қаршилайди.

– Бундаги баъзи оғайнилар, – дейди Мулла Обид, – йиғилган кучни етарлик, балки ортиқча топдилар ва баъзилар етмасми, деб шубҳаландилар. Мен бўлса бу ҳар икки фикрга ҳам қўшула олмайман. Нега дейсиз? Агар биз экинларимизни шу кунгача ишлаган йўсунда ишлайдирган бўлсак, баъзи оғайнилар айтканча кучимиз етарлик, зеро, ахир биз шу кунгача шу кучимиз билангина ер ишлаб келдик-да. Йўқ, бизни шу чоқгача олган ҳосилларимиз колхозлашган вақтимизда бизни қаноатлантирмайди, биз ҳосилни жуда ва жуда юқори кўтарамиз, дейдирган бўлсак-чи, баъзи оғайнилар айтканча, ҳозирги йиғилган кучимиз озлик қилади. Хўп... энди, хўш, ўзинг қандай фикрлайсан, деб сўрайсиз-да. Мен бундаги ҳар икки фикрга ҳам қўшула олмайман. Хўп... кучимиз етарли дегувчига қўшула олмайман. Зероки, у ўртоқ шу кунгача якка хўжалик йўсунда олинган ҳосилнинг ўзигагина қаноатланмоқчиға ўхшайди. Агарда колхозчиликда ҳам ўша эски дўқи-дўқидан нариға ўтмас эканмиз, очик айтиб қўяйки, мен ўзим бундай колхозда туролмайман, ўзимнинг тириклигимдан қолмайман (чапак, Собиров: «Мен ундай мақсадда сўзламадим» деб бақиради. Рафиқов жуда ҳам қизиққан ҳолда Мулла Обиднинг оғзиға тикилиб, олқишни ётиштиришга ҳаракат қилади).

– Хўп... – деб давом қилади Мулла Обид, – ана мен шу фикрда бўлганлигим учун кучимиз етарли, деб айтувчининг фикрига қўшула олмайман. Кучимиз кам, ҳукумат ўзининг трактори, машиналари, бояги айтқан зироат илмини биладирган муллалари билан бизга кўп ёрдам берсин, дейман. Негаки, бизнинг қўлимиздаги ҳайвон ва асбоб бу кунгача ерни ҳайдадингми, ҳайдадимга яраб келган бир кучдир. Шу кучни ўзимизга етарли деб айтгувчи ёки колхозчиликни илгариги якка хўжаликнинг бошқачаси деб ўйлайди, ё бўлмаса, ҳосилни бу кунгига

қарағанда уч-тўрт қайта юқори кўтаришни ҳафсаласига сиғди-ролмайдир... (Олқиш.)

– Хўп... энди, ҳукуматнинг буйруғи тамом ерга пахта экишга бўлса, пахта бошқа экинларга қарағанда уч-тўрт мартаба ортиқ меҳнат талаб қилганлиғи учун куч етишмайдими, деб кучимизга шубҳа билан қараган оғайниларнинг фикрига ҳам қўшула олмайман. Хўп... пахта экини куч, жуда куч. Бироқ ё мен ўлай, ёки ишни ўлдирай, деган одамга оғирлиқ йўқ. Дуруст, тўқсон киши саккиз юз элли таноб ерга пахта экиб, шуни юқори даражада ишлаб етказишига ақл ишонмайди. Аммо киши кучимизни миридан-сиригача ажратадирган бўлсак, бу ернинг пахтасини кўнгилдагича ишлаб етказиш ҳам мумкин. Хўп... Бунинг учун нима керак? Сиз букун, хоҳ яхши ўйлаб, хоҳ тузук ўйламасдан колхозга аъзо бўлган ўртоқлар – колхозни ўзингизнинг эски, шалоқ деҳқончилигингиз деб ўйламасангиз, ҳозир колхозга кирган онингизданоқ ялқовлик, муғомбирлик, сояпарлик каби эскиликларингиз билан умрга алвидо қилсангиз, бундан сўнг икки-уч баравар ишлашни назарга олиб қўйсангиз, боягидек шубҳаларнинг йўли бекилади! (Олқиш, «Тўғри!» деган товушлар.) Хўп... Яна баҳарҳол бунча ерни кўнгулдагича ишлашга етишолмасмиз, дерсиз. Тўғри, мен ҳам буни фаҳмлайман. Лекин шунда ҳам бизга бу қийинчиликдан қутулиш кўчаси йўқолган эмас... Мисолни ўз тажрибамдан келтирай. Бултурғи йил қовунларим тезда бозорга тушурилмаса, нобуд бўладирган ҳолга келиб қолади, иккинчи томондан, пахтани учинчи чопиқ учун суғориб қўйганман... Шу ҳафта ичи қовунни бозорга ортмасам, уч-тўрт юз сўмдан ажраламан; қовунга кетиб қолсам, пахтанинг учинчи чопиқ пайти ўтиб, бунда ҳам уч-тўрт юз сўм ҳосилдан камаяди. Бир оз ўйлаб йўл топдим: хотиним билан 14 ёшлиқ қизим Зайнабга чоғиға яраша иккита кетмон бериб, иккисини ғўзанинг устига олиб келдим. Иккисини қаратиб қўйиб, ўзим бир ариғ ғўзани чопиб кўрсатдим. Ундан сўнг ўзим тўхтаб, иккинчи ариққа хотинни, учинчига қизимни тушурдим. Бирор ариқни чопқунча иккови ҳам қийналди, билмаган жойларини кўрсатиб ўртада юрдим, қисқаси, бир соатни ичида иккиси ҳам чопиққа ўрганди, кутмаган жойда менга икки ёрдамчи пайдо бўлди. Мен пахта чопиғидан тамом хотиржам бўлган ҳолда бозорга қовун орта бердим. Қовунни сотиб битирмасдан улар чопиқни бажариб қўйдилар... (Кулги.) Хўп... Мен буни нега сўз-

ладим? Мен бу билан шуни айтмакчиманки, агар сиз оғайнилар, чинлаб ишга ёпишар экансиз, сизнинг тўқсонингизда энг ози бир юз ёрдамчи хотин-қизлар бор! (Олқиш ва кулги.) Хўп... Кулуш керак эмас, букун кулги кўрунган гап, эртага ҳақиқат бўлиб бизни уялтиради. Яъни айтмакчиманки, биз рўйхатда кўрунганча саксон тўққуз аъзо эмасмиз, хотин-қизларимиз, ёш ўспиринларимиз билан икки юздан ортиқмиз. (Олқиш.) Хўп... Натижа? Натижа шуки, баъзилар айтканча, қўш кучимиз ўзимизга етарли эмас, ҳукумат бизга трактор билан ёрдам берсин, баъзиларча еримиз кўп, ишчи кучимиз оз ҳам эмас, буни шу мажлисда ўлтурган оғайнилар яхши билиб қўйсинлар!

Мулла Обид олқиш остида ўз жойига бориб ўлтуради.

Кейинги сўз Рафиқовга берилади. Рафиқов узоқ сўзламайди, колхознинг кучига баҳо беришда Обид кетмоннинг фикри асосида бир қарор қабул қилиш керак бўлганлигини билдиради. Кўпчилик бу таклифга қўшулиб, бояги экин ҳозирлиги қарори остига бу тўғрида ҳам бир қарор қабул қилиниб тиркалади. Сўнгра ҳозир иш бошлаш учун зарур бўлган от, ҳўкуз ва деҳқончилик асбобларини марказлаштириш тўғрисида ҳам бир қарор чиқарилиб, буни букун кечга қадар бажаришни идорага топширилади, сигир, қўй каби моллар масаласи ҳозирча очик қолдирилади.

3. БОШ АЙЛАНИШ

Гўёки қайнови тиниб ётган қозоннинг тегига бир қучоқ ҳуррак¹ ташлангандек бўлади. Бирдан Тиктепа жонланади, ҳеч бир кўрулмаган равишда қийғос,² тўполон билан иш кетади: бир соатнинг ичида йигирма бешта сўқа ва омоч аралаш қўш ва уларга қўшулатурган от ва ҳўкузлар сафарбар қилиниб ҳозирланадилар, шуларга яраша ишчи кучлари ҳам муҳайё турадилар, неча арава сепилатурган уруғ, иш тугагунча етатурган ишчи ва ҳайвон озиклари Берди татарнинг амрига интизор чекадилар. Берди татар Абдужалил тегирмончининг ташқарисида жойлашган колхоз идорасидан тегишли маслаҳат ва режаларни олиб чиқади, узоқ йўлга боратурган карвон сифатидаги ўз йигитларига «Ҳаракат!» ишорасини беради, ҳамма бирдан

¹ Ҳуррак – ўтин, шох-шабба.

² Қийғос – шовқин-сурон, чуввос.

қўзғалиб кетади... Буларнинг жўнашини кутиб тургандек колхоз идорасига жомакор кийиб, белига икки-учтадан нон туккан ва елкасига кетмон қўйган иккинчи туркум халқ йиғила бошлайди. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас буларнинг ҳам сони қирк чоғлиқга етиб, дам-бадам колхоз идорасидан Мардонбой чиқиб йиғилаётган халқ сонини текшириб туради. Туркумга энг кейин келиб қўшулган Мирвали бангининг қўлидаги ярим бети кетик чўлоқ кетмонини кўрган Мардонбой жиддийми ёки қизиқчилик қилибми, ҳарчи унинг кетмонини ва ўзини танқид қилади:

– Ўзинг ҳаммадан яқинда турасан, лекин келишинг барчадан кейин, – дейди Мардонбой. – Бунинг устига шу чўлоқ кетмонни кўтариб келишдан уялмадингми?

Мирвали банги жавоб учун унча шошиб қолмайди:

– Мендан кейин қолганлар ҳам бор! – деб орқада келаётган беш-олти йигит-ялангларга ишорат қилади, – лекин буларнинг катта кетмонига ишонма... Биласанми, ариқнинг тупроғини олиб юқориға ирғитиш керак, юқориға ирғитиш учун меникига ўхшаш шинам кетмон зарурдир. Кўриб турарман, тушга етмасдан буларни... Бариси ҳам биттадан бола ташлайди. (Кулги.) Сен ҳам чақалоқларга йўрғак тополмай саргардон бўласан.

Мирвали банги ўртоқлариға яхшигина кулги беради, Мардонбой ҳам кулуб идорага кириб кетади.

Мирвали банги чўлоқ кетмонини елкасидан олмай, белига нон туккан ўртоқларидан койий бошлайди:

– Сенларнинг жамъингда бир мирили ақл йўқ... Белларингдаги нонинг нимаси, Худоёрхоннинг тўйига бормоқчимисанлар, кеча биз, бир қўл кўтардик-да, Хатиб домланинг «пешона тери» бўрдоқилари билан Хуббибойларнинг «қўл қадоғи!» гурунчларини бир томонли қилиб қўйдик. Сенлар ҳам бир қўл кўтарсанг, ўша бўрдоқилардан бирини сўйиб, гурунчлардан бир пудини палов дамлаб юборишга кучларинг етмасмиди, сенлар ўлганингдагина одам бўласанлар, аблаҳлар!

Мирвали бангининг ҳарифи¹ ҳисобланган Ўтарбой унга жавоб беради:

– Бўрдоқилар билан гурунчларни биз ишламасдан еганлардан олдик, букун сен ҳам ишламасдан емакчи бўлсанг, оғримасдан ўлушинг аниқ... Елкангда чўлоқ кетмон, иштаҳанг па-

¹ Ҳариф – шерик, жўра.

лов истаиди; балки таниркабоб бўлса ҳам қайтармассан. Колхознинг молини ҳам бир чилим наша деб ўйладингми.

Кулги устига идорадан Мардонбой, Мулла Обид ва Усмон полвонлар чиқиб келадилар.

– Оғайнилар, – дейди кўпчиликка қараб Мардонбой, – ўзларингизга маълум, биз қўш асбобларимизнинг шикаст-рехтларини тузатиш учун уларни Мулла Султонқулнинг ташқарисига йиғдик. У ерга ёғочлик асбобларни тузатишга дурадгор, темирли асбобларни созлашга темирчи тайинладик. Энди от асбобларини тузатиш учун сизлардан тикиш ишига моҳир тўрт киши керак. Шу тўрт кишини ҳозир ўртангиздан ажратиб беришингизни сўрайман!

Колхозчилар дарров ўз ораларидан тўрт кишини кўрсатиб берадилар. Мардонбой уларни собиқ Мулла Султонқулнинг ҳовлисига йўллагандан сўнг, яна колхозчиларга мурожаат қилади.

– Мулла Обид ака ҳозир ариқ чопишга жўнайтурган ўртоқлардан сўрайдики, орангизда гўнг тўккан жойига арава боролмайтурган ўртоқлар бўлса, қўлларини кўтарсинлар.

Кўпчиликдан етти киши қўл кўтаради. Мардонбой Мулла Обид билан нима тўғридадир сўзлашиб олади.

– Мулла Обид ака айтади: агар қўл кўтарган ўртоқларнинг гўнглари ўн аравадан ҳам оз бўлса қўлларини туширсинлар. (Қўл кўтарувчилардан бир киши қўлини туширади.) Қолган олти киши ҳозир ўз қўрғонлариға қайтиб, бола-чақалари билан ўша ёнига арава боролмайтурган гўнгни арава тўхтайтурган жойга чиқариб тўкиш ҳаракатига тушар эмишлар!

Қўл кўтариб турган олти киши орадан чиқиб жўнагандан сўнг, Мардонбой қолган халқни ўзи билан бирга бошлайди.

– Биз ариқ чопишга борамиз, қани қўзғалинг, оғайнилар!

Халқ Мардонбой орқасидан қўзғалади. Улардан кейин Мулла Обид, Усмон полвон, Карим оталар ҳам ёлғиз-ёлғиз уч отга миниб, ер қарашға жўнайдилар.

Бошланғич интизомга қарағанда «Четан» колхозининг истиқбол ёруғлигидан хабар олса бўлади. Дафъатан кўрулган бу манзара анови беш-олти меҳнаткаш «дўстлари»га қандай таъсир қилди, яхши билмасак ҳам, аммо ўзининг ташқарисида бўлиб турган шу бир соатли ҳангамани эшик орқасидан мўралаб томоша қилган Абдужалилбойнинг эски безгагини қайтадан

қўзғалишига сабаб бўлади. Гўё унинг қаноати билан ўчакишган каби камбағал ва ўртаҳолларнинг мустаҳкам бир иттифоқга киришлари, колхоз тонгини гўё «муқаддас ийд» сингари шодлик ва ўюн-кулги билан қарши олиниши, колхоз идорасига кўрсатилган итоат – булар ҳаммаси синфий «дўстини» тоқатсизлантиради, кенг дунё кўзига торайиб, «чархинг бузилсин, эй модапарвар фалак!» дейди.

Рафиқов «Четан»ни ташкил қилиб ва ишни жўнатиб, нариги қишлоққа ўтиб кетади.

Уч-тўрт кун ичида ариқ қазилиб битади, қўрғонлардаги гўнлар тегишли жойларга ташилиб тўкулади. Қўш асбоблари ҳам созланиб, ишга тайёрланадилар. Ортиқча семиз ишчи ҳайвонлар енгил иш билан қўш учун совутиладилар. Орада кўпгина аравалар тузатишга муҳтож бўлганликдан шу баҳонада колхознинг арава-созлик устахонасига ҳам асос қурулади. Яъни колхозга аравасоз уста чақирилиб, бу ёқда ҳам иш бошланади.

Берди татар ўзи билан бирга олиб кетган юз эллик пуд буғдойни сепиб битириб, яна юз эллик пуд буғдой сўраб арава юборади. Қишлоқнинг ери қўшга келганликдан сўнгги уруғни сепи қайтиш шарти билан юз эллик пуд буғдой жўнатилади.

Мулла Обид ва Усмон полвонлар қирдаги қўшларини кутиб турмай, бундаги бор куч билан ҳайдашга келиб қолган ёноқ ерларга қўш чиқара бериш фикрига келадилар. Бироқ улар бунга муваффақ бўлолмайдилар, халқ қўш чиқариш ўрнига саллохлик – хунрезлик ишига киришиб кетади...

Баъзи ўртоқлар бу тартибсизликка бош сабабчи, деб колхоз раиси Очилди Собировни кўрсатадилар. Лекин бизнинг фикримизча, бу мулоҳаза унчалик тўғри бўлмаса керак. Буни исбот қилишдан илгари воқеанинг жараёнига сабаб бўлган омиллар билан ўқувчини таништирайлик.

Аъзолардан Эрали Шерали ўғлининг рўйхатга олинган битта қўйи бўкиб қолади. Қўй ҳаром ўлиб қолатурган бўлгандан сўнг, Эрали колхоз идорасига хабар қилади. Собиров унчалик ўйлаб турмасдан қўйни идорага келтиртади ва шунда акт бараварида бўғизлатиб, гўштини гўшт, мойини мой қилади-да, идора ёнидаги хужрага киргизиб, хужрани қулфлатиб қўяди.

Колхозни қандай қилиб бузиб юбориш ёки жуда бўлмаганда, аъзолари ўртасига норозилик солиш тўғрисида ўйлаб, ишни қаердан бошлашга мияси қотиб юрган Абдужалилбой хужрага

қамалған қўйдан дарров яхши «илҳом»лар олади. Фурсатини ўтказмай «ёронлар»и ёнига югуради. У олған «илҳом» ёронларга жуда ҳам маъқул тушиб, ёрдамга қишлоқда ўзининг баъзи «хунарлари» билан машҳур Аҳмад тоға чақирилади. Аҳмад тоға гарчи колхоз аъзоси камбағал дехқон бўлса ҳам бундай ўзига фойдали «харомзода» ишдан қайтатурган одам эмас. Таклифни билфеъл маал мамнуният қабул қилади. Хулоса, Абдужалилбойнинг ёрдамида кечаси қоровулсиз хужранинг қулупини синдириб ва тамом гўшт-ёғини кўтариб кетади.

Эрталаб хужра эшигини очик ва ичини гўшт-ёғдан холи кўрган Собиров ўйлаб-нетиб турмай, Абдужалилбойнинг уйини қидиради, табиий, қидирилған нарса чиқмайди. Шу билан кифояланиб қолмай, Абдужалилбойга, «Хоин, кулак! Гўшт-ёғни сен ўғурлағансан, топсанг топдинг, бўлмаса сени қишлоқ шўросига ёзиб топшираман!» деб дўқ уради. Яланғоч сувдан тоймас, деганларича Абдужалилбой ҳам унга бўш келмайди, ҳатто Собировни шошириб, халқ ўртасида обрўсиз ҳам қилиб қўяди:

– Гўшт-ёғни ўзинг ўғурлаб, энди менга тирғилмоқчимисан, шу билан колхоз аъзоларини ишонтириб, ўзинг кутулмоқчимисан! Мен шу қишлоқ одамларига ҳайрон қоламан: ўзларига ўғрини раис кўтариб, қандай фойда кутмакчилар экан? Бу ўғри, содда қишлоқиларнинг нонларини туя қилиб беришдан бошқа ишга ҳам арзирмиди?

Абдужалилбойнинг режасига Собиров йўлни ўз қўли билан катта очиб беради. Абдужалилбой унинг енгил ҳаракатидан жуда уста фойдаланади. Ҳатто колхоз ҳақида оғиз очишга мадор топмаган Абдужалилбой шу воситада очикдан-очик колхозга қарши ташвиқот қилишга ҳам имконият топади. Гўёки Собировнинг «Ўғри!» деб қилған ҳақоратиға чидамаган сиёқда гузарга чиқиб бақириб-чақиради:

– Мол-мулкимни олдилар, хўп дедим, ҳукуматимиз шуни мувофиқ кўрган бўлса бош усти, дедим. Энди, букун «Ўғри!» аталишга чидамайман-да! Ўн-ўн бешлаб мол, юз пудлаб дон, уч тошлик тегирмон, етмаса ҳовли-жой бериб ўлтурган бир киши битта дирдов қўйнинг гўшт-ёғига ўғурлиқ қилсинми ахир; мусулмонлар, ўзларингиз бир ўйлаб қаранг-чи, мен ўз умримда бировнинг бир чўпини ўғурлағанманми? Йўқ, бу Собир бадрафнинг¹ боласи «ёмоннинг кучи япалоққа етар» дегун-

¹ Бадраф – қилиғи ёмон.

ча ўз ўғурлигини мен гуноҳкорнинг устига ағдариб, осонгина қўйнинг гўшт-ёғини ҳазм қилиб кетмакчи. Ҳозирданоқ мен айтиб қўяй: бу йигит колхозга раис бўлиб туратурган бўлса, ҳали кўп бечораларнинг қўйини ўғрига олдиради, ҳа, билиб қўйган яхши, биродарлар!

Қишлоқилар азтаҳидил жон кўйдириб қилинган бу уста найранг устида ўйлаб қоладилар, ҳатто «гуноҳсиз» Абдужалилбой устига ташланган бўҳтондан ранжиб, аччиғланганлар ҳам бўлади.

– Абдужалилбойни Худой урибтими, ўғрилиқ қилиб...

– Очилдиннинг ўзи ўғирлаган, Абдужалилбойнинг ҳамма сўзи ҳам рост!

– Буни колхозга ким раис кўтарган эди, чакки иш бўлган экан-да!

– Ҳалитдан қўйимизни ўғирлатса, бириси кун ҳўкузга ҳам гал етади!

– Отни аяб қўяр эди, дейсанми.

– Бобоси раҳматлик ҳам сал шундақанги қўли эгрирак эди!

Собиров жуда ҳам эсанкираб қолади, ўзининг кенгашсиз ҳаракатидан энди ўкинса ҳам, лекин иш душман фойдасига ҳал қилинганидагина бунга тушунади.

Бу тўғрида Абдужалилбойнинг ёлғиз ўзигина жавраб қолмай, ёрдамга бошқа оғайнилар ҳам етишадилар. Айниқса, аламзада Мулла Исо маҳдум воқеага қош-қўз қўйиб, хатибликка киришади. Айниқса, «амри маъруф» бу томондан бошлангандан кейин, аксарият қишлоқилар Собировнинг ўғрилиғига қаноат ҳосил қиладилар. Аммо Мулла Муҳсин алоҳида фикрда қолади, «тарафайндан¹ бирини сирқатда² айбламак учун ақалли уч нафар шоҳид зарур», дейди.

Колхоз идораси ҳам қараб қолмайди. Душманлар томонидан тарқатилган иғвога қарши тушунтириш ўтказиш учун умумий мажлис чақирмоқчи бўлади. Бироқ умумий мажлисга халқ йиғилмайди. Чунки халқ ҳозир бошқа иш билан машғул...

«Ҳар бир рўзғор ўзида бор майда молларини сўя бошлаган!» хабари колхоз идорасини яна ҳам шошириб қўяди. Колхоз идораси рўзғорма-рўзғор юриб, гоҳ дўк, гоҳ тушунтириш йўли билан халқни мол сўймасликка чақиради, халққа насиҳат қи-

¹ Тарафайн – томонлар, тарафлар.

² Сирқат – ўғрилиқ.

лиш учун ёрдамга Муҳсин домла ҳам таклиф қилинади. Бироқ бу чораларнинг фойдаси оз тегади. Кўпчилик ёки бир молини сўйиб қўйган чиқади ёки насихатчиларни жўнатгандан сўнг пичоғини қайраб қолади.

Халқ идоранинг буйруқлариға ҳам бўюнсунмайди: уч кун овра бўлиб далага саккизтадан ортиқ қўш чиқаролмайди.

– Биз ўғри билан ишлашолмаймиз! – деган жавоблар бўлади.

Собиров бир томондан мияси шишиб, иккинчи томондан уялиб бўлса керак, вақтинча ўз ўрнига Мирсоатни раис қилиб, Учқулоққа, Рафиқов ёнига кетади.

Шу воқеанинг тўртинчи куни қирдағи бугдой сепиш ишларини битирган Берди татар ўз одамлари билан етиб келади. Қишлоқдағи аҳволни кўриб жуда ҳам шошади, можарони эшитиб, гарчи Собировнинг ўғрилиғига ишониб етмаса ҳам, лекин уни йўлсиз ва идорадан рухсатсиз, ўзбошимча ҳаракатидан ранжиб сўкади.

– Биз зап одамни раис қилган эканмиз, Собир бадрафнинг ўғли деб ўрунсиз лақаб тақмайдилар... Душманлар осонгина бадраф баччадан фойдаланганлар! – дейди.

Берди татар ўзи билан бирга келган ўртоқлари орасида кичкина мажлис ўтказиб, уларни мол сўйиш девоналиғига тушмасликка чақиради: «Молингизни бари бир ўзингиз сўйиб ейсиз, бу тўғрида ҳукумат ҳам бир маслаҳат кўрсатса керак, шунга-ча сиз ҳам ановиларнинг кунига тушиб расволик қилмангиз!» мазмунида ташвиқот қилади.

Берди татар Рафиқовни қўмсаб қолади. Учқулоқдан келганларнинг сўзларига қараганда, унда ҳам шунинг сингари бўлма-са ҳам бошқачароқ тартибсизлик давом этканлигини англайди ва Рафиқовни ошиғич равишда район партия қўмитасиға жўнаб кетканлигини эшитади.

Берди татар гузар чойхонасида Мирвали банги билан учрашади, мол сўйишга қарши идорада ёрдамлашдингми, деб сўрайди. Мирвали банги ёрдамлашганлигини «тутилиқиброқ» изҳор қилади. Чойхонанинг юқори қисмида ўлтурганлар нима учундир ўзаро кулушадилар. Орадан бириси «Ҳа, Мирвали акам ҳам яхши ёрдамлашди!» дейди.

– Нега очик жавоб бермайсан? – дейди шубҳага тушган Берди татар.

– Ёрдамлашдим деяпман-ку! – дейди Мирвали банги ва нима учундир нариги ёқда ўлтурганларга кўз қисиб қўяди, – мен ҳам ола эчкимни сўйиб ёрдамлашдим...

Чойхонадагилар хахолашиб юборадилар. Берди татар ҳам аччиғ аралаш кулушга мажбур бўлади...

– Эй, расво бўл, ошнам! – дейди.

Мирвали банги бўш келишни билмайди:

– Буғдой сепишдан толиқиб келсанг, деб эт тайёрладим.

Энди, сомса ейсанми, мантими, кўнглинг тилаганни айта бер!

Яна чойхонани кулги босади. Берди татар Мирвали бангининг афтига туфлайди.

– Соқолинг кўксингга тўкилсин, банги!

Мирвали ака бетини туфукдан тозалайди...

– Яхшиликка ёмонликми, эшак... Бу қўшним қўй сўйсин, наригиси бузоқ сўйсин-да, мен ўртада қараб қола берайми? Мен нафсамбирини айтсам, агар ўша кун қишлоқда бўлсанг, сен ҳам тек туролмас эдинг, мол тополмаганингда лоақал анови эшик теварагингда юрадиган ола кўппакни сўйиб, гўштини тузлар эдинг!

– Мулла Муҳсиндек киши бизга ёрдамга келсинда, сен тушунган камбағал бўлатуриб, душманнинг иғвоси билан иш қил, уйинг куйгур, беномус!

Эртаси кун бутун қишлоқ ўзи англаб етмаган бу муаммоларнинг сирига тушунгандай бўлади. Тўп-тўп бўлишиб ўртоқ Сталиннинг «Муваффақиятдан бош айланиш» сарлавҳали тарихий мақоласини ўқутдириб эшитадилар.

– Ана гап! – дейдилар, – ўртоқ Сталин нафсамбирини айткан, бу ердаги улуғлар бўрк ол деса, бош олмакчи бўлганлар!

Кечадан бери Берди татар олдида тил қисишга мажбур бўлиб қолган Мирвали банги ҳам бу мақола билан ўзини тутиб олади:

– Ўртоқ Сталин Масковда туриб каромат қилади! – дейди Мирвали, – тўғриси ҳам бош айланиб, кўз тиниб кетди-да. Сен, Берди, мендан ўрунсиз ранжийсан, бошлаб кимнинг кўзи тинди, меними ёки раисинг Очилдиними? Албатта, Очилдининг кўзи тинди, ундан кейин кўз тиниш навбати менга ўхшаган овсарларга етиб...

Берди татар индамайди, ўртоқ Сталиннинг ёзувича райондан тортиб, колхоз идорасига еткунчалик катта нуқсонлар борлигини ҳис қилади.

Ўртоқ Сталиннинг мақоласи муносабати билан идора аъзолари колхоз идорасига йиғилишиб келадилар. Мақола ўқулиб, музокара қилинади. Мақолада бирма-бир кўрсатилганча бош айланишлар кўзга очиқ-ойдин бўлиб кўрунади. Айниқса, хатоларни Берди татар очиқ ҳис қилади. Дуруст, Тиктепада мақоланинг бир қисмида кўрсатилганча зўрлаб колхозга киритишлар бўлмаган, бироқ майда чорваларни ҳам коллективлаштириш, иккинчи таъбир билан бу тўғрида бош айланиш бошлича Тиктепанинг зўр хатоларидан ҳисобланади. Бунга Собировнинг ўзбошимча ҳаракати келиб қўшулгач, Берди татарнинг тутуни осмонга чиқади:

– Аҳмоқ одам, бунчалик беклик учун сенга ким ҳуқуқ берди? Собир бадраф деганлари ўйланмасдан айтилмаган.

Обид кетмон хатолар тўғрисида унчалик бош оғритмайди, чамаси афсус ва надоматлардан ҳозир фойда кутмайди:

– Бўлар иш бўлган! – дейди Обид кетмон, – ерларимиз ҳайдашга келди, ҳайитдан кейин пушаймон қилгандан, бўладирган гапни гапирган яхши! Агар колхоз давом қилатурган бўлса, эртадан далага қўш чиқарганимиз маъқул эди!

Идора аъзоларидан ҳеч ким ҳам унинг фикрига қаршилиқ кўрсатмайди, бироқ орада Мирсоатнинг фикрига мойил аъзолар ҳам кўрулади. Мирсоатнинг фикрича, ҳозир бир даража колхознинг обрўси тушаёзди, ҳар қанча ҳаракат қилган билан бари бир баъзи «енгил-елпи» аъзолар ишга чиқмайдилар. Бундан кўра Рафиқовни райондан қайтиб келишини кутиш керак. У қайтмасдан масала ешилмайди.

Обид кетмон ўз фикрида исрор қилади:

– Мен колхоз тўғрисида бир қаноатга келганман, – дейди, – агар колхоз деган гап орадан кўтарилиб кетса, унисига айтатурганим йўқ, бироқ колхоз давом этатурган бўлса, қийматли вақтни букун, эрта деб қўлдан чиқариш ярамайди. Тузук, сизлар айтгунча баъзиларимиз ишга чиқмас, лекин биз чиққанлар билан ишни олиб бораверайлик.

Охирда Обид кетмоннинг фикри қабул қилиниб, эртадан бошлаб «аъзоларнинг рози қисми билангина далага қўш чиқаришга» қарор қилинади.

Аъзоларга умумий равишда: «Эртага эрта биландан қўш чиқарилади, чойни эрта ичиб, идорага йиғилингиз» деган хабар тарқатилади.

Мирсоат хануз, «Бари бир, ҳеч ким йиғилмайди» деган фикрда турса ҳам, бироқ у янглишган бўлади. Эртаси эрта биланданоқ идорага элли чоғлиқ деҳқонлар йиғилиб қоладилар. Обид кетмон ва Берди татар бошлиқ уларни ерларга тақсим қиладилар. Ҳозир тузатишдан чиққан тўққуз сўқа билан йигирма тўртта омов ер ҳайдашга юборилади. Буларнинг устидан қараб юриш учун Обид кетмон, Усмон полвон, Карим ота ва Берди татарлар назоратга белгиланмакчи бўлсалар ҳам, бунга, айниқса Обид кетмон кўнмайди:

– Подачи кўпайса, мол ҳаром ўлади, деганлар – дейди, – назорат учун фақат Карим отанинг ўзи кифоя, бир отга минсин-да, қўшлар устидан айланиб юрсин. Мен, Усмон полвон, Берди татарлар ҳам омов олайлик, тезда ерларнинг юзини тирнашга ҳаракат қилайлик!

Айниқса, бу фикр кўпчилик томонидан олқишланиб қарши олинади. Чунки катталарнинг ҳам ўз ёнларида, паст ишда кўриш тараддудида турган деҳқонларга далда бўлиб тушади.

– Муомалани билганларгина сўқани олсинлар! – дейди Обид кетмон, – мен ўзимнинг сўқамни ишлатаман!

Ярим соатнинг ичида Тиктепа ерларининг бағри сўқа тиглари, омов тишлари билан йиртила бошлайди. Узоқ-узоқдан отларни ғайратга келтириш учун ҳавода тирсиллатилган қамчи товушлари, хўкузни йўлга солиш учун чалинган хуштак овозлари келиб туради. Ёш-яланглар теваракни жонғиратиб ашула айтадилар. Тоғ томонидан кўтарилиб, қуёш бетини қоплаб турган бир паға булут чўккандан сўнг Тиктепа ерлари нур ичига чўмиб кўрунади. Навбаҳорнинг енгилча шамоли эсиб димоққа ёш майсаларнинг латиф ҳидларини келтириб уради. Янги усул ҳаётнинг биринчи кунларини бу қадар гўзал манзара билан учратган деҳқонлар гўё маст бўлган каби ер йиртиб борган сўқа ва омов орқасидан югурадилар, отлар пишқириб олдинга интиладилар, хўкузлар инқиллаб думларини шопирадилар...

Биринчи куннинг иши жуда ҳам баракали кўчади. Ўзи қўшган отларни етаклаб қайтувчи Берди татар ҳайдалган ерларни кўриб, ўзича «Яшасин!» деб илжаяди. Ишдан Усмон полвон билан бирга қайтган Обид кетмон ҳам букунги ишдан рози кўрунади:

– Яна икки кунда ҳамма ерларнинг юзини олиб битирармиз, – деб чамалайди.

– Агар қолганлар ҳам эртага ишга чиқса, албатта, юзни, икки-уч кунда олиб битирамиз! – деб жавоб беради Усмон полвон.

– Худой урдими, эртага улар ҳам келиб қўшулар!

– Ҳа, билмадим-да! – деб Усмон полвон шубҳаланади, – ерни неча марта ҳайдасак бўлар экан?

Обид кетмон унинг сўзини эшитмайди, Усмон полвон иккинчи маротаба товушини юқори қўйиб сўрайди.

– Ҳа, ерни айтасизми, мен бултур ўз еримни тўққуз хайдадим. Энди билмайман, бу ерларни ҳам тўққузга етказиб бўлармикан!

Усмон полвон кулади:

– Эй, сиз шўрвага йиқилинг! – дейди, – бешни айтсангиз-чи, мен ўзим ҳам шу ёшгача тўртдан ортиқ хайдаганимни билмайман!

– Ҳали вақт яхши! – дейди Обид кетмон, – ёгин бўлмай турса, тўққузга етолмасак ҳам, беш-олтини хайдаб ташлармиз!

Усмон Полвон Обид кетмонга тушунолмай қарайди.

– Агар ҳукумат ваъда қилган трактор, сўкаларни берса, дейсиз-да?

– Бермаганда ҳам, ўзимиздаги куч беш-олтига етади... Агар ҳукумат трактор бериб, идора ихтиёрини менга топширса, тракторни тўппа-тўғри тунови кун сиз билан маслаҳатлашган юз таноб чимли яйловга солар эдим!

– Эйй... ука! – деб қўл силтайди Усмон полвон. – У чимзорни ер қилиш қийин, меҳнат далага кетади!

Мулла Обид сўзни эшитмайдими ёки ҳозирча бу тўғрида баҳслашишни фойдасиз топадими, баҳарҳол сўзни чимзор мавзuidан бошқага кўчуради.

– Чамаси, букун раисдан дарак бўлмади чоғи?

Усмон полвон энсаси қотган сиёқни олиб, қошларини чимиради.

– Аҳмоқ одам...

Мулла Обид индамайди, чамаси, бу тўғрида Усмон полвоннинг фикрига қўшулади.

Сарой ёнида қўшдан қайтган от ва ҳўкузларни Мардонбой бошлиқ бир неча отхона ходимлари қабул қилиб турадилар. Бу иккиси ҳам отларини топширадилар.

– От, ҳўкузлар ичида мертилганлари йўқми? – деб сўрайди Усмон полвон.

– Бор! – дейди Мардонбой, – Зокирнинг болалари бир отдан яғир очиб қўйганлар... Бир хўкузнинг тўпуғи *омочга олдирилган.*

– Ёмон олганми?

– Унчалик эмас. Иккисига уч-тўрт кун дам берса, *битиб кетади.*

– Баъзи чарчаган молларга эртага дам бериб, букун ишга чиқмаганларни...

– Ҳа, албатта.

– Татар қайтдимми? – деб сўрайди Мулла Обид.

– Қайтди, тажанглиғи ошиб, яна далага кетди! – деб кулади Мардонбой.

– Нега?

– Бир-иккиталар сўқани шудгорга ташлаб кела берганлар... Буни эшитгандан кейин Татарнинг тепа сочи тиккайиб кетди, ҳар икки сўқадан ҳам ажраймиз, гўшт-ёғни ўғурлаганлар, сўқани ҳам синдириб кетадилар, – деди-да, сўка-сўка сўқани яқин кўрғонга киргизиб қўйиш учун ёнига одам олиб жўнади.

– Жуда яхши қилади! – дейди Усмон полвон, – «Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма», деганлар.

Молларга яхши қараш тавсиясидан кейин ҳар иккиси ҳам ўз кўрғонлариға қайтадилар.

Мулла Обиднинг кечаги мулоҳазаси тўғри чиқади. Букун қўш ҳайдашга, деб колхоз идорасиға йиғилганларнинг сони етмиш бешга етади. Кеча ишга чиқмаганлардан Мирвали банги хўппак олиб¹ ачитиб юруйди:

– Ўқулга² тушиб қолдимми... Сен Мағрайим кеча сўйган бўрдоқингни тузлаш билан овора бўлгандирсан: «Зарураст – маъзураст»³... ҳа, Аҳмад тоға, сен алоҳал букун Мулла Султонқулдан оқ фотиҳани олибсанда, чироғим!

Муваффақиятдан кўкрагини шишириб юрган Берди татар Мирвалини жойсиз пичинглардан тиймакчи бўлади.

– Вайсай берма, Мирвали!

Бироқ бундай пайтларда Мирвалини тартибга солиш қийин.

– Улуғворлиқ сотма, мен буларингнинг қитиқ патини юлиб, ром қилиб олмоқчиман!

Ўн беш дақиқанинг ичида янги келганлар ҳам ишга жўнатилади. Лекин ишчи ҳайвон камчилиги орқасида букун қўш сони

¹ Хўппак олмоқ – гина, ўпка.

² Ўқул – афсус, ўкин.

³ Зарураст-маъзураст – нарсалар ёки ҳолатлар зарур пайтда узрлидир.

унчалик ортмайди: кечаги йигирма тўрт омов ёнига саккизта якка отлик омов ва учта сўка кўшулади. Аммо букунги келиб кўшулганларнинг аҳамиятлари маънавий жихатдан катта бўлади: кечаги иккиланибрак турган аъзолар рухан кучаядилар. Мирсоатга ўхшаш бўштов идора аъзолари дадиллашадилар, колхозни бузиб юбордик қаноатиға келган синфий «дўстлар» яна «безгак» касалига йўлиқадилар.

Бошқа колхозчилар билан кечқурун ишдан қайтган Берди татар букун Рафиқовдан ўз номига юборилган хатни олади. Берди татар қишлоқда очилган саводсизликни битириш курсида икки киш ўкуган бўлса ҳам, ҳали қўлда ёзилган хатларни унча яхши ўкуй олмайди. Хатни очиб, бир оз тутлиқиб ўқуб қарагандан сўнг, Мирсоатга беради:

– Сен ўку-чи!

Мирсоат ўқуйди:

«Ўртоқ Берди Шодиев! Қишлоғингизда бўлиб ўткан можаролардан яхши хабарим бор. Бундай можаролар ёлғиз сизнинг қишлоқда эмас, бошқаларда ҳам бирдай. Бу, ўртоқ Сталин мақоласида кўрсатилганча бизнинг зўр хатомиз, катта гуноҳимиз натижаси, албатта, тузатамиз. Мен район партия қўмитасиға бориб қайтдим. Ҳозир Дўстариқда бузулаёзган колхозни қайтадан қуруш, хатоларни тузатиш билан машғулман. Эртага Учқулоққа ўтиб, унда ҳам бирор кун қолсам керак. Учинчи кун сизда бўламан. Қишлоғингизни кейинга қолдиришим сиздан хотиржам бўлганлигим учундир. Сизда кечадан бери қизғин иш борганлигини эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Сиз коммунистларга лойиқ равишда иш олиб борасиз. Шу йўлдан айрилмаслигимиз керак. Ичингиздаги қочиклар сизнинг руҳингизни тушурмасин. Мен бу кун «раисингиз» билан учрашиб сўзлашдим ва қишлоқға қайтишиға тавсия қилдим. Қайтадими-йўқми, менимча, аҳамиятсиз... Обид кетмон яхшими, эшитишимга қараганда, сизнинг энг фаолингиз эмиш, уни партияға жалб қилиш керак эди. Мендан унга алоҳида салом айтингиз. Усмон ота, Мардонбой, Мирсоатларга ҳам ўртоқлик саломлари. Ҳа, айтканча, сизни район қўмитамиз «Четан» партиячейкаси қилиб белгилади. Табрик қиламан.

Фаолиятингизга давом тилайман.

Ўртоқлик салом ва ҳурмати билан: Рафиқов 22/III – 29-нчи йилда».

Берди татар илжайган кўйи Мирсоатдан хатни олади.

– Рафиқов тўғри баҳо беради! – дейди Мирсоатга, – агар иш сен билан менга қолса хали қўш чиқара олмас эдик!

– Тўғри!..

– Биласанми, Рафиқов қочиқлар деб кимлардан киноя қилади?

– Собировдан бўлса керак.

– Тўғри... Лекин унинг ёнида сен ҳам борсан!

Мирсоат тушунмайди, Татарга эътироз қилади.

– Мен колхозни ташлаб қочдимми, сиз қизиқ гапни айтасиз.

– Ташлаб қочмадинг, – деб кулади Татар, – колхоздан ихлоси қайтгандек бўлиб кўрунган халқни ишга чақиришдан кўрқдинг, юраксинмадинг. Болшевикча тан бериш керак: сен ҳам, мен ҳам бир нав қочиқлармиз!

Мирсоат иқрор қилишдан ўнгайсизланиб, сўзни бошқа ёққа чалғитмоқчи бўлади:

– Букунгги ишингиз кечагидан унумлиракдир?

– Чакки эмас... Ўртоқ Рафиқов тўғри айтади: гарангни фирқага жалб қилиш керак эди!

Татардан бир оз кейин Мулла Обид ҳам ишдан қайтади. Унинг юзида бирмунча аччиғ аралаш хафалик сезилади. Агар сабабини сўралмаса, Мулла Обиднинг ўз томонидан оғиз очилмаслигига тушунган Берди татар пурси-порс қилади. Мулла Обид жавоб ўрнига қўл силтаб, Берди татар ўлтурган ёғоч эшакнинг иккинчи бошига келиб ўлтуради.

– Букун яна икки отни ишдан чиқарганлар, – дейди Мулла Обид, – бу одамларга ҳайронман, молни сал қараброқ ишлатса ўладими!

– Қандай қилиб ишдан чиқарганлар? – деб сўрайди Мирсоат.

– Бирисини зўриқтирганлар, иккинчисидан яғир очганлар!

Татар қўл силтаб арзимаганлик ишорасини кўрсатади.

– Чамаси сиз енгил ўйлайсиз, – дейди Мулла Обид, – ҳар кун икки мол ишдан чиқиб турса, биласизми, иш қаёққа бориб тўхтайди. Бизда ҳайвон камчилиги букуноқ сезилиб қолди. Эртага анави еттита бўғоз биялардан беришга мажбурсиз. Лекин эрта кечга бориб бияларингизнинг ҳаммаси ҳам боласини ташлайди... Фикримча, эртага қолган аъзолар ҳам келиб қўшулсалар керак.

Берди татар ва Мирсоатлар ҳам ўйлаб қоладилар...

– Бўғоз бияларни беришга мен қаршиман, – деб давом қилади Мулла Обид, – ичидаги қулунлари билан қўшиб ҳисоб-

ланганда ўн тўрт отни ҳаромга чиқариш... Бу колхозчилик бўл-маса керак. Кеча ва букун ишдан чиқарилган тўртта молни эъти-борга олмаганингизда ҳам, эртага келиб қўшулиши аниқ бўлган аъзоларга иш топиб бериш фикрини қилмоғингиз керак. Менга қолса, букун ҳам йигирмалаб йигитнинг умри қўш олдида от етаклаб кечди, ҳолонки, етакчиликка болалар ҳам ярар эди!

– Тўғри! – деб Мирсоатга қарайди Татар, – гаранг жуда тўғри қайғиради, сен нима дейсан?

– Эртага яна аъзолар келиб қўшулармикин?

– Ҳануз иккиланишдан қолма! – деб жекиради Татар, – ҳо-зир гарангнинг дардига даво ўйла! Сиз ўзингизча, – деб Мулла Обидга мурожаат қилади, – букунги ортиқча кучларни ва эрта-га келиб қўшулиши қутилганларни нима қилмоқчисиз?

– Бизда қўш билан кўнгилдагича ўйила олмайтурган тинг¹ ерлар бор, – дейди Мулла Обид, – меним ақлимга кирсаларинг, эртага сизда бор ҳайвонларга яраша аъзоларни қўшда қолди-риб, ортиқча кучни кетмон билан тингроқ ерларни чопишга солиш керак! Бу, бир жихатдан, ҳосил учун жуда зарур, иккин-чидан, аъзоларнинг умрини беҳудага ўтказмаган бўламиз!

Берди татар тарс этиб устолни уриб қўйиб, Мирсоатга қа-райди:

– Вот, – дейди ва илжаяди, – бу гаранг оловни ҳам ўзи ёқади, ўчиришда ҳам ўзи сув сепади... Тўғри айтасан, ўртоқ Обид кет-мон, биз сенинг фикрингга қўшуламиз!

Мулла Обиднинг юзидаги бояги қайғиришли кайфияти бир-мунча зойил² бўлади.

– Яхши... хўп... – деб яна ниманидир ўйлайди Мулла Обид, – кетмончилар тўплайтурган бўлсак, уларга битта онабоши ке-рак, бунинг учун сизми, менми ёки Усмон Полвонми белгила-ниши лозим. Ундан кейин... Ундан кейин кетмонга иссиқ овқат бўлмаса бўлмайди. Йиғилган кетмончиларнинг сонига қараб иссиқ овқатнинг ҳаракатини қилиб қўюш керак!

Ташкил қилинатурган кетмончиларга онабошилиқ вазифа-сини Берди татар ўзига сўраб олади. Чунки кетмонлик ишни яхши кўрар эмиш. Иссиқ овқатни ташкил қилиш Мирсоатга топширилади. Мулла Обид анча тинчиган ҳолда идорадан чиқа бошлайди.

¹ Тинг – ҳайдалмай, экилмай ётган заранг ер.

² Зойил – йўқ бўлмоқ, тарқалмоқ.

– Ха, айтканча, шошма, ўртоқ Мулла Обид! – деб уни тўхтатади Берди татар, – букун Рафиқовдан хат олдик, сенга салом айткан.

– Саломат бўлсин, нега ўзи келмаган?

– Ўзи бириси куни келади. Бизнинг олиб бораётган ишимизни эшитиб жуда хурсанд бўлиб ёзган!

– Ха-ха, – деб илжайди Мулла Обид, – Рафиқов келгунча ернинг бетини олиб қўйсақ, яхши бўлар эди!

– Ола билармиканмиз?

– Менимча, эрта кечга бет олиниб битади, бириси кун иккинчига ўтамиз!

Эртаси кун Мулла Обиднинг кечаги фикрича, яна ўнлаб аъзо ишга келиб қўшулади. Кечаги ҳозирлик бўйинча қўшдан ортиқча йигирмалаб ишчи кучларини кетмон чопиққа уюштирилади.

Бу кун Собиров ҳам асосини йўқотган гадойдек идорада кўрунади. Ўткан гаплардан икки томон ҳам оғиз очмайдилар. Идорада Собировнинг йўқ кунлари қандай ҳис қилинмаган бўлса, ҳозир борлиғи ҳам унча сезилмайди...

Мулла Обид айтканча, бириси кун Рафиқов келганда, колхозчилар умумий равишда иккинчи ҳайдовга ўткан бўладилар. Рафиқов идорада туролмайди, чунки идорада ҳисобчи Умаралидан бошқа ҳеч ким йўқ, Собиров бўлса уйига овқатлангани кетган. Рафиқов миниб келган отини колхоз отхонасига топшириб, ўзи яёвлаб далага, ишлаб турган колхозчиларни оралаб кетади. Кўз етган жой қоп-қора шудгор, узоқ ва яқин шу шудгор бағрида колхозчилар ер ҳайдаб ётадилар. Рафиқов колхозчилар билан «Ҳорма-бор бўл!» қилишади. Колхозчилар уни яхши танийдилар, Рафиқовнинг «Ҳорманг» сўзига «Бор бўлинг, саломатмисиз, ўртоқ Рафиқов» деган жавобни берадилар. Рафиқов уларни иккинчи ҳайдов билан табрик қилади. «Яшанг, азаматлар экансиз» дейди. Колхозчилар бу мақтовга жавоб бермайдилар, яна ҳам азаматлик кўрсатиш учун ишлариға ихлос билан ёпишадилар.

Рафиқов уватдан-уватга ўтишдан, қирдан сойга тушишдан зерикмайди, қаерда ер ҳайдаб ётган қора кўрунса, шу ёққа қараб юруйди. Шу йўсун бир соат чамаси айлангандан кейин, узоқдан кўрунган бошқача бир манзара уни ҳайрон қилади.

Йигирма чоғлиқ кетмон олдин-кетин ерга тушиб қўтарилади!

Рафиқов ҳозиргина йўл олишга жўплаган тарафини қўйиб,

кетмонлар ишлаган томонга бурулади. Кетмончиларга «она-боши»лик қилган Берди татар узоқдан Рафиқовни танийди. Рафиқов бир оз яқинлашиб келгач, ишдан тўхтаб кетмонини орқага – чопилган шудгор устига олиб қўяди ва ўз манглайидаги терларини ўнг қўлининг қора бармоғи билан сидириб ташлаб, келгувчини қаршилайди:

– Саломалайкум, бормисиз ўртоқ Рафиқов!

Рафиқов бошида Берди татарни танимаган бўлса керак, таажжубланиб қолади:

– Сиз... Сиз Берди акамисиз? – Вой-вой, хорманг, ҳорманг! Сизлар ҳам ҳорманг, ўртоқлар!

Бир-икки дақиқага иш тўхтайди, бошқа кетмончилар ҳам ишдан чиқиб, Рафиқов билан кўришиб сўрашадилар.

– А, Берди ака, сизларга нима жазо келди, ерни кетмон билан чопиш!

– Асти бизнинг ҳолимизни сўраманг! – дейди шикоятли оҳангда Берди татар, – биз бошда шу Обид кетмон деганни ўз ичимизга ўйламасдан олган эканмиз. Собиров айтди-я... Қўш учун ҳайвон кучимиз етишмай, биз колхозчилар бўш қоладиған бўлдик. Энди роҳат қилар эканмиз, деб турганда Обид кетмон деган палакат бизни шу кетмон балосига гирифтор қилди-қўйди. Кечадан бери билакда билак қолмади, ўртоқ Рафиқов!

Кетмончилар кулушадилар.

– Обид кетмон бунчалик бераҳм экан, – дейди Рафиқов ярим жиддий, – ўртоқ Собиров таклиф қилганча уни муштумзўрга чиқарган маъқул эди.

– Тўғри-тўғри, – дейди Берди татар.

Озгина кулушиб, чақчақлашиб олгандан сўнг, Рафиқов идорадан ҳеч кимни тополмаганлигини, шундан кейин далани айланишга чиққанлигини сўзлайди.

– Бунга ҳам сабабчи шу Обид кетмон, – дейди Берди татар, – мен идора аъзосиман деганга кўнмайди, идорада ўлтуриб пашша тутасанми, дейди. Кеча Собиров «сафар»дан қайтиб келгандан сўнг Мирсоатни ҳам идорадан олиб, бизга ошпаз қилиб берди... Ана, қаранг, бизга ош пиширяпти!

Рафиқов нарида қозон қайнатиб юрган Мирсоатни кўриб кулади:

– Обид кетмон деганингиз жуда ҳам золим экан!

– Золимки, ҳеч нариги ёғи йўқ...

Яна кулушадилар. Кетмончилар ишга тушадилар.

– Обид кетмоннинг ўзи қаёқда? Нима иш қиляпти? – деб сўрайди Рафиқов.

– Ўзи сояи салқинда ётган деб ўйлайсизми? – дейди кулуб Берди татар, – шу қирнинг нариги ёнида қўш хайдаб ётади! Киши билан сўзлашмайди, унча-мунча сўзни эшитмайди, отларга дам берганда ҳам, бизнинг бу ёқларга ўтиш эсига келмай ёки хашакланиб турган отлар ёнига ўлтуриб, белидаги нонни кавшайди, нонга иштаҳаси келмаганда, ҳайдалган шудгор бетига чиққан ғумай илдизларни териб юрийди.

Рафиқов Обид кетмоннинг сажиясига таажжубланади. Иккови четроққа бориб ўткан можаролардан узоқ сўзлашадилар. Рафиқовнинг фикрига кўра, Собировни раисликдан олиш керак, чунки у бир томондан халқ ўртасида ўз обрўсини йўқотган бўлса, иккинчидан ишларда бўшлигини, чидамсизлигини кўрсатди. Берди татар муштумзўрларни тезда қишлоқдан жўнатиш зарурлигини ҳис қилади. Рафиқов бу тўғрида юқори доираларнинг ҳозиргача аниқ бир йўл белгиламаганликларини, шунинг учун бу ҳақда ўзича мустақил ҳаракат қила олмаслигини билдиради. Берди татар васвасланади, колхозга зарар етказиб қўймасалар, деб чўчийди. Рафиқов унинг эҳтимолларини ҳақиқатдан узоқ топмайди. Аммо бунга қарши ҳамма вақт хушёрлик бўлишини таклиф қилади.

Рафиқов Берди татар билан яна бирмунча суҳбатлашгандан кейин хайрлашиб, ошпазлик вазифасини адо қилаётган Мирсоатнинг ёнига келади. У билан ҳам бояги тўғрида суҳбатлашгандан кейин, Обид кетмоннинг чегарасига юзланади. Берди татар айтканча, Мулла Обидни ҳозир отларини хашакка қўйиб, ўзи шудгор бетига чиқиб қолган ғумайларни териб юрган ҳолда учратади. Иштаҳаси ҳам чакки бўлмаса керак, қўли ғумай терар экан, оғзи ҳам нон кавшагандек кўрунади... Белидаги қийиқнинг ўнг томонидан учдан бири кетган катта ноннинг сурати кўруниб туради.

Соғлиқ сўрашиб кўришгандан сўнг, иккиси уватнинг чимига келиб ўлтурадилар. Суҳбат Мулла Обиднинг ишчан руҳига мувофиқ тарзда бошланади.

– Раҳмат, яшанг! – дейди Рафиқов баланд товуш билан, – колхоз учун қилаётган ғайратингизни нариги қишлоқдан туриб эшитдим.

Мулла Обид ризосизлик англатган каби бошини икки елка-
сига томон чайкатади...

– Трахтир қани? Ваъда қилган мошиналар, сўқалар қани?

Рафиқов бир оз қизаришга мажбур бўлади...

– Трахтир эртага келади!

– Эртага келади?

– Ҳа, худди эртага!

– Сўқалар-чи, омоч билан жуда ўлиб бўлдиқ!

– Сўқалар қишлоқ шўросининг омборига келиб тушди, – дейди Рафиқов, – сизга ўн бешта сўқа, йигирма бешта ўрус мола берилади. Мен қоғоз ёзаман, идорадан бир киши арава-лар билан бориб эртага олиб келсин!

– Жуда яхши! – деб илжаяди Мулла Обид, – мен анови кунги ваъдаларингиз қуруқ гапми деб... Энди сиздан ўпкам йўқ.

Мулла Обид белбоғини ешиб ерга ёзади, бояғи нонни синди-риб, Рафиқовни нонга таклиф қилади:

– Чойимиз йўқ, қуруқ нон бўлса ҳам энди...

Рафиқов нондан олади. Мулла Обиднинг ўзи ҳам нон кав-шай бошлайди.

– Қишлоғингизда анча гаплар бўлиб ўтибди, – дейди Ра-фиқов, – сизча, бунга нималар, кимлар сабаб бўлди?

Мулла Обид бепарво қўл силтайди ва оҳиста оғзидағи нонни ютади.

– Кечаги газетнинг сўзига қараганда, айб ўзимизда ҳам бор, ундан кейин халқ ҳам чидамсиз...

Рафиқов маъноли қилиб Мулла Обид кўзига қарайди...

Мулла Обид давом қилади:

– Оғирлиқ жуда яхши гап... Собиров енгиллик қилиб қўйди, бундан ғаламислар уста фойдаландилар... Орада ўттуз-қирқта молни бемаврид тузладиқ...

– Собировни яна ўз ўрнида қолдирса бўлармикан, бу тўғри-да қандай фикр қиласиз?

– Қолдириб бўлмас, – дейди Мулла Обид, бир оз ўйлаб қо-лади, – халқ масалани жуда осон ҳал қилиб қўйди – гўшт-ёғни Собировнинг ўзи ўғирлаган, дейди. Халқ томонидан «ўғри» деб ишонилган бир кишини яна унга бошлиқ қилинса... Билмай-ман, ўхшамасмикан.

– Башарти Собировни халқ хоҳламаса, – дейди Рафиқов, – ўрнига кимни қўйсақ бўлар экан?

– Бизда киши йўқ эмас, – дейди Мулла Обид, – Берди татар чакки эмас, ундан сўнг Усмон полвон ҳам мувофиқ. Мирсоатнинг бир оз ёшлиғи бўлмаса, у ҳам пишиқ бола.

– Ўзингиз-чи? – деб илжаяди Рафиқов.

– Ўзим... Менга тўғри келмайди.

– Нега тўғри келмас?

– Менда қаттиққўллик бор, ўртоқларни ранжитиб қўяман... Менинг ташаббусим билан кечадан берли қўшдан ортиқ кучимиздан кетмончилар тўдаси ташкил қилдиқ. Эшитишимга қараганда, баъзилари мени сўкиб юрган эмишлар.

– Ялқовлар албатта сўкади, – дейди Рафиқов, – бироқ колхоз учун шундай қилиш зарур, шусиз колхоз яшамайди.

– Шунга улар тушунмаса, нима қиламиз?

– Тушунтирамиз, – дейди Рафиқов қатъий, – қаттиққўлликка чидамаганларга, ишга бўюн бермаганларга колхозда жой йўқ, колхоз илгариги «бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» деҳқончилиғи эмас...

Рафиқов кейинги сўзини айтканда, унинг ҳозирги ҳиссиётини бутун аъзо ҳаракатлари ҳам ифода қилади, ҳатто оғзида чайнаб турган нонини ҳам эсдан чиқариб, бир қанча вақт ютмай тўхтатади. Мулла Обид ўз қаршисидаги йигитни гўё ўзининг назариятчисига каби пайқаб илжаяди...

– Шундай, ўртоқ Обид кетмон, – дейди Рафиқов, – ўртоқ Сталин ташлаган колхозчилик шиори, сизга ўхшаш девкорларга муҳтож, колхоз сиз ва сизнингдеклар билангина яшнайдиган! Колхоз раислиги сизга берилар экан, бояғи қаттиққўллигингиз устига яна ўн бараварини тиркаб ва шуни мажлисга йиғилган аъзоларга очик писанда қилиб қабул қиласиз.

– Хўп қарармиз, – деб илжаяди Мулла Обид.

Колхознинг умумий мажлиси шу букун кечаси қишлоқ чойхонасида бўлади. Мажлис Берди татар раислигида очилиб, Рафиқов маъруза қилади.

Бир коммунист бўлиш сифати билан Рафиқов бошлаб «Муваффақиятдан бош айланиш»да кўрсатилган хатоларни ўз устига олади, ўша хатолар қаторида майда моллар ва сутли ҳайвонларни умумлаштириш каби бош айланишларни кўрсатиб ўтади. Ҳатто, пахтачилик райони учун ғалла ва донларни ҳам колхозга олиш катта хато бўлганлигини, майда моллар, сутли ҳайвонлар қаторида олинган ғаллаларни ҳам эгаларига

қайтарилиши лозим бўлганлигини таъкидлайди. Бош айланишни энг ярамасиға Собиров иртикоб¹ қилганлигини, ўйла-масдан ўзбошимча ҳаракат қилиш орқасида синфий душманларга қурол бўлганлигини ва шу воситада аллақанча молларнинг вақтсиз зое қилинишиға сабаб бўлганлигини сўзлайди.

Собировнинг қилгиликни қилиб, колхозни ташлаб кетиши устида узоқ тўхтади ва бунга ҳам болшевикча баҳо бериб ўтади:

– Собиров ишончсиз бир аскар, – дейди Рафиқов, – у осонгина меҳнаткашлар мавқеини душманга топширади, бу билан ҳам тўхтамай, меҳнаткашлар томонидан ўз қўлиға берилган идорани ҳам тақдирға ҳавола қилиб ўзи қочади... Мана шундай қочик, юраксиз бир бошлиқни биз мундан сўнг ҳам масъул бир ўрунда қолдира оламизми? Йўқ, қолдира олмаймиз, бундай ишончсиз аскарни колхознинг масъул ўрнидан олиб улоқтирамиз (кучли олқиш). Биз улоқтирғанимиздек, партия ҳам уни жазосиз қолдирмас, уни партия судига ҳам тортдирамиз (олқиш, «Тортдирилсин» деган товушлар).

Рафиқов давом қилади:

– Биз қочик билан иш қилмаймиз, бизга темир иродали раис керак (олқиш). Гарчи бизнинг бош айланиш хатоларимиз арзонга тушмади, бироқ фойдасиз ҳам бўлмади, ким чидамли, ким имонли, жуда яхши синов берди. Биз мана шу синовдан ўткан бир неча пухта, пишиқ ўртоқларға ҳозир эгадирмиз. Мен масала жуда очилди, деб билганлигимдан, шубҳа йўқ, биринчи қароримиз Собировни раисликдан олиш бўлса, иккинчиси унинг ўрнига раис белгилаш бўлади. Иккинчи масаламизнинг ҳалли ҳам биринчиси каби жуда қулай кўрунади, чунки юқорида айтканимча, биз синалган ўртоқларға эгамиз. Мен ўз томонимдан раисликка лойиқ ўртоқларни санаб ўтишга жасорат қиламан: биринчи – Обид кетмон (олқиш), иккинчи – Усмон полвон (олқиш), учинчига – ўртоқ Берди татарни кўрсатишим лозим бўлса ҳам, бироқ у ўртоқ колхоз партия ячейкасининг котиби бўлиб белгиланган (олқиш). Биз мана шу икки ўртоқдан бирисини танлаб оламиз. Шу номзодлар устида сўзлайтурганларга сўз берилишини сўрайман.

Усмон полвон сўз олиб, Обид кетмон учун ўз номзодини қайтарилиб олинишини сўрайди. Халқ унинг сўзини олқишлаб қарши олади. Орада ёлғиз Обид кетмон номзоди қолади. Ик-

¹ Иртикоб – бирор ноўрин ишни қилишга киришиш.

кинчига Обид кетмон сўз олмоқчи бўлади. Раис унга сўз бермай, яна сўзга Рафиқов чиқади:

– Мен ўртоқ Обид кетмоннинг нима демакчи бўлганлигини яхши биламан, – дейди, – мен қаттиққўлли, чарчашни билмайтурган бир одамман, балки бунда баъзи ўртоқларга ёқмасман, демакчи бўлади. Иккинчи хил қилиб айтканда, илгари хўп ўйла, ундан кейин мени сайла демакчи. Тўғри, Обид кетмоннинг қаттиққўллиги бор, чарчамаслиги бор, биз буни икки-уч куннинг ичидаёқ билиб олдик, бироқ колхоз учун шундай киши керак, шусиз колхоз колхоз бўлмайди. Мана шунинг учун Обид кетмонни бу ўрунда лойиқ топамиз, бир томондан ўйлаганда, Обид кетмон тўғри айтади, менинг зарбим қаттиқ, йил – ўн икки ой колхозчига тинчлик бермайман, дейди. Дуруст, Обид кетмоннинг бу сўзи устидан қараганда, меним ҳам юрагимни уюштиради (кулги), бироқ натижага келганда, бой ва тўқ турмушдан, бахт ва саодатдан бошқа гап эмас. Мен ҳам Обид кетмонни сайлашдан илгари колхозчиларга масаланинг шу томонини ўйлашни таклиф қиламан.

Бу тўғрида ҳеч ким сўзга чиқмайди. (Теварақдан «Майли, бизни ҳар қанча ишлатса ҳам, розимиз». деган товушлар эшитилади.) Обид кетмон товушга қўйилмоқчи бўлиб турганда, Аҳмад тоға сўз сўрайди. Унга сўз берилади.

– Обид кетмоннинг раис бўлишига қаршилигим йўқ, – дейди Аҳмад тоға, – мақсадим шундаки, колхозга раис бўладиган киши намозхон бўлса ҳам майлими, бунга ҳукуматларимиз нима дер эканлар.

Аҳмад тоғанинг сўзи халққа кулги беради. Баъзилар бу тўғрида ўйлаб қоладилар.

Рафиқов жавоб учун раисдан сўз олади:

– Намоз ўқуш, ўртоқлар, кишининг хусусий иши, биров кўпчиликнинг ишига ва ҳукуматнинг сиёсатига зарба бериш учун намоз ўқир экан, албатта, ҳукумат бунга йўл қўёлмайди. Аммо ҳар икки томонга зарарсиз равишда биров намоз ўқир экан, бунга ҳукумат ҳеч нарса демайди. Меним фикримча, Обид кетмоннинг намози шу кейинги йўлда бўлса керак («тўғри», деган товушлар), шунинг учун Обид кетмоннинг ўқуған намози унинг колхозга раис бўлишига моне бўлмайди. Мен ўз томонимдан сўраб ўтар эдимки, ўртоқ Обид кетмон намозни камроқ ўқуса эди (кулги), сиз, ўртоқ савол бергувчи, ўзингиз намоз ўқуйсизми?

Аҳмад тоға довдирайди.

– Ҳа, унча-мунча...

– Хўп, – дейди таажжуб билан Рафиқов, – мен сизнинг саволингиздан Худосизмисиз деб ўйлаган эдим... Бу саволни беришга сизни нима мажбур қилди?

Аҳмад тоға жуда ҳам шошиб қолади...

– Мен шундай... Ўзим...

– Йўқ, – дейди Рафиқов, – бундай саволни Худога ишонмаган бир киши берса, сўраб ҳам ўлтурмас эдим, бироқ сиз ўзингиз Худога ишониб туриб шундай саволни берасиз? Колхоз аъзосимисиз?

– Колхоз аъзосиман.

Халқ жуда ҳам диққат билан Рафиқовнинг саволларини тинглаб қолади.

– Яхши, – дейди Рафиқов, – сизнингча, колхозга Худога ишонган киши раис бўлса яхшими ёки ишонмаган?

Аҳмад тоға гангийди, ўзининг фойда-зарарини ажратолмай шошади...

– Худога ишонган киши... тузук бўлар дейман.

– Тўғри айтдингиз, – деб кулади Рафиқов, – энди шунда сиздан бир ёпишмаган қилиқ келиб чиқади: Худойли кишини ўзингизга яқин кўрганингиз ҳолда, нега Обид кетмонни намоз ўқуши билан айбламоқчи бўласиз?

Аҳмад тоға оғиз очолмай анқайиб қолади. Халқ гурр этиб кулуб юборади.

– Кулмангиз! – дейди Рафиқов жиддий (халқ кулгидан тўхтайтиди). – Мен бу ўртоқнинг қандай киши эканлигини билмайман, бироқ бу киши синфий душманга сотилган одам! Меним саволларим билан бу кишининг жавобларини яхши тушуниб борингиз. Даъвоси билан иши тамоман бир-бирисига зид, нега бу бундай? Чунки устозларидан кўр-кўрона таълимни олиб, ўзига тегатурган гапни сира ҳам ўйлаб қарамаган. Устозлари ким деб сўрайсиз, устозлари ҳаммангизга маълум. Обид кетмоннинг намоз ўқуши билан улар нима қилмоқчилар деб ҳам кўнглингизга келади. Улар Обид кетмон каби бир киши колхозга раис бўлишидан жуда ҳам кўрқадилар; чунки Обид кетмондек киши колхозга раис бўлса, колхознинг гуллаши аниқ, колхознинг гуллаши эса уларга ёқмайди. Шу ҳолда Обид кетмоннинг айбини кўрса-

тиб, уни колхоздан йироқлаштирмоқчилар (халқ чапак ча-либ юборади).

Рафиқов Аҳмад тоғага қараб хитоб қилади:

– Сиз бориб устозларингизга айтинг: Обид кетмон намоз ўқуса ҳам, майли эмиш денг, ўзингиз агар уларга чинлаб хизмат қилатурган бўлсангиз, таълимни дурустроқ олинг. Бундақанги пахтаси оқиб ётмасин...

Кулги ва чапак бошланиб кетади. Аҳмад тоға қизарган ҳолда мажлисдан чиқиб қочишга мажбур бўлади. Шу ҳангомадан сўнг Обид кетмоннинг номзоди овозга қўйилиб, бир оғиздан раисликка сайланади.

Қарорнинг учинчи қисмида майда чорвалар, сутли ҳайвонлар ва колхозга олинган ғаллалар эгаларига қайтарилишига қарор қилинади.

4. КОЛХОЗ ЖОНИ

Эртаси куни идора мажлиси йиғилиб, колхозни қитъаларга бўлиш, уларга бригада ва бригадирлар белгилаш, текширилиб чиқилган колхоз ерлари ҳақида учлик комиссиянинг маърузаси каби муҳим масалалар қаралади.

Рафиқовнинг фикри билан колхоз етти қитъага¹ бўлинади: буларни «бўлтак» деб аташга қарор қилинади. Бўлтакка кирадиган колхозчининг адади² ҳозирда аталмайди, чунки ҳали яна колхозга ариза берувчилар бўлар эҳтимоли туради. Баҳарҳол ҳозиргача тараддудда турган ўн-ўн беш ўрта ҳоллар ҳам колхозга кириб, қишлоқ ёппа коллективлашганда ҳар бир бўлтакда ўн беш киши бўлиши чамада тутилади. Бригадирлар белгилаш масаласи енгил ҳал қилинади, чунки бу ерда ўлтурганлардан Рафиқовдан бошқаларга қайси бўлтакда кимнинг тажрибаси, ғайрати ва обрўси кўпроқ маълумдир. Жумладан, 4-бўлтакка Усмон полвон бригадир бўлиб белгиланади. Ҳа, айтканча, бригадир ҳам «бўлтакбоши» деб аталмоқчи бўлади. Колхоз ерларининг ҳоли тўғрисида учлик комиссиянинг маърузаси эшитилади. Комиссиянинг фикрича, ўн беш гектар беда эскирган, ерини ҳайдаб пахтага берилса, қолмиш ўттуз беш гектар беданинг ўзи ҳам, агар яхши тарбия қилинганда, колхоз эҳтиёжи-

¹ Қитъа – алоҳида, бўлак ер.

² Адад – сон, миқдор.

га кифоя қилади. Ўн гектар чамаси ер жуда ҳам ориқ, гўнг солинмаса, у ердан ҳосил олиш шубҳали, йигирма гектар чамаси шу чоққача қишлоқ моллариға яйлов вазифасини ўтаб келган тўқай чимзорни ҳайдаб экин қилиш. Кейинги масала устида комиссиянинг ўзи ҳам бир фикрга келолмаган бўлади. Усмон полвон ернинг сизоти яқин ерга жўхори экиш билан шўрини кеткизиш мумкин бўлса ҳам, бироқ сизотли¹ жойда пахта ўстириш имконияти йўқ, деган фикрда бўлади. Обид кетмон билан Карим ота фақат чим ва тўқайни бузишгина қийин, бузила олса, сизотни зовурлар воситасида силжитиб юбориш мумкин, деган фикрни арз қиладилар.

– Бу чимзор бир-икки йилнинг ичида колхознинг энг ҳосилдор бўлтаги бўла олар эди, – дейди Обид кетмон, – шунгача уч-тўрт минг пуд донини олиб турар эдик. Қоп-қора кўмирдек тупроғиға суқ киради... Трахтирга чимзорни бузуш жуда ҳам энгил деб эшитаман, ўйлаб-негиб турмай, трахтирни чимзорга тушира беришни таклиф қиламан!

Баъзилар трактор кучини чимзорга берсак, бу ёқдаги экин орқага силтаниб кетмасми, деган шубҳа баён қиладилар.

Обид кетмон бу ёқдан қўрқмайди:

– Эртага бизга ўн бешта сўқа келиб қўшулса, ишни орқага силтаб ётган омовдан қутулаёзамиз! – дейди, – бириси кун учинчи ҳайдовга ўта оламиз, бизни қўлимизда ҳозир то чигит тиккунчалик ўн икки кун фурсат бор. Шу фурсат ичида ер олти ҳайдалса мумкин, бу ёқдан мен камчилик топмайман.

– Ернинг неча ҳайдалиши ҳосил олиш учун фойдалиқ бўлади? – деб сўрайди Рафиқов.

– Менинг фикримча, ерни пишитишга келганда, бир чегара қўйиш мумкин эмас, – дейди Обид кетмон, – биз келаси йилларнинг фикри билан бу йилча олтига кўниб тўхтаимиз. Олти ҳайдаш шу кунгача деҳқонлар орасида таомил бўлиб келган ишлашнинг энг юқориси ҳисобланади.

Рафиқов ва Берди татарлар Обид кетмоннинг трактордан фойдаланиб тўқайни бузуш фикриға қўшуладилар. Мардонбой чимзорни бузсак, қишлоқ моллари яйловсиз қолади, деган фикр баён қилади. Обид кетмон унга ҳам маъқул жавоб бериб ўтади:

– Ёз кунлари қишлоқ моллари ҳар бало билан ҳам кечина беради, – дейди, – ҳолбуки, молни қишда боқиш оғир. Бизнинг

¹ Сизот – зах, сувли ер.

яйловимиз бузулиб, жўхори экилганда, бир неча минг пуд дон олиш устига бутун қишлоқ молларини қишдан чиқарарлик жўхори пояларга ҳам эга бўламиз.

Натижада шу қарор қабул қилинади, «Комиссия кўрсатган ўн гектар эскирган беда жойини бузиб пахтага беришга, трактордан биринчи навбатда чимзорни бузишда фойдаланишга, унинг ер ости сизотини ҳозирданоқ текшириб қурутиш ҳаракатига тушишга».

Энг шилта¹ ва ориқ деб топилган ўн гектар ерга гўнг тўкиш устида музокара қилинади.

Гўнг топиш иложи кўрунмайди, Обид кетмоннинг ўз сўрови бўюнча бу ерни кучайтириш тадбири унга ҳавола қилинади.

Навбатдаги масалада идора аъзолари ўртасида тақсим қилинган вазифалар яна бир қайта текширилиб ўтади. Баъзи ўзгаришлар киритилади: колхоз раиси Обид кетмон, (бундан ташқари ҳосилот учлигининг раиси, бўлтаклар раҳбари), муовин Мирсоат (идоранинг ички ишларини олиб боради, колхозчиларнинг кундалик муомалаларини идора қилади, район ва пахта пункти, умуман, ҳукумат билан алоқа ишларини юритади), Мардонбой хўжалик мудирини (колхоз ишчи ҳайвонлари, асбоб-ускуналарни, молларни идора қилади, хазинадор, колхознинг ҳозиргача тузулган ва энди тузулатурган устахоналарнинг идораси ҳам шунинг қўлида, ҳукуматдан олинатурган сўқа, мола, машина каби буюмлар ҳам Мардонбой воситасида бўлади); Усмон полвон ҳосилот учлигининг аъзоси (доимий иши бўлтакбошилиқ); Берди татар – далалар мудирини (колхоз тафтиш комиссиясининг раиси, бу вазифалар колхоз ячейка котиби бўлиш устига замланади). Бошқа идора аъзоларига ҳам шунинг сингари тоифалар бир оз ўзгартиш ва тўлатиш билан тақсим қилинғандан сўнг колхознинг тугатилган хўжаликлардан олинган ўн бир бош сигири тўғрисида Мардонбойнинг маърузаси эшитилади.

Мардонбойнинг сўзига қараганда, сигирларни соғиш, сутларини тарқатиш каби хўжалик ишлари айниқса қўш қизғин борган вақтда қўл тутар эмиш. Маърузаси охирида бу сигирлардан ўзини қутқаришни сўрайди, бирмунча фикр олишгандан сўнг Мардонбойнинг таклифи тўғри топилиб, сигирларни энг муҳтож ва сигирсиз камбағалларга бериш қарорига келинади.

¹ Шилта – ташландиқ, изза ер.

Бу қарорға асосан Обид кетмон қарши чиқмаса ҳам, бироқ қуруққа бергиси келмайди. Ҳозирдан бошлаб то ердан ҳосилни йиққунчалиқ, сигирларни ижтимоий мусобақа мукофотиға фойдаланмоқчи бўлади. Мардонбой кулади, «Мени бугуноқ сигирлардан қутқариш фикрини қилингиз», дейди. Мулла Обид шунда ҳам унинг бугуноқ сигирлардан қутулишини сўзлаб, фақат баъзи шартлар билан сигирсизларга вақтинча берилишини билдиради. Мардонбой яна эътироз қилади: «Балки мусобақада биринчиликни сигирли кишилар олар, биров икки сигирли бўлиб, иккинчи киши битта сигирга ҳам эга бўлолмас», дейди. Мулла Обид яна бўш келмайди. «Биз мусобақаға қўядиган сигирлар – қишлоқнинг энг яхши сутли сигирлари, бу сигирларни сигирли ҳам, сигирсиз ҳам ўзиники қилмоқчи бўлади. Биз бундай қиламиз: агар мусобақада биринчиликни олғувчи башарти сигирли бўлса, ўзининг ярамас сигирини бизга берсин-да, мукофотга белгиланган энг яхши сигирни ўзиники қилсин. Биз эса ярамас сигирни мусобақада иккинчи даражада қолган сигирсизларга берамиз», дейди. Рафиқов Мулла Обиднинг қувлиғидан кулуб юборади ва маъқуллаб чапак чалади. Бошқалар ҳам Мулла Обиднинг фикрига қўшулиб, шу қарорни колхозчиларга эълон қилиш баробарида сигирларни вақтинча сигирсизларга беришга қарор чиқарадилар.

Навбатдаги масалада янгидан колхозга киришга тилаб берилган аризалар кўрулади. Аризалар саккизта бўлиб, орада Мулла Мухсин домланинг аризаси ҳам кўрунади. Бошқа аризалар бир оғиздан қабул қилинсалар ҳам, бироқ Мулла Мухсин домланики устида тихирлик туғилади. Мулла Мухсиннинг ўз дастхати ва таҳрири билан ёзилган ариза мажлисга яхшигина кулги беради.

«Омманинг қозониға бир жаз бўлсам деб»... битирилган аризага бошлаб Берди татар қарши чиқади:

– Колхознинг қозони ҳар хил «жазлар»ни қабул қилолмайди, домла колхоз қозонида пишмайтурған чандир, – деб яна мажлисни хахолатади.

Натижада ариза устига шундай сўз ёзиб қайтарилади: «Мулла Мухсин домла колхоз ишига ярамайди, оғир меҳнатга чидамайди, агар ўғли колхозга кирмоқчи бўлса, алоҳида кўрулади».

Тиктепа учун ҳеч бир кутулмаган ажойиб трактор «махлуқи»ни кўриш қишлоқнинг катта-кичигини шошириб қўяди. Тракторнинг қишлоққа кирмай туриб бир чақирим наридан «пат-

пат» патиллаб жар солиши уйдагиларни кўчага чиқишга, ишдагиларни ишни тўхтатишга мажбур қилади.

– Бу товуш нимаси, бу яқинга завод-ку қурулмаган, – деб бир-биридан сўрашади қишлоқликлар.

Колхознинг гузар саройидаги молларнинг бир қисмини боқишга мутасадди бўлган Мирвали банги дарҳол тушунмовчиларнинг ёрдамига етади:

– Бу колхоз товуши, – дейди ҳаммани ўз оғзига қаратиб, – биз колхознинг суратини ясадиқ, ҳукумат бўлса бу суратга жон юборяпти... шошмай тур. Нишон қўтир, ҳозир колхознинг жонини ўз кўзинг билан ҳам кўрасан.

Мирвали банги таъбирича, колхоз жони – трактор ҳаммани ҳайрон қўйиб, гузарга келиб тўхтади, уни Рафиқов бошлиқ идора аъзолари чиқиб қаршилайдилар. Тракторчи Салимов МТС томонидан «Четан» номига ёзиб юборилган ордерни тақдим қилар экан, остидаги машина теварагини сириб олган катта-кичик қишлоқликларнинг таажжубидан илжайиб қўяди.

Ордерни қабул қилиб олган Рафиқов Мулла Обидга узатади.

– Трактор сизнинг ихтиёрингизга, ўртоқ раис, – дейди маъноли кулуб, – ҳозирги дақиқадан бошлаб чим бузасизми, тўқайми – ихтиёр сизга.

Мулла Обид ҳам биз ўйлаган галварслардан эмас, тик этганга тушунади, яъни Рафиқовнинг ҳозирги кулуши маъносига бегона қолмайди... Кечаги кун Рафиқов билан учрашканда, «Сиз трахтир дейсиз... ҳолбуки, ўзидан дарак йўқ» деб ўзининг ишончсизлигини билдирғанди. Рафиқов «эртага» жавоби билан Мулла Обид пичингидан қутулган ва бир-икки бурда нон «меҳмондорчилиғиға» ҳақли бўлган эди. Ҳозир Мулла Обид ундан ордерни олар экан, маъноли илжайиб қўяди:

– Ишондим... – дейди, – мен эмас, бутун қишлоқ меҳнаткашлари ишондилар; гўёки ҳукумат трахтир юбориб, колхозизмизни тасдиқ қилди.

Рафиқов гарангнинг золлиғиға¹ ичидан таҳсин қилади. Мулла Обид Рафиқовдан бошлаб чимзоргами ёки эски бедапояларни бузишгами кенгаш сўрайди.

Ичкаридан бирга чиққан идора аъзолари трактор ишини кўришга қизиқсинганликларидан бошлаб яқинроқдаги бедапояни бузишни, ўзлари ҳам бирга томошага боришни таклиф қиладилар.

¹ Зол – ишбилармон, тадбирли.

Мулла Обид кўнади, трактор бедапояга йўл солади. Идора аъзолари – шулар ичида Рафиқов, Мулла Обид ва ажойиб «махлуқ» теварагига йиғилган катта-кичик қишлоқликлар трактор ёни билан яёвлайдилар.

Бедапояга етқач, тракторчи Салимов «махлуқни» ер ҳайдашга созлайди, қуйруққа тиш жойлайди. Кўпларга «ҳикмати» маълум бўлмаган мурватларни бурайди... Энг сўнг «махлуқ»нинг «оғзини очиб» банкада бир нарса қуяди. Мирвали бангининг фикрича, «жонворнинг ейдиган хўраги» бўлса керак...

«Жонвор» ишга киришади, бедапоянинг томирли тупроғидан ярим газни кесиб чаппа қила бошлайди, қишлоқликлар таажжубдан чапак чалиб юборадилар.

– Вой Худойнинг қудрати, – дейди Карим ота.

– Илми ҳикмат бунда экан, – дейди Усмон полвон.

– Хўкузларимизнинг шохини синдирди, – дейди Мирвали банги.

Кўлги, қий-чув, олқиш... Мулла Обид илжайган кўйи тракторнинг ишига узоқ қараб туради. Ағдарилиб борган турпоқнинг қалинлигини чамалаб қарайди.

– Олти вершиқ – роса бир кетмон.

Рафиқов уни тасдиқ қилади. Идорага қайтадилар.

Буқун Рафиқов Дўстариққа бормоқчи. Мулла Обид ҳам бирга бориб, пахта пункти билан шартнома тузмакчи ва йўлакай сўқа ва бошқа машиналарни аравага ортдириб қайтмоқчи.

Мулла Обид шартнома устида баъзи колхозчилар каби у қадар савдолашмайди. Районда қабул қилинган энг юқори ҳосил бўйинча ҳар бир гектарга ўн уч центнер, яъни саксон пуд миқдори пахта бермакчи бўлиб, шартномага қўл қўяди. Ер саккиз юз ўттуз беш таноб, ёки юз олтмиш етти гектар, шундан кузда икки минг бир юз етмиш центнер ёки икки юз уч тонна чамаларида пахта топширмакчи бўлади. Пахта пункти эса ҳозирда «Четан»га шу шартнома устидан минг пуд ун, юз пуд мой, беш минг сўм пул беради. Башарти «Четан» шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ пахта берса, ортган миқдорнинг ҳар бир пудига мукофот тариқасида бир пуддан буғдой олади. Шартнома устида ҳозир бўлган баъзи колхоз раислари бу ёққа чиққанда Мулла Обидни шилталайдилар.¹

– Юқори кетдингиз, шартномани тўлдира олмайсиз.

Мулла Обид қўл силтайди:

¹ Шилталамоқ – айблов, жавобга тортув.

– Мен гектариға юз пуд десалар ҳам, қабул қилар эдим, – дейди, – холонки, саксон пуд, бу ҳеч гап эмас.

Рафиқов Мулла Обидга сўқа ва машиналарини олиб беради. Мулла Обид уларни қишлоқдан борган араваларга ортдириб қайтади.

Айниқса, трактор ишлай бошлагандан сўнг, колхозчилар яна ҳам жонланиб кетадилар. Мирвали банги айтканча, трактор колхозга жон бўлиб келади. Дуруст, трактор ўзининг ўн беш кунлик ишида икки таноб беда ва юз таноб чамаси чимзордан ортиқча ерни ҳайдаб беролмайди. Аммо колхозчиларга далда ва руҳ беришдаги маънавий хизмати айтиб битиргисиз бўлади. Колхозчилар колхозга муҳаббат боғлайдилар, азтаҳидиллашадилар.¹

Мулла Обид ерни олти ҳайдаш ниятига етолмайди, орада кети узулмай икки кун ёғмур ёғиши, қатордан уч кун қўшни тўхтатишга мажбур қилади. Ёғмурдан сўнг бешинчини ҳайдаб мола босиб юборадилар, чунки ўн бешинчи апрел келиб етади. Мулла Обид, Усмон полвонлар тажрибасича, экинни ўн бешинчи апрелдан ҳам кечиктириш, агар куз эрта тушганда ҳосилни тубанлатиб юборади.

Бир қишлоқ шўроси бўйинча уч колхозга бир агроном белгиланган. Бу уч колхоз ичида иши олға борган «Четан» ҳисобланади. Гарчи нариги колхозлар ерни икки ҳайдаб экишга ҳозирлик эълон қилсалар ҳам, бироқ «Четан»чилардан олти ҳайдаш дарагини эшитган Рафиқов уларга экишга руҳсат бермай, яна ҳайдашга буюради. Биринчи навбатда агроном Федосов билан бирликда «Четан»га келади.

Бу йил деҳқонлар учун жуда ҳам янгилик ҳисобланган машина усули билан экиш, ҳар етти бўлтакда жўяк олиш ва экишни бирдан бир кунда бошлаб юборишга имконият бермайди. Биринчи кун ҳар бир бўлтакдан бўлтакбоши ва бошқа икки колхозчи билан уч кишидан бўлиб Усмон полвон бўлтагига йиғилиб келадилар. Бунда Рафиқов бошлиқ, колхоз идора аъзолари, Усмон полвон бўлтакчилари ва олти бўлтак вакиллари агроном Федосовдан янги усул экишни, машина юргузишни ўрганадилар. Тажрибали кишиларга таълим тез таъсир қилади. Тушга етмасданоқ бошқа бўлтакдан келган меҳмонлар имтиҳондан ҳам биринчилик билан ўтадилар. Агроном билан улар орасида

¹ «Астойдил» сўзининг асли, юракдан, демоқчи.

айтарлик англашилмовчилик туғулмаса ҳам, бироқ яноқ жойнинг жўяги устида бир оз жанжал бўлиб кечади:

Федосов жўякни яноқ бўйинча юргизишга буюради, Усмон полвон эса буни ўз тажрибасига тамом тескари ҳисоблаб, яноқни кесиб юрутишни таклиф қилади. Бошда Федосов унинг фикрига тушунмайди, ўз билганича иш қилмоқчи бўлади. Усмон полвон Федосовга гап уқдира олмагандан сўнг, Рафиқовга қатъий мурожаат қилади:

– Агар яноқнинг жўяги агрономнинг кўрсатишича тортилтурган бўлса, мен яноқларнинг жавобгарлигини ўз устимга ололмайман, – дейди ва агрономнинг хатосини бир неча жиҳатлар билан исбот қилади, – аввал шуки, яноқ бўйлаб тортилган жўяк билан ғўзани сувга тўйдириб бўлмайди, агар оқма қилиб захлатмақчи бўлсақ, ўн кун сув оқизган билан ҳам захлатолмаймиз; сув жарга қараб югуради; бундан бизга неча хил зарарлар бор: биринчи – ғўза сувга тўймайди, бинобарин, яхши ўсолмай зира бўлиб қолади, демак, ҳосилдан урдирдиқ; иккинчи – захлатиш учун бир ўрунга беш баравар сув оқиздиқ, айниқса, бизнинг учун тириклик ҳисобланган бир фурсатда бир ўрунга беш баравар сув исроф қилиш, қийматли сувни жарга оқизиб юбориш – бу сувдан урдириш; учунчи – бир ўрунга беш баравар сув оқизгандан сўнг беш баравар суғорувчи кучи талаб қилади, бу – вақтдан ва кучдан урдириш.

Рафиқов Усмон полвоннинг жавраш ва эътирози маъносиға тушунгандек бўлиб, жанжалнинг устидаги деҳқонларга мурожаат қилади:

– Отанинг гапи тўғрими?

Агрономдан бошқалар тўғрилигини тасдиқ этадилар.

– Ана, – дейди Усмон полвон, – бу тўғрида бизнинг ота-бодан қолган бир тажрибамиз бор: биз яноқ жойнинг жўягини кесиб соламиз, сувни алдаб, айлантриб юритамиз, сув алданиб, айланиб юрганда, экин остида узоқ тўхтаб, экинни яхши тўйдириб ўтади. Айланма сув этакка бориб етканда, суғориш тамом бўлади. Бунда, биринчидан, ҳосил яхши, иккинчидан, қийматли сув жарга оқиб кетмайди, учунчидан, киши кучи ҳам ортиқча сарф бўлмайди... Мен текис ер учун агрономнинг ҳамма фикриға қўшуламан, бироқ яноқ тўғрисидаги таълимини сира ҳам қабул қилмайман.

Рафиқов Федосовга Усмон полвон ва бошқаларнинг эътирозларини, эътироз сабабларини узоқ англатади... Агроном Федосов ҳам ўз хатосига тушуниб, бирмунча ройишлашади¹ ва «унингча, қандай бўлса керак» деб сўрайди.

– Менимча, яноққа машина усули тўғри келмайди, эски жўяк равиши маъқул.

Рафиқов таржима қилади.

– Хўп, – дейди Федосов, – пусть по ихнему будет.

Жанжал ҳал қилинғандан сўнг, «Четан» бўюнча экин усули: текис ерларда машина, яноқларда эски жўяк равиши қабул қилинади. Бўлтаклардан йиғилган колхозчилар ўз жойларига тарқаладилар. Ози саккиз юз таноб жойга жўяк олиш ва чигит экиш у қадар енгил иш эмас. Машина билан жўяк олиш ва экиш ишга катта енгиллик бағишласа ҳам, бироқ яна колхозчиларнинг хотин-қизларини ва ўспиринларини бир ҳафтага ёппа сафарбар қилишга тўғри келади. Йигирма иккинчи апрелда экишдан қутулинади. Мулла Обид ва партия ячейкаси Берди Шодиев имзоси билан район партия кўмитасига рапорт йўллайдилар:

«Партия, ҳукумат раҳбарлиги ва ёрдамида ташкил этилган колхозимиз «Четан» шартномада кўрсатилган миқдор ерга йигирма иккинчи апрелда юз фоиз чигит экиб битирди».

Пунктдан олинган ун ва мой каби озиқлар чигитни экиб битиргандан сўнг аъзоларга тарқатишга қарор қилиниб, ҳозиргача тўхтатилган эди. Энди шуларни тарқатиш масаласи идоранинг мажлисида кўрулганда, бирмунча англашилмовчилик туғулиб ўтади. Берди татар ва Мирсоатлар ун ва мойни барча аъзолар сонига ҳисоблаб, тарқатиб юбориш таклифида бўладилар.

Мулла Обид ва Усмон полвонлар ҳозирча ун ва мойдан бир қисмини тарқатиб, қолмишини биринчи чопиқдан сўнг тарқатиш фикрини айтадилар.

Берди татар ўз таклифидаги маслаҳатини бериладиган ун билан мойни колхозчиларга мўмай ва баракали тарзда бериб, уларнинг муҳаббатини колхозга мустаҳкам боғлатиш юзасидан деб кўрсатади. Мулла Обидлар бўлса кўпроқ иш вақтини кўзда тутадилар:

– Аъзоларнинг кўпи тўйса очиқишини ўйлаб турмайди, – дейди Мулла Обид, – хўб... биздан мўмай ун, мойни олғандан сўнг баъзиси катта-катта ейишга бошлайди, баъзилар бозор-

¹ Ройиш – сўзга кирмоқ, кўнмоқ.

га чиқариб сотишдан ҳам тоймайди. Шу йўсун олган озиқни бир ойда битириб, айниқса, чопиқ вақтларида қоқланиб, биздан озиқ сўрайди. Биз беролмасак, ишга чиқмайди, ишга чиқмагандан кейин, хўб... экин расво бўлди деган сўз.

Берди татар маслаҳатда бирмунча тушуниб етса ҳам, Мирсоат билан Мардонбойлар ҳануз бирдан тарқатишда исрор қиладилар ва бунинг учун яна ҳукуматдан ун, мой берилиш эҳтимолини сўзлайдилар.

– Хўб... – дейди Мулла Обид, – башарти берилмай қолса-чи, биз ўзимиз топиб бера оламизми?

– Берилганда ҳам тарқатишимиз осон гап, – дейди Усмон полвон, – шунда ҳам менга қолса, озиқни ҳар бир чопиқ ёки шунинг сингари маъраканинг иш бошланишига тақсим қилиб, оз-оз тарқатганимиз маъқул.

Натижада Мулла Обидлар таклифи қабул қилиниб, ҳозирча ҳар бир аъзога беш пуд ун, ўн қадоқ мой тарқатишга қарор қилинади (яъни уннинг ярмисини, мойнинг тўртдан бири).

Экиш чоғида ва ҳозирда ҳам аъзолар ўртасида Мулла Обид устидан норозилиққа ўхшаш тўнғир-тўнғир гап давом қилади, чунки Мулла Обид аъзоларнинг ўзлари экиб олатурган элли таноб чамаси ерни энг орриқ ва шилта жойдан олиб қолган.

– Биз бу шилта жойга қалампир экамизми? – дейдилар.

– Бу шилтада қалампир тугил, эшакмия ҳам ўсмайди, – дейди иккинчилар.

Бу тўғридаги норозилиқни ҳар соат неча кишидан эшитиб турган Берди татар Мулла Обидни койишга мажбур бўлади:

– Колхозчиларнинг хусусий фойдаланишига шилта ерни қолдириб бекор қилгансан, ошнам, – дейди, – лоақал кўмма¹ учун ҳам гўнгимиз қолмади.

Мулла Обид бепарво қўл силтайди:

– Эпи топилади... Хўб... Биз чигитни экиб битирдик, энди қатқалоқдан қутулсак, чопиққа ўта берамиз. Шунгача бизда бўш вақт бор. Шу бўш вақтни бекорга ўтказмаслик керак. Бизда наригилардан олинган тоқлар бор, поялар бор, шуларни шу кунда ишлаб олиш керак эди... Ҳали аъзоларнинг ўзларида ҳам бир таноб-ярим таноб боғлар бор, улар ҳам чопиққача ўз ишларидан саранжом олиб, тайёр турушлари зарур эди.

¹ Кўмма – ўсимлик уруғини чуқурчага гўнг солиб экиш.

Мулла Обиднинг бу сўзи Берди татарнинг шилта ер устидаги койишини иккинчи даражага тушуриб қўяди. Ҳақиқатан қишлоқнинг бир юз элли танобдан юқори ҳисобланган боғлари ҳали қўл тегизилмаган ҳолда ётади...

– Рост айтасан, ошнам, – дейди Берди татар, – бу тўғрида идора мажлиси қилишимиз керак экан.

Мулла Обид нима учундир ҳар бир тўғрида мажлислар қуриб турушга унча завқли эмас.

– Мажлис-ку керак бўлмас... Ҳар бир бўлтакда наригилардан олинган боғлар бор, ҳар бир бўлтак шу боғни ишлашга мажбур. Хўб... Бу масала шу билан ҳал, – деб илжаяди Мулла Обид. – Хўб... Ҳар бир бўлтакдаги аъзоларнинг ўзларига яраша боғлари бор, шу боғларни ҳар бир аъзонинг ўзи ишлаши лозим. Бунинг албатта колхоз учун дахли йўқ. Бироқ бизнинг чопиғимиз нуқтасидан катта дахли ҳам бор. Хўб... Аъзоларимиз чопиқ бошлаган вақтда боғимни ишлаб оламан, деб ўлтурса ярамайди. Шунинг учун мана шу бўш вақтда уларни ҳалигидек ишларга қистаб солсақ...

– Рост айтдинг, бўлтакбошиларни йиғиб, мажлис қилиш керак дегин-чи?

Мулла Обид нима учундир кулуб қўяди.

– Мажлис... мажлиснинг ҳожати йўқ, бўлтакбошиларга бу тўғрида оғзаки хабар берсақ, ишлаб битириш учун муҳлати кўрсатилган бир қоғозга қўл қўйдириб олсақ кифоя.

– Рост айтдинг, – дейди Берди татар, – муҳлат куни боғ ишларини битирганлиги тўғрисида идорага хабар бериши ҳам керак дегин-чи.

– Албатта, – дейди Мулла Обид ва саркотибга ҳалиги мазмун билан бўлтакларга умумий бир қоғоз ёзишга буюради, – бўлтакбошиларга тушунтириб, шу қоғозга қўл қўйдириб қайтиш учун сизми, менми керак бўламиз, чунки биз борсақ, уларга ишнинг муҳимлиғи, масъулиғи маълум бўлади.

– Мен борай, – дейди Берди татар, – бу хизмат мендан бўлсин! Ким, сен Усмоннинг боласи, чиқ, менга бир от эгарласинлар.

– Хўб... – дейди Мулла Обид, – сиз айланатурган бўлсангиз, қаттиқ таъкидлангиз, худди кўрсатилган муддатда ишни тамомласинлар, чунки шундан кейин яна бир зарур ишимизга навбат келади.

Берди татар бошини қашиб олади...

– Яна қандай зарур ишимиз бор?

– Ҳалиги сиз айткан шилта ер иши.

Берди татар елкасини қисиб қўяди...

– Шилта ер бошқа ерлар қаторида беш ҳайдалди, ҳозир жўяк олишдан бошқа иши йўқ. Лекин у ерга овора бўлиб экин экмасак ҳам бўлади... Бу тўғридаги хатонгни бўйнингга ол, ошнам!

– Биз қишлоқни тозалаш куни ўтказамиз, – деб илжаяди Мулла Обид, – боғ ишидан кейин бир кун бутун аъзоларни йиғиб қўрган ичларини, оғилларни, култепаларни, кўчаларни, гузарларни тозалаймиз, шулардан тўпланган ҳамма ахлатларни йиғиб, сиз айткан шилта ерга ўттуз аравалаб ташиймиз!

Берди татар бир оз ўйлаб тургандан кейин илжаяди:

– Рост айтдинг... Сенинг билганингни шайтон ҳам билмайди.

Мулла Обид илжайиб қўяди.

– Бу йўлда йиғилатурган гўнг менинг хаёлимга келган бўлса ўлай, азбаройи Худо, бу ишканинг йўлини топибсан. Биринчи май тўғриси билан, ҳам қишлоқ тоза, ҳам шилта ер семиз! Яшасин, «Четан»нинг раиси Обид кетмон!

Саркотиб Умарали Берди татарнинг тантанасига қўшулиб кулади.

5. КЎҚДАН ТАБРИК

Йигирма саккизинчи апрелгача колхоз ва колхозчиларнинг хусусий боғлари ишланиб битади. Ҳатто Усмон полвонга ўхшаш бўлтақлар йигирма еттинчи апрелдаёқ боғ ишларини битирганликлари тўғрисида идорага рапорт топширадилар.

Етти бўлтақнинг ҳаммасидан ҳам ҳалигидек рапорт олингандан сўнг, Мулла Обид йигирма тўққузинчи, ўттузинчи апрел кунларини умумколхоз аъзолари ва уларнинг қўлидан иш келатурган оилалари учун қишлоқни тозалаш куни, деб эълон қилади. Бу эълон табиий, баъзиларга унчалик ёқмайди, баъзилар тозалаш аҳамиятига тушуниб етмайдилар.

– Биз ахлатдан гўнг чиққанини шу ёшга келиб эшитмаганмиз!

– Кишининг тўпписи тор келганда, қумалоқни «кака»га ҳисоблаб қолар эмиш!

Бу хилда қўланса, чучмал гапларни Мулла Обид ёки чинлаб эшитмайди, ёки эшитса ҳам, аҳамият бермайди. Ўз мақсадига бир-икки кун илгаридан ҳозирлик кўриб масалани идорадан

тасдиқ этдиради ва бошда ўзи турган ҳолда Усмон полвон, Берди татарлардан мураккаб учлик тузиб, бу учликнинг вазифаси бирма-бир қўргонларга кириб чиқиш, кул, супуринди, ахлат, сомон ва похол чурукларига ўхшаш нарсаларни қўргон эгаларидан кўчага чиқариб тўктириш, деб белгилайди. Шунга ўхшаш идора аъзоларининг ҳар бирисига ҳам бир вазифа юклайди: Мардонбой колхознинг барча от-араваларини сафарбар қилади, Мирсоат кўчадаги гўнг аралаш турпоқ, ахлат каби нарсаларни йиғиштиришга мутасадди бўлади ва хоказо...

Иш бошланади... Бутун қишлоқ ҳаракатга келади. Ҳар бир қўргон эгаси ота-бободан «мерос» қолиб келган ахлатни бола-чақаси билан занбаллаб дарвозаси ёнига тўка бошлайди, ўттуз арава бирдан ҳаракат қилиб, бу «маблағ»ларни маълум ерларга қараб таший бошлайдилар.

Тозалашнинг биринчи куни яхши ўтади. Бир юз саксон арава ахлат далага чиқади. Бироқ Мулла Обид ўзининг бир хатосини англайди: унинг бошидаги фикри бир юз қўргон билан қишлоқ кўчаларидан уч юз арава ахлат мўлжаллаган эди. Биринчи куннинг натижасига қарағанда, ахлатнинг ярмиси ҳам далага кўчирила олмайди. Демак, иккинчи кун ҳам тозалаб битириш мумкин эмас.

Ўттузинчи апрелда устадан тузатилиб чиққан беш арава қўшулиб ишлайди, бу кун ҳам далага икки юз аравадан юқори ахлат чиқарилади. Учинчи кунга яна ярим кунли ахлат ортиб қолади.

Қўргонлар тозаланиб ва супурилиб, кўчалар покланиб, ёлғиз жой-жойда ахлат тўпланиб қолганликдан Мулла Обид тозалашни битганга ҳисоблайди. Эрталик иш учун тозалашдан қутулган колхоз аъзоларини иккига бўлади. Бир қисмини даладаги тўкилган ахлатларни ер бетига баравар ёйишга белгилайди, иккинчи қисмини янги очилган чимзор ердан зовурлар ўйишга тайинлайди.

Усмон полвон айтканча, чимзорнинг сизоти юзага бир газ яқинликда кўрунади. Сизотни бир даража қурутмаса ёки экинни ғовлатиб ҳосилсиз қилиши, ёки ўстирмай қўйиши мумкин ҳисобланади. Бинобарин, Усмон полвон чимзорнинг ўн еридан кесиб ўтиб, зовурлар очишга маслаҳат беради.

Биринчи май байрамини Тиктепада ўтказиш фикри билан келган Рафиқов қишлоқ кўчаларини фавқулодда тоза топса ҳам, ахлат ташиб юрган аравалардан бошқа ҳеч кимга учра-

май ҳайрон бўлади. Идора ҳам бу кун байрам муносабати билан ёпиқ. Колхознинг гузар отхонасидаги Мирвали бангидан аҳволни англайди. «Четан»чиларнинг бу қадар жонлиликларидан колхозчиликнинг енгишига ишончи яна ҳам кучаяди.

Зовур қазувчиларнинг оши учун қишлоқдан икки қовоқ қатиқ йиғиб бораётган бир колхозчи йигитнинг ҳамроҳлигида Рафиқов яёвлаб зовурчиларнинг олдига жўнайди.

Ҳаво унчалик очиқ эмас, қуёш ер юзини оқ дока ичига ўралган чироғ каби хирароқ ёритиб туради. Яқиндагина уст-бошини тузатиб қорамтил кўк тусга кирган қайрағоч дарахтлари бағрида чумчуқлар тартибсиз чирқиллашиб, насл қолдириш қайғусини чекадирлар.

Сарв дарахтлари ўрнига ўтишга тиришгандек узайиб ўсган ар-ар тераклар янги чиқарган қуюқ ва кўркам япроқларига мағрур каби қаққайиб турадилар. Нарироқда кўрунган бир неча туп ўрук дарахтлари остида бир нечта болалар қўлларига қамиш қармоқ кўтариб довучча (ғўра) узиб овора бўладилар. Хуббибойнинг чакалагида мол боқиб юрган бир нечта қиз болалар онда-сонда кўрунган лолақизгалдоқ ва чучмомаларни ўзлариники қилишга таллашиб югурадилар. Чакалакнинг аллақайси бурчагидан булбулнинг ҳазор достони – нағмаи ҳазори эшитилади.

Қатиқ кўтарган колхозчи уватлар орқали йўл бошлаб борди. Онда-сонда бош кўрсатиб турган янги ғўзаларни Рафиқовга туртиб кўрсатади:

– Чигитлар униб қолган, бир кунгина қуёш қизиб берса, экин текис кўрунади, – дейди, – биз қатқалоқдан кўрқиб турган эдик, шукр, ёғмур ёғмади!

Рафиқов қатқалоққа тушуниб етмайди.

– Қатқалоқ нима?

– Уруғ экилгандан сўнг устига кучли ёғмур ёғса, турпоқ бети қотиб қолади, биз шуни қатқалоқ деймиз.

– Бундан қандай зарар бор?

– Зарар жуда катта! – деб қолади колхозчи, – қотиб қолган турпоқдан уруғ тешиб чиқа олмайди. Шунда вақтсиз суғоришга тўғри келади, аксари суғориш ҳам фойдасиз бўлади, негаки, намда узоқ туриб қолган чигит ирийди!

Рафиқов қатқалоқ маъносига тушунади.

– Иккинчи экишга тўғри келади денг-чи?

– Ҳа, экмасангиз, хатоли бўлиб қолади. Экиш ҳам унча оғир эмас, лекин экиннинг кечиккани ёмон.

– Тўғри! – дейди Рафиқов, – экилган экин устига ёққан ёмғур зарарли экан!

– Жуда ҳам зарарли, – дейди колхозчи, – экин чиққандан сўнг ҳам ёмғир ёғиб орқасидан дарров ҳаво очилиб кетмаса, яна зарар қилади. Намли ва булутли ҳавода ўргумчаклар, шилликлар туғилади, шудгордан бошқа озиқ тополмагандан сўнг янги ўсиб чиққан гўзаларни қирқишга бошлайдилар.

Иккиси пахта офатлари устида узоқ сўзлашгандан кейин мавзунни чопиқ устига кўчирадилар.

– Агар кун қизиб берса, бу гўзалар яна беш кунда чопиққа келади, – дейди колхозчи, – билмайман, кўп жойни машинада эдик, чопиқ ҳам машинада бўлармикан... Ахир улуғлар бир нарсани ўйлаб қўйган бўлсалар керак.

Рафиқов баҳсни улуғлар устига кўчиради.

– Улуғларингиз қандай, колхозчиларга ёқадими?

– Улуғлар яхши, – дейди колхозчи, – булардан яхшироқ улуғ топиш ҳам оғир.

– Раисингиз Обид кетмон қандай?

– Обид кетмонми... – деб кулади колхозчи. – Обид кетмонимизга энди ўзингиз ҳам яхши тушунасиш!

– Мен тушунсам ҳам, лекин сизча эмас-да.

– Гаранг бало! – дейди яна кулуб колхозчи, – чигитни эккандан кейин кўпларимиз ундан ранжиб қолган эдик... Энди бу кун у бизни уялтириб қўйди!

Рафиқовнинг қулоқлари тиккаяди, ранжиш ва уялиш сирларини билгиси келади:

– Нега ундан ранжидиларинг, нима учун энди уялдиларинг?

– Қизиқ... – дейди колхозчи, – ўзингиз билан бўлган мажлисда ҳар бир колхозчига ярим танобдан ер берилган эди. Биз бу ярим танобни ҳам бирлаштириб эмакчи бўлган эдик. Бир вақт чигитни экиб бўлиб қарасак, колхозчиларнинг элли таноб ерларини энг шилта орриқ жойидан қолдирибди. На ернинг ўзида куч бор ва на солишга гўнг. Ҳамма хафа бўлди, чет-четдан Обид кетмонни сўкишга турди. Бироқ бу гаранг йўлини қилиб қўйган экан, уч кун қишлоқнинг ҳатто ўчоғини ҳам қўймай тозалатди-да, ками беш юз арава кул, ахлат, чурукларни ҳалиги ерга чиқариб тўктирди, ҳали ҳам ташиб ётадилар... Шу билан ҳам орриқ ерни кучайтирди, ҳам чарканатдан¹ тозалади, учинчидан бизларни уялтирди!

¹ Чарканат – ифлослик, исқиртлик.

Рафиқов кулади.

– Шоввоз экан!

Иккиси зовур қазувчилар устига борганда, иш жуда ҳам қизгин давом этар эди. Олтмиш-етмиш колхозчи ўн қаторга бўлиниб, ҳар қайсилари биттадан зовурни қазиб, лойини четга отиб ётмоқдалар. Ҳар бир қаторда биттадан идора аъзоси ўн-бошилиқ вазифасини ўтаб, билфеъл¹ кетмон чопадилар. Мулла Обид бўлса афтига қора балчиқ сачратиб, ўзининг машҳур кетмони билан иш кўради. Иккинчи қаторда Берди татар ҳам бош яланғочлаб, манглайдан буғ бурқутиб кетмон уради. Учинчи қатор зовурда Мардонбой ва ҳоказо...

Рафиқов ҳорма-бор бўл, салом-алиқдан кейин қараб туролмайди-да, Мулла Обид ва бошқаларнинг ман қилишига қулоқ солмай, кўлига кетмон олади.

– Мен ҳам ўзимни синаб кўрай, – дейди Рафиқов, – қурук сўз қулоққа ёқмас, деганлар!

– Балчиққа бўяласиз! – дейди Мулла Обид, – кийим-бошни расво қиласиз!

Рафиқов сўзга қулоқ солмайди, Мулла Обид айтканча учинчи кетмон уришда юзига лой сачратиб, колхозчиларга анча кулги беради.

– «Ўпса нетар, ювса кетар», деганлар, – дейди Рафиқов юзидаги лойга эътиборсиз, – «заводда мой, далада лой»... «Бордан юқар, йўқдан нетар» – деганлар!

Зовурни бир метр чамаси қазиб борилади. Юзадан ярим метргача нам турпок, ярим метрдан кейин ботқоқ кўчади. Нам турпоқни олиш унча оғир бўлмаса ҳам, ботқоқни кўчириш бир қадар машаққатли, кетмонни ўлчовсиз ташланса, бетга балчиқ сачрайди. Қадди бир метрга етказилган, яъни қазилиб биткан ўринлардан остга қараб сув сизиб туради.

Сойдан юқорида – кичкина хирмон тепа устида икки киши зўр қозонда суюқ ош пишириб ётади. Қозон ёнида зўр – хумдек самовор қайнаб туради.

Колхозчиларнинг курсоқлари яланган бўлса керак, қатикни кўрган он теварақдан товушланиб қоладилар.

– Ошни қатикла, ични ари талаяпти!

– Оловни ётқиз, совитмасанг, қатикни куйдирасан!

– Қатикламасдан косаларга суза бер, қатикни коса юзига бир қошиқдан солсанг кифоя!

¹ Билфеъл – расмана, одатдаги.

...Бирдан ош ва ошни қатиклаш баҳси ҳамманинг эсидан чиқади. Ҳатто кетмонлар ҳам ишдан тўхтайдилар. Биринчи май муносабати билан учиб юрган бир учқич жуда ҳам ерга яқин ҳолда бизнинг колхозчилар томонга учиб келмоқда. Паррагининг айланиши, қанотларнинг тебраниши худди ўн одимдан қараган сингари очиқ кўрунади. Учқичнинг остига ёзилган 1041-СССР тамгалари ҳам ҳар ким томонидан ўқилади. Учқич ўтар экан колхозчиларнинг устига варақалар тўкиб юборади. Зовурдагилар гўё бахт талашгандек, «яшасин» деб қичқириб, ҳавода чайқалиб юрган варақаларни тутишга югурадилар. Қий-чув, тартибсизлик... Ҳар ким варақадан бирисини тутишга интилади, тутиб олганлар араб ҳарфи билан ёзилган ўзбекча шу сўзларни товуш қўйиб ўқуйдилар:

«Қишлоқ хўжалигини янги асосга солувчи колхозчиларга салом!»

«Биз коллектив хўжалик орқали фақирликдан, нодонликдан қутуламиз!»

Чапак, олқиш, яшасин товушлари. Яна аллаким товуши борича қичқиради:

«Биринчи май бутун дунё меҳнаткашларининг кўрик кунидир!»

«Бу йилги Биринчи май деҳқонлар билан иттифоқимизнинг жуда ҳам мустаҳкамлашган бир онидир!»

Яна чапак, яна яшасин...

Айниқса Рафиқов бу тасодуфдан жуда ҳам шодланади, қўлидаги кетмонга суяниб, бир-икки оғиз сўз айтмоқчи бўлгани англашилади. Ёрдамга Берди татар етишади:

– Ўртоқ колхозчилар, Рафиқовдан икки оғиз сўз эшитмакчимиз, унга яқинлашингиз!

Барча колхозчи Рафиқов ёнига ҳатлайди. Рафиқов юзида қотган балчиқ билан сўзлайди:

– Ўртоқлар, ҳали орангиздан биров «Биз коллектив хўжалик орқали фақирликдан қутуламиз» деб ёзилган варақани ўқуб қичқирди. Тўғри, биз колхозчилик орқали фақирликдан қутуламиз. Бунинг далиллари кўз ўнгимизда, жумладан, шу биз сизотини қурутишга ҳаракат килиб ётган изза ер минг йиллаб ишсиз ётган ер эди. Бу кун бизнинг хизматимизга омодаланмақда,¹ ишонаманки, бу изза бир-икки йилнинг ичида бизга минглаб эмас, ўн минглаб, юз минглаб фойда келтира бошлар,

¹ Омодаланмоқ – тайёрланмоқ.

бу нима деган сўз, бу бизнинг фақирликдан қутулишимиз эмасми?! (Чапак, «тўғри!» деган товушлар.)

Мулла Обид барчани ошга таклиф қилади. Колхозчилар қозон теварагига тўғри келганча қуршалиб ўлтурдилар ва ерга белбоғ, рўмол сингари нарсаларни ёзиб, устига ўз уйларидан олиб келган нонларини синдириб қўядилар. Колхоз катталари ҳам ўз олдига бир тос¹ бўлиб қуршаладилар. Коса, товоқ аралаш ҳаммага суюқ ош тортилади ва ошнинг ҳар кишига икки косадан мўлжаллаб пиширилганлиги учун битирган киши иккинчисини сўрашга ҳақли эканлиги эълон қилинади.

Таом ораси Рафиқов Мулла Обид, Берди татарларга қишлоқни тозалаш тўғрилида саволлар бериб, колхознинг навбатда турган маъракаларидан сўрайди. Навбатда турган вазифалар ўрнига Берди татар Мулла Обидга қарайди, Мулла Обид Усмон полвонга имлайди. Ўзининг жавоб бериши лозим бўлганлигини сезган Усмон полвон оғзидаги луқмани тез-тез ютиб олади.

– Навбатдаги ишимиз маълум, – дейди Полвон, – шукр, чигитларимиз текис кўруниб қолди, бир ҳафта ичида чопиққа ҳам келиб қолади. Энди биринчи ишимиз, шуларни чопиш... Колхозчиларимиз ичида «биз фақат жўякламанигина чопамиз, машинада экилган пахталар машинада чопилади» деган фикр юрийди. Биз идора аъзолари, шу жумладан, эшони раисимиз ҳам Мулла Насриддин болаларни алдаб, сўнгида ўзи ҳам ўз алдовига ишониб қолгандек бошда машина чопиғига ишонган эдик. Анави кун эшони раис, Татар ва мен учовимиз азбаройи синов учун чопиқ машинасини экин орасига солиб кўрдик, сир маълум бўлди: чопиқ машинаси эгат теварагини юмшатишга келганда баҳосиз бир нарса, аммо туп остларини қумлаш, юмшатиш, чопиш каби ишларда анча узоқ туради. Биз чопиқ машинасининг ўзига ишониб қўйганларнинг алданишига қарор қилдик, кетмон чопиқни одатдагича олиб бориш фикрига келдик, шунга кўра, бизнинг навбатдаги биринчи ишимиз ғўзани чопиш, ўртоқ Рафиқов!

– Чопиқ машинаси ярамайди, денг-чи? – дейди Рафиқов умидсиз оҳангда.

– Йўқ, жуда ярайди, – дейди Полвон, – биз ундан ҳам яхши фойдаланамиз, ўзбекча қилиб айтканда, думба-жигар қиламиз, кетмон чопиқ ўз йўлида бора беради, аммо машинани ҳар

¹ Тос – давра.

бир сувдан кейин намни қочирмаслик, ерни қотирмаслик учун қатордан юргузиб турамыз.

Рафиқов жавобдан қаноатланади, нариги колхозда ҳам шундай қилишни кўнглидан кечиради.

– Бу масаламиз ҳал қилинган! – дейди Мулла Обид, – аммо бир оз бизнинг бошимизни қотирган бошқа гап бор... Сиз, Усмон ака, у ёғини ҳам айтинг-чи.

Рафиқов ва бошқалар Усмон полвонга қарайдилар, Усмон полвон бўшатган косасини иккинчи ош тўлдиришга узатиб алаҳсийди. Татар унга мутояба қилади:

– Ҳали икки коса ош ичмакчимисиз?

– Ҳа, мени қариб ошдан ҳам қолган демоқчимисан, мен ҳали бир йигитдан кам емайман...

Кулушадилар. Полвон ош ушоғи томган соқол-муртини рўмоли билан тозалаб, жиддий тус олади.

– Мулла Обиднинг бир ташвиши бор, – деб сўз бошлайди, – бизнинг ҳар бир бўлтагимизда йигирма десат¹ пахта бор, ҳар бир десатга қараган ўн беш-ўн тўққуз колхозчимиз бор. Бизнинг деҳқон одати бўйинча экинни чопиққа келган бир тоби² бўлади. Агар шу тобдан ўтиб кетса, экин ўсишдан тўхтайди, ўсишдан тўхтаган экинни қайтадан йўлга қўйиб юбориш оғир бўлади. Масалан, ҳалиги биз айткан йигирма десатдаги ғўзанинг биринчи чопиқ тоби ўн кун, шу ўн кундан кечикиб чопилган ғўза ўсишдан тўхтайди. Ҳолбуки, бизнинг ўн беш кишимиз ўн кун ичида кўп бўлса, ўн уч десатни чопиқдан чиқара олади, бундан ортиқчага буюрилса, чопиқ отига чопиқ бўлиб қолади. Мулла Обиднинг ҳамма ташвиши ўн кундан ортиб қоладиган мана шу етти десат устида!

Рафиқов масаланинг аҳамиятига тушуниб, манглайини қашийди...

– Хотин-қизларни чопиққа жалб қилинса?

– Биринчи чопиқда тажрибасиз хотин-қизларга Мулла Обид ишониб етмайди, – дейди Полвон, – бу ўрунда Мулла Обид, менинчга ҳам, ҳақли. Чунки биринчи чопиқ ниҳоятда нозик, гўёки ёш болани йўргаклагандек гап. Йўргакни билмайтурган ёки оз тажрибали кишига буюрилса, чақалоқнинг аъзосига зарар еткизгандек, умрида чопиқ кўрмаган хотин-қизлар имитқа³

¹ Десат – десятина, ботмон (1.09 гектарга тенг ер ўлчов бирлиги).

² Тоб – пайт, фурсат, он.

³ Имитқа – чилладаги бола, мурғак.

бола каби ёш ғузани курутиб кўйсалар, фойда ўрнига зарар берсалар мумкин.

Тосдагилар бир неча вақт сукутда қоладилар, Рафиқов бир-икки қайта Мулла Обидга қараб олади.

Мулла Обид ўзи учун келган иккинчи коса ошни меҳмоннавозлик тариқасида Рафиқовнинг олдига кўяди, Рафиқов қабул қилмайди:

– Мендан ош ўтмай қолди, сиз менга ишқални ёзиб кўрсатмасангиз, мендан бир дон ош ўтмайди!

Кулушадилар. Мулла Обид ишқални ёзиш ваъдасини бергандан сўнг косадаги ошни иккиси ёртилаб бўлиб оладилар.

– Шундай, иш чатоқроқ! – деб кўяди Мулла Обид, – бу тўғрида кўп ўйладим... Кўп ўйлагандан кейин фикримга сатранжбозлик каби бир нарса келди! – дейди ва косасидаги ошдан ича бошлайди.

– Хўш, қандай сатранжбозлик келди? – деб шошади Рафиқов.

– Қараб турларинг, – дейди Татар идора аъзоларига томон қараб охистагина, шу гаранг, қишлоқни тозалаб, гўнг чиқаргандаги каби бир қизик йўлни топади!

Мулла Обид яна бир оз ҳаммани оғзиға қаратиб, ошни хўр-хўр ичиб ўлтуради.

– Иккинчи ва учинчи чопиқларда албатта хотинларимиздан ҳам фойдаланамиз, аммо биринчида тўғри келмайди, биринчи – жуда нозик, – дейди Мулла Обид, – идора азоъларимиз етти киши... Отхоналаримизда ўн икки киши, аравасозликда бир киши, омборларда қоровул икки киши, жами йигирма киши... Биринчи чопиқдан қутулганча отхона, молхоналарга хотинлар қарасин, омборга қоровулликқа ҳам икки эмас – тўрт хотин турсин...

Мақсадга тушунган Берди татар билан Рафиқов чапак чалиб юборадилар, бошқалар кулушадилар. Мулла Обиднинг «сатранжбозлиги», айниқса, Рафиқовга маъқул тушади. Колхоз котиби Умаралига шу фикрни идора мажлиси қарори тариқасида дафтарга тиркашни буюриб, ўлтурганлардан ҳам буни тасдиқ этдиради.

– Бу ерга ва кечаги ахлат тўккан жойларга экинни қачон соласиз, – деб сўрайди Рафиқов.

– Ахлат тўкилган еримизни илгари сувга бостириб, қуригандан кейин бир-икки ҳайдашимиз керак! – дейди Усмон полвон,

– сизотни бўлса, чошиқдан кейин экамиз, шунгача шамоллаб ётгани маъқул, а, Мулла Обид?

Мулла Обид тасдиқ ишорасини беради.

– Тут уруғини шу ердан бирор гектарга сепсак бўлмасми-кан? – деб сўрайди Мулла Обид Усмон полвондан.

– Нега бўлмасин, – дейди полвон, – менга қолса, тутзорни ҳам шу ерга қилиш керак. Тут бу ерда қутуради-да!

Ипакчилик учун Туркшёлк вакили билан қилинган шартномада беш гектар тутзор қилишни колхоз ўз устига олган. Мулла Обид шу тўғрида бир оз кенгашгандан кейин ҳамма бирдан ишга қўзғалади.

6. ЧЕТАН «УСТУНЛАРИ»

«Тиктепанинг уч устунни бор...» деб мақтангувчиларнинг ёнига яна «уч устун» кўшулиб, жами олти чурук «устун» Украинага жўнатилади. Тегирмончи қўрққанча, бу «устунлар» йиқилгандан сўнг Тиктепада ортиқча ўзгариш ҳис қилинмайди. Билъакс уларнинг ўрнини таажжуб, ҳайратангиз меҳнаткаш устунлари келиб олади.

Меҳнаткаш устунларидан биринчисига Берди татарни кўрсатмай чора йўқдир. Чунки, агар устунлик вазифаси Очилди Собировлар қўлида қолган бўлса эди, биз Обид кетмонни қулоқлар сафида қолганлигини, яна тўғриси, қолдирилганлигини кўрар эдик. Бироқ Берди татарнинг узоқларни кўрадиган прўлетар онги бизга Обид кетмонни етиштириб берди. Бинобарин, янги Тиктепа устунларини санаганда Берди Шодиев биринчи ўрунда кўрсатилишга лойиқ ва сазовор деб биламиз.

Янги Тиктепанинг иккинчи устунни, баҳс йўқ, Мулла Обиддир. Ҳар қандай оғирчилик, етишмовчилик, камчилик каби монелар ўнгида қақшамай турган унинг иродаси, шу ирода билан мувозий¹ юратурган ўткир ақли ва қўлига топширилган вазифага самимияти уни устунликка лойиқ қилади. Мулла Обидга нисбатан берилган бу фазилатларни биз бунда исботга чалишмаймиз, қиссамизнинг давоми исбот учун кафилдир.

Учунчи устун, шубҳа йўқ, Усмон полвон деб биламиз. Тўғри, Усмон полвон Мулла Обид каби кучли иродага, ўткир ақлга эга эмас. Бироқ унинг деҳқончиликдаги қирқ уч йиллик тажрибаси

¹ Мувозий – ёндош, параллел.

на Берди татарда, на Мулла Обидда ва на Тиктепанинг бошқа меҳнаткашларида бор, гўёки ғўзалар у билан кенгашиб ўсади, ундан сўраб сув ичади...

Тўртинчи устунга Мардонбойни кўрсатсак, арзийди. У ўз қўлига топширилган колхоз молларини, хўжалик асбобларини, гўёки ўзиники, ўз манглай териси каби ҳис қилади. Идорасига топширилган отлардан, хўкуз ва майда чорвалардан ҳали биттасининг ҳам бурни қонамади. Билъакс, етти бияни қулунлатиб ўн тўрт қилди, қўйлар ичидаги ўн етти совлиқни эгиз туғулганлари билан бирга қирққа етказди. Эрта-кеч унинг фикри шу моллар устида айланади. Ҳатто ўз вазифасидан ташқариоқ турган ишларга ҳам киришади, бўлтаклардаги юнғучқалар¹ устида ҳам бош оғритиб, доим уларнинг ўсиш кайфиятидан хабар олиб туради. Ўткан ҳафта пунктдан беш юз пуд «беда дори» деб машҳур бўлган суперфосфат ёздириб келди. Ҳозир шу дориларни тегишли бўлтакларга тақсим қилиш билан овора. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик асбобларини алоҳида эҳтиёт билан сақлашга, уларнинг мертилганларини² ўз вақтида тузатишга диққат қилади. Колхоз омборидан бўлса бир қадоқ нарса ўрунсизга чиқармайди.

Бешинчи устунга Мирсоатни кўрсатамиз. Нафсиламбр, Мирсоат мустақил бир ишчи эмас. Аммо оғаси буюрган ишни лойиғича адо қилувчи бир фармонбардор йигит. Унинг борлиқ фазилати шундагина.

Биринчи чопиқда Мулла Обиднинг «сатранжбозлиги» жуда ҳам яхши натижа беради. Ўн бир кунгача колхознинг барча ички хўжалик ишлари колхозчи хотин-қизларга топширилади. Бутун ерлар биринчи чопиққа сафарбар қилинадилар. Иш Мулла Обиднинг кўнглидагича натижа бериб, ўн биринчи кун биринчи чопиқдан қутуладилар.

– Биз мўлжалдан беш кун илгари биринчи чопиқдан қутулдиқ! – дейди кулуб Мулла Обид, – энди шу беш кундан фойдаланишимиз керак. Ахлат тўкилган ерни яна уч ҳайдаб, ўзимизга керакли экинларни солайлиқ, чимзорга жўхорини, тут уруғини экайлик... Олтинчи кундан бошлаб, иккинчи чопиққа сув берамиз!

– Колхозни машиналаштириб юборасан! – деб кулади Татар.

¹ Юнғучқа – беданинг бир тури.

² Мертилган – бузук, ишдан чиққан.

Иш Татар айтканча машиналашмоқчи эмас, фақат бунда улармандлиқгина бор. Мулла Обид вақтни бекорга ўткарғиси келмайди. Иш орқасидан иш тиркаб, улаб юборишнигина яхши билади. Унинг бу маҳорати Берди татар кабиларни завқлантиради, ишга дардлантиради. Аммо баъзан «кунора базм, ҳафта сайин ҳайит» қилишга ўрганган колхозчиларнинг тинкасини қурутганга ўхшайди. Турли хархашаларни чиқаришга идоранинг тилини қисик қилиб, шундан сўнг эскича «кунора базм, ҳафта сайин ҳайит» даврига ўтиб олишга интилиб қарайдилар. Сигирлилар шаҳарга сут, қатиқ сотиб, пулини рўзғор керак-яроғига яратиш учун бир-икки кунга идорадан рухсат сўрайдилар. Сигирсизлар пулсиз қийналганлиқларини арз қилиб, бирор ҳафта мардикор ишлаб беш-ўн сўм топиб қайтиш учун изн истайдилар. Баъзилар этиксиз шудгорда қийналганлиқларини кўрсатиб, идора этик бермаса, ишга чиқмасликларини танбех қиладилар.

Идора уларга изн беролмайди, чунки изн бериш – колхоз ишини ост-уст қилиш деган сўз. Бундан ташқари, ўн кишига изн берилса, эртага йигирма кишининг рухсат сўраши турган гап. Шу билан бирга, гарчи баъзиларининг узри бир баҳонадан иборат бўлса ҳам, бахарҳол уларни сукут қилдириш учун тадбирлар лозим бўладир. Сигирлиларнинг сут ёки қатиқ сотиши кўз юмса бўлатурган масала эмас. Бу тўғрида Мулла Обид жиддий бош оғритади ва масалани тездан қатъий маъқул ҳал қилади: қишлоқдаги ҳозирда сут бериб турган сигирларнинг рўйхатини олиш, ҳар кунги сотилатурган сут миқдорини билиш, сут миқдориға қараб тунука идишлар ҳозирлаш, агар сут миқдори кўп бўлса, колхоздаги кичик шотилиқ бир арава, но-чоғроқ бир от билан дала ишига яроқсиз ёки ёшроқ бир болани шу сутларни ҳар кун рўзғорлардан ҳисоб бўйича йиғиб олиб, шаҳарга тушуриб сотиб чиқишга тайин қилиш; ўзича бу режани тузгандан сўнг, дарҳол мажлис чақириб, идора томонидан ҳам буни тасдиқ этдиради.

Сигирсиз колхозчиларнинг ақчага муҳтож бўлишлари ҳам узоқ эҳтимол эмас. Идора бу тўғрида ҳам сигирсизлиги, камбағаллиги маълум бўлган аъзоларга эллик сўмдан ортиқ бўлмаслиқ шарти билан бўнак¹ беришга қарор қилади.

¹ Бўнак – иш бажарувчиларга олдиндан бериладиган маош.

Этик масаласи бошда бирмунча ишқал кўчади. Чунки, пунктдан олинган маълум сумма бояғидек зарур эҳтиёжлар учун сақланиши керак, бу суммани этик учун бузиш маъқул кўрулмайдди. Этик тўғрисидаги ишқалга Рафиқов етишади. Рафиқов ўз ташаббуси билан «Четан»ни Ильич заводи оталиғига олдириган. Ильиччилар «Четан»нинг энг муҳим эҳтиёжини ўташга ҳамма вақт тайёрлар. Идора ильиччиларга этик билан ёрдам тўғрисида мурожаатнома ёзади. Рафиқов ҳам ўз имзоси билан алоҳида мактуб қўшади. Ильиччилар «Четан»нинг мурожаатидан кўз юммайдилар. Уч кун ичида эллик жуфт ақчасиз этик берилиши тўғрисида жавоб қайтади. Демак, бу учинчи ишқал ҳам ҳал.

Баъзилар «узр»ининг бели синади, синдириш бараварида яна колхоз ютади. Чунки, у уч муҳим масала асосан ҳал қилиниб, баъзиларда қимирлашга дармон қолмайдди.

«Тарбиясизнинг бир қилиғи ортиқ» деган мақол бор. Лекин бу мақол ҳам «Четан»га фойдали бўлиб чиқади.

«Кунора базм, ҳафта сайин ҳайит»га ўрганганлар ўзларининг белини синдириб олгандан сўнг бошқача «тадбир»га юзланадилар. Ишга кеч чиқиш, ишлаганда саланглаш, бир кетмон ташлаб ўн томонга анқайиш... Айниқса, бу оғриқ янгигина тузулган колхоз шароитида юқумли бир офат. Лекин «Четан»нинг бўлтакбошилари соғлом, чертилиб олинган ҳушёр йигитлар. Салангловчиларга ўз вақтида танбеҳ ясайдилар. Танбеҳ билан эпга келмаганларни идорага ёзиб топширадилар.

Идора бу тўғрида жиддий ўйлайди. Ўзаро танқид, моддий ва маънавий таъсир ясаш, ижтимоий мусобақа... Булар ҳаммаси бу дарднинг давоси деб қабул қилинса ҳам, яна булар етмагундек ҳис қилинади. Шу ҳис қилиниш орқасида табиий равишда иш кунини кесиш фикри келиб чиқади. Иш кунини кесиш тўғрисида идора беш соат ўлтуриб ишлайди ва қилни қирққа ёрган қабилдан ҳайдовга, молага, жўякка, экишга, чопиққа, чопиқ машинасига, суғоришга, ўроққа... Хулоса, хўжаликда бир йил ўн икки ойлик ишга кунлик миқдор, ишга сифат ва меҳнатга симкор¹ белгилаб чиқади. Кўп ўтли девкорларнинг меҳнатларига кенг майдон очганидек, салангловчиларнинг яраларига туз ҳам сепиб қўяди. Кўплашиб бажарилатурган чопиқ каби ишларда агарда ҳар бир бўлтакнинг ҳамма аъзолари бир-бир-

¹ Симкор – (сим-пул) ишбай асосида иш ҳақи олиб ишловчи ишчи.

ларининг инсофларига ишонсалар, бирикиб ишлашларига йўл берилганидек, ишонмаган тақдирда ўзлари эътиқод қилган гуруҳларга бўлинишига ҳам рухсат қилинади.

Айниқса, сўнгги тадбирдан девкорлар шодланадилар, ялқовлар тузалишга фурсат етганлигини сезадилар. «Четан»да ҳеч бир кўрулмаган равишда жонлилик бошланади.

Пахтанинг иккинчи чопиғига йигирманчи майда киришилади. Иккинчи чопиқнинг муддати ўн беш кун – бешинчи июн. Бунда хотин-қизлар кучидан фойдаланишга рухсат, чунки гўзанинг тупи зўрайган, майда заҳаларга чидамли ҳолга келган. Бироқ шунда ҳам муҳим ҳозирликлар йўқ эмас: ҳозирча «Четан» хотин-қизлари паранжида юрганликдан ҳар бир колхозчи ўз рўзгоридан чиқиб ишлайтурган хотин-қизларни ёнига олиб, ақалли бир кун чопиқни таълим беради. Агар уларнинг чопиққа ўрганганликларига ишонса, бўлтак ёнида ташкил қилинадирган хотин-қизлар бутоғига келтириб ҳавола қилади. Хотин-қизлар бутоғи эрлардан тамом бошқа ишлайди. Уларнинг ишига бўлтакбоши ора-чора, келиб-кегиб раҳбарлик қилиб турса ҳам, ҳарҳолда уларнинг ичида беш дақиқадан ортиқ турмаслиги, ишдан бошқа тўғрида сўзлашмаслиги лозим. Буни Мулла Обид алоҳида шарт қилиб киритади. Бу эҳтиётга Мулла Обиддаги диний таассуб деб қараш мумкин. Лекин ўзи бу эҳтиётни эски васвасалардан қутулиб етмаган колхозчилар орасида бирор тартибсизлик чиқа кўрмасин, деб изоҳ беради.

«Хотин-қизлар кучидан фойдаланиш» қарори бошда бирмунча юқори, қуйи сўзларга ҳам сабаб бўлади. Баъзи муҳофазакор колхозчилар бир неча кун ҳеч бир турли бу қарорни мияларига сиғдиролмайд юрадилар. Хотин-қизларнинг ўзларига келганда, улар ичида ҳам неча хил оқим бор эди:

– Тавба қилдим, Худо... Хотинларнинг чопиқ қилганини етти отадан бу ёққа эшитмаган эдик, – деб баъзи хотинлар ёқа ушлайдилар.

– Бу ҳам охир замон аломати, айланай! – деб ҳамма гуноҳни охир замон устига ағдариб, ўзи чопиқ ўрганишга ҳозирланиб қолганлар ҳам кўрунади.

– Текинга ишлатмас эканлар-ку, ахир ишлаганимни битиб қўлимға патта берсалар, пулини олганимда кўзим мошдек очилиб қолар! – деб ҳақ олганда кўзини мошдек очилишига суюнганлар ҳам топилади.

Баъзи хотинлар на ундай ва на бундай деб турмасалар ҳам, қўлларига кетмон олар эканлар, эркакларига қуйидаги шартни қўйишни унутмайдилар:

– Кишим, сиз қатикларимнинг пулини рўзгорга уруб, бир қарич латта олишимга йўл бермай келдингиз. Энди, кетмон чопиб топганимга кўз олайтирманг!

– Кетмон чопсам чопай, бироқ чақалоғимни нима қилай? Қорнимдаги сабилни... – деб зорланувчилар топилса ҳам, «бир аъзонинг рўзғорида бир неча хотин-қиз бўлиб, орада бир ёшга етмаган эмувчи бола бўлса, эмизувчи хотин ишга зўрланмайди. Эмчақдан ажраган бир неча болаларга қараб туруш учун ва рўзгор юмушларини идора қилиш учун рўзгордан бир хотин чопиққа чиқмаса ҳақлидир. Туғишига тўрт ой қолган бўғоз хотинлар ҳам ишга чиқмайдилар. Шунинг сингари шартнома бўйича қурт тутган хотин-қизлар ҳам қуртга қараб туруш учун рўзгорда бир кишини қолдира оладилар» мазмунли идора қарорининг остига киргизилган шарҳ уларни сукутга мажбур қилади.

Иккинчи чопиқ бошлангандан уч кунгача хотин-қизларнинг ишга чиқишлари бирмунча тихирлиқ билан боради. Ҳатто Мулла Обиднинг хотини – Фотима опа ҳам бир неча кун ишга чиқмайди. Мулла Обид: «Бу мен, ўзим қилган иш; агар сен ишга чиқмасанг, мен сени...» деб давора қилади. Иккинчи куни қизи Зайнабни рўзгор ишларига қолдириб, Фотима опани Мулла Обиднинг ўзи учинчи бўлтак қўл остида тузулган хотинлар дуркумига келтириб қўшади.

– Опалар, сизга Фотимани олиб келдим; чопиққа уста, кам-кўстингиз бўлса, бундан ўргана оласиз! – дейди ва орқасидан Фотима опанинг қитиғига тегиб қўяди, – лекин ўзи муғамбир, фақат унинг муғамбирчилигини ўргана кўрмангиз!

Хотинлар кулушадилар. Фотима опа эрига бўш келиб турмай, хотинларга мурожаат қилади:

– Биз хотин-қизларни кетмон кўтаришга мажбур қилган шунинг ўзи! – дейди. – Энди уялмасдан сиздан бир ўртоғингизга муғамбирлик тўхматини ҳам тақияпти... Уринг ўртоқлар, бу гарангни!

Хотинлар юзларини Мулла Обиддан ярим яширган ҳолда хахолашадилар. Фотима опа кетмон кўтариб эринг устига югурмакчи бўлади. Мулла Обид ҳиринг-ҳиринг кулиб ундан қочади...

– Чопигингга қара, хотинларни ишдан қўйма!

– Йўқ, мен сени чопиб, эгачиларимни дастингдан қутқараман!

Кулги, қийқирик...

Бу воқеа хотин-қизларини ишга чиқаришга тараддулланиб турган кўп колхозчиларга яхши таъсир қилади. Эртаси кун кўпчилик Мулла Обидни таъқиб этмайдилар. Етти бўлтакда элли етти хотин-қизнинг чопиққа чиққанликлари маълумоти олинади. Маълумот бараварида уларнинг иш салмоғи ва сифатида теъдод¹ қилинади, салмоқ жиҳатича эркакларга нисбатан қуйи, сифатча эркаклардан қолишмайди. Қисман юқори турган хотинлар ҳам бор.

Бу муваффақиятдан, айниқса, Берди татар терисига сиғмайди:

– Биз ишнинг кўзини биламиз! – деб белини тутамлаб юрунади.

Бироқ Мулла Обид учун янги ишқал туғулиб, муваффақият завқини тотинишга фурсат тополмай қолади: янги экилган экинлардан қовун ва қовоқларни, чимзордаги жўхориларни зағчалар кавлаб емақда эмиш. Бу хабар Мулла Обидга жуда ҳам ёмон таъсир қилади, гўёки зағчалар экинларни эмас, худди ўз кўзини чўқуб чиқарғандек аламланади. Дарҳол колхозчи болалар ва қизлардан икки қўшоқ қўруқчилар тўдаси ташкил қилиб, болаларнинг ўзидан ҳар бир қўшоққа бир бошлиқ сайлатади. Қўшоқ аъзоларини сапқон, кўнгулак (камон-ғулак) ва тартараклар билан қуроллантиради. Ўзи бу отрядга «кўмондон» бўлган ҳолда уларни «душман» томонига олиб юради. Отряднинг бир қисмини полиз экинларига қўйиб, бошлиққа тегишли таълимотларни беради. Иккинчи отрядни собиқ чимзор – ҳозирги жўхоризорга олиб тушуб, пушта бўйлаб жўхори қазиб ётган ўн бешлаб зағчаларни отряддан «тор-мор» қилдиради. Отрядни жўхоризорнинг саккиз томонига тарқатиб «пистирма»га қўяди. Болаларнинг қорни очишига ўзи нон бериб юборишни билдириб, кечгача бу ердан қўзғалмасликларини таъкидлайди. Зағчалардан хотиржам бўлган ҳолда яёвлаб қишлоққа қайтади. Йўлакай тўрт ва бешинчи бўлтакнинг чопиқчилари билан «ҳорма-бор бўл»лашиб ўтади. Уларнинг ишига, иш сифатига ва ғўзанинг ўсиш ҳолатига диққат қилади. Дидига келган ишларни мақтаб, колхозчиларнинг кўнглини кўтаради. Нуқсонли деб топган нуқталарни ишловчиларга малол келтирмасдан-

¹ Теъдод – санаш, ҳисоблаш.

гина танқид қилади. Тузатиш учун йўл кўрсатишга гарчи ўзи-да иқтидор сезса ҳам, яна колхозчиларнинг ўзларидан фикр сўрайди. Унинг бу ҳаракати колхозчиларга жуда яхши таъсир қилади. Ўзаро фикрлашиб, тажрибаларини сўзлаб, нуқсонни йўқотиш йўлини топадилар.

Бешинчи бўлтак ёнидаги хотинлар билан ҳам узоқроқдан «Ҳорма-бор бўл!» қилиб ҳол-аҳвол сўрайди. Орадан шатирроқ саналган Хандон опа Мулла Обидга эшитдириб пичинг айтади:

– Ҳа, ҳамма қилғуликни ўзингиз қилингиз, яна биздан ҳол сўранг.

Мулла Обид четга қараб кулади:

– Токай сиз биз эркакларнинг устида юк бўлиб ётасиз, сиз ҳам эрларингизнинг юкини бир оз кўтаришинг-да!

Мулла Обиднинг сўзига Хандон опа бўш келмайди:

– Мен эримнинг юкини кўтариша-кўтариша жуда адо бўлганман... Энди буниси жуда ҳам ортиб кетди... Раҳмат эшонни раиснинг марҳаматларига! – деб қичқиради, – эрим Наврўз бойингизга йигирма беш йил ҳамдамлашиб, ҳануз битта сигирлик бўла олмадим.

Мулла Обид хотинларга қарамасга тиришиб, чопилган ерларга кўз юбориб, иш сифатини текширади.

– Энди сигирлик бўларсиз, опа! – дейди Мулла Обид туп остига тиралган бир кесакни қўли билан уватар экан, – бизда яхши ишловчига деб аталган ўн битта сигир бор, эрингиз билан сиз яхши ишласангиз, шулардан бирисини ўзингизники қила оласиз!

– Эримнинг яхши ишлашига мен ишонмайман! – дейди хотин умидсиз, – судралганга қаёқдан ақл кирар эди!

– Сиз уни яхши ишлашга қистангиз... Ўзингиз ҳам агар яхши иш кўрсатсангиз, сигирни ола биласиз!

– Ростданми, айланай раис почча, – дейди хотин, бошқалар кулушадилар, – рост айтасизми, хотин киши яхши ишласа, сигирни берасизми?

– Бераман, хотин-қизларнинг ичида биринчиликни олганларга ҳам сигир бераман!

– Ростми? – деб юборади бирдан бир неча хотин.

– Рост!

– Сиғири бўлса-чи?

– Сиғири бўлса, яхши сигирга алиштириб берамиз!

Хотинлар кулушадилар:

– Вой, яхши экан!

– Шундай, опалар! – дейди Мулла Обид жиддий, яхши ишлаб ном чиқарсангиз, сигирсизингиз сигирли, сигири борингиз яна ҳам яхшироқ сигирли бўласиз!

Сигирларни совринга қўйганлигидан жуда рози бўлган ҳолда хотинлардан узоқлашади. Бироқ бу ўз-ўзидан розилик унда узоққа бормайди. Бу розиликнинг ўрнини келаси йилга ҳам шунингдек сигирдан лоақал ўн бешини мусобақага қўйиш фикри келиб олади. Мулла Обид бу тўғрида жиддий ўйланиб боради. «Хўп... Бу йил-ку текин сигирга эга бўлдиқ, келаси йил... Келаси йил ҳам ишловчиларни ишга қизиқтириш учун шу керак эди. Бундан ташқари аъзоларни сигирли қилиш идорани ҳам анча ташвишдан қутқарар экан, сут сотиб турган аъзоларнинг пул тўғрисида хархашаси йўқ ҳисобида, пул жанжали бутунлай, деярли сигирсизларники... Хўп... Бу жиҳатдан ҳам аъзоларни сигирли қилиш керак экан».

Мулла Обид келаси йил учун ҳам ўн бешта сигирни мусобақага қўйиш фикрига келади. Бироқ бу сигирларни қаердан топиш, қандай маблағ воситасида сотиб олиш устида бошини оғритади. Колхознинг умумий даромадидан... Йўқ, бу тўғри келмас, чунки, кузда умумий даромад ишловчиларнинг иш кунлари ҳисобида бўлинади, бунга тегиб бўлмас... Муштумзўрлардан олинган ерлардаги дарахтларни кесиб сотиш... Бу ҳам келишиб етмайди. Эҳтимолки, ҳали колхоз учун бинолар солинсалар, дарахтлар шу биноларга ишлатилар... Яна бирмунча вақт колхознинг ҳар бир бурчагида маблағ изланиб боради. Бирдан фикрига колхоз қўйларини сотиб сигирларга айирбошлаш келади. Бироқ қўйларни сотишга кўзи қиймайди. Аъзоларнинг ўзларига гўшт керак эмасми, кичкина бўлса ҳам, колхознинг майда чорваси бўлиши лозим эмасми? Бинобарин, совлиқларни сотиш ўхшамайди, янги туғулган қўзилар ҳам бир йилсиз пулга ярамайдилар. Эркак қўйларни сотиш... бирмунча зарарсиз, четдан ҳам таънаси оз... Ахир ўрнига сигир олинади-ку... Лекин йигирма тўртта эркак қўй, ўн бешта сигирга ярармикан. Гурлан сигир тўғрисида ўйлаш қийин, жайдари сигирларнинг яхшироқларидан топиб олинмаса арзимайди. Хўп... Шундай бўлгандан сўнг йигирма тўртта қўй, ўн бешта зотли жайдари сигирга етмайди... Қўйларни сотиш ҳам уни

қаноатлантира олмағанидек, иккинчи томондан шундан бошқа умидли ўрун ҳам кўрунмайди. Ҳозир ипнинг учини топган кўрунади, бироқ ҳалиги чигилни ечиш қийин. Хўп... қўйнинг пули ўн беш сигирга етмасин... Зотли, бир-бир ярим яшар таначалардан олиб қочирсақ? Таначалар ўн ойда туғса.. Дафъатан бу фикр ўзига маъқул тушади. Ҳар бир қўй ҳозирги бозор баҳосича бир юз ўттуз-қирқ ўрталарига боради, қочишга яқин турган таначаларнинг энг яхшиси ҳам шундан юқори эмас... – деб ўзича илжаяди, хўп, биз ҳар бир қўйимизга бир танача олар эканмиз, демак, йигирма танача. Буларни сотиб олган кундан бошлаб ўзимиздаги буқаларга қўшиб қўйсақ... Хўп, ўн ойдан сўнг ҳар бириси болалиқ бир сигир. Келаси йил ўн бир ўрнига йигирма сигирни совринга қўя оламиз, йигирма сигирсиз аъзо сигирли бўлиб, идора ҳам уларнинг пул хархашасидан қутулаёзади.

Мулла Обид шу қарорга келганда идорага келиб киради, идорада ўлтурганлардан Берди татарни сўрайди, Татарнинг уйига овқатланиш учун кетганлигини билгандан кейин идорада тўхтамайди.

Мулла Обиднинг ҳар бир ишда ҳам шошиш одати эмас. Бироқ бу тўғрида бир қадар эътидолдан¹ чиқинқирайди. Сув ёқалаб Татарнинг қўрғониға келади, юзига ёпик турган замбил эшикни очиб ичкари киради.

Татарни баъзан Мирвали банги «Берди фаранг» деб атайди. Бир жиҳатдан банги бу тўғрида ҳақли ҳам кўринади. Чунки, унинг баъзи техникалари ажойиб, маълумки, у хотинсиз яшайди. Уйда овқат пишириб бературган кишиси йўқ, ҳолбуки иссиқсиз яшаш ҳар ким учун ҳам қулай эмас. Айниқса, қишлоқ колхозлашиб, Татарнинг иши бошидан ошгандан кейин, иссиқ овқат тўғрисида жуда ҳам қийналади, ош пишириш учун икки-уч соат вақт тополмай гарангсийди. Кўп ўйлаб, охирда вақт ва меҳнат исроф қилмасдан, ҳар кун иссиқ овқат ошаш йўлини топади: эрта билан кичкина алюмин қозончаға озгина гўшт, мой, картошка, пиёз каби нарсаларни икки коса сув билан солади. Ундан кейин еттинчи пиликлик тунука чироғни ёқиб, тагсиз эски челақнинг ичига ўтқазади, челақнинг оғзиға тунукадан турба ясаб, устига ҳалиги оғзи ёпилган қозончани келтириб қўяди, шу билан иш битди... Ишдан қайтиб келган-

¹ Эътидол – меъёр, ўрталик.

да еттинчи пилик чироқ қозондағи шўрбани жуда ҳам мазалиқ равишда пишириб қўйған бўлади...

Мулла Обид келиб кирганда, Берди татарни қозондағи шўрбани сузиш ҳаракатида турган ҳолда топиб, айниқса чироқ билан шўрба пишириш санъатига таҳсин ўқуйди. Мулла Обиднинг таом устига келишидан хурсанд бўлган Берди татар ўз санъати билан мақтанишга вақт топмайди.

– Вақтида келдинг, дастурхонга ўлтур! – деб жой кўрсатади, – зағчаларга қарши болалардан қоровул тузубсан деб эшитдим. Ўлма, эшони раис!

Мулла Обид дастурхонга ўлтурар экан, бир нарса эсига тушади...

– Болаларга нон юбориш керак экан! – дейди Мулла Обид ва ўлтурган жойидан қўзғала бошлайди, – мен ҳозир нон топиб юбормасам, болалар тарқаб кетади.

– Ўлтур, қўзғалма, – дейди Татар, – ҳозир нонни қаёқдан топасан?

– Топмасам чора йўқ, уйлардан қарз йиғиштириб юбораман.

– Нон менда бор! – дейди бақириб Татар, – кеча ярим пуд ундан нон ёпдирдим. Шундан сенга қарз бера оламан!

Мулла Обид тинчийди, бироқ нонни ҳозир идорага чиқариб бировдан бериб юбориш зарурлигини сўзлайди...

– Сен тинч ўлтур, тинчимас гаранг! – деб бақиради Татар, – мен ўзим ҳозир идорага чиқариб берай! – Татар чироқ устидан олган қозончани қайтариб ўз жойига қўяди. Ёғоч сандиқни очар экан, болалар сонини сўрайди.

– Ўн етти!

Татар ўн етти дона нон олиб дастурхонга ўрайди ва қадамини онда-сонда босиб, идорага югуриб кетади. У кетгандан сўнг Мулла Обид ўрнидан туради, қозончани очиб қарайди, шўрва астагина миқиллаб қайнайди. Қозончани қулоғидан ушлаб кўтаради, челак ичида еттинчи чироқ ёниб туради. Мулла Обид қозончани жойига қўяр экан, илжаяди, ҳужрадан ҳовлига чиқиб у ёқ-бу ёққа айланади. Каптархонани, каптарлардан холи ва оғзидағи навдадан тўқулган тўрларни бузулган кўриб ҳайрон бўлади.

Мулла Обид ҳовли юзида турган сопол қувачадан қўлини ювиб турган ҳолда Татар қайтиб келади.

– Элтиб бердим, ҳозир юборадилар!

– Каптарлар қани? – деб сўрайди Мулла Обид қўлини, мўйловини артар экан.

– Каптарларни... Каптарларни шаҳарлик бир ошнамга бериб юбордим.

– Нега ахир?

– Каптарларни қарашга қўл тегмайтурган бўлди... Ахир бу колхозчи каптарларинг... меним каптарларимдан ҳам серхар-хашароқ келди-ку!

Мулла Обид илжайиб қўяди, сўз айлантирмайди.

Шўрба асноси Мулла Обид эркак қўйларни сотиб таначаларга айирбошлаш фикрини ва бунга бўлган эҳтиёж сабабларини сўзлаб чиқади. Татар кулади, гўё ўз болаларининг қайғусини чекаётган бир ишчан ва меҳрибон ота каби, колхознинг ўсиши учун аздақидил жон куйдиргувчи Мулла Обиднинг кўзига шу топгача кўрулмаган бир муҳаббат билан нигоҳ ташлайди...

– Ақлинг ўткир, ниятинг холис, ўртоқ! – дейди Татар, мен сенинг бу фикрингга қўшулибгина турмайман, балки ишга ўзим бош бўлиб киришаман.

Мулла Обид ўз фикрини самимият билан қарши олиншига миннатдорлик кўрсатган каби, шу чоққача Татарнинг қисташига қарамасдан тузукрак иштиҳоланмай чуқуниб ўлтурган шўрвага катта иштиҳо билан ёпишади, бир оз совиёзган товоққа бир эмас, бир яримга нонни бўктиради...

Татар бундаги маънони сезади, меҳмоннинг иштиҳоси ўзига оғир келмаганлигини билдириш учун бўлса керак, ёнидаги сандиқдан яна икки нон олиб дастурхонга ташлайди.

– Иштиҳонг кўтарганча нонни бўктира бер!

Мулла Обид бўккан нондан олиб оғзига тикар экан кулади.

– Яна икки нонни-ку бўктираман, бироқ товоққа сиғмайди-да.

– Товоқни енгиллатгандан сўнг бўктир!

– Ҳа, бу маслаҳат дуруст! – деб кулади Мулла Обид.

– Мен сенинг фикрларингга қулоқ қоқмай келаман, – дейди Татар ҳангомани буриб, – энди сен ҳам меним орзумга кирсанг эди!

– ...

– Сўзимни эшитдингми?

– Эшитдим, – дейди Мулла Обид оҳиста, – орзунгиз нима?

– Биринчи орзум шуки, бундан сўнг фирқасиз бўлиб юрмасанг, фирқага кирсанг... ўртоқ Рафиқов ҳам шу орзуни қиладди!..

Мулла Обид үйланади...

– Фирқага кириш... менга тўғри келмас...

– Нега келмас?

– Мен... Худога ишонаман.

Татар Мулла Обиднинг юзига тўғри қараб бош қашинади...

– Фирқанинг бошқа йўллариға қаршилиғинг йўқми?

– Йўқ. Мен фақат Худога...

– Хайр, бу масала очик қолиб турсин. Мен бу тўғрида Рафиқов билан сўзлашиб оламан... Энди бошқа орзумни айтай: ўзингга маълум, қишлоғимиз – юз фоиз деярли колхозлашди, ишлар жойида бўлди. Юзлаб аъзоларимизнинг умумий мажлис учун йиғилган вақтлари кўп бўлиб турмоқда, мана шунда қишлоғимизнинг каттарак бир биноси йўқлиғи учун қийналамиз. Ҳозир ёз, очик ҳавода йиғилсақ ҳам билинмайди. Бироқ қиш кунлари қаерга йиғилайлик. Қор, ёғмур остида, совуқда, очик ҳавода йиғилиш мумкин эмас. Мана шундан бизга бир-икки юз киши сигдирарлик бир бино топиш ёки шундай бир бинони ёпиш эҳтиёжи туғулади. Мен бу тўғрида кўпдан ўйлаб юрибман... Хатиб домланг жўнатилгандан буён Катта масжид намозсиз қолаётганга ўхшайди, шу масжидни биратўласига ёпиб, қулуб қилайликми, дейман. Ё бўлмаса ўзимиз гузар четидан бирор қулуб ёпайликми? Гарчи буни ўзинг бир ўйлаб қара-чи, жуда бошим қотди!

Сўзни эшитгандан кейин Мулла Обид чуқур сукутга боради... Бошини қашийди, муртини силайди. Аллақайси гапни ёқтирмағандек бошини чайқайди...

– Бино-ку, албатта керак! – дейди узоқ ўйлаб ўлтургандан кейин Мулла Обид, – лекин Катта масжидни қулубга олиш... менга ёқмайди. Балки сиз: бу ўзи диндор, масжидни олишга Худодан кўрқади, дерсиз. Ундай эмас, масжидсиз ҳам намоз ўқуш мумкин...

Татар қулуб юборади, алланарса эсига тушиб сўзни бўлади:

– Тўғри айтасан, сен тунови кун биз қишлоқни тозалатиб юрганда Бегматнинг сомонхонасида похол ёзиб устида намоз ўқуб ўлтурган эдинг.

Мулла Обид ҳам Татарга қўшулишиб кулушади.

– Шундай... Меним масжидни қулубга олиш тўғрисида қаршилиғим бошқа тўғридан... Мени бир ёққа қўя туринг, сиз қишлоқ халқини назарга олинг. Бу халқ сиз билан менимча ўйлаб,

масалага «масжидда намоз ўқувчи йўқ» деб қарамайди, тўғридан-тўғри «динни бузадилар, шариатга раҳна соладилар» деб билади. Дуруст, очик қаршилиқ кўрсата олмас, бироқ ичдан кекланади. Бу эса бизнинг янги бошлаган ишимиз учун хайрли эмас. Масжиддан ҳам каттарак, йиғилишга қулайроқ бир бино ёпиш учун ўн минг сўм сарф бўлсин, боринг, йигирма минг сўм кетсин. Аммо шу суммани фойда қиламан деб, халқнинг кўнглига кек жойлашга арзимайди, колхознинг юз минг сўмлик ҳосилига лат беради.

– Шаҳардагилар бўш қолган масжидларни қулубга олаётибдилар-ку!

Мулла Обид енгилча қулуб қўяди.

– Сиз шаҳарни мисолга олманг. Шаҳар халқи бошқа, қишлоқ халқи бошқа...

Татар бу жавобга ҳеч нарса демайди, дарҳақиқат, шаҳар онги билан қишлоқ таассубини¹ текислаш маъносига Низом овсарнинг ҳам ақли етади.

– Бўлмайди дегин?

– Бўлмайди.

– Бўлмаса... ўзимизнинг қулуб солишга кучимиз етарми?

Мулла Обид бир оз жавобсиз ўйлайди.

– Кучимиз етиш-етмаслигини учинчи чопиқдан сўнг айта оламан.

– Учинчи чопиқ билан бинонинг нима алоқаси бор?

– Катта алоқаси бор, – деб кулади Мулла Обид, – учинчи чопиқда пахтамининг ўсишига қараймиз: агар ғўзалар чопиққа сўз бермаслик даражада ўсиб кетса, бизда куч бор деган сўз бўлади. Яъни тўртинчи чопиққа ҳожат қолмай, кўп аъзолар то теримгача ишдан бўшайдилар. Шунда ҳам биз уларнинг бир қисмини буғдой ўроғига, хирмонга жўнатамиз, қолган қисмини бинога ишлатамиз... Бизда муштумзўрлардан қолган ўн икки минг пишиқ ғишт бор. Буни негизга ишлата оламиз, хом ғиштни бўлса, Тиктепадан қуямиз, ёғоч ва тахта тўғриларида чакалакларимиз бор... Агар қулубнинг усти тунукадан ёпилатурган бўлса... мана шуниси бизнинг катта камчилигимиз бўлиб қолади.

– Тўғри! – дейди Татар, – сен айтканча тунукаси қийин... Менга қолса, пахтамин дуркун кўрунади, тўртинчи чопиққа сўз бермас дейман!

¹ Таассуб – маслақ, эътиқод, турмуш усули.

– Ҳозирги кўруниши чакки эмас, ёввойи ўтлар қутуратурган саратонгача кетма-кет уч чопиқни берсак шояд...

– Иккинчи чопиқдан бешинчи июнда қутулсақ, учинчини ўнунчидан бошлаймиз.

– Билмадим, буни ғўзаларнинг сувға талаби кўрсатади.

– Яхши, мен тунука топиш тўғрисида бош оғритаман... Хўп, бўлмаса, иттифоқ шу бўлсин. Буни ҳам сенинг анови масаланг билан бирга идорага қўйиб оламиз.

* * *

Чопиққа хотин-қизларнинг жалб қилиниши суръатни анча юқорилаштириб юборади. Еттинчи июнга қадар судралиб борган иккинчи бўлтакни ҳисобга олмаганда, қолмиш олти бўлтак иккинчи чопиқни икки ва учинчи июнда битириб, идорага хабар юборадир.

Тўртинчи июн чопиқни битирган бўлтаклар учун дам олиш кунни деб эълон қилиниши бараварида, бешинчи июнда олти бўлтакдаги ҳамма эркакларга полиз ва жўхориларнинг чопиғига чиқиш билдирилади. Шу кун экилмай қолдирилган икки гектар картошка ҳам экилмакчи.

Бешинчи июн Мулла Обид олти бўлтак колхозчиларини иккига бўлади. Икки бўлтакни полизга, тўрт бўлтакни жўхорига солиб, ҳар бир бўлтакни идора қилишни ўз бошлиқлариға ҳавола қилади. Фақат орадан Усмон полвон билан Карим отани чиқариб ўзи билан олиб юради.

Иккинчи чопиқдан чиққан ғўзаларни айланиб, етилган жойларга учинчи чопиқ учун сув бериш, умуман, чопиқ сифати, ер ва ғўзалар аҳволини кўздан кечирмакчи.

Иккинчи чопиқдан сўнгги даврни Усмон полвон «сарак саракка, пучак пучакка» деб таъбир қилади. Унинг фикрича, ерларнинг кучлими ё ориқмилиғини билдирадиган давр иккинчи чопиқдан сўнгги пайт эмиш.

Учовининг миниши учун Мардонбой томонидан эгарлатилиб қўйилган отлар устида бир оз «жанжал» бўлиб олади.

Мардонбой буларнинг миниши учун учта қулунли бияни эгарлаткан. Мулла Обид билан Усмон полвон қулунли бияни миниб юришга қарши, чунки қулунлар ғўзани босиб нобуд қилади, дейдилар. Мардонбой эркак отлардан беришга қарши, чунки уларни бир оз этлантираман, дам олдираман дейди.

Ҳатто кеча ўзи ҳам районга қулунли бия миниб борганлигини айтади. Букун районга кеткан Татарга ҳам бия миндирганлигини сўзлайди.

– Икки-уч соатга отларинг узилиб қолмас эди! – дейди Полвон.

– Узуладими, йўқми, ҳарҳолда дам олдириш керак, шунчалиқ диққатимни бўшга кетказмайман!

– Бўлмаса, қулунларини тутиб боғланг! – деб буюради Мулла Обид Мирвали бангига.

– Ҳа, сиз қайтгунча, булар билан майнавозчилик қилар эканман! – деб эринади банги.

– Қараб турманг, тутинг!

Тўрт томонга сакраб турган қулунларни тутиб олиш анча қийин бўлади, унга Мардонбой ва Мулла Обидлар ёрдамлашадилар. Айниқса, тўруқ тойча тутқуч бермай, Мирвали аканинг бемазасини бешта қилади, «Сабил, ҳароми, валадизино» каби «ширин» сўкишлар билан базўр тутиб олади.

Бияларга миниб жўнайдилар. Икки томондан «ҳанг... хинг...» деган кишнашлар бошланади. Арқонга бирга боғланган учта қулун, оналари томонга интилиб Мирвали акани йиқитадилар. Мардонбой ёрдамга етмаса, Мирвали ака судратма бўлаёзиб, кийими ердаги сийдикка беланади.

– Ҳамма ишни сен қилдинг, Мардон, – дейди банги, – яктак-иштонимни бу кун кийган эдим. Фойдасига... Шу ишни! Ювишга совун қани энди? Ёки бир-икки жуфт яктак-иштон қибериб қўйганмидинг?

Мардонбой кулади.

– Куласан тагин, қулунларингга фалоним... Кетмонинг бўлса, Худой урған инжиқ. Сен бўлсанг, ундан баттар... буни қара, шу ҳам гапми?

– Хафа бўлма! – дейди Мардонбой, нима, сен намоз ўқуйсанки, кийиминг бетаҳорат бўлса... Эрта-бириси кун кооператив очилади, шунда бошлаб яктак-иштонликни сенга олиб бераман, совун ҳам оласан.

Мирвали аканинг аччиғи бир оз босила тушади.

– Кўриб турарман...

– Кўриб турасан... Қани ичкарига торт қулунларни.

Иккиси бирлашиб қулунларни саройга киритадилар.

Гарчи бирмунча дағалроқ бўлса ҳам, ўзбекчада «бўлатурган

бузоқнинг турқидан маълум» деган бир мақол бор. Шунга ўхшаш иккинчи чопиқ билан танаси йўғонга тортиб, барглари қорамтилга мойиллашган ғўзалар ўз истиқболларидан хушхабар айтиб турадилар

– Ғўзаларимиз чакки эмас, – дейди полвон, – булар учинчи чопиқни олгандан кейин жуда ҳам ўдағайлаб кетади. Сиз айткан тўртинчи чопиққа сира ҳам сўз бермас!

– Баъзи тупларда шона ажратишга ҳам ҳаракат кўрунади, – дейди Карим ота, – мана, мановиларнинг бағр бутоғиға қаранг.

– Яна уч кунни ўтказиб шу тахталарга сув берилса бўлади, – дейди Полвон, – кечиктирилса, кетмон билан ўйнашиб, шохини синдиради.

– Тўғри!

– Ҳарчи, ўт йўқ ҳисоби, – дейди Мулла Обид.

– Чух-чух, – деб отни уват ариғидан сакратади полвон, – бунда ўт нима қилсин, кетма-кет кетмон, устма-уст машина еб тургандан кейин... мен бошда машинадан яхшилиқ кутмаган эдим. Лекин жўякдаги ўт томирларини қурутишда фойдаси катта экан!

– Жўякнинг намини сақлаб беришдаги фойдаси оз деб ўйлайсизми? – дейди Карим ота.

– Мана шу уват яхши кўтарилмабти, – дейди Мулла Обид.

– Ер кучсиз.

Нариги уват билан буниси бир-бирига нисбатан фарқни ҳол тили билан сўзлаб туради. Нариги уват ғўзалари қишқи тўкмадан ҳар кунига икки мартаба палов еб семириб чиққан йигитларга ўхшайди, бериги уват касалхона ҳовлисида қуёшга чиқиб ўлтурган беморлар рангини эслатади.

Мулла Обид сакраб отдан тушиб, тизгинини ёнида тўхтаган Карим отага беради, ўзи бориб шудгордан икки кило тош қадар бир кесакни олиб қарайди ва эзмакчи бўлади. Кесак берчлик қилиб эзилмайди.

– Чопиғи текис кўрунади, – дейди кесакни ерга ташлаб, – сиз айтканча ер кучсиз экан!

– Кучсиз, бу шудгордан ҳам кўруниб туради.

Мулла Обид қўйнидан дафтарча ва тўрт энлича қисқа қаламини олади.

– Бу кимдан қўшилган ер, билмайсизми?

– Уста Тошпўлатнинг ери.

Мулла Обид қийнала-қийнала араб ҳарфи ва эски имло билан дафтарчасига ёзади:

«Тўртинчи бўлтак қўл остида уста Тошпўлатнинг ғўзаси ер кучсиз бўлганидан кўтарилмаган».

Мулла Обид дафтарни қўйнига тиқиб, отига миниб олади ва:

– Буни нима қилсақ экан, – деб йўлдошларига мурожаат қилади.

– Бу йил энди фойдаси йўқ, – дейди Полвон, – келаси йилга ғўнг солинади, шу. Менинг бўлтагимда ҳам икки десатча шундай кучсиз жойлар бор.

– Учинчи чопиқ билан ҳам кўтарилмаса, тўртинчи чопиқ берилади, – дейди Карим ота, – теги юмшатилиб турилса, ғўза анча ўнғалади.

Мулла Обид бир неча вақт сўзламасдан ўйлаб кетади.

– Шундай кучсиз экинни ўнғалтириш учун бир йўл эшитганман, – дейди Мулла Обид, – шаҳар теварагида деҳқончилик қиладиган немислар бундай қилар эканлар: экинга сув киратурган жойга катта ҳавз қилиб, ичига қирқ-эллик арава ғўнг солар эканлар, ундан кейин суғоратурган вақтда сувни шу ғўнгли ҳавз орқали ўтказиб, ҳавз теварагидан беш-ўн киши ҳавздаги ғўнгни курақлар билан кавлаб турар экан. Ғўнгнинг шираси сувга қўшулиб экиннинг томирига етар, экин шу билан ўнғалиб кетар экан.

Карим ота немисларнинг ҳафсаласига таажжубланади. Усмон полвон бу усулнинг озгина ердаги экин учун мумкинлигини, бундай катта ерларга татбиқи осон бўлмаганлигини сўзлайди.

– Тўғри, бизда мумкин эмас, – деб уни тасдиқ қилади Мулла Обид, – лекин тажриба учун бирор гектар кучсиз ерни синаб кўриш керак эди.

Ярим соат чамаси фурсат ичида тўртинчи бўлтак кўздан кечирилади. Бунда ҳалигидек кучсиз уватдан ҳам иккитани Мулла Обид дафтарига тиркаб олади. Катта йўлни кесиб кўчанинг нариги бетига ўтадилар. Йўл устида ерга ўрнатилган икки қулоч чамаси ёғоч бошига қоқилган тахтада:

«Четан» колхозининг бешинчи рақамли бўлтаги. Ишловчи ўспиринлар билан ўн тўққуз, ер йигирма бир «га»¹ деган ёзув кўринади. Буни кўздан кечирган Мулла Обид «хотин-қизларни ҳам кўрсатиш керак экан» деб ўйлайди.

Етти бўлтак экинларини кўздан кечириш Мулла Обиднинг «шартномани тўлдирилмай шарманда бўлмасак...» деган хав-

¹ «га» – гектар.

фини йўқотади, Усмон полвоннинг сўзига қараганда, агар учинчи чопиқ билан сувдан урдирилмаса, бир десаткадан юз, юз ўн пуд пахта олиб бўлар эмиш. Дуруст, бояғидек ер кучсизлигидан кўтарила олмай қолган ерлардан етти бўлтақда тўққуз жойни Мулла Обид дафтарчасига қайд қилиб олади. Лекин бундай кучсиз жойлар ҳаммаси бўлиб тахминан ўн беш гектардан ортиқ эмас. Усмон полвон ва Карим оталарнинг сўзларига қараганда, буларни ҳам ўнғалтириб бўлади, аҳвол унча хавфли эмас. Айниқса, бу жойларга тўртинчи, ҳатто бешинчи чопиқни ҳам аямаслик керак, дейдилар.

Шундай, бу кунги кўрук Мулла Обидни бояги васвасадан қутқарганидек, бундан кейинги иш тартибларини ҳам очиқ кўрсатиб беради. Кечиктирмасдан учинчи чопиққа ўтиш, ундан сўнг, агар экин тўртинчи чопиққа сўз бермай турган даражада ўдағайлаб кетса, суғориш, орқасидан машина каби ишларни давом этдириш. Усмон полвон фикрича, ёввойи ўт босиш хавфи ҳам учинчи чопиқдан сўнг битади. Чунки, ёввойи ўтлар қутуратурган вақт июн ойидир. Холбуки, бутун июн ойи «Четан» ерлари кетмон ва машина остидан қутулмай, ёввойи ўтлар нобуд қилина берадилар. Бу орада ғўзалар ўбдан ўсиб, шох-шаббалаб гул ҳам кўрсатиб қўядилар, июл ойида ёввойи ўтлар битади, кўкармайди деб бўлмаса ҳам, бироқ энди улардан ғўза учун хавф йўқ, ўдағайлаб кетган ғўза июлда кўкарган ёввойи ўтларни бўғиб ўстирмай қўяди.

Етти бўлтақни кўздан кечириб чиқиш учун беш соат чамаси вақт кетади. Гузарга қайтиб, бияларни Мирвали бангига топширадилар. Мулла Обид идорага томон борар экан, Мирвали банги бақиради:

– Сизни Татар уйига таклиф қилди. Қайтса олдимга кирсин деди.

– Ўзи қачон қайтди?

– Ҳозир қайтди, – дейди Мирвали ака, – кирсангиз, нах фаранги шўрванинг устидан чиқасиз.

Мулла Обид илжайиб, Берди татар томонига бурилади, ҳамроҳлар билан хайрлашади.

Мирвали айтканча, Мулла Обид «фаранги шўрва» товоққа сузилаётган пайтда кириб боради. Татар хурсанд бўлади.

– Қайнонанг суйган, – дейди, – экинларинг қалай, хурсанд бўлиб қайтдингми?

– Чакки эмас, сизнинг ишлар-чи?

– Меники ҳам жойида, – дейди Татар Мулла Обиднинг олди-га шўрва қўяр экан, – ўртоқ Рафиқов сенга салом айтди.

– Саломат бўлсин, – дейди Мулла Обид, – менга шўрвани кўп сузгансиз, мен ҳали уйимдан ҳам овқатланаман. Бир озини сизнинг товоққа қайтарай.

– Йўк, керак эмас. Бу шум декчани сен ҳазил ўйлайсанми, – дейди Татар, – яна икки кишини тўйдирарлиқ шўрва бор, қани нонни тўғра... Бу кун мен жуда ҳам теримга сиғмай қайтдим, тунука масаласи ҳам ешилтурган бўлиб қолди. Энди сен одамдан ўктамлик қилсанг, бас!

– Тунука топдингиз?

– Топдим, – дейди Татар мағрур, – ўртоқ Рафиқов агар пахтага зарар бермасангиз, ишни бошлай берингиз, мен тунукани оталигингиз Ильич заводидан бердираман, завод қўлида бир вагон оқ тунука бор, деб айтади. Фақат илгари техник чақириб плон ва смета тузиш, неча пуд тунука керак бўлишини билиш зарур экан.

– Хўп... сара бўпти.

– Пошшоликнинг заводига юз, икки юз пуд тунука ҳеч гап эмас-да, – дейди Татар, – денгиздан бир челақ сув олғандек гап... Ҳа, айтканча, ўртоқ Рафиқовга сенинг танача масалангни ҳам гапирдим. Жуда ҳам маъқул кўрди, яхши фикр, тездан қўйларга айрибошлангиз, кечиктирмангиз, дейди. Фақат таначалар зотли бўлсин, бозордан тўғри келганини ола бериш ярамайди, дейди, сотилатурган зотли таначалар ўзимизнинг қишлоқдан ҳам топилиб қолади, кеча Рашидбойнинг боласи бир ярим яшар зотли таначам бор деган эди.

– Ҳа, зотли таначаларни топиш қийин эмас.

– Бунда ҳам ўзинг бошқаларга намуна бўла оласан, – дейди Татар шўрвани хўр-хўр ичиб, – ўзингда ҳам швед сигирининг таначаси бор.

Мулла Обид бош қашинади...

– Бошингни қашима, – деб кулади, – тенг еганни Тангри суйибди...

– Бир гап бўлар...

– Бир гап бўлар деб думдор қилма, – дейди Татар, хўп бўлади деб айт.

Мулла Обид иккиланади...

– Хотиним кўнмасмикан... Сигир қиламан, деб ўлиб юрган эди.
 – Хотинингни кўндир... Сен колхозга ўрталарни тортишда зўр қахрамонлиқ кўрсатдинг, энди бир танани... – деб кулади Татар ва мавзуни бино устига буради, – энди бино учун одамни қачон берасан?

– Учинчи чопиқдан кейин.

– Илгари эмас?

– Илгари мумкин эмас.

– Учинчи чопиқни қачондан бошлайсиз?

– Ўнинчидан сув бермакчи бўлдик. Чопиққа ўн бешдан илгари келмас.

– Биринчи июлгача одам беролмайман дегин-чи?

– Беролмайман... Лекин шунда ҳам кўп киши эмас.

– Нега кўп киши эмас?

– Учинчи чопиқдан кейин кучни бир нечага бўламиз, бу кунги кўрик шуни кўрсатади, – дейди Мулла Обид, – хотин-қизлар тўртинчи чопиқ лозим бўлган баъзи жойларда чопиқни давом этдирадидлар, бир туркум аъзолар суғоришда қолдириладилар, иккинчи туркум буғдой ўроғи ва хирмонга жўнатиладилар, учинчи қисм ҳозиргача бизда йиғилган гўнг ва ариқ қазилганда чиққан лойқаларни гўнг талаб ерларнинг тепасига аравалаб таший бошлайдилар. Тўртинчи қисмни иккинчи ўрим бедага солиш керак. Бешинчи қисм сизнинг бинога...

Татар бошқаларга бир нарса демаса ҳам, гўнг ва лойқа ташиш тўғрисида эътироз қилади:

– Гўнг одатда куз ва баҳорда ташилади, ёзда ташиш... Бунингга мен қўшулмайман.

Мулла Обид сўзни эшитмайди, Татар иккинчи қайта такрорлайди.

– Ёзда йиғилган гўнг ва лойқани мен ҳам кузда ташиш фикрида эдим, – дейди Мулла Обид, – бироқ кузда гўнг ва лойқа ташишга қўлимиз тегмас экан. Биринчидан, биз кузда ҳамма кучни теримга бериб, тезда ерни кузги ҳайдашга бўшатишимиз керак, бу жиҳатдан кузда ишчи кучимиз етмайди; иккинчидан, кузда ҳамма от-арава пахта ташишга банд бўлиб, гўнг учун от-арава ҳам тополмаймиз. Пахтадан кейин қўш... Кўкламга қолдиришни эса, маъқул кўрмайман, кўкламда ҳам бизни ташиш учун гўнгимиз ва бундан бошқача ишларимиз ҳам бўлади. Масалан, баъзи чала кучсиз ерларга бирор минг арава ранг солиш фикрим ҳам бор.

– Ранг нимаси, қаёқдағи машаққатларни ўйлаб топасан, – дейди Татар, – ўзимиздаги гўнг етишмайди дединг, лойқаға ҳам кўндик; энди ранг.

– Бари бир етишмайди, – дейди Мулла Обид, – Усмон полвонлар ҳозирча гўзага ҳар қанча юқори баҳо берсалар ҳам, лекин менинг кўнглим тўлинқирамайди, кўп ерларимизни гўнгламасак, бари бир «эски тос, эски ҳаммом». Бизга кўп гўнг керак, гўнг топмаганда ҳалигидек чоралар керак.

– Келаси йил ҳукумат ерни кучайтиратурган дорини кўплаб берар эмиш.

– Берса солишга жой топамиз, – дейди Мулла Обид, – бу йилги олган дори беда учун мужарраб бир даво экан. Шу дори солинган ўн гектар беда жуда ҳам тирсиллаб кетди. Ҳукумат бературган дориларни келаси йил қолмиш бедаларга соламиз. Хўп... Бизга у ёқни қўя туриб, ўзимиздаги имкониятларга қараш керак. Яхши ўйласак, ўзимизда имконият кўп. Масалан, сигирли, қўйли аъзоларнинг рўзгоридан ҳар йил минглаб арава гўнг чиқарсақ мумкин. Ҳолонки, сигир гўнглари таппи, қўй кумалоқлари қий қилиниб ёқилади. Шуларга бир чора кўрсак эди... Мен бу тўғрида идорага маъруза қилмоқчиман.

Татар хахолаб кулуб юборади:

– Сенга гўнг савдоси тегибди, – дейди кула-кула, – таппи ва қий ёқишни ҳам маън қиламан дегин!

– Чора йўқ, маън қиламиз! – дейди Мулла Обид, – биз қий ва таппи ёқувчиларга ўтин берсак, манъ қила биламиз. Яхши ўйлаганда, бунда кулатурған гап йўқ; баъзи районларимизда киши гўнгидан ҳам фойдаланадилар деб эшитаман. Агар биз чинлаб деҳқончилик қилатурған бўлсак, ҳали бизга ҳожат ўраларимизни ҳам қазитиш тадбирига ҳам эҳтиёж тушса керак!

Татар энди кулмайди. Мулла Обиднинг қаршисида енгил ўйлаш зўр бир камчилик эканлигини ҳис қилади...

7. ҚУЁШ БИЛАН ҲАМ КУРАШАМАН

Учинчи июлнинг тонг салқини букунги қуёшнинг туғуши олдида узоққа чидаб боролмайди. Ёқимли салқин ва нафис эсаётган тонг ели, оқ тутун ичида барқ уриб чиқаётган қуёш ҳаракати билан нафас олиш учун ёқимсиз илиқ бугга айланади. Эрта билан бирор соат тинган сув каби шаффоф ҳолда ту-

ратурган ҳаво ҳам бугга тутилган ойнадек хира тусга киради... Суви кўллаш орқасида сизот – изза ҳолига келган, теварагини барди, саломалик ўтлари босган, поёнсиз гўзапоялар орасидан айланиб оққан ариқ устларидаги чивинлар тоқатсизлангандек гивирлаша бошлайдилар. Ёнғоқ остида ўчоқ қазиб, ўн кетмон турпоқ тортиш билан манглайи терчиган Юнус ота кетмонига суяниб нос отар экан, ўз-ўзига:

«Букун кабоб пиширсак ҳам бўлади», деб сўзланиб қўяди, – Аваз, сен отингни чиқарган бўлсанг, анови тутга боғла, аравани бўшатма-турсин, илгари икки челақ сув олиб кел-чи! Аравага озиқ-овқат ортиб келган Аваз отни тутга келтиртириб боғлагандан сўнг, шотига боғланган иккита челақни келиб олади.

– Сувни челақлаб ташиб юрмайлиқ, – дейди Аваз, – қайтишда ўрик тегига сув очиб келаман.

– Жуда яхши, – дейди Юнус ота оғзидаги носини туфлаб, – сувни тезроқ келтир, ўчоқнинг лойига ҳозир сув керак бўлади.

Иккиси шу сўзни сўзлашганда ернинг этагидан елкасига кетмон қўйган бир тўда йигитлар кўрунадилар, йигитларнинг орқасида от олдига катта бир самоворни ўнгарган яна бир отлиқ ҳам кўрунади.

Юнус ота ўчоқни тозалаб, қозонни ўчоққа хомаки қўндирган пайтда, йигитлар ёнғоқ тагига етиб келадилар-да, тарс-турс қилиб елкаларидаги кетмонларни ерга ташлайдилар.

Уларнинг уч-тўртталарини истисно қилганда, кўплари деярли олди очиқ яқтак, қалами иштон кийиб, оёқларида кўн этик, бошларига ҳар турли тўппи кийиб, белларини бир метрдан мўл қилиб кесилган, яхшигина кирлаб сарғайган хом сурп билан боғлаганлар.

Кўпчилик йигирма билан қирқ орасидаги йигитлар бўлиб, орада уч-тўртта қирқ-элли, ҳатто олтмишга яқинлашган бир мўйсафид ҳам кўрунади.

Улар кетмонларини ерга қўйгандан кейин, сўз қўйишгандек белбоғларини ешиб, манглайларини шу белбоғ билан танғий бошлайдилар.

Орадаги икки-учта яланг оёқ ёшларнинг бириси бўлган йигирма икки-йигирма уч ёшлик чамалик бир беўхшоқ йигит Юнус отанинг ёнига келади ва энгашиб ўчоқ ичига мўралайди.

– Ўчоқни қотирибсиз, ота, – дейди тақдир қилиб, – чопиқни битирган кунимиз ўхшатиб бир палов дамлаб, иккита «мўйсафид»дан чақиратурган бўлибмиз!

Қозон теварагини турпоқ билан тўлдираётган Юнус ота илжаяди, унинг онда-сонда чуқуртақ бўлиб қолган тишлари кўруниб кетади:

– Агар бугун қизил саллани олсанг, албатта.

«Беўхшоқ» деганимиз ҳақиқатда ҳам қўпол, суяги йўғон, қадди қисқа, яъни бўйидан олиб энига урулган боши беҳад катта, кишига қараган пайтда, айниқса, ёш болаларни кўрқутарлик даражада ғилай, филники каби йўғон ва тўмтоқ оёқли, қўллари ҳам оёғига яқин бир сифатда. Юнус отанинг бояги жавобидан кейин йигит тўмтоқ қўллари юмруқ ҳолига қўйиб, тишини қичирлатади, ғилай кўзини «даҳшатли» ҳолга киргизади:

– Оламан, албатта оламан! – дейди ва теварагига аланглаб ўзидан олти қадам нарида бир ярим метр чамаси қизил сатинни бошига чўлғаб ётган чуваккина ва афтидан улўғсимонлик кўруниб турган бир йигитга қарайди.

– Қизил саллани берасан, оламан!

Бошига қизил салла чўлғовчи йигит жавоб ўрнига илжайиб қўяди.

– Оласан! – деб пичинг отади Юнус ота, – қизил салла деб етти йигит йиқилди, сен саккизинчи қурбон бўлмасанг яхши эди!

– Самоворни ол, каллахом! – дейди отда келиб тўхтаган бўлтакбоши – Ислом новча.

«Беўхшоқ» йигит нима ҳам демакчи бўлиб турганда, сўзи бўлтакбоши Ислом новча томонидан бўлинади, самоворни олиб четга элтиб қўяди.

«Беўхшоқ» йигит, яъни бўлтакбошининг таъбирича «каллахом»нинг асл исми Розик бўлиб, фавқулоддароқ яратилганлигидан бўлса керак унинг шахсига анчагина лақаб тўқиганлар. Сийлаган киши уни ўз исми билан «Розик» деб атайтиди. Бировлар «каллахом» деб чақиради, учинчилар «пўлағур»¹, тўртинчилар эса тўғридан-тўғри «кўр» деб хитоб қилади. Лекин «ғилай» деб уни ҳеч ким айтмайди. Эҳтимолки, Розикбойга нисбатан «ғилай» сўзини «хайф» ёки «эссиз» ҳисобласалар. Бу лақабларнинг Розикнинг ўзи томонидан қарши олинишига келганда, бундай лақаблардан чумоли чаққанча ҳам ранжимайди, балки табиатига «қўшимча» тариқасида бағишланган қизиқлиқларидан озгина ишлатиб қўйишга рухсат берилганлигини сезади.

¹ Пўлағур – пишмаган, етилмаган, хом.

Розиқбойға тақилған лақаблардан «пўлағур» сўзининг унинг яратилиш сифати яхши гавдалантирганликдан, биз ҳам бундан сўнг уни «Пўлағур» деб юритамиз.

Пўлағур самоворни олиб қўйғандан сўнг, белидаги рўмолини силлиқ тахлаб манглайини боғлайди. Олди очиқ яктагининг кўкрак тўғрисиға тақилған боғичларини бир-бирисига келтириб боғлайди. Сўнгра қисқа, семиз билагини шимариб, кетмонини кўтарганича қизил саллалай йигитнинг олдиға келади:

– Имонингни ўгуравер, Бадал! – дейди Пўлағур кетмонини ерга қўйиб ва сопнинг бошиға юм-юмалоқ мушти билан гурс этиб уриб қўяди, – ё бўлмаса, оёғимни ўп!

Пўлағурнинг бу сўзидан ёш-яланг хахолашиб, кексалар илжайишадилар.

Бўлтакбоши – Ислом новча кетмонини қўлиға олиб, ҳаммадан ярим газ юқори турған қадди билан ғўзанинг устиға келади. Унинг орқасидан бошқалар ҳам эргашадилар. Кейинги суғориш билан анчагина кўтарилиб қолған ғўзанинг ҳозирги кўлагали жойлари бир қадар лой, беш-олти одимгача серхато ва қисқароқ бўйли кўрунадилар. Қолмиш ғўзалар эса кўз илғамай сойға тушиб кетгунча олтмиш-етмиш сантиметр чамаси дуркун ўскан ва аксар тупларнинг қуйи бўғимларида сарғиш-пушти капалак қўнған каби гуллар кўрунади.

– Бу ерлар лойроқ, кетмонга ёпишади! – дейди бўлтакбоши ва беш-олти қадам ғўзадан ташлаб ичкариға боради, – шундан бошлайлиқ, қолдирилған ғўзаларни кечки пайт бошлаймиз.

Бўлтакбоши нашали уват ёнидаги чет қаториға ўтиб, ўзининг ён қаториға Пўлағурни чақиради:

– Қани, каллакдор полвон, меним ёнимдаги эгатга; сиз Бадал қахрамон, каллакдорнинг ёнидаги қаторға; сиз ўртоқлар, ўз қаторларингизға жойлаша беринглар.

Пўлағур бўлтакбошининг ёниға, унинг ёниға Бадал келиб тушади. Бошқа қаторлар ҳам колхозчилар билан тўлиб, йигирма қадар эгат эгалланади.

Бўлтакбоши уларни санаб чиқади:

– Бир, икки, уч... мен билан ўн тўққуз! Тўғри. Қани, оғалар, бошладик! Каллахом, сепламага¹ йўл йўқ! Бадалбой, сиз ҳам эҳтиёт бўлинг! Кесаклар ушалсин, ўтлар ўлсин, бўғузлар тўлсин... Кетмонни томирдан қочириб юрутасиз, башарти бир қа-

¹ Сеплама – нари-бери, амал-тақал.

тордан зарарланган бирор туп ғўза кўрунса ҳисобга олмайман!

Пўлағур қўлига туфлар экан, кўзини ола-кула очиб, қаторнинг бошига қараб олади ва «шарманда қилма» дейди-да, кетмон ташлайди. Бошқалар ҳам чопиққа бошлайдилар: кетмонлар олдин-кетин кўтарилиб туша бошлайдилар. Тарс-турс, чақчуқ этган товушлар чиқиб, юқори кўтарилган кетмонларнинг йилтироқ сиртига тўқунган қуёш нури ялт-юлт чақнаб туради. Пуштадаги қуруқ турпоқлардан озроқ чанг бурқиб томонлар билан ўйнашади ва теваракка тарқала бошлайди. Чопиқдан чиққан жойлар силлиқ манзара ола борадилар.

Пўлағур бир оз шошинқираган ҳолда тарс-турс кетмон уради. Бадалнинг кетмони у қадар шошиб тушмаса ҳам, бироқ ҳар бир кетмон керакли жойга тушиб, бир тупни икки-уч кетмонда саришталаб боради. Ҳар иккисининг чопиғига кўз қирини ташлаб борган бўлтакбоши бир вақт кетмонига суяниб тўхтади.

– Сен каллахом, чопиққа бир оз чала кўрунасан, кучинг бекорга сарф бўлмоқда, – дейди бўлтакбоши, – кетмонни мўлжаллаб ташла: биринчи кетмондан ўт ўлсин, кесак ушалсин, томир бўшалсин ва шу турпоқ билан нариги ғўзанинг бир ёқ бўғози ҳам тўлсин. Иккинчи кетмонда бериги бўғоз тўлиб, учинчи кетмонда чала қолган ўрунлар қумлансин¹. Онда-сонда учраган катта кесакларни кетмоннинг муҳраси билан бир урда, кетавер! Ҳозир Бадал билан баравар бораётган бўлсанг ҳам, бироқ узоққа чидолмайсан, негаки, бирнинг ўрнига икки куч сарф қилмоқдасан.

Пўлағур ишлар экан, бўлтакбошининг сўзини тинглайди. Чунки «душман» ҳазил эмас, бир қадам ҳам олдинга жўнатиш «фалокат» келтиради...

– Тўғри! – дейди Пўлағур, – ишимнинг пўлқилиғини ўзим ҳам пайқаб қолдим!

Чопиқчилар кулуб юборадилар.

– Балли! – дейди бўлтакбоши, – сенда Бадалнинг икки кучи бор, бироқ ҳадис² йўқ. Кетмонни ҳамма вақт юқори кўтариб бир қўнуқда³ тушурма; кесак кўчиратурган бўлсанг баланд кўтар-да, ўрта дамани ишлат, қумлашда миёна⁴ кўтариб ўнг

¹ Майда тупроқ ташламоқ.

² Ҳадис – малака, маҳорат.

³ Қўнуқ – маром.

⁴ Миёна – ўрта.

даминигина ишлат, керак бўлмаганда, сўл дамани ишлата кўрма! Ана, ана, тамом!

– Оббо... – дейди ишдан тўхтаб Бадал, – таълимнинг ҳамаси бу кунга йиғилиб қолган экан-да, хўжайин!

Бўлтакбоши илжайиб қўяди.

– Мақсад, сенлар тушунганча қиморбозлардек, бир-бирларингдан ўтишда, хунарни яшириб ютушда эмас, – дейди бўлтакбоши, – колхоз учун уста чопиқчилар керак, чопиқни ўз вақтида битириб олиш керак; мен буни ҳамма вақт сўзлаб келаман. Тўғриси айтканда, Розикбой бу турганларимизнинг ҳамасидан ҳам зўр, бироқ чопиққа келганда хунари йўқ. Агар шу каллахом чопиққа роса уста бўлса, бир кунда икки маркалик¹ иш қила беради. Бу нима деган сўз? Агар чопиққа омилкор бўлган Розикбой биз билан ўн беш кун иш қилса, ўзи икки гектар ерни ортиқ ишлаб, мана шу турганларни бир кун илгари ишдан бўшатади. Иккинчи ёқдан чопиқни ҳам ўз вақтида бажаришга имконият беради.

– Икки кишилик марка ҳам олади денг, Хатиб домланинг ола сигири ҳам шуники, денг! – дейди Пўлағур.

Колхозчилар кулушадилар.

– Ўзаро мусобақа керак, – дейди давом қилиб бўлтакбоши, – шу билан бирга, билган хунарни бир-биримиздан яширишимиз яхши гап эмас. Тўғри келган сайин бир-биримизга тажрибаларимизни ўргатишимиз зарур!

– Қойилман, улуғим, – дейди Пўлағур кетмон ташлаб, – галамусга одоб беринг, галамусга!

Чопиқ давом қилади. Мусобақачилар кўпчиликни орқада қолдириб олдинлайдилар. Қуёш бетини ердан кўтарилган оқ туман қоплаб лойқатади. Тиқ этган шамол юрмай, нафас олишни қийинлаштиради, чопиқчиларнинг манглайларидаги рўмоллари тер билан хўлланса ҳам, ҳали сиқиб ташлайтурган даражага етмайди. Этлироқ йигитларнинг яқтак елкаларида бир-мунча тер нишонлари кўрунади.

Ислом бўлтакбоши манглайига терилиб қолган терни бармоғи билан сидириб ташлагач, олди очик яктагининг икки барини елпитиб қўяди.

– Аваз, ҳооой!

– Ҳовв!

¹ Марка – тўланадиган ҳақнинг белгиси, нишони; меҳнат маркаси.

– Отларни пастга тушириб, беда анғизига боғла, қайтишингда ўша тарафдаги қўрғонлардан товоқ-коса йиғиб кел! Ҳозир самоворинг қайнаган бўлса, бизга бир қумғон чой дамлаб кел!

– Хўп!

– Бормисиз, улуғ! – дейди Пўлағур, лекин ўзи чопикдан тўхтамайди, – ҳалқумлар қуриди-ку!

Мусобақачилар бошқаларни ўнлаб одим орқада қолдирадилар. Ҳар иккиси ҳам барабар бормоқдалар, ора-чора Пўлағур бир-икки одим олдинласа ҳам, буни Бадал сизди дегунча, бир чираниб етиб олади.

Пўлағур кутмаганда Бадал ишдан тўхтаб манглайдаги рўмолини ешиб, бет ва бўюн терларини артиб елпинади. Липпасидан носқовоғини чиқарар экан:

– Тўхта, каллахом, нос отиб оламиз! – дейди.

Пўлағур қулоқ солмайди.

– Носинг нимаси, мен носни ташладим, – дейди, – кўзинг тиндимми?

– Қўймайсан, кўр! – дейди орқадан аллаким.

– Қўймайман, букун Бадалингнинг ийиғини чиқараман!

Бадал носқовоқни нари-бери оғзига тўкиб, қўлига кетмонини олади.

– Бадални шоширди! Бадални эсанкиратди!

– Бўш келма, Бадал! Савалай бер, Розик!

Бадалнинг бояги тўхталишида Пўлағур уч-тўрт одим олдинлаб қолади. Бадал эса етиб олиш учун ҳамма ҳунарини сарф қила бошлайди. Иккисининг ҳаракатини ва чопиқ сифатларини кўздан кечириб турган бўлтакбоши орқадан қичқиради.

– Сепламага айланмангиз, йигитлар, сен, каллахом, бояги таълимни эсингдан чиқарма!

Пўлағур орқасига қарамасдан жавоб беради:

– Таълимингиз тошга битилди, улуғ!

Қумғонда чой келиши билан оғзидаги тупуги қуруған чопиқчилар чуғурчүкдек қумғонга ёпишадилар. Ҳар ким пиёла-ни илгари тўлдиришга шошилади. Бироқ мусобақачилар жойларидан қўзғалмайдилар.

– Сизлар ҳам чой ичиб олинг, йигитлар! – дейди бўлтакбоши.

Мусобақачилардан жавоб бўлмайди.

– Улар ҳали ёш, – дейди кулуб чол колхозчи, – уларга чойдан ҳам юз суви керак!

– Букун Бадал қизил салладан ажралди-ёв.

– Йўқ, ажралмас, – дейди кечаги кун Бадалдан енгилган Соҳибтой. – Бадал чапдас.

– Қанча чапдас бўлса ҳам, бир ҳафтадан бери курашиб чарчаган! – дейди чол колхозчи, – беш қадам ўзидан ўтказдим, бу энди бўлмайди деган гап.

– Бадал чўзилиб қопти, кечаги дабдабаси йўқ.

– Кўрунг биздан хили қув экан, Жалил! – дейди ўтган кун Бадалдан енгилган Раҳимберди, – бу итдан тукқан кўр, Бадалнинг мазаси кетган кунни жўплаб беллашди.

– Мен сўзларингга қўшулмайман! – дейди орқароқда чой ичиб ўлтурган чандиқ йигит, – хумсанинг илиги тўла, ундан кейин, букун чопиқ йўлини ҳам анча ўрганиб олди.

Бир пиёладан чой ичиб, ҳалқумни ҳўллаб олган чопиқчилар ишга тушадилар.

Бадал Пўлағурни қувлаб боради. Пўлағур ўзига етказиш ўрнига билъакс ундан аста-секин узоқлашади. Ҳар иккиси ҳам ўбдан терлайди. Айниқса, Пўлағурнинг яктаги сувга солиб олгандек шалаббо бўлади. Шалап-шулуп қилиб халақит бера бошлайди.

– Ешсам қутуламанми! – деб ҳайқиради бир вақт Пўлағур ва яктагини ешиб чопилган пуштага иргитади. Иштонини липпа уриб, яна кетмонга ёпишади, орқадагилар кулушадилар.

– Офтоб уради! – дейди бўлтакбоши.

– Эй, мен бугун офтоб билан ҳам курашаман!

– Жони савил, қизиталоқ! – деб кулади чол колхозчи.

– Экавинг келиб чой ич! – дейди бўлтакбоши.

Бир оз жавобсиз чопиқни давом этдириб борадилар. Пўлағур ишлаб турган ҳолда орқасидагидан сўрайди:

– Чой ичамизми, шерик?

– Ичсак ичамиз!

Иккиси қумғон ёнига келади. Пўлағур бир пиёлани Бадалга қуйиб иккинчисини ўзига солар экан, Бадалга манглай остидан мўралайди.

– Тобинг қалай, шерик?

– Яхши.

– Саллани уринтирмай топширсанг дейман?

– Топширишга ҳали вақт бор.

– Анави кетмонларингни бир-биридан туруш фарқига ҳам қараб қўй.

– Беш қадам нари-бери билан бир жойга боролмайсан.

– Хўп, носингни ол бўлмаса.

Чойли пиёлаларни ғўза кўлагасига кўйиб, нос чакишадилар. Пўлағурнинг куёшда куйиб мис рангига келган елкасидан ва манглайдан тер куйиб турадир. Бўюн томири тез-тез ташқарини туртиб, бурун катаклари нафас олиб чиқарганда сиқилиб, керилади, Бадалнинг чакка томирлари ўқлоғидек ташқариға туртиб, кўзи қон куйилган каби қизариб кўрунади.

Пўлағур оғзидағи носни туфлайди, кўлиға чойни олиб оғзини чайқайди.

– Сен Бадал, иним, боя бир янглишдинг.

– Нега янглишдим?

– Иш пайтида нос чакиб янглишдинг. Занталоқ носни чакканингдан кейин чўллатади, бир нарса ичмасанг, кишини абгор қилади. Сен нос чакиб олгандан кейин мен арвоҳингга фотиҳа ўқуб кўйдим. Кейин ҳар қанча урунсанг ҳам, менга етиб келолмадинг, қайтаға судралиб қолдинг. Агар мен чой ичишга кўнмасам, пуштада ўлиб қолган бўлар эдинг... Сўкма, сўкма даюс, сенга ўхшаган одам тарашлар¹ кўр Розикни аҳмоққа ҳисобласалар ҳам, лекин мен сенга ўхшаш хом даюсга² қирқ йил дарс бераман!

Иккави икки пиёладан чой ичиб олгунча эрмак учун «шин-шин» сўкушиб оладилар-да, яна кетмон кўтариб ишга тушадилар.

Тахтанинг қадди бир юз элли метрлар чамаси бўлиб, ёноққа келиб битади. Ёноқдан эътиборан сойга тушкунча кўндаланг эгатли алоҳида тахта бошланади, эгатнинг охири яқинлашган сайин Бадалнинг кўзи Пўлағурнинг қаториға туша бошлайди. Чунки Пўлағур Бадалдан ўн одим чамаси илгариланган.

Орадан яна ўн беш дақиқа чамаси фурсат ўтиб, Пўлағур Бадалдан ўн икки одим илгари кеткан ҳолда ўз ҳиссасини битиради ва ҳеч нарсага қарамай яланғоч елкасига кетмонни кўйиб, чопиқчиларнинг нариги ёғидағи янги қаторға юради ва ёқимсиз қилиб:

– Савлатинга, ғайратинга қойилман! – деган яллани айтиб кўяди, гўё бу билан ўзининг муваффақиятига жар солади. Колхозчилар кулушадилар.

¹ Одам тараш – одамга ўхшаш.

² Хом даюс – қўшмачи, далла.

– Каллахом бажо, – дейди чол колхозчи.

– Бажолигини айтишга ҳали вақт эрта! – дейди бўлтакбоши.

Бўлтакбошининг бу сўзи мактов кутиб турган Пўлағурга унча ёқмайди:

– Етти ярим газли соянгиз бу ёққа окқандами? – дейди Пўлағур ва янги қаторни чопа бошлайди.

Пўлағурнинг сўзи ҳаммани хахоланга мажбур қилади. Чунки Пўлағур «етти ярим газлик соя» деб бўлтакбошининг узун бўйидан киноя тўқийди.

– Уббо, тўймағур, улугни олди.

– Олганда ҳам ёмон тишлади.

Бир неча вақт кулги ораси узилмай туради. Исломбойнинг ўзи ҳам кула-кула ишлайди.

Пўлағур янги қаторни Бадалдан ўттуз одим илгари биттириб, Юнус отанинг олдига – қозон бошига келади. Манглайини танғиған хом сурпини ечиб, устидан челақдаги сувни қуяди. Сиқиб ташлагач, манглайини янгидан танғиб олади. Қозондаги аста-секин қайнаб турган ошга узоқдан мўралаб «меникини серқатиқ қиласиз!» дейди ва Бадал келаётган қаторнинг ёнига, ўзининг букунги учинчи қаторига тушади.

Негадир, ҳозир чопиқчилар орасидаги боя давом этган чақчақ ва борди-келди гаплар битиб, ўртани бир жимлик қоплаб олади. Мусобақачилардан бошқаларнинг кетмонлари, суви озайган обжувознинг пойкўбидек саланглаб-саланглаб ерга туша бошлайди. Улар иккинчи қаторни яримлатаёзганда бу саланглаш яна бошқача тус олиб, баъзан юқори кўтарилган кетмонлар алжиб бир-бирисига тарақ-туруқ тўқуниб ҳам кетади. Кетмонлар тўқунишгандан кейин ўзаро олаговур, кулги ва гап бошланади.

– Мастмисан, – дейди кетмони тўқунишганининг бири иккинчисига.

– Маст эмасман, дўлда ҳеч гап қолмади.

Бўлтакбоши буларнинг сўзидан илжаяди ва Юнус отага ҳайқиради:

– Буларнинг жанжалини эшитасизми?!

– Эшитиб тураман, – дейди ота тишсиз оғзини илжайтириб, – ошнинг ўтунини яқинда тўхтатдим, бир оз совиса, қатиқлайман!

Исломбой чопиқчиларга ўзларини озгина тетик тутишга тавсия қилиб, сув бўйигача сал қолганлигини айтиб ўтади.

Яна бир оз чопиқ боргандан сўнг Юнус ота ошга чақиради. Мусобақачилардан бошқалар Аваз сув сепиб кигиз тўшаган ўрик соясига бирин-сирин келиб ўлтура бошлайдилар. Аваз уларга кўк чой бериб туради. Исломбой елпина-елпина қозон устига келади. Ош чамасини ва пишишини синаб қарагандан сўнг, мусобақачиларни чақиради:

– Бас энди, ошга чиқинглар!

Исломбой кигиз ёнида қўлини ювар экан, Пўлағурнинг бояги пайрови эсига тушиб кулади.

– Каллахомнинг мендан аччиғланганлиғи тўғри, букун Бадалнинг мазаси йўқ.

– Мазаси қочди, деб айтдим-ку.

– Энди ҳам мазаси қочмасинми, етти кундан бери бир ярим патта¹ ишлаб келади! – дейди ёнбошлаб ётган чол колхозчи.

Мусобақачилар ҳам ишдан чиқадилар. Бадал қизил саллани бошидан олиб ўзини елпиб келади. Орқада келган Пўлағур манглай рўмоли билан яланғоч баданини артиб, терини қурутади.

– Ҳа, Бадал, маза жўқпа? – дейди Соҳибтой.

– Маза қочди! – дейди Бадал бошини чайқаб.

«Даъвогар»нинг ўз оғзидан чиққан «маза қочди» сўзи билан Пўлағур диринглаб юқори сакрайди ва отдек кишнаб юборади. Колхозчилар қулушадилар.

– Уббо, ҳаромқотқурай! – дейди Раҳимберди, – Бадални енгдингми?

– Бу ҳали ҳисоб эмас, – дейди Исломбой, – лоақал юз одим олдинламаса, мен ҳисобга олмайман.

– Хўп, хўжайин, хўп, – дейди Пўлағур, – кечки пайт колхознинг новча муфтиси (кулги) мендан икки юз одимни ҳисоблаб олсин, фақат ҳозир меним нонимни иккита, ошимни уч товоқ қилишга фатво берса бас!

Аваз колхозчиларга биттадан нон улашиб чиқиб, бўлтакбошига ҳам битта нон бериб ўтади. Навбат Пўлағурга етганда Аваз бўлтакбошига қарайди:

– Тўймағурга иккита нон бер, Бадалга ҳам иккита! – дейди Исломбой.

¹ Патта – пул олишга бериладиган чек.

Чопиқчиларга бир товоқдан ош берилади. Тўрт кишига товоқ етишмай, икки пиёласи бир товоқ ҳисобидан улар ҳам тинчитиладилар. Биринчи навбат ош ичилиб, иккинчи қайта ош сузилади. Лекин буниси биринчи товоқ каби тез бўшамайди, чопиқчилар кўпроқ иссиқ ош билан айқириб чиққан терларини артиб турушга мажбур бўладилар.

Пўлағур иккинчи товоқни бўшатиб, нонни ҳам еб битиради.

– Фақирники учтами, хўжайин? – деб астагина товоқни кўтариб Исломбойга қарайди.

Исломбойдан «уч товоқ» жавобини олиб, товоқни Авазга узатади:

– Жуда ҳам тўлдирма, буниси ўзи итлик! – дейди.

Гур этган кулги кўтарилади.

– Шошма, Аваз ўғлон! – дейди Пўлағур, – жазни сал ортиқроқ ташла, домла Розикохунга десанг, ўзи билади!

Чопиқчиларга яна ярим товоқдан ош тегади. Ошдан кейин бир пиёладан чой ичиб оғзини чайқагандан сўнг, дарров ишга тушадилар. Чунки, яна икки соат чамаси ишлагандан сўнг қуёш тик кўтарилиб, кун ўбдан қизигандан кейин ҳаммалари ишдан чиқиб икки соат ухлаб оладилар. Шунда улар тилаганча чой ича биладилар.

Қуёш қизигандан қизиб боради. Кўкдаги қушлар учушдан тўхтайдилар. Ғўза устида учиб юрган оқ-сарик капалаклар ғўза бағрига кириб яширинадилар. Чумоли ва чигирткалар ҳам кесак ва ўтлар остига кириб олишга мажбур бўладилар. Теваракни оғир бир сукунат қоплаб олади. Аммо жимликни колхозчиларнинг ер ва кесакка тўқинган кетмон товушлари бузиб туради.

Қуёш тиғи баданга ёсмиқ ойнадан¹ ўткан каби жазиллаб тўқунади. Шамол йўқ. Кетмоннинг кўтарилиб тушишидан ҳосил бўлган шамол ҳам иссиқ буғ бўлиб димоққа киради. Айниқса, ҳозир кўпроқ бурқий бошлаган чанг тағлайни қақратиб чопиқчиларнинг йўталиб олишга, тамшаниб тағлайни намлаб турушга мажбур қилади. Йигитлар дам-бадам тўхталиб елпиндилар. Манглайларидан фавқулодда қуйиб турган терни артиб рўмолларини сиқиб ташлайдилар. Этиклиларга унчалик сезилмаса ҳам, яланг оёқларга қизгин кесакда узоқ босиб туруш мумкин бўлмай қолади. Тез-тез бир ўрундан иккинчисига сакрай бошлайдилар.

¹ Ёсмиқ ойна – лупа.

Мусобақачилардан Пўлағур ўзининг учинчи қаторини битириб, тўртинчини ҳам яримлатади. Бадал эса учинчи қаторни битириш олдида, бошқаларнинг учинчи қаторни битиришларига ҳали анча вақт бор.

Барча ҳозир мўлжалли чопиқни битириб олишдан бошқани ўйламайди. Гапиришга ҳам тоқат йўқ. Чунки оғиз елимланиб, тупуклар қуруған, тўғриси айтканда, гап тинглаш ҳам кўнгилни беҳузур қилади. Мана шундай бир вақтда, ҳеч ким кутмаган ва ўйламаган бир пайтда, Пўлағур ашула қилиб юборди. **Ҳамма чопиқчиларни кулдуриб ёки кулушга мажбур қилиб Пўлағур ашула айтади.**

*Пўлағурнинг сомонийи, хоним!
Чопиқчилар омонмей, бегим...*

Узоқ кўр ҳам Пўлағурни жавобсиз қолдирмайди.

Чопиқчилар омонмей, бегим...

Чопиқчилар Пўлағурнинг намоишкорона ашулаларига кулубгина жавоб берадилар, бу ҳақда ёнларидаги билан фикр олишиб турмайдилар. Чунки, куёш золимона тўн кийиб, қолхоз болаларини мажбурий сукутга юборган.

Ўз қаторларини битирган чопиқчилар сўзсизгина кетмонларини елкаларига қўйиб, шилқиллаган ҳолда ёнғоқнинг тагига жўнай бошладилар. Самовор теварагига пиёлаларга қўйиб со-вутилиб қўйилган кўк чойдан икки-учни бўшатгандан кейин, келиб кийиз устига яслана берадирлар.

Мусобақачилар кўлчиликдан бир оз кейин қоладилар.

– Сенлар ҳам ишингни тўхта! – деб бақиради бўлтакбоши.

Бадал кетмоннинг пуштага юмалатиб, ёнғоқ тагига жўнайди.

Пўлағур хануз ўзининг «макки-чакки» ашуласини айтиб, бо-риб етишга ўн одимча қолган тўртинчи қаторини битиришга интилади.

Бадал бошидаги қизил саллани олиб, Пўлағурнинг йўли устига ташлайди.

Ислом бўлтакбоши йўл устида Бадални бир пиёла ярим со-вutilган кўк чой билан кутиб олади:

– Балли, йигит, саккиз кунга чидадинг-а, ич чойни! – дейди. Колхозчилар ҳам Бадалнинг саккиз кун ичида кўрсатган қаҳра-монлигини тақдир қиладилар.

– Одам пўлат эмас! – дейди чол колхозчи.

Бир оздан сўнг қизил саллани бошига ўраб яланғоч Пўлағур ҳам келади. Яланғоч аъзоси мисдек қизариб, ёғмурдек оқаётган тери иштонига тўкилиб сингади. Иштони эса сувга солиб олгандек тер томчитиб туради.

Исломбой уни ҳам кўк чой билан қаршилайди:

– Бу кун Бадални енгдинг, каллахом! – дейди бўлтакбоши, – бироқ сен уни, етти кишини енггандан кейин енгдинг. Бадал чарчаган эди. Шунинг учун биз уни сендан енгилган ҳисобламаймиз... Башарти сен саккиз кишини енгсанг, Бадални енгган бўласан, а, шундай эмасми, ўртоқлар?

– Тўғри, шундай!

– Хўп! – дейди Исломбой ва қўлига яна икки пиёла чой олади, – оғайнилар! Биз букунги сингари мусобақалар билан колхозимизнинг бошқа бўлтакларидан анча илгарида бормоқдамиз. Бу, албатта, орамизда шунинг сингари мусобақачиларнинг давомидан бўлса керак. Ҳозир бизнинг кўп бўлса тўрт кунлик чопиғимиз қолди. Шу чопиқни бир кун илгари битирсак, аввало, ўзимизнинг, ундан кейин, колхозимиз «Четан»нинг, учинчидан, мамлакатимизнинг фойдаси бўлади. Мана шу фойдали мусобақани давом этдиришни тилаган ўртоқ ўрnidан туриб келсин-да, меним қўлимдаги кўк чойни олсин, бугун эмас эртага «каллақдор рўйнатан» билан (кулги) қўл олишсин!

Бўлтакбошининг Фирдавсий таъбирича кетган «каллақдор рўйнатан»¹ бошида қизил салласи, яланғоч тани ва хўл иштони билан сўл қўлини чап биқинига тираб, ўнг қўли билан бўш пиёлани ғоз ушлаб, ғилай кўзини кўкка қаратган ҳолда олдинга томон уч-тўрт қадам босиб келади. Ҳозирги ўз ролини жойида адо қилган Пўлағурнинг ҳаракатидан колхозчилар қотиб қуладилар. Кулги ораси анови кун Бадалдан енгилган Носирбой ўрnidан туриб, бўлтакбошининг қўлидаги чойни шимириб ичади ва шу ҳолда унинг устига «каллақдор рўйнатан» етиб келиб, гўё шер каби ғурқираган товуш чиқаради:

– Эртага мен билан панжалашатурган сенми?!

Носирбой ҳам бўш келмайди:

– Мен! Номим Носир сайёри Самарқандий².

¹ «Каллақдор рўйнатан» – Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достонидаги ўқ ва зарбалар ўтмайдиган Исфандиёрнинг лақаби.

² «Абу Муслим» достонидаги халқ қахрамонларидан бирининг номи.

Яна кулги кўтарилиб, колхозчиларнинг кўзларидан ёшлар чиқади.

Икки соатгина вақтга колхоз болаларини ишдан қочирган қуёш ўт тўнини кийиб, ер юзига олов пуфлайди. Ғўза устлари оқ тутунли кўрунишга кириб, барглари ҳам този итнинг қулоғидек шалпаяди. Узоқ-узоқдан боя кўкариб кўрунган ғўзалар ҳозир оқ тутунга бурканиб, кўз илғамайтурган ҳолга келадилар. Оқ тутуннинг устроқлари қуйидан ўт ёққандай яллуғ бериб турадилар. Негадир ёнғоқ дарахтининг танасидан атрофлаб сув сизиб туша бошлайди. Тартибсиз ҳолда чўзилиб ухлаган колхозчиларнинг ҳам чаккаларидан сув сизади... Теварак тинч. Ўттуз-қирқ қадам наридаги кичкина чакалак ичида йигитларнинг уйқусига халақит бермаслик учун Юнус ота шитирлатмасдангина чўпчак териб юрийди...

8. АҲМАД ТОҒА ЎЧ ОЛМОҚЧИ

Колхознинг полиз экинлари тўғрисида аъзолар орасида хурсандчилик хабарлари юрийди.

– Бир ҳафтанинг ичида қовун-тарвузга оғзимиз тегар экан!

– Жонвор қовун жуда ҳам яхши бўпти-да, ҳар қайсиси бир пудлик!

– Бошқа экинларимиз ҳам чакки эмас, мен шу ахлатларни гўнгдан қолишмаганлиғига ҳайрон бўлиб қолдим!

– Жўхорининг бир оз бўйига ўсиб новча аҳмоқ бўлганини айтмасанг, бизнинг бу йилги деҳқончилигимизнинг сира ҳам камчилиги йўқ!

– Янги ер тўқайлик қилди-да, шунда ҳам икки минг пуддан кўтарамиз!

Бироқ аъзолар орасидаги бу хурсандчилик, идорадан розилик узоққа бормайди. Букун-эрта қовун еймиз, деб оғзининг сувини оқизиб турган аъзолар орасида идора номига келишмаган бир хабар юриб қолади. Гўёки идора аъзолари ўзаро яширинча битишиб, қўшни совхозга уч минг қовун сотиб, бир кечада палакдаги қовунларни йўқ қилиб қўйган эмишлар. Бу хабарни эшитган аъзолар полиздан сир олиб қайтиш учун кишилар йўллайдилар. Таассуфки, сир олгали полизга борганлар хабарнинг тўғрилиғини, тарвуз омон бўлса ҳам, қовун палакларидан пишмаган сапчадан бошқа нарса кўрмаганликларини

келиб сўзлайдилар. Баъзиларга полиз қоровулларидан Калқўзининг «Хўжайинлар буюрди, биз уздик, мужик аравалар келди, биз ортиб бердик» деган сўзи, айниқса, кўпчиликни ҳайрон қилиб қўяди. Масалани енгилроқ ўйлайтурган аъзолар идорага хиёнат юклашдан ҳам тортинмайдилар.

– Мен ҳам айтдим, буларинг нега бунчалик кўп учун жон ачитади деб... Энди билсам, жон ачитишнинг ҳикмати бу ёқда экан...

Содда тушунган аллаким эски мақолни ўқуйди:

– Тулки айткан: «Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур?»

Пўлағурга ўхшаш девкорлар ҳам аччиғланиб қоладилар:

– «Йигитнинг кучи эшакнинг ўсириғи» экан-да! Қани, идора ҳазм қилиб кетсин-чи...

Ислон бўлтакбошига ўхшаш ўйлаб, оғир ҳаракат қилувчилар, ўз кишиларининг алангаланган оловига сув сепиб турадилар:

– Ҳовлиқиш ярамайди, ўртоқлар! – дейди Ислонбой ўз қўл остидаги боягидек аччиғланганларга, – идора ҳозиргача ҳамма ишни бир маслаҳат юзасидан қилиб келмақда, шунчалик иш қилиб келган бир идора уч мингта қовунга ўғирлиқ қилсинми, Худой урдими?! Айниқса, бутун аъзолар эрта бириси кун қовун еймиз, деб кўз тикиб турган қовунга... Йўқ, ҳовлиқмангиз, бунда фойдали бир сир бор!

Учинчи чопиқда ҳам уч кун орқада қолиб Мулла Обиднинг ғазабиға учраган иккинчи бўлтакчилар айниқса «ўч олиш» фурсати келганлигини унутмайдилар. Бу бўлтак дафъатан бир иш қилолмаса ҳам, аъзолар йиғилишини кутади. Аъзолар учинчи чопиқдан сўнг гўнг ташишга, бинога, суғоришга бўлиниб кетганлар, ҳар кун кечки пайт улар ўз кўрғонлариға қайтадилар... Бу бўлтакнинг Мулла Обиддан айниқса алам еган кишиси Аҳмад тоға идорага ҳужум учун енг шимаради, ташкилотчиликка киришади. Бирма-бир кўрғонларға қадам ранжида қилади:

– Идоранинг ўғирлиғини тутдик, – дейди Аҳмад тоға, – мен ўғрибошини ҳам яхши биламан: Обид кетмоннинг худди ўзи бу ўғирлиқни уюштирган! Мен унинг ким ва қандай киши эканлигини Абдужалилбойдан, Хатиб домламдан эшитганман, қонғанман... Энди бизга раис бўлган бу ўғри етмаса ўзини порсо¹, кўпнинг иши учун жон ачитгувчи кўрсатиб, вақти келганда кишиға изо² беришдан ҳам қайтмайди... Изойи мў-

¹ Порсо – ёмон ишлардан ўзини сақловчи

² Изо – уят, хижолат.

мин ҳаром, деганлар... Қани энди фурсати келганда биз ҳам изо бериб кўрайлик, ўзи пиширган ошнинг мазасини тотисин! Қоровуллар ўз оғизлари билан уч мингта дейдилар. Йўқ, мен бунга ишонмайман. Қоровуллар ҳам «оғизланиб» беш мингни уч минг кўрсатмақдалар. Мен бундай «нағма»ларга ўбдан яхши тушунаман. Ер тагида илон қимирласа биламан. Мени «Илоннинг ёғини ялаган Аҳмад тоға» дейдилар. Ахир уч десат жойдаги сойнинг тошидек қовунлар қани, кимнинг жипига¹ кетди. Шундай, сен ҳозир ҳавз бўйига бор, шу ерга йиғилаётибдилар. Ҳаммамиз бирга идорага борамиз, ўғриларнинг оёқ-қўлини боғлаймиз, ундан кейин... Ундан кейин колхозга кимни раис, кимни идора кўтаришни ўзим биламан.

Биз Аҳмад тоғанинг бошқа сўзларида қанчалик ҳақиқат борлигини яхши билмасак ҳам, унинг Мулла Обиддан ранжиб, «Вақти келганда кишига изо беришдан ҳам қайтмайди...» дейшини бирмунча ҳақли кўрамыз. Мулла Обиднинг Аҳмад тоғага гарчи «Изои мўъмин ҳаром» бўлса ҳам изо берганлиги аниқ. Биз бу изо тафсилотини бу ерга нақл қилиб ўтмасак, ўқувчимиз шубҳада қолар.

Аҳмад тоғалар бўлтагининг иккинчи чопиқда тўрт-беш кун орқада қолганлиғи юқорида ёзилган эди. Бу орқада қолиш Аҳмад тоғаларда учинчи чопиқда ҳам воқия бўлади. Мулла Обид бу бўлтакнинг орқада қолиш сабабини ўрганмакчи бўлиб, Аҳмад тоғалар бўлтагига кутмаганда елкасига кетмон кўтариб келади ва «сизга ҳашар учун келдим» деб, оддий аъзолар қаторида чопиққа тушади... Мулла Обиднинг кутилмаганда «ҳашарга келиши»дан бўлтак аъзолари фавқулоддалиқ изламайдилар. Чунки, Мулла Обид ўзининг бўш вақтини тўғри келган бир бўлтакнинг чопиғига бағишлови оддий иш ҳисобланади. Мулла Обиднинг ўз ораларига келиб қўшулиши билан кундалик иш кайфиятларига айтарлик бир ўзгариш киргизмайдилар. Айниқса, Аҳмад тоға Мулла Обидга суянгандек, яна ҳам талтайиб кетади, ўн кетмонда бир сийгиси қистайди, кетмон кўтарганда ҳам гўё суви оз обжувознинг пойкўбидек аранг ҳаволантириб ерга тушуради. Мулла Обиднинг келишидан шумланган бўлтакбоши Ҳамдамбой бир неча қайта Аҳмад тоғага танбеҳ қилса ҳам, у парвосиз талтая беради, унга қараб бошқалар ҳам кетмонни лақиллатадилар. Мулла Обид бу ҳолга уч соатча чидаб бора олади. Аҳмад

¹ Жип – жайб – чўнтак, ҳамён.

тоғанинг, билмадик, ўнинчи мартабами сийгиси кистаб четга чиқади. Шуни кутиб тургандек Мулла Обид ҳам унинг орқасидан боради... Аҳмад тоға бўлса уч-тўрт дақиқа ўлтургандан кейин, ўрнидан кўзгалиб тузатина бошлайди. Шу вақтда Мулла Обид Аҳмад тоға ёнига келиб сувланган жойга қарайди... Шудгорда бир томчи ҳам нам кўрунмайди...

– Бу ерда нима қилиб ўлтурсан эдингиз? – деб сўрайди газабли Мулла Обид.

Аҳмад тоға кутилмаган ҳолдан довдирайди...

– Сийдим.

– Қаерга сийдингиз?

– Мана бу ерга...

– Кўрсатинг, қаерга?

Аҳмад тоға шошиб, шудгор кесакларини титкилайди... Натижада кесак остидаги табиий намдан бошқа асар кўрсатолмайди...

– Уят керак! – дейди заҳарханда билан Мулла Обид, – уч соатнинг ичида санаб бордим, ўн қайта пешобга келдингиз... Шу ҳам инсофми? Ўртоқлар, бу ёққа келингиз! – деб Мулла Обид чопикдағиларга хайқиради. Ҳамдамбой бошлик ўнлаб киши иккисининг олдига югуришиб келадилар. Мулла Обид уларга ўзининг таъқибини сўзлаб аҳволни англатади. Келганлар кулушадилар. Аҳмад тоға қизаради...

– Касалман, – дейди Аҳмад тоға довдираб, – мен сизга айтишга уялдим, сўзагим бор...

– Баҳона топилди! – дейди Мулла Обид гижиниб, – ётқузиб кўриш керак. Ётқузинг Пиримқул, Эгамберди! – Томошабинлар энди кулмайдилар, чунки Мулла Обиднинг кўзида ўт ёнади... Ҳамдамбой Мулла Обиднинг елкасига қоқиб, нариги ёққа бошлайди.

– Ҳамма айб сизнинг ўзингизда, Ҳамдамбой, – дейди Мулла Обид орқага тистарилиб, – иккинчи чопикда тўрт кун кейинда қолдингиз, учинчида яна... Ичингизда бундай муғомбирлар бор экан, идорага хабар бермайсизми, биз бундай муғомбирни орамиздан ҳайдамаймизми? Бўшлик, кўнгилчаклик ярамайди, Ҳамдамбой! Кўнгилчаклик билан бир муғомбирни йигирмага етказгансиз, сизнинг ҳамма одамларингиз ҳам астойдил ишламайди!

Ҳамдамбой гуноҳни ўз устига олиб узр айтади. Мулла Обид бир оз босилиб қўлига кетмон олади. Бошқалар ҳам ишга туша-

дилар. Аҳмад тоға гарчи «касал» бўлса ҳам, астойдил кетмонга ёпишади...

Тушлик овқатга ундаб занг чалинади. Биринчи зангдаёк кетмонни ташлайтурған колхозчилар ер остидан Мулла Обидга мўралаб, сўзсизгина чопиқни давом этдира берадилар. Аҳмад тоға ҳам «касали»ни унутади, чамаси «оғриғи» ҳам бояғи Мулла Обиднинг ғазаби билан унутилади... Мулла Обид ишдан тўхтаб, бошқаларни ҳам тушлик учун тўхташга буюргач, кетмонни ташлайдилар.

Агар сиз маъракада фалокат босиб йиқилиб кўрган бўлсангиз яхши ҳис қилғансиз: йиқилишдан ҳар қанча оғриқ ва мертилиш¹ кўрсангиз ҳам, бироқ сиз буни унча ҳис қилмайсиз. Бу вақт сизга жуда ҳам ёмон ҳис қилинатурған нарса теварақдагиларнинг сизни турғузиб қўйиш ўрнига завқланиб-завқланиб кулуши ва сизнинг аъзонгизнинг оғриғидан эмас, уятдан бош кўтаролмай қолишингиздир.

Аҳмад тоғанинг бундаги ҳоли ҳам йиқилғаннинг ўн барава-ри бўлади. Сиз маъракада йиқилсангиз, оғриғи билан бирликда уяти ҳам беш дақиқалиқ гап. Ҳолбуки, Аҳмад тоғанинг кулги ва номуси кундан-кун бу бўлтакдан нариги бўлтакка нақл қилинади, умумлашади. Ҳатто колхозчилар орасида зарбулмасалга айланади. Ишга ялқовлиқ қилған кишини ёш-қари барабар «Сўзакмисан!» деб масхаралайдилар. Пўлағур ва Мирвали бангига ўхшаш ҳангома ошиқлари ҳатто Аҳмад тоғанинг афтигаёк қайси ерда учрашмасинлар ва муносабати бўлсин, бўлмасин бари бир «Касалингиздан тузалиб кетдингизми?» деб теварақдагиларни хахолашга мажбур қиладилар.

Шундай, Аҳмад тоға Обид кетмондан «изо» чекади, бир эмас, икки мартаба «изо»ланади. Мулла Обиднинг колхозга раис кўтарилиши олдида «намоз ўқуйди» деб айблаганда, Аҳмад тоғага Рафиқов озгина изо берганмиди?

Аҳмад тоға фурсатни қўлдан юбормайди, ўғри ушлаб эмас, ушланган ўғрилاردан биринчиси Обид кетмон билан ҳисоблашиш соати етканлигини ҳис қилиб шодланади.

Қўшни бўлтаклар билан бирликда ўз ёнига ўттузлаб колхозчиларни йиғиб олади, буларга бошлиқ бўлган ҳолда олов вақтларида идорага томон юруйдилар. Ҳамдамбой алланарсани баҳона қилиб йўлда ажралиб қолади, буни Аҳмад тоға сезмайди.

¹ Мертилиш – жароҳат.

Уч-тўрт кундан буён асоси қўйила бошлаған қулуб биноси ичида «ўғрибошилар» айланиб алланарса тўғрисида маслаҳатлашмоқдалар, яъни Мулла Обид, Берди татар, Мирсоат, сарко-тиб Умарали... орада бир неча усталар ҳам бор.

Шундай норозилик намоишини илгаридан кутиб турған бўлсалар керак, Мулла Обид билан Татар бир-бирларига қараб негадир илжайишиб қўядилар. Берди татар келувчиларни қаршиламоқчи бўлгандек, янги ишланган девор устига чиқиб олади.

– Марҳамат меҳмонлар! – дейди Татар.

Намоишчилар бошлиғи Аҳмад тоға олдинга чиқади:

– Булар полизимиздаги қовунни ўғри урган деб эшитганлар, шунга идорадан маълумот билгали келганлар! – дейди тоға.

– Шундайми, ўртоқлар? – деб кўпчиликка мурожаат қилади Татар.

– Шундай! – деган товушлар эшитилади.

– Хўп, – деб кулади Татар, – қовунингизни ўғри олмаган, аммо идора ўғурлаган...

Аҳмад тоға халққа қарайди ва эшитдингизми деган каби бош иргитиб қўяди.

– Аҳмад, сен гапни англатгунча ғаламислиқ қилма! – деб жеркади Татар, – ўртоқлар, Аҳмад билан кейинча имлашасиз, шунгача мендан ўғурлиқ маъносиға тушунинг: қўшнимиз ғаллакор совхози ишга яроқсиз топилган ўн еттита от ва тўртта хўкузни сотмакчи бўлган экан. Ҳар бир отга етмиш беш сўм ва хўкузга юз сўмдан нарх белгилаганлар. Бундан хабар топган хўжалик мудиримиз: аъзоларимиз учун қишлиқ эт ва мой керак, бизда эса ем-хашак кўп, деб шуларни сотиб олиш тўғрисида идорага маъруза қилади. Маълумингиз, идорада ақча йўқ, шу билан бирга аъзоларимизга қиш учун эт ва мой зарур. Идора узоқ ўйлаб турмай, «аъзоларнинг қовунини сотиб, от ва хўкузларни олишга» қарор чиқаради. Мардонбойга савдо қилиб олиш, бай пули бериш учун ваколат бериб, совхоз идорасига юборилади. Мардонбой от ва хўкузларни сотиб олиш билан барабар ақча масаласини ҳам енгил ҳал қилиб қайтади: ўроқда ишлаб турған совхоз ишчилари учун қовун керак экан, ўн етти от ва тўрт хўкузнинг ақчаси минг олти юз етмиш беш сўмга минг уч юз пуд чамаси қовун бермакчи бўлиб битишади ва шу куннинг ўзидаёқ совхоз аравалари полизга келиб қовунни олиб кетадилар. Дона ҳисоби билан уч минг эллик қадар қовун узи-

лади. Шу йўсин ҳозир биз қиш учун йигирма бир бўрдоқили ёки ўрта ҳисобда уч юз элли пуд этли бўлиб қоламиз, яъни ҳар бир тўрт аъзога бир мол... Энди аъзоларимизнинг «Буни нега биздан бир оғиз сўраб қарамадинглар?» деган саволларига келаман. Тўғри, аъзоларимиздан, албатта, ризолик олиш керак эди: чунки қовун уларники, бунда идоранинг ҳақи йўқ эди. Бироқ биз идора аъзолари бу молларни жуда ҳам арзон, аъзоларимиз учун жуда ҳам зарур фаҳмладик, бундан ташқари савдомиз тез битиб, идорамизнинг умумий мажлис чақирғунча савдони тўхтатсак, моллардан ажрайтурган кўрундик-да, идоранинг қарори биланоқ ишни битирдик... «Ўғурлик» шундан иборат, ўртоқлар, биз «ўғурлик» қилган бўлсак, ўзимиз учун эмас, умум учун, «Четан» оиласи учун қилдик. Агар бизнинг бу ўзбошимчалигимизга қаршиларингиз бўлса, чиқиб сўзласин... Яна шуни ҳам ўйлаш керак, боболар ёз турмушининг енгиллиги тўғрисида «уч ойлик кўкча бойлик» деганлар. Тўғри, бу уч ойлик, яъни кўкча бойликни биз қовун емасак ҳам ўтказа оламиз. Аммо совуқ қишни этсиз ва мойсиз ўтказиш анча қийин. Биз шу ёқни ҳам ўйладик. Ундан кейин, ҳозир бизнинг икки десат тарвумиз етилиб туради, букун-эрта шуларнинг пишиғини узиб, ҳар бир аъзога ўн пуддан тарвуз тақсим қилиш қарорига келдик. Мулла Обид қовоқнинг пишиқларини ҳам узиб тарқатамиз, иккинчи қайта солгани ҳам қишлоғимизга етади, деган таклифни қилмоқда. Демак, ҳар бир аъзога ўн пуддан қовоқ ҳам тақсим қила оламиз! Ана энди ўртоқлар, сўз навбати сизга!

«Ўғри»ларнинг қўл-оёғини боғлагали келганлар учун натижа кутилмаганча бўлиб чиқади, аччиғини қайраб турганлар бўшашадилар, айниқса, Аҳмад тоғанинг тупуги оғзида қолади. Яна баҳарҳол ётиб қолгунча, отиб қол мақолига суянади:

– Ҳар нима бўлганда ҳам, аъзолардан бир оғиз сўз сўраш керак эди, Берди! – дейди, – биз қовунни молга алишамизми, ўзимиз еймизми, нима бўлганда ҳам, биздан сўрашларинг керак эди!

– Сенга ўхшаш нафси ёмонлар албатта кўнмас эди, – дейди Татар, – биз сенинг қовун еб сўзагинг зўрайишидан кўрдик-да, сўрамасликни мувофиқ кўрдик!

Умумий кулги кўтарилади, Аҳмад тоға қизаради...

– Ҳазилинг билан бир ёғлик бўл!

Татар кўпчиликка мурожаат қилади:

– Ахмаднинг сўзини кўя беринг, агар бу тўғрида норозилигингиз бўлса, ўз оғзингиз билан сўзланг!

Орадан Салимсоқ Ирисбой ўгли сўзлайди:

– Идоранинг айрибоши жуда маъқул, бизнинг отамиз ҳам бунчалик яхши иш қилмайди, – дейди Салимсоқ, – бизга баъзи оғайнилар жуда ҳам бошқача қилиб айтдилар.

– Нима деб айтдилар? – деб сўрайди Татар.

– Идора қовунни кечалаб оширган, деб тушунтирдилар!

– Ким ўзи?

Салимсоқ астагина Ахмад тоға томонга қараб олади...

– Ахир, юртчилик эмасми, билган топиб сўзлайди, билим-сиз қошиб... дегандек...

– Биладан, – дейди Татар, – бундай ифвогарликни сендан бошқа киши қилмайди, Ахмад!

Ахмад тоға тонади...

– Сен тонсанг, тонмасанг, сенинг феълинг менга маълум... Сен колхоз идорасини ҳам ўзингга ўхшаш «ёввойи» ишларни севатурган деб ўйлайсан! (Умумий кулги.) Сенинг айниқса раисимиз Обид кетмонга шалтоқ отмак учун пайт қидирганингни ҳам биладан. Ахмад, илгари тарқоқ бўлсақ, энди бирлашдик, бир колхоз оиласининг аъзолари бўлдик. Оила бошлиғимиз бўлган Обид кетмон ўз болаларини тўғри йўлга солиш учун аччиғ, сучук сўзлар ёки муомалалар қилар экан, ҳар қайсимизнинг ҳам ихлос билан бўюн эгишимиз, у кўрсатган нуқсонларимизни тузатмоғимиз зарур. Агар биз тушунсак, Обид кетмон колхозчиларнинг меҳрибон отасидир, балки отамиздан ҳам юқорироқдир. Чунки, ўйлаб қараш керак, бизнинг оталаримиз болаларини сигирли қилиш учун шу чоққача қайғуриб кўрганмидилар. Холонки Обид кетмон колхоз раислигига ўлтурган кундан бошлаб сигирсиз колхоз аъзоларининг қайғусини чека бошлади. Келаси йил сизлардан йигирма беш кишини сигирли қилиб қўйиш учун ҳозир йигирма уч танача сотиб олди. Дуруст, у таначаларни эркак қўйларга алиштирди-да, дерсиз. Лекин бу ёқни ҳам яхши ўйлангки, агар Обид кетмон бизнинг эски оталаримиздек бўлганда қўйларни тузлаб олиш қайғусини чекар эди! (Кулги, «Тўғри!» товушлари.) Обид кетмоннинг яна бир яхши сифати: ўзининг сигир қилиш учун боқиб юрган немис таначасини ярамас бир қўйға алиштиришга рози бўлди! Бу нима деган сўз? – Бу мендан кетса – колхозчиларимга деган

сўз! (Чапак, «Яшасин!» товушлари.) Энди сен, Аҳмад, бузуқликни ташла, инсофга кел, сен ҳам мана шу турган ўртоқларингдек тўғрилиққа ўрган! Билъакс, хотирингда яхши ушлаки, яна колхозга зараринг тегишда давом қила берса, биз сенинг камбағаллигингни сийлаб туролмаймиз, кўтингга тепиб колхоздан ҳайдаш биз учун унча оғир келмайди!

Аҳмад тоға ўзини оқлаш учун ҳаракат қилади, унинг сўзига қулоқ солувчи бўлмай, кўпчилик тарқалишга интилиб қолади.

– Тўхтангиз, ўртоқлар! – дейди Мулла Обид билан нима тўғридадир сўзлашаётган Татар, ҳамма тўхталади, – эскича мақолда «Касалнинг тузаласи келса, табиб ўз оёғи билан келади» дейдилар. Шунга ўхшаш бизнинг қулуб касалимиз ҳам тузалатурган бўлиб қолди. Усталаримизнинг эрталик ишлари учун бино ичига ғишт ташиш керак бўлиб турган эди, биз шу ғиштни кимлардан ташитишга ҳайрон эдик. Қисқаси шуки, сиз ҳаммангиз бир соат ғайрат қилсангиз анави тепа остидаги майдондан беш-олти минг ғиштни бино ичига киргизиб бера-сиз, занбалларимиз тайёр, ўртоқлар!

Ишдан чарчаб чиққан колхозчилар кутилмаган бу таклиф қаршисида дум қидириб қулоқдан ажраган қабилида бир-бирларига кулумсишиб қарайдилар. Орадан аллаким бақиради:

– Бизни бу ерга мажбур қилиб келтирган Аҳмад тоға ташиб берсин!

Ҳамма қулуб юборади, тевақдан «Тўғри!» деган товушлар эшитилади.

– Албатта, Аҳмад тоға ишнинг бошида бўлади! – дейди Татар қулуб, – лекин Аҳмад тоғанинг иғвосига лақиллаганларни ҳам биз гуноҳсиз ҳисобламаймиз!

Яна кулги бошланади. Аҳмад тоғани ўзаро шилталайдилар.

Ҳаммалари икков-икков занбал кўтариб ғишт ташишга киришадилар...

9. ҚЎЛИНГНИ БЕР, ОШНАМ!

Ҳукумат буғдой солиғи хирмондан тўланади. Солиқ чиқиб кетгандан сўнг, қолган буғдой икки минг бир юз эллик бир пуд. Усмон полвоннинг айтишига қараганда, бу йилги буғдой яхши бўлмаган. Муштумзўрлар экиб қолдирган арпадан ҳукумат солиғи чегирилиб, холис тўққуз юз пуд ораларида ҳосил кол-

хоз омборига ташилиб олинади. Янги очилган ердаги жўхори юқори даражада ҳосил бермайди. Чамаси, ер ости сизотининг нами ҳали зовурларга сизиб битган эмас. Бундан ташқари шўр таъсири ҳам бор. Нима бўлганда ҳам бир минг беш юз пуддан мўлроқ жўхори кўтарилиб, Усмон полвон маслаҳати билан жўхори ўрнига шалғам ва турп экилади. Усмон полвоннинг фикрича, агар бу ерга келаси йил пахта экилатурган бўлса, тезроқ шўрдан аритиш керак. Шўрни аритиш учун эса, сувни кўп талаб қилатурган шалғам ва турп экиш энг яхши чора эмиш. Баъзилар шўрхоқда шалғам бўлармикан, деб шубҳа изҳор қилсалар ҳам, «жуда бўлмади деганда, беш минг пуд шалғам ва турп оламиз, ердан шўрни ювиб юбориш эса бизга фойда бўлиб қолади», дейди Усмон полвон.

Аъзолар янги буғдойга жуда ҳам толиқишиб, бай-байлашиб етишадилар. Меҳнат куни жиҳатидан олдинда борган зарбдор аъзоларга етти ярим пуддан, куйида қолганларга беш пуддан, чопиқ ва бошқача ишларда иштирок қилган хотин-қизларга уч пуддан буғдой бўнак тарқатилади. Сигир учун кураш олиб борган Хандон опа сингари зарбдор хотинлар ҳам беш пуддан буғдойга илинадилар.

Кўпдан буён дон йўқлигидан ишсиз ётган тегирмоннинг бирваракай ҳар уч тоши ҳам ишга киради, тегирмон хизматчиси Эгамберди ака арава минишдан тўхтаб, тегирмонга тушади.

Аъзоларга буғдой баравари қовоқ ҳам тарқатилганликдан рўзғорларда қовоқ сомсанинг бозори юриб кетади.

Колхоз экинларини кўздан кечириб юрган район экин комиссиялари «Четан»га ҳам келиб, пахта ва бошқа экинларни, хўжалик ишларини икки кун юриб кўздан кечирадилар.

«Четан»нинг пахтасига райондаги олдинда борган «Файзулла Хўжаев»,¹ «Охунбобоев» номли колхозлари қаторида баҳо берадилар. Аммо, ички хўжаликнинг пухталиги, сигирсизликка қарши олиб борилган кураш, бинокорлик, қишлиқлари учун бораётган ҳозирлик ва бошқалар жиҳати билан «Четан»га район бўйича биринчи деган баҳони берадилар.

Бу баҳони олган идора, айниқса, Берди татар жуда ҳам талтаяди, белини ушлаб у ёқ-бу ёққа юрунади:

¹ Файзулла Хўжаев (1896-Бухоро – 1938-Москва), Ўз ССР Халқ Комиссарлари Советининг Раиси (1925–1938), СССР Марказий Ижроия Комитети раисларидан бири.

– Биз ёлғиз пахтани ўйлаб, бошқа томонни салқа ташламаймиз! – дейди, – биз ишнинг кўзини биламиз!

Комиссия ўзининг тузган актида «аъзоларнинг хусусий фойдаланишлари учун берилган ярим таноб ерни умумлаштириб экиш район колхозлари орасида кўрулган биринчи ва энг маъқул иш» деб кўрсатади, иккинчи ўрунда «...колхоз меҳнат куни қабул қилиш, хотин-қизлар кучидан фойдаланиш орқасида катта муваффақиятларга эришган, шу муваффақиятлар жумласидан куз ёки келаси баҳор вазифаларидан саналиб кучайтиш талаб этган қитъаларга гўнг ташиш ишининг бир қисмини ҳозирроқ би-тириб қўйганлигини кўрсатилса бўлади» деб ёзади.

Енгил табиатли кишилар учун берилган яхши баҳо аксар зарarli бўлиб чиқади, мияни шишириб ишдан янглиштиради. Аммо ақли кишилар мақталсалар мия шишиш, талтайиб кетиш ўрнига хушёр тортадилар, ўзларидан камчилик излайдилар.

«Четан»чиларда ҳам шу сўнгги ҳол воқе бўлади. Комиссиянинг яхши баҳосидан хушёр тортиб, навбатда турган терим қайғусини чека бошлайдилар. Район бўйича умумий биринчи терим куни, деб ўнинчи сентябр белгиланган. Шунгача яна ўн кун бор.

Ҳосил ёмон эмас, бу йилги Тиктепа пахталарида касал кўрунмайди. Аҳмад тоғалар бўлтагида шира касали кўрунса ҳам, агроном Федосов тезда касалга қарши дори сепдириб, бошқа уватларга ўтказмай қўяди. Бунинг устига бу йилги пахтакорликни ҳам оз деб бўлмайди. Демак, ишни ўйлаб, пухталаб бошланмаса, октябрнинг оёғигача теримдан қутулиш қулай эмас.

Рафиқовнинг сўзига қараганда Ильич заводида ишлаган уч смена ишчилар уч дам олиш куни теримга ёрдам бермакчилар. Аммо Мулла Обид бу ёрдамга суяниб қолғуси келмайди. Ҳар ҳолда, колхознинг ўзидан ҳам муҳим бир ҳозирлик керак, деб ўйлайди.

Бешинчи сентябрда идора билан бўлтакбошиларнинг қўшма мажлислари бўлиб, мажлисда «теримга ҳозирлик» масаласи кўрулади. Бу тўғридаги ўзининг маърузасида Мулла Обид бундай деб сўз бошлайди:

– Биз колхоз тузулгандан бу ёққа жуда яхши ишладик, деб махтана олмасак ҳам, ишламадик дейишимиз ҳам тўғри бўлмайди. Биз шу чоққача «қимирлаган қир ошар» қабилида қимирлаб келдик. Шу қимирлаш натижасида пахтага қилган шарт-

номамиздан уятлик бўлмасга умид туғилди. Мен уятлик бўлмасликка умид туғулди дедим, чунки ҳали бизнинг терим деган катта масъулиятли вазифамиз бор. Агар биз бу тўғрида чинлаб ўйламасак, яна бизни уят кутади. Эшитишимча, баъзи ўртоқлар ишнинг энг зўридан кутулдиқ, энди теримни бўлса йилдагича хотин-қизлар ҳам бажара оладилар, деб гапирар эканлар. Лекин бу фикр жуда ҳам нотўғри, юзакидир. Хўп... бир кўзни очиб қарайлиқ: бултурги йилларда биз пахтани жуда кўп эккан бўлсак, еримизнинг учдан иккисига эккан эдик. У ҳам бўлса яхши ишланмаган, ҳосилсиз шалоқ ғўзалар эди. Бу йил эса еримизнинг тўқсон беш фоизи пахта ҳамда жуда яхши бўлмаса ҳам, ўртача ҳосил бературган пахта, демак, биз терим тўғрисида бултурги якка хўжаликдаги каби хотин-қизларга ишониб қола олмаймиз. Бу йилги теримда эркакларимиз ҳам иштирок қилишга мажбурлар. Баъзи ўртоқлар биз бу йил теримга шаҳар ишчиларидан ва мактаб болаларидан ёрдам оламиз, деган умид билан ишга енгил қарамоқчи бўладилар. Менга қолса, бу умид ҳам унча пухта эмас. Биз шаҳардан келатурган ёрдамга ишонайлик-да, яна гўёки ёрдам олмайтурганларча ўзимиз ҳозирлик кўра берайлик, демакчи бўламан. Хўп... бизнинг ҳозирлигимиз устига шаҳардан ҳам ёрдам келиб қўшулсин. Бу «нуран аъло нур», яъни биз теримдан икки кун илгарироқ қутуламиз-да! Агар ҳозирлик кўрмай шаҳарни кутсак, шаҳардан ёрдам чиқа бермаса, худди тўёнага ишониб қўй олмаган тўйчи каби тўй қозонини тўнкаришга мажбур бўламиз (кулги, «Тўғри!» товушлари), хомтамалик билан қолсак, шубҳа йўқ, аввало, ёз бўйи қилган тоат-ибодатларимиз барбод, ҳукумат олдида ўзимиз уятлик – бу бир ёқдан. Иккинчи томондан, эндиги ҳавога унчалик ишонч йўқ, қордек оқариб очилган пахтага ширр этиб ёмғур ёғса, биринчи нав пахтамызнинг иккинчи ва учинчи навга тушиши, ақчадан зарар қилишимиз – бу иккинчи томондан.

Учинчи яна бир зараримиз борки, бу зарар келаси йил ҳосили билан алоқадордир. Агар биз теримни вақтида бажармасак, ерни бўшатмасак, кузги ҳайдовга етиша олмаймиз, бу эса оқаваси келаси йилларга кетатурган, келаси йил ҳосилини ҳам пастлаштириб юборадиган учинчи зараримиздир. Қисқаси, юқорида санаган зарарларнинг олдини олиш учун букунги мажлисимиз терим учун аниқ ва маъқул йўл кўрсатиши лозим, деб биламан...

Бу тўғрида иккинчи сўз Берди татарга берилади.

– Мен «теримга ҳозирлик» аҳамиятини ўртоқ раис яхши англатди, деб ўйлайман, – дейди Татар, – шунинг учун терим аҳамиятларига тўхталиб турмай, ҳозирлик масаласига ўта берман. Менга қолса «ҳозирлик» деган сўз эртага енг шимариб ҳаммамизнинг теримга туша беришимиз эмас, илгари мана шу енг шимаришнинг баракали томонларини ўйлаб олишдир. Еттидан етмиш яшаримизнинг енг шимариб теримга тушишимиз масалани текис ечишга кифоя қилмайди. Чунки, етти яшардан етмиш ёшларимиз теримга текис туша оламизми? Албатта йўқ. Ахир, ярим аъзоларимизда сигир бор, қўй бор дегандек буларга қараш, соғиш учун бир одам керак. Ҳаммамиз деярли ҳар кун бир қошиқ иссиққа муҳтожмиз. Демак, қозон қайнатиш учун ҳам рўзгорга киши керак. Ҳар қайсимизда сут билан тарбияланатурган жужиклар бор, уларни ташлаб кетиб бўлмайди. Менга қолса, ҳозирликдан мақсад шу томонларни бир мартаба кўздан кечириш, терим баракасини учуратурган шу монеларнинг кучини кесишдир! – дейди Татар ва Мулла Обидга мурожаат қилади, – ўртоқ раис, ҳозирлик деганингиздан мурудингиз шу эмасми?

Икки қўли билан икки қулоғини каплаб сўз тинглаган Мулла Обид жавоб беради:

– Шу, лекин сиз бир қисмини сўзладингиз!

– Менинг ақлимга келгани шу томони бўлди, – дейди Татар кулиб, – агар рухсат қилсангиз, бу тўғрида ўз билганларимни сўзлайман.

– Ҳўп... сўзлангиз, эшитамиз!

– Менинг ақлимга шундай келадими, – дейди Татар давом қилиб, – аввало сигирли, қўйли аъзоларимизнинг масаласини ҳал қилишимиз керак. Қандай ҳал қиламиз? Фикримча, теримни баракали ўтказиш учун сигир, бузоқ ва қўйларни терим ўткунчалик бўлтаклардаги отхоналарга топшириш керак.

Чамаси, Мулла Обид сўзни яхши эшитмайди:

– Қаттиқроқ, мен эшитмадим!

Татар бояги сўзни қайтадан айтиб, баланд овоз билан давом қилади:

– Бу топшириш сигир-бузоқлар билан терим ўткунчалик хайрлашиш эмас, хотин-қизлар ўз сигирларини вақти-вақти билан бунда соғиб, сутини сутчига шу ернинг ўзидан бериб тур-

синлар, демоқчиман. Бунинг фойдаси шундаки, хотин-қизларда сугир, бузоғим оч қолди, соғиш вақтим ўтди, деган илинж бўлмайди. Уларни боқишни отхона сайисимиз¹ адо қилиб туради... Энди иккинчи монегга ўтамиз: бу эса қозон қайнатиш монеидир. Колхозингиз юз тўрт хўжалиқдан иборат бўлса, ҳар кун бир қозон ош учун бир хотиннинг энг ози уч соат вақти исроф бўлади, демак, юз тўрт хўжалиқдан уч юз ўн икки соат вақти зое ёки иш кунини бизнинг шароитда ўн соат ҳисоблаганда ўттуз бир ишчи куни!

Ҳамма бирдан кулиб юборади, Усмон полвон Татарга сўз қоттади:

– Татар дейман, сен булгахтр бўлдингми?

Татар давом қилади:

– Энди биз мана шу баракасизликдан қутулиш йўлини қараймиз: биз етти бўлтакда етти қозон қайнатсак, ҳар бир қозон учун эмас, эрталабдаги чойга, тушлиққа, нонга, кечлик ошга бир киши кифоя, жами етти қозонга етти киши... Демак, биз бу ёқдан йигирма тўрт киши фойда қилдик (чапак), маълум бўлдики, терим ўтгунчалик биз етти бўлтакка етти қозон қуриб, хўжалиқлардаги қозонларни сувга ташлашимиз керак экан. Энди учинчи баракасизликка келамиз. Идорадаги рўйхатга қараганда, юз тўрт хўжалиқда ўттуз бир нафар эматурған жужиқлар бор. Бу ўттуз бир жужиққа ўттуз бир она овора. Биз мана шу оворагарчиликдан арзон қутула оламизми? Масалан, ўттуз бир она ўрнига тўртта тажрибали она берсак, ўттуз бир жужиқни идора қила олмасмилар? Фикримча, идора қила оладилар. Шаҳарда «детясла» деган бир уй бўлар экан, бунда ишчи хотинларнинг эмизикли болалари боқилар экан. Ишчи хотинлар ишга кетар вақтда эмизикли болаларини шу уйга топшириб, агар хоҳласалар ишдан чиққандан кейин болани олиб кета олар эканлар. Биз ҳам нега вақтинча шундай қилмаймиз? Бизда муштумзўрлардан² қолган деразали уйлар бор, шу уйлардан бир-иккисини оқартириб ускуналасак, жужиқлар сонига қараб эмизик сотиб олсак, яхши, тоза, қуюқ сутдан тайинласак... Жуда осон, демак, бунда ҳам энг ози йигирма беш ишчи фойда қиламиз. Теримга ҳозирлик тўғрисидаги менинг фикрим шу. Хатоларим бўлса, ўртоқлар кўрсатсинлар!

¹ Сайис – отбоқар.

² Муштумзўр – батрақларни, камбағал деҳқонларни ишлатувчи мулкдор бой деҳқон; қулоқ – кулак.

Татар олқиш остида жойига ўлтуради. Раис бу тўғрида сўзловчи борми, деб сўрайди. Усмон полвон сўз олади.

– Мен Татарнинг таклифларига тамоман қўшуламан, – дейди полвон, – шу билан бирга Татар ҳозирликнинг ҳаммасини айтиб битирмади, деб ўйлайман. Бинобар жиҳат ҳозирликнинг бошқа томонларидан гапираман: ҳукумат кўпруклар тузатилсин, деб буюрганига уч-тўрт кун ўтса ҳам, биз ҳали бу жўнда қимирлаган эмасмиз. Ҳозирлик жўнига буни ҳам тиркаб қўйиш керак, ундан кейин, терилган пахталарга қанор керак. Ҳали ким пунктми, сунктми, шунга мол қилиб туриб қанор келтириб қўйиш зарур. Ундан кейин, хўш, терилган пахталарни қанорлаб йиғиб қўйишга бизда омбор йўқ. Қанорланди дегунча, хўш... араваларга ортиб, жўната бериш керак. Бинобарин жиҳат Мардонбойнинг зиммасида от-араваларни тамом тахт ушлаш бор, деб биламан... сўзим тамом!

Усмон полвон ҳарчанд-да раис – Мулла Обидга сўзни эшитдириш учун кучаниб сўзласа ҳам, яна муваффақ бўлолмай, таклифларнинг баъзи қисмини иккинчи қайта Мулла Обидга эшитдириб чиқади. Раис музокара ва таклиф учун яна талабгор сўрайди. Сўзловчи кўрунмагандан кейин ўзи сўзга чиқади.

– Хўп... Ҳозирлик жўнида Татар ҳам, Полвон ҳам яхши айтдилар, – дейди, – биз уларнинг таклифини қабул қилсак бўлади, хўп... Энди шу таклифлар қаторига мен ҳам бир нарсани қистириб ўтаман. Хўп... Бизда деҳқончиликнинг ҳар бир жўнига бир кунга кесилган иш меъёри бор. Лекин теримга йўқ. Теримга ҳозирлик қаторида бир кунлик микдор белгиланса, деб таклиф қиламан. Ҳозирликнинг ҳаммасини айтдик, деб ўйлайман. Агар унутилган жойлари бўлса, оғайнилар ўртага ташласинлар!

Мажлисда бир оз тафаккур, изланиш бошлангандан сўнг янги таклиф кўруна бермайди. Раис саволларга рухсат беради. Мардонбой:

– Меним саволим Татардан: теримга чиқувчиларнинг сиз ва бошқа молларини боқишда ем-хашак идора ҳисобидан бўладими ёки мол эгаларининг ўзлариданми?

Татар:

– Моллари билан ем-хашакни ҳам бирга келтирсинлар дейиш ишга анча хараж¹ беради. Шунинг учун идоранинг ўзи бериши керак, деб ўйлайман.

Мардонбой:

¹ Хараж – қийин, ноқулай.

– Бу ҳолда молсиз аъзоларнинг ҳақлариға зомин бўлмай-мизми?

Татар:

– Зомин бўлмайлик десак, аъзолар ўртасида бўлинатурган жўхорию ва палакларга ўхшаган хашакларни тақсим вақтида теримда моли боқилган аъзоларнинг хашагидан чегириб қоламиз.

Мардонбой:

– Жуда яхши. Энди сиздан иккинчи савол: етти бўлтақда етти қозон қурулса, қозоннинг... масаллиғи кимнинг ҳисобидан бўлади?

Татар:

– Ҳозирча қозоннинг масаллиғи идора ҳисобидан бўлиб, колхоз даромадини бўлган вақтда идора теримчиларнинг ҳақларидан чегириб қолади.

Мардонбой қаноатланади. Савол учун Ислому бўлтакбошиға сўз берилади.

Исломубой:

– Хўжалик мудире ўртоқ Мардонбойдан сўрайман: қирдан қишлоққа сомон ташиган вақтда бир аравамизнинг тўғини синиб далада қолган, деб эшитган эдим. Шу арава қирда қолиб кетдими?

Мардонбой:

– Келтирганмиз, ҳозир тузатилиб туради.

Исломубой:

– Сиз пахта ташиш учун нечта от-арава бера оласиз?

Мардонбой:

– Қирқғача от-арава бера олсам ҳам, бироқ бу ортиқчалик қилади. Агар биз терим кунлари ҳар кунига етти юз эллик пуд пахта чиқара олсак, бунга йигирма-ўттуз от-арава кифоя қилар, деб ўйлайман. Ортиқча от-араваларимиз қирдағи сомонлар билан бундағи қуруқ бедаларни ташишда давом қиладилар.

Саволлар тўхтагандан сўнг Татар, Усмон полвон ва Мулла Обидлар таклифи асосида қарор қабул қилинади. Бир кунлик иш миқдори деб, тўрт пуд пахта териш белгиланади. Иш миқдори белгилангандан кейин, ҳар бир бўлтакка тарозу ва қабул қилиб олувчи белгилаш эҳтиёжи туғилади. Қабул қилиб олувчи белгилаш бўлтакбошиларға ҳавола қилинса ҳам, ҳар бир бўлтакка тарозу бериш бирмунча оғир кўчади. Чунки колхоз

қўлида бешта тарозу бор, яна икки тарозу топиш керак. Тарозу топиш, қанор келтириш, қозонлар қурдириш каби ишлар Мардонбойга топширилиб, ҳозирликнинг бошқача ташкилий ишларига комиссиялар сайланади.

* * *

Сигир-бузоқни вақтинча отхонага топшириш, идоранинг қозониға қаноат қилиш умум томонидан қаршилиқсиз қабул қилинса ҳам, чақалоқларни яслаларга топшириш баъзи оталарга, айниқса, оналарга оғирроқ кўчиб, тихирлик кўрунади. Бола боқишга белгиланган хотинга «агар боламнинг бурнини қонатсанг, сочингни бирам-бирам юлиб оламан» деб таҳдид қилиб қўювчи ёш келинлар ҳам кўрилади.

Ғолибо, бўлтакбошилар томонидан бўлса керак, аъзоларга бир хабар тарқатилади: «Теримдаги ҳар бир иш кунига ярим пуд ун берилади» ва «совринга қўйилган ўн бир сигир масаласини теримда кўрсатилган қаҳрамонлик ҳал қилади».

Бу сўнгги ташвиқот терувчиларга қанчалик таъсир берди, уни билмасак ҳам, лекин биринчи кун теримга иштирок қилган хотин-қиз, ёш-яланг ва эркаклар бирликда юз саксон етти киши орасида бирмунча тартибсизлик бўлиб кечади. Ҳар ким пахтанинг серҳосил қисмига киришга интилади, ернинг кучсизлиги орқасида кам ҳосилроқ бўлиб қолган қисмларга белгиланганлар «биз бунда иш ундиролмаймиз» деб ишдан бош тортадилар. Бўлтакбошиларнинг сўзига қулоқ солмай, серҳосил томонга оғиб кетадилар. Серҳосил жойга белгиланганлар «биз ўзимизга топширилган чегарага сизни йўлатмаймиз» деб қаршилиқ қиладилар. Орада сўкиш, тартибсизлик, жанжал кўзғалади. Бу ҳол етти бўлтакнинг ҳаммасида ҳам кўрулганликдан биринчи кун терим баракасиз ўтади. Идора бу тўғрида «илгари ҳаммани баравар ёки серҳосил жойларга, ёки кам ҳосил ўрунларга белгилансин» деган дастур беради. Шу билан иккинчи кундан бошлаб жанжал орадан кўтарилади, ишга барака киради.

Теримдаги зарбдорлар ҳам шу иккинчи кун ўзларини кўрсатадилар, тўртинчи бўлтакдан кўпдан бери сигир учун ўзини зарбдор эълон қилган Хандон опа юз тўрт кило ёки олти ярим пуд пахта теради, учинчи бўлтакдан Бибимаржон опа юз бир кило, Қўзибой исмли йигит тўқсон етти кило, бешинчида ҳануз Пўлағур билан Бадалбой ораларида мусобақа давом этиб, Пўлағурнинг тўқсон уч кило, Бадалбойнинг тўқсон икки ярим

кило пахта терганликлари эшитилади, ҳоказо. Бошқа бўлтакларда ҳам шунинг каби зарбдорлар учрайдилар. Энг пастда қолганлардан еттинчи бўлтакда бир қиз бола йигирма уч кило, биринчи бўлтакда кўзи яхши кўролмайдиган бир чол йигирма тўққуз кило пахта терадилар. Умуман олганда биринчи кун терими тўрт юз саксон бир пуд, иккинчи кун терими етти юз эллик пуд, яъни юз саксон етти теримчи ўз меҳнат кунини тўлдириб, тўққуз пуд миқдори ордирган бўлади.

Теримнинг бешинчи кун Ильяч ишчиларидан юз йигирма ишчи юк автомобилларга ўлтуриб ёрдамга чиқади. Бу кун ишчилар ёрдами билан терим суръати жуда ҳам юқорилашади. Бироқ бу ёрдамнинг аҳамияти терим томонидангина бўлиб қолмайди. Колхоз аъзоларининг руҳи кўрулмаган равишда юқори кўтарилди. Бу кун ишчи-деҳқоннинг бузилмас иттифоқи – оғайничилиғи гавдаланиб кўрунади. Икки томондан нутқлар айтилади.

Еттинчи кун шаҳардаги Луначарский номидаги ўрта мактаб ўқувчилари ёрдамга чиқади.

Биринчи терим ўн бир кунда битиб, колхоз плонининг саксон икки фоизини ҳукуматга топширади. Мулла Обид ва Берди татарларнинг оғизлари кулоқлариға етади. Чунки, улар биринчи теримда олтмиш фоиздан ортиқ пахта беролмасмиз, деб чамалаган эдилар.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг биринчи бетида «Қизил тахтага» сарлавҳаси остида «Четан»нинг муваффақияти, Мулла Обид ва колхоз зарбдорларидан яна уч кишининг расмлари босилиб чиқади.

– Шартномани бир ярим баравар бажара олар эканмиз! – деб илжаёди Мулла Обид.

Шодлигидан дунёга сиғмаган Берди татар Мулла Обиднинг қўлини сиқади:

– Қўлингни бер, ошнам, биз ишнинг кўзини биламиз, – дейди ва икки қўли билан белини тутамлаб, у ёқ бу ёққа юрунади...

10. ҲИСОБ

Газета мухбириға Берди татар:

– Ўктабр байрамига ҳамма пахтамызни териб топшириб қутилиш устига ғўзапояларни йиғамиз ва кузги ҳайдовга киришамиз! – деган бўлса ҳам, лекин ваъда устидан батамом чиқолмайди. Ўктабр байрамига плонни юз қирқ олти фоиз бажариб,

очилган пахталарни топшириб битирсалар ҳам, гўзапояларни суғуриб битира олмайдилар, очилмаган кўсаклар чаноқдан суғуришга мухтож бўлади.

Ўктабр байрамида «Четан»чиларнинг эрлари далани гўзапоядан тозалаш, хотин-қизлари ва болалари эса кўсак суғуриш билан машғул бўлиб, бу маъракадан аранг ўнинчи ноябрда қутуладилар. Кўсак пахта ҳам топширилиб, плон юз қирқ саккизга минади. Берди татарнинг дўпписи яна арава!

МТСдан¹ бу ўртада кузги ҳайдов учун энг илгари трактор сўраган «Четан» бўлади. Дарҳол МТС бир эмас икки тракторни патиллатиб «Четан» даласига йўллайди. Бу ёқдан «Четан»нинг ўзи ҳам гўё кўкламдаги каби ўзидаги кучни сафарбар қилади.

Бир ёқдан икки трактор, иккинчи ёқдан ўттузта сўқа, учинчи томондан кўнгли қолмасин учун уч-тўртта омов ер бағрини ёра бошлайдилар. Энди бу қадар куч қаршисида «Четан» даласи чидасин-чи.

Тўртинчи кун биринчи ҳайдов битади, бешинчи кундан иккинчи ҳайдовга ўтилади.

Иккинчи ҳайдов бир оз бўшашинқираб давом этади. Бунга икки нарса сабаб бўлади. Биринчидан, тракторлар еттинчи кун ўз вазифаларини битириб қайтиб кетадилар. Ёз бўйи ишлаб, колхознинг ўз от ва хўкузлари жуда ҳам чарчаган, тагин ҳам Мардонбойнинг уларга диққати, пахта теримидан буён отларнинг ҳар кун етти қадокдан ёрма жўхори еб туруши жонга ора киради, шундай ҳам бўлса, иккинчи ҳайдовда от ва хўкузлар силтангланадилар. Мардонбой додга келади:

– Иккинчи ҳайдов билан ишни тўхтатиш керак, ҳали пунктдан буғдой ташиш хизматлари ҳам бор. Йўқса, мен бу молларни кўкламгача одам қилиш кафилини ола олмайман! – дейди.

Идора ҳам Мардонбойнинг додиға қулоқ солишга мажбур бўлиб, йигирма учинчи ноябрда аранг иккинчи ҳайдовдан қутуладилар.

Мардонбойнинг дод-фарёдидан сўнг баъзи ориқ ерларга аравалаб гўнг тўқдирмоқчи бўлиб турган Мулла Обид ҳам кўкламгача тил қисишга мажбур бўлади.

Аксар колхозчиларимизда ҳисоб ишлари биринчи январга, баъзан ундан ҳам кечикиб колхозчиларни ранжитиб қўйиш кўп кўрулмоқда. Ҳолбуки, «Четан» бунда ҳам биринчиликни олади.

¹ МТС – машина трактор станцияси.

Пунктдан келтириладиган буғдой, ун каби ишлар билан овра бўлмаганда, «Четан» биринчи декабрдаёқ ҳисобни тугатган бўлар эди. Ҳалиги сабаб орқасида ҳисоб ўнинчи декабрғача чўзилиб боради.

Четанчиларни кўтариб юборган нараса плондан ортдирилган пахтанинг пудига пуд буғдой олинишидир. Асл нормадан ташқари шу ҳисоб юзасидан минг центнердан ортиқроқ буғдой олинади. Колхознинг ўзи эккан буғдой билан бирга қўшиб, орадан колхоз фонди учун ўн фоиз чегирилгандан кейин, қолмиш буғдой меҳнат кунига қараб бўлинади; ҳар бир меҳнат кунига етти ярим кило буғдой тўғри келади.

Энг пастда қолган аъзоларнинг мавсум бўйинча иш кунлари бир юз етмиш кун, бир кунда бир ярим меҳнат куни ишлаб ўтказган, зарбдорлардан, айниқса, уч кишининг меҳнат кунлари тўрт юз ўн кунларғача қувалаб, миёна зарбдор ҳисобланган бир Пўлағурнинг ўзи бир юз қирқ пуд ораларида буғдой олади.

– Бўлиб қолдинг, наҳс! – дейди Мирвали банги, – етти отангнинг ўраси ҳам бунчалик буғдойни кўрмаган!

Хотин-қизлардан энг қуйидагилар етмиш кунгача меҳнат кунига ёзилиб, энг юқоридагилар, жумладан, Хандон опа ва Қурбонбибилар бир юз етмиш кунга ҳақ оладилар.

Пахта ақчасидан ҳам фондга ажратилгач, меҳнат кунига уч сўм йигирма тийиндан тўғри келади.

Пўлағурнинг бир минг бир юз сўм ақча олишини эшитган Мирвали банги яна унга дахл қилади:

– Бунча пул билан қаерда ухлайсан, хумса! – дейди, – лекин битта ароқ олиб бермасанг, қўймайман!

Ҳа, айтканча, Мулла Обид ва баъзи идора аъзоларига меҳнат куни белгилаш тўғрисидаги умумий мажлис қарорини унутганмиз: умумий мажлис бир оғиздан Мулла Обиднинг меҳнат кунини ҳар кунга бир ярим симкор қилишга, Мардонбой ва Татарларникини биру чорак ҳисоблашга қарор қилади. Аммо Берди татар ўзи тўғрисидаги имтиёзга қарши чиқади:

– Кадршуносликларингга раҳмат, ўртоқлар! – дейди, – Мулла Обиднинг қадрига етдинг, менга шу бас. Мен бўлса якка йигит, бола-чақам йўқ... Менга ярим кунлик ҳақ берсаларинг ҳам йил ўн икки ой шум декчам қайнай беради. Мен ярим кундан ортиғини сенларга тортиқ қиламан, оғайнилар!

Мажлис Татарнинг химматига таҳсин қилиб олқишлайди, баъзи кўнгли бўшроқ аъзолар унинг «бола-чақам йўқ...» сўзидан кўзларига ёш оладилар. Сўнгра мажлис Татарнинг ўз хоҳишича мавсум бўйига ярим кунликдан иш ҳақи беришга қарор қилиб, қарор ёнига шуни ҳам тиркаб қўйдиради: «Ўртоқ Шодиев муҳтожлик чекадиган бўлса, колхоз фондидан ёрдам берилсин».

Татарнинг химмати Мирвали бангига ўхшамай тишини ги-жирлатиб, бир неча қайта «боҳиммат аҳмоқнинг» кўзини учратишга ва «Гир!» деган ишоратни қилишга ҳаракатланса ҳам, бироқ бунга муваффақ бўлолмайди. Мажлис охирига етиб, тарқалиш вақтида Берди «аҳмоқни» койий бошлайди,

– Сен, яхлит аҳмоқ экансан! – дейди, – Бек берганни бетига қарама, деганлар... хўп, деб ола бермайсанми, жуда олишга ақлинг етмаса, менга бир қараб қўймайсанми?

– Олиб нима қиламан, – деб кулади Татар.

– Уйланмасмидинг, тўй қилмасмидинг!

– Мен энди уйланмайман.

– Ҳа, ҳез очдингми... Хўп, уйланмаганингда сенга пул керак бўлмасмиди, жуда ортиқчалиқ қилганда қиш бўйи ичмасмидик, эй уйинг куйсин, аҳмоқ!

Татар Мирвалининг аздаҳидил хафа бўлишидан қотиб-қотиб кулади:

– Сен бунга тушунмайсан, жинни, – дейди, – фирқамиз эҳтиёждан ортиқ дунё йиғмаслиққа буюради!

Мирвали банги бир оз ўртоғига тушунолмамай қараб туради...

– Саҳобаман дегин... Эсизгина, вой-вой шунча буғдой, шунча пул! – дейди ва тарс этиб сонига уриб қўяди, – бари бир, менга берув бўлдинг, менга битта ароқ олиб берасан, аҳмоқ!

Татар ваъда бериб қутулади.

Ўн бир бош мусобақа сигирни кимлар ютганлиги ҳам эълон қилинади: эрлардан Ислом бўлтакбоши (ўзининг сигири бўлганликдан ёмон сигирни яхши сигирга айрибошлаб олади), Ҳошим Султон ўғли, Карим Салим ўғли, хотинлардан: Хандон опа ҳам бир сигирни ўзиники қилиб, эрига: «Энди тайёр сигирни ҳам етаклама, Худо ўлим берсин шалтоққа!» деб жекринади ва ўзи қўлидаги хивич билан қашқа сигирни аста-аста урган бўлиб: «Жонвор, жонвор, сенга етишгунча не жафоларни тортмадим» деб орқадан ҳайдаб кетади. Шунга ўхшаш Қурбон опа ҳам сигир етаклаб, ёзи билан сигирни соғиб ичса ҳам, бироқ натижани ўйлама-

ган лаванд аъзолардан яна бирини қақшатади. Хулоса, сигирлар биринчилиқни олган ўн бир зарбдорга ўтиб, шу чоққача сигирни соғиб келганлардан фақат Қосим шайтонгина зарбдорлик билан сигирни ўзида қолдиришга муваффақ бўлади.

Аъзоларнинг ўз истеъмоллари учун экилган майда экинлар ҳам чакки эмас. Мулла Обидга қолса «бўлар-бўлмас», аъзоларча «жуда яхши» ҳосил олиниб, тақсим вақтида, зарбдор, меҳнат куниси ортиқ деган фарқлар қилинмайди. Чунки бунда ўзи қандай ишлаган бўлмасин, ҳар ҳолда ярим танобнинг ҳосилига эга деган қарор қабул қилиниб, шу асосда ишловчи сонига эмас, рўзгор-аъзо сонига текис тақсим қилинади. Бошқа майда экинлардан қатъи назар, кўзга кўрунатурган тақсим ҳар бир аъзога ўн икки пуддан картошка, шу чоққача еб келгандан ташқари саккиз пуддан тарвуз, тўққуз пуддан қовоқ, уч пуддан пиёз, аъзолар жўхоридан тамалансалар ҳам бунга идора кўнмайди, отларнинг еми учун деб ўзида қолдиради.

Тайёрланган беда билан сомон колхознинг молларига етарлик бўлганлиқдан жўхориюя ва палак каби хашаклар аъзоларга барабар тақсим қилинадилар.

Ўзапоё тақсимидан кейин навбат бўрдоқига боқилиб келган ўн еттита от ва тўртта хўкузга етади. Айниқса, қирқ кундан буён ҳар кун ўн қадоқ жўхори берилиб, кеча-кундуз беда кўрпасига боғланиб боқилган бўрдоқи отларни кўрганда аъзолардан ҳар бирининг ҳам оғзининг суви келади. Кўрунган биров Мардонбойдан: «Молларни қачон сўясиз?», деб сўраб қўйишни эсдан чиқармайди. Ниҳоят, гўшт тақсимотиға ҳам навбат етади. Гўшт тақсимидан илгари тунукаси қоқилса ҳам, дераза-эшиқлари ҳали қурилиб битмаган янги қулуб биносида умумий мажлис чақирилади.

Давлат гўшт солиғи назарда тутилиб, тўртта хўкузни шунга атаб сақлаш, аъзолардан тасдиқ этдирилади. Молларни сўйганда, тортганда, тақсим қилганда қараб туруш учун етти бўл-такдан етти нафар комиссия сайланиб олинади.

Ўн етти отнинг эти, мойи, қазиси дегандек, икки юз саксон пуд ораларида тош беради. Шундан йигирма олти пуди нуқул мой. Отларнинг бунчалик мой қилиши аъзолардан ҳар кимнинг таҳсинига мужиб бўлиб, ўз улушини тамом олишга қарор қилган Татарга қарши Мирвали банги яна қизишади:

– Эй, сен саҳобаи киромсан, – дейди Банги, – от гўшти иттифоқан алай¹ сенга ҳаром... анови гапда тарки дунё қилганингча бундан ҳам кеч, авлиё!

Татар кулади.

– Кечсам ҳам бўлар эди, Мирвали, – дейди Татар, – лекин бундан ўз ҳақимни олмасам кўр бўламан...

– Эй, сен анови тўғридан бир мартаба басир бўлишинг бу ерда турган гап, Берди!

Гўшт, мой аъзо ададига тақсим қилинади, ҳар бир аъзога икки ярим пуд гўшт, ўн қадок мой тўғри келади. Орадан сўлпи² чиқиб қолган бир ярим пуд гўштининг аъзолар ризоликлари билан бир пудини Мулла Обидга ва ярим пудини Мардонбойга ортдириб берадилар. От қазисига айниқса ўч бўлган Мулла Обид аъзоларнинг бу ҳимматидан жуда ҳам хурсанд бўлади.

11. КЕНГАЙИШ

«Четан»нинг биринчи йилини кўздан кечирганлар унинг келаси йилларини ҳам шунга қиёс қила билурлар, шуниси борки, «Четан» бир ерда музлаб қолмайди. Форсидаги каби «соли нек аз баҳораш маълум» – йилдан-йил ўсади, тажрибаси ва кучи ортади, моли-жони, ободончилиги кўтарилади. Саводсизлиги йўқолади. Район бўйича эмас, Ўзбекистон бўйича энг обрўли намунавий колхозлар қаторига кўчади. Районга Ўзбекистон марказидан келган меҳмонларга районнинг рўкачи бўлиб қолади.

«Четан» ўзининг иккинчи ёшида ҳар бир гектар учун ўн тўққуз центнер пахтага шартнома қилиб, шартномани йигирма бир центнер, ёки юз ўн фоиз бажаради. Учинчи ёшида йигирма икки центнерга қўл қўйиб, йигирма беш центнер ёки юз ўн фоиз, тўртинчи ёшида йигирма олти центнер шартнома қилиб, плонни тўқсон беш фоиз бажаради.

Кичкина бўлса ҳам, бу тўртинчи йилдаги муваффақиятсизлик колхоз қурулгандан буён бу теваракда кўкрак кериб келган «четан»чиларга оғир таъсир қилади. Дуруст, гектарига ўн икки центнер шартнома тузиб, шуни ҳам тўлдира олмаган қўш-

¹ Муттафақин алайҳ – мусулмонларнинг ёки мусулмон мужтахидларнинг умумий иттифоқи билан (Муаллиф).

² Сўлпи – ортиқ.

ни «Пахтачи» колхози ҳам ҳеч нарсани кўрмагандек айқириб юруйди. Бирок, чапанча қилиб айтканда, «баданда одамгарчилик бўлиши зарур»га ўхшайди.

Мана шу чапанча одамгарчилик «четан»чиларда жуда ҳам кучли, уч йилли муваффақият уларни жуда ҳам мағрур ясаган.

Ўзлари гектарига ўн икки центнерни ҳам бажара олмай уялмаган «пахтачи»лар гектарига йигирма уч центнер пахта топширган «четан»чиларга «сиз ҳам шартномани тўқсон бешда қолдирибсиз» деб кулушдан уялмайдилар. Бу номуссизлик «четан»чиларнинг етти яшаридан етмиш яшаригача ичдан ғазабга келтиради.

«Четан»чилар бу ғазабни муштлашиб ёки оғзаки вайсаб бостирмайдилар, уларнинг ғазаб бостиришлари бошқа йўлда бўлади.

Пахта топширилиб биткач, дарҳол дала ғўзапоядан тозаланади. Ҳеч нарсага, ҳатто даромадни тақсим қилишга ҳам қарамасдан катта-кичик барабар ерни ҳайдаш ва кўп жойларни гўнглаш чорасига киришадилар. «Четан» қурулгандан буён фақат Мулла Обиднинг орзусидагина келган ерларга тепа рангларини тўкиш шу муваффақиятсизлик йилидагина амалга татбиқ қилинади. Олтмиш от-арава (чунки колхознинг тортув кучи кейинги икки йилларда ўскан) гўнг, лой ва тепа рангида ишлаб, ноябрнинг оёқларида колхоз еридан элли фоизи кучайтирилади, устига уч қайта кузги ҳайдов ва қавс суви¹ берилади. Ғазабга келган аъзоларнинг бурунлари сўррайиб қолган ҳолда, кузги ҳозирликдан қутуладилар.

Ўчакиш тўғрисиға келганда Берди татар жуда ҳам ўрай.² Мулла Обид – идора аъзолари билан маслаҳатлашади-да, теваракдаги тўртта колхозни мусобақага чақириб мурожаатномалар ёзади, жумладан, «Пахтачи»га ёзган қоғозини бу ерга кўчираемиз:

«Кўшимиз «Пахтачи» колхозига

Ўртоқлар! Бизнинг аъзоларимиз келаси йил учун гектарига ўттуз центнерга шартнома тузмоқчилар. Шу муносабат билан биз қўшни колхозларимизни мусобақага чақирмоқчимиз, жумладан, сизни ҳам, албатта, сизнинг биз «четан»чилар билан барабар норма олишга қудратингиз етмаганлигини яхши биламиз.

¹ Қавс суви – шамсия йил ҳисобида тўққизинчи ой (22 ноябр–21 декабр).

² Ўрай – моҳир, чаккон.

Шуни назарда тутиб, сизга ўн беш центнер таклиф қиламиз, ўзимизга эса ўттуз центнер. Қабул қилсангиз, тезда хабарлашингиз, шартнома ёзамиз!

Четан раиси: Мулла Обид Даврон
Ячейка котиби Берди Шодиев».

Бошқа колхозларга ёзилган қоғозлар ҳам шу мазмунда бўлиб, фақат уларнинг нормалари «Пахтачи»никига қарағанда бирмунча юқори, «Четан»никига қарағанда кўп паст.

Бу чақирувга «Пахтачи» жавоб бермайди. Аммо «Қахрамон», «Янги турмуш» ва «Бизнинг давр» колхозлари қабул қилиб, жавоб қайтардилар. Фақат улар ўз нормаларини бир оз ўзгартириб кўрсатадилар. Масалан, «Қахрамон» ўз ерининг кучсизлигини баҳона қилиб, нормасини йигирма икки центнер бўлишини сўрайди, «Бизнинг давр» йигирма, «Янги турмуш» ўн саккиз бўлсин деб жавоб беради. «Четан»чилар кўниб шартнома ёзадилар.

«Четан»чиларнинг бу жасорати район партия кўмитаси ва район ижроқўмлариға эшитилиб, улар томонидан «агар «четан»чилар ўз ваъдаларининг устидан чиқсалар, биз бир трактор ҳадя қиламиз!» деган ваъдани берадилар. Бу ваъда «четан»чиларни яна ҳам уйғотиб юборади. Идора аъзоларининг эмас, ҳатто, умум аъзоларнинг кўкламга етиш учун уйқуси келмай қолади.

* * *

Шу тўрт йилнинг ичида қишлоқнинг маорифи, оқартиш ишлари, соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари дев қадамлар билан илгарилайди.

Район маорифи колхозлашишнинг иккинчи йилида қулуб қаториға етти йиллик мактаб биноси ишлаб беради. «Четан» бу теваракнинг олдинги колхози ҳисобланганликдан маориф ўзининг энг тажрибали ва зарбдор муаллимларини келтириб беради. Колхоз болалари юз фоиз мактаб билан таъмин қилинадилар.

«Четан»нинг ўзи аъзоларининг соғлиғи учун кичикроқ бўлса ҳам, мактаб биноси қаториға шифохона бино қилади. Район соғлиқни сақлаш бўлими ҳафтага икки кун келиб туруш шарт билан бир ўзбек доктор беради ва шу бинонинг бир хонасиға кичкина дорухона очади.

Ишчи моллар, сутли хайвонлар касаллари ҳам назардан четга қоқилмайди. Ҳафтада бир кун, эҳтиёж тушиб йўқлаганда ҳамма вақт келиб туратурган мол дохтури ҳам белгилатилади.

«Четан»га қолганда район кооператсия идораси ҳам ўзининг дўлворлигини¹ қилолмайди. Учинчи йил шифохона қаториға ёнида омборчаси билан махсус кооператив магазини бино қилади. Дўкон мудирига марказий омонат кассасидан қишлоқ омонатларини сақлаб бериш вазифаси ҳам юкланади.

«Четан»нинг ўзи ҳам қулуб биноти ва шифохона иморати билан тўхтаб қолмай, учинчи йилида колхоз эҳтиёжи учун зарур хунарларни ўзига йиғарлиқ катта бир устахона ёпади.

Тўғри, «Четан» марказлашган отхона ва оғилхона бино қилишда бирмунча кечикиб, фақат тўрттинчи йилдагина бу биноға энг шимаради. Бу кечикишнинг бошлича сабаби беда каби чўпларни осонгина бўлтакларнинг ўз отхоналарида қолдириш, йиғилган гўнларни бўлтаклардан олиб далага чиқаришнинг ўнғайлиғи бўлади.

Аъзоларни саводли қилиш тўғрисида ҳам «четан»чилар орқада эмас. Мактаб муаллимларининг ғайратлари орқасида ҳар йил уч ой қиш мавсумида «саводсизликни битириш» маъракалари ўтказилиб келмакда, бу йилги ҳисобда ўн беш фоиз эркаклардан ва йигирма беш фоиз хотинлардан саводсизлар кўрсатилади.

Берди татарнинг партиявий ташвиқоти ҳам ёмон эмас. Колхоз янги тузулганда бутун қишлоқда тўрттагина партияли бор эди. Ҳозир эса йигирма уч партияли ўртоқ ҳисобланади. Унинг ташаббуси орқасида комсомоллар ячейкаси ҳам ташкил этилган. Алҳол комсомолларнинг эр ва қиз аралаш қирқ етти аъзоси бор. Булардан ўн иккиси бу йил шаҳарга ўқушга жўнатилган. Комсомолларнинг деворий газеталари, театру тўғараклари, мусиқа дасталари фаол ишлаб туради. Колхозга ёшлар кучидан фойдаланишда комсомоллар фаол иштирок қилганларидек, ташкилотдан четдаги ёшларни ишга уюштиришда ҳам катта ёрдам бермоқдалар. Айниқса, комсомоллар масъул котиби Ҳасан Раҳмат ажойиб ўтли бир ёшдир. Ўзи бултурги йилдан буён колхоз идора аъзоси бўлиб, идоранинг баъзи муҳим кенгашларида қутилмаган фикрларни ҳам айтиб юборади. Устига қўйилган ҳар қандай оғир вазифани муддатидан илга-

¹ Дўлвор – йўгон.

рироқ бажариб, ўзининг бу хусусияти билан Мулла Обиднинг тақдирига ҳам сазовор бўлади. Мулла Обид уни «телеграф» деб атайди. Лекин Мулла Обидга ёқмаган томонлари ҳам йўқ эмас. Унинг ҳар кимнинг олдида ҳам Худони, динни инкор қилиб, бошқаларни ҳам Худосизликка чақириши колхоз қарияларига, айниқса, Мулла Обидга ёқмайди. Бундай фурсатларда Мулла Обид унга «Ҳа, шум!» деб қўяди. Берди татар Мулла Обиднинг олдида Ҳасаннинг сўзига кулуб ўлтурса ҳам, Мулла Обид нарилашгандан сўнг Ҳасанни койийди:

– Сен бола, одамига қараб ташвиқот қилишни билмайсан, – дейди, – қарияларга, айниқса, Обид кетмонларга сен у тўғрида таъсир қилолмайсан. Аксинча, ўзингдан бездирасан, ўғлим!

Ҳасан Татарга бўш келиб турмайди:

– Сиз муросачисиз! – дейди, – биласизми, раисингиз лотинчага ҳам қарши, уч йилдан буён лотинча саводини чиқаролмайди!

Татар бошини қашийди...

– У ёғини сўрасанг, шу чоқгача хотинини ҳам очмайди! – дейди Татар, – сен қизини очиқ қўйиб мактабда ўқутганига шукр қил!

Ҳасан нима учундир кутилмаганча бир оз ўзини йўқотиб туради. Бир нарсага тушунгандек Татар илжаяди.

– Шундай, ўғлим! – дейди Татар давом қилиб, – сенинг ҳам Обид кетмон билан тотувлик билан битиратурган юмушларинг бор... Шунга ўхшаш колхознинг ишлари ҳам усиз ўхшамай қолади... Тушундингми, ўғлим?!

Ҳасан тушуниб қоладими ёки бошқа нарса уни сукутга мажбур қиладими, ҳар ҳолда бу тўғрида ортиқча баҳслашмайди.

Мулла Обиднинг тана боқиб ғунажин қилиш, ғунажинни қочириб сигирга айлантириш усули колхозга икки ёқлама фойда етказди. Биринчидан, ҳар йил сигирсизлар ўртасида мусобақа давом қилади, иккинчидан, йилдан-йил аъзолар орасида сигирсизлик битиб, хўжаликлар тўя борадилар. Учинчи йил учун ҳам Мулла Обид фақат совлиқлар билан бир кўчқорни олиб қолиб, бултурги эркак кўзилардан етишган шишақларни¹ сотади ва пулига ўн икки бош танача олади. Шу йўсун тўртинчи йилдан ўтканда аъзолардан тўқсон фоиз сигирли, ҳар бир аъзо сутчиликдан келатурган маълум даромадга эга бўлади. Шу тўртинчи йилда аъзо-

¹ Шишақ – олти ойлик қўй.

лардан йигилатурган сут, қатиқ, сузма ва сариқ ёғларни сотиш учун шаҳарда сутчилик дўкони очилади.

Сигирсизлик нуқсони орадан кўтарилади. Қолмиш ўн фоиз аъзолар Берди татарга ўхшаш бўйдоқ ва такасалтанглар бўлиб, сигир боқишни ўзлари тиламаганликларидек, бунга уларнинг шароитлари ҳам мусоида қилмайди. Шу йўсунда орадан сигир эҳтиёжи кўтарилиб, ўзга хил совринга эҳтиёж туғилади. Айниқса, шу бешинчи йил, яъни ўттуз центнердан «давра» кўтарган йил ўзаро мусобақани кучайтиришни, «куруқ сўз қулоққа ёқмас» деганча мусобақани «хўллашни» тақозо қилади. Бу тўғрида идора анча бош оғритиб, ҳар ким ҳар турли таклифларда бўлади.

– Бизда эҳтиёждан ортик, гўнонға ўтишга яқин турган зотли тойлар бор! – дейди Мулла Обид, – биз бу йилги совринга шу тойлардан бешини белгилайлик.

Баъзилар дон – ғалла қўйишни таклиф қиладилар, Татар бу кейинги таклифга қўшула олмайди.

– Айниқса, бизнинг аъзолар учун доннинг у қадар қизиғи йўқ, – дейди Татар, – меҳнат важи билан энг орқадаги аъзомизда ҳам эллик пуд ғалла бор. Шу ҳолда ғалла билан мусобақани қизита олмаймиз. Мусобақани қизитиш учун аъзоларда орзу кўзғататурган нарса керак. Фикримча, Обид кетмоннинг гўнон той қўйиш таклифи жуда маъқул. Шуминан бирга гўнон той барчани баравар қизиқтиратурган нарса эмас. Ёшялангларнинг қулоқларини тиккайтирса ҳам, ўрта ёшликлар учун қизиқарлиқ бўлмайди. Мен ёшлар учун Мулла Обиднинг таклифини қабул қилишим бараварида ўрта ёшлар учун яна бир таклифни қилиб ўтаман. Мен мусобақада биринчиликни олган беш хўжалиқ учун бешта янги ҳовли бино қилиб беришни таклиф қиламан. Кулмангиз ўртоқлар... Тўғри, меним таклифим устдан қарағанда бир даражада кулги ҳам туюлади. Иккинчи томондан идора учун оғирлиғи ҳам йўқ эмас. Бироқ шуни яхши ўйлашимиз керакки, биз колхозчилар қинғир-қийшиқ, соғлиқ ва турмуш учун номувофик кўрғонларда бундан сўнг яшай олмаймиз. Коммунистлар фирқасининг раҳбарлигида меҳнаткашлар қураётган социализм турмуши ҳам шу кунгача яшаб келинган эски кўрғонларни ёқтирмайди. Ана шу ёқни ўйлағанда ҳам менинг таклифим социализм томонидан колхозчиларга буюрилган истиқбол вазифасидир. Меним такли-

фим қабул қилинганда, мана шу истиқбол вазифасига биз бу йилдан бошлаб киришган бўламиз!

Мирсоат ва Ҳасан Раҳматлар Татарнинг таклифини чапак билан қаршилайдилар. Кексалар эса бирмунча ўйланиб қоладилар.

– Илгари янги ҳовлининг тарҳини билишимиз керак, – дейди Мардонбой, – ҳовлида ҳовли бор; масалан баъзи ҳовлига ўн минг сўм ҳам камлик қилади, баъзисига уч-тўрт минг сўм кифоя. Сиз таклифингизда қандай ҳовли демоқчисиз?

– Жуда ҳам жонинг чиқмасин, Мардон, – дейди Татар кулуб, – жилла меним ертўламга ўхшамаса ҳам (кулги) ундан кўра берироқ... Масалан, ўртача бир рўзгор учун соғлиққа мувофиқ, рўзгор эҳтиёжларини ўтарлиқ ҳовли демоқчиман. Яъни дераза ва эшикли, таги тахтабанд, усти тунукали икки уй, бир ошхона, бир оғилхона ва бир хашакхона – тамом!

– Янги усулда?

– Албатта, янги усулда, – дейди Татар, – негизи ўн қаторгача пишиқ ғишт, юқориси хом ғишт.

– Тевараги ихота ва дарвозали ҳам денг-чи?

– Йўқ! – дейди Татар, – янги ҳовлига дарвоза, ихота, девор керак эмас, агар бу жуда лозим бўлса, ихота ўрнига тут сингари дарахт экиб бериладир.

Бино тўғрисида Мардонбой билан Татар қишлоқнинг энг яхши билимдонлари ҳисобланади. Шунинг учун бошқалар бу тўғридаги баҳсни иккисига ташлаб, ўзлари тинглабгина ўлтурдилар.

– Мен қондим, – дейди Мардонбой, – сиз айткан биноларга, эҳтимол, чамамиз келиб қолар. Чунки кўп ускуна ўзимиздан чиқади. Аммо бизга оғир томони ҳам йўқ эмас. Масалан, тунука. Сўзингизга қараганда ҳар бир ҳовлига оз деганда эллик пуд тунука керак, беш ҳовли учун икки юз эллик пуд. Агар биз тунукани ҳукуматнинг қатъий баҳоси билан ололсақ, идора учун ақчаси ҳеч гап эмас. Бозордан олатурган бўлсақ, идора ўпурилади!

– Сен ҳамма вақт ваҳима билан яшайсан, – дейди Татар, – ҳозирги масала тунука устида эмас, идора менинг таклифимни қабул қиладими, йўқми? Қабул қилатурган бўлса, тунука кейинги масала. Сен кулуб биносида ҳам шунинг сингари ваҳимага тушган эдинг. Ҳолбуки, кулубнинг тунукаси «ильич»чилар томонидан осон ҳал қилинди.

– Биз «ильич»чиларга энди ҳам эркалик қила олмаймиз.

– Яхши, қила олмаймиз, – дейди Татар, – «Гадойга бир эшик ёпиқ бўлса, иккинчиси очик» деган мақолни эшитганмисан?

– Хайр, мана тагин мажлис билади! – дейди Мардонбой ва Мулла Обидга мурожаат қилади, – сиз бизнинг баҳсимизни яхши эшитдингизми?

– Эшитдим, – дейди астагина Мулла Обид.

– Эшитган бўлсангиз, Татарнинг таклифига сиз ҳам бир нарса денг!

Мулла Обид бир оз сукут қилиб ўлтуради.

– Ҳукуматдан тунука тополмасақ, эски тунука ярамайдими? – деб Татарга қарайди.

– Нега ярамасин, – дейди Татар, – лекин бу энг сўнгги чора бўлади.

– Биз у ёқдан тунука чорасини қилолмасақ, эски тунука оламиз. Шаҳарда ҳукуматнинг янги бино солиши учун бузилаётган хусусий ҳовли эгалари кўчириб олган тунукаларини жуда арзон баҳога сотар эканлар.

Мулла Обиднинг бу сўзидан кейин ҳар икки таклиф товушга қўйилмоқчи бўлади. Бироқ Ҳасан Раҳмат «менда ҳам бир таклиф бор» деб раисга мурожаат қилади.

– Фикримча, ўртоқ раис билан Берди отанинг таклифлариға мажлисда майл кўрунади. Мен ҳам ҳар икки таклифга жуда тарафдорман. Лекин бизнинг мусобақа таклифларимиз бир оз нуқсонли, деб биламан. Масалан, биз ғунонлар билан от ҳаваскори ёшларнинг кўнглига ўт соламиз, янги ҳовлилар билан катта-кичикларнинг юрагига ўт ёқамиз, аммо ишлашда эрлардан қолишмайтурган хотин-қизларни нима билан қизиқтирамиз? Мен хотин-қизлар учун ҳам бир нарса белгилашни сўрайман.

Бу таклиф олдида Мардонбойни яна ҳам ваҳима босиб кетади:

– Бизнинг совринга қўядиган нарсаларимиз кичкина буюмлар бўлаётгани йўқ, менга қолса, учинчи таклиф идора учун оғир, – дейди ва раисга мурожаат қилади, – илгариги икки таклифнигина товушга қўйишингизни сўрайман.

Берди Татар сўз олади:

– Ҳасан топиб гапиреди, ҳақиқатан, биз хотин-қизларни унутганмиз. Мардонбой, бизда зарбдор ўнтагина деб ўйлайди-

ми? Бултурги ҳисобда биз йигирма уч зарбдор ҳисоблаб, совринга қўйган сугир етишмагандан кейин, қолганларни ақча билан мукофотлашга мажбур бўлдик. Мен Ҳасаннинг таклифига қўшуламан, кичикроқ нарса билан бўлса-да, хотин-қизлар учун ҳам мукофот белгилайлик.

Бу тўғрида ҳам талай тортиш боргандан сўнг, охирида бешта қўл машина белгиланиб, Ҳасан Раҳматнинг таклифи ҳам товушга қўйиладиган бўлади. Алоҳида товушга қўйиш натижасида Мулла Обиднинг ғўнон таклифи, Татарнинг ҳовлиси бир оғиздан қабул қилиниб, Ҳасан Раҳматники бир қарши билан ўтади.

* * *

Минг тўққуз юз ўттуз учинчи йилнинг кўклами «четан»чилар томонидан шу чоққача кўрулмаган бир ғайрат, яқдиллик ва зўр ҳозирлик билан қарши олинади. Бу фавқулодда аҳволга балки юқоридаги мукофотларнинг ҳам таъсири бўлгандир, лекин бизга қолса, уч йилдан буён теварак колхозчиларга сўз бермай келган «четан»чиларнинг тўртинчи йилда тўқсон беш фоизда қолиши, вақтинча бояғи мағруриятнинг синиши сабаб бўлади. Бу даъвомиз умуман, деярли «четан»чиларнинг «бизга мукофотдан ҳам илгари обрў керак, ўттуз эмас, ўттуз беш центнер билан кетган обрўни қайтарамиз!» деб сўзлашларидан англашилади.

Ернинг йилдагича беш-олти эмас, етти ва баъзи бўлтакларда саккизгача ҳайдалишини, чигит экишни ўн бешинчи апрелдаёқ бажарилишини кўрган Усмон полвон ёқасини ушлайди.

– Буларга бир бало бўлдимиз, кўзикиб қолмайлик-да, – дейди.

Мулла Обид у қадар таажжубланиб турмайди.

– Бу колхоз менлиги! – дейди.

Татар бу ҳолни бошқача таъбир қилади:

– Ўртоқ Сталин айтканча, колхозимиз болшевиклашади! – дейди.

Бу таъбирлардан қайси бириси тўғрироқ – бунда бизнинг ишимиз йўқ. Аммо қизиғи шундаки, бу йил идора чопиқ, суғориш каби ишларни ташкил қилиш; иш битдимиз, орқада қолдимиз, ҳар кун кўздан кечириш тўғриларида бош оғритмайди. Фақат Мулла Обид ва Усмон полвонлар (ҳосилот комиссиясининг учинчи аъзоси Карим ота бу йил қиш чиқар олдида ва-

фот қилган) доим дала кезиб, экинлар устида кенгашгина бериб турадилар.

Учинчи чопиқ йилдагига қарағанда ўн кун илгари – бешинчи июлда битади. Пахтанинг тупи кичкина дарахт ҳолига кириб, баъзи тупларида қирқ-элли гул ва шоналар кўруниб қолади. Эски иримлардан қутулиб етмаган баъзи бўлтаклар, шунингдек, фавкуллоддароқ ўскан қитъаларга хода қадаб, ходанинг учига исириқ боғлаб кўядилар. Идора бундай иримларга қарши курашиш учун эҳтиёж сезмаса ҳам, баъзи бўлтакларда кўрула-ёзган тартибсизликларга қарши курашишга мажбур бўлади.

Баъзи бўлтакларда кичкина дарахтликка томон ўсган ғўзаларга тўртинчи чопиқ бериш ҳаракати кўрулади. Ҳолбуки, бундай ғўзаларнинг ичида одам юриб кетмон ўйнатиш эмас, итдан мушук қувлатиш ҳам гуллар учун зарарлидир. Дарҳол идора бу тартибсизликнинг олдини олиб, бўлтакларга «ҳосилот учлигининг рухсатидан ташқари ғўзаларни тўртинчи чопиш мамнуъ»¹ мазмунли қоғозлар ёзади ва ҳосилот учлиги дала айланишига чиқади. Тўртинчи чопиқ лозим кўрулган жойларга рухсат берилади. Ортиқча аъзоларни олиб, бугдой ўроғига жўнатилади.

Қисман Мардонбой, айниқса, Татар ёз бўйи Туғлуқсувининг бериги ёни (қулубнинг қатор рўбарўси) билан бир-бирига тиралиб солинаётган беш ҳовли биноси устида айланиб юрuidилар. Баъзан ҳовлиларнинг тарҳини чизиб берган техник (таррах) келиб туради. Техник чизган тарҳ бўйинча ҳар беш ҳовлининг киши туратурган хоналари бир-бирисиға тиралиб, нариги томондаги бинолар (қулуб) ва бошқаларға ўхшаш тушади. Уйларнинг даромади ва теразалари кўчадан қурилади. Аммо ҳовлиларни бир-бирисидан ажратувчи ҳар икки уй бошини ичкаридан кесиб тушкан ошхона, оғилхона бинолари бўлади. Техник ҳар икки уй остини ертўла қилиб ишлатади. Дон-дун ва музлайтурган буюмлар учун бу яна ҳам яхшироқ бўлади. Ҳовлиларнинг ярим ишланган бўлишига қарамай, ҳозирги кўрунишидан Тиктепага алоҳида бир хусн бературганға ўхшайди.

Тунукани кооперация ёки бошқача йўл билан ҳукуматдан олиш имконияти кўрунмайди. Айниқса, бу йилги йилларда кучайиб кетган давлат бинокорлик ишлари бунга мусоада² қилолмайди. Идора эски тунука топиш фикрида.

¹ Мамнуъ – манъ этилган, тақиқланган.

² Мусоада – кўмаклашиш, имкон бериш.

Теримни ҳар қанча маъқул ташкил қилган ва зарбдорлиққа зўр берган билан ўз вақтида бажара олмаслиқ кутилади, чунки ҳосил кўп. Мулла Обиднинг фикрича, теримчилар бир пайкалнинг ўзидаёқ, бир-бир ярим иш кунини тўлдириб, иккинчи пайкалга ўтолмайдилар. Шу ҳолда иккинчи ва учинчи теримни ўз вақтида бажара олсалар ҳам, биринчи теримни удда қилолмаслар, дейди. Чора нима? Бирдан-бир чора – райондан биринчи терим учун кўпроқ ҳашарчи сўраб мурожаат қилишдир.

Терим олдида районга ва колхоз оталиғи «ильич»чиларга мурожаатномалар ёзилади. Ҳозирча улардан жавоб йўқ.

12. СОТСИАЛИЗМ ҲИДИ КЕЛАДИ!

Умуман, деярлик инсонларда бир табиат бор: бизга бир нарса қизиқ бўлиб кўрунса, шунда биз ҳар бир нарсани унутиб, шу қизиқликка томон интиламиз; бошқа эҳтиёжларимиз, ҳавасларимиз ўзларининг илгариги аҳамиятларини йўқотадилар, йўқотмаганларида ҳам, маълум қизиқликка етишда бирор воситага айланадилар. Фикр, хаёл, иш шу «қизиқлик» доирасидан четга чиқмайди. Бу хилда бошланган давомли «қизиқлик» ёки ғоя аксар «висол» билан натижаланади. Бироқ «висол» биз куткан завқни беролмайди ёки бериб битиролмайди. Чунки унинг ўрнини бошқача бир «қизиқлик» келиб олгач, бизнинг бояги қизиқликдан олинатурган завқ учун тайёр диққатимизни шу ёққа буриб юборган бўлади.

Биз юқоридаги ҳолни айниқса «четан»чилардан очиқ ўқуймиз: бултурги кичкина муваффақиятсизликдан сўнг, уларнинг каттадан-кичигидаги ғоя ёки қизиқлик шу муваффақиятсизликни зўр бир муваффақият билан босиб юбориш бўлиб қолади. Бу «қизиқлик» йўлида колхознинг Берди татарларнинггина эмас, ҳатто бир вақтларда «сўзак» касалига мубтало бўлган Аҳмад тоғаларнинг ҳам уйқуси ўчади. Қизиқликка томон сеҳрлангандек жалб қилинади. Ҳатто, бу қизиқлик йўлида ҳаддан тажовуз қилганини ҳам сезмайди. Масалан, баъзи жойлардаги пахта учун зарарли бўлган тўртинчи чопиқ каби бу «оғриқ», «четан»чиларнинг ўз бошларидагина қолмайди, қўшни колхозлардан уchtасини ҳам шунга мубтало қилади. Натижада уларни

ҳам районнинг олдинги колхозлари қаторига кечирганлигини ўзи сезмайди.

– Гектарига ўттуз икки центнер пахта!

Лекин бу ғалаба завқини «четан»чилар татиб битира олмайдилар. Завқ олиш ўрнини бошқа бир «қизиқлик» келиб босади.

– Ҳукумат ўз ақчасидан сарф қилиб, колхозчиларга тўй ясар экан... Тўй ўн кун давом этиб, дунёдаги ҳамма нав ошлар, ҳамма хил ўйинлар, ўйинчилар, отлик ва яёв пойга улоқлар, барчага баравар сарполар...

Ғалаба завқи унутилади. Ҳамма бирдан тўйгача кузги ҳайдовдан, гўнг ва рангдан қутулиб олиш ҳажрига тушади. Янги «қизиқликқа томон» интилиш бошланади...

* * *

Кузги ҳайдов ва гўнг одатдагидан беш кун чамаси илгари битади. Район тўй учун «Четан»га йигирма беш минг сўм пул беради.

Татар ҳовлиларни битирган бўлса ҳам, ганчига ақча тополмай юруйди. Идора топширилган пахта ақчасини банкадан олгунча унга пул беролмаслигини билдиради.

Татар тўй ақчасидан икки минг сўмга хиралиқ қилади. Идора ҳам тўй кунларига янги ҳовлиларнинг тамоман қўлдан чиқиши учун қулоқ қоқмай икки мингни беради.

Аъзолар ёз ўтиб кийим-кечакка, кўрпа-ёстиққа қарай олмаганлар. Барчанинг яктак-иштони, тўн ва чолвори лавак-лавак бўлган, этиклардан пайтава осилиб юрийди. Аксар тўппилар тепчиғидан қирқилиб, пилтаси кўруниб туради. Идора тўй кунини белгилаб, тўйга атрофдан меҳмонлар таклиф қилишдан илгари аъзоларни ва уларнинг бола-чақаларини кийинтиришга қарор қилади. Селпо дўконига келиб тушган ўн той газлама, икки юз пальто ва ўзбекча тўнлар, ич кийимлари, беш юз пардан ортиқроқ оёқ кийимларини уч куннинг ичида аъзоларга тарқатиб битиришга буюради. Қулуб ва бошқа биноларни янгидан оқартиришга, қишлоқ кўчаларини, рўзгорларини тозалашга, ахлатларни маълум жойларга чиқариб тўкишга қарор қилади. Тўй учун лозим бўлган сўқим, қорамол, улоқ учун бузоқ ва эчки, паловга гурунч, нишолдага шакар ва ҳоказо нарсаларни тайёрлаш учун комиссиялар белгилайди.

Район бўйича тўй ҳозирлигини илгари битирган «Четан» бўлиб, учинчи декабр кечқурунға тўй расми кушодида иштирок қилишни сўраб, районга таклифнома юборадилар. Теварақдаги ўнта колхоздан ва ильиччилардан ҳам меҳмонлар чақирилади.

Райондан хабар топиб келган Мардонбой расми кушодда Ўзбекистон марказидан келган ҳукумат вакиллари, бир неча ёзувчи ва шоирлар ҳам иштирок қилишларини сўзлайди.

Расми кушодда иштирок қилувчилар уч юзлаб киши чамаланади. Қулуб биноси бунга кифоя қилса ҳам, четдан келатурган юзлаб меҳмонларни ётқизиш учун жой ва уларга кўрпа-ёстиқ масаласи бир оз ишқал кўчади. Ўзаро ўйлашгандан кейин, меҳмонларни кечаси кутиш учун уларни аъзолар рўзғориға тақсим қилмоқчи бўладилар.

Расми кушод бўлатурган кун идора кимларни нима билан мукофотлантириш тўғрисида бўлтакбошилар билан бирликда кенгаш мажлиси ўтказиб, зарбдорлардан номзодлар белгилаб, икки соат овора бўлади.

Кундуз соат иккилардан эътиборан меҳмонлар кела бошлайдилар. Меҳмонлар қулуб чойхонасига жойлаштирилиб, белгиланган йигитлар томонидан кутилиб турадилар.

Кечки пайт райондан мукофот трактори ва бир арава ҳар турли тўн, хотин-қизлар кийимлари, тикув машиналари, оёқ кийимлари ва шуларга ўхшаш буюмлар келиб, Мардонбой аравакаш билан юборилган рўйхат бўйича омборга тушириб олади. Мукофот трактори ҳаммага маълум бўлса ҳам, аравадаги буюмлар очиқ англашилмайди.

Шундан бир оз кейин район партия қўмитасининг масъул котиби Каримов, район ижроқўм раиси Бўриев, марказ вакили Ҳамидов, икки шоир, яна бошқа ўнлаб меҳмонлар автомобиллар билан етиб келадилар. Колхоз идораси уларни истиқбол қилиб қаршилайди.

Тарафайн бир-бирлари билан танишиб кўришгандан сўнг, марказ вакили идорани бу йилги зўр муваффақият билан табрик қилади.

Меҳмонлар қишлоқнинг қизил байроқ ва қоғоз гуллар билан ясатилишидан кўра янги биноларга қизиқсинадилар. Ҳеч нарсага қарамасдан бирма-бир шу беш йил ичида солинган

янги биноларга кириб юрийдилар. Уларга, айниқса, кечагина ганчдан чиқиб, ҳозирча фақат тераза ойналари солинмаган янги ҳовлиларнинг тархи, кўркамлиги, турмуш учун қулайлиги жуда маъқул бўлади. Бу ҳовлиларни бу йилги мусобақада ютган зарбдорлар учун бино қилинганлигини эшитган Ҳамидов Мулла Обид ва Берди татарларнинг қўлларини сиқади.

– Менинг учун янгилик, яшасин, чин колхоз оталари! – дейди.

Бошқа меҳмонлар ҳам иккисининг қўлларини сиқадилар. Айниқса, Татар дунёга янги келгандек терисига сиғмайди, боши айланиб мастдек бўлади.

Ақсар Берди татар билан ҳазил сўқатурган Каримов янги бинолар томошасидан сўнг ўртоқларини Берди татарнинг ертўласига бошлайди:

– Юринг ўртоқлар, энди Берди аканинг ўз «кошона»сини ҳам кўрамиз.

«Кошона» маъносига Бўриевдан бошқалар тушунмайдилар. Татар қизаради ва Каримовни кўзи билан «шарманда қилмасликка» имлайди. Каримов қулоқ солмай, меҳмонларни «кошона»га бошлаб кетади...

Ҳамидов Татарнинг «кошона»сидан жуда ҳам мутаассир бўлиб қайтади. Шоирлар ҳам Татарнинг «кулбаи вайрона»сидан илҳом оладилар.

«Кошона»дан қайтгач, меҳмонлар расми кушод тўғрисида кенгашиб оладилар. Идора томонидан тузулган рўзномага баъзи нарсалар қўшадилар.

Кеч соат саккизда қулуб биноси колхозлардан келган меҳмонлар, колхознинг ўз аъзолари, очиқ хотин-қизлар билан лик тўлади. Ўлтуришга жой тополмаганлар йўл устига кийиз тўшаб, чойхонадаги каби ўлтуриб оладилар.

Қулуб саҳнасига катта устол қўйилиб, усти қизил сатин билан ўралган, тевараклаб устуллар терилган. Орқадаги декаратсияда Маркс, Энгельс, Ленин, Сталин – инқилоб раҳбарларининг расмлари жонли каби қараб турадилар. Декаратсиянинг икки биқинида Ўзбекистон раҳбарларидан Икромов¹, Файзулла Хўжаев ва бошқаларнинг расмлари кўринади. Айлана қулуб деворлари турли шиорлар ёзилган қизил сатинлар билан зийнатланган. Саҳнанинг иккинчи муюшида дарахт каби зўрай-

¹ Акмал Икромов (1898-Тошкент – 1938-Москва), ЎзССР Компартияси Марказий Комитетининг секретари.

иб, олтмиш-етмишлаб гўзаси очилган икки туп пахта деворга ўрнатилган. Кўруниш маданий шаҳарнинг катта бир биносини эслатса ҳам, электр ўрнига катта лампалар ёқилганлиги бир оз кўрунишга совуқлик беради. Баҳархол йигирмалаб осма чи-роқлар қулубни яхши ёритиб турадилар.

Саҳна эшигида Ҳамидов, Каримов, Бўриевлар кўрунадилар. Кучли чапак кўтарилади... Бошқа меҳмонлар ҳам киргандан кейин, энг орқада Мулла Обид ва Берди Шодиевлар кўрунадилар. Бу иккисини кўрган халқ олқишни жуда кучайтади, бо-ра-бора ўрнидан туриб кетади...

Мулла Обид четроққа бориб ўлтуради, Татар раёсат курси-сига келиб қўли билан халқ олқишини бостирмоқчи бўлади, халқ баттарроқ кўтарилади...

– Ўртоқлар! Бу кунги тўй мажлисимизни олиб бориш учун, – дейди қичқириб, – раёсат сайлашимиз керак, бу тўғрида таклифлар бўлса, рухсат...

Олқиш босилади, таклиф учун Ҳасан Раҳмат сўз олади:

– Оталар, мен раёсат учун ўн икки кишини таклиф қиламан.

– Бошқа таклифлар ҳам борми, – деб сўрайди Татар, – бўл-маса яна сўз Ҳасан Раҳматга. – Ҳасан Раҳмат номзодлар кўрса-тади. Татар ўз томонидан Ҳасан Раҳматни таклиф қилади.

Номзодлар бир товушдан раёсатга сайланадилар, халқ ичи-да ўлтурган Рафиқов раёсатга борар экан, колхозчилар уни кучли равишда олқишлайдилар.

– Ҳозирги мажлисимиз раислигини олиб боришни мен ўр-тоқ Ҳамидовга таклиф қиламан.

Барча бирдан чапак чалади. Ҳамидов раисликка ўтиб, маж-лисни очиқ эълон қилади.

Ҳамидов рўзномани ўқушдан илгари ғолиб колхозчиларни бу кунги тўй билан марказ номидан табрик қилишга туради. Ўзининг ўн беш дақиқага чўзилган табригида «четан»чилар-нинг ғалабасини ёлғиз ҳосилни юқори кўтаришдагина эмас, қишлоқ турмушини ҳар жиҳатдан ҳам юқори кўтаришда, деб кўрсатади.

– Шунинг учун, ўртоқлар, – дейди Ҳамидов, – сизнинг қиш-лоғингиздан сотсиализм хиди келади! (Кучли олқиш.) Мен қишлоғингизга келиб кирганда, димоғимга сотсиализм хиди келди (Олқиш), мен бу қишлоқ эскича Тиктепа эмас, «Лени-нобод» аталишга лойиқ ва бу улуғ исми қозонишга ҳақ олган

экан, дедим, (Кучли олқиш билан ҳамма ўрнидан қўзғалиб кетади. Берди Татар – Яшасин Ленинобод, деб қичқиради, халқдан ҳам шундай товушлар жавоб қайтаради; Ҳамидов сўзини давом эттиради) шунга ўхшаш колхозингизнинг ҳам улуғ раҳбар – Сталин номини олишга лаёқати бор.

Яна олқиш, яшасин «Сталин» колхози, деган товушлар.

Ҳамидовнинг таклифидан сўнг, Берди татар юқоридаги таклифларни қарорга киритиб кетишини сўрайди. Товушга кўйишда халқ бир оғиздан қўл кўтаради, орқасидан бир неча дақиқагача олқиш давом этади.

Табрик учун иккинчи сўз район партия қўмитасининг масъул котиби Каримовга берилади. Каримов ўз табригида: «Колхозингиз районимизнинг болшевик колхози ва обрўси, иккинчи беш йилликда бу обрўни жуда ҳам юқори кўтарасиз деб ишонман!» дейди.

Давомли чапак билан қаршиланган Рафиқовнинг колхозчилар томонидан бунчалик хурмат кўришига ҳатто марказ вакиллари ҳам таажжубланадилар.

– Илгариги Тиктепа ва ҳозирда Ленинободнинг беш йил орасидаги тафовути менга маълум, – дейди Рафиқов, – энг илгари қоронғи қишлоғимизга бунчалик фарқ бағишлаган ўртоқ Сталинга ва унинг темир партиясига биз меҳнаткашлар миннатдорлик кўрсатишга бурчлимиз! (Кучли олқиш ораси хурман ҳамма ўрнидан туради.) Ундан кейин манови колхоз зарбдорлари қишлоқ меҳнаткашларининг ақлли оталариға ҳам зўр миннатдорчилик! – деб Мулла Обид, Берди татар, Мардонбойларга ишорат қилади. Халқ олқишлайди, Рафиқов давом этади, – ўзбекчада «қарс икки қўлдан чиқади» деган мақол бор. Колхозчиларимиз ақлли оталарнинг сўзига қулоқ солмай турган «бебошлар» бўлсалар, Обид кетмонлар қўлидан ҳеч нарса келмас эди. Бинобарин, мен собиқ «четан»чи оғаларим ва иниларимга ҳам минниатдорчилик айтаман. «Ильич»чилар саломини етказаман.

Меҳмонлар олқишлайдилар, колхозчилар ерга қарайдилар.

Сўз район ижроқўмининг раиси Бўриевга берилади. Бўриев табрикдан сўнг, колхозчиларга мукофот тракторини тақдим этиб, Мулла Обидга район ижроқўми томонидан ёзилган трактор ҳужжатини тақдим қилади. Олқиш кўтарилади.

– Ўртоқлар! – дейди Бўриев, – Район ижроқўми сиз қаҳрамонлар учун турли саруполар, хотин-қизларга тикув машиналари ҳада қилиб келтирган эди. (Олқиш.) Ва шу мажлисда сизларни мукофотлантирмакчи эди. Бироқ идорангиз «букун биз ўзимиз тайёрлаган мукофотлар билан баъзи аъзоларимизни мукофотлантирамиз, эртага қолмиш аъзоларга сизнинг ҳадаларингизни тақдим қилиш учун алоҳида йиғилишамиз» деган жавобни бердилар. Ҳар ким ўз рўзгориға омил деганча, биз ҳам идорангизнинг фикрига қўшулишдик. Аммо, ҳозир идора аъзоларингизга баъзи арзимас ҳадылар тақдим қилмоқчиман!

Олқишдан сўнг Бўриевга икки бўғжомма сарпо келтириб бердилар. Бўриев бўғжомадан ҳисорий беқасамдан тикилган бир тўнни олиб Мулла Обидни чақиради. Мулла Обид келиб тўнни кияди (Олқиш), иккинчи шунга ўхшаш яна бир тўнни Берди Шодиевга, учинчиси Усмон полвонга, тўрттинчисини Мардонбойга, хулоса, идора аъзоларининг барчасига ҳам бирма-бир тўн кийдириб чиқади. Мулла Обид бошлиқ ҳамма идора аъзолари ҳайитга ясанган улфат ҳолига кирадилар. Олқиш бошланади. Бўриев кичкина бир қутини очиб, ичидан телефоннинг қулоғидек иккита нарса олиб, яна жойига солади ва Мулла Обидга тақдим қилади.

– Колхоз қаҳрамонининг қулоқсиз юришига биз рози эмасмиз! – дейди.

Тақдим қилинган нарсага тушунган шаҳарлик меҳмонлар чапак чаладилар. Аммо бу ёқдаги халқ, ҳатто Мулла Обиднинг ўзи ҳам бу нарсага тушунмайди.

– Ўртоқлар, – дейди кулуб Бўриев, – чамаси, бизнинг бу сўнгги ҳадымизга тушунмаган кўрунасиз. Бу нарса қулоқсизлар учун ишланган асбоб, буни ҳар қандай қулоқсиз киши таққанда ҳам энг аста товушларни эшита олади.

Энди кулги аралаш умумий олқиш кўтарилади. Бўриев келиб қулоқликни ўз қўли билан Мулла Обиднинг қулоқлариға кийдириб қўяди... Мулла Обиднинг қулоғидаги ўн саккиз яшар карлик бирдан зойил бўлади.

Мажлисдаги тик этган товушни эшита бошлаган Мулла Обиднинг кўзига таажжуб аралаш табассум ўрнашади. Буни таъқиб эткан халқ яна қарсак билан кулубни кўтаради.

– Эшитишимга қарағанда, – дейди Бўриев, – бу фалокатни ўртоқ Обид кетмон бундан ўн саккиз йил илгари рус-герман фронт

тида, жаҳонгирлар муҳорабасида ортдирган. Букун ўн саккиз йилдан кейин, бу касал шўролар ҳукуматининг қўлида очилди...

Олқиш, кулги, «Яшасин, шўролар ҳукумати!» – деган товушлар...

Раис рўзномани ўқуйди:

– Иккинчи масала – колхоз зарбдорларини мукофотлаш... Бу ҳақда сўз ўртоқ Берди Шодиевга.

Берди татар устида беқасам тўн билан олдинга чиқади, олқиш қўзғалади. Илгари колхоз номидан бирам-бирам ҳамма меҳмонларга ташаккур ва раҳматлар айтиб чиққандан кейин асл масалага ўтади:

– Ўртоқлар, маълумки, биз бу йилги мусобақамизга беш ҳовли, беш ғўнон¹ ва бешта тикув машинасини белгилаган эдик. Ҳозир мана шу мукофотларни ўз эгаларига тақдим қилмоқчимиз (Олқиш). Мен бу тўғрида бир неча оғиз сўз айтиб ўтмоқчиман. Ҳозирги мукофотларимиз маълум зарбдорларга берилганликдан баъзи ўртоқларнинг кўнглига буларда ўртача ишловчилар, ундан қолса, ялқовлар ҳам бор экан, мазмунли фикр келиши аниқ. Лекин, ўртоқлар, бизда ялқовлар йўқ, бизнинг зарбдорлардан кейинда ишловчиларимиз ҳам бошқаларнинг зарбдорларидан юқорида турадилар (Олқиш), энди ўртадан зарбдор фалон, деб фарқ ажратиб турушимиз, зарбдорларни мукофотлашимиз бизда вақтинча бир масаладир. Нечукким, биз бошқа зарбдорларни сигир билан мукофотлаб тўртинчи йилда ҳамма аъзоларимизни деярли сигирли қилиб қўйганимиздек, букун баъзиларни янги ҳовли, баъзиларни от ва тикув машиналари билан мукофотлар эканмиз, иккинчи беш йилликда аъзоларнинг ҳаммаси деярли янги ҳовлилар, миниш учун отлар билан мукофотланишида шубҳа йўқ! (Зўр олқиш.) Мен бу ўрунда агарчанди йўлдан четга чиқсам ҳам, улуғ раҳбаримиз ўртоқ Сталинга ғойибона икки оғиз ташаккур айтиб кетмакчиман.

– Ўртоқ Сталин! Сенинг раҳбарлигингда колхозимиз болшевиклашмоқда, аъзоларимиз бойиб, бахтли турмушга ўтмакда (Зўр олқиш), ўртоқ Ҳамидов айтканча, бизнинг Ленинобод қишлоғидан сотсиализм ҳиди келади. (Узоқ олқиш.)

Татар олқиш босилгунча бир оз кутиб туради.

– Мақсадга келамиз. Бизда ҳар бир бўлтакда деярлик меҳнат қунини бир ярим, икки бажарган ўн чоғлиқ қаҳрамонлар бор.

¹ Ғўнон – икки яшарлик той.

Умуман олганда, улар бир-бирларидан озгина фарқ қиладилар. Етишмаслик қурсин, биз букун ўнта ҳовли бино қилмаганимиз учун пушаймон емақдамиз. Англашилган бўлса керак, ўнта зарбдорларимиз бир-бирларидан фарқли эмаслар. Биз ҳовли тўғрисида узоқ ўйлагандан сўнг орадан шу фарқни чиқардик. Бизда ўзи ўрта ёшли бўлса ҳам, ёш зарбдорлар билан баравар ишлаган ўртоқлар бор. Уларнинг ёшлариға нисбатан йигитлардан қолишмаганликлари таҳсинга лойиқ. Шунга кўра биз ҳовлиларни кекса зарбдорларга бермакчи бўлдик! (Олқиш, «Тўғри!» товушлари.) Қолган бешта ёш зарбдорларга бешта ғўнонни (Олқиш, «Жуда маъқул!» деган овозлар), бешта тикув машинасиға бизда маълум зарбдор хотин-қизлар бор! (Олқиш.) Биз ҳозир бошлаб янги ҳовлиларнинг калидини ўз эгаларига топширамыз.

Раис Ҳамидов рўйхатни ўқуб қичқиради:

– Колхоз зарбдорларининг отаси Мулла Обид Даврон ўғлиға кулубнинг қаршисидағи биринчи ҳовли!

Мулла Обид ўрнидан тургач, бинони жуда ҳам кучли олқиш босади, Мулла Обид келиб калидни қўлиға олади.

– Биринчи бўлтакдан Исобой Карим ўғлиға иккинчи ҳовли!

Исобой халқ ўртасидан ажралиб саҳнаға чиқади. Калидни олар экан, олқиш ёғилади.

– Учинчи бўлтакдан Нўъмон Рустам ўғлиға учинчи ҳовли!

– Бешинчи бўлтакдан Алибой Обид ўғлиға тўртинчи ҳовли!

– Тўртинчи бўлтакдан Ҳожи Муҳаммад Очилди ўғлиға бешинчи ҳовли!

Иккинчи навбатда ғўнонлар ҳам эгаларига тақдим қилинадилар. Жумладан, Пўлагур ҳам қашқа ғўнонға эга бўлиб, ғилай кўзи яна ҳам «дахшат» касб этади. Мирвали банги «қашқани илдингми, кўр, яна бир арақ қарздор бўлдинг» деб сўқади.

Учинчи навбатда зарбдор хотинларға тикув машиналари тақдим қилинади. Эрлар орқасида ўлтурган хотинлардан Ғилмон опа, Хандон биби, Хоним Султон, Биби Маржонлар уяла-уяла келиб, машиналарни кўтариб кетадилар. Бешинчи машинани олиш учун раис «Фотима Холмирза қизи» деб чақиради. Иккинчи қайта чақаришда хотинлар тўпидан «Ўзи бунда йўқ!» деган жавоб бўлади. Сирға тушуниб ўлтурган Берди татар ер остидан кулуб Мулла Обидға қарайди. Мулла Обид буни фаҳмламайди.

– Фотима опа касал бўлса керак, – дейди кулуб Берди татар,

– Фотима опа томонидан машинани мен қабул қилиб оламан.

Меҳмонлар орадаги «сир»га тушунмайдилар... Фотима опанинг машинасини Татар қабул қилиб олгандан сўнг, кейинги сўз Мулла Обидга берилади. Халқ билан бирга раёсатдаги меҳмонлар ҳам узоқ чапак билан Мулла Обидни қаршилайдилар.

Мулла Обид беқасам тўн кийиб, яна ҳам зўрайиб кўрунган улуғ гавдаси билан саҳнанинг олдига юриб келади...

– Арзимаган муваффақиятимизни арзителиб бизга тўйлар қилиб берган, тўйимизни ўтказиш учун ўз вакилларини юборган болшевиклар фирқасига, шўролар ҳукуматига колхоз номидан миннатдорчилик қиламан! (Олқиш.) Тўйимизни биргалашиб ўтказиш учун келган ҳамма меҳмонларга, колхозчи қўшнларга яна раҳмат! (Олқиш.) Фирқамиз ва шўролар ҳукумати бизни уялтириб бунчалик сарпо, ҳадялар тортиқ қилиши мени, менинг колхозчиларимни яна катта ғалабаларга судрашига шубҳам йўқ. (Олқиш.) Мен колхозчиларим отидан янги ғалабаларга қадам қўйишга меҳнаткашлик ваъдамни бераман! (Зўр олқиш.) Боя ўртоқ Берди татар, «Колхозимиз болшевиклашди...» дегандек бўлди. Лекин менга қолса, ҳали болшевиклашгунча йўқ. Нега десангиз, биз шу йилгина гектаридан ўттуз икки центнер пахта бердик. Бу эса «Колхоз болшевиклашди» дейишга ҳали вақт эрта эканлигини кўрсатади. Мен бу даъвомни исбот қилиб чиқаман. Хўп... мен бир йил бир таноб жойга пахта эқдим, кузга бориб шу бир танобдан олтмиш пуд пахта олдим. Бу нима деган сўз? Бу шундайки, бир гектарига уч юз пуд ёки... ёки элли центнер бериш керак, деган гап. Лекин нафсамбирни айтканда, бу ҳам махтанадиган гап эмас. Мен бултур бир китобча ўқидим. Нариги районда Мавлон полвон исмли бир колхозчи бир гектардан тўрт юз элли пуд пахта олган. Хўп... Бу нима деган гап? Бу колхоз болшевиклашгунча йўқ, деган сўз бўлади. Шунинг учун арзимаган ишимизга ҳукуматнинг бунчалик тақдир қилишидан мен уялиб тураман, колхозчиларим отидан сўз бераманки, иккинчи беш йилликда биз лоақал ҳосилни эллик центнерга олиб борамиз! (Кучли олқиш, халқдан «Сўз берамиз» деган товушлар.) Хўп... Энди бойиганлигимиз устига келаман. Биз якка хўжалик даврига қарағанда талай бойидик, ҳар қайсимизда элли-юз пудлаб ғалламиз бор, қорнимиз тўқ. Ундан ташқари ҳар қайсимизда сигир, қўй дегандек, моллар ҳам йўқ эмас, ҳолбуки, сигирларимиз отига сигир, ҳар куни икки хурма сут олган билан сигирли бўлганлик чиқ-

майди. Бизга чин сигирли бўлиш учун ҳосилни бояги даражаларга кўтариш лозим (Зўр олқиш), хўп... ҳосилни юқори кўтаришнинг шартларидан бири яхши, кучли отларга эга бўлишдир. Ҳолонки, бизнинг отларимиз сонига кўпайган бўлса ҳам, ишга келганда, чидамлари йўқ. Биз от наслини тузатишда ҳам ҳали бир иш қилмадик. Биз бу ёқдан ҳам махтана олмаймиз. Хўп... Биз эндигина бешта янги ҳовлига эга бўлдик. Ҳолонки, бизнинг аъзомиз юз ўнлаб ҳисобланади... Қисқа сўз: аъзоларимизнинг бойидик, болшевиклашдик, сотсиализмга чиқдик, деб талтайишларига ҳали вақт эрта, ҳали биздан келаси йиллар зўр қаҳрамонликлар кутади, ўртоқлар!!

Давомли олқиш остида Мулла Обид жойига бориб ўлтуради!
«Яшасин, раисимиз» деган товушлар эшитилади.

Ҳамидов Ҳасан Раҳмат билан сўзлашиб олгандан сўнг ўзаро чувуллаша бошлаган халқни тинчитади.

– Ўртоқлар, сўз Ҳасан Раҳматга берилади!

Ҳасан Раҳмат кулумсиган ҳолда саҳнанинг олдига келади:

– Қишлоқ комсомоллари ўзларининг «хунар»ларини ҳурматли меҳмонларга арз қилмоқчилар!

Ҳар томондан «Сўраймиз!» деган товушлар эшитилади.

– Биз қишлоқ ёшлари ўз «хунар»ларимизни арз қилишдан илгари кичкина узр ҳам айтиб ўтамыз, – дейди Ҳасан Раҳмат, – бизнинг шаҳарлик шоирларимиз ёки қишлоқ турмушини билмайдилар ёки билишни тиламайдилар... Шунинг учун биз ўз турмушимизни нафис, қишлоқликлар учун англашиларлик қилиб кўрсатилган адабиётга муҳтож бўлиб келамиз. Тўғри, шоирларимизнинг шеърлари, ҳикоялари, дostonлари кўп, бироқ улар бизнинг завқимизга, эҳтиёжимизга ёт, биз улардан сариқ чақалик фойдалана олмаймиз! (Ойнак таққан икки меҳмон шоир қип-қизариб ерга қарайдилар.) У томондан умидсизланганимиздан кейин ноилож биз қишлоқ ёшлари билар-билмас коллектив равишда ўзимизга ёқимли, сингишли оҳанг билан шеърлар-куйлар тўқиймиз. Ҳозир биз ўша ўзимиз тўқуған байтлардан бирисини ҳурматли меҳмон ўртоқларга тақдим қилиш билан барабар, нодонлик орқасида кечган хатоларимизни афв қиларлар, агар жуда ҳам аччиғлансалар бизни эмас, манави шоирларни сўкарлар, деб умидланамиз! (Олқиш, кулги.)

Икки ойнакли шоир жуда ҳам ўсал тортиб ерга қарайди. Ҳасан Раҳмат раёсатдаги меҳмонлардан устолнинг икки биқинига ўтишни сўрайди. Раёсат четлангандан кейин, саҳнанинг

Ўртасига бориб икки биқинидағи эшикка ишорат қилади. Ўнг томондағи эшикдан бошдан-оёқ қизил бархитдан қисқа кийим кийинган олти нафар йигитчалар чиқиб, халққа қўл кўтариб таъзим қиладилар (Олқиш). Улар чиққан томонларига қатор чизилгандан кейин, сўл эшикдан олти нафар бошдан-оёқ қизил шоҳидан кийинган дўндук қизлар чиқиб, булар ҳам халққа қўл кўтариш билан таъзим қиладилар.

Кучли олқиш ораси булар ҳам йигитчаларга қарши чизилдилар. Ҳар икки томон ораси узук ярим доира шаклини олади. Икки ўртага Ҳасан Раҳмат бориб киради.

Ҳасан Раҳмат йигитчаларга ишорат қилади. Йигитчалар ёқимли бир оҳангда ўқуйдилар:

Йигитлар:

Сталиндан етди бизга ушбу хабар:
«Беш йилликда ялқовликдан қўйманг асар!»
Биз бахтлимиз, чунки бизга фирқа раҳбар,
Меҳнаткашга саодат бу билсак агар!

Қизлар:

Меҳнат – дилбар, бизлар унинг шайдосимиз,
Вазифасин англаганлар аълосимиз!
Бахтнинг куши бизга томон қанот қоқди,
Камбағаллар кулбасига чироғ ёқди.

Йигитлар:

Шунда барча ўннга боқди, сўлга боқди,
Кўк юзидан «Ишга!» дебон чақмоқ чақди.
Меҳнат – дилбар, бизлар унинг шайдосимиз,
Вазифасин англаганлар аълосимиз!
Юзлар қизил, кийимлар шай, нодон деманг,
Сўзлар ўткир, чақчақи кўп чапан деманг.

Қизлар:

Куши булбул, атрофи гул чаман деманг,
Мероси мўл, отаси бойчечан деманг.
Бизда, ўртоқ, сув ўрнига сутлар оқар,
Хумлар, ёмлар ғаллалардан тўлиб тошар.
Кулун кишнар, қўзи ҳимлар, қўйлар маърар.

Йигитлар:

Чунки бизга оталиқдир Берди татар!

Ҳаммалари:

Меҳнат – дилбар, бизлар унинг шайдосимиз,
 Вазифасин англаганлар аълосимиз!
 (Олқиш, Татарнинг юзида мағрур бир кўруниш...)

Қизлар:

Ўн йигитга арзир менинг опам Хандон,
 Қайси зарбдорлардан қолар Биби Маржон?
 Ўз эрини йўлда қўйди холам Филмон!
 Мақташ учун арзимасми Хоним Султон?

Йигитлар:

Меҳнат – дилбар, бизлар унинг шайдосимиз,
 Вазифасин англаганлар аълосимиз!
 Баҳор етса, қизил гуллар тақар қизлар,
 (Қизлар гул тақадилар)
 Яшнаб гулдек юракка ўт ёқар қизлар.
 (Қизлар уяладилар)
 Чанг чалинса, ишга қараб оқар қизлар,
 Шунинг учун йигитларга ёқар қизлар.

Қизлар:

Чунки бизлар меҳнат элин лоласимиз,
 Яъни «Четан» гулзорининг раъносимиз!
 (Кучли ва давомли олқиш...)
 Бизнинг плон бу йил, ўртоқ, ўттуз неччи!
 Оринг бўлса, енгинг шимар, бизга ет-чи!
 Ялқов эсанг, бетинг кўрмай кет-чи-кет-чи!

Йигитлар:

Ҳайфдир сенга белбоғингни еш-чи-еш-чи!

Ҳамма:

Обид кетмон колхозининг аъзосимиз!
 Момиқ отлиқ оқ олтиннинг дарёсимиз!

Зўр олқиш... Қиз ва йигитчалар халққа таъзим қилиб, кўздан
 йўқоладилар. Бироқ, олқиш босилмайди...

Халқ иккинчи қайта куйлашни сўрайди. Йигитча ва қизлар иккинчи қайта куйлашга мажбур бўладилар.

Берди татар «Биз бу томондан ҳам чакки эмасмиз» дегандек қилиб, мағрур талтайиб ўлтуради. Қулоқлик кийиб четроқда ўлтурган Мулла Обид ер остидан куйловчи қизлар ичидаги ўз қизи Зайнабга «хўмрайиб» қарайди...

Б И Т Д И¹

¹ Шояд иккинчи беш йилликдаги Обид кетмонлар муваффақиятини давом этдирсак. – Ёзувчи.

ИСТИБДОД ЗАМОННИНГ ҚИЁФАСИ

(«Қодирийшунослик»ка бир назар)

Улуғ адиб Абдулла Қодирийнинг миллий адабиётимизда тутган ўрни ва роли барча ўқувчи ва мутахассисларга маълум ва машхур. Унинг «Бахтсиз куёв», «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» каби ўлмас асарлари кенг ўқувчилар оммасининг маънавий мулкига айланганига салкам бир аср бўлди. Юз йил тўлди, десак ҳам муболаға бўлмайди, чунки адибнинг илк саҳна асари – «Бахтсиз куёв» нашр қилингани ва ўзбек саҳнасида қўйилганига ҳамда рус-ўзбек матбуотида биринчи хабару тақризлар чоп этилганига роппа-роса юз йил тўлди.

«Туркестанские ведомости» ва «Туркистон вилоятининг газети» ўқувчилари ўзбек халқининг қиз узатиш ва ўғил уйлантириш тўйларининг тантана эмас, балки охири бир мусибат билан туговчи исрофгарчиликка айланганини ўқиб, кўриб билдилар. Бахтсиз куёв Солиҳ ва ёш бир келинчакнинг фожиали ҳалокати тимсолида халқимиз жаҳолат ботқоғига ботгани, ундан қутулиш йўллари ёш адиб Абдулла Қодирий асари орқали кўпчиликка ошкор қилинди. Рус журналисти Гр. Андреев «Бахтсиз куёв» сарлавҳали мақоласида маҳаллий халқ ҳаётидаги исрофгарчилик, воқеалар жонли тил билан тасвирлангани, асарнинг насиҳатомуз эканлигини таъкидлаган. Ҳар икки газетанинг муаллифлари ўз мақола ва хабарлари билан «қодирийшунослик»ни бошлаб берган.*

Халқнинг саводли қисми пьесани ўқиш, кенг омма асарни саҳнада жонланган тимсоллари ёрдамида ўз ҳаётидаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий маърифий-маиший муаммоларни кўриш орқали ундан чиқиш, аниқроғи, қутулиш йўллари излаш учун юз бурди. Халқ пул, ҳокимият, ҳукмдорлик қувватини билди. Шу боис пьеса, айниқса, спектакль халқнинг маънавиятида миллий уйғонишга туртки берган асарлардан бири бўлди. Пьеса ва спектаклга бағишланган тақриз ва хабарларни куза-

* «Туркестанские ведомости». 1915 йил. 23 (сент.) 6 октябр, «Туркистон вилоятининг газети». 1915 йил 8 ноябр.

тиб шундай хулосага келиш мумкин. Асар ўша даврда халқни тараққиёт ва маърифатга чорлаётган ходимул миллат ва фуқаролар мафкурасининг китоб ва томоша сифатидаги тақдимоти эди.

Асар 1915–1924 йиллар мобайнида Туркистон шаҳарларидаги деярли барча ҳаваскор театр труппалари томонидан сахналаштирилди. Аммо ҳокимиятдаги кескин сиёсий ўзгариш, давлатнинг зўрлик билан болшавойлар қўлига ўтиши, эски сиёсий ва иқтисодий устқурмаларни бузиб ташлади. Халқимиз маънавиятида шаклланаётган янги миллий тафаккурга раҳна солиш билан чекланмай, уни батамом йўқотиб юборишга катта куч ташлади. Ижтимоий-сиёсий масалаларга жамоат, халқ манфаати ва талабидан қараш йўналишига қизил ва оқ йўналиш қарши қўйилди. Собиқ бой ва судхўрлар ўзининг буд-шудидан айрилди. Тўйлар мазмунан ўзгарди. Бинобарин, XX асрнинг биринчи ярми – халқ оч-наҳор, қўрқувда яшашга мажбур қилинган даврда қарз олиб тўй қилиш у ёқда турсин, миллий сурнай чалиб тўй қилиш ман этилган бир пайтда куёвларнинг бахтсизлиги бошқача шаклу шамойил олди...

1919 йилда «Изчилар» тўдасининг «Қўштут қўли» (яъни филиали) томонидан сахналаштирилган Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв»¹ асари шухрат қозонмади ва мунаққид Ишчи-Ғози Юнус томонидан даврдан ортда қолган асар сифатида танқид қилинди. Мунаққид тўғри таъкидлагандек, «ижтимоий инқилоб қутурғон бир замонда матбуот ва адабиёт дунёсида ҳам буюк ўзгаришлар» кутилган эди.

Аммо Абдулла Қодирий «Бахтсиз куёв» пьесаси, «Жувонбоз» ҳикоясини чоп эттириб, тиниб-тинчиб қолган эмас. У ҳукумат ишига кириб, инқилобий ҳукумат олиб бораётган бошбошдоқлик, сиёсий босим, оммани даҳшат ва қўрқувга солиш, талаш, ёлғон шиорлар билан соддадил халқни алдаш ва мустамлакачиликнинг буқаламунлигини кўрди, кузатди, совуққон иштирокчисига айланди. Шу боис мавжуд ижтимоий адолатсизликка нисбатан курашмоқни ўзига шиор қилиб олди ва ўзига «Жулқунбой», яъни «Курашчи» имзосини олди. Курашни қалам кучи билан олиб боришни мақсад қилди. Шунинг учун қонун қиличи етиб боролмайдиган ерларга кулги наштари етиб боришни эътиборга олиб қаламини ҳикоянависликдан ҳажвनावисликка

¹ «Иштирокиюн», 1919 йил 24 декабр.

бурди. Давр матбуотида эълон қилган хангома ва фельетонларида 17-йил воқеаларида тараққийпарвар ёшларга нисбатан қаттиққўлик қилган руҳонийларга нисбатан нафратини тортиб қола олмади. Ўзгаришдан кейин ёзган илк сахна асарида руҳонийлар қиёфасини очувчи бир пардали «Ҳеч ким билмасун» комедиясини тақдим этди. Хотинбоз руҳонийнинг ўз набираси томонидан фош қилинишини кўрсатди. Спектаклга тақриз ёзган Ғози Юнус муаллифга оғир ботмайдиган қилиб, «Ўртоқ Жулқунбой томонидан ёзилган «Ҳеч ким билмасун» пиесаси мавзу, мундарижа ёғидан татарча «Ёшлар алдатмиёлар» комедиясига жуда яқиндир», деб баҳо берди.

Шўролар ҳукуматининг матбуотида Мулла Абдулла, Жулқунбой имзолари билан кетма-кет фельетон ва ҳажвиялар эълон қилиши ва ёш бўлишига қарамай, моҳир сўз санъаткори эканлигини намоиш қила олди ва эл оғзига тушди. Мутахассислар томонидан юксак баҳоланди.

1924 йил 21 июн ойида шўролар матбуотининг олти йиллиги кенг нишонланди. Матбуотда ўзбек адабиёти ва санъатининг ютуқ ва камчиликлари рўйи-рост кўрсатиб берилди. Адабиётшунос-педагог Абдурахмон Саъдий, журналист Неъмат Ҳаким, шоир Вадуд Маҳмуд, тилшунос Қаюм Рамазон, журналист Али Исмоилзода ва бошқаларнинг мақолалари босилди. Зикр этилган адабиётшунослар бир овоздан Абдулла Қодирийнинг санъаткор адиб эканлигини тан олдилар ва адибга ижодий муваффақият тиладилар.¹ Жумладан, А.Саъдий қуйидаги фикрларни баён қилди: «Ҳикоялар ва айниқса, ҳажвий ҳикоялар ёзмоққа кўп усталик кўрсатувчи кучлик ёш инқилобий ўзбек адиби Жулқунбой (А.Қодирий) ҳам олти йиллик даврда ўзбек шеърий адабиётининг кўтарилишида катта бир омил бўла олади. Бу шеърий талант «Инқилоб» журналида босилиб келган «Ўткан кунлар» деган рўмони билан ўзбек шеърий адабиёт майдонида рўмон ёзувчиликнинг биринчи қадамини босиб юборди». Адабиётшуносликнинг ўта сўл тарафида турган мунаққид Неъмат Ҳаким «Умуман, Ғози Юнус билан Жулқунбойнинг қалами кўтаришга арзийдирган қаламлардир» деб ижобий баҳо берди.²

1923 йилда «Инқилоб» журналининг бир неча сониди, «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламида Абдулла Қодирийнинг «Ўткан

¹ «Туркистон», 1924 йил 21 июн.

² «Туркистон», 1924 йил 25 июн.

кунлар» романидан парчалар босилиши омма ва шўро мафкурачиларини бирдек мафтун этди. Адиб кенг ўқувчилар оммасини китобни нашр этилишига интизор қилиб қўйди... Бироқ... матбуотда илк таассуротлар эълон қилинмади. Адабиётшунослар ҳам, мафкурачилар ҳам гўё оғизга тош солгандек эдилар. «Ўткан кунлар» (1926 й.) эндигина 32 баҳорни қаршилаган асар муаллифи Қодирийнинг обрўсини эл орасида ошириб юборди. 1925 йил Ўзбекистон ССР ташкил топгани эълон қилинган, матбуотда сифат ўзгаришлари содир бўла бошлайди. Бунга икки нарса сабаб: бири, 1925 йилда ВКП(б) МКнинг «Бадий адабиёт тўғрисида партия сиёсати» қарорининг эълон қилиниши бўлса, иккинчиси, миллий ва инқилобдан аввал шаклланган маданият ва зиёлиларга тиш-тирноғи билан қарши бўлган Марказқўм қошидаги политпросвет ташкилоти эди. Бу ташкилот ўзининг назорати, буйруқбоз ва ақл ўргатувчилиги билан миллий маданиятга иродасини ўтказа бошлайди. Лениннинг «Кооперация ҳақида» рисоласида ишлатилган «маданий инқилоб» ибораси амалий қўлланиб, янги социалистик маданиятни ташкил этишга қаратилди. Ўтмиш маданиятидан воз кечишни истаган «прўлеткульт» намояндалари А.А.Богданов, В.Ф.Плетнев миллий-анъанавий маданиятдан воз кечиш, ўтмиш маданий меросини инкор қилишни тарғиб этдилар. Бу оқим тарафдорлари ўзларини «гўзалликнинг жаллоди» деб аталишга рози бўлдилар, Рафаэлнинг асарларини куйдириш, музейларни бузишни истадилар. Ана шу истак-хоҳиш заминида миллий шовинизм ҳам ўрин олган эди. Атоқли адиб Максим Горький ўзининг «Новая жизнь» (16.ХХ.17й.) газетасида шўролар ҳукумати бошлаган истибдодга қарши туриб, «Лениннинг сўз эркинлигига муносабати Столипинлар, Плева ва бошқа ярим одамларникидан қандай фарқ қилади» деб ёзди, ҳукумат ва фирқанинг матбуот, адабиёт ва санъатга нисбатан муносабатидан газабланди. Ўзбек зиёлилари ҳам буни юракдан ҳис қилиб яшар эдилар. Адиб Шапоқ махдумнинг Тошкент ижроқўми қошидаги политпросвет бўлимининг тугатилишига бағишлаб ёзган «Жонинг жаннатда бўлсун» ҳангомасида «Тупроғинг енгил, юкинг оғир бўлсун!» демоғига сабаб шудир.

Ҳокимият ва фирқа сиқуви остида «Иштирокиюн», «Қизил байроқ» ва «Туркистон» газеталарига хос кенглик, демократизм, либерализм, сўз эркинлиги, миллий манфаат учун ку-

раш, ватанпарварлик, гуманизм-инсонпарварлик, миллий қадриятларни улуғлаш йўқолди. Миллий қаҳрамонларга бир томонлама ёндашиш бошланди. «Қизил Ўзбекистон» пайдо бўлгач, филология фанлари доктори Баҳодир Каримов ёзганидек, «Санъат ҳам, адабиёт ҳам, илм ҳам, хусусан адабий танқид ҳам ягона давлат сиёсати учун дастёрлик оstonасига келиб қолган эди».¹ Бевосита Лениннинг таъбири бўйича адабиёт фирқанинг «мурват ва парракчаси»га айлантирила бошланди. Орадан кўп ўтмай ҳокимиятнинг темир қамчисига айланди. 1923 йил 9–12 июнда Москвада «Мутлақо махфий» грифида ўтказилган РКП МКнинг миллий республика ва областларнинг масъул ходимлари билан миллий масала ҳақида ўтказилган Тўртинчи йиғилишида динга қарши кураш масаласи ҳам ўрин олди. Ўзбекистон вакили А.Икромов мажлисда сўз олиб, «динга эмас, балки диний бидъатларга қарши кураш олиб бориш керак», деган масалани ўртага ташлади. Аммо Сталиннинг иродасига ҳеч ким қарши тура олмади. Худди чор ҳукумати давридек яна дин ва дин аҳлига ҳужумлар кучайди. Бу сафар ҳукмрон мафкура пичоқнинг сопини ўзидан чиқарди. Дин ва диндорларга нисбатан ўзбек матбуотида кескин кураш бошланди. Матбуотда, айниқса, «Муштум» ва «Худосизлар» нашрларида сал ножўя иш қилган дин аҳлининг бурни қонатилди. Ғ.Юнус, Н.Тўрақулов қатори Абдулла Қодирий ҳам бу оқимдан четда турмади. Аммо «Муштум»да босилган «Йиғинди гаплар» мақоласи учун иши терговга тушиб, қамалиб, сўнг оқлангач, вазият бошқача тус олди. Айниқса, 1927 йилда жумҳурият ва вилоятларда ўтказилган «Маданият ходимлари қурултойи»да инқилоб арафасида шаклланган ва миллий манфаатни ҳимоя қилган барча ижодкорлар қаттиқ қалтакланди, жумладан, Қодирий ҳам. Аввал ўзи диндорларга ҳужум қилган бўлса, энди уларнинг ўзлари «миллатчи», «майда буржуа» аталиб, адабий танқид ва бадиий таҳлилни фирқа кўзлиги орқали кўрадиган, вульгар социологизм нуқтаи назаридан баҳолайдиган танқидчиларнинг нишонига айландилар. Газеталарда Қодирий ва унинг романилари ҳақида бирин-кетин мақолалар пайдо бўла бошлади. Қодирий асарлари ва шахсига нисбатан ҳужумлар тўхтамади. О.Шарафиддинов, М.Шевердин, М.Солиҳов, С.Хусайн, Эрназар,

¹ Каримов Б. «Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур». Тошкент: Академнашр, 2014. – 15 б.

ва бошқаларнинг мақола ҳамда рисолалари (1928–1936 йилларда) матбуот ва адабиёт оламини босиб, кенг ўқувчилар оммасининг Қодирий ва унинг асарларига нисбатан фикрини, ўй ҳамда туйғуларини ўзгартиришга қаратилди. Аммо танқидчилар Қодирийнинг «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» асарлари ўзбек, қозоқ, уйғур ва озарбайжон китобхонларининг маънавий мулкига айланиб улгургани, энди бу мулкни ҳеч қандай ижтимоий, сиёсий, адабий куч тортиб олишига қурби етмаслигини англаб етмадилар. Ҳар икки асар ўқувчилар оммасининг қалбини, туйғуларини забт этиб, маънавий ва ҳиссиёт олаmidан ўзига бир бино қуриб олишга улгурган эди.

Собиқ чор ҳукуматининг жиловини маҳкам ушлаган фирқа ва унинг мафкураси адабиёт ва санъат, умуман, бадиий ижодгагина эмас, кейинчалик одамларда миллий ўзликни таниш ва кучайтириш, кучайтириб, миллий озодлик борасидаги курашларини куч олдиришга хизмат қиладиган ҳар қандай ижтимоий-миллий ҳаракатни, маданий тараққиётни йўртмачоғлигида бўғиш учун қўйилган қоровул бўлди. Ана шу мафқурани ҳимоя қилиб, унинг халқ онгига сингдирмоқ истаганлар кўп ҳолларда ижтимоий ҳолатлар, халқ қадриятлари билан ҳисоблашишган эмас. Улар матбуот саҳифасидан ва қаламкашлар тилидан «ватанчилик», «инсонпарварлик» сўзларини Иккинчи жаҳон уруши бошлангунча олиб ташладилар. Инқилобни амалга оширган Русия халқи ҳам, Туркистон халқи ҳам собиқ империянинг барча халқлари каби жаҳоншумул қирғинни келтириб чиқарган тузумнинг мафқурасини тўлиқ тушуниб етишмаган. (Атоқли шарқшунос олим Закий Валидий шу мафқуранинг собиқ посбонларига айланган миллий коммунист кадрларни Ленин «майда буржуа» деб атаганини ёзади.) Мафкура тарғиботчилари ва ҳимоячилари миллий адиблардан асар ёзганда марксизм таълимотига, хусусан, диалектик ва тарихий материализмга суяниб асар ёзишни талаб қилдилар. Агар шу нуқтаи назардан асар ёзилганда ўзбек қаламкашлари Бухариннинг «Материализм», Неъмат Ҳакимнинг сохта, ислом билан марксизм қоришмасидан иборат «Мужодалавий моддиюнчилик» асарига суянишлари керак бўларди. Бинобарин, аҳли қаламни сохта йўлга буриб юбориш ҳеч гап эмас эди. Бу – масаланинг илмий тарафи. Ушбу муаммонинг яна бир энг оғир томони шундаки, инқилоб, янги мафқурани қалқон қилиб иш олиб бо-

раётган Туркистон Автоном Республикаси ва Ўзбекистон раҳбарларида ўша мафкура илмий асосининг ўзи заиф эди. Бунинг устига ўзбек ёзувчиларининг аксарияти бу адабиётлардан хабарсиз бўлишган. Шу боис бу даврни коммунистик мафкура кўпчилик қатори миллий ёзувчиларни ҳам сохта йўлга бошлаган давр деб атаймиз. Масаланинг яна бир томони, ушбу мафкурани ўзбек адиблари бир ёқда турсин, инқилоб ўчоғида яшаган Н.Бердяев, З.Гипиус, Н.Гумилев, Л.Андреев, В.Набоков, Н.Брюсов каби рус ёзувчилари қабул қилишмаган. Масаланинг энг нозик томони шундаки, бадиий ижод ҳар бир ёзувчи ва санъаткорнинг ўз инон-ихтиёридаги нарса. Бу ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий, адабий жараёнга бирон бир мафкуранинг тайёр мафкурага бўйсунитиш талаб қилиши у ёқда турсин, ҳатто аралашшга ҳақи йўқ. Аммо сиёсий-ҳарбий босим ва жазо билан иш юритувчи шўролар ҳокимиятида талаб ва шу талабни сўзсиз бажариш биринчи ўринда, бадиий ижод қуйи ўринда турарди. Мавжуд ҳокимиятни қўлда сақлаб қолиш учун ҳамма нарса, жумладан, бадиий ижод ҳам ўзининг сиёсий, тарихий, фалсафий заминига эга бўлмаган «йўқсиллар»–«прўлетариат» деб аталган синф мафкураси кейинча ВКП(б) ва КПСС деб аталган ташкилот манфаатига хизмат қилмоғи, мавжуд ҳокимиятга таслим бўлиши лозим топилган. 1936 йилда ўтган Ёзувчиларнинг биринчи съездида «душман таслим бўлмаса, янчилади» деган шиор ўртага ташланди. Охир-оқибатда русларнинг атоқли шоири А.Твардовский айтганидек, «халқ халқнинг душманига айланди», очиги, мажбуран айлантирилди.

Ҳокимият зикр этилган кўзбўяма сиёсат қамчисини жуда эркин ўйната бошлади ва талайгина турли миллат вакилларининг ёзувчилари ноҳақ қалтакландилар. Ҳатто биринчи рус прўлетар ёзувчиси деб ҳисобланган Н.Уксусов илк асари чиққандан кейиноқ қамаб юборилди ва у қайтиб бадиий ижод майдонига қайтмади, аниқроғи, зулмкор тузумга хизмат қилгиси келмади.

Шўролар ҳукумати ва унинг доҳийлари ва доҳийчаларига хос бўлган душман излаш, душманга чиқариш, бадиий ижодкорларни яккалаш, узлатга солиш авж ола борди. Уларга тайёр тарихий сиёсий атамалардан айбномалар ясаб, ёпиштириш русум, қадим бобокалонлар сўзича кўг бўлди. 1928 йилдан бошлаб Абдулла Қодирий ижодига ижтимоий тор мафкура талабидан ёндашиш ва танқидлар кўг (мода) одат тусига кирди.

Абдулла Қодирий «миллатчилик», «майда буржуа» атамалари остида ноҳақ калтакланди. «Ўткан кунлар» ўзбек адабиётидаги биринчи, талаб даражасидаги рўмон – инқилоб мезони билан ўлчанди ва унга сиёсий тамга босилди. Асар босилгандан сўнг икки йил ўтгач, 1928 йилда адабиётшунос О.Шарафиддинов «Ўткан кунлар» ҳақида «Ёш ленинчи» газетаси ёнидаги ёш прўлетар адиб ва шогирдлар тўғарагига тайёрланган тезис» и-ни эълон қилади. Мунаққид тезисда бадиий адабиётга илмий талаб нуқтаи назаридан эмас, юқорида таъкидланганидек, синфийлик нуқтаи назаридан талаб қўяди. У миллий ҳаётнинг маълум тарихий узвидаги воқеаларни, миллат зеҳниятидаги ўз тараққиёти учун тўсиқларни, куртак отаётган янги ўзбек жамиятининг талаб-хоҳишини кўзгудек акс эттириш, Ватан ва халқ тақдири адиб гуманизмини белгилаш хусусиятларини эътибордан соқит қилади. Туркистон халқи бошидан кечирган ҳарбий, иқтисодий-сиёсий, маънавий фожиаларни назарга олмайди. Танқидчи мансуб бўлган халқ дардидан кўра тор мафкуравий талабни устун қўйиб, ёзувчига ақл ўргатади:

1. Рўмон умумият билан мафкуравий ҳам шаклий нуқсонларга эгадир. Нуқсонлар ёзувчининг социалистический методни тарихга татбиқ этолмаганидан, тарихни синфий кураш тарихи деб англамаслиғидан келади.

2. Ёш прўлетар адиби тарихга субъект¹ қарашидан қочиб, илмий диалектик материализм мафкурасининг унсури қилиб олиш, таҳлилда шу методни қўллаш лозим. «Ўткан кунлар» инсониятнинг синфий даври (бадиий объектив тарих)ни ёлғиз ўшал вақтдагина бера оладир».²

Ушбу тезислар ниҳоятда ғализ ва илмий нуқсонлигидан қатъи назар мутлақ ҳокимият талаби бўлса ҳам, ҳали кенг жамоатчилик томонидан барча жумҳуриятларда бирдек қабул қилинмаган. Бадиий ижодда диалектик материализмга асосланиш, реализм масалалари адиблар астойдил қабул қила оладиган ижодий метод сифатида ишлаб чиқилмаган эди. Лениннинг ўзи ҳам, давомчилари ҳам унинг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» мақоласининг 1905 йилдаёқ шоир В.Брюсов

¹ «Субъект» сўзи ғализ ишлатилгаи. Бу ҳолатда сўз маълум жой, шахс маъносини олади. Агар «субъектив» бўлганда, «ижтимоий тор» деган маънога эга бўлар эди.

² «Ёш Ленинчи», 1928 йил 8 феврал.

томонидан қаттиқ танқид қилингандан сўнг адабиёт ва санъат ҳақида биронта янги фикр айта олишмаган. Умуман олганда, агар шу талаблар бажарилса, яъни адабиётда синфийлик масаласи биринчи ўринга чиқса, ижодкорлар ватандошлари, фарзандлари, оиласи тақдири ҳақида қайғуриб яшаган кишиларни прўлетар ҳукумати, ВКП(б) кирғинидан сақлаб қолар эдими? Йўқ, йўқ ва йўқ! Сабаби, мунаққидлар марказий ҳукумат жиловини ушлаган кишилар томонидан олиб борилаётган икки стандартли сиёсатни илғашдан ожиз бўлишган.

«Ўткан кунлар» устидаги машмаша ушбу тезис билан тугагани йўқ. Танқид аста авж ола бошлайди. «За партию» журналида М.Шевердиннинг «Биринчи ўзбек романи» (А.Қодирий. «Ўткан кунлар») мақоласи чоп этилади.

Хўш, М.Шевердиннинг «Ўткан кунлар»ни танқид қилишга ҳаққи бор эдими? Бир томондан, бегона халқ вакили сифатида ўз мулоҳазасини билдиришга тамоман ҳақли, иккинчи томондан қаралса, ўзи яшаб турган мамлакат аҳолисининг қадим маданияти, қадриятлари, зеҳниятини билмаган ва билишни истаманган кишининг қалам юритишга тамом ҳаққи йўқ.

Шевердин «Ўткан кунлар»ни таҳлил қилар экан, Отабек, Юсуфбек ҳожи, Қутидор, Ҳомид, Кумуш тимсолларини бирма-бир шарҳлайди: Отабекни дастлабки ҳолатидан чекиниб, тақдирга тан берган, Юсуфбек ҳожини дин чизигидан чиқмайдиган ҳур фикрловчи, Қутидорни анъаналарга таслим бўлган, Ҳомидни жоҳил, Кумушни адабиётдан хабардор замона аёли бўлиб қолганини таъкидлайди. Роман воқеасини макон ва замондан ташқари ҳисоблайди, тарихий воқеалар қаҳрамонлар ҳаётига таъсир кўрсатмайдиган безак; Қодирий ўз қаҳрамонини тараққийпарвар, салкам инқилобчи кўрсатмоқчи; Отабек аста бўй кўрсатаётган савдо капитализмининг вакили; романинг қолган қаҳрамонлари ўткинчи ва нотабиий; асарда тасвирланган даврда оилада матриархал тартиблар жорий бўлиб, улар яхши ва қулай тартиб бўлган; роман этнографик жиҳатдан катта қимматга эга; асарда тарихий давр кам тасвирланади; ёзувчи ҳукмдор ва амалдорларнинг табиатини яхши кўрсата олган, деган фикрга боради. Диндорлар яхши танқид қилинмаганидан шикоят қилади.

Шевердин «Роман тарихий. Бинобарин, воқеалар ривож олган манзарада аввало замонни акс эттириш керак; айрим

ижтимоий қатламларнинг ўзаро муносабатларини кўрсатиш керак. Романда бундай яхлитлик йўқ» дейди. – «Роман қуйи синфлар ҳақида зиғирча бўлсин маълумот бермайди. Меҳнаткашлар қандай яшашган, уларнинг манфаати ҳақида фикр юрита олмаймиз». «Қодирий тарихий романни, замон кўринишини эмас, балки ўсиб келаётган савдо аҳлининг идеаллаштирилган тасвирини беради». «Романни ўқиганингда, муаллиф ўтмишни оқлаш, ўтмишни ҳозирги кунга нисбатан яхши эканлигини кўрсатишни мақсад қилган деган фикрдан воз кечолмайсан. Маишат, ижтимоий муносабатлар ва одатлар идеаллаштирилган», асарда «бир оғиз сўз, бир қатор йўқки, жуда бўлмаса, юзаки тарзда бўлса ҳам диннинг асосий камчиликларини кўрсатган бўлсин. Қодирий бирон жойда ислонни мақтамайди ҳам, сўкмайди ҳам». «Айнан шу синф (яъни савдогарлар – С.А.) ҳозирги даврда ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ, ҳали ҳам катта роль ўйнамоқда, унинг роли салбий эканини исботлаш шартмикин?»¹ деган айбловни ўртага ташлайди. Кўрсатилган камчиликларидан қатъи назар Қодирийни моҳир сўз санъаткори деб ҳисоблайди.

Биз атайлаб М.Шевердиннинг каттакон мақоласидан унинг талаб ва танқидларидан мисолларни келтирдик. Сабаби, мунаққиднинг талаб ва эҳтиёжларини билмоқчи бўлдик. Абдулла Қодирийни тушуна олиш у ёққа турсин, ўзи яшаб турган жой халқининг жилла қурса маиший маданияти билан таниш-нотанишлигига қизиқдик. Афсус... Адиб ва мунаққидликни даъво қилган бу шахс ўзбек миллий ҳаёти, маданиятидан мутлақо беҳабар киши эканлигини кўрсатиш билан бирга чор Русиясидан қолган ислонни ёмонотлиғ қилишдек чурук анъанани янги замон талаб йўргагида ўртага ташлаган. Шунингдек, Кумушнинг фазилатига шубҳа қилади. Адиб, бизда ўтмишда Зебунисолар, Гулбаданбегимлар, Нодираю Увайсий, Маҳзуналар борлигини билдириб, Кумуш тимсолига улар маданиятидан бир чимдим қўшган бўлса, негуноҳ?!

Шевердиннинг танқидини ўқиб, унинг халқимизга бўлган муносабатини ҳис қилар эканман, кино илмининг билимдони, филология фанлари доктори Ҳамидулла Акбаровнинг Фарғона канали ҳақида фильм ишлашни орзу қилган машҳур режиссёр Сергей Эйзейнштейннинг бир ўзбек йигити билан бўлган му-

¹ «За партию» журнали, 1928 йил, 5-сон.

лоқоти ва хулосаси ҳақидаги ҳикояси хаёлимдан ўтди. Фаргона канали ҳақида фильм учун дастлабки тасвирларни тасмага тушираётган атоқли режиссёр чойхонага кириб, чой ичиб ўтирган бир ўзбек йигитининг ёнидан жой олди. Шунда йигит чойини ичиб бўлгач, қўлидаги пиёлани чайиб, режиссёрга чой узатади. Ҳаётни ва одамларни нозик кузатувчи Эйзенштейн чойни ичиб бўлгач, пиёлани эгасига қайтарар экан, бу нозик кўнгилли йигит бегона киши чой ичган пиёлага қандай муносабатда бўлишини кузатади. Шунда йигит пиёлани қўлига олар экан, уни осмонга бир иргитиб, илади-да елкасига ташлаган рўмолчага пиёланинг четларини сездирмайгина артиб олади ва чой қуйиб ичади. Пиёла ҳам покланади, меҳмоннинг ҳам дили оғримайди. Бундай нозик маданиятни кўрган режиссёр ўзбек халқи ҳақида шошиб фильм яратишдан воз кечган экан. Биз Шевердинда роман воқеаларини ана шундай нозик кузатишни, романда тасвир этилган миллий ҳаёт ва тимсоллар сажиясидаги ингичка ҳолатларни теран илғаш ва таҳлили у ёқда турсин, муаллиф тасвирлаган воқеаларни, тимсоллар фаолиятини, роман кўзда тутган мақсад-ғояни тушунишга интилишни кўрмаймиз. У ёзган танқидда раҳбарлик, ақл ўргатиш, асарни менсимаслик кучли.

Ушбу танқидга Ўзбекистон фирқасининг фикр афкори «Коммунист» журналида Муҳаммад Ҳасан «Нафис адабиёт майдонида прўлетариат мафқураси учун кураш масаласи» сарлавҳали мақоласи билан муносабат билдиради. Муаллиф Шевердин оҳангига йўрғалайди. «Кўтариб уриш» усулидан фойдаланади ва фикрини шундай ифодалайди:

«Ўткан кунлар» ўзбек адабиёти майдонида биринчи рўмон ва яхши ёзилган рўмон. У шубҳасиз гўзал ва нафис бир асар».

«Мафкура нуқтаи назаридан ҳам «Ўткан кунлар»нинг зарари ҳар ҳолда «Ҳой, Шарқ!»¹ларнинг зараридан кам деб ўйламаймиз».

«Абдулла Қодирий кучли ёзувчи, кучли адиб, менимча, бизнинг ундан янги нарсалар ва мафкура жиҳатидан «Ўткан кунлар»га қараганда бизга яқинроқ асарлар кутишимиз мумкин. Аммо ҳар қандай бўлса-да, бу рўмоннинг прўлетариат мафқурасига тамом тесқари бўлиши фактдир».

¹ «Ҳой, Шарқ!» Ғ.Юнус томонидан озарбайжончадан ўзбекчага табдил қилинган бир пардали пьеса.

«...бизнинг нафис адабиёт бобига кўбрак диққат беришимиз, нафис адабиётни тўла равишда ўз мафкурамиз остига олиш йўлида курашишимиз зарур бўлганини кўрсатадир. Бизда эса бу жиҳатдан жуда катта бўшлиқ бор. Буни бекитиб ўлтиришнинг ҳожати йўқ. Буни очик иқрор қилиш керак. *Биз бундай оғмачилиқларга қарши шафқатсиз, марҳаматсиз кураш олиб борш*¹ лозим бўлганлигини кўб вақтларда эсдан чиқариб қўямиз. Ғози Юнуснинг «татбиқот» ва «табдилот»лариға, А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар»даги мафкуравий қинғир-қийшиқлиқлариға ўз вақтида тегишли баҳони бермаганлигимиз буни очик кўрсатди. Ҳеч шубҳасиз бу оғмаларни, қинғир-қийшиқлиқларни танқид қилиб чиқа олишлиқ кучлар бизда йўқ эмас, бор».

Муҳаммад Ҳасанов бир оғиз сўз билан бўлсин асарни ҳимоя қилишга уринмайди, ўзи мансуб бўлган фирқанинг тор манфаатини кўзлайди, холос.

Бадиий ижодни ҳукмрон мафкура югурдагига айлантириш, унинг ижтимоий буюртмасини бажаришга мажбуран сафарбар этиш танқидчиликнинг қуролиға айланди.

Кенг ўқувчилар оммасига «Нуртой» тахаллуси билан танилиб келаётган ёш шоир ҳам бу жараёндан ўзини четга олмади. Унинг «Муштум» ва «Ер юзи» журналларида чандишлари босилди. «Биринчи давр «Муштум»нинг бошлаб чиқишидан (1923 йил, феврал) 26 йилнинг феврал ойида чиққан 27 сонгача бўлган, – деб ёзади Нуртой, – Ғози Юнус, Жулқунбойлар даври. Бу даврнинг муваффақият ва камчиликларини яқунлаганда шуни айтмак мумкин. «Муштум» ўз мундарижаси билан ишчи-деҳқон савиясига хос эмас, мафкуравий жиҳатдан кўпинча хато йўлларга тушиб бизнинг камчиликларимиздан ўзгаларни кулдирмакчи бўлди».² Нуртой бу билан кифояланмайди, «Муштум»ни варақлар экан...» мақоласини эълон қилади. У журнални таҳлил қилар экан, Ғози Юнус билан Жулқунбойни чақиб олиш ва душманга айлантиришдан ўзини тиёлмайди: «Бош мақола Жулқунбойнинг «Наҳс босқан экан»и. Миллатнинг буюк адиби «ўз» истиқболидан ваҳимадор бўлиб, Октябрнинг муваффақиятини кўрмайди», «Бир «вақтлар ўз борлигини кўрсата олган ўзбек миллати» деб «Ўткан кунлар»нинг нашъасидан бурун тортилади», «Энди Жулқунбой тарафидан яратилиб, ўз вақтида ва ўз аҳл-

¹ Курсив бизники.

² «Ер юзи», 1928 йил 15 май, 8 (41)-сон.

лари ўртасида мужиби ташаккур...» бўлган асарларга «жирттак айтмоқчимиз» дейди. «Ғози билан Жулқунбойлар «Муштум»ни монополия қилиб, меҳнаткашларни ёт руҳда тарбия қилдилар»¹ деб айблайди. Ниҳоятда оғир айблар.

«Ўткан кунлар» романи 1931 йилда Озарбайжонда ўзбек шоири ва тилшуноси Холид Саид ва ўзбек журналисти Абдулла Қамчинбек томонидин озарчага таржима қилиб нашр этилди. Ушбу нашрга сўзбоши ёзган таржимонлар рўмонни «реалистик асар» деб баҳоладилар. Аммо бу баҳо маҳаллий мафкурачиларга маъқул келмади.

«Уламо» жамиятидаги ва Афғонистон ва Туркиядаги фаолиятдан хавотирда яшаган адабиётшунос Миён Бузрук Солиҳов бир қатор асарларида, жумладан, «Ўзбек адабиётида миллатчилик кўринишлари»² рисоласида Чўлпон ва Абдулла Қодирий асарларига кескин баҳо бериш билан ўзини ўнглашга ҳаракат қилган. Хусусан, «Ўткан кунлар» қаҳрамони Отабек ҳақида «Романнинг идеалний шахсияти – қаҳрамони бўлгон Отабек типи – Николай подшолик аскарининг келувига йўл кўрсатган ва уни вакил бўлиб тилаган машҳур қароқчи миллионер Саидазимбой каби бир тип эмасми? Бош қаҳрамонни таҳсин ва офарин билан қабул қилган бойлар Мирзоҳаким Парвоначи каби Қўқон хонлигига қарши Николай идорасини истаб фикр тўплаган катта бойларнинг типи эмасми?» – дейди. Холбуки Абдулла Қодирийга Саидазимбойнинг шахси ҳам, Мирзоҳаким парвоначи Умидовнинг фаолияти ҳам маълум эди. Айниқса, Саидазимбойнинг русларга сотилгани, унинг Тошкент мудофаси даврида одам ёллаб, халқни қўрқувга солгани, шаҳар борут (порох) омборини портлаттиргани, Черняевдан мукофот олганича бутун шаҳар аҳолиси орасида маълум ва машҳур воқеа ҳисобланган. Бинобарин, Қодирий уни асарига прототип қилиб олиши мумкин эмас, чунки бу даврда гарчи Саидазимбойдан анча кейин бўлса-да, бироқ унга нисбатан ҳақиқий жаҳонгашта бўлган Тожимуҳаммад Исомухамедовнинг Москва–Петербург–Лондон–Париж саёҳати ҳақидаги хотиралари «Туркистон вилоятининг газети»³ бир неча сонларида эълон қилинган. Ажойиб

¹ «Муштум». 1928 йил 8-сон.

² М.Б. Солиҳов. «Ўзбек адабиётида миллатчилик кўринишлари». – Тошкент. 1932.

³ «Туркистон вилоятининг газети», 1900 йил 3 июнь, 11, 18, 27 ноябр сонлари.

қаламқаш Абдурахмон Сайёхнинг Франция ва Хитойга сафар таассуротлари ҳам китобча ҳолидан чоп этилган. Қодирий бу сафар таассуротларидан хабардор эди. Хатто ўша даврда рус ва Европа давлат тузилишини билган кишилар кўп бўлган. Аммо унинг асарда Шамайни тилга олиши ва айнан Отабекнинг савдогарчилик фаолиятини Шамай билан боғлашидан мақсад даврдан узоқлашмаслиқдир. Яна Отабек тили билан рус тузумидаги давлат аппаратини маҳаллий ҳукумат билан таққослаш учун ўқувчини мушоҳадага чорлашдан ўзга нарса эмас. Акс ҳолда у Шамай ўрнига Япония, Ҳиндистондаги инглиз ҳукмати ёки Германия ҳақида тўхташи мумкин эди. Ўша хонлик замонида бу мамлакатларга савдо ва бошқа ишлар билан бориб келган кишилар бор эди. Адиб уларни мисолга олмайди. Айнан Русияга тўхтайдикки, бунинг хосияти муҳтарам ўқувчиларга маълумдир. Ўрни келганда айтиш жоизки, айрим кишилар «миллатчилик» билан «айирмачилик»ни, яъни қабилавий, уруғлар орасидаги ўзаро айирмачиликнинг фарқига боришмайди. Бу нуқсон М.Солиҳов ва бошқаларда ҳам сезилади. Сабаби, эски ва янги ҳокимият бу атамага оғир айб қўйганлигида. Миллатчилик – ҳар бир сиёсий арбоб, жамоат ходими, ёзувчи ва оддийгина қаламқаш бўлишидан ташқари оддий фуқаронинг ўз ватани ва давлатини, ўз миллатини севиш, ўзлигини сақлаб қолиш учун интилиши ва курашидир. Бунинг нимаси гуноҳ. «Миллатчилик», «пантуркизм», «панисламизм» атамалари фақат чор Русиясининг мустамлакачилик сиёсатини янги шакл-шамойилда давом эттираётган болшевиклар ҳокимиятига ўз ҳукмронлигини қўлдан бой бермаслик, ўзининг қадим давлатчилик тарихи ва маданиятига эга бўлган халқларни асоратда ушлаш учунгина керак эди. Шу боис фақат Қодирий эмас, балки у билан бир даврда яшаб турган адиблар, шоирлар, жамоат ва маданият арбоблари, ҳукумат ва фирқа раҳбарлари ҳам жазоланди.

Ўзбекистон фирқа кўмитасининг карнайига айланиб, маданият, адабиёт ва санъатда хўжайинлик қилаётганлар тарихий воқеалар, сиёсий чигал масалалар, тарғибот-ташвиқот, бир сўз билан айтганда катта бир халқ дастурхони остида нималар яширинганидан мутлақо хабарсиз бўлганлари учун вульгар социологизм нуқтаи назаридан адабиёт ва санъатга баҳо бердилар. Ана шундай кишилардан бири Сотти Ҳусайн эди. Унинг асари босилишдан аввал «Шарқ ҳақиқати» газетаси қуйидагича

эълон беради: «Сиз адабиёт муҳибимисиз? Бас, ғафлатда қолмангиз! Шу яқин орада «Ўткан кунлар». Тез кунларда газетамиз саҳифаларида Абдулла Қодирийнинг «тарихий» рўмони устида узоқ бир таҳлил – танқид боса бошлаймиз. Жуда тез тарқалиб кетган бу рўмоннинг бадиий ва мафкуравий юзини марксизм танқидида узоқ текшириб бериш биринчи йўлда ўртоқ Ҳусайновнинг иши бўлди».

Сотти Ҳусайн «Ўткан кунлар» романи ҳақида энг катта тадқиқот ёзган кишидир. Унинг ўзбек театри ривожи, спектакллар ҳақида ёзган мақола ва тақризлари ихтисос нуқтаи назардан ниҳоятда жўн ёзилган асарлардир. Ана шундай жўнликни «Шарқ ҳақиқати» газетасининг 1929 ва 1930 йил сонларида босилган мақолаларида,¹ кейин 1931 йилда Бокуда босилган «Ўткан кунлар» китобида ҳам кўрамиз. Китоб «Кириш, «Рўмон», «Тарихчи ҳам художник», «Қўлёзма», «Муддаосини ўқувчига ўтказиш (Дидактика)», «Қарама-қарши солиштириш», «Кишилар-маслаклар», «Солиштиришни келиштириш», «Тасвири», «Тили», «Тарихий тасвир», «Асл фикрнинг жиловы», «Жўржи Зайдон – Абдулла Қодирий», «Рўмон ҳам ҳақиқат», «Қодирий яшаган давр ва рўмон қачон ўйланган», «Адабий приёмнинг ижтимоий моҳияти», «Рўмонтизм мактабининг ижтимоий асоси қандай», «Умумий мулоҳаза-яқун», «Бундан кейин (натижа ўрнида)», «А.Қодирийнинг «изоҳлари» муносабати билан» бобларидан иборат.

Сотти Ҳусайн адабиёт ва санъат асарларини ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан, бадиий ижодни мавжуд ҳоқимият манфаатига хизмат қилдириш нуқтаи назаридан таҳлил қилади. Шу боис адибнинг маҳорати, сўз устаси эканлиги, асарнинг севиб ўқилишини инкор қилмаган ҳолда асарни мавжуд мафкура тарғиботчиси бўлмагани учун танқид қилади. Танқидчи жаҳон, хусусан, Ғарбий Европа романчилик мактаби, унинг оқимлари, кўтарган муаммолари: инсон ва жамият, шахс эркинлиги, фикр ҳурлиги, арбоби ҳоқимият ва жамият, оила-никоҳ масалалари, жамиятнинг тараққиёт ва инқирози, мустамлака ва мустамлакачи, қул ва қулдор, Франция инқилоби ва унинг оқибатлари, жаҳон ҳаётини тобора қора булутдек қоплаб бораётган сиёсий иқтисод; соф фойда, банк, судхўрлик, очик ва ёпиқ, совуқ ва қонли урушлар каби умуминсоний муаммоларни Ғарб роман-

¹ С. Ҳусайн. «Шарқ ҳақиқати», 1929 йил 14 июн.

чилик мактабида инъикосини теран ўрганмай туриб, Қодирий ижодига баҳо беради, ҳатто баъзан ақл ўргатмоқчи бўлади. Бунда ҳам ўзига ишонч йўқ, шу боис «Натижа ўрнида» чекиниш қилади: «Ўткан кунлар» рўмони устида узоқ ўлтириб кўп нарса ёздик. Албатта жуда ҳам мукамаллиги учун кафил бўла билмаймиз», дейди-да, яна ўз фикрини ҳужжатлайди: «Тарихий рўмонни тарихий ҳақиқатларга хилоф бўлса-да, бостирилишидан муддао ижодий кучларни кўрсатиб туриб яхши танқид орқасида адабий йўлларимизни тўғри тушуниб, иш кўриш учун бир материалдир». «Ҳақиқатда А.Қодирий ўзининг мавзуи, материали билан эмас, балки идеяси, инқилобга бўлган норозилиги билан биздан узоқда турган ёзувчидир». Танқидчи тарихий мавзуда ёзилган бадиий асар билан, бевосита тарихий фактларга суяниб ёзилган тарихий асарни ажратмайди.¹ Адибнинг инқилобга, мавжуд сиёсий тузумга қаршилиги айнан нимада акс этганини, нима учун Абдулла Қодирий инқилобни, марксизм-ленинизмни қабул қилиши, тараннум этиши кераклигини далиллаб бермайди. Ижод эркинлиги, фикр хурлиги ҳақида лом-мим демайди.

Сотти Ҳусайн асарда марксистик асарлардан олинган кўчирмаларни ўзлаштириб юборганини айтади. Шунингдек, асарда айрим рус адабий танқидчиларининг асарларидан фойдалангани ҳам сезилади. Аммо унинг адабий масалани адабиёт мезони билан эмас, балки тор сиёсий талаб ўлчови билан таҳлил қилгани уни боши берк кўчага олиб кирган. Бу нарса унинг театр спектаклларига ёзган тақризларида ҳам яққол кўзга ташланади, шу боис унинг ёзганлари В.Тиханович, С.Олимов каби санъаткорларнинг танқидига дош бера олмаган. Атоқли олим, академик Иззат Султон унинг «Танланган асарлар»га ёзган кириш сўзида С.Ҳусайннинг тақризларига енгил баҳо бериб қутулганига сабаб шунда.

Агар С.Ҳусайн романтизм мактаби намояндалари асарларига чуқурроқ кирганда, А.Франс эмас, балки Виктор Гюго, Вальтер Скотт, Александр Дюма асарларига эътибор қаратар, Зайдон билан Скотт ўртасидаги яқинлик ва фарқни аниқлагач, Қодирийнинг реализмига тан берган бўлар эди, бу – бир. Иккинчидан, Қодирий «Ўткан кунлар»ни ҳали инқилоб узил-ке-

¹ «Шарқ ҳақиқати», 1929 йил, 17, 18, 26, 28 июн; 4, 5, 14, 23, 24 июл; 11, 14, 15, 16 авг.; 7 окт.; 1930 йил, 9, 14, 17 январ сонларида босилган.

сил ғалаба қилмасдан аввал бошлаган, унда жамиятни талотўпга отлантирадиган ғоялар эмас, балки миллий ҳаёт ва унинг асрий муаммолари ва хоби-ғафлату инқиروزга юз тутган Туркистон жамияти уйғониши, жаҳон мамлакатлари ичида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши, бир сўз билан айтганда давлатчилик қаддини тиклаш учун янги тафаккур кераклиги масаласини майдонга қўйилганини сезган бўлар эди.

Сотти Хусайннинг «Ўткан кунлар» асари таҳлили ўзбек адабий танқидчилигида ҳодиса бўла олмаган. (Асар босилиб, ўқувчилар орасида тарқалгач, воқеа гувоҳларининг хотираларига қараганда, Абдулла Қодирий ва унинг асарининг қадри янада ошиб кетган. Қирғин йилларида ўқувчилар асарни нуқта, вергулича ёд олиб хотираларида сақлашган, ёстиқлари ичида бекитиб асрашган.) Шу боис танқидчилик уни жиддий асар сифатида қабул қилмаган. Кўпчилик унга замонасозлик деб қараган. Бироқ танқидчининг асарида Абдулла Қодирий ва унинг тўнғич рўмонига нисбатан айтилган ижобий фикрлар ҳам борлигини айтиб ўтмаслик адолатсизлик бўлар эди.

Қодирийнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» асарлари кенг ўқувчилар оммасининг қалбини забт этган асарлардир. Аммо истибдод даври ўқувчи эҳтиёжини ҳам, адиб қалбини ларзага солган воқеаларни, уни тўлқинлантирган ва мушоҳадага мажбур этган муаммоларнинг бадиий талқини билан ҳисоблашмади. Шу боис ўзбек адабиётининг илк эпик асарларига нисбатан «бойниқини бояқиш қизғонар» қабилида эмас, балки «қаттолнинг қўли», «ўгрининг супургиси» тарзидаги мақолалар матбуотда кўринди. Миён Бузрук Солиҳовнинг «Шарқ ҳақиқати»¹ газетасида босилган мақоласи ҳам шундай мақолалардан бири. Юқорида айтилган сабабларга кўрами ёки ўзга мақсад билан Миён Бузрук Солиҳовнинг «Октябрғача бўлган ўзбек оғзаки адабиёти» (1935), «Ўзбек театри тарихи учун материаллар» (1935), «Ўзбек адабиётида миллатчилик кўринишлари (1933) асарларида болшевик мафкурани зўрлаб олиб кириш, ўтмиш маданиятга нигилистик қараш, ёзувчилардан уларнинг билим ва иродасидан, ҳатто зеҳниятдан ташқари нарсаларни талаб қилиш ҳолатлари сезилади. Жумладан, «Меҳробдан чаён» романи ҳақидаги мақоласида Туркистон халқида ижтимоий онг уйғониб келаётганини адиб томонидан ниҳоятда усталик

¹ «Шарқ ҳақиқати», 1929 йил 1-2 апрел.

билан сингдирилганини сезмайди, сезса-да, ўзини билмаганга олади. Кези келганда айтиш керакки, М.Солиҳов «Меҳробдан чаён» романи ҳақида гап кетганда, Сафар бўзчининг «икки қари бўз» туфайли Анвардан розилиги ва унга берган юксак баҳосини шубҳа остига олади. Бунда ҳам танқидчининг қаҳрамоннинг тақво, поклик, олижаноблик каби фазилатларининг ифодасига нисбатан шубҳаси аввало ўзини муҳофаза қилиш бўлса, иккинчи томондан, Чимкент ва Тошкент шаҳарларида эмас, балки Қўқон хонлиги ва рус босқинчилари оғзида шов-шувга сабаб бўлган «икки қари бўз» воқеасидан нечукдир хабарсизлиги кишини ўйга толдиради. Бўз воқеаси тарихийдир. Машҳур муфти, «Туркистон вилоятининг газети» мухбири ва ходими Сатторхон Абдуғаффоровнинг отаси Тошкентдаги Бекларбеги мадрасасини тугатиб, Чимкентда қозилик лавозимида ишлаган кезларда бир киши келиб, ишни ўз фойдасига ҳал қилиш учун бир тўп бўз келтириб пора бермоқчи бўлади. Шунда Абдуғаффор қози матонинг, «икки қари бўз»нинг бир учини бўйнига боғлаб, эгасига кўтартириб пора олувчининг ҳоли шу бўлади, деб пора бермоқчи бўлган кишини шаҳар айлантириб сазойи қилади ва қозилиқдан воз кечади. Бу воқеа шахснинг фақатгина тақвосини эмас, балки унинг ўз мансабига нисбатан содиқлигини, унга барча баробар эканлигини, диёнатини кўрсатувчи далилдир. Диёнатли инсон ҳар бобда садоқатли, деган фикр чиқади бундан. Афсуски, М.Солиҳов ё бу воқеадан хабарсиз ёки маданият ходимлари курултойининг «ур калтак-сур калтаги»дан қўрқиб кетган, шекилли, Анварнинг диёнатига шубҳа билан қарайди. Худди эртақлардаги каби хонми, демак у ниҳоятда золим, диндорми, демак, у фосиқ бўлиши керак, деган фикрни илгари суради. Солиҳ маҳдумни ҳақорат сўзлар билан тилга олади. Ҳолбуки, адиб Солиҳ маҳдумни ўта салбий шахс эмас, тақдир олдида ночор қолган, бориға, еткурганига шукр қилиб яшайдиган XIX асрнинг оддий бир зиёлиси тимсолида тасвирлайди. Абдулла Қодирий Худоёрхон ҳақидаги тарихий ёзма ва оғзаки материалларни чуқур ўргангани хон образининг бадий талқинида яққол сезилади. У хон шахсига нисбатан объектив қарайди, унинг фазилатини ҳам, сафолатини ҳам ҳаспўшламайди. Бу Миён Бузрук Солиҳов – «Махорий»га ёкмайди. Махорий эса мавжуд ҳокимият манфаатининг ҳимоячиси ва тарғиботчиси. Агар Исҳоқхон Ибрат, Мирза Олим Мушриф,

рус генерали Н.Гродеков сўзларини инобатга оладиган бўлсак, Қодирий хоннинг образини уйдирмасиз, тўлақонли кўрсатган.

Мунаққидни Муҳаммад Ражаббек, Анвар, Раъно, Солиҳ дом-ла образлари, Анвар ва Сафар бўзчи, Анвар ва Султонали муносабатлари ҳам қаноатлантирмаган. Дин ва диндорларга ҳам танқидчининг муносабати ниҳоятда салбий. Сабаби, танқидчининг адиб тафаккур йўналиши, маслак-мақсадида яширинган «сир»ни сеза олмаслигида, миллий зехниятга нисбатан эътиборсизлигида. Адибнинг инқилобий мафкура ва Солиҳовлар, Хусаиновлар, Азимовлар, Шарафиддиновлар, Шарифийлар ва бошқалар ортида турган кучларнинг талабига бўйсунмаслигида. Агарда адиб уларнинг қолипига тушганда «Меҳробдан чаён»дай гўзал асар яратилмас, ўқувчи ҳам оладиган маънавий озиғи ва бадий завқдан маҳрум бўлиши турган гап эди.

«Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романларига нисбатан анча замонасозлик руҳида ёзилган «Обид кетмон» қиссаси маданий инқилоб, шўро мафкураси қарсақчилари томонидан яхши кутиб олинган бўлса-да, бари бир, оғзига элак тута олманлар бу асарни ҳам тупроққа қориб ўтишни унутишмади.

1935 йилда адибнинг «Обид кетмон» қиссасининг «Бир тулки ва бир кулки» боби рус адибаси Л.Е.Соцердотова томонидан рус тилига таржима қилиниб, М.Шевердиннинг «Кириш» сўзи билан нашр этилди. Сўз муаллифи Қодирийнинг таржимаи ҳолига оид далилларни ўз билганича келтиради, жумладан, «мусулмон фанатизмининг кўчати, жаҳолат суянчиғи бўлган мадрасада» таҳсил олганини таъкидлайди. Жадидларга эргашганини эслатади. Жадидлар тўғрисида эшитган ва билган ёлғон-яшиқларни саҳифаларга тўкади. «Обид кетмон» ҳақида сўз бошлар экан, «Абдулла Қодирий жадид миллатчилик мафкураси таралган барча нарсадан қутулишга интилиб, ўзини қайта қурмоқда». «Ёзувчи колхоз ҳаётини акс эттиришга ури-ниб, унинг барча ҳолатларини, ҳатто энг майда, лекин аҳамиятли жиҳатларини ранг-баранг кўрсатишга чоғланган» дейди. Шевердин ёзувчини Обид кетмоннинг онгидаги кескин ўзгариш қандай юз берганини кўрсатмаганликда айблайди. Ёзувчи келтирган сабабларни инобатга олмайди. Унинг фикрича, Обиднинг колхозга кириши унчалик ҳаққоний эмас, ўртаҳолнинг психологиясидаги кескин ўзгариш очилмаган. Шевердиннинг сўзига кўра, колхоз қуриш масаласи бачканалаштирилган,

колхоз манманлик қуролига айлантирилган. Обид кетмон колхоз деҳқонга яккахўжаликка нисбатан кўпроқ фойда келтиришини ўз туйғуси билан билиб келганини Қодирий очик ва аниқ ёзиши лозимлигини уқтиради. Қодирий яккахўжаликчининг бойлардан, судхўрлардан, солиқлардан кўп жабр чекканлигига ёзувчи мутлақо аҳамият бермаган, дейди.

Шевердин қиссада дин вакиллари ниҳоятда салбий кўрсатилганидан хурсанд бўлади. Фақат Мулла Муҳсиннинг образи яхши очилмаганини рўкач қилади. Берди Татарнинг тимсоли асар охирида жуда заиф тасвирланганини кўрсатиб ўтади. Колхоз ташкил этилиш пайтидан бошлаб синфий кураш тўхтаб қолишидан нолийди. Қисса нотекис ёзилганини таъкидлайди. Лекин айрим камчилик ва нуқсонлар асарнинг қадрини тушира олмаслигини тан олади. Обид кетмон Сталин 1930 йилда ўртаҳоллар ҳақида билдирган сўзларига ёрқин иллюстрация эканлигини тан олади.

Обид кетмон улкан воқеага ёрқин тасвирми? Йўқ! Обид кетмон ва унинг сафдошлари олиб борган улкан меҳнат давр ҳукмронлари ўйнатган сиёсий камчининг ҳосиласи сифатида кўз олдимиздан ўтади. Берди Татар, Пўлағурдан тортиб, бир кўзи кўр, тўққиз кило пахта терган чолгача давр нафаси, истибдод замони кўйдургувчи кўйлак кийдирган кишилардир.

Жуманиёз Шарифий ва Олим Шарафиддиновнинг «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган «Обид кетмон» ҳақида», Эр-назарнинг «Маданий инқилоб» газетасида босилган «Обид кетмон» ҳақида мулоҳазаларим» мақолалари¹ истибдод замонининг кир саҳифалари. Сабаби, ушбу мақолалар Абдулла Қодирийни қатлгоҳ кундасига ҳайдаган мақолалардан.

Ж.Шарифий ва О.Шарафиддинов мақоласининг бадиий таҳлилга мутлақо алоқаси йўқ. Келинг, яхшиси, аввал сўзига боқайлик:

«Абдулла Қодирий – Жулқунбой Октябр инқилобидан илгари майдонга кирган ёзувчи. А.Қодирий шу даврда ўсиб келаётган савдо-саноат буржуазиясининг олдинги вакили сифатида ўз асарларида буржуазия идеяларини ўтказди, миллатчиликни ташвиқ қилди.

Жадид ёзувчиси А.Қодирий ҳам совет ҳукуматининг душманлари билан бирлашиб, Октябрни ашаддий душман сифати-

¹ «Маданий инқилоб», 1936 йил 24 январ.

да қарши олди. У болшевикларни масхара қилиб, совет воқелигидан қулиб, сатирик асарлар ёзди (кўпинча «Муштум» журна-лида).

Асарнинг мавзуи актуал. Бу мавзуга қараб ва юзаки ўйлаб, ёзувчи эски позицияларидан тамом узоқлашган, қайта қурилган, деб айтиш мумкин; агар асарни атрофлича текширганда бу фикр нотўғри эканлиги маълум бўлади.

Маълумки, бадий асарнинг қиммати турмушни тўғри, реал кўрсатиш, типик характерни типик шароитда бериш билан ўлча-нади. Аммо «Обид кетмон» бу талабга тўғри келмайди.

Асарда колхоз ичидаги синфий кураш кўрсатилмаган.

А.Қодирий илгариги рўманларида ҳам синфий курашни, меҳнаткаш халқнинг бойларга қарши инқилобий курашларини йўқ қилиб кўрсатгани каби, бу повестда ҳам худди шу аҳволни такрор қилади.

Асарда душман тактикасининг ўзгариши очилмаган, синфий душман фош қилинмаган...

«Обид кетмон» ўқувчида синфий душманларга нисбатан ға-заб-нафрат кўзгатмайди. Асар ўқувчини динга қарши тарбия-лашдан узоқ туради. Асарда «болшевик»лар турмушдаги бол-шевикларга сира ўхшамайди.

А.Қодирийнинг «коммунист»ларида бирорта фазилат йўқки, одамга ёқсин.

А.Қодирий повестида... партиямизнинг вакилларини эмас, балки мужмал, лавашанг, қуруқ маҳмадоналарни кўрамыз.

«Обид кетмон» колхозчилик йўлига кирган қишлоғимизни кўрсатмайди, колхоз қурулишидан мақсад ва афзалликлар-ни ташвиқ этмайди... Асарда сиёсий тутуриқсизлик ва тўппа-дан-тўғри мантиқсизликлар жуда кўп».

Икки мунаққид 1917 йил инқилоби ғалабасидан сўнг синфий кураш тугагани, синфий кураш фуқаролар урушига айлантирил-ганини эътибордан соқит қилишган ёки идрок этишмаган. Шу боис икки мунаққиднинг таъналари мутлақо ўринсиз. Қодирий кимларнинг «ҳақли», кимларнинг «ҳақсиз» эканлигини, жами-ятнинг икки қарама-қарши қутуб – қашшоқлар ва ўзига тўқлар, хор ва хур қилинганлар жамиятига ажралишини санъаткорона очган. Асарда оддий бир мантиқий мушоҳада юритишга қодир инсоннинг ҳаёт танлови, воқеаларга баъзан иштирокчи, баъзан кузатувчи, инқилобий ўзгаришлар қаршисида ўз йўлини, омма

йўлини тўғри топишга интилаётган шахснинг эволюцияси, ўлканинг колхозлаштириш ҳолати тўғри кўрсатилган. Рафиқовлар ва бошқалар томонидан тўғридан-тўғри буйруқ оҳангида олиб борилган колхозлаштириш тизими «Четан» номли колхознинг янги сиёсат тантанаси сифатида жамоанинг «Ленинобод» деб аталиши, асарда тўғридан-тўғри Сталиннинг кўрсатмаларининг зикри, ёшлар томонидан Сталин шаънига мадҳиялар ўқилиши мунаққидлар назаридан четда қолган. Улар Қодирийдан яланғоч натурализмни талаб қилишган. Бадиий асар ҳаётдаги воқеа ва шахсларнинг айнан кўчирмаси эмаслигини ва бу масала бадиий адабиёт ва ижодкор зиммасига кирмаслигини хаёлларига ҳам келтиришмаган. Жўн тафаккур меваси доимо хом бўлади. Бинобарин, инқилоб ва унинг ҳайбаракаллачилари талаби ҳам хом мевадан ўзга нарса эмас.

Халқ «Мевали дарахтга тош тегади» дейди, аммо омилкор соҳибкорлар «Эси йўқ ёш болалар ва жоҳилларгина тош отади, аҳли дониш мевани етилтириб теради» дейдилар. Бинобарин, биз номлари юқорида санаб ўтилган мунаққидларнинг Абдулла Қодирий ижод мевасига бағишланган «асар»ларига «қодирийшунослик»ка аҳли дониш эмас, жоҳиллар тош отиши деб қараймиз. Чунки жамият ўшаларники эди. Инқилоб доҳийси Ленин X съездда қилган ҳисоботида «Қонунсизлик денгизида яшаяпмиз»,¹ деган. Демак, қонунсизлик ҳар соҳада, жумладан, адабиёт-санъат ва матбуот соҳасида, айниқса, танқидчиликда устувор эди.

Ҳақиқий илмий «қодирийшунослик» 1958 йилдан бошланди, десак муболаға бўлмайди. Қарийб 32 йилдан сўнг илк бор Иззат Султон сўзбошиси билан нашр этилган «Ўткан кунлар» «қодирийшунослик»даги сийқаларни бир оз бўлса-да ювиб ташлади. Масалага ва адибнинг ижодига кенгроқ ва кўламдорроқ қараш бошланди. Мустақиллик шарофати билан Қодирий шахси ва ижодидан барча тамғалар олиб ташланди. Матёқуб Қўшжонов, Умарали Норматов, Собир Мирвалиев, Иброҳим Ғафуров, Абдуғафур Расулов, Хайриддин Султонов, Тоҳир Малик, Хуршид Дўстмуҳаммад, Набижон Боқий, Абдулла Улуғов, Дилмурод Қуронов, Афтондил Эркинов, Узоқбой Жўрақулов, Ҳикматулла Исматуллаев каби ёзувчи ва олимлар бу соҳага муносиб улуш қўшдилар. Сўнгги йилларда бу соҳада энг кўп иш қилган олим филология фанлари доктори Баҳодир Каримдир.

¹ Ленин. ПСС., т. 45, стр. 199.

У 2002–2013 йилларда Қодирий ижоди ҳақида 35 асар яратди. Унинг «Қодирий қадри» рисоласи, «Абдулла Қодирий ва гермевтик тафаккур» монографияси, холисанилло айтганда, ўзбек адабиётшунослик фанида, хусусан, «қодирийшунослик» соҳа-сида сўнгги йиллар кашфиёти.

Мустақиллик шарофати билан ўзбек эски ва янги адабиё-тини ўрганиш учун барча эшиклар очилган ҳозирги даврда «қодирийшунослик» янада янги чўққиларга кўтарилади, де-ган умиддамиз. Чунки, ўзбек адабиётшунослари мафқуранинг қули эмаслар, уларнинг йўли очик, қўллари кишансиз, ватан-лари хур, маслаклари нур...

Юқорида ўқиганларингиз, ўша давр мунаққидларининг Қо-дирий шахси ва асарларига тузумнинг талаби билан қўйилган «ижтимоий, сиёсий, синфий, мантиқий хатолари ва айблари» эди. (Фитратнинг ҳамда Чўлпоннинг ҳам шахси ва асарлари шу хилдаги танқидлардан четда қолмаган эди). Лекин яна бир та-рафи, инсон зотининг табиатига хос бўлган хулқлардан бири – имонни бузувчи ҳасад оловидир, манманлик заволидир ва у ки-тобнинг давомида эътиборингизга ҳавола этиладиган «асар»лар руҳида «бор эмас, йўқ» деб ким айта олади?! Хулоса сиздан...

Сирожиддин АҲМАД

1. АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ РЎМОНИ «ЎТКАН КУНЛАР»НИ ТЕКШИРИШ УЧУН ТЕЗИСЛАР

«Ёш ленинчи» бошқармаси ёнидаги ёш прўлетар адиб ва шо-гирдлар тўгарагига тайёрланган тезис. Маърузачи: **Олим Ша-рафиддинов**.

1) Ўзбек маданиятида ғарб руҳидаги, ғарб шаклидаги ҳикоя-навислик А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар»и билан бошланди.

Рўмоннинг мундарижасига кирган тарихий воқеалар қис-ман ёзувчининг тадқиқи, тафтиши ҳам ўша замон тўғрисидаги оғзаки ҳикоялардан тўпланган.

2) Тарихни, ҳам ўтмишни бадиий равишлар билан тасвир қилиб берувчи санъаткор, истасин-истамасин ўтмушга, замо-насига мансуб бўлган синфнинг кўзлиги орқали қараб синфий мафқурасига уйғун бир равишдаги метўд билан қуролланиб уни таҳлил этадир. Ёзувчи тарихий архив билан истаганча фойдаланиб, жонли муҳит ҳам ҳаётий этнографни чизиши, анъанавий ҳолларни очиб, кўрсатиб бериши керак.

* * *

1. «Ўткан кунлар»нинг мавзуи «мозийдан, яқин ўткан кун-лардан, тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлган ке-йинги «хон замонлар»идан олинган. Воқеанинг асосий, унинг марказий турмуши, сиёсий кураши бўлишлиги лозим бўлса ҳам, унда Отабек билан Кумушнинг ишқий можаролари тура-ди. Ишқий ҳаёт ҳам мустасно (тенг эмас) бўлганидек, сиёсий, ижтимоий ҳаёт ўшал бир даврнинг кичик бир қўрқинчи, тор бир шохобчасидир. Чунки рўмонда олинган давр ижтимоий гу-руҳларнинг ҳаммаси иштирок қилиши билан, санъаткор тари-хий фактларни саралашда, кўринишларни сайлашда аслига му-вофиқлик кўрсатган. Лекин буларни бойларнинг мафқуравий кўзлиги орқали кўргандир.

Воқеанинг очилишида тасодиф жуда кўп роль ўйнайди. Шу билан бирга мавзу мундарижа турлиликка эга, ҳам оригинал (асл нусха)дир.

2. Рўмондаги шахслар ижтимоий аҳвол, мафкура, характер томонидан баъзан муҳит, урф-одатга мувофиқ тасвир қилиниб, баъзан маълум мафкурани англатиш учун шуурли суратда тарихий ҳақиқатларга эътибор қилмайди. Субъективизмга берилиб, улардан бир қисмини идеаллаштириб юборади. Отабек хонларга, бекларга муҳолифат кўрсатиш билан, иттифоқ (хонликларни марказлаштириш)сизликдан зорланиш билан даври ва муҳити учун типик шахс экан, динга, одатга хилоф билан идеаллаштирилгандир.

3. Хонлар, беклар, савдогарлар даврининг урф-одати қаҳрамон учун муҳитдир. Қаҳрамоннинг муҳитга муносабати, муҳитнинг қаҳрамон устига бўлган таъсири бўяб кўрсатилади (иш билан эмас, сўздагина).

Қаҳрамон ўзини муҳитга қарши муҳолиф деб тасдиқлар экан, тилаги йўлида жиддий курашга чиқмайди. Тилагига қарши воқеадан ёлғиз хафа бўлибгина қўя қолади (Ҳожи, Отабек).

4. Рўмоннинг туб идеяси Темур каби жаҳонгирнинг муқаддас ватани бўлган Ўзбекистонни руслар томонидан истило қилиш сабабларини, «марказлашган» кучли давлат тузмаслик зарарини, ҳам диний урф-одатларнинг ёмон томонларини кўрсатиб, сиёсий, ижтимоий, ахлоқий дарс беришидир.

Ижтимоий қаҳрамонларнинг дунёга қарашлари, мафкураси миллий сармойанинг мафкурасидир. Идеаллаштирилган шахсларда шу мафкуранинг изи кўрилади (Отабек).

5. Асар умумияти билан, жонли ўрни билан, ҳажвий унсурлари билан безалади. Муҳаррир баъзан лиризма билан қайнайди. Ҳар қандай лавҳани икки-уч қалам ўйнатишда чиза олади. Қаҳрамонлари ҳам ўз ерига қараб сўзлайди. Сўзлаётганда ҳам тилнинг қаҳрамонга мувофиқ бўлишини (айниқса, салбий типларда) лозим бўлади.

Қаҳрамонларнинг табиатини, сифатини, уларнинг ташқи кўринишларини тасвир қилиш (афт-башарадаги хусусиятларда пучуқлик, чўтир...), сўзлашишдаги хусусиятини кўрсатиш (манқаланиб, соқовланиб, чапанича...) ҳам уларни ўраб олган қурилиш-ни кўрсатиш (бузук, чордевор, тоза уй ва бошқа асбоблар) билан очиб беради. Характерлар мутаҳаррик (динамлик), баъзан ғайри мутаҳаррик (синатик) йўли билан очилади.

6. Асарнинг услуби ўзига хос эски услуб билан янги услубнинг бирга ҳосил бўлган рангли, жозибадор бир услубдир. Ёзувчининг суйган услуби, асослари киноя, жонлантириш, мураккаб ўхшатишдир. Бу асослар ёзувчининг кенг хаёлларини, ўйноқи ҳисларини, аччиқ истехзоларини ифода қиладирган хусусиятга эга бўлганларидек, табиий гўзаллиги ҳам бор. Тили жуда соф бўлмаса ҳам, жумлалари содда, сўзлар кўп вақт эътибор билан танланади. Ажнабийлик, тирилтириш, очлиққа халал берадирган даражада эмас, асарнинг кўп қахрамонлари шу адабий тил билан сўзлайдир. Тили бой, ҳар қандай фикр, туйғуни ифода қиларликдир.

Рўмон умумият билан мафкуравий ҳам шаклий нуқсонларга эгадир. Нуқсонлар ёзувчининг социалистический методни тарихга татбиқ этолмаганидан, тарихни синфий кураш тарихи деб англамаслигидан келади.

Ёш прўлетар адиби тарихга субъект қарашидан қочиб, илмий диалектик материализм мафкурасининг унсури қилиб олиши, таҳлилда шу методни қўллаши лозим. «Ўткан кунлар» инсониятнинг синфий даври (бадий объектив тарихи)ни ёлғиз ўшал вақтдагина бера оладир.

«Ёш ленинчи» газетаси, 1928 йил, 8 феврал, 5-сон.

2. ПЕРВЫЙ УЗБЕКСКИЙ РОМАН

(А. Кадыри. «Уткан кунляр» («Прошлые дни»))

«Тирания и притеснения народа Мусульманкулом были беспредельны. Коли его деспотия и не чувствовалась так в городах, то для народа она была очень тяжела. Каждую неделю он по своему настроению устанавливал новые налоги – «сдирал кожу» с народа, казнил и резал беков.

Духовенство было довольно Мусульманкулом и являлось его опорой. Второй опорой были «кипчаки».

Благодаря богословам Мусульманкул считал свою тиранию законной, он не забывал получить благословение от духовенства, когда собирался приступить к истреблению «нежелательных» элементов.

В награду за то, что духовенство покрывало его поступки, он в Коканде и Андижане построил знаменитые медресе.

Это была поистине мусульманская культура. Здесь был мусульманский хан и мусульманские беки, и мусульманские законоведы. Резали здесь руки за воровство, а женщин сбрасывали с башен. Пьяница получал 40 ударов «дарой» (плетью) Раис-Аффанди со своими приближенными обходил улицы и приказывал бить не знающих молитв».

«Не потому умирает человек, что настал час смерти, а от того, что ханские люди крови жаждут» – говорил простой народ про беков.

«Нет белой собаки, так черная потянется к чашке».

Это та обстановка, в которой должно разворачиваться действие романа Кадыри «Уткан кунляр» («Прошлые дни»). По существу же все описанное в романе происходит вне времени и пространства. Все так называемые исторические события мало затрагивают и Атабека, и Юсуф-Хаджи, и других героев романа. Эти события, вся обстановка мрачного средневековья Кокандского ханств – не более, как декорация, не имеющая особого значения и не оказывающая почти никакого влияния на жизнь героев.

Молодой ташкентский купец попадает в Маргелан и там женится. Этим он создает себе врага в лице «злодея» Хамида.

Ташкентский хаким (управитель) Азизбек поднимает мятеж против кокандского правительства, возглавляемого кипчаками. Интрига усложняется тем, что отец Атабека – «уважаемый» купец Юсуф-Хаджи – советник хакима.

Этим пользуется «злодей» Хамид. Его интриги приводят Атабека в зиндан (тюрьму). Герою грозит смертная казнь.

Тем временем в Ташкенте народ, недовольный налогами, под руководством Юсуф Ходжи свергает Азизбека.

Это дает возможность герою освободиться. Он возвращается в свою семью. Хамид «не дремлет» и строит козни. Он во что бы то ни стало хочет присвоить жену Атабека.

Родители Атабека заставляют его жениться второй раз в Ташкенте. Почтительный сын, хотя и недоволен, но безропотно подчиняется. С помощью подложных писем Хамид ссорит Атабека с женой. И несчастный скитается по стране в течение двух лет, не находя себе места. Случайно он узнает о вероломстве Хамида, спасает свою жену от похищения и попутно успевает перерезать своих врагов.

Семейный очаг восстановлен. Но тогда начинается новая драма. Между обеими женами происходит ссора. Кончается дело тем, что любимая жена Атабека отравлена и умирает. Атабек покидает Ташкент и уезжает на войну, где погибает смертью «шахида» (борца за веру) в бою с «неверными» – урусами.

Таков костяк романа Кадыри.

Кадыри на стороне своих героев. И сам Атабек, и его отец, и тесть, и его первая жена, и раб Хасан Али весьма положительные, уравновешенные люди. Это отвлеченные типы, весьма далекие от жизни.

Они много и долго размышляют о судьбах своих и «своего» народа, очень много резонерствуют.

Кадыри пытается вывести Атабека человеком прогрессивного направления, чуть ли не революционером. Герой побывал где-то в русских пределах, в частности в Шамае (Семипалатинске), и каким-то образом умудрился там набраться новых идей.

– «Увидя управление русских и сравнив его с нашим, я не могу не считать последнее простой игрой. Если так будет дальше, я не могу себе представить, каково будет наше положение. Ах, если бы у меня были крылья! – мечтал я будучи в Семипалатинске: – я сейчас же полетел бы наш край, спустился бы в ханском дворце и доложил бы повелителю о порядках урусов. Я уверен, что хан выслушал бы на меня и отдал бы приказ ввести немедленно всюду русские порядки управления... В самое короткое время, – мечтал, – я увижу свой народ в довольстве, подобно русскому».

Дальше Атабек еще решительнее определяет свою точку зрения на существующие порядки.

«Наша беспросветная отсталость, беспорядки в управлении страны и косность происходят от ханов. У нас междоусобная вражда. Интриганы быстро поднимаются по лестнице собственного благополучия, ведут наш доверчивый народ к черной гибели. Кому и какая польза от вражды между кара-чапанами¹ и кипчаками? Небольшая кучка влиятельных людей пользуется темнотой народа и неразумной враждой двух братских племен. И до тех пор, пока корыстолюбивые управители держат власть путем порабощения и насилия – мирной жизни для народа быть не может».

¹ Кара-чапаны (чернохалатники) – так пренебрежительно называли полукочевые кипчаки оседлых узбеков-горожан в начале XIX века.

Атабек предлагает путь решительной борьбы.

«Вредных, преступных правителей следует устранить и заменить людьми честными и любящими свой народ. Вот единственный путь».

Атабек, представитель поднимающегося и растущего торгового капитала, естественно недоволен ханскими чиновниками. Развивающаяся торговля требовала больших прав, больших гарантий, более устойчивых отношений, меньше «местничества» беков и правителей провинций. Это, несомненно, должно было получить отражение в идеологии Атабека и его соратников. Но Кадыри написал портрет представителя торговой буржуазии чрезвычайно идеализированный, далекий от действительности. «Революционность» Атабека так и прет отовсюду. Разговор идет не только о плохих правителях, но даже о негодности всего строя. И что характерно – с Атабеком соглашаются, его слушают, поддерживают. Получается впечатление, что Атабек действовал не в сороковых годах прошлого столетия, а совсем недавно, лет 15 – 20 тому назад, в период первой русской и персидской революции.

Автор сам, по-видимому, учел нелогичность во взглядах своего героя и в дальнейшем пытается это исправить. Атабеку негде применять своих «революционных» взглядов.

«Страна подобна кладбищу: кто может услышать мой призыв!»... – разочарованно говорит сам Атабек.

И, по-видимому, поэтому на протяжении всего романа в общественных вопросах Атабек пассивен, не делает попыток свои взгляды осуществить в жизни.

Мы в праве ожидать, что после столь пышных речей и прекрасных слов последуют блестящие дела. И дела революционные. Но...

Уже при первом столкновении с жизнью Атабек пасует. Те слова, которые, он говорит в присутствии кушбеги, после ареста, звучат уже гораздо более минорно:

«Мы не сторонники кипчаков или узбеков, для нас это два родственника народа. И по управлению один не лучше другого. Будущее и судьбу нашего народа отдать кому-нибудь из них в руки – это то же самое, что отдаться в пасть волку.

Я и отец сторонники одной цели – видеть народ спокойным и счастливым».

В условиях того времени, когда за одно слово против правления беков и ханов казнили. Атабек здесь все-таки проявляет некоторую «революционность». Но дальнейшие события заставляют нас раскаяться в столь поспешном определении.

Очень скоро личная жизнь захватывает Атабека. Любовь к Кумыш заставляет его забыть и про народ и про собственные слова. Даже кровавые события в Ташкенте, постоянная опасность, в которой находится его отец и семья, мало его трогают. Свадьба его происходит в самый разгар осады Ташкента.

Дальше с Атабеком начинаются самые необыкновенные метаморфозы. Этот «решительный и весьма энергичный», по определению Кадыри человек, теряется при малейшем – «ударе судьбы».

Он не пытается выяснить, почему отец Кумыш отказывает ему в гостеприимстве и оскорбляет его. Атабек испытывает нравственное потрясение, он действует «машинально» и так же машинально отрешается от мира на целых два года. Он, подобно героям из сказок «Тысячи и одной ночи», предается отчаянию, проливает потоки слез. Единственно, чем он от таких героев отличается, это то, что, несмотря на свое «правоверие», он предается пьянству.

В дальнейшем вся активность и революционный пыл Атабека находят выход отнюдь не в борьбе за столь им любимый народ. Атабек становится настоящим героем на поприще гораздо менее скромном, нежели борьба за обновление государства. Он выступает «рыцарем без страха и упрека», защищая семейство своей жены от нападения злодеев.

Это, пожалуй, самые слабые страницы романа.

Герой расправляется с разбойниками чуть ли не одной рукой. Он режет их как баранов, успев при этом прочесть длительный монолог в назидание злодею Хамиду. Здесь приключения и трюки па каждом шагу. Что можно еще сказать об Атабеке? По возвращении своем в Ташкент он пытается протестовать против уже имевшего место зверского избиения кипчаков. Но так как он протестует у себя дома, в семье, в присутствии единственного свидетеля своего отца, то едва ли этот протест имеет какую-либо общественную ценность.

«Точно светопреставление. Бедные! Чем они провинились? Безвредные люди перерезаны у себя дома. За какие грехи они

поплатились? Убили одного красильщика, ни в чем не повинного, оторвав его от дела. Я видел его труп – руки несчастного были еще в краске».

Остальные герои романа тоже ходульны и неестественны, но все же они более типичны. В частности отец Атабека – Юсуф-Хаджи – более живая фигура. Хотя он и вольнодумец, но его вольнодумство не выходит за рамки ислама и не мешает быть ему глубоко религиозным человеком. Он любит спокойствие и боится потрясений. Он против всяких восстаний и смут.

«Что будет с нами, если мы будем подымать мятеж против каждого? Этим мы обессилим себя. Не думаете ли вы, что мы попадем в руки неверных?»

Все мои рассуждения в пользу народа. Нельзя говорить одно плохое про кипчаков. И у нас есть низкие люди. Если среди кипчаков таких десять, то среди нас их сто».

Гораздо более интересен друг Атабека – Уста-Алим. Это поистине живой человек.

Под влиянием целого ряда ударов он разочарован в жизни. Он сделался даже немного вольнодумцем, но его вольнодумство не идет дальше нарушения законов адата и шариата. Социальные вопросы его не интересуют.

«Когда есть причина, то можно и не пить. Но в то же время этот напиток уничтожает житейские невзгоды. И вот, я, не находя сейчас никакого развлечения, нашел единственное утешение в этом горьком напитке».

Он не лишен чувства юмора: – «Я приготавливаю вино по-шариатски, и духовенство нашего квартала дало мне даже фетву (разрешение)».

* * *

Если к отдельным героям автор подошел и не совсем удачно и по ним нельзя судить о людях той эпохи, то другое можно сказать про описание быта, в частности, семейной жизни.

Основным устоем этой семьи было «ата-ана арзусы» (родительская воля). В семье все хорошо и благополучно: нет гнета, нет тирании главы семьи. Есть только сильная воля патриарха, и все, что исходит от него, диктуется «гласом» благоразумия. Чувствуется давление адата, но он, давит не непосредственно, а через мягкий ватный халат. В общем может показаться при чтении романа, что в то время в семье существовали па-

триархальные порядки, и притом очень хорошие и удобные порядки.

«Нет ничего важнее на свете, как жанильба». Таков закон этой семьи. И вот, когда сыну пора жениться, в этом вопросе принимают горячее участие все члены семьи. Сын молод, и потому он сам не может выбрать себе достойную подругу для совместной жизни. И вполне естественно, что за сына решают родители. Так получается и с Атабеком. Здесь буквально воля его растворяется в воле отца. Когда ему навязывается вторичная женитьба, совершенно неприемлемый с его точки зрения поступок, он не только активно не сопротивляется, но все протесты его очень слабы и невразумительны. «Он не мог отвергнуть желания своих родителей». Вот и все. Он вполне подчиняется тому, что решили его отец и мать.

Глава семьи всегда очень спокоен, мудр и рассудителен. Он никогда не позволит себе кричать или волноваться. Когда в семье ссора, то он превращается в судью-увещателя. Юсуф-Хаджи, чувствуя, что не все ладно в семье его сына, уговаривает свою жену:

« – Ты, оказывается, не знаешь, как держать невесток в повиновении. Нужно с особым вниманием относиться к нелюбимой жене сына. Нужно давать хорошие советы Атабеку».

Патриарх не всегда решает все сам. Иногда он милостиво допускает к делам и свою жену.

Отец Кумыш не решается сам выдавать ее замуж.

– «Не все тут в моей воле. Есть ведь еще и мать, вскормившая и вырастившая ее (дочь). Если я дам согласие без ее воли, то счастье моей дочери будет непрочным».

Правда, в этих словах не столько сказывается желание главы семьи выслушать мнение своей супруги, сколько необходимость выиграть время перед свахами.

Участь женщины, ее положение в семье Кадыри рисует очень смягченными красками. Там, где во главе такой семьи стоят люди благоразумные и «солидные», там женщине живется вовсе не плохо. Быть счастливой здесь зависит главным образом от нее самой. От нее прежде всего требуется «мягкость, покорность и верность». Эти качества гарантируют ей полное душевное равновесие. И незаметно, чтобы женщина была недовольна своей судьбой.

Правда, в молодости ей приходится испытать некоторые «неприятности». Обычно девушку выдают замуж без ее ведома, но и здесь обыкновенно никаких драм и трагедий не бывает, тем более что глава семейства всегда выдает дочь за человека «достойного и уважаемого». Так, по крайней мере, можно судить по семьям, выведенным в романе.

Протест со стороны дочери считается чем-то чудовищным, да и просто невозможным.

«Они не сомневались, что дочь будет против, но все же они были уверены, что она согласится». В некоторых случаях глава семьи принимает решение самолично. Отец Кумыш не спрашивая ни у дочери, ни у жены, сговорился со свахами. А затем, призвав жену, сказал: «Что бы там ни было, а ты должна уговорить свою дочь. Из-за нее я не могу ходить с гордой головой по городу. Довольно! Ты должна ее заставить принять это предложение».

Вот почему возможны вполне и такие явления, когда глава дома становится на сторону зятя, а не дочери. Когда Атабек сообщил, что его хотят женить второй раз, то отец первой жены даже не попробовал его отговаривать:

«Вы не считайтесь с желанием моей дочери. Самое лучшее, ей даже не надо знать об этом. Впоследствии она сама примирится. С этой стороны не беспокойтесь».

Конечно, не все благополучно в узбекской семье. Но это происходит вовсе не потому, что плохи законы, допускающие, например, многоженство. Почти целиком здесь виноваты люди с дурными характерами. Когда Кумыш переехала в Ташкент, то в семье Атабека начались нелады. Между Зейнаб (вторая жена) и Кумыш происходят столкновения. Зейнаб «тайно ее жалит». Начинаются первые неприятности. «Ненависть Зейнаб к Кумышбиби растет». Но в этом виноват сам Атабек. «Месяцами и годами он не встречался с ней», а это, как известно, нарушение закона. И вполне естественно, что все кончается трагедией.

Еще хуже обстоит дело в тех семьях, где глава ее «плохой» человек. Уже небезызвестный «злодей» Хамид превратил свой дом в ад. Но в этом виноваты, главным образом, его взгляды.

«Совсем не требуется, чтобы муж и жена соответствовали друг другу – для женщины достаточно, что у нее есть муж.

Если тебе жена не подходит – возьми ту, которая приятна, и

сделай второй женой, а если не понравится и эта, возьми третью. Страдать и жаловаться от того, что у тебя неподходящая жена, не дело мужчины.

Если, с твоей камчи капает кровь, ты сможешь прожить в наслаждении и спокойствии среди сотни женщин».

В такой семье, по мнению автора, конечно, спокойствия быть не может. И действительно, жены Хамида постоянно дерутся друг с другом и к своему мужу ничего, кроме страха, не чувствуют.

«Мы не пожалеем, если он умрет и собаки едят его тело, таская по городу».

Героиня романа Кумыш не чувствует гнета семьи. Она примерная дочь, слушается во всем отца и мать, и отнюдь не считает, что возможно жить как-нибудь иначе. И она получает награду. Даже в условиях ичкары она выходит замуж за любимого человека.

И в то же время автор наделяет Кумыш чертами современной женщины. В особенности это сказывается в ее письме к мужу. Можно подумать, что она основательно нахваталась новых идей и знакома с современной литературой. Получается такое представление, что она уже давно перешагнула через ту грань, которая отделяет современную узбекскую женщину от свободы.

* * *

Такова семейная жизнь в изображении Кадыри.

Кадыри, несомненно, многое прикрасил, не подчеркнул свое отрицательное отношение к ряду явлений, несколько фетишизировал бытовые и в особенности семейные отношения. Но в этнографическом отношении роман представляет большую ценность.

Здесь очень подробно, с соблюдением всех мелочей, рассказывается о всех событиях в жизни узбекской семьи. Свадьба, торг из-за «мехра», рождение ребенка, смерть, похороны – все это дает этнографу прекрасный материал. В особенности ценность романа станет понятна, когда читатель узнает, что каждый шаг героев, каждый малейший проступок отражает, как в зеркале, современный быт узбекской торговой семьи.

* * *

Историческая эпоха на самом развитии действия в романе, на поступках героев, на обычаях и на семейной жизни отражается мало. Если этот роман и исторический, то история в нем сама по себе, она как-то оторвана от быта, всей обстановки эпохи. Многие факты, которые претендуют на отражение эпохи, с одинаковым успехом могут иметь место и в настоящее время, в особенности в пунктах, удаленных от культурных центров.

Есть, понятно, некоторые страницы, которые живо характеризуют быт средневековья. Интересны сцены с диваной («юродивым»), разговоры на женской половине о джадугарах (колдунах).

Бузахана – характернейшее явление средневекового мусульманского города. Так как пьянство строго запрещалось и каралось суровыми наказаниями, то все «любители выпить» вынуждены были прятаться. Около Ташкента, в селении Чукур – кишлак было несколько таких «питейных» заведений. «Они были открыты казахами. Не было недостатка в посетителях, которые обычно по вечерам проводили время здесь с криком и шумом». Только поздней ночью прекращалось пьянство, и посетители, пользуясь темнотой, расходились по домам.

* * *

Ярко рисует автор быт правителей, чиновников этого времени. Среди правящих классов распущенность достигла крайних пределов. Когда Азизбек захватил в свои руки власть в Ташкенте, «он думал только о драгоценной; короне, золотом троне, красивых женщинах и известных певцах». Подчиненные отличались от своего начальства только масштабами. Каждый получивший должность старался «сколотить деньгу».

Вот как передает автор деловой разговор у одного из чиновников:

«Когда проситель явился к курбаши, тот начал сокрушаться о плохих временах».

«Приближается время обрезания моих двух сыновей. Я обязан выполнить обряд Мухаммеда... Готовился я уже к этому давно и много, но все же кое-чего не хватает».

Заканчивается разговор взяткой. В другом случае, когда просителю грозит тюрьма, его спасает золото.

«Давно приготовил я вам этот дар, таксыр!

И курбаши уже не кричал, не метал гром и молнии. Как только Хамид начал искать в кармане деньги, курбаши сразу успокоился».

Каждый бек, каждое должностное лицо, каждый богач обязательно имеет при себе бачу. Торговля мальчишками считалась выгодным делом. Разбойники похищают детей и продают их богачам.

Нередко бачи приобретают большое влияние на своих хозяев. Даже гроза Ташкента Азизбек был в свое время бачой. Своим высоким положением он был обязан именно этому. Когда он бывал при дворе Мусульманкула, тот вспоминал старое.

«Пиршество не оживилось до тех пор, пока Азизбек не станцевал, как бача».

* * *

Роман исторический. Это значит, что раньше всего надо дать отражение эпохи, показать взаимодействие отдельных социальных слоев, на фоне которых разворачиваются события. Этой цельности картины в романе нет.

Прежде всего роман не дает ни малейшее эго представления о низших классах населения. *Как жили трудящиеся в то время, каково было их положение, интересы – по этому роману мы судить не можем. Больше того, можно подумать, что все жители Кокандского ханства были купцами и вели очень состоятельный образ жизни.*

И это в то время, когда, даже по данным романа, происходят события, потрясающие весь народ до самых низов.

В ту эпоху, когда военно-деспотический город командовал, этот город представлял из себя «замкнутый натурально-хозяйственный круг, порабащивающий земледельческую массу оазиса. Отсюда происходило гниение средне-азиатской культуры прошлого, отсюда упадок и застой, постепенное сужение воспроизводства, обезлюдение».

Только в 1842 г., т.е. за 6 лет до начала действия в романе, Кокандское ханство пережило опустошительное нашествие бухарцев. В 1845 г. отложился от Коканда Ташкент и признал себя вассалом Бухары. Одновременно идут внутренние смуты. Как выражается Бартольд, «между сартским населением и узбекским родом кипчаков идет кровавая борьба». Едва ли все это

не могло самым губительным образом отразиться на всей жизни страны. И, как ни странно, это в романе не заметно. Жизнь купечества проходит так, как будто вокруг все очень спокойно и все благоденствуют.

Кадыри дал не исторический роман, не картину эпохи, а идеализированное описание растущего купечества. Жизнь ремесленника города, мелкого торговца и в особенности жизнь крестьянина, обираемого растущим торговым капиталом – все это отсутствует у Кадыри. Достаточно ознакомиться с документами эпохи, чтобы сразу стало ясно, насколько Кадыри разошелся с действительностью, насколько он нарисовал исторически неверную картину. Герман Вамбери, путешествовавший под видом дервиша по Туркестану в 1861 г., т.е., примерно, к концу действия романа, дает гораздо более четкую картину социальной жизни, чем мы находим у Кадыри, к услугам которого могли быть и исторические документы, и воспоминания очевидцев, и т. д.

Когда читаешь роман, то нельзя оторваться от представления, что автор поставил себе специальную цель – оправдать прошлое, нарисовать это прошлое значительно лучшим, чем оно было в действительности. Идеализируются и быт, и нравы, и социальные отношения.

Нет купца-стяжателя, который только и думает о заработке, о накоплении, о наживе за счет бедноты – есть купец-идеалист, только и мечтающий о нуждах народа. Эта идеализация прошлого нисколько не ослабляется и теми страницами романа, где описываются всевозможные ужасы, сопровождавшие междоусобную борьбу между беками.

Автор также не справился с задачей социального объяснения факта отложения Ташкента от Коканда. Можно подумать, что Азизбек для своего удовольствия объявляет Ташкент независимым, а себя ханом. То обстоятельство, что в ту эпоху, благодаря своему выгодному положению, Ташкент сделался экономически самостоятельным и связь его с Ферганой была искусственной, автором не учитывается. Кадыри главным образом относит все за счет самодурства бека и старается доказать, что здесь играла главную роль его личная воля, а не борьба растущего купечества за свои права, за большую свободу.

Вполне понятно, что, поскольку Кадыри не уяснил себе исторической обстановки, довольно беспомощно звучит в его

передаче описание народного возмущения в Ташкенте. Это возмущение в романе называется громким именем «инкилоб» — революция.

«Народ, не способный отличить черное от белого, жаждая крови, шел на защиту стремления отдельных жестоких тиранов, не понимая и не интересуясь ужасными последствиями в будущем. Все 70 дней осады народ работал на Азизбека от чистого сердца. Все проявили храбрость и заставили кипчаков потерять всякую надежду».

Осада хотя и дала победу Ташкенту, но нанесла тяжелый удар его жителям. На это есть только слабые указания в романе.

«Запертые в течение 70 дней, ташкентцы вынуждены были порвать всякую связь с кишлаками. И это имело свои последствия. Продукты в город не прибывали, они попадали по дороге в руки неприятеля. Торговцы терпели большие несчастья. Положение ремесленников и бедняков было также очень плохо. Они сидели без хлеба, без одежды и без воды. По окончании осады они думали взяться за работу, но не знали, как приступить к ней».

Как и подобает «неправедному» правителю, Азизбек, конечно, и не думает о положении своего народа. Его больше беспокоит состояние финансов.

«Все сбережения казны были израсходованы наветер разными путями. Все добро ушло во время осады на подарки и кормление войск».

И вот, здесь, судя по роману, вполне достаточно было объявить о том, что бек устанавливает экстренный налог в 32 теньги, чтобы вспыхнула «революция».

Впрочем, если бы не взялся за это дело Юсуф-Хаджи, восстания, конечно, не было бы, и спокойствие, наверное, бы не нарушилось.

«Народ не видел никогда дурного от Юсуф-Хаджи. Поэтому он охотно дошел за ним».

«Да сгорят дома ваши, эй мусульмане! Вы за него пролили кровь, а он наложил на вас налог в 32 теньги. У вас две пути. Или продайте сыновей и дочерей и заплатите указанную сумму, или же вы должны убрать Азизбека».

И этого было вполне достаточно. «Будто в сухой тугай был брошен огонь». Восстание вспыхнуло.

Храбрые шли на баррикады. Трусы и старики зажигали на улицах костры и, опечаленные налогом в 32 тенги, просили у Аллаха победу для восставших.

Таким образом, по роману, народ восставать особого желания не имел, и «революцию» устроил самолично Юсуф-Хаджи.

Это, собственно говоря, единственный случай, когда в романе на сцене появляются массы народа. И это выступление больше похоже на опереточное. Такой же характер носит и разговор свергнутого Азизбека с этим самым народом.

Бек осажден в своем дворце. Тогда он выходит на крышу дворца и начинает «просить прощения», но толпа вовсе не склонна его слушать.

«Вместо того, чтобы сразу убить нас кинжалом, ты установил на нас скорпионий налог, чтобы медленно отравить нас и наших братьев ядом. Ты должен покориться судьбе».

Попытка бека спасти свое положение ссылкой на опасность приближения кипчаков кончается неудачно. Народ разъярен. «И голосом, доходящим до неба, все закричали:

«Кипчаки лучше, чем ты, собака!»

Такова эта опереточная революция. Автор сам чувствует, что это слабое место его романа. Поэтому он старается усилить впечатление упоминанием о том, что здесь проливаются потоки крови, описывает горячие схватки и т. д.

Народные массы, по мнению автора, не имеют никаких самостоятельных убеждений. Они идут туда, куда их ведут вожди, назначенные свыше.

Только что толпа кричала о том, что «кипчаки лучше» и приглашала их к себе на помощь, а через некоторое время, когда хан издает приказ об истреблении этих самых кипчаков, народ помогает во всем правительству. В лучшем случае все совершенно спокойно смотрят на происходящие на их глазах кровавые события.

* * *

Не лучше в романе выявлено отношение героев к исламу. Каждый шаг в жизни правоверного той эпохи обуславливался установлениями адата или шариата. Эта религия вполне соответствовала духу руководящего класса – купечества. «Идеология Корана недаром является законченным образцом

перенесения на небо торговых отношений». К тому же «Коран защищает интересы не крестьянства, а торгового, да еще добавок воинствующего капитализма».

А наряду с этим ислам не чувствуется в романе. С одной стороны, это может показаться положительным явлением. На первый взгляд узбеки той эпохи были чуть ли не «безбожниками», относящимися весьма равнодушно к религии. Но, с другой стороны, в книге есть достаточно мелких упоминаний как имени «божьего», так и всевозможных обрядов – омовений, молитв и т. д. Даже вольнодумец Атабек и тот не совершает ни одного поступка, не призвав имени Аллаха. Такое отношение автора к этому очень существенному вопросу – опасный и скользкий путь. Неподготовленный читатель из «правоверных» мусульман по прочтении этой книги воскликнет:

– «Велик Аллах! Как мудро он строил свои законы! Посмотрите, как хорошо жили правоверные в те времена, пока они были правоверными!»

В сущности говоря, все эти вольнодумцы и «революционеры» весьма и весьма добросовестные последователи пророка. Они отнюдь не пытаются протестовать против мертвых, установлений религии. Да им это и не нужно. Недаром они представители купечества, и в их представлении «Коран не что иное, как превосходное орудие организации единства». Такое отношение к Аллаху вообще позволяет им исключать из своей жизни какие бы то ни было сантиментальные и вообще идеалистические моменты. Это сказывается решительно во всех поступках героев.

Даже внешние протесты Атабека несостоятельны перед лицом всемогущей религии. Об этом прямо не говорится, но выводы напрашиваются из самого содержания романа. Как это ни абсурдно, но ислам с точки зрения Кадыри только рамки для повседневной жизни, совершенно никому абсолютно не мешающие и ни в чем не препятствующие.

В частности на «мехр», – выкуп за невесту, или попросту, по современным понятиям, калым, – автор смотрит одобрительно. Это вполне естественное и необходимое явление.

Даже развод, наиболее слабо и неудачно регламентированный мусульманским законом, и тот не вызывает в авторе или героях возмущения. Развод является в этом романе только

справедливой карой за тяжелую провинность жены. Здесь развод совершается необыкновенно просто.

«Кет, джалаб! (Прочь, проститутка!) Таляксан! Таляк! (Даю развод!)» – кричит Атабек, узнавши, что Зейнаб отравила его первую жену.

Здесь невольно он показал, насколько религия соответствовала интересам своего класса. Вся беда в том, что это показано только мельком, но совершенно не выявлена вся мертвящая роль ислама, который так губительно отражался на культурной жизни того времени. Ни слова не говорится также о таких безусловно отрицательных явлениях, как религиозные налоги, паразитирующие монашеские ордена дервише.

* * *

«Стальной голос Суфи призывает правоверных на молитву (намази-шам)».

Такими словами начинается первая страниц романа. Завершается роман письмом о гибели Атабека как «шахида». Через все три тома, на протяжении 400 страниц, ни одно дело не совершается без имени аллаха, и в то же время нет ни одного слова, ни одной строки, которая бы пыталась выявить и хотя поверхностно подчеркнуть основные недостатки религии. Кадыри не хвалит нигде ислама, но и не ругает. Он предоставляет читателю делать выводы самому, а какие это могут быть выводы – мы уже говорили.

Идеологически роман Кадыри – первый узбекский роман – не наш. Может быть, недостаточно ясно, но здесь ведется агитация за адат, за Коран, за патриархальную жизнь, за «доброе старое время».

«Соблюдайте установления адата – и все будет хорошо».

Сам автор, хотя и не говорит этого, но это чувствуется во всем романе. Невольно вспоминаются слова Корана: «Имеющие много – будьте умеренны, бедняки – терпите». Мы напрасно здесь стали бы искать столкновения классовых интересов. Даже рабство, с точки зрения романа, очень хороший и удобный институт. Он хорош и удобен не только для господ, но и для самих рабов.

Раб Хасан-Али пользуется полной свободой. Ему доверяют больше, чем родному человеку.

«Сын мой молод, а ты, перенесший все невзгоды жизни, и холод и голод, ты, умудренный опытом человек, ты мое доверенное лицо, и обязанность твоя смотреть за моим сыном», – говорит Юсуф-Хаджи своему рабу Хасану-Али. То же говорит и мать Атабека.

«Я отдаю под покровительство Аллаха тебя, а тебе моего Атабека». Можно подумать, что с рабами обращались в то время, как с братьями. Вот для примера разговор Атабека со своим рабом: « – Как здоровье ваше, отец?

– Слава Аллаху!

– Не трудно ли будет вам исполнить одну просьбу?

– Прикажите, сын мой.

– Спасибо, отец, тогда приготовьте нам чаю».

Почти таково же обращение с рабыней в семье Кумышбиби.

Все это, естественно, должно наполнить читателя восхищением всем «старым», вызвать совсем другие чувства к прошлому, чем те, которые мы воспитываем на основании классового анализа эпохи.

Здесь есть опасности другого рода. Все положительные типы, за исключением перса Хасан-Али, представители богатого класса. Мы не можем упрекать автора за то, что он выбрал своими героями купцов. Но как-раз этот класс и в современных условиях еще не потерял своей силы, еще до сих пор играет большую роль, и вряд ли надо доказывать, что роль его отрицательна.

Роман цепляется за тип купца, как положительный, не обладающий никакими недостатками, являющийся хранителем «лучших старых традиций».

Отрицательные качества «Уткан кунляр» не умаляются даже и его большим художественным значением. Здесь Кадыри соединил воедино и изысканную красоту произведений восточных, и в особенности персидских писателей прошлого, и необыкновенную яркость образов. Описание кишлака, городских улиц, природы – все это показывает, что Кадыри выдающийся художник слова. Владеет он также интригой. От начала до конца она захватывает внимание читателя и не позволяет оторваться от книги.

Роман Кадыри, несомненно, значительное событие в молодой узбекской литературе. Это первый роман, а это значит, что он требует к себе одновременно и усиленное внимание, и критический анализ. Роман читают, им увлекаются. Вышло второе издание I тома. При сравнительной дороговизне (3 р. 40 к. за три тома) первый тираж (10000 экз.) разошелся сравнительно быстро. А это в свою очередь обязывает нас уделить роману гораздо больше внимания, чем мы это имели до сих пор.

Как это ни странно, национальная печать до сих пор ни словом о романе не обмолвилась, за исключением журнала «Промышленность и учитель». Ежедневная пресса обошла роман молчанием, тем как бы санкционируя идеологические вывихи, которые в романе имеются, освящая своим молчанием неверное, подчас вредное, стремление приукрасить прошлое, окружить купеческое сословие ореолом защитников и истинных «представителей» узбекского народа.

Печать до сих пор не выполнила своей задачи – помочь читателю правильно разобраться в оценке эпохи, отделить художественный вымысел от ложной оценки прошлого.

Художественное значение романа, описание быта у массового читателя подчас отодвигает на задний план неправильную идеологическую установку. Незаметно у читателя воспитываются такие взгляды на прошлое, которые, несомненно, могут значительно затормозить нашу борьбу, чрезвычайно ее усложнить.

Надо ли было издавать роман? – Несомненно. Но, издав роман, надо было одновременно организовать читателя, показать ему, что из того, что автор подносит, принимать и что надо отвергнуть.

Эта критическая работа печати нужна не только читателю, она нужна нашим молодым авторам, в том числе и Кадыри. Пока критерием для автора служит рынок и спрос на книгу – неизбежны вывихи. Надо уметь рыночный спрос корректировать выявлением тех требований, которые передовой отряд народа литературе предъявляет и предъявлять должен.

Можно ли исправить допущенный промах? – Не только можно, но и нужно. Широкая дискуссия вокруг романа Кадыри, несомненно, поможет более точно сформулировать те требования, которые мы обязаны сегодня предъявить писателю, берущемуся за отображение окружающей нас жизни и эпохи, уже пережитой.

Надо ли издавать роман Кадыри на русском языке? – Думаем, что надо. Весь вопрос – как издавать. Надо решительно высказаться против стремления его издать как занимательное чтение, очередной приключенческий роман экзотического типа. Он нужен как произведение, знакомящее с бытом, нравами, с растущей узбекской литературой. Но это издание, как и повторение издания на узбекском языке, надо делать несколько по-иному – обязательна критическая статья, дающая правильное освещение эпохи, выявляющая роль торгового капитала, показывающая, насколько неверно стремление автора идеализировать прошлое. Нужны примечания к отдельным местам романа. Только несколько обезвредив идеологические вывихи автора, можно рекомендовать этот роман и русскому читателю.

Михаил ШЕВЕРДИН

«За партию» журналы, 1928 йил, 3 (7)-сон.

3. НАФИС АДАБИЁТ МАЙДОНИДА ПРЎЛЕТАРИАТ МАФКУРАСИ УЧУН КУРАШ МАСАЛАСИ

... Кенг ишчи-деҳқонлар оммасини майда буржуазия мафкурасининг таъсиридан озод этиш, уларни прўлетариат мафкураси билан суғориш вазифалари фирқамизнинг кундалик ишларида энг муҳим ўринларнинг биттаси олиб турадурған вазифалардандир.

Ишчи-деҳқонлар оммасига прўлетариат мафкурасига асосланган, тўғри, синфий тарбия беришда уларни майда буржуазия мафкурасининг таъсиридан озод этишда энг кучли қуролларнинг биттаси, шубҳасиз, нафис адабиётдир. Нафис адабиётни турмушнинг ойнаси дейдилар. Биз кечираётқан даврни прўлетариатнинг социализм йўлидағи курашини, бизнинг ҳозирғи турмушимизда пайдо бўлаётқан янгилик унсурларини, турмушимизда ҳалигача сақланиб келмакда ва тугатилиши лозим бўлган эскиликларни прўлетариат манфаатлари нуқтаи назаридан тўғри кўрсатадурған, ишчи-деҳқон оммасига тўғри, синфий тарбия берадурған нафис адабиётнинг қандай катта аҳамиятка эга бўлганлиғини исбот талаб қилмайдурған бўлса керак. Ҳол шундай экан, нафис адабиётимизни ўзининг майда буржуазия мафкурасининг таъсиридан, прўлетариатга ёт бўлган оғмалардан сақлаш муҳим бўлганлиғи ўз-ўзидан онг-

лашиладир. Прўлетариат ҳокимияти давр сурган мамлакатда прўлетариат кўлида бўлган ҳукуматнинг қарамоғи остида чиқадурган адабиётда, қисман нафис адабиётда майда буржуазия мафқурасининг қисмангина бўлса-да инъикос этилиши айниқса зарарлидир. Чунки, бу адабиётни ўқувчи омманинг ўша зарарли оғмаларни ўз миясига фойдали, керакли бир нарса деб сингдириши мумкин. Бинобарин, нафис адабиёт майдонида кўз-қулоқ бўлиб туриш, унда ҳеч қандай оғмаларга йўл қўймаслик айниқса муҳимдир.

Биз нафис адабиётимиз ҳар қандай мафқуравий оғмалардан пок деб айта оламизми? Албатта, йўқ. Бундай дейиш нотўғри бўлиш билан бирга, жуда зарарли ҳам бўлар эди. Чунки бундай даъво натижасида «Эй, хотиржамлик, иш жойида экан, ёзувчиларимиз ёза берсин, биз ўқуй берайлик» деган хатарли бир натижа келиб чиқиши турган гап. Ҳолбуки, «бизда нафис адабиёт майдонида хотиржамлик» деб айтишка бизнинг ҳеч бир ҳақимиз йўқ. Аксинча, бир қанча фактлар бизда нафис адабиётнинг зарарли оғмалардан батамом пок эмас эканлигини кўрсатади. Дуруст, биз ҳозирда матбуот ва адабиёт майдонида бундан икки-уч йил бурун кўрилган ва фирқамиз томонидан текширилиб, анчагина даражада тугатилган зарарлик оғмаларни кўрмаймиз. Лекин ҳаммаси бажарилди дейиш, ҳалича мумкин эмас. Ҳали олдимизда бу жиҳатдан жуда кўб иш турадир...

Яқинда русча «За партию» журналида ўртоқ Шевердиннинг «Ўткан кунлар» рўмони ҳақида бир танқидий мақоласи босилиб ўтди. Ўртоқ Шевердин «Ўткан кунлар»нинг бир қанча ижобий томонларини эътироф қилиш билан бирга бу рўмоннинг анча муҳим мафқуравий камчиликларини ҳам кўрсатиб ўтади. Чунончи: Абдулла Қодирий бу рўмонда эски замонлардаги, «мусулмонобод» вақтларидаги турмушни, ҳаётни, у вақтдаги ижтимоий муносабатларни, урф-одатларни жуда гўзал рангларга киритиб, мақтаб тасвир қилади. Рўмондан олинадурган таассурот шундайки, эски замонларда ҳамма бойлар ва камбағаллар барчаси жуда гўзал тирикчилик қилганлар, бой савдогарлар камбағаллар ҳисобиға фойда қилиш, уларни эзиш ҳақида сира ўйламаганлар, «халқ» учун жон кўйдириб юрганлар ва ҳоказо. Рўмонда меҳнаткашлар оммасининг – деҳқонларнинг, майда ҳунармандларнинг турмуши ҳеч бир инъикос этмайдир. Ҳақиқатан, бу рўмонни ўқиб чиққан кишида ўртоқ Шевердин айткандек, «Эски замонларда турмуш қандай гўзал, қандай яхши бўлган экан!» деган натижага келиши мумкин.

Афсуски, мақоламизни жуда ҳам узун қилиб юбориш хавфи бизга бу ерда Абдулла Қодирийнинг бу рўмонини бир оз бўлса-да кенграк таҳлил қилиб текшириб ўтиш имкониятини бермайди. Бу рўмон кенг, муфассал ва махсус танқид ҳамда тафтишка мухтож. Биз бу ерда ўқувчиларни ўртоқ Шевердиннинг юқорида мазкур мақоласига ҳавола қилиш билан қаноатланишқа мажбурмиз.

Бу ерда шунигина айтамикки, мафкура жиҳатидан бу рўмон биздан хийла узоқда. Дуруст, мен бу ерда адабий қиймат нуқтаи назаридан Ғози Юнус «асар»ларини А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар»и билан бир қаторга қўйиш ҳақида ўйламайман ҳам. Ғози Юнуснинг «Табдил» ва «Татбиқ»лари адабий жиҳатдан бир пуллик аҳамиятга эга эмас, ваҳоланки, «Ўткан кунлар» ўзбек адабиёти майдонида биринчи рўмон ва яхши ёзилган рўмон. У, шубҳасиз, гўзал ва нафис бир асар.

Мафкура нуқтаи назаридан ҳам «Ўткан кунлар»нинг зарари ҳар ҳолда «Ҳой, Шарқ»ларнинг зараридан кам деб ўйлаймиз.

Абдулла Қодирий кучли ёзувчи, кучли адиб, менимча, биз ундан янги нарсалар ва мафкура жиҳатидан «Ўткан кунлар»га қараганда бизга яқинроқ асарлар кутишимиз мумкин. Аммо ҳар қандай бўлса-да, бу рўмоннинг прўлетариат мафкурасига тамом тескари бўлиши фактдир. Рўмон охираламир ушбу мақоланинг бош қисмида мазкур китобчаларда қисман инъикос этишиш ғоялар, мафкураларнинг хизматини бажарадир.

Менимча, ўша юқорида кўрсатилган мисоллар бизда нафис санъат майдонининг турли зарарли оғмалардан соф эмас эканлигини ва бу оғмаларнинг тасодифий бўлмаганлиқларини очиқ кўрсатсалар керак. Лекин, албатта юқорида ёзилган гаплар билан «дод, адабиётимиз таҳлика ичида, майда буржуазия муҳити ҳаммани босаётибти» деб ҳаяжон қилишдан узоқдаман. Бунда шошиларлик, ҳаддан ошиқ ҳаяжон кўтаришлик ҳеч йўқ. Мен юқорида айтиб ўттимки, биздаги шароит ичида бу қийинчиликларнинг, бу оғмаларнинг бўлмаслиғи мумкин эмас. Иккинчидан, бизнинг адабиётимиз ҳеч шубҳасиз йил сари соғайиб келаётибдир. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди. Аммо шу билан бирга бизда «хотиржамлик» аҳвол руҳиясига берилиб, қўл қовуштириб ўлтириш учун ҳам ҳеч бир асос йўқ. Аксинча, менинг ушбу мақоламда қисман тасвир этилган ҳодисалар, бизнинг нафис адабиёт бобиға кўбрак диққат беришимиз, нафис адабиётни тўла равишда ўз мафкурамиз остиға олиш йўлида курашишимиз зарур бўлганлиғини кўрсатадир. Бизда эса бу

жихатдан жуда катта бўшлиқ бор. Буни бекитиб ўлтиришнинг ҳожати йўқ. Буни очик иқрор қилиш керак. Биз бундай оғмачилиқларга қарши шафқатсиз, марҳаматсиз кураш олиб бориш лозим бўлганлигини кўб вақтларда эсдан чиқариб қўямиз. Ғози Юнуснинг «Татбиқот» ва «Табдилот»лариға, А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар»даги мафкуравий қинғир-қийшиқлиқлариға ўз вақтида тегишли баҳони бермаганлигимиз буни очик кўрсатади. Ҳеч шубҳасиз бу оғмаларни, қинғир-қийшиқлиқларни танқид қилиб чиқа олишлиқ кучлар бизда йўқ эмас, бор. Фақат улар бу масалаларда кечирилмайдурған совуққонлиқ, шошилмаслиқ кўрсатадилар.

Мақсадимиз шуки, бундан сўнг нафис адабиёт бобида кўриладурған ҳар хил оғмалар, қинғир-қийшиқлиқлар ўз вақтидан кечиктирилмасдан шафқатсиз ва марҳаматсиз танқидга дучор этиладурған бўлсин.

Бундан сўнг адабий қиймати булмаслиғи билан бирга очикдан-очик қарши бўлған мафкураларни ҳимоя қиладурған китобчалар («Хой, Шарқ», «Ўзгариш алангалари»¹ ва бошқалар) нинг адабиёт майдониға чиқишиға йўл қўйилмасин. Хатолик билан чиқар эканлар улар танқид олови билан куйдирилсин. Маълум адабий қиймати бўлғанлиғи учун босилиши мумкин ва зарур бўлған, аммо бир қанча мафкуравий оғмаларға мубтало бўлған нафис асарлар /«Ўткан кунлар»/ қаттиқ танқид остиға олинсинлар. Адабиёт бобида танқид ишини мустаҳкам йўлга қўймасдан туриб соғлом, нафис адабиёт тузиш, нафис адабиёт майдонида соғлом янги кучлар етиштириш мумкин бўлмаганлиғи доимо эсимизда турсин.

Муҳаммад ҲАСАН

«Коммунист» журнали, 1928 йил, 4-сон.

4. «МУШТУМ»

«Муштум» деганда катта-кичикнинг лабида ғайриихтиёрий бир табассум кўринади.

Инқилобдан бу ёққа чиққан ўзбек вақтли матбуоти тўғрисида тўппини ерга қўйиб бир карра ўйлаб чиққан киши, ҳамма-сида ҳам аста-секин юксалиш ва алоҳида даврларда учрайди.

¹ Ғози Юнуснинг асарлари.

Шунингдек «Муштум»нинг ҳам ўтканларига бир назар ташлаган киши унда ҳам уч алоҳида даврларни учратади.

Биринчи давр – «Муштум»нинг бошлаб чиқишидан (1923 йил, феврал) 1926 йилнинг феврал ойида чиққан 27-сонигача бўлган Ғози Юнус, Жулқунбойлар даври. Бу даврнинг муваффақият ва камчиликларини яқунлаганда шуни айтмак мумкин. «Муштум» ўз мундарижаси билан ишчи-деҳқон савиясига хос эмас, мафкуравий жиҳатдан кўпинча хато йўлларга тушиб, бизнинг камчиликларимиздан ўзгаларни кулдирмакчи бўлди. Ўзларича қилиб айтганда, «кўпроқ танпарастлик қайғусида» қолиб умумий ишларимизнинг боришига ёндашолмади. Ишчи-деҳқон дардига малҳам бўлишни орзу қилиб матбуотга яқинлашмоқчи бўлган ёш ёзувчиларни силтаб ташлашлар, уларнинг ўсиб-унишига хоҳишсизликлар кўрсатилди. «Муштум»ни эгаллаб олишлар, бир мавзунини қайтара бериш, ишонч ва вазифани суиистеъмол қилишлар каби камчиликлар билан баробар, айниқса бизнинг турмушга сингиб кеткан турли хурофий урф-одатлар ва уларнинг омиллари бўлган домла эшонларга қарши курашда оз-моз бўлса ҳам халқимизни кулги ва мазах билан яқинлаштиришда муваффақиятлари бўлди.

Иккинчи даври фирқамизнинг мафкура майдонида кураш шиорига асосан шўро матбуотини юз прасант ишчи-деҳқон кўпчилиги манфаатига ишлатишда «Муштум»нинг эски «қадрдонлари»дан ажратилган вақтдан бошланади.

Бунда гарчи «Муштум» ўзининг қадимги усти ялтироқлик сифатини йўқотган, тираж жиҳатидан бир оз тушиб, ҳажм жиҳатидан торайган бўлса ҳам, мундарижа ва мафкура томонидан тўғри йўлга қадам ташлади. Тўғриси, бизнинг синфий матбуотимиз ўз синфдошларинигина кулдириб, ғайри унсурларга ўлим зарбаси бериш, улар билан қатъий кураш олиб бориш вазифасини гарданига ола бошлаган давр эди. Бу кезларда ёш ёзувчилар галаси ҳам аввалги завқ-иштаҳалари билан аста-секин «Муштум» атрофига йиғила бошладилар. «Муштум»ни турли томондан илгарилатиш учун астойдил ҳаракатка бел боғлаган эдилар.

Учинчи давр ҳозирги давр бўлиб, «Муштум» ҳақиқатан ҳам ўз синфий душманларига, ҳақиқий эгаларига яқинлашмоқда. Ишчи-деҳқон кўбчилигидаги талаб ва маданий савиянинг ўсиши билан «Муштум» ҳам тўғридан-тўғри уларнинг ичига

кириб камчиликларимиздан қулдирмоқда ва умуман борган сари илгариламақдадир. Тиражини илгариги миқдорга қувиб боришни, техника жихатдан шўролар шарқида чиқиб турган бутун кулги журналлардан устун бўлиши, икки юз минглаб ўқувчиларга эга бўлган «Крокодил»ларга етиши, журнални бир неча кишининг «ташаббус ва ғайрати»гагина ҳавола қилмай, атрофига бир туркум ёзғучиларни жалб қилиши унинг ҳозирги муваффақиятларидандир. Тўғри, ҳозир ҳам «Муштум»нинг баъзи бир камчиликлари бор. Лекин фирқамизнинг йўлбошчилиги, дўстларнинг самимий кўрсатишлари ўша камчиликларни тўлғашишга имкон беради. «Муштум» атрофига тўпланган ёш кулги ва мазахчилар ҳам шу ваъдани такрорлайдирлар.

Мирза НУРТОЙ,

«Ер юзи» журнали, 1928 йил, 15 май, 8-(41) сон.

5. «МУШТУМ»НИ ВАРАҚЛАР ЭКАН...

(Архив материалларидан)

Ё, мухтарам ўқувчилар!

Лаб-лунжингизни йиғиштиргайсизким бу нарсадан кулиш басе мушкулдир.

Кеча рафиқа билан андек айтишиб қолиб, ўзимга гўшанишиндан қувонч қидирар, бир оз бўлса ҳам шикаста кўнгилни «юпатмасмикин» дегандек қилиб, «Муштум»нинг эски нашрларини варақлар эдим.

Яна бош бармоқни оғизга ҳавола қилиб, хўллаб 1923-йилги «Муштум»нинг февралда чиққан биринчи сонини астагина очдик.

Биринчи сўз «Муштум» таърифида – Жулқунбойники. Бунда «Мушт – сиёсатда подшоҳ, иқтисодда «авлиё» эмишким, унинг аҳамияти куллияси маҳалла ижтимоиётидан дарак қилинади. «Қовун деб экканимиз шунғия, олтин кўнғуз деб махтаганлари қора кўнғиз эканким, бурунни ўрашқа мажбур бўлдиқ» деб пешонага шилт этиб уриб қўяди. Сўз «афандилар» билан тугалиб, «бир мушти пурзўр бўлса, у ҳам прўлетар мушти» экани эътироф қилинади.

Биз «бундан нари шу муштнинг мазасини татир эканмиз» умиди билан яна ичкарирак кирдик. Мана, бир нордон «Эшиткучи»нинг «Аҳли ислом» деган мақоласи. Унда айтилади:

«Некалайнинг асрида ҳам бундай зулм бўлмаган эди-ку. Шу ўрислардан қутулар кун борми сира, ё йўқми?»

Буни ўқур-ўқумас, айбни ёшлигимизнинг бўйнига, ёзғучининг эртани кўролмайдирган кўрлигига, ўта кеткан тор миллатчилигига ҳавола қилдик. Қолган мақолалар, аллакимларнинг оёғини бошиш қабилдаги аччиқ учов хазилкашликлардан иборат эканким, буни ўз вақтида ўқуб эсдан ҳам чиқаргандирсиз.

Биз бу мақола билан алоҳида шахсларнинг алоҳида пайтлардаги «ноалоҳида» сўзларини кўчирмакчимиз.

2-сондаги «Саломнома»ни ўқудик, унда: «Халқ қайғусин емайин, мактаб очай демайин. элли-олтмиш қўй берган, саккиз кунлаб тўй берган Туркистон савдогарларига салом!» дейди Думбулниса. Биз халқ қайғусин, эл тарбиясин шулардан куткан миждилнисаларга ҳам қалампирли салом, дедик.

Биринчи-иккинчи сонларнинг карикатураларида ўзбек миллатининг «ажнабий» миллатларга емиш бўлгани, мусулмонларнинг ағниё табақасининг солиқ сиёсатидан «афтодаҳоллиги» тор миллатчилик рамкасида йиғи аралаш тасвир қилинган. 3-сонда эса самарскийларнинг «миллати нажиб» билан бир йиллик алоқа тарихлари чизилган. Аммо унга сабаб бўлган иқтисодий мажбуриятлар ва буржуазия синфининг одатлари йўтал аралаш тағофул билан кўрсатилмаган. Хайр, яна бир бармоқ хўллаб, варағини очқан эдик, «Муштум» имзоси билан ёзилган бир куйди-пиштининг «таваккал»ига кўзимиз тушди. Унда беш-олти дуварақларни миллат ҳадяси, ватан армуғони қилиб «Вой ҳолингга миллато! Бу кетишинг разолат!» деб вағзлик қилинибдир. Биз «ихи» дедик.

Мана қўлимизда 4-сон.

Бош мақола Жулқунбойнинг «Наҳс босқан экан»и. Миллатнинг буюк адиби «ўз» истиқболидан ваҳимадор бўлиб, Ўқтабрнинг муваффақиятини кўрмайди. «Етар садаға, кўнгила айнаб кўз олдим қоронғиланди» дейди. Кўпчиликни хўтук ва хўкузга мисол қилади. Биз, ўз аптини сувда кўргандир, «наҳс босқан экан» фол очтиргандир, дедик. Балки бунга, ўша вақтдаги муҳит шуни талаб қилар эди, дегучилар бўлар. Биз ҳамёза аралаш «Шундаймикин-а!» деймиз.

Ана энди 8-сондаги «Узр» билан «Илмий шўро ишка бошлади» мақоласини ўқиб кўринг, худди ёлғоннамо ҳақиқий узр. «Биз-

да халқ бор, афкори умумия йўқ» эмиш. «Сумалак авлиё»¹нинг «Аҳвол руҳия»сини текширинг. Худди мушук чуваткан калава.

Қўлимизда 10-сон. Биринчи мақола. «Замонанинг зайили», «Муштум» имзоси билан. Бунда ўзбек миллатининг бурнига чертиб (аравакаш тавба қилипти) муқаддароти тайинланади ва мундан кайфланилади. «Бир вақтлар ўз борлигини кўрсата олган ўзбек миллати» деб «Ўткан кунлар»нинг нашъасидан бурун тортилади. Бу ҳам ўтсин. «Мечкай» исмли шоир ўғлини ўқитмаган бир аҳли растадан нима деб шикоят қилади денг, айтади: – «Бўлғуси яхши эл ўқутғучиси, барча сафсаталар чурутқучиси, эл муаллимлиги улуғ ишдир». Яъни, ҳой савдогарзода, ўқи, элни «оқарт», эгри-бугри, чизма-чизиқ, ола-була, мундарижаси касал карикатураларни кўриб мавзу эгасининг эрмаги учун хизмат қилган «бош қотирди»лар, деб қўйдик.

11-сонда «Сумалак авлиё» «Баъс бадалмавт» мақоласида муҳаррирларга хитобан: Ҳой! Сиз, эчки соқол, қўй қадам, сигир фаросатлик бир халққа йўлбошчидирсиз! – деб оммани сўқади. Буни ўқиғандан сўнг мана шу сўз била эҳтибор тилимга келди: – Ҳой Ғози! Кўпчилик бир қултумдан тупурса, ундан ҳосил бўлган кўлдан вужудингни қутқаза оласанми ёки бу кунни ўйламаганмидинг?!

Энди Жулқунбой тарафидан яратилиб ўз вақтида ва ўз аҳллари ўртасида мужиби ташаккур бўлиб қабул қилинган раста, бозор, гап ва тўкмаларда қайта-қайта ўқилиб ўзига бир турким «олий табақа»ларни жалб қилган икки вужуд – Калвак махзум ва Тошпўлат тажангларга жирттак айтмоқчимиз.

Калвак махзум «Шодикул»² таъбирича: «XIX аср Ўрта Осиё феодаллари даврининг мажмалағ бир типи», у дар қатори ёрон хоки туроб кетиши лозим бўлса ҳам, ёзувчи уни тиргизади ва 20-нчи аср иккинчи чорагига қадам қўйиш арафасида турган ва социализм жамиятининг асоси қурилмоқда бўлган бирдан-бир ишчи-деҳқон мамлакатининг турли сиёсий ва ижтимоий муассасаларида «контроллик» қилиш вазифасини топширади. Шунинг билан бирга шўро хизматчиларига «насихат» қилиб, шўро идораларини «роҳи ростка» йўллатмоқчи бўлади.

Тошпўлат тажанг – олти йиллик шўро даврида саводини чиқара олмай, кўча-кўйларда сандиранглаб юрган лўтти бир

¹ Ғози Юнуснинг тахаллусларидан бири.

² Шодикул – Зиё Саид.

чапан. Унинг Калвак махзумдан айирмаси сўзининг *китобий* бўлмай, самовор тили бўлгани. Биз буларга сўз бермадик. Чунки «Эзмалик ҳам эбида» дейдирлар. *Керак қилар эканлар* марҳаматларини дариг тутмай, ичкарига қарасинлар. *Унда* чакка тириштиришга арзигундай гаплар топилмаса, Тошпўлат тажангнинг ҳақ хурмати.

Инсон – жавҳари тарбия. Ғози билан *Жулқунбойлар «Муштум»*ни монополия қилиб меҳнаткашларни ёт руҳда тарбия қилдилар. Монополиянинг маъноси шулки: бир йиллик «Муштум» бошдан-оёқ шу икки азаматнинг хосаки қаламлари билан чиқди. Санни Худо, Жулқунбой, Мулла Чўқмор, Жимит, Думбул, Овсар, Индамас сўфи, Сумалак авлиё, Шапоқ махзум ва Муштумнинг имзоси билан ёзгучилар Ғози билан Абдулланинг ўзлари эмасмидилар? Агар, «Қандай қилайлик, ёзишгучилар йўқ эди», десалар: «Бали, бошқармадан берган жавобларингиз қалбаки экан-да?» деймиз, ҳам бунга «Сиз, ишчи-деҳқон оммасидан ўсиш ва маданий савияни кўролмадингиз!» деган сўзни қўшиб қўямиз. Умуман айтканда Жулқунбой бурнаки отса, Ғози «ҳаққастурост», Ғози акса урса, Жулқунбой «ярҳамакаллоҳу яшфука» деб бизни кулдириб келдилар.

Ҳақиқатдан кўз юмиш ҳам хато. «Муштум» ўша вақтларда эшон ва муллаларга қарши курашиб келди. Лекин бу кураш янги иқтисодий сиёсатдан сўнг томирларига қон югуриб қолган маътум бир миллий табақанинг манфаати учун эди. Энг охири 25-сон «Муштум»нинг юбилей карикатурасида Ғози Юнуснинг «Муштум»ни эмизиб турганлиги тасвир қилинади. Буни биз мантиқсизликнинг бўйнига юкладик, чунки «Муштум»ни алоҳида шахслар туғмайдилар. «Муштум» турмушнинг ва ижтимоий талабларнинг ўғлони, Аммо «Муштум»га волидаи разоъ¹ бўламан, деб даъво қилса, эрмак учун биз ҳам «балли» деймиз. 1924 йилда «Муштум» ҳажми ёғидан бир мунча кенгаяди. Бундан бошқа янгилик йўқ. Бир шахснинг айрим жинояти учун, бутун шўро идораларини ҳақорат қилишлар, ерлилаштиришни қурол қилиб миллатчиликни зўрайтириш, клишаларга суиистеъмол, икки жумла билан тамом бўлиши лозим бўлган нарсаларига «Муштум»нинг икки бетини назр қилиш ва шунга ўхшаган бир гала «лиқ-лиқ» ва «лар-лар» яна авж олади.

¹ Волидаи разоъ – эмизган она.

Ростини айтканда, Ғози билан Жулқунбойнинг «машхур талашлари» уларни ички сирларини офтобда қолган сағрининг шўридек қилиб сиртларига чиқарди. Гап бундай эди: 1925 йил 7 август 193-сон «Қизил Ўзбекистон» газетасида Жулқунбой «Муштум»ни танқид қилади ва «Муштум»нинг кундан кунга мундарижа ёғидан суюқлаша борганини айтиб келиб: «Муштум»дан бизнинг кутканимиз чин муштумлик эди. Икки йилдирки мавзуъ бир:

Эшонимизнинг тасбиҳлари носвой қовоқ.

Домла поччам саллалари узун чузоқ!...» дейдир ва 13-сон «Муштум»да динга қарши қўйилган карикатураларга пичинг отади. Биз буни ўқиб «Эътироф қилиш ҳам бор экан-а» дедик. Ғози 201-сон «Қизил Ўзбекистон» газетасида Жулқунбойга жавоб бериб «Танқид эмас, тош отиш» дейди ва лўнда-лўнда, оҳори тўкилмаган янгиликларни майдонга ташлайди. Жулқунбойга қараб: «Калвак махзум кулдириш учун яхши бўлса ҳам, фойдага келганда «Оқ падар»нинг¹ лўттибозликлари ортиқчадир» деб ўз вивескасини юқорироқ кўтаради. 13-сондаги карикатура тўғрисида гапириб, Жулқунбойнинг бизга қоронғи бўлган сиррини (диндорлигини) очиб солади. Буни ўқиб, Жулқунбойнинг тепа сочи тикка бўлади-да, Ғозиға «Шаллақи!» унвонини тақиб раддия ёзади. Ана матбуот сахнасида иштонсизликни кўринг. Ўқиб туриб киши хижолатдан терлайди. Жулқунбой айтади: – Нима демакчисан, диндорми, миллатчими, нима ахир? Мен диндор бўлсам, сан-чи? «Турма хотиралари»нг эсингда борми? Ман, маълум масалада шундайман. Нима қилар эдинг? Агар журналнинг тузалишини истасанг нега шу чоққача на сиёсатдан ва на ижтимоийётдан бирорта танқидий мақола ёзиб ўқувчиларни сероб қилмадинг? Бунга Ғози чидамайди. «Шаллақи ким?» деб унга қарши таёқ кўтариб чиқади. Бунга қарши Жулқунбой ҳам «Ўжар кўр» сарлавҳаси остида сўкиниб, «Ачасининг кўйлагини кийиб чиққан Ғози Юнуслар катта-кичикдан жирттак оладир» дейди. Биз агар шу жумлани Ғози Юнус ҳам Жулқунбойга қараб такрорлаб чиқганда эди, келгусига тўғри қаралган бўлиб, ҳар икки ўртада мусовот бузулмаган бўлар эди, – деймиз.

Фирқаннинг мафкура майдонидаги кураши прўлетариат мафкурасини соғломлаштирди. Ғози ва Жулқунбойлар «Муштум»дан олиндилар. Ҳозир «Муштум» аста-секин бўлса ҳам ўзининг

¹ Ғози Юнуснинг тахаллуси.

ҳақиқий йўлидан бормоқда, эски «кадрдонлари»дан узоқлашмоқда. Бинобарин, босилиш нусхаси ортиб мундарижаси бойимоқдадир. Бундан буёқдаги гапларимизни шоирона қилиб айтдик: Шамоллар эсди, кунлар ўтди, ойлар кечти, ишлар тузала бошлади.

Ўқувчилар! Афвингизни сўраб, ижозатингиз билан яна бир марта сизнинг назари диққатингизни 1926 йил 27-сон «Муштум»нинг муқовасидаги расмга йўллатмакчимиз. Бунда Йўлдошбой акамни: «Орқа-олдинга қара, эҳтиёт бўл!» дегандай қилиб расми туширилган, лекин бир варақ очинг, «Овсар» миянинг (Жулқунбойнинг) прўлетар матбуотини булғатганини, гўнгалагига тош солиб, валинеъматларига оёқлиқ хизматини бажармакчи бўлганини ўқийсиз-да, уч йиллик умрингизга во асаф ўқиб «тарих-тарих» дейсиз ва эснаб қўясиз.

Мирза НУРТОЙ,

«Муштум» журнали, 1928 йил, 8-сон, 6–7-бетлар.

* * *

Мана дейман, Худой дейман, «Муштум»ку душманини йиғлатиб, дўстини кулдириб келди, дейман. Ўзининг йўлида бир талай муваффақиятлари ҳам бор дейман....

«Муштум» мафкура майдонида фирқамизнинг раҳбарлиги остида прўлетариат учун ёт бўлган шалғамсуфат, балғам табиат зиёнлиларга суфра қоқди эълон қилди. Яхши қилди, ажаб қилди, хўб қилди. Мана унинг муваффақиятларидан энг улкани. Ман буни сўйлаб бўлгандан кейин нима демакчиман, демакчиманки: «Муштум» ўткандаги хатоларини такрор қилмасин, ҳозирги камчиликларни «анчайин» деб ташлаб кетмасин. Атрофига уюшкан ўн минглаб ишчи-деҳқон кўпчилигининг дардига малҳам бўлсин, янги турмуш ғилдирагига чўп суқмоқчи бўлган ғирромларга ер чиздириб қўйсин. Бу ишда албатта ишчи-деҳқон оммаси ўртасидан етишиб чиқиб келаётқан ёш ёзувчилар армияси қатнашадилар.

Бизнинг тилак мана шу.

«Муштум»чиларга ва умуман қизил матбуот баҳодирларига хурмат билан Нуртой.

«Муштум» 1928 йил, 8-сон, 7-бет.

6. СИЗ АДАБИЁТ МУҲИБИМИСИЗ?

Бас, гафлатда қолмангиз! Шу яқин орада «Ўткан кунлар»

Тез кунларда газетамиз саҳифаларида Абдулла Қодирийнинг «тарихий рўмон»и устида узоқ бир таҳлил-танқид боса бошлаймиз. Жуда тез тарқалиб кеткан бу рўмоннинг бадиий ва мафкуравий юзини марксизм танқидида узоқ текшириб бериш биринчи йўла ўртоқ Хусайновнинг иши бўлди.

«Рўмон эскиб қолди, вақт ўтди» деган фикрлар бўлиши мумкин...¹ санъатидан қатъи назар, берган идеологияси билан гумонсираб қолганлар бизда йўқми? Танқиднинг хизмати «гумон»ни аниқлаш ва ёзилажақ рўмонларнинг йўлини белгилашдир. Жулқунбой рўмони чиндан тарихий рўмонми ёхуд отиғина тарихийми?

Рўмонини ёзишда қайси манбалардан сув ичкан, типлар, ҳодисалар, воқеалар, четда қолган сиёсий-ижтимоий ҳақиқатлар устида бир қадар узоқ ва илмий тўхталадир.

Бу танқид бир ёқлама, тутуб олиб дўппослаш бўлмай, бори-ни айтиб тўғри фикрни ёйиб ташлайдир.

Ўқувчилар шуни ҳам билсинким, «Ўткан кунлар» устида бу биринчи танқиддир. Мунаққид ҳам илмий бир ишни қўлга биринчи мартаба олгандир. Адабиётимиз, танқидчилиғимиз, маданиятимиз энди ўсмакда. Шу каби тубандан иш бошлаб ўсаёткан мунаққиднинг ҳам ёшлиғини, тажрибасини кўзда тутамиз. Баъзи бир рости ёлгон иғволардағидай: адабий қўмондонлик, реалдан кўз юмиш, бир томонлама ҳақорат Сотти Хусайн танқидида бўлмайдир.

Ҳар бир соҳада, курашнинг ҳар бир тармоғидаги қўзғалишда, инкилобда ёшлар чиниққан болшевикларга эргашиб, фаол қатнашмоқдалар. Адабиёт-танқид бобида қўзғалган, товуш чиқарган ёш мунаққиднинг шу биринчи иши олқишларликдир.

Бу узоқ мақолани газетамизда босишнинг асоси шу: биринчидан, «Ўткан кунлар»нинг юзага чиқиши бир адабий ҳодиса эди, унинг майдонда таҳлилсиз қолиши мумкин бўлмаган нарса. Иккинчидан, илмий адабий кучлар йиғилган Тошканддаги газетада босилиши шу мақолани илмий кучларнинг ҳам олдига қўйиш. Учинчидан бўлса, шу йўсинда оммага берилган ёт таъсирлар ила асосли, кучли бир кураш очишдир.

¹ Шу ердаги сўзларни ўқиб бўлмади.

Мақолада санъат назарияси, рўмончилик қоидалари бир мунча ўринни олган. Буни қисқартмасдан босамиз, чунки, ўзбек тилида марксизм асосидаги адабиёт назарияси босилмағандир. Бинобарин, ўрганувчи ёш ёзувчи санъаткорларимизга бир сабоқ, йўл-йўруқ, асос тарзида кетадир. Кутинг, тездан мақола бошланади, унинг устида тагин, тагин тортишлар бўлар.

«Шарқ ҳақиқати» газетаси, 1929 йил, 14 июн, 120-сон.

* * *

Сотми ҲУСАЙН

7. «ЎТКАН КУНЛАР» ҲАМ ЎТКАН КУНЛАР

Кириш

А.Қодирий ўзининг адабий ижодий ишини ўктабрдан сўнг эмас, ўктабргача давом қилдириб келган ёзувчидир. Аммо ўктабргача Русия жаҳонгирлиги Туркистоннинг ерли халқи орасидан чиққан қобилиятларни янчиб бўғиб келди. Шу жумладан А.Қодирий ҳам ўзининг бор қобилиятини кенгайтириб, ижодий юксалув томон йўналувга тегишли шароит тополмади. Қачонки ўктабр прўлетариат инқилоби бўлди, миллий озодлик масаласини тўғри ҳал қилди. Сўнгра ҳар бир миллат иқтисодий, сиёсий, маданий мухториятга эга бўлиб, ҳар бир миллатнинг кўпчилигини ташкил қилувчи меҳнаткашлар эркин нафас олдилар, юксалдилар. Туркистон каби орқада қолган миллатларнинг кўпчилиги ҳақиқатан, кишилиқ дунёсининг озодликқа элтувчи умумий йўлига тушдилар.

Мустамлакаларда ўсолмай ётган ерли талантлар ўктабр шарафи билан ўсди. У кучлар ўзига шароит топди. Меҳнаткаш оммадаги ижтимоий, сиёсий, адабий талантнинг ўсувидан бошқа ҳатто миллий буржуазия фикридаги баъзи кучлар ҳам ўсди. Шу жумладан, А.Қодирий ҳам ўсди. Аммо бу кучлар сўнгра сўзларини қалам кучи билан миллий озодликни мустаҳкамлаб, бирдан-бир миллий масалани тўғри ҳал қилган прўлетариат инқилобининг хизматчилари бўлиб кетмадилар. Аксинча, умуман прўлетариат инқилобиға қарши, инчинун миллий озодликқа қарши бордилар. Чунки булар учун миллатнинг кўпчилиги бўлган ишчи-деҳқонлар озодлиғи керак эмас, балки миллат буржуазиясининг озодлиғи керак эди, яъни меҳнаткашларни эзув, янчув, шу билан хўрлик, кайф, сафо қуриш имкониятини кен-

гайтирув керак эди. Шунинг учун бизга жадиждларнинг кўплари миллий озодликни меҳнаткашлар манфаатига томон ҳал бўлувига қарши курашдилар. Шунинг учун жадиид адиблари, яъни ўктабрдан сўнг ҳам прўлетариат инқилоби моҳиятини тушунишни истамаганлари яна жадиид бўлиб қолдилар.

Ўзлари миллатчи бўлсалар-да, ўз миллатларининг кўпчилиги устига ҳужум қилиш учун бутун ташқи ва ички аксил-инқилобий кучларни сафарбарликка чақирдилар. А.Қодирий эскидан адабий ижодий ишида шу жадиид фикрини адабиётда гавдалантириб келди. Ўктабргача ёзган «Бахтсиз куяв», «Жувонбоз» ва ҳоказо асарларида янги миллий буржуазия мафкурачилари бўлган «тараққийпарвар» жадиждларнинг фикрларини ижодида кўрсатди, эски савдогар ва феодалний бойларни янги тараққий саноат бойлариға қарши қўйди.

А.Қодирий ўктабрдан сўнг ҳам асосан худди мана шу мақомда ёзувчи бўлиб қолди. Бир мунча бошқачароқ турли-туман ниқоблар билан ўзбек адабиётида майда буржуазия қарашларини ўтказиб, буржуазия имтилувини қолдирди, сўнгги асарлари билан А.Қодирий катта буржуазияға имтилуви майда буржуазиянинг кўз қарашлари билан тамом суғорилган эканини исбот қилди.

Жадиид адабиёти феодализмға қарши оху фиғонни санъатга бўш беришдан нариға ўса олмади. Эҳтимол керакли шароит бўлганда, ўсар эди. Лекин жадиидизм адабиёти даврида бирмунча ёш қобилиятли адабий майдонда кўрилдилар. Бу кучлар ўктабрдан кейин ўзларининг собиқ инқилобий фикрларини буриб, прўлетариатга қарши аксил-инқилобий адабий куч бўлиб кўриндилар. Чунки бундай ёзувчилар эскидан санъат буржуазиясининг мафкурачиси эдилар. «Ўткан кунлар» рўмони муҳарири Абдулла Қодирийнинг ўзи ҳам шу оқимнинг хайрихоҳ кишиларидан бўлган. Бу ёзувчиларнинг ҳаммаси саноат бойлари билан бирга ўлмади. Ўктабрдан кейин ҳам салқит бой унсурлар билан бирга бирмунча вақт бориб адабиёт соҳасида прўлетариат инқилобиға терс турдилар. Бир қисмлари жадиидизм даврида ортдирган адабий маълумотлари устига Туркистонға келган туркларнинг тарбия бериши билан яна кучландилар. Шу йўсунда бориб турк буржуазия адабиётининг таъсири билан юксак адабий намуналар бера бордилар. Шу хилда моҳир ёзилган адабий асар уста ёзувчи Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» рў-

монидир. Рўмон 1925-26-нчи йилларда босилиб чиқди. Аммо шу вақтгача матбуот бетида «Ёш ленинчи» газетасида босилган ўртоқ Саидолим Шарафиддинов тезиси, «Фирқа учун» журналида русча босилган бир кичкина мақоладан бошқа ҳеч нарса ўқишга муваффақ бўла олмадиқ. Бу нарса матбуотимизнинг камчилиги бўлди, деб айтиш мумкиндур.

«Ўткан кунлар» тўғрисида бир-икки мақолачалар билан кифояланиб қолиш ярамайди. Кўб ёзиш, кенг мулоҳаза қилиб текшириш керак. Биз ўткан йил Тошкентдаги ёш прўлетар адиблар тўғарагининг икки ўлтиришида «Ўткан кунлар» рўмонини текширдик. Унда ўртоқ Шарафиддинов қисқача маъруза қилди. Тўғарақдаги ўртоқлар жиддий қатнашдилар. Шундан кейин яна ҳам жиддий тимискиланиб «текшириш керак экан» деган фикр билан қолган эдик. Ўшал текширишимиз ҳеч нарса бермади, деган ўртоқлар ҳам бор. Булар тўғридан-тўғри васвасачилар эди. Тўғарақдаги текшириш бундан кейинги жиддий таҳлилларга йўл очди. Очикроқ айтканда адабиётчи ўртоқларда текшириш ишига меҳр ортдирди. Биз ҳам ўшал тўғарақдаги ортдириб қолган ҳавасимиз билан шундай анча уста ёзилган «Ўткан кунлар» рўмонини текширишга уннадик. Агарда биз шу «Ёшлиқ-тошлиқ» деб бошланган жасоратли ишимизни элик-олтмиш прасант бажарсак, катта адабий иш қилган бўламиз. Бу ҳақда ёзишдан кечикдик, шундай бўлса ҳам, ҳеч бўлмагандан кўра кеч бўлгани яхши, деган фикрдамиз.

«Ўткан кунлар»ни текшириш учун тўпланган тўғарақ йиғинида Сулаймон Хўжаев ва Иброҳим Тоҳирийлар* томонидан қизиқ сўзларни эшитишга тўғри келган эди. Буларнинг сўзларига бу ерда тўхтаб ўтмасдан иложимиз йўқ. Чунки у гаплар тўғридан-тўғри «Ўткан кунлар» рўмонининг «шаклини мақтай беринг, мазмунига тил тегизманг» маъносидаги «маддоҳ»лиқ эди.

Сулаймон Хўжаев: «Бизнинг ўзбеклар орасида Жулқунбойчалиқ ширин, лаззатли ёзадиған киши борми? Албатта, йўқ!» «Ўткан кунлар»нинг мафқурасини бир ёққа қўйиб туриб, унинг адабий томонини яхши текшириш керак» деган мазмунда сўзлади. Албатта, бу адабий кўрлик, адабий жоҳилликдан иборат эди. Тўғарақда бундай фикр зарбага учради. Чунки бизнинг йўлимиз шаклини мазмундан, мазмунни шаклдан ажратиб текшириш эмас эди. Ҳозирги таҳлилимизда ҳам бу йўқ! Иброҳим Тоҳирий бўлса онгли суратда: «Ҳозирги давр ёзувчиға гуллар дастасини тузушда

материал беролмайди» деб чиқди. Шунинг учун Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар»дан мавзу олиб ёзишга мажбур бўлган. Кимда-ким яхши гулдастасидек чиройлик адабий асар майдонга келтирмакчи бўлса албатта орқага, ўткан замонга қайтиши лозим бўлар эмиш. Бундай адабий фатво ҳозирги замондан безган ётлар куйини куйлаб юрадиған «қаландар» кишиларнинг пайғамбарлигидан келиб чиққан бемазалик!

Абдулла Қодирийнинг ҳозирги кундан (ўктабрдан сўнгги кун) олиб ёзмаслиғига сабаб ҳозирги замоннинг материал бера олмаслиғи бўлмай, ёзувчининг ижтимоий, синфий аҳвол руҳиясига боғлиқ нарсадур. Агар Абдулла Қодирий ўктабрдан сўнгги мавзулардан олиб ёзмоқчи бўлганда бутун босмачилик даври ва у билан кураш, енгиш ва бошқа ижтимоий ҳодисалар материал бера олмасми эдилар? Қодирий нима учун ўткан кунлардан олиб ёзган? Отасининг тарихий эсдаликлари, ҳикоялари нима учун уни ортиқ даражада қизиқдириб, ўткан турмушдан рўмон яратиш ҳавасини туғдирган? Таҳлилимиз бу саволларга жавоб беради.

Ёзувчиликнинг катта хусусияти гавдалантириб суратлар ишлаш, тасвирий ўйлай олиш ва дунёни сеза билишдир. Ўйлағанда, материал устида фикр юритганда, кўз олдида жонли гавдаларни туйғулари билан сезиб, яхши ўзлаштира олмайдиған киши ёзувчи бўла олмайди.

(Мақола давомида Сотти Ҳусайн санъатни, адабиётни фақат марксизм, диалектик материализм асосидагина ўрганиб, шу асосдагина ижод қилиш лозим мазмунида ўқувчиларга ва Абдулла Қодирийга узундан-узоқ дам солади. Бу «доно», «ўткир» гапларни бугунги кун талаби ва эътиборидан қолгани учун қатордан тушуриб қолдирдик).

* * *

Марксизм нуқтаи назарининг адабиёт, санъатга қарашини жуда қисқа кўздан кечирдик. Унда марксизм мунаққидчилиги адабий ҳодисани қандай усуллар билан текширади? Танқиднинг вазифаси нимадан иборат?

Синфий кураш жуда қизгинлашган, кескинлашкан бир даврдамиз. Чунки биз хўжалиқдаги капитализм томирларининг илдизига болта уриб емиришга жиддий киришдик. Шунинг учун ҳам синфий душман қаттиқ, жиддий қаршилиғини кўрсатиб

туради. Унинг билан баробар турли майда буржуазия унсурлари прўлетариат қаторини юмшатишга уннайди. Баъзан ишларимизга зарба беришқа қаттиқ киришадилар. Душман синфининг кураши сиёсий, иқтисодий майдондағина эмас, мафкура майдонида ҳам ўзини кўрсатмакда. Шунинг учун мафкура масаласини асослиқ қисми бўлган адабиёт бобида ҳам буржуазия ва майда буржуазия таъсири кириши кўриниб турибти. Умуман, мафкура майдонида, айниқса адабиёт майдонида кучларимиз оз ва ишларимиз яхши қўйилгани йўқ. Шунинг учун ҳам адабиёт жабҳасида ёт мафкуралар қисман муваффақиятга ҳам эга бўлиб қолади. Бундай аҳвол Ўрта Осиёнинг жуда ола-була шароитида яна ҳам кескин тус олиб кетади. Мана шунинг учун марксизм танқиди катта, чуқур мулоҳаза билан иш кўриши лозим. Адабиёт майдонида фирқанинг йўлини маҳкам туриб ўтказишда катта масъулият марксизм танқиди устига тушади.

Марксизм танқиди адабий асарни текширганда ўз олдида биринчи галда ижтимоий таҳлилни қўяди. Бундан бир ёғламалиқ тушунилиши керак эмас. Балки Маркс ва Лениннинг илмий ишланган усулини адабиётда қўллаш, яъни адабий тилни ижтимоий тилга бураш деган маънони англаш керак. Марксист мунаққид асар таҳлилидан олдин унинг мазмунига ва ёзувчиға бўлган ташқи таъсир синфий таъсирга ва у таъсирнинг асарда берилганига тўхтар. Адабий ҳодисанинг бутун айланасидаги бошқа ижтимоий ҳодисалар билан боғлар. Шунинг билан баробар ўша асардаги шаклни туғдирган тарихий шароитни эътиборга олиб туриб текширур. Умуман олғанда мужодалавий моддиончилик¹ усулини қўллаш керак бўлади. Эски адабиётчиларимиз марксча танқидни қуруқ, мафкураси бузуқ, сўкишдан иборат бўлади, дейдилар. Бундай тушунча анчагина тарқалиб кеткандур. Бунинг бир мунча муваффақиятлик тарқалишиға сабаб ўзбек адабиёт майдонида тузик, жиддий, илмий асосдағи танқиднинг бўлмагани, бўлса-да жуда заиф бўлганидур. Бутун шарт-шароитлари билан адабий асарни танқид қилғучи кишимиз йўқ. Рус адабиётида ҳам жуда оз мунаққидға эгамиз, дейдилар. Аммо ўзбек адабиёти билан шуғулланиб келган ўртоқларимиз танқид ишида жиддий шуғулланмадилар. Шунинг натижасида ўзбек ёзувчилари ва зиёлилари орасида адабий асарга баҳо беришда марксизмнинг ижтимоий илмий усули ярамайди, фақат шаклий усули ярайди,

¹ Мужодалавий моддиончилик – диалектик материализм.

деган мафҳумдаги фикрнинг тарқалишига имконият тайёрладилар. Албатта, марксизм танқиди сўкишдан иборат деган фикрларга қаттиқ зарба беришимиз керак. Чунки марксизм танқидининг вазифаси сўкиш бўлмай, илмий асосда текширишдур. Таҳлил вақтида адабий асарнинг камчилигини қаттиқ танқид қилиш билан бирга, уни ярарлиқ яхши жойларини тегидан чизиб ўтиш марксист танқидчиларининг вазифасидир. Баъзи ўринда асарнинг тўғридан-тўғри аксилинқилобий нуқталари майдонда бўлгудек бўлса марксизм танқиди марксизм цензурасига айланади. Чунки биз синфий, сиёсий, мафкуравий курашнинг жиловини бўшаштира олмаймиз. Марксист танқиди адабий асарни таҳлилида шакл масаласини жуда диққат билан текшириб, унинг қанча мундарижа билан ёпишқани, чиройлиқ чиққани, ишланганини айримча кўрсатиши лозим. Юқоридаги ёзилганлардан маълум бўлиб туриптиким, бизнинг танқид сўкиш асосида бўлмасдан илмий асосда бўлиб, мазмунини ҳам, шаклини ҳам ўз ичига олади. Шаклчилар усули фақат ёрдамчигина бўлур.

* * *

Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» рўмони устида анча мутолаа қилдик. Ўртоқларимизнинг кўмаклари билан Абдулла Қодирийнинг ўқуған усулда, техникада фойдаланган асарларидан бир нечасини кўриб чиқилди. Рўмоннинг ўз ичига олған даврига оид ҳужжатларни кўп қийинлиқлар билан бўлса-да топдик. Бизнинг тарихимизни марксизмча асослиқ илмий текширган мукамал асарнинг йўқлиғи яна бизни қийнади. Шундай бўлса-да, кавлаштириб анчагина нарсалар тўплаш мумкин бўлди.

Рўмондаги мафкуравий бузуқлиқлар ва фикрий адабий каму кўстлар тўғрисида ёзиш билан Абдулла Қодирийга уни ёз, муни қил, қаламингни синдир, дейдиган буйруқ бермакчи эмасмиз. Шўро шароити ўзи ижтимоий буйруғини, заказини беради.

Биринчидан, Абдулла Қодирийни ёзувчиликдан тўхтатишга хизмат қилмай, яна уни дунёни ва турмушдаги адабиётнинг ўрнини тўғри тушуниб олиб юксалишига кўмаклашмакчи бўлдик. Рўмон, иккинчидан, ўқувчиларимизни танқидий кўз билан қараб ўқишларига йўл очишдур. Ва учунчи томондан, ёш ёзувчиларимизга сабоқ олиш, ўргатиш йўлида кўмаклашмак лозим. Чунки сўнгги вақтларда «Ўткан кунлар»га эргашиб ёза

бошлаған ўртоқларни учратмақдамиз. Бу ўртоқлар фойдаланишини удалай олмағанлиқларидан ўзларини жуда қийнаб қўймоқлиқлари сезилди. Абдулла Қодирий шубҳасиз прўлетариат инқилобиға нисбатан узоқ кишидур. Албатта биз шундай қолар деб ҳукм чиқара олмаймиз. Ё бузулиб жуда ҳам қаттол душман ёки тузалиб дўст бўлиш томон ўзгаруви мумкин. Ҳозир бундай зиёлилар олдида икки йўл қолади. Бири, мамлакатимиздаги ишчи ва меҳнаткаш деҳқонлар билан сотсиализм томон юрув, иккинчиси, савдогар, муштумзўр, руҳонийлар билан капитализмга қайтиш. Шу икки йўлнинг бирини онглашға вақт етди. Зиёли мутахассислар ёзувчиларға йўл танлашда ёрдам қилишимиз керак.

Фирқанинг бу ҳақда очик қарори бор. Бадиий адабиёт бобидағи фирқанинг сиёсати тўғрисидағи резолютсияда очикдан-очик йўллар кўрсатилган. Бу ерда шу қарордан бир неча жумлалар кўчирайлик. «Ҳамйўлларға келганда: 1) уларнинг ўз ораларида айирмалар (табақаларға бўлиниши) борлиғини; 2) адабиёт техникасида яхши ҳозирлиғи бўлган «устакор» борлиғини; 3) улар ичига оғмачилиқ борлиғини эътиборга олиш керак. Шунинг учун булар орасидағи прўлетариат инқилоби фикрларига қарши бўлганлари билан курашиб бошқаларини прўлетариат мафкурасига кўчириш керак.

Тузаладиган йўлдош ёзувчиларға нисбатан мулойим муомалада, тўғри ҳаракатда бўлиш лозим. Шунинг учун коммунистчилик танқиди ўз орасидан адабий қўмондонлиқни ҳайдаши керак. Бу ерда «Ўткан кунлар» ва бундан олдин ёзган баъзи асарларига суялиб, Абдулла Қодирийни биздан узоқроқ ёзувчи дедик, ҳам деймиз.

«...Бизда миллий санъат арбоблари ниҳоятда оз бўлган, уларнинг асарларига чинакам марксизм танқиди бўлмаган ҳолда миллий санъат ходимларини ўзимиздан четлатамиз. Уларнинг асарларини «шўролаш», яъни бу зиёлиларни бизга яқинроқ «попутчик»ларга айлантириш мақсади юзасидан доимий танқид билан уларнинг ижодиётига таъсир қилиш ўрниға, жўрттага қилгандек уларни душманларимиз томониға итарамиз.

Бундай ҳаракат бизга ҳеч фойда бермайди. У, биринчидан, бизга душман мафкуравий оқимларға мафкуравий хужумни юзага чиқармайди. Уларнинг синфий моҳиятини очиб бермайди. Оммани шу тўғрида ўргатмайди. Иккинчидан, эски миллат-

чи зиёлилардан бўлиб, шўро ҳукуматининг ютуқларини кўриб бир даража «шўролашға» тиришқан унсурлардан иборат бўлган тарафдорларимизни кўпайтирмасдан, қайтаға камайтирамиз» (И.Шуматский мақоласидан).

Жулқунбойнинг вазифаси ўзига бўлган танқид устида яхши ўйлаб, ҳақиқатан камчиликларини энди бўйниға олиб, қатъий йўлини белгилаб олиш йўлида жиддий ўйлаши лозим бўлади.

Умуман рўмон деб қандай адабий асарга айтамыз? Рўмон бошқа турдаги адабий асарлардан нима билан ажралади? Тарихчи билан тарихдан мавзу олиб ёзадиған санъаткор ўртасида қандай айирма бор? «Ўткан кунлар»нинг таҳлилига амалий равишда киришмасдан илгари юқоридағи сўроқларға жавоб бериб ўтишимиз лозим. Шу масалаларнинг ечилиши ишни осонлаштирғусидир.

(Сотти Хусайн «Рўмон» номли жуда катта мақоласида ўша даврнинг рус адабиётшунослари, тарихчилари ижодидан мисоллар келтириб роман жанрининг вазифаси, хусусияти, моҳиятини таҳлил қилиб, ўқувчиларға ва Абдулла Қодирийға тушунтириб беради. Мақола бу кунги ўқувчи ва адабиётшунослар талаби даражасида ёзилмаганлиги сабабли қатордан тушуриб қолдирилди).

ҚЎЛЁЗМА

Адабий усул

А.Қодирийнинг бадиий усули асосан тарихий тасвири билан баробар чоғиштириш (карама-қарши қўйиш) ва дидактикадир.

Гўё муҳаррир мавзунини ўтмиш замондан олиб, «Ўткан кунлар»ини ёзиб чиққан. Лекин ўқувчида фақат ўтган замонни эслаш, ҳислашни қолдирмай, воқеаларни худди ҳозирғи замонда бўлиб турғандай тасвирлайди. Тарихий воқеалардан мураккаб адабий, бадиий тасвирлар беради. Тасвир қилган воқеаларини ўқуғанда кишининг кўз ўнгидан худда кеча шу воқеалар бўлиб ўткандай таъсир қилдириш учун ёзувчининг киришкани билиниб турибти. Тарихий воқеаларда жуда кўб ўрин-жойни оилавий тасвирларға берилган.

А.Қодирий ўзининг рўмонида айрим қаҳрамонларининг ички руҳиясини айрим кичик воқеалардан бошлаб кетади.

Унинг учун кўб ижтимоий ҳодисаларни мукамалрак тасвирлаш унча аҳамиятли эмас. Ҳодисаларни, ижтимоий кўзғалонларни кўрсатишда бош рўл ўйнаган шахсларга энг кўб аҳамият беради. Бундай қаҳрамонларнинг бир қисмиғинасининг ҳаёти турмушдаги хусусиятлари билан тасвир қилинғандир. Баъзи бир қисм қаҳрамонларнинг ички ҳаёти, хусусиятлари, оиласидаги турмуши бадиий тасвирга кирмай кеткан.

А.Қодирий кўпрак тарихий воқеаларни бирин-кетин қуруқ рўйхат қилиб тарихий кўринишларни тасвирлаб ўтади. Рўмонда мана шу йўлда тарихийликка таянган ва шу усулни қўллаган.

Тарихий тасвир

Тарихий жойларни, идораларни баъзи бобларида тўғридан-тўғри узоқ қилиб ёзиб кетади. Ёзувчи тарихий тасвирида бир мунча ўзидан испирафкалар қўшиб, мумкин қадар ҳақиқий қилиб кўрсатишга киришган. Худди уста ёзадирган тарихчи каби жойларни, идораларни намоёишлантиради. Рўмоннинг баъзи саҳифаларида тўғридан-тўғри фактларни бирма-бир бадиий рўйхат қилиниб кетилган. Бунинг учун Азизбек билан Нормухаммад кушбеги қўшуни орасида Тошкент чегарасида бўлган биринчи тўқунишларни қандай тасвир қилинишини эсласак кифоядир.

Рўмоннинг 16-20-бўлимлари тўла тарихчилик усулида ёзилғандир. Ҳатто кўчалар, шаҳарнинг қандай дарвозалари бўлганлиғига-ча муфассал ёзилади. Бўлиб ўтмиш тарихий воқеаларнинг қандай бўлганлиғини, тарихий жойларнинг кўринишини ёзувчининг ўзидан ёзилган жумлаларда ўқиймиз.

Рўмоннинг тўртинчи бобида Марғилоннинг ўрта бир ҳовлиси бутун хусусиятлари билан рўйхат қилиниб чиқилган.

«Кўримсиз, чирк босиб қорайган, жуда кўб хизмат қилиб кексайган, очиб-ёпканда анвоёи турлик дод-фарёд қиладирган, бунда саналган сифатларини бир ерга жамлаб натижа чиқарганда «шарти кетиб, парти қолган» бир дарбозанинг остонасидан уч-тўрт қадам ичкарига кирилса, Бухоро зиндонларидан бирини ҳис этилур ва қоронғу йўлакнинг ниҳоятидаги ёруғликқа ошиқилур.

...Ҳавлининг кун чиқарида кун ботишга қаратиб солинган, унча махтарлик бўлмаса ҳам, аммо замонасининг олдинги би-

ноларидан ҳисобланган бир айвон билан бир уйга кўз тушадир. Саҳн ва бинолар киши зотидан бўш, шунинг учун бу ҳавли оиланинг ташқариғи қисми – меҳмонхона эканлиги онглашилур. Саҳннинг тун ва кун ботар жиҳатлари кичкина ҳужралар билан ўралган ва бу ҳужраларнинг барча эшиклари ёпиқ ва қулфланган ҳолда бўлиб, моллар билан бандлиги ва уй эгасининг давлатлик киши бўлганлиги билинур».

«Унча мақтарлик бўлмаса ҳам, замонасининг олдинги биноларидан» дейиш билан жойларни ҳақиқий, чинакам тарихийлигини исбот қиладир. Кушбегини ва Мусулмонқул турган ўрдани ҳам юқоридағича усулда кўрсатилган.

Тарихий воқеалар қандай кўрсатилади? Худда тарихчи-этнографчи усулида тасвир қилинади. Ёзувчи воқеаларнинг бўлиши, бориши ва натижалари тўғрисида айрим боблар бағишлаб ўз сўзлари билан ёзиб кетади.

Воқеалар, ўзгаришларнинг нимадан иборат эканлигини қахрамонларнинг бошидан ўтказиб турган кун кечириш ҳаракатлари, руҳий ҳолатлари ичида кўрсатилмаган. Воқеаларнинг негизи нимадан иборат бўлганини, сабабларини кўбрак ёзувчининг ўзи айтиб беради.

«Етмиш кунлик бир муҳосарадан кейин уч минг сипоҳни бир ярим мингга тушуриб, бир ярим минг сипоҳни Тошканд кўрғонлари остида қурбон бериб, Нормухаммад кушбеги қуруқ қайтишга мажбур бўлди.

Бу етмиш кунлик қамал вақтида Азизбекнинг содиқ фуқаролари бўлган тошкандликлар аздақидил унга хизмат қилиб, жонбозлик кўрсатиб, ниҳоят қипчоқларни умидсиз Қўқонга қайтаришга ноил бўлдилар. Ноил бўлдилар, аммо ўзлари ҳам яхшигина бўлиб қолдилар. Етмиш кунлик бир қамал, етмиш кунлик четдан ва энг ози қишлоқлардан муносабатини узиб туриш, албатта, Тошкандни бўлдириб қўйган эди... Савдо ишлари бутунлай тўхтаб, савдогарлар зўр фалокатга учрадилар. Косиб, фақир халқнинг ҳоли жуда ёмон эди: нонсиз, донсиз, кийимсиз, сувсиз, (нима учун сувсизликка ёзувчининг ўзи тарихий испирафка берган. – С.Х) алоҳозал-қиёс сиз, сиз бўлиб энг охиригича чекка еткандагина қамал балосидан «ялтирасин, қалтирасин» музаффарият билан қутилдилар».

Қамал, яъни Азизбек билан кушбегининг уруши натижасида халқнинг қандай аҳволга қолганлигини ёзиб келиб, яна шундай

бўлса ҳам халқнинг янада ўз тирикчилигига қараб кириб кетилишининг сабабларини кўрсатиб кетади.

«Халқ ўзининг бу етмиш кун ичида тортқан машаққат ва азобларини қипчоқлар устидан чалган ғалабаси билан бир даража ювди-да, касбига, экин-тикинига урилиб кўришни ўйлади».

Юқоридагича қилиб тарихий ҳолларини тасвир қилиб ёзиш журналист тарихчи тарафидан яхши бажарилиши мумкин. Аммо санъаткор воқеаларни ва сабабларини бундай тасвир (рўйхат) қилиб бера олмайди. Санъаткор бадиий (художественный) тусда кўрсатиши лозим.

Биз ўша замонда яшайдирган ёки рўмонда иштирок қиладирган қаҳрамонларнинг сўзлашидан аҳволи руҳияси, ҳаракатидан аҳволининг нимадан иборат эканлигини онглаймиз, сезишимиз керак. Юқоридаги ҳолатларни биз бадиий суратлар орқали сезмасдан ёзувчининг тарихчиликка берилиши, фотографчилиги орқасида онглаймиз. Ҳатто ўша замонасининг тарихий кийимларигача тўла кўрсатиб беради. «Саллалик, қалпоқлик Тошканд мудофиёлари», «Тилла жабдуқли қизил айғирға минган, қуёш ёғдуси билан турлик туска кириб товланадирган, ёқа ва этакларига олтин уқа тутилган кимхоб тўн кийиб, белидаги олтин камарга кумуш қинли жазоир қилич оққан, бошига оқ шоҳидан салла ўраб, оёғларини кумуш узангига тираган...»

Мана шу тартибда ёзувчи ўша замон бекларининг устки кўринишларини кўрсатиш билан тарихий музейларни эслатади. Ўша замонасининг қўшунларининг кийимларини, халқ кийимларини ҳам алоҳида хусусиятларигача кўрсатиб чиқади. А.Қодирий Азизбекнинг қипчоқлар устидан олган ғалабаси натижасида қандай кайфият ҳосил қилганини ўз томонидан тарихий бир факт ўлароқ ёзиб чиқади. А.Қодирийнинг тасвирлаб берган хонлик, беклик даврининг иморатлари, кўринишлари, кийимлари албатта тарихий ҳақиқатга яқиндир. Аммо воқеалар устида бундай ҳукми чиқариш унча тўғри бўлиб етмайди. Ёзувчи томонидан баён қилинган тарихий ҳодисаларнинг аксариси обдан бўлиб ўткан қипчоқ билан қорачопонлар орасидаги бекларнинг ўзора урушларидан бир қисми тўғри кўрсатилган. 20-21-бобни ўқиб чиққанингизда кўз олдингизда тарихий манзаралар ўтиб туради. Аммо ўқувчида шу подшоҳларнинг орқасидан эргашиб кетгудек қизиқиш, берилиш пайдо бўлмайди.

Чунки воқеалар оломоннинг тўполонлари ёзувчи томонидан тарихий хрўника равишда тизилади. Аммо Отабекнинг ҳаракатлари, сўзлашиш пайтлари ўқуғанингизда берилиб кетасиз. Балки унда айрим одамларнинг ички рухий кечирмиш ҳоллари бирга олиб борилади. Тарихий воқеаларни хрўника тусида рўйхат қилиб, шу асосда ўзининг тарихини таҳлил эткан фикрларини асослайди. Аммо санъаткор шу воқеаларнинг атрофида суратлар (образ) ижод қилиб ўқувчининг бутун диққатини воқеаларни кўрсатишда А.Қодирий бундай бадиий усулни ишлатмайди. Отабекнинг ҳаётига, курашига, келажакка тааллуқли бўлган ҳодисаларнигина тарихий испирафка тарзида картина каби кўрсатиб ўтади.

Хрўникачиликни тубандаги мисол билан яна очиқ биламиз.

« – Уйинг куйсин, мусулмонлар! Яхши деб йўлида жон берганинг Азизбек бу кун сенларга яхшилиғингни ўттуз икки танга солиқ билан қайтармоқчи бўлди. Ҳозир сенларга икки йўл: ўғул, қизингни сотиб бўлса ҳам ўттуз икки тангани Азизбек хазинасига тўлаш ёки эс борида этакни ёпиб Азизбекни орадан кўтариш... Уйинг куйди, мусулмонлар!»

Азизбек аркидан хафаланиб чиққан Юсуфбек ҳожи отга миниб олиб тангликда турган халққа хитобан юқоридағиларни айтиб даъват қилади. Бу нарса шундай фавқулодда тус оладики, Юсуфбек ҳожи ҳеч бир тайёрликсиз қўққисдан жарчиликка бошлайди.

Бундай катта ижтимоий ишнинг тайёрликсиз, маслаҳатсиз бошланиши ҳеч мумкин бўлмаган нарсадир.

«Халқ Юсуфбек ҳожидан бир зарра ёмонлик ёки бўлмағир бир кенгаш эшитмаган ва шунинг учун ул қаёққа юрса, шу ёққа боришқа ҳозир турар эди. Айниқса ўттуз икки танга довуғи гузар аҳлининг юракларини уюшдириб, буни эшитиш биланоқ исёнга қўл қўйдилар».

Шу билан оммани Юсуфбек ҳожи каби исён бошлиғи бўлмоқчи бўлган кишига халқнинг қарашини ёзувчининг ўзи тарихий испирафка бериш билан онглатади. Озгина жарчиликдан сўнг халқнинг бирдан исёни бошланиб, уруш бўлиб кетади. Азизбек қўшуни билан халқ орасида катта тўқунишлар бўлади. А.Қодирий тубандагича шаклда дасталаб чиқади:

«Эски Мискарликда икки тараф ҳам тонг отдирдилар. Эрта-лаб яна қонли урушлар бошланди. Аммо халқ энди ўзини анча

тутиб қолган ва ҳар дақиқа тўрт тарафдан янги кучлар олиб турар эди. Шунинг учун сипоҳлар бир одим илгари босолмай қолдилар. Аммо халқ сипоҳларни босса босқундек товранар эди. Бу ҳолдан ниҳоятда бўғилган Райимбек дотқо қилич яланглаб, сипоҳлар олдида оломонга қараб югурди. Бироқ унинг бу ғайрати ўзи учун ҳалокат билан натижаланиб, Уста Мўминжон исмлиқ милтиқ устасининг отқан ўқи билан кўкрагидан яраланиб йиқилди».

Бутун 21-боб мана шундай хрўникага бағишланган. Бундан бошқа Қўқон хонини ва унинг ўрдасини, либосларини, у ерга бўлган воқеаларнинг ҳам тасвири асосан юқоридағичадир. А.Қодирий рўмоннинг учинчи жузъида тарихий воқеаларни яна рўйхат қилишда давом қилади. Қипчоқлар билан қорачопонлар (ўзбеклар) орасидаги низонинг сабабларини таҳлил қилмаган бўлса-да, ур-йиқит олдидан бўлган тайёрлиқ кенгашларини қисман кўрсатади. Умумий халқда ва ҳукмдорларнинг аксарида қўзғолон Мусулмонқулга қаршилиқни уч-тўрт саҳифалаб сабаблари билан ёзиб чиқади.

«Мусулмонқулнинг аҳоли устига бўлган жабру зулуми ҳаддан ташқари кетди. Унинг истибдоди ўзга шаҳарларга унча сезилмаса ҳам, аммо марказ – Қўқон одамларини жуда тўйдирди. Унинг ўз кайфича ойда эмас, ҳафтада солиб турган солиқлари фуқаронинг терисини шилса, арзимаган сабаблар билан қорачопон бекларини осдириб, кесдириб туриши хосни ҳам эсанкиратди.

Отиғағина хон бўлиб ўлтурғучи Худоёр ҳам осдириш, кесдириш ва ёрлақаш ўз ихтиёрида бўлган Мусулмонқул майдондан олинмаган фурсатда ўзининг кўғирчоқ сифат юраберишини тушунди. Кўбдан бери унга юрагида кек сақлаб келиб, аммо не тариқада нажотка чиқишини билмади. Чунки ул суянадирган Қўқон бекларини «мана» деганлари Мусулмонқул ва кишилари (қипчоқлар) томонидан осилиб кесилганлар, қолганлари товуш чиқаришга мажолсиз эдилар. Атроф шаҳар ва қишлоқ беклари ҳам аксар қипчоқлардан, яъни Мусулмонқулнинг ўз одамларидан, улардан иш кутиш яна мумкин эмас».

Учинчи бўлимнинг бошланиши мана шундай бошланади. Бундай ҳолат аксари бобнинг бошида ёки охирида бор. А.Қодирий тарихий тасвир усулини қўллағанда ҳам, тўла тарихчиликка тушиб кетмайди. Воқеа жойларини, турмушни,

хаётни тасвир қилса-да, иқтисодий, жуғрофий қурилишга тўхтамаган. Ё бўлмаса жиддий равишда бадиий-адабий тасвир беришга киришиб кетмайди. Эски ҳаётни, кундашликни, оилавий турмушнинг ҳрўникаларини соф тарихий қилиб эмас, бадиий-адабий суратда кишига таъсир қиларлиқ қилиб бера билган. Баъзи ўринларда тасвир даҳшатланиб кишида ҳаяжон пайдо қилади. А.Қодирийнинг тарихчилиги илмий асосда бўлмай эски қариларнинг, айниқса отасининг эсдалигига асосланғандир. Рўмоннинг гоҳ жойларида муҳаррирнинг ўзи отасининг таас-суротларини эслайди. Рўмоннинг иккинчи бўлимида Тошкентга Нормухаммад қушбегининг тайинланиб келиши ва унинг олдида Юсуфбек ҳожининг обрўлик киши бўлганини ёзади. Шунда Нормухаммад қушбегини қайси йилдан, қайси йилгача беклик сўрганлиги тўғрисида тарихий испирафка беради:

«Замона бекларининг хушёрроғидир. Отам хон замонларида ўзи кўриб, кечирган ўнлаб беклар ичидан шу Нормухаммадни чиқариб: «Юртни тинч тутди, кўп яхши одам эди, Худо раҳмати, деб қўяр эди».

Шу мазмундаги жумлани бошқа ўринда ҳам ўқишга тўғри келади. «Юқорида Отабек томонидан олинган мактубнинг ҳақиқати мана шу йўсин хиёнатнинг натижаси эдиким, биз унда хиёнат қаҳрамонлари билан ўқувчини таништирамиз».

Бу билан ёзувчи ўзини сўқади. Аммо бундан ўқувчи бир чақалиқ ола олмайди. Худди ширин ошдан катта тош чиққандай туйилади. Бундай ўринсиз, асарнинг қийматини туширадиган ортиқча тарихчилик асарнинг ўрталарида, яхши жойларида ҳам келади.

«Мен – ёзғучи «Ўткан кунлар» ҳикояларини отам марҳумдан неча қайталаб эшитсам ҳам зерикмас эдим, фақат бир жойигина мени зериктирар эди. Бу кун мен шу «Ўткан кунлар»ни қаламга олганимда ҳам ўша ўзимни зериктирган фаслини ташлаб ўтишга мажбур бўлдим. Дарҳақиқат, ўз орамизда кундаш жанжалини ким билмасин? Арзимаган гап устида дунё бузган кундаш тўполонлари кимнинг қулоғига ёқсин? Ўқуғучининг қимматлик вақтини аяганимдек, қаламни ҳам бу ғиди-бидидан озод қилишни мувофиқ кўрдим. Мени кечирсинлар».

Демак, ёзувчи ўзининг тарихчилигидан кўпрак отасининг хотираларига таянган. Аммо А.Қодирийнинг отаси замонларида ким бўлиб қандай ижтимоий гуруҳ ичида яшаган бўлса,

ўша нуқтаи назардан хотира айтиб бергандур. Аммо бундай ота эсдаликлари ҳақиқий тарихий воқеаларни кўз олдимизга ойнакдек равшанлаштириб бера олмайди. Шунинг билан баравар санъаткорлар учун қариларнинг эсдалигига таяниб ўз рўмонини бадиий ишлаб чиқариш, тарихий бир ҳақиқат қилиб бериш мумкин эмас. А.Қодирий рўмонида доирани тор олган. Катта, кучлик санъаткорлар тарихий ходисани ўқувчига тарихчилик усулида, яъни тарих хрўникаларидан бошлаб, сўнг қаҳрамонларни жонлантиришга қараб бормайдилар. Балки тарихий фактларни айрим қаҳрамонларни шу воқеалар айланасидаги сезгилари, руҳий ўзгаришлари, ҳолатлари орқали кўрсатади. Тарихий адабий асарда бадиий усул албатта шундай бўлади. Аммо «Ўткан кунлар» рўмони билан А.Қодирий бундай юқорилашга эриша олмаган.

МУДДАОСИНИ ЎҚУВЧИГА ЎТКАЗИШ (ДИДАКТИКА)

А.Қодирий «Ўткан кунлар» рўмони билан айткуси ва тушунтиргиси келган муддаоларини, фикрларини ўқувчига таъсирли ўтказиш ва тўғрилиғига ишонч қозонтириш учун турли йўллар билан ўзини мундайроқ ушлайди. Ўзининг тарихчилик усулининг давоми ва қўшимчачиси қилиб дидактика усулини қабул қилган. Ўтмиш воқеалар ва фактларнинг, ўзгаришларнинг сабабларини ўзи кўбрак тушинтиради. Лекин ўша воқеаларни изоҳсиз тушинишка имконият берадирган санъат ижод эта билмаган. Ходисаларни, воқеаларни, ўзгаришларни ёзувчи ўзи тушунгандек баҳо бердириш учун ўзидан узун-узун мулоҳаза, изоҳлар қўшган. Шу билан ўзининг нуқтаи назарини ўқувчига, унинг онгига, ҳиссига суқади. Тасвирлаб берган тарихий воқеаларига, ўзгаришларига ўқувчилар ёзувчини ўз муддаосидай тушуниб баҳо қўйиш учун ўзи сабабларини кўрсатиб кетади.

Эски турмиш ҳаётини, оилани, кундашликни кўрсатар экан, ҳамма вақт қарама-қарши ҳаракатда бўлган ўзгаришларнинг сабабларини баён қилади. «Ҳасанали ўткан фаслда Ҳомиднинг ўз оғзидан хотинлариға қарши қамчи ишлатканини эшиткан эди» деб, ёзувчи Ҳасаналининг Ҳомидға қарши гапининг бежиз эмаслигини онглатмоқчи. Ижтимоий, сиёсий ўзгаришларга Отабекнинг қандай қарашини тушинтиради. «Мусулмонқул

Нормухаммад қушбегига беш минг сипоҳ кўшиб Тошканд устига жўнатқан». Бундай хабарнинг Марғилон халқи орасиға киргандан кейин халқ орасиға нима учун шов-шувга сабаб бўлмаганини, ёзувчи шундай бўлса-да бу хабарнинг Отабекка бошқача таъсир қилиши лозимлиғини исбот қилади.

«Аммо биз Отабекни бу тўғрида халқ билан биргалаштира олмаймиз. Чунки ул бу хабарга совуққонлиқ билан қарай олмас эди ва қарай олмади. Бу хабарни эшитар экан, еб тургани оғзида, юткани бўғзида қолди: бундай ўзбошимчалик орқасидан ўзининг очик кўзи, ўткир зехни орқалиқ мудҳиш, фалокатлик манзаралар кўрар, миллатини, халқини – мусулмонини кўркунч жар, тегсиз жаҳаннам ёқасида, йиқилиш олдида топар эди-да, сесканиб «Ўзинг сақла, Тангрим!» дер эди. Бу хабарни эшиткандан сўнг гангиб эсини йўқотди.

А.Қодирий Отабекнинг бошқа халойиқнинг фарқини, бундай ижтимоий ўзгаришка бошқача нуқтаи назарда бўлишини «очик кўзи, ўткир зехни»дан деб тушинтиради. Аммо шундай «инқилобий» Отабек отасидан келган ҳаяжонли хабарни виждони қийналиш ичида ўқиб чиқибди. Амалий ишка интилишка ўйламайди. Фақат ҳаяжонли тусда Азизбекка қарши «ихтиёрсиз «тулки» деб юборди», «...босилмағунча Тошкандка келмаслигинг маслаҳатдир! Бу жумлани ўқуғанда: – ундоғ бўлса сира тинчимангиз, – деди-да, ёвошғина илжайиб қўйди...»

Бу билан Отабекни ижтимоий, сиёсий ишка амалий аралаштиришдан четда олишға сабаб қилиб Марғилондағи сизга маълум бўлган илинжини кўрсатади. Қули – Ҳасанали жуда ортиқ даражада қуллик вазифасидан оталиқ даражасига миниб кеткан. Отабекка худди ўзининг ўғли каби қарайди. Отабек Ҳасаналини қул қилиб ишлатмай, балки ота ўрнида кўради. Ҳасанали Отабекка ва унинг оиласиға қул бўлса-да, ёзувчи уни ота ўрниға кўтарган. Ва бу – «пастдан юқорига кўтариш» мантиқий чиқсин учун:

«Ҳасаналини болалиқ вақтида Эрондан киши ўғирлаб келгучи бир туркман қўлидан Отабекнинг бобоси ўн беш тилла барбарига сотиб олган эди. Ҳасаналининг Отабеклар оиласида қулликда бўлганиға элли йиллар чамаси замон ўтиб, энди Отабеклар оиласининг чин бир аъзоси бўлиб кеткан. Хўжаси Юсуфбек ҳожига, айниқса хўжазодаси Отабекка итоат ва ихлоси том бўлиб, бунинг эвазига улардан ҳам ишонч ва ҳурмат кўрар эди.

Ҳасанали ўттуз ёшлиқ вақтида сотиб олинган бир чўрига уйлантирилган бўлса ҳам, аммо ўғул-қизлари бўлмаган, бўлсалар ҳам ёшлиқда ўлиб кетканлар. Шунинг учун бўлса керак, Отабекка ихлос қўйиб, унга ўз боласи каби қарар: «Ўлганимдан кейин руҳимга бир калима Куръон ўқуса, бир вақтлар Ҳасанали ота ҳам бор эди деб ёдласа, менга шуниси кифоя» деб қарор берган ва ҳозирдан бошлаб Отабекка сипоришлар бериб, ундан самимий ваъдалар олиб юрғучи оқ кўнгиллик бир кул эди».

А.Қодирий яна таъсирли жумлалари, жумлани ҳаяжонли туза билиши билан яна ўқувчиға таъсир қилишға, фикрини ўтказишқа уннайди. Шунинг учун Ҳасаналининг аҳволи руҳиясини ўзи баён қилиб чиқади:

«Бу хабарни эшитиши билан Отабекда кўриладирган ўзгаришларни, ҳолларни, ҳаракатларни... Барчасини бирма-бир кўнгилдан кечирар эди. Бу гапни эшиткач, ҳафталаб хужра ичидан чиқмай ётқан бекни кўчаларда, бозорларда, қутидор уйларида шодланиб, руҳланиб юргангани кўрар эди. Бу ўйларни тугатқандан кейин унинг кўзлари уйқу сари юмила бошлаб, қаршисиға Отабек келиб тўхтар эди: «Ота, мен сизнинг бу қилган яхшилиғингизни сира унутмайман» деб, миннатдорлик қилғандек бўлар эди. Ҳасанали уйғониб кетар ва қайтадан шу тўғрида ўйлаб бошлар эди. «Бечора суйганинг тўғрисида ўйлай-ўйлай бошларинг оғриб, оҳлар тортиб ётадирғандирсан... Ердамчинг йўқлиғидан умидинг кесилиб, ҳасратингни кимга айтишни билмайдирғандирсан. Қайғирма бегим. Ҳасанали отанг у тўғрида ҳам сени ёдидан чиқармади... Бу кеча сенинг қайғулиқ кечаларингнинг энг кейингиси ва ойдинлиқ ҳам шеъриятлик тунларингнинг арафасидир, бегим». «Ҳасаналининг кўзлари тагин уйқуға кетар, қаршисиға Отабек билан кўҳлик, кўркам бир қиз келиб чиқар ва иккиси унга қараб илжайишар эдилар: «Бизнинг чин отамизсиз» дегандек бўлар эдилар».

Бундан бошқа рўмоннинг кўб бобларининг бошланиши ва охири мана шундай қарама-қарши қўйиш, дардли, таъсирли муболағалар билан тўлади. Бундай усуллар рўмонтиқ ёзувчиларнинг севган усуллариدير. Ҳатто ўзи айрим қахрамонларини ҳимоясига олади: «Тўғриси ҳам, Отабек ичкиликдан қаттиқ ҳазар қилар ва бу кунгача майни ўзига душман каби кўриб келар эди» деб ёзувчининг ўзи гувоҳлик бериб кетадиган ўрнини анчагина учратамиз. А.Қодирий ўз лирикаси, ўз севган усули, яъни одамларнинг феълени, ҳаракатини бир-бирига қарама-қарши

қўйиш, дардли, таъсирли, муболағали тасвир қилиш усулини яна ойдин очиб берадирган мисолни узоқ бўлса-да келтирамиз: «Отабек ҳамон сукутда, Ўзбек ойим бўлса боши билан «шундоғ» ишорасини берар эди. Юсуфбек хожи юқорида ўткан гапларни куруқ ва асоссиз сўзламаган, балки шу турмушнинг рукн ва асосини бир даража айтиб ўткан, Отабек эса буни шу муҳитнинг бир ўғли бўлиб эшиткан эди. Тўғриси ҳам дадаси томонидан сўзланган ҳалиги қонунга қарши чиқиш учун лозим бўлган кучка молик эмас; бас, кучсизликнинг натижаси эса сукут эди. Ул бир томондан шундай орзу-ҳавас учун бола ўсдирган ота-онани мукофотландирмакчи ва отаси айткан хижолат чекдирмайтурган ўғуллардан бўлмоқчи эди эрса ҳам, иккинчи ёқдан ўзини асир эткан шахло кўзлар унга нафратланиб қарагандек бўлурлар, гўёки вафосиз, ваъдасиз, деб қичқирарлар эди. Тўғриси ҳам уни ота-она мукофатига қарши оёқландирмоқчи бўлган нарса ҳалиги кўзларгина, аммо унинг исённамо ҳаракатидан бошқа унсурлар қидириш ва чиқариш ўринсиз тушар эди. Ота-она орзусини ифо этишдан бир сония ҳам ўзининг кўз ўнгидан хаёли кетмаган анув илоҳий муҳаббат учун ҳеч бир турлик камчилик келмасига ишонса ҳам, ҳозир унинг юрагини бошқа бир ҳақиқат тирнай бошлаган ва виждонини фақат шу масалагина ўраб олган эди. Отабекча энг нозик саналган бу масала қаршисидаги жавоб кутиб ўлтурғучиларни ниҳоят зериктирди».

А.Қодирий учун Отабекнинг бундан сўнгги ахлоқий ҳаракатларни қилишга мажбур қилган сабаблар мантиқий эканини исбот қилиш керак. Чунки кўкларга кўтарилиб мақталган «виждонли», «доно» Отабек севганига хижолат қилиш олдида туради. Ёзувчи Отабекни чиндан-да ахлоқли, виждонли, доно, яхши йигит эканини ўқувчиға тушунтиргуси келади. Тушунганда ҳам А. Қодирий муддаосидек тушунилиш учун ўзини кўб уннатади. Шунинг учун узоқ-узоқ изоҳлар, ҳикоялар, ортиқча гаплар тўқиб юборган.

Рўмантик (кайфиятли одамларни бир-бирларига солиштириб) тасвирлаши ўринли-ўринсиз муболағалари ичида ёзилган муҳаррирнинг ўз сўзларидир.

Тўққизинчи фаслда Юсуфбек хожи, Ўзбек ойим ва Отабек устида шундай ҳолни жуда равшан сезамиз. Айниқса ёзувчи ўзининг бош қаҳрамони Отабекнинг ичкилик билан шуғулланиб, ахлоқсизлик кўчасига онгсиз кирганини айтиб, яна Ота-

бекга ўқувчининг муҳаббатини оширишга тиришади. Ўн биринчи фаслнинг бошидан ўқуй бошласангиз, А.Қодирийнинг ўқувчиға тўла таъсир қилиш учун «мусулмонобод» вақтида майхоналарнинг нима учун бўлганини тушунтириб, яна ўз кўз қарашини тасдиқлаб олишини кўрасиз. Зайнабнинг Кумушка қиладиған кундашлик жасоратини (Кумушка заҳар бериш) бирдан кўрсатиб қўйиш ёзувчиға керак бўлған. Аммо бунинг учун ўқувчиларга ишонарлиқ даражада исботлар келтириш керак. Шунинг учун А.Қодирий Зайнабқа гап ўргатадиган Хушрўйнинг характерларини бутунлай ортиқча муболағали қилиб бўлса-да, Зайнабқа қарама-қарши қўйиб тасвирлайди. Зайнаб «минғаймас, писмиқ», ҳамма вақт бутун заҳрини йиғиб туриб сочадиган қиз. «Отабекнинг Зайнабқа бўлған муносабатини ўқуғучиға сўзлагулуги йўқ эди. Эри унга ойлаб, йиллаб қарамай қўйғанида ҳам у их деб товуш чиқармади». «Биз юқорида ёш Хушрўй билан ўқуғучини бир даражада танишдирған эдик. Энди унинг оила ҳаёти билан ҳам танишдиришка мажбурмиз».

Ёзувчи шундай қилиб ўқувчини қандайин ўхшатишлар, қарама-қарши қўйишлар, ва ҳатто муболағалар билан бўлса-да ишонтиришка тиришади.

«Ҳаракати енгил», «лавзи тез», «шаддод», хулласи, замонасининг ортиқча героина қизларидан хисобланадиған Хушрўй синглиси Зайнабда тўпланған ғзабини катта қилиб сочишға даъват қилиб, сўнгра қайтариб юборади. Шу билан бир қарашда ёзувчи «Ўткан кунлар»нинг тамомланишини жуда даҳшатли, ишонарлиқ чиқаришға муваффақ бўлған.

Рўмоннинг қатор жойларида қарама-қарши қўйиш ўхшашли кўчим (истиора-киноя) билан уста ёзилған.

Дидактика равишда ёзувчининг тиқилиб, оралашиб кириши яна бошқа приёмлар орқали ҳам амалга оширилади. Қизик, ажойиб фавқулоддалар киритув приёмини қўллайди. А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар» рўмонида бундай ҳол анчагина ўрини олади. Отабекнинг биринчи марта ўлим кўрқинчи вақтида дарҳол отасидан келған хат топилиб қолади. Кумушбиби хат билан Отабек осилмасдан бир нафас илгарирак кушбегига етиб келади. Иккинчи марта Мусулмонқул Отабекни жаллодға топширмоқчи бўлиб турған вақтда Ҳасанали қўлида қоғози билан Тошкандан келиб қолади. Қутидорнинг уйдан қувланиб от бошини бўш қўйиб юборғандан кейин оти Отабекни тўғри уста

Алимнинг уйига олиб бориб қўяди. Уста Алимнинг бошидан ўткан ҳикоялар Отабекнинг кўнглини эритарлик бўлиб чиқади. Шу ерда уста Фарфи ва уста Алим ва ёш бола Сайфи орқали Комилбекнинг ўлдирилгани билинади. Ўтмиш сирларни, Ҳомиднинг жиноятини аниқ билиб англаб олади ва шу каби қизиқ, ажойиб фавқуллодлар рўмонда анчагина бордур. Буларнинг ҳаммаси А.Қодирийга нима учун керак эди? Бу билан қандай натижалар чиқармоқчи? Очиқ айтиш керакким, бундай усул ёзувчининг келгуси натижалар чиқариши учун керакдур.

Гавдалантирадиган ҳодисалар ва қаҳрамонлари орқали кишига ахлоқий тарбия беришни кўзда туткан. Шунинг учун ўз нуқтаи назарида айрим ахлоқий натижалар чиқаради. Ёзувчининг ўз муддаоларини ўқувчиға ўтказиш учун ишланган санъати, ахлоқи, тарихий дидактикаға ўз ўрнини бўшатиб берган. Рўмонтиқ ёзувчиларнинг хусусияти, мантиқий фикрлаш, гавдалантириш бўлмай, дардли, даҳшатли, таъсирли декламатсия шаклини олиб кетади.

Отабек уста Алимнинг ховлисидан ташқари боғиға ғамгин бўлиб кирган вақтидаги тасвирни мисолға олиш мумкин.

«...Унинг кўнгил меваси бу кунги қора воқеа билан қандай ўралиб, йўқолиб кеткан бўлса, бундаги дарахтлар ҳам ўз меваларини кеча ранги билан бўяб, яшил япроқлари ила кўмган эдилар, яъни бунда ўскан дарахтлар қандай мева берадир – ажратиш қийин эди. Ул шу қоронғизор билан қўшилишиб кеткандек ва қоронғилиқнинг қучоғиға кира боргандек мевазорнинг ичкари-сига юруй борди. Ва ниҳоят бутоқлари бағрига солиниб тушкан бир дарахтнинг остиға ўлтурди ва бу ўлтуришда узоқ фурсат қотиб қолгандек ҳаракатсиз эди. Ўн беш дақиқалардан сўнг ичига ел қамалган пуввақдек уфф-ф этиб юборғач, ўрнидан турди».

А.Қодирий рўмонида ўз нуқтаи назари билан тарихий одамнинг тарихий воқеалардаги рўлиға тўхтайтиди. Воқеаларда, курашларда тарихий шахсни ҳур ва шу шахсни ахлоқий масъулиятлик қилиб кўрсатади ва шуни исбот қилишға киришади. Ҳақиқатда А.Қодирий тарихий кишиларға ва уларнинг ижтимоий рўллариға нотўғри баҳо берган. Асосий қаҳрамонлари кўбда ижтимоий ҳодисаларда, «инқилоб»да иштирок қилмайдди. Кўбрак оилавий можароларда кўринади. Бинобарин, рўмон ҳам тарихий оилавий рўмон тусини олиб кеткан. Шу шароит ичидан тор рамкада ҳаракат борганидан ёзувчининг катта ижтимоий ҳодисаларға қандай қараганиға оид мисоллар кел-

тириш қийин. Ёзувчи ўз рўмонида ахлоқли, инсофли кишининг суратини ахлоқсиз, ёмон кишига, суратка қаршилаштириб ахлоқий, тарбиявий натижа чиқаради. Шу йўлда рўмондаги мантиқсизлиқларга ҳам эътибор қилмайди.

«– Эрга ким тегадир?

– Кумуш.

– Кумушбиби куявни ёқтирадирми, йўқми? Бу тўғрида унинг фикрини билиш керакми, эмасми?

– Сўзлаш ҳам керак эмас, билдириш ҳам.

– Нега?

– Чунки одат шул! Кумуш ота-она ёқтирған кишига рози бўлиш учун мажбур».

Бу ерда биз Кумушни кўндиришга тиришмасдан тўғридан-тўғри эрга берилишини кўрамыз. Аммо иккинчи бўлим 98-саҳифани очиб қарасак, аксинча, Кумушнинг ризолиғининг катта ўрун тутқани очик билинади. Ёзувчи бу аҳволни мантиқий ёқдан нотўғри бўлмай, тўғри қонуний эканини исбот қилиш учун ўз томонидан анча тасвирий сўзлар кириткан. Ўзининг сўққан, яъни отасининг кўнгли бўш, қизига раҳмдил, ҳолига ачинадиган қилиб ёзади. Албатта, бу билан шариат қонунлари эски одатлар ва шу асосга қурулған қутидор оиласи ўзгарган бўлмайди.

А.Қодирий бундай қарама-қаршилиқлардан билиб туриб тамоман кета олмайди. Агарда бундай мантиқий боғланмаслиқлардан рўмонини кутқазмоқчи бўлганда рўмонининг бутун асосий иплари чувалиб кетар эди. Чунки, унда қарама-қарши қўйиш билан ахлоқий – тарбиявий натижалар чиқариш мумкин бўлмай қолар, рўмоннинг тубги муддаосига эришмак ёзувчи учун мумкин бўлмаган бўлар эди. А.Қодирий санъаткорнинг кўрсатиш, гавдалантириш усулидан кўра журналистнинг, тарихчининг ёзиш усули билан рўмон ёзиш яхши ишонтирарлик бўлиб чиқади, деб билган. Шунинг орқасида ёзувчининг тарихчилик сифати санъаткорликни сиқиб чиқарған. Бадиий чиройли асарнинг қон томири албатта суратлар билан гавдалантиришдир. Бунга А.Қодирий унча ишониб етмасдан, яъни суратлаш билан (қаҳрамонларни ҳаракатка солиш билан) кифоя қилмасдан, бадиий ижодчиликга бутунлай ёт бўлған тарихчилик ва дидактика усулини қабул қилиб ишлатипти.

Тарихчилик ва дидактика (муддаони исбот қилиш учун ўзни сўқиш) бадиий асарнинг гўзаллик таъмига катта халал

бериб, публисистикага ёндаштириб қўяди. Аммо дидактика-сиз ёзилган асарда фикр ва ташвиқ қилиш бўлмайди, деб айта олмаймиз. Бошқа адабий приёмда ҳам ёзувчилар синфий, фикрий манфаатни кўзда тутадилар. Аммо синфий фикрни ўқувчиға ўтказишда ёзувчилар турли йўллар, приёмлар қўлайдилар. Ҳар хил кийинтирадилар.

«Ўткан кунлар» рўмони бадиий қийматга эга бўлмаган бўлса, яъни бадиий асарни бузадиган тарихчилик ва дидактика усулини қўллаган бўлса, нима учун бунчалиқ муваффақият қозонади? Маълумки, «Ўткан кунлар»ни бутун ўқувчиларнинг кўпчилиги берилиб, қўлма-қўл қилиб ўқуйдилар. Юқоридаги катта нуқсонлардан қатъи назар, яхши тарқалди. Бунинг сабаби рўмончиликнинг «Ўткан кунлар»гача ўзбек адабиётида бўлмаганлиғи, тарихий мавзудан олиб-да кўпрак бу кунги таниш оилавий ҳаётни, ичкарини тасвирлаб ёзиб беришидир. Бунга қўшимча тили эътибори билан янгиликдир. Яна энг муҳими шуни айтиш керакким, ўзбек адабиётида «Ўткан кунлар» биринчи рўмонтизм мактабининг намунасидир. Унга қарши реализм асосида рўмон яратилгани йўқ. Оилавий ҳисоботнинг, ичкарининг тасвирига киришканда, кечаги ўзбекнинг оилавий турмуши гавдаланади. Рўмоннинг шу қисмларида ҳақиқатан реализм бор. Ҳозирғи ҳаётимиз учун, айниқса, шаҳар майда савдогарлар ва зиёллари учун рўмон жуда қизиқ кўринган. Аммо деҳқон ўқувчилари ичида унча муваффақият қозона олмади. Чунки уларда учрайдиган даражада оилавий ҳаёт кўрсатилмаган. «Ўткан кунлар»даги кундашлик юқори табақадаги кундашликнинг шаклий кўринишидир. Биздаги бадиий ва фикрий талаблар ўса борган сари бизга рўмоннинг нуқсонлари асарнинг узоқ умр кўриши учун катта тўсқун бўладилар.

Ўзбек адабиётида реализм мактаби юксалиб ўз рўмонини яратқан сари «Ўткан кунлар» йироқлашади, тарихийгина қиймати қолиб, бадиий қиймати сўнур.

ҚАРАМА-ҚАРШИ СОЛИШДИРИШ

«Ўткан кунлар» рўмонида очикдан-очик, қарама-қарши қўйишнинг кучли эканини кўрамиз.

Бу А.Қодирийнинг адабий усулларининг асосий қисмини ташкил қилади. Рўмонда иштирок қиладиган қаҳрамонлар-

нинг характерлари ва жойлари бир-бирига қарши қўйилган. Биз бундай қарама-қарши қўйиш усулини рўмонда асосий марказий чизик эканини кўрамиз. Тубанда биз бу усулнинг (приёмнинг) қўлланилгани ва бу усулнинг яна қандай адабий усуллар билан ёндашиб келишини аниқлаймиз.

Вақт

А.Қодирий мавзуъни ўтмиш замонда «яқин ўтган кунлар»-дан, хон замонларидан белгилайди. Бундан 83 йил илгари бўлиб ўтмиш ҳаётни гавдалантиришга уннаган.

Воқеа 1264-нчи ҳижрия далв ойидан бошланиб, 1267-нчи йилнинг охирига – кузга бориб тамом бўлади. Янги йил ҳисоби билан олганимизда воқеанинг бошланиши 1846-нчи йил январ ойига, тугаши 1849-нчи йилнинг кузига тўғри келади. Гарчи ёзувчи рўмоннинг охирида Отабекнинг ўлими тўғрисидаги хабарнинг 1277-нчи ҳижрияга, ота-онасига билингани, сўнгра азавозлиқнинг бўлгани тўғрисида хабар берган бўлса-да, биз уни эътиборга ололмаймиз. Чунки воқеанинг битиши 1277-нчи ҳижрияга эмас, балки 1267-нчи йилга тўғри келади. А.Қодирий шу уч ярим йил орасидаги воқеани жуда тор рамкада олган. Бу вақтда бўлган ғазотлар, урушлар, бош кўтаришлар, хонлар, беклар ҳаёти устидан чапчиб ўткан. Демак, «Ўткан кунлар» ўзининг олган даврини бир мунча бўлсада тўлароқ кўрсаткан эмас. Бунисини ҳам айтиш керакки, бу вақтларда катта инқилобий қўзғолон бўлмаган бўлса-да, ўзора ўзбек – қипчоқ жанжали кучли бўлганлиги маълум. А.Қодирий фақат ўша даврнинг бир қисми бўлган савдогарнинг оилавий турмушини олиш билан кифояланган, холос. Умуман қараганда, олган рамкаси жуда тордур.

1846–1849-нчи йиллар қандай йиллар эди? Бу ерда рус истилосидан беш-олти йил бурунги Туркистонга бир назар солишимиз лозим. Ҳозирги Ўрта Осиёнинг асосий жойларида XVI асргача савдо сармоёси жуда куч олган, гуриллаган эди. Бунинг орқасида уюшкан, марказлашкан давлат, яъни машҳур Темуррийлар ҳукумронлиги мана шу даврда бўлгандур. Бу вақтларда Шарқ билан Ғарбнинг савдо йўли бўлиб, Ўрта Осиёда танилган эди. Шунинг учун бундай жуғрофий шароит савдо сармоёсининг кучайишига кенг имконият бериб, Ўрта Осиёда савдо

сармоясини ривожлантирган. Қачонки XVIII асрларда Шарқ томон денгиз йўллари очилгач, Ўрта Осиёнинг қуруқ йўлига эҳтиёж қолмади. Техниканинг тараққий қилиши орқасида сув йўли жуда қулай ва арзон бўлиб кетди. Шундан кейин Ўрта Осиёнинг ишлаб чиқариш кучлари орқага кетиб, савдо капитали тушкунликка – таназзулга қараб кетди. Мамлакат ҳар томондан қоққаниб, харобланиб, давлат қурилишлари ҳам майда-чуйдага бўлинган.

Бинобарин, иқтисодий, сиёсий турмуш асосан ўзгарди. 1840–1850-нчи йиллар тамом мамлакатнинг қоққанибда эзилиб қолган бир вақти эди. Бу вақтларда халқ хўжалигининг тараққиётида тўсқунлик катта бўлган, феодал усулидаги ишлаб чиқариш шароити мамлакатни қоққанибдан қутултира олмай, капитализмнинг ўсишига катта эҳтиёж тушиб қолган бир вақт эди. Феодализм қуллик хўжалиқ усулидаги ишлаб чиқариш ўз ўрнини капитализм усулидаги ишлаб чиқаришга бўшатиб бериши лозим эди. Мамлакатни қоққанибдан қутқизиш, капитализмни тез тараққий қилдириш бу даврнинг инқилобий вазифаси бўлиб турди. Бу вазифа капитализмнинг тез тараққийси билан ҳал бўлиши мумкин эди. Бунинг учун Ўрта Осиё хўжалиғи дунё хўжалиғи билан бирикиши, қўшилиши керак бўлган. Аммо бунга ёмон жуғрофий шароит тўсқунлик қилар эди. Бундай тўсқунликни йўлдан олиб ташлаш, шу билан капитализмни тараққий қилдириш учун икки йўл бор эди. Биринчи йўл – ўз мустақиллиғини ўзида сақлаб қолгани ҳолда давлат қурилишини юқоридаги умумий манфаатга мувофиқ қилиб янгидан тузиш, шу билан капитализмнинг ўсишини таъмин қилиш. Иккинчи йўл – бирор капитализм тараққий қилган мамлакатнинг келиб мустамлака қилишидир. Бундай йўл билан Ўрта Осиё дунё хўжалиғига мустамлака бўлиши сифати билан бориб қўшилур. Кейинги йўл биринчи йўлга қараганда Туркистон халқи учун бир мунча азобли, оҳиста қийинроқ йўл эди. Умуман олганда, бу даврнинг инқилобий вазифаси қоққанибдан қутилиш, капитализмни тез ўстириш йўлига киришишдан иборат бўлган. Бу вазифани бажарилишида умумий аксари халқ манфаатдор эди. Озгина гуруҳни ташкил қиладиған, Русия билан савдо орқали боғланған юқори кишилардан бошқаси, Ўрта Осиёнинг мустақиллиғини сақлаш билан инқилобий вазифани ҳал қилиш учун олишар эди. Шунинг учун русларнинг келишига ва русларни келтириш томонида бўлган-

ларға кўпчилик қарши эди. Бу даврларда майдонға қўйилган «ғазот» шиори шу инқилобий вазифани аниқ ўзида акс этдирган. Яъни, бутун «нотўғри», «хақсиз»ликқа (русларга) қарши ва яқин келаёткан душманға қарши турдилар. Бу давр мана шу йўсунда шу йил бўлиб ўтмиш Масковдаги Бутуниттифоқ марксист тарихчилар қурултойида ўртоқ Галузанинг* маърузасида текширилиб юқоридаги назарий баҳони баён қилинди.

А.Қодирий мана шу «ғазот» ишлари ва ўзора тўполонларнинг кучайган бир вақтидан мавзуъ олиб ёзган ва бу вақт унга қарама-қарши қўйиш усулларида кўмакчи бўлибдир. Чунки ёзувчи қарама-қаршилиқ унсурларини излаганда бу давр унга бирмунча мос қилиб тушкан (бу ҳақда яна тўхтаймиз).

Тошкант ва Марғилон

А.Қодирийнинг олган, танлаган жойи, воқеа ўринлари ҳам қарама-қарши қўйиш асосидадир. Ундаги воқеалар, ҳаракатлар – ҳаммаси асосан икки жойда бўлиб ўтади. Тошкант – Марғилон – рўмоннинг ярми Марғилонға, ярми Тошкантга, бир қисми Кўқонға бағишланғандир. Аммо Кўқон бу ерда асосий ўринни олмай фақат ўртада тўлдирувчи, ёрдамчи ўринни олади. Нима учун Тошкант билан Марғилонни белгилаган ёки бошқа шаҳарларни белгилаш мумкин эмасми эди? Бошқа жойдан Кумушбиби каби гўзал қиз суратини яратиш мумкин эмасми эди? Ё бўлмаса, бошқа шаҳардан Отабек каби зийрак қаҳрамон, чиройли йигит (хуштор) суратини чиқариш мумкин эмасми? Бу ерда шуни айтиш керакки, ёзувчи Тошкант билан Марғилонни фавқулодда белгилаб қўймаган. Балки рўмонда яралган қаҳрамонларнинг ҳаракатлари билан бергуси, чиқарғуси келган ахлоқий тарбиявий натижани қарама-қарши қўйиш йўли билан бериш мумкин бўлсин учун олғандур. Марғилондаги давлат қурилиши билан Тошкантдаги қурилиш бир-бирига бирмунча қарама-қарши бўлиб туради. Бу албатта рўмондаги ҳодисаларнинг, курашнинг давомли, қизиқ боришида катта иш берган. Бундан бошқа Марғилонни Тошкантга қарши қўйиш ёзувчиға ноинсофлик, зулм, жабрга қарши қўйиш учун керакдур. Тошкант билан Марғилонни қарама-қарши келтириш вақтида ёзувчи бирмунча ўхшашлик кўчим сўзлар билан ҳар икки шаҳар устида тўла фикр юргизмаган.

Шундай бўлса-да бир-бири билан давлат қурулишига нисбатан чоғиштириб, ўз фикрларини баён қилади. Аммо ҳар икки шаҳарнинг сиёсий, маданий, маиший ҳаётидан баҳс очмаган. Бунинг сабаби ёзувчининг кўпрак тор рамкага, оилавий ҳаётга кириб олишидадур. Бундан қатъи назар биз Тошканти Марғилонга қарши қўйганини кўрамиз. Рўмоннинг аксари жойлари изоҳ билан тўлган бўлса-да, олган шаҳарларининг иқтисодий, ижтимоий, маданий кун кўриши тўғрисида ҳеч нарса ёзмайди. Санъаткорнинг вазифасига бундай архивчилик, испирафкабозлик кирмаса-да, А.Қодирийнинг қўллаган адабий усули (тарихчилик, дидактика) бунга ёзувчини судраши керак эди. Ёзувчи бунга эътибор қилмаслиғи билан қўллаган усулини онгсиз қўллаган, сўнгра тасвирдан четлаган деб бўладими? Албатта йўқ. А.Қодирий ўз олдида катта ижтимоий масалани қўймай, ахлоқий тарбия бериш асосида оилавий-руҳий рўмон яратқан. Шунинг учун Марғилоннинг ҳокими раҳмдил, инсоф билан иш кўргувчи, аммо Тошканти ҳокими золим, қонхўрдир. Шаҳарнинг сиёсий қурулиши билан бундай қарама-қарши белгиланиши ёзувчининг яратқан қарама-қарши қаҳрамонларининг ҳаракатлари учун қулайлик берган. Ҳар ҳолда, Тошкантининг ўша вақтда маданий, тижоратли жой бўлиб, Марғилоннинг маданиятда паст-косибчилик авж олган бир шаҳар экани очиқ маълумдир. Буни ёзувчи қаҳрамонларининг монологги, диалогги билан онглатади. Аммо сиёсий ҳокимиятнинг фарқини онглатишда қаҳрамонлари орқалигина эмас, ўзи ҳам қўшилишиб тушунтиради. Қаҳрамонлари орқали нимани биламиз? Шунни кўздан кечирайлик. Рўмоннинг биринчи бўлимининг бошларидаги 2-фасл Зиё шохичи уйида бўлган суҳбатда:

... «Акрамхожи саволида давом этди:

– Ҳокимингиз жуда золим эмиш, бу тўғри сўзми?

– Тўғри сўз, – деди бек, – Азизбек зулмидан аҳоли жуда тўй-

ган».

Бундан сўнг А.Қодирий сўзни ўзига олади:

«...Азизбек Туркистон хонлигининг энг золим, мустабид саналган бекларининг бири ва унинг ўз қарамоғида бўлган Тошканд аҳолисига қилган зулмлари Фарғонага дoston»...

« – Отангиз Азизбекнинг мушовири экан, – деди Акрам хожи, – нима учун уни бир оз бўлса ҳам йўлга солмайдир?

– Кечирингиз амак, – деб Отабек кулимсиради, – сиз отамнинг мушовирлиғини бошқачароқ онглаганга ўхшадингиз...

Отам Азизбекнинг мушовири ва яқин мусоҳиби саналса ҳам ва лекин бу жузъий ишлардагинадир. Бунинг учун сизга бир мисол келтирай, бу иш шу яқин оралардагина бўлди: Тошканддаги жумъалик гап мажлисларидан бирида бир киши Азизбекни махтар ва бу махтовга қарши иккинчиси «нега мунча махтайсан», дер... Эртасига Азизбек мазкур икки кишини ўз хузурига олдириб махтовчиға улуг мансаб ато қилар ва иккинчисини ўлимга буюрар... Бу ҳукм мажлисида ҳозир турган отам маҳкумнинг гуноҳини сўраганида, Азизбек жаллодга бақирар: «Тезроқ олиб чиқ!» Отам тагин қуллик қилганида жаллодга буюрар: «Кўлингдагини бўшатиб, ўрнига ҳожини олиб чиқ! – Мана кўрдингизми, отамнинг қадрү қийматини».

Мана шундай равишда Тошканд ҳокими Азизбекнинг қонхўр, золим эканини тушунтиради. Бу билан кифояланмасдан умумий халқнинг бу ҳокимиятга қандай қарашини яна аниқламоқ ниятида:

«– Бўлмаса, аҳоли хонга шикоятнома ёзмайдирми?»

– Нечанчи шикоятномани сўрайсиз, – деди Отабек. – Азизбекдан зулм, жафо кўрганлар билан бирликда энди ўнинчи шикоятномамизни юборгандирмиз... Лекин хоннинг йўлбошчиси бўлган кишининг ўзи зулмда Азизбекдан неча зина баланд ўринни ишғол эткучи кимса бўлса, биз қандоғ қилайлик».

Шу суҳбатда Мусулмонқулнинг ҳам золим, инсофсиз, жоҳил экани аниқланади. Отабек узун нутқлар сўзлаб, мамлакатнинг ёмон аҳволда эканини, айниқса, Тошканд аҳолисининг жабрланиб борар йўлини билмай қолганини айтиб чиқади. А. Қодирий бир ёқдан Тошканд ҳокимининг Марғилон ҳокимиға нисбатан баттол эканини исбот қилишға тиришади.

«Ҳокимларга гарчи тўғри бўлганда ҳам дағалроқ сўз айтиш ўлимни тилаш билан тенг эди. Ўтаббой қушбеги замона ҳокимларининг тузуги бўлса ҳам, кўб бўлмаса озроқ уларнинг таъсири бунда ҳам бор эди».

Демак, Марғилоннинг ҳокими бошқалардан айриладиған бўлгандан кейин албатта, мулоҳазалик бўлиши табиийдур. Шунинг орқасида Отабекнинг Кумушбибининг келтирган қоғози билан ҳукми қайтиб олишға, тезлик қилмаслиғиға ишонмай бўлмайди.

Бу ерда ёзувчиға Ўтаббой қушбегини «замона ҳокимларининг тузуги» бўлиши керак. Шунинг учун ҳақиқатға тўғри

чиқараман деб отасининг томонидан бир мунча тузик қилиниб кўрсатилган Ўтаббой қушбеги ҳокимлигида бўлган Марғилонни Тошкантика қарши қўйган. Тошканти ҳам инчунин, Марғилондаги тузилишга қарама-қарши қўяди.

А.Қодирий Туркистон хонлари ичидаги ўзбек – қипчоқ талашини тасвир қилади. Осиш, ўлдиришни бир-бирига қарши қўяди. Яъни ўзбекларнинг золимлиги қипчоқларнинг золимлиги ва қипчоқларнинг золимлиги ўзбекларнинг золимлигига қарама-қарши солиштирилган. Рўмоннинг биринчи жузъининг 105 бетларини варақлай бошласангиз, Азизбекнинг тинчиб олиб юртга қандай азоб бериши, яъни ўттуз икки танга солиқ солишга журъат этканини кўрамиз. «Ўткан кунлар»нинг учинчи жузъини бошдан варақлаб ўқуй бошласангиз, Мусулмонқулни енгиб олиб, ўзбекларнинг қипчоқлар устидан қирғин юргизганини кўрасиз. А.Қодирий бу ҳар икки тусдаги террорга ўзининг муносабатини бир хилда кўрсатади. Иккаласига ҳам хайрихоҳлик кўрсатмасдан, балки унга қарши нафрат туйғусини уйғотишга тиришкан. А.Қодирий бундан кўра кўпрак «ўзора низоъли» Туркистон мусулмонларини «иттифоқли рус миллатига», иккинчи сўз билан айтканда, қолоқликда яшайдиған Туркистонни капитализмнинг тараққийсига қадам қўйған рус давлати билан чоғиштиради. Мана буниси А.Қодирий учун жуда муҳим нуқтадур. Чунки бу билан Туркистоннинг орқада қолишининг сабаби иттифоқсизликдан, бир марказга уюшиб мустақил яшамасликдан эканини исбот қилишга уннайди. Биз буни рўмоннинг биринчи жузъининг 17-нчи саҳифасида Отабекнинг нутқидан очик равишда биламиз:

« – Шамайга бормасимдан илгари ўз ҳукуматдорлиғимизни кўриб, бошқалар ҳам шундайди, деб ўйлар эдим, – деди бек, – лекин Шамай манам бу фикримни ост-уст қилиб, ўзимни ҳам бутунлай бошқа киши ясади. Мен ўриснинг идора ишларини кўриб, ўз идорамизнинг худди бир ўйинчиқ бўлғанлиғини иқрор этишқа мажбур бўлдим... Бизнинг идорамиз бу кунги тартибсизлиги билан кетаберса, ҳолимизнинг нима бўлишига ақлим етмай қолди».

Отабек ўзини Шамайдан ҳукумат идораларини ўзгартиш учун ортдириб келган жасоратининг бўшга чиқғанидан, кўмакчи топа олмағанидан афсусланади. Ҳар икки кучини чоғиштириб туриб айтади:

«– Манимча, ўриснинг биздан юқоридалиғи унинг иттифокдан бўлса керак, – деди Отабек, – аммо бизнинг кундан-кунга орқага кетишимизга ўзора низоъимиз сабаб бўлмоқда, деб ўйлайман, бошқа хил айтканда Зиё амакимнинг фикрлари қисман тўғри. Орамизда бу қўрқунч ҳолатка баҳаққи тушунадирган яхши одамлар йўқ, билъакс бузғучи ва низоъчи унсурлар томир ёйиб, ҳар замон содда халқни ҳалокат чуқурига қараб тортадирлар».

Сўнгра Отабек Муслмонқулнинг қирғин усулини қўллаганидан, ўз манфаати учун бутун халққа азоб берганларидан шикоят ўқиб беради. Худоёрхонни жўрттага хон қилиб, ўзини мингбоши атаб, зулм қилиб, бўлмаганга одам ўлдириб «ёввош ҳокимларни золим ҳокимлар» билан алиштиришнинг ҳаммасини бир-бир айтиб чиқади:

«...Модомики, ўз ғарази йўлида истибдод орқали эл устига ҳукумрон бўлғучилар йўқотилмас эканлар, бизга нажот йўқдир, магар шундай ғаразчиларни, улар ким бўлсалар ҳам, иш бошидан қувлаш ва улар ўрнига яхши ва холис одамларни ўтқузиш нажотимизнинг ягона йўлидир».

Шу ердаёқ А.Қодирий ўз муносабатини аниқлайди.

«Отабек мажлиска тамоман янги ва эшитилмаган фикрларни сўзлаб кетди, улар бекнинг оғзига анқайишиб қолган эдилар. Дарҳақиқат, ўзора битмас низоъларнинг асли маншаъини ул яхши онглаб таҳлил қилар ва дуруст қиймат берар эди».

Шаҳарни шаҳарга, воқеани воқеага қарши қўйишдан бошқа А.Қодирий бутун бир қурилишни иккинчи қурилишга қарши қўяди. Бу билан кифояланмай, нажот йўлларигача кўрсатади. Бу келгуси натижалар чиқаришимиз учун иш берур. Бу ерда биз фақат қарама-қарши солиштириш усулининг қанчалик катта ўрин ишғол этишини билиб қўйдик.

* * *

Жойини белгилаганда ҳам А.Қодирий Тошкент билан Марғилонни олибдир. Нима учун бир шаҳарни олмаган. Чунки бу жой юқоридаги қарама-қарши қўйиш асосида тубги майда буржуазия идеясини чиқариш учун керак бўлган. Буни фавқулодда белгиланмагани тўғрисида биз юқорида бошқа мақолада кўрсаткан эдик. Унга қўшумча қилиб шуни айтишга тўғри келади. А.Қодирий Тошкент билан Марғилонни бир-бирига солишти-

риб инсофлик, инсофсиз кўрилишининг фарқини кўрсатиш билан миллий туйғуға катта таъсир бермоққа уннайди. Чунки руслар Оқмасжид чегараларига келганда Тошкандта унинг сигнали эшитилган. Шунинг учун русларға қарши курашувчиларни шу Тошканддан чиқариши керак эди. Ҳеч бир амални хоҳламай турган, халқнинг манфаатини «кузататурган» Юсуфбек ҳожи каби миллат қаҳрамонлари мана шу Тошканддан чиққан.

Тошканд инсофлиларини, Юсуфбек ҳожиларини ҳозирги Тошканд инсофсиз ёмонларига қарши қўйиб, уларнинг тутқан тарихий йўллари учун курашиш чизигидан жой белгилагандир.

Муддаони ўқувчиға ўтказиш, ўзини сўқиш (дидактика) ёзувчини чекиниб туришини, муболағаларни А.Қодирий тасвирий усул қилиб ишлатади. Реализм санъати суратларда (образ) турмушни тушуниш, севишдан иборатдир. Реалистлар суратлар (типлар) яратиш билан турмушдан кишини таъсирлантиради. Рўмонтиқлар эса бу йўлдан узоқдирлар. Уларни санъати ташвиқотчи, тарғиботчи бўлиши устига идеаллашдирилган суратлар орқали ўз маслақларини исбот қилатурган бўлади.

Ёзувчи ўз муддаосини тарафдорларининг яхши сифатларини осмонға кўтариб, унга қаршиларининг ёмон сифатларини жуда тубанлаб тасвир қилиш билан машғул бўладилар. Бундай вазифани бажариш вақтида рўмонтиқлар ўзларининг қанчалиқ яхши талантлари билан қаршиларида турган материалларини (турмушни) чаппа туришини йўқота олмайдилар. Мантқиқсизлик, нотўғрилиққа кўб учрайдилар. Шунинг учун улар муболаға, чекиниш йўллари билан ўқувчиға тарбия бериш мажбуриятида қоладилар. Уларнинг қаҳрамонларининг чиройлиқ гап, оғзаки яхши гап, оғзаки билармон, баҳодир бўлишлари мана шундандир.

Майда буржуазия рўмончилиғи санъатчиликда аллақанча талантлик бўлгани маълум. Ўз даврларида (айниқса, Францияда, шарқда Туркияда) жуда кенг бадийий усталиқлар шулар қўлида бўлган. Рўмонтиқлар ўз қаҳрамонларини сирни бой бермайтурган суфо (скромний) қилиб чиройли гапиртирадилар. Лекин ёзувчи оқловчилик, қораловчилик қобилиятларини ишлатиб, қаҳрамонларини чиройли – уста сўзларига қўшимча қилиб туради. Қаҳрамонларининг ҳар бир қадамини, ҳаракатини, феъли-хуйи устида мулоҳоза қилиб, уларға ўз баҳосини қўяборади. Замонасининг сўл рўмонтиқларининг бу қилиқлари А.

Қодирийнинг «Ўткан кунлар» рўмонида ҳам кўриниб туради.

А.Қодирий нима учун тарихий усули билан қўлланади? Чунки бу билан рўмонтиқ ёзувчилар ҳақиқатчиликка интиладилар. Бу приёмнинг «Ўткан кунлар»ни ёзишда қўлланиши А.Қодирийнинг чекиниб туриш, сирни махфий олиб бориш имкониятини беради. Биринчи қарашда гўё А.Қодирий тарихда бўлиб ўтканлардан ҳикоя қилиб чиққан холис. Унда бошқа ёлгон идеялар йўқ дейиш имкониятини туғдирадир. Албатта, тарихни, жойини, одамни протоқўл тусида кўчириш билан унинг бутун тасвири ҳақиқий бўлиб қолмайди. Ёзувчи ўзининг тарихчилигига ишониб, қаҳрамонларнинг бўш, соқов қилиб қўйсалар, бундан бадий сурат пайдо бўлмайди. Реалист ёзувчилар (ҳақиқий художниклар) ҳам ҳаракат ичига тарихий воқеаларни, жойларини, шароитини, тасвирини киритади. Аммо рўмонтиқлар каби бутунлай бирма-бир ҳижжалаш билан шуғулланмайди. А.Қодирий расмий протоқўл қилиш билан воқеаларнинг сабаблари устида фалсафа сотганини кўрдик. Бу онда яширин ўзни чекинтириш усули очикликка айланади, фош бўлади. Буларни ҳаммаси ёзувчиға муддаосини ишонтириброк ўтказиш учун ишлайди.

А.Қодирий суратни (образни) идея йўлида қурбон қилган. Ўз идеяларини ўтказишда суратка, типка ишонмайди. Шунинг учун у бадий усулни, яъни ўз қуролини ташлаб, бошқанинг – тарихчининг қуроли билан қуролланишға мажбур бўлган. Шунинг натижаси ўлароқ руҳий ҳаётини бўяб ўтиб, тарихий одамларни кўрсатиш ўрниға тарихий материал ичида ҳаёлий кишилардан баҳс этибдир. Рўмонтиқ ёзувчилар шу вақтғача суратлар орқали турмушдан олган туйғуларини гавдалашка ожиз эканларини баён қилиб келганлар. Шу оқимға кириб туриб «Ўткан кунлар»ни яратқан А. Қодирий ҳам худди шу мақомда йўрғалаган.

Рўмонтиқлар ўз олдига қўйган вазифаларини, сюжетини мунтазам бориши билан ҳал қилишға ожизлар. Шунинг орқасида ўз суратлари ва тасвирларини ярата олмадилар.

Рўмонтиқларда (А.Қодирийда ҳам) табиат, бино, шаҳар, кўча, қурол ва бошқалар ҳеч қачон ҳайбатли бўлмасдан қолмайди. Албатта, булар воқеани ва қаҳрамонларнинг истиқболға нисбатан алоқасиз бўлмайди. Реалист ёзувчиларда ҳам ҳамма вақт сурат (образ) ҳаракат қилғучи кишининг бошидан

ўтканларига (переживание) тўлдирувчи бўлиб туради. Бу ҳолни ўша суратларни ёки ҳаракат қилғучи кишиларнинг руҳий ҳолатларининг натижаси ўлароқ қўрамиз. Чунки реалистлар қаҳрамонлариға суратни ўзларининг аҳвол руҳияларига қарата қабул қилдирадилар. А.Қодирий турли суратлар яратади. Аммо суратлар устида ўзи фикр юризиб баҳо қўя боради.

Мусулмонқулнинг зулми, кўрқмаслиғи, баттоллиғи тўғрисида саҳифалаб музокара очиб, ўзига сўз беради. Аммо унинг суратини аниқ кўрсатиш билан кишида ҳаяжон уйғатишға ҳаракат қилмайди. Қипчоқлар қирғини тўғрисида сўзлайди. Аммо уни суратларда гавдалантирмайди. Ҳатто табиатни тасвир қилишда ҳам аҳвол инчинун.

Ёзувчининг мафкуравий, сиёсий муддаолари учун хизмат қилишни олдиға қўйиши натижасида мана шундай очиклиқ усулини олиб келган. Ўзининг объектив хусусиятлари билан ҳаракат қилатурган кишиларни суратларда яратиш ўрниға музокара очиш, ўз идеясига мувофиқ қилиб уларға баҳо қўябориш ва қарор қилиш даражаларида бўлиб қолмишдир.

А.Қодирийнинг услуби ва қадимчилиғи остида бошқа рўмонтиқлар каби ижтимоий бир идея, майда буржуазия идеяси ётади. Унинг услуби диалўт, монологнинг хусусиятларини қисқалиқ, кескинлик, ҳаяжонлик, мулойимликда таъбирлаган эдик.

Ҳақиқатда бу юқорида А.Қодирийнинг шароити хусусида юриткан мулоҳазамизға мос келади. Майда буржуазия раҳмдилликни талаб қилиш билан бирға ҳамма вақт меҳрибонлик, ширин сўзлик, ахлоқлик бўлишлиқ енгиб чиқади, деб ишониб келган. Шунинг учун яхши мўридан яхши тутун чиқади, ёмон мўридан эса ёмон тутун.

Тилнинг бундай ижтимоий моҳияти натижасида рўмонтиқларнинг қаҳрамонларида (кишиларида) ўзларига хос усулда гапиришни кўрмаймиз. Уларнинг кишиларининг тилларидаги хусусиятлар марказлашадилар. А.Қодирий қаҳрамонларининг хусусиятлариға қараб турли иборалар ташлансалар-да, сўзларидаги қисқалиқ, шартта кесиб гапиришлар биргалашадилар.

Рўмонтиқ ёзувчиларнинг кўпларининг рўмонларида қадимчилик катта ўрунни олади. Уларнинг қаҳрамонлари оддий кишилардан мураккаб бўлмайди. Ўз назарларида оддий кишиларда идея бўлиб, гўё у идея орқасидан кураш бўлмайди. Балки қаҳрамонлари манфаатларини ахлоқ, виждон билан ҳал қи-

лувчилар бўлади. А.Қодирийнинг бош қаҳрамонлари ҳам мақсадлари учун жисмоний курашмайдилар. Балки ахлоқ, виждон билан курашатурган шахслардир. Шунинг учун унда диалўт, монологларда (тилда) катта сўзлар бор. Кўб вақтда уста сўзлик устун келиб туради.

Инқилоб ёки ижтимоий муноқашалар оммани ёки айрим ижтимоий кўпчилик гуруҳининг кучи билан ҳал қилинмайди, балки сўз билан, Юсуфбек ҳожининг жарчилиғи қисқа, ўткур, шартта кесар тил билан ҳал қилинади. Чунки ёзувчининг марказий фикри аҳамияти омма ёки оддий инқилобга сабабчи бўлатурган одамга бўлмай, балки берилган одил қаҳрамонга инқилобни яратувчиға қаратилғандир. Бунға тарихий қадимчилик тўнини кийгизилади.

А.Қодирий бир-бирига манфаатлари қарши турган, бир-бирлари билан курашишка мажбур бўлган, кучли, кучсиз бўлишлариға нисбатан енгилатурган ёки енгатурган синфларни билмайди. Борлиқни инкор қилади. Бунинг ўрниға А.Қодирий идея учун, ютуқ учун курашатурган кучларни билади. Халқ ютуқини ҳимоя қилатурган «халқпарвар»ларни билади. Рўмон сюжетининг тараққийсида уни ахлоқий умумлаштириш ва келтиришда ҳам натижа А.Қодирийнинг муддаоларини кузатади.

Қаҳрамонларининг виждонлиси, ахлоқлиси ахлоқсизлик, виждонсизликни енгиб чиқади. Унинг бош яхши қаҳрамонлари доимо халқ тўғрисида жон куйдиради. Нима учун А.Қодирий бунчалиқ қатъийчилик томон муҳаббатли? Буни майда буржуазия синфининг умумий руҳидан топиш зарур. Халқчи тарихида ҳақиқий майда буржуазия вакили бўлиб келар. Бу ўртада қолган синфда турли синфларнинг таъсири бордир. Халқчи майда бойлар ўйлайдиларким, уларнинг бошларида тараққий синф туради. Аммо уларча бу синф ҳам халқнинг бир қисми бўлганидан халқ учун хизмат қилади. Бутун халққа бир сигнал бериши керакки, бу зулматка, эзишка қарши кўтарилсин. Мана бундай фикр бойлар фикридир. Улар ўртада қолишлари билан турли синфий қаршилиқлар орасида гангиб юриб, «ҳақиқий» халқни бўлиб олганлар. Мана булар халқдан ёрдам кутадилар. Халқ, ҳақиқат, – деб унинг ҳол-аҳволидан зорланадилар. Баъзан шодланадилар. Бутун халқ манфаатининг бирлигига шодланадилар. Бу ишончлари орқасида майда буржуазия санъаткорлари ўзларининг бетараф туратурганлиқлари тўғрисида вайсай-

дилар. Шунинг учун инсоф, одамгарчилик, халқнинг ҳуқуқи, бу одамгарчиликнинг қиймати, халқнинг, бутун миллатнинг манфаати дейдилар.

Шунинг учун А.Қодирийнинг Юсуфбек ҳожиси, Отабеги доимо халқнинг ҳуқуқи, инсофи, виждони тўғрисида гапиради. Бу халқчиллик майда буржуазия фикрларини ҳимоя қилишда кўмакчидир. Шунинг учун майда буржуазия бутун халқни қалқон қилиб туриб, майдонга ўз куйини куйлаб чиқади. Бу фикр билан синфий курашни инкор қилиб, майда бойларга енгил шароит туғдиратурган халқ жумҳурияти талаб қиладилар. Албатта бунга эришмадилар. Чунки жамият тараққиёти синфлар курашидан иборатдир. Капитализм тараққиёти натижада халқ жумҳурияти эмас, сотсиализм туғдиражақдир.

КИШИЛАР – МАСЛАКЛАР

А.Қодирийнинг ўткан кунлари билан яратилган кишилари сурат (образ) бўлмай, балки асосан бир-бирига қарши қўйилган идеялардан иборатдур. Рўмонда иштирок қиладирган одамларни текшириб чиқсақ очикдан-очик фикрда, ахлоқда бир-бирларига зид турган шахслар, гуруҳлар кўриладур. Марказий ўриндаги ва уни тўлдирувчи ўрин турган, яъни биринчи ва иккинчи даражадаги қаҳрамонларнинг ҳаммаси шу асосдадир. Ёзувчи рўмонда айрим типлар (тўла сурат) яратишга аҳамият бермасдан, уларни маслак эътибори билан аниқлашга тиришканидан ҳаракатчи кишиларни бир-бирларига қарама-қарши қўяди.

Отабек – Ҳомид

Отабек – Мусулмонқул – қушбеги

Кумушбиби – Зайнаб

Ҳасанали – Жаннатбиби

Азизбек – Ўтаббой қушбеги

Қирғин, қонхўр сиёсати – мулойим, инсофлик сиёсати. Мундан бошқа маслак-муддаолари бир-бирига жуда ҳам қарши бўлиб, битмайдурган асосий қаҳрамонларга кўмакдош юрадиган типлар бор. Уларга кўп тўхтаб ўлтиришнинг унчалик ҳожати йўқ.

Отабек – Ҳомид: булар бир-бирига муҳаббатдагина эмас, фикрда, ахлоқда ҳам рақиб, ўт билан сув кабидирлар. Отабек:

а – ичмайди; б – чекмайди, сир яширади; в – ахлоқли, одобли, муомалали; г – ниҳоят ақлли, виждонли; д – қирғин сиёсатка ва инсофлиқ феодализм сиёсатига қарши, мамлакатнинг тараққий йўлини кўзловчи баҳодир, хаёлчи, таассуротли бир йигит. Отабек оддий одамларда бўладирған камчиликларнинг бутунисидан «соф» одил киши. Мана, А.Қодирий Отабекни шундай кўрсатиб солиштириш учун қарама-қарши қилиб Ҳомидни қўяди.

Ҳомид: а – ичадирған, чекадирған; б – «қўланса», тўнг сўз; в – золим, аҳмоқ; г – ахлоқсиз, хотинбоз, баччабоз; д – мамлакатнинг ғамини емайдирған ва ҳозирғи қурилишдан рози, ярамас бой бир одам. Умуман олғанда, оддий кишиларда бўладирған бутун ёмон хусусиятларнинг бари Ҳомиднинг устида, шаънида бор. Хатто булар кўринишда ҳам ажраладилар.

Отабек: «оғир табиатли, улуғ гавдали, кўркам ва оқ юзли, келишкан. Қора кўзли, мутаносиб қора қошли ва эндигина мўрти сабз урган бир йигит».

Ҳомид: узун бўйли, қора чўтир юзли, чағир кўзли, чувак соқол, ўтгуз беш ёшларда бўлған кўрумсиз бир киши эди. Бу йигит яхшигина давлатманд бўлса ҳам, лекин шухрати нима учундир бойлиғи билан бўлмай «Ҳомид хотинбоз» деб шухратланған. Кишилар Ҳомид орқасидан сўзлаганда унинг отиға тақилған лақабини қўшиб айтмасалар ёлғиз «Ҳомидбой» дейиш ила уни танита олмайдилар».

Зиё шоҳичи Ҳасаналига:

«Кечирасиз ота, – деди, – бизнинг Ҳомидбой шунақа қўланса гаплар учун яратилған одам».

Қутидор:

«Гапингиз тўғри, ота, – деди, – Отабек хон қизиға лойиқ бир йигит экан».

Отабек билан Ҳасаналининг иштирокида бўлған биринчи суҳбат асосан Ҳомид билан Отабекни сифат, салмоғ жиҳатдан қарама-қарши ўт-сув каби қўюш билан боради. Ёзувчи бош қаҳрамоннинг асосий ҳаракати, курашлари ишқ устида, оилавий масала устида боришни кўзда тутиб, мунозарани хотин олиш масаласи устида очиради.

«Ҳомид тағин сўради:

– Уйланганмисиз?

– Йўқ.

Ҳасанали Отабекнинг ёлғиз «йўқ» билан тўхташига қаноатланмади ва бу тўғрида ўз томонидан изоҳлар беришни лозим кўрди:

– Бек учун бир неча жойларга қиз айтдирмак исталинган бўлса ҳам, – деди, – аввал тақдир битмаганлик, ундан кейин бекнинг уйланишка бўлган қаршиликларидан бу кунгача тўй қилолмай келамиз...»

«Манимча, уйланишдек нозик иш дунёда йўқдир, – деди Раҳмат ва Отабекка юз ўғирди, – Уйлангач хотининг табъингга мувофиқ келса, бу жуда яхши, йўқса, мунчалик оғир гап дунёда бўлмас.

Отабек Раҳматнинг бу сўзини самимият билан қаршилади.

– Сўзингизнинг тўғрилигида шубҳа йўқ, – деди, – аммо шуни ҳам қўшмоқ керакки, оладирган хотинингиз сизга мувофиқ бўлиши баробарида эр ҳам хотинга мувофиққуттабъ бўлсин.

– Хотинга мувофиқ бўлиш ва бўлмасликни унча кераги йўқ, – деди Ҳомид эътирозланиб, хотинларга «эр» деган исмнинг ўзи кифоя... Аммо жиян айткандек, хотин деган эрга мувофиқ бўлса, бас.

Раҳмат кулиб Отабекка қаради. Отабек ҳам истехзолик табассум ораси Ҳомидга кўз қирини ташлади.

– Уйланишдаги ихтиёримиз, – деди Раҳмат, – ота-оналаримизда бўлганликдан оладирган келинлари ўғиллариға ёқса эмас, балки унинг ота-оналари ўзлариға ёқса бас. Бу тўғрида уйлангучи йигит билан эр қилгучи қизнинг лом-мим дейишка ҳақ ва ихтиёрлари бўлмай, бу одатимиз маъқул ва машруъ ишлардан эмасдир. Масалан, мен ота-онамнинг ёқдиришлари билан уйландим. Аммо хотиним ота-онамға мувофиқ бўлса ҳам менга мувофиқ эмас, сиз айткандек, эҳтимол, мен ҳам хотинимға мувофиқ эмасдирман... Сўзингиз жуда тўғри, бек ака.

Отабек Раҳматнинг сўзини ихлос билан эшитди ва «Сен нима дейсан?» дегандек қилиб Ҳомидга қаради.

– Жиян, – деди Ҳомид Раҳматга қараб, – бошлаб уйланишинг албатта, ота-онанг учун бўлиб, улардан ранжиб юришингни ўрни йўқ. Хотининг кўнглингга мувофиқ келмас экан, мувофиқини олиб хотинни икки қил. Буниси ҳам келишмаса учунчисини ол. Хотиним мувофиқ эмас, деб зорланиб, ҳасратланиб юриш эр кишининг иши эмас».

Марғилонда уста Алимнинг уйида Отабек ёлғон гапиради.

Шунда А.Қодирий:

«Отабек қип-қизил ёлғонлашдан виждони олдида қизаринди. Аммо ул бир томондан мунга мажбур ҳам эди. Чунки унинг қутидор билан қамалиш ва ўлимга ҳукм этилиш тарихи бутун Марғилонга машҳур бўлиб, ҳақиқий исмини яширмай айтканда, эҳтимолки, бошқа сирларни ҳам очмоққа тўғри келар эди», – дейди.

Марғилон кўрбошиси суҳбатида кўрбошининг порахўрлик сирини очиб туриб, Содиқ тўғрисида: «Хоин билан сотилган кўзлар тўқнашдилар-да, маъно олишдилар».

Рўмоннинг бошланишидан тортиб, то охиригача ёзувчи Отабекни ўз ҳимоясида олиб боради.

Кумушбиби идеаллаштирилиб бутун курашнинг боришига чизиқлади. Зайнаб Кумушка қарағанда бутунлай терс бўлиб курашнинг қизиши, кескинлаши учун иш беради.

«Уйнинг тўрига солинган атлас кўрпа, пар ёстиқ қучоғида совуқдан эринибми ва ё бошқа сабаб биланми уйғоқ ётқан бир қизни кўрамиз. Унинг қора зулфи пар ёстиқнинг турлик томониға тартибсиз суратда тўзғиб, қуюқ жинггила кипрак остидағи тимқора кўзлари бир нуқтаға тикилган-да, нимадир бир нарсани кўрган каби... қоп-қора камон, ўтиб кеткан нафис, қийиғ қошлари чимирилган-да, нимадир бир нарсадан чўчиган каби... тўлган ойдек ғуборсиз оқ юзи бир оз қизилликға айланган-да, кимдандир уялган каби... Шу вақт кўрпани қайириб ушлаган оқ нозик кўллари билан латиф бурнининг ўнг томонида, табиъатнинг ниҳоятда уста кўли билан кўндирилган қора холини қашиди ва бошини ёстиқдан олиб ўлтурди».

А.Қодирий Кумушни фақат хусндагина эмас, ақл-фаросатда ҳам юқориларға кўтаради. Қизларда бўладирган камчиликларнинг биз биттасини ҳам Кумушда кўрмаймиз. Ёзувчи бу билан қахрамонлар орасидағи низоънинг кучайишига сабаб қилиб Кумушбибининг хуснини, ёқимли табиатини кўрсатмакчи бўлган. Бу билан А.Қодирий ўз муддаолари, фикрларини ўқувчи онгида уюштирган. Шунинг учун ҳам Кумушнинг тасвирига ортиқча зеб берган.

«Ўн етти ёшлар чамали, кулча юзли, оппоққина, ўртача хуснли» Зайнаб ақл-хуш тарафидан ҳам Кумушбибидан пас туради. Ёзувчи доимо Зайнабни ёмон хусусиятлар билан ўраб юради. Отабекнинг муҳаббатини Кумушга боғлайди. Чунки бусиз рў-

моннинг асосий маслагини олиб бориш идеалист ёзувчи учун қийин. Рўмонини бундан бошқа мантикий умумлаштириш ва бадий кучли чиқариш майда буржуа ёзувчилари, айниқса, рўмонтиқ ёзувчилар учун амри маҳолдир.

Кумушбибини шоирона сўзлар айтишка, хатлар ёзишга усталигида шубҳа қолмасин деб, А.Қодирий Кумушни ҳам, Отабекни ҳам ўқумишли ва айниқса, ёзувчиларнинг ишқий асарларини севиб ўқувчи қилиб кўрсатади.

«Ўзи ўқуғанми?» сўроғига Ҳасанали:

– Тошканд Беклар Беги мадрасасининг пешқадам муллабаччаларидан эди, лекин уч йил бўлди, хўжамиз мадрасадан олиб савдо ишига қўйдилар».

Отабек:

«Хуфтан намозидан сўнг янгиланган ташвишларни бир оз унутдирар умиди ила пойчироғ ёнига ўлтуриб, Фузулий девонини варақлар эди... Фузулийни яхшилаб ўқуш керак. Шунинг учун ҳам маънолик шеърлардан бошини кўтармайдир-да, гўёки айтарсиз: китобка михланган... Кумушнинг уйга келиб киргани ҳам унга сезилмай қолди...

– Фузулий – яхши китоб, – деди Кумуш, – мен ҳам ёлғиз қолган кезларимда бу китобдан бошимни ололмас эдим, сизамми?»

А.Қодирий бу далилни усталик билан ўз жойига қистириб кетади. Фузулий замонасининг лирик шоирларидан бўлгани учун ошиқу маъшуқалар Фузулийни ўқуб нарсалар ёзишга ўрганганлар бўлиб чиқади. Лекин биз биламизки, ҳар бир адабиётга ҳаваскор бўлиб меҳр қўйган ўқувчи шоирона тасвирга уста бўла бермайди. Ҳатто ҳозирги маданиятимизда шоира бўлган ўзбек кизлари ҳам Кумуш каби гўзал ёзолмайдилар. Рўмондаги гўзал ишқий хатлар, сўзлар аслида Отабекнинг, Кумушнинг хатлари, сўзлари эмас, А.Қодирийнинг лирикасидир.

Кишиларни қарама-қарши қўйишда Кумуш билан Зайнаб, Ўзбек ойим билан Офтоб ойимнинг анча ўрун ишғол этканига ҳам сабаб рўмоннинг ижтимоий масалаларга кенг эътибор қилмасдан оилавий ишқий бўлиб кетишидадир.

Бош қаҳрамонларнинг бир-бирига қарши қўйилиши билан баравар ёрдамчи қаҳрамонлар ҳам қарши қўйилганлар. Хизматкор бўлишларидан қатъи назар Ҳасанали билан Жаннат опа орасида зўр фарқ бор.

Ҳасанали Отабекка қул бўлса-да, ёзувчи уни оддий қуллар қаторида кўрсатмайди. Агарда оддий қуллар қаторида кўрсатса, бергуси келган муддаоларига халал келтириб Отабекнинг сифатларига зарба тегади. «Ҳасанали оққўнгил бир қул». Буни қандай исбот қилишга тиришқанини юқорида кўрган эдик. Яна буни муомалада кўрсатади:

«Отабек меҳмонларни танчага ўтқузиб, фотиҳадан сўнг Ҳасаналидан сўради:

– Тузикмисиз, ота?

– Худойга шукр, – деди Ҳасанали, – бояғидан бир оз енгилладим. Мазмуни ис теккан экан.

– Баъзи юмишлар буюрсам...

– Буюрингиз, ўғлим.

– Раҳмат, ота, бўлмаса, бизга чой қайнатиб берсангиз-чи.

– Хўб, бегим.

Ҳасанали чиқди. Раҳмат Отабек билан яна бир қайта соғлиқ сўрашқандан кейин сўради:

– Бу киши кимингиз бўлади, бек ака?

Отабек Раҳматнинг саволига жавоб бермай, эшикка қаради. Ҳасаналини ҳужрадан узоқлатиб, сўнгра жавоб берди:

– Қулимиз.

Бу сўздан Ҳомид нима учундир ажабланган эди:

– Кулингиз?»

Бу ерда Отабек билан Ҳомиднинг одамларга, хизматчиларга қандай қараши айрилиб турипти. Ҳар иккиси ҳам бой киши бўлсалар-да гўё инсониятчиликда бир-бирларидан айрилади-лар. Жаннатбиби Ҳомид қўлида бутунлай бошқача тарбияда ёлланиб ишлайди. Ҳасаналидан Жаннатбиби асосан айрилади. Булар бир-бирига икки турли қарши кучлар.

«...Ул ердан бичиб олғандек пак-пакана, бурни юзи билан баробар деярлик теп-текис, кўзи қоққан қозик ўрнидек чупчуқур, оғзи қулоғи билан қошиқ солишар даражада жуда катта, юзи қирқ йиллик оғриқларникидек сап-сарик, қирқ беш ёшлар чамасида бир хотин эди. Кумушбиби ўзига томон келгучи бу даҳшатлик хотинни умрида биринчи мартаба кўрар эди. «Нима қилиб юрибти бу оч арвоҳ» деб ўйлади».

Дастлаб кўринишдаёқ Жаннатбибини ўқувчиға шундай таништирди. Сўнгра Ҳомид қўлида қандай вазифаларни ўташи баён қилинади.

Агар биз биринчи, иккинчи, учинчи даражадаги қаҳрамонларнинг бутунисини йиғиб ва бўлиштириб қараган вақтимизда, буларни сиёсий қурилишга ва сиёсий идорага нисбатан ажралганлиқларини кўраимиз.

А.Қодирий рўмони бўйинча ўша давр сиёсий қурилиши иккига бўлиниб, мамлакатда икки-уч маслак ҳукм суради: 1. Қирғин, инсофсиз қонхўр, зулм асосига қўюлган сиёсат ва идора; 2. Мулойим, инсофли, мулоҳазали сиёсат ва идора; 3. Ҳар иккисига ҳам муқобил турмайдирган, мамлакатни ҳозирги қолақликдан қутулдириш учун капитализм асосида янгича тараққиёт талаб қилиш. Бу уч муддаонинг борлигини рўмонда ёзувчининг ўз сўзлари ва қаҳрамонларининг гаплари орқали онглайсиз. Аммо бу маслакдаги зиддиятлар майдонда амалий, жиддий курашмайдилар. Мусулмонқул, Азизбек ва унинг тарафдорлари ва буларга қарши мансаб талашиш, қабилавий кураш асосида галаён кўтариб қирғин ясовчи кишилар, яъни Муҳаммадниёз қушбеги, Қосим мингбоши, Қамбар шарбатдор, Каримқул понсад бир бўлиб биринчи маслак эгаларидир. Ҳомид ва унинг думлари уларга хайрихоҳ.

«Шаҳар халқининг ҳар бир табақаси деярлик Мусулмонқул даққисини еб келган, магар уламо халқи ундан жуда рози, зероки, Мусулмонқулнинг биринчи истинодгоҳи ўзининг қипчоқлари бўлса, иккинчиси уламолар эди».

Аммо биз рўмонда Мусулмонқулнинг сиёсатини ва унга уламоларнинг берган кўмагини суратларда (образларда) ва уларнинг ҳаракатларида кўрмаймиз. Ёзувчининг ўз сўзларидан сўнг онгланади. Азизбек сиёсати ҳам асосан Мусулмонқулнинг туткан сиёсатидан ажралмайди. Шундай қилиб, рўмонда бир мунча инсофсиз, қонхўр феодализм асосларини маҳкам ушловчи уламоларга таянувчи кишиларни бизга ёзувчи баён қилади. Бундан бошқа биз рўмонда иккинчи хил инсофлик, мулоҳазалиқ сиёсатнинг, идора тербатишини кўраимиз. Нормуҳаммад қушбеги, Ўтаббой қушбеги инсофлик сиёсатнинг вакиллари дур. Буларга тараф курашда бир мунча гуруҳ кишилар рўмонда иштирок қилади. Аммо улар очик ҳаракатда, сўзда кўринмасалар-да, ўзларини шу сиёсатга мойил қилиб кўрсатадилар. Масалан: уста Алим, уста Фарфи ва бошқалар суҳбатларида ҳукумат идорасидан хафа ёки хурсандлиқларини айтмайдилар. А.Қодирий уларни инсофлик сиёсатга мойил қилиб ёзади. Қорачо-

понлар билан қипчоқлар орасидаги қарама-қарши низоъларни тасвир қилиш билан ур-йиқитни намойишлантиради. Шунинг билан барабар қорачопонлар орасида ҳам, қипчоқлар орасида ҳам инсофлик ва инсофсиз сиёсат тарафдорлари борлигини баён қилади. Натижада инсофсизлик, қонхўрлик, ур-йиқит билан енгиб чиқади. Яъни қорачопонларнинг золим қисми – амалдорлари енгадирлар. Ноинсофлик, золимлик орқасида Отабек оила вайронлиғига мубтало бўлиб ўлади.

Нормухаммад қушбеги, Ўтаббой қушбеги инсофлик идора ва сиёсат тарафдорларидирлар. Булар ўзларининг муддаолари, фикрлари билан Мусулмонқул, Азизбек ва бошқаларга тескари турадилар.

«Кесида берсинлар, деди қушбеги. Мен изтироб ичида унга тушунолмай қолган эдим. Ул йиғи ичида тилга келди: «Мамлакатнинг тинчлиғи қипчоқларни кесиш билан ҳосил бўлса, майли, кессинлар! Юртнинг ободлиғи гуноҳсиз қипчоқнинг қизил қониға қараб қолган бўлса, майли, ўлдирсинлар! Агар нажотимиз қипчоқ тухумини қуритишда бўлса, мени ҳам оссинлар! Бу палидларнинг марҳаматига мен ҳам муҳтож эмасман!»

Нормухаммад қушбегининг идора қурилишиға, сиёсатга муносабати шундай. Шунга бошқа инсофликларнинг бари ҳам қўшилади.

Учинчи «олий» маслак келгусида мустақил Туркистон буржуа жумҳуриятини вужудга келтиришдир. Юсуфбек хожи, Отабек рўмонда шу маслак эгалари, вакиллари бўлиб қатнашади.

Отабек қандай идора тартибини ёқлайди?

«Бизнинг идорамиз бу кунги тартибсизлиги билан кетаберса, ҳолимизнинг нима бўлишиға ақлим етмай қолди. Шамайда эканман қанотим бўлса, ватанимга учсам, тўппа-тўғри хон ўрдасига тушсам-да, ўриснинг ҳукумат қонунларини бирма-бир арз қилсам, хон ҳам арзимни тингласа-да, барча ерга ёрлиғ ёзиб ўриснинг идора тартибини дастуруламал этишка буюрса, мен ҳам бир ой ичида элимни ўрисники билан бир қаторда кўрсам... Аммо ўз элимга қайтиб кўрдимки, Шамайда ўйлағанларим, ошиққанларим ширин бир хаёл эмиш...».

Сўнгра Отабек суҳбатда бирма-бир мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий вазиятини сўзлайди. Ортиқ даражада кичик суҳбатда қаҳрамонона узоқ монолўғ қилиб кетади. Отабек ўз муддаоларини Марғилон ҳокими Ўтаббой қушбеги ҳузурида яна очикроқ

айтади. «Биз на қипчоқларға тарафдор бир киши ва на шаҳарлик оға-иниларга. Бу икки фирқа бизнинг назаримизда бир-биридан мумтоз, идора ишида бир-биридан ортиқроқ халқлар эмасдир. Шунга биноан Туркистон хонлиқларининг истиқболларини бу икки фирқанинг бирисига ҳавола қилиш баайни қўйни бўрига топшириш қабилида бўладир. Нега десангиз ҳар икки томоннинг иш бошига интилган кишиларининг кўкрагига қўл солиб кўрсангиз, бирисининг фақат эл таламоқ, бойлиқ ортдирмоққагина бўлган ғаразини, иккинчисининг кўркли хотинлар, юқори турмушлар учун бўлган мақсадинигина кўриб, икки орадан «элни тинчитай, эл ҳам роҳат тирикчилик қилсин» деган учинчи бир олий мақсадни чароғ ёқиб ахтарсангиз ҳам тополмаймиз. Мана биз тақсир, шу кейинги ишда кўрилмаса ҳам фақат ширин халлардагина юрган олий фирқага ўзимизда тарафдорлик ҳис этамиз. Отамнинг Азизбекка яқин туриши қипчоқ душмани, қорачопон тарафдори бўлганидан эмас, балки бояғи мақсадга бир хизмат қилмоқ учундир».

Юсуфбек ҳожи Муҳаммад Ражаб кўрбошининг уйида бўлган махфий қипчоқлар қирғинига тайёрлиқ кўриш мажлисида ўз муддаоларини, фикрини ойдинлаштиради. Мамлакатдаги аҳволларни, бузуқилиқларни ва уларнинг сабабларини ўзича таҳлил қилиб чиқиб, ур-йиқит тарафдори бўлган бекларга қарши: «...айб қипчоқда эмас, балки унинг манфаати шахсияси йўлида иш кўргучи бошлиқларида ва қипчоқлар ўйлагандек гуноҳ қорачопонлиларда бўлмай, балки унинг уч-тўртта маънисиз бекларида!.. Буродарлар! Ўрус ичимиздан чиқадиранг фитна-фасодни кутиб, дарбозамиз тегида кўр тўкиб ётадир. Шундай маҳшар каби бир кунда биз чин ёвга берадирган кучимизни ўз қўлимиз билан ўлдирсак, сен фалон деб қирилишсақ ҳолимиз нима бўладир. Бу тўғрида ҳам фикр қилгучимиз борми? Кунимизнинг кофир қўлига қолиши тўғрисида ҳам ўйлаймизми ёки бунга қарши ҳозирлик кўриб қўйганмизми?!

Ҳожи ўзини тутолмай, кўз ёшисини оқ соқолига қуйиб давом этди:

Мана, буродарлар! Сиз ўз қипчоғингиз учун қабр қазиған фурсатда, сизга иккинчилар тобут чопадир. Биз қипчоққа қилич кўтарганда, ўрис бизга тўп ўқлайдир. Сиз дунёда ўзингизнинг ягона душманингиз қилиб қипчоқни кўрсангиз, мен бошқа ёвни ҳар замон ўз яқинимга еткан кўраман».

Демак, Юсуфбек хожи билан Отабекнинг нуқтаи назарлари, йўллари бирдур. Шундай қилиб А.Қодирий фикрий томондан қаҳрамонларини учка бўлади. Лекин қаттиқ зиддиятлик кураш асосан икки лагерда – нотўғри сиёсат, низо, ур-йиқит асосан эски қабилавий манфаатлар асосида кун кўриш тарафдорлари. Бундай асос, албатта, савдо сармоясининг тараққиёти ва умуман, мамлакатнинг ривожини учун зиён.

Иккинчи «олий» масала русларга қарши курашиб капитализм асосида тараққий қилиш учун имконият берадирган бирдан-бир марказлашган давлат тузиш. Ёзувчи очикдан-очик шу кейинги фикрнинг етагида боради. Идеяларни ўзи ва қаҳрамонлари асосан икки турга бўлган. Ҳайвонтабиъат кишилар, яъни махлуқлар. Иккинчиси – чинакам одамлар, инсонлар. Муслмонқул, Азизбек, Ҳомид, Жаннатбиби, Содик, Зайнаб тўғридан-тўғри ҳайвон табиъатли кишилар. Булардан баъзилари мундоғроқ бўлсалар-да, натижада бари бир гўр бўлиб кетади. Булардан бирорта ҳам тузукрак, инсониятга сиғадирган хусусият топа олмаймиз. Бутун инсончиликнинг ҳаммаси Отабек, Кумуш, Юсуфбек хожи, Қутидор, Ҳасанали ва бошқаларда. Бу хилда бўлиши А.Қодирийга ўша замон ҳокимлигини ва унинг қаршисидаги фикрларни ажратиш кўрсатиш учун лозим бўлган. Ёмон истибдодга уринувчилар ва шунга эргашувчилар асосан рўмонда ҳайвон кишилардур. Бунга қарши инсофлик, русларга қарши курашни, мустақил миллий давлат тузишни олдига қўйғучилар ҳақиқий инсондирлар. Мана шу айрилиқни кўрсатиш, шуни сездириш учун одамларни тирик кўрсатмай ўз муддаосини кўзда тутиб бир ёқлама кўрсатишдир.

СОЛИШТИРИШНИ КЕЛИШТИРИШ

Монолўт-диалўт

Ахлоқий-мафкуравий муддаолар қарама-қарши қаҳрамонлар яратиш билан берилмишдур. Бу қаҳрамонларни учраштириш, тасвир қилиб чиқиш учун баъзи бир адабий қоидалар ишлаткан.

Рўмонда қандайин қаҳрамонни олманг, ҳаммаси сўзларни қисқа иборалар билан қатъий кесиб гапирари. Жумлаларида қисқа-қисқа, кескин сўзларни ўқуймиз. Жумлалар силлик, сўзлар осон. Ўз ўрнида берилади. А.Қодирий яратқан кишиларини

га мувофик сўзлар ажратқан. Қахрамонларининг сўзлари бир муддаога интилган равишда уюшиб боради.

«Отабекни ортиқча бир диққат билан кўз тегидан ўтказгач, кушбеги сўради:

- Отабек деган сизми?
- Тақсир, ман.
- Ҳозир Марғилонда турасизми?
- Тақсир.
- Марғилон келганингизга кўб бўлдимми?
- Қирқ кунлар чамаси.
- Марғилонга нима юмиш билан келган эдингиз?
- Савдогарчилик билан, тақсир.
- Ўзингиз ёлғизми?
- Бир кишим бор эди.
- Кушбеги қўлидаги рўйхатка қараб олди ва давом этди:
- Ҳасанали ким бўладир?

Отабекдаги бояғи тушунмаслик бир шубҳага алишинди. Аммо парвосизча жавобини бераверди:

– Кулимиз бўладир, Тошканддан келгандаги йўлдошим шу сиз айтқан Ҳасанали эди».

Ўтаббой кушбеги билан Отабек монолўги (алоҳида кишининг ўзича сўзлаб кетиши) мана шу тартибда боради. Савол-жавобдан бошқа тўғри гаплашканларида ҳам, қахрамонларда қисқалик, қатъийликни кўрамиз.

Ҳомид билан Марғилон қўрбошиси ўз ора сўзлашканларида (диалўгларида):

«– Энди бунга қарши қандай йўллар кўзлайсиз?

Ҳомид ўзининг нажот томониға оғишқанини сезиб энтиқди:

– Кушбегига қилган айблаш, оқлаш йўлларимни поччам билан жиянимга тушундириш керак, деб ўйлайман.

– Тушундирсак, тагин яхши.

– Раҳмат бек ака, ундоғ бўлса, вақт қочирмасдан уларнинг ёнлариға тушиб, то ҳукм вақтигача уқдира оласизми?

– Мумкин, ўзингиз тушсангиз, яна яхши».

Яна бир мисолни ички ишқий можародан олайлик. Отабек билан Кумуш орасида ва бошқа хотин-халаж ўртасида бўладиган сўзларнинг ҳаммаси ажраб-ажраб очиқланиб туради:

«Отабек гарангсиб қолган, ўзини овутмоқчи бўлган бу олижаноб гўзалга нима дейишни билмас, қаердан сўз бошлашқа ҳайрон эди:

– Ким йиғлатди сизни?
 – Йиғлабманми?
 – Кўзингиз, кипракингиз.
 – Ўзи шунақа...
 – Йиғлатган мен эмасми?
 – Китобни нега ёпдингиз? Очиб ўкунг, мен эштай.
 – Ота-она ризолиғини бир томчи кўз ёшингизга арзитдимми?
 – Мен рози. Мен кўндим, – деди дафъатан Кумуш. Бу сўзни
 нимадандир кўрқандек шошиб айтди.

– Кўндингиз... нега, а?
 Отабек хайрат ва таажжуб ичида эди.
 – Негаки, – деди Кумуш, – мен сизга ишонаман...
 – Шунинг учун...
 – Шунинг учун кўндим...
 – Кўнглингиз фаришталар кўнглидек...
 – Сизнинг ҳам кўнглингиз...

Икки жон, икки юрак гўёки биттадек бир-бирисини онглари, бирисидан бирисига ўтиб юрар эди шу вақт».

Рўмоннинг қайси жойини варақламайлиқ, мана шундай фикрларни очик ифода этадиган қисқа сўзлар, жумлаларга учраймиз. Айниқса, кундашлар орасидаги бўладиган сўз ўйинлари бу бобда яна қизиқроқдур. Чўрт кесиб туртиб гапиришлар Хушрўй билан Зайнаб ўртасида бўлади:

«– Ўзинг тинчмисан?

– Тинчлигим қурсин...

– Айтсанг, айтмасанг, – деди опаси, – албатта, тинчлигинг қуриган.

– Қуритган қурисин.

– Сенинг тинчлигингни ҳеч ким қуритган эмас, Зайнаб. Ҳамма жабрни ўзинг ўзингга қилаяпсан!

– Ҳамиша шу гапни айтиб қолгансиз, – деб ўпкалади Зайнаб, – дунёда ким ўзига жабрни хоҳлайдир.

– Сен ва сенга ўхшаганлар!

– Худо урар...

– Айтсанг, айтмасанг Худо уриб қўйипти!

– Шундай кунларга мен қолай дедимми?

– Дегансан!»

Отабек билан оилада бўлган Кумушнинг, Зайнабнинг суҳбатлари ҳам шу кайфиятда боради. Қахрамонларнинг узун-узун сўзла-

ри ҳам айнан қисқа чапланган сўзлардан иборатдур. Ёзувчининг ўз томонидан қўшиладиған нуқдирма, лукма сўзлар ҳам инчинун. Монолўтларда ҳам юқоридағи хусусиятларни очик сезиш учун Юсуфбек ҳожининг қипчоқлар қирғинидан сўнгра сўзлашкан вақтида Отабек олдида ўзини жуда ҳам оқлаш, маслақда бир эканини онглатиш учун ўзинигина нутқ сўзлайди:

«Отабек ўзининг ўринсиз гапидан уялғаннамо ерга қаради ва бирмунча вақт фикрга кетиб ўлтурғандан сўнг сўзлади:

– Йиртқичларнинг бу қирғиндан қандай муддаолари ҳосил бўларикин?

– Мақсадлари жуда очик, – деди ҳожи. – Биттаси мингбоши бўлмоқчи, иккинчиси Нормухаммаднинг ўрниға минмакчи... Менга қолса, ўртада шундан бошқа ҳеч гап йўқ, ўғлим, – деди ва бир оз тўхтаб олиб давом этди: – ...Иттифокни не эл эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб-ичкан мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб бизнинг одам бўлишимизға ақлим етмай қолди. Биз шу ҳолда кетадирган, бир-биримизнинг тегимизга сув қуядирған бўлсақ, яқиндирки, ўрус истибдоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсақ ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйниға ўрус бўйиндириғини кийдирган бўлармиз. Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлиға тутқин қилиб топширғучи биз кўр ва ақлсиз оталарға Худонинг лаънати албатта тушар, ўғлим. Боболарнинг муқаддас гавдаси мадфун Туркистонимизни тўнғузхона қилишға ҳозирланган биз итлар яратғучининг қаҳриға албатта йўлиқармиз».

Икки киши оҳиста сўзлашиб ўлтурған вақтда бундай сиёсий нутқни сўзлаш бирмунча ўхшаб тушмайди. Кўбчилик орасида жарчилик қилғанда ҳожи қандай тўнда сўзлаған бўлса, бу ерда ҳам ўшанга яқинлаштириб сўзлайди. Бу билан А.Кодирий ўқувчиға миллатчилик, ватан севгучилик ҳисси берадиган нуқталарини айрича таъсир қилдирмоққа уннайди. Бош қаҳрамонлари кичик суҳбатларда ҳам юксак баҳодирона сўзлайдилар. Ўтли, жаҳлли Мусулмонқул олдида сўроқ берганда, Отабек ғайритабий равишда ботирлик қилади. Сўзлар қатъий бошланиб, ўтли жаҳл билан тугайди:

«– Манга қаранг, бек йигит, – деди. Отабек ўзига қарағач, – сиз ким бўласиз? – деб сўради. Ул хануз бояғи масхара ҳолатда эди.

– Мен Отабек.

– Дунёда Отабекдан кўпи борми, сиз қандай Отабек?

– Отабек Юсуфбек хожи ўғли.

– Ҳа-а-а, шундоғ денг-чи... Тошкандлик Юсуфбек ҳожиким, Азизбегимизнинг гумаштаси бўлган зоти шарифнинг ўғиллари?

Отабек бу чўлтоқ супургини таниди ва унинг истеҳзоларини пайқади. Ул бундан сўнгги кўргулигини тамом маъноси билан онглаб, маъносиз бу саволларга жавоб бериб ўлтуришдан сукутни хайрлик топди. Гўё ўзининг бу сукути билан Мусулмонқулга маънолик бир жавобни ифода қилар эди. Чиндан ҳам Мусулмонқул бу сукутдан таҳқирланди, тутуни кўкка кўтарилар экан, бақирди:

– Нега жавоб бермайсан?

– Сиз мени қандай таниган бўлсангиз, бўлингиз, мен ўшандоғ кишининг ўғли, – деди бек. – Мен билан отам сиз билан қушбегига бир неча турлик бўлиб танилсақ-да, ўз виждонимиз олдида бир турликкинадирмиз! Шунинг учун сиз тилаган тарафингизга ҳукм қилингиз-да, буйруғингизни бераверингиз!»

Сўзлардаги хусусиятлар бутун қаҳрамонларда асосан бирдир. Яъни барисида ҳам қисқалик-кескинлик, жаҳлли, буйруқли сўзлардир. Баъзан қатъий буйруқ йўлида тузилган сўзлар ўз ўрнини чиройли шеърый сўзларга бўшатади. Отабек билан Қумушбибининг шахсий суҳбатлари вақтидаги мулоҳим, таглик сўзларни эсласак, буни очик биламиз. А.Қодирий кўбда очик қилиб кўбчилик орасида сўзланадиган сўз услуби билан хусусий суҳбатдаги танҳо сўзларни ажратолмайди. Буни рўмоннинг бошидан охиригача сўз қўллаш усули бир мақомда борсин учун қилади. Аммо бу тарихий жиҳатдан тўғри бўлмас. Отабек меҳмонлар олдида митингдаги нутқлари каби, Юсуфбек хожи жарчилик қилиб юрғанда қандай қисқа, қатъий, ўтли гапирган бўлса, кичик уч-тўрт кишилик ўлтуришда ҳам асосан шу хилда сўзларни юқоридагича рамкада қўллаш билан А.Қодирий ахлоқий фикрий муддаоларини талабига мувофиқлаштирмишдур. Ҳар қайси кишилари ўзларининг сўзларининг таъмлиқ, таъмсизлиги билан ажралиб туради.

Ҳар икки курашқучи тараф сўзлаганда, услублари асосан марказлашади. Аммо сўзлари, атамалари айрилса, гапириш хусусиятлари ёндашиб тушади. Масалан Содик, Ҳомид, Жаннатбибиларга махсус сўзлар берилган. Лекин гапиришдаги хусусиятлар, барибир, юқорида кўрсатиб ўтканимиздай. Бу билан

қахрамонларни, қарама-қарши қўйилганларни учрашдиради ва умумлаштиради. Бундан бошқа рўмонда ўхшашли кўчим (ўхшатиш) адабий усул ҳам солиштирилганларни келиштириш, учраштириш, умумлаштириш учун иш беради.

«Булардан қайси бирларининг сўнг соатлари шу қоронғи тун каби қоронғи эди».

«Кумуш ўзининг кўнғироқдек товши билан давом этди». Шу каби ўхшатишлар учратиш, сўзлаштириш вақтида ёзувчида дастак бўлиб юради.

А.Қодирий эскилик, қолоқлик, хонлик, беклик тарафдорлари бўлган қахрамонларни ажратиб, буларга алоҳида қўланса сўзлар беради. Тўнг сўзлик, ириллаб гапириш, ўшқариш Му-сулмонқул, Азизбек, Ҳомид каби қахрамонларнинг гапириш хусусиятларидир. Отабек, Кумуш, Юсуфбек хожи, Ўтаббой кушбеги, Нормухаммад кушбеги кабилар, умуман қолоқликдан қутулиш, мамлакатни янги асосда тараққий қилдириш тарафдори бўлганларнинг сўзларини мулойим, қахрамонона, маънолик уюштириб чиқади. Юқорида ишлатилган кишиларни қарама-қарши қўйиш йўли билан ахлоқий-тарбиявий муддаони кўзда тутқан А.Қодирий типларнинг сўзлари устида ҳам шундай ишлаши лозим эди. Солиштирилганларини келиштирилган вақтда одамларнинг «илоҳий» негизини гавдалантиришга ун-найди. Инсоният борлигини илоҳий кучка боғлайди. Инсофлик, ўзини қурбон қилиб юбориш, имони, ишончи орқасида юксак қахрамонликларгача бориш, кишилардаги одамийлик хусусиятларидандир. Бу билан киши илоҳий эканини кўрсатишга интилиши кўриниб турибти. Ибодат қилиш, эътиқодда бўлиш, имонли бўлиш А.Қодирийнинг суяб юрадиган яхши қахрамонларининг олий хусусиятларидан саналади.

ТИЛИ

«Ўткан кунлар» устида баҳс очқан вақтда унинг тилига бир мунча тўхтаб ўтмай бўлмас. Рўмоннинг ўзбек адабий тилининг такомлида катта хизмати бор.

Ҳар бир миллатнинг адабий тилининг бойишида, юксалишида, соддалашида адабиётчилар, ижодчилар катта ўринни ишғол қиладилар. Ҳар бир ёзувчи бир нарса майдонга чиқармоқчи экан, унинг тез тарқалиши, севилиб ўқилишини кўзда туттади.

Ўқувчиларни ўзига жалб қиладиган асарларнинг тили содда бўлиши лозим. Шунинг учун А.Қодирий ўз рўмонининг тили устида кўб ишлаган. Ўзбек адабий тилининг истиқболи, юксалиши асосан бутун шеваларини тўплайдиган, қишлоқ билан шаҳарнинг бирлигини мустаҳкамлайдиган, маданий инқилобда қурол бўларлиқ ҳолга минадиган йўлга тушмаги лозимдур. Адабий тил албатта иқтисодий муносабатлар орқасида уюшади, ўзлашади, юксалади. Ёзувчилар ўзларининг суратларини (образ) гавдалантириш учун тилни қурол қиладилар. Шунинг учун оғзаки адабий тилдан ва омма орасидаги жонли сўзлардан озикланадилар. Лекин баъзи ёзувчиларимиз жонли манбаъларни ишка солиш, чахлаш ўрнига араб, форс сўзларини излайдилар. Истеъмолдан чиқиб кеткан чиғатой сўзларидан ифода учун озик излайдилар. Асар шоирона чиқиб «юқори» чиқса бўлди. Кўбчилик халқнинг тушуниш, тушунмаслиги билан иши бўлмайди. Бизда кўб чиғатойчиликқа берилган ёзувчилар асарларини киши онгламайдиган чиғатойча сўзлар билан мош-гуруч қиладилар. Албатта бундай асарни ўқувчилар орасида мавқеи жуда кучсиз бўлиши билан барабар адабиётимиз ва адабий тилимиз учун ҳам хизмати бўлмайди. Бу анъана кейинги йилларда йўқолиб кетаёзди. А.Қодирий «Ўткан кунлар» рўмонини асосан ҳозирги адабий тил билан ёзган. Адабий тилимизнинг яхши ишланмаганидан халқ орасида истеъмолдаги сўзларни диққат билан териб, ўз ўрнида ишлатмишдир. Тил устида махтарлиқ, тақдир этарлик иш кўрсаткан. «Ўткан кунлар» рўмонида ишлатиладиган сўзларни уч гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Бизга ўзлашиб, тилимиздаги гражданилик ҳуқуқиға эга бўлган чет сўзлар. Лекин булардан оз бир қисми тушунилмайдиган чет сўзлардур.

2. Ҳозирда истеъмолда бўлган тил. Лекин адабий тилимизнинг хазинасиға қўшила олмай, ётсираниб қолган сўзлар. А.Қодирий бундай сўзларни адабий тилимизда доимий ишлатиладиган даражаға миндиргудек қилиб ишлаган.

3. Тарихий аҳамиятка эга бўлган, унутилган сўзлар, атама-лар: бундай сўзларни оз ўринда ишлатади. Кўбрак сиполар ўртасида юрадиган хатларда бор. Рўмонда эвазига, раингиз, хуфия, бовар, пойабзал, шамъ, узр, ихтиёр ва ҳоказолар ўз ўрнида. Бундай киши тушунадиган, ўзбеклашиб кеткан чет сўзларни ўзбек тили қаторида тўғри қўлланғандур. «Отабекнинг

даруни дилдан чиқариб айткан гапларидан ҳиссасиз қолмадилар». Бу ерда бизга ҳали ҳам синашта бўлиб киришиб кеталмай қоғозларда, китобларда оммалашмай, етим қолган чет сўзлар борлигини айтиб ўтиш лозим.

Масалан: Ижобат этишдан ўзга чорам бўлмас, заковат, тасалло, мулоқот, саховат каби сўзлар тушунчамизга ётроқ туради. Каломи шариф кишилари учун онглашилади. Аммо оддий кишилар тушунмайди. Албатта, бундай сўзлар кўб ўрин олмаган. А.Қодирийнинг кўбрак иши авом орасидаги сўзларни уюштириш, тўплаш ва сўзларни адабий тил қолипидида ўз ўрнида ишлаштириш бўлган. Масалан: Қўланса, юмиш, ийманар, танча, қовжираш, далдасида, талтайишиб, қўланса сўзлик ичи қорароқ бир йигит, кек, енг ичида, чўқиниб, бу одамнинг ўсмоқчиланишини қаранг-га, мендан ётсиндингизки, асло таб тортмай, пук бериш керак эмас, бир варакай, орадан кўтариб, тинчимайлик, ҳожи миқ этмай ўлтурабергач, вой хувари ҳожи, шундай кейин ишнинг ўнақайи тўғрисида музокара ва мубоҳаса бошланди, битта-битта ётиғи билан... Бундан бошқа А.Қодирий турмуш ҳаётни тасвир қилар экан, эски одатларни ва мақолларни мос келадиган жойда ишлатади. «Офтоб, дарров исириқ ҳозирла, ота-она орзуси, никоҳ куни Отабекни кийимларини жуҳуд домладан ўқитишлар, марғилонликдан совитиб, тошканликка иситишлар, ҳаётни яна авра-астари билан гавдалантириш учун А.Қодирийга эски мақоллар иш берган. «Кундаш хотин зотининг ўлими», «Ўлганимдан куламан, юзимни ерга сураман», «Энди кўрсам милтиқнинг ўқидек, пушти гулнинг тўқидек келиним бор экан», «Фақат қозонимдагини сизга сузиб қўйдим». А.Қодирий кўпчиликнинг ўртасида сингиб кеткан мақолалар, қўшма сўзлар орқали содда тилимизни усталиқ билан ёпиштириб, келиштириб ишлатади. А.Қодирий «Ўткан кунлар» рўмонининг ўзбек тилида ҳукм суриб турган шева ёки лаҳжаларнинг бирортасига суялиб туриб ёзмаган. Асосан мавжуд камбағал ўзбек адабий тилини олиб туриб етмаганларини ҳозирги жонли сўзлардан излаган, терма қилган. Қишлоқ билан шаҳарнинг иқтисодий алоқаси натижасида қишлоқ шаҳардан сўзлар ўрганиш билан баравар ўзидан ҳам шаҳар тилига қўшимчалар киритиб кетади. Ҳозирги адабий тилимиз кўпчилиги билан шаҳар халқ тили берилса-да, қишлоқ таъсиридан қочиб қутилмаган. Тўғриси, қочириш ҳам мумкин эмас эди. А.Қодирий

бизга кирган қишлоқ сўзларни олиб ўзига керакли қадар бир оз ишлатиш билан кириб келаёткан сўзларини илдамлаштириб, бекиниб ётқанларини судраб адабий тил хазинамизни бойитти. «Юр» сўзини ишлатиш билан баравар ўз ўринида «жур» сўзини ҳам ишлатади. Агар А.Қодирий чигатойчилар назариясича қишлоқдан келиб кириб келган сўзларнинг бир қисмидан ва ўзбеклашиб кеткан чет сўзларнинг баҳридан кечиб ёрдамга ўлик сўзларни чақирғанда эди, «Ўткан кунлар» озгина табақага махсусланиб қолар, мунча довруғланиши ҳам мумкин эмас.

Ёзувчининг ўз хусусияти яратган асарининг тилига ҳам таъсир этмишдур. А.Қодирий ўзи Тошкант шевасида сўзлаб ўскан ва шу шароитда яшаганликдан асарига ҳам шуни акс этдирган. «Дарбозанинг ўнг томониға қараб юруймиз». Марғилонда Тўйбека сўзлаганда Тошкант шевасида ҳам сўзлаб қўяди. «Нах бизага куяв бўладиған йигит экан». Отабек сир билиш, очиш учун қутидор билан ўлтиришиб сўзлашканда:

«— Сўзлаш оғирми?»

— Менгагина эмас, ҳаммамизга ҳам оғир...

— Агарда биз ризолик берсамиз-чи?»

Фаргона халқи «нах бизага» эмас, «нах бизларга» деб сўзлайди. «Берсамизчи» демай, «берсак-чи» дейди. Албатта А.Қодирий Тошкантдан чиқарган қаҳрамонларини Тошкант шевасида, Марғилондан чиқарган қаҳрамонларига Марғилон шевасида сўз бермаган. Бундай бўлиши ҳам хунук чиқар эди. Фарқ айтилишдагина бўлиб маънода айирма йўқдир. Рўмоннинг бир мунча жойларида юқоридаги каби сўзлар учрашининг сабабини кўрсатиб кетиш учун тўхтадиқ. Яъни А.Қодирийгина эмас, бутун ёзувчиларнинг ўз шеваларининг таъсири яратган асарларидан очиқ кўринади.

Ҳеч шубҳасиз, «Ўткан кунлар» рўмони тил эътибори билан ўзбек адабиётида юксак ўринни олади, кенг мавқени ишғол этади. «Ўткан кунлар»нинг майдонга чиқиб қаралганига учтўрт йилгина бўлди. Аммо унинг тили ўзбек адабий тилига қуруқ хазина бўлибгина кирмасдан, ҳозирда амалий қўлланилиб туради. Ёзувчиларимизнинг бирмунчалари «Ўткан кунлар»ни ўқиб, тилидан анча фойдаланиб иш кўраётқанлари очиқ маълум. Бундан кўз юмиш бўлмас. «Ўткан кунлар» мафкуравий, ахлоқий томондан бизга зарарли бўлиши билан баравар адабий тилимизнинг такомили йўлида анча фойдалидир. Албат-

та, биз «Ўткан кунлар» рўмони бутун тилимизнинг бойлиғини, яъни ҳамма бисотимизни ишлатиб қўйибдур, бизга яна тил масаласида уннашга хожат қолмабдур, деёлмаймиз. Янги ёзувчиларимиз кундан-кун қўпайиб, турли янги суратларни яратганларидан сўнг уни ифода қилиш учун яна тил устида айрича ишлашқа мажбур бўларлар. Яна ишлатилмаган адабий тилимизга киришка ҳақли бўлиб турган сўзларимиз анчагина бордур. Уни тўғри, уста қўллаш, қурол қила билишимиз керак. А.Қодирий учун «Ўткан кунлар»ни содда ўзбек тилига яқин қилиб ёзиш қулай бўлмаган. Бунинг учун авом халқ билан кўб ул-фатчиликда бўлган. Берган типлари билан кўб суҳбатлашкан, сўзлашкан, натижада тил масаласида соддалиққа эришкан. Бусиз, албатта, уйдагина ўлтириб авомга яқин тилда асар яратиш мумкин эмас.

ТАСВИРИ

А.Қодирий юқорида санаб ўткан приёмларига қўшимча қилиб ҳаяжонли тасвир усулини қўллайди. Айрим нарсаларни, ҳодисаларни, кишиларни эркин гавдалантириб суратлаш ўрнига кишида берилажак тасвирлар атрофида ҳаяжон пайдо қилиб ўқувчиға таъсир этмакни кўзда тутлади. Қаҳрамонларнинг бошидан ўтқазаетқан аҳволларининг тасвирига киришаркан ўқувчи ҳиссини, фикрини ёқлаш ёхуд қоралаш томонға буради. Воқеалар ва кишилар орасидағи тортишларнинг барисиға бир четдан бўш қараб бормасдан, қўрқинчли, ҳаяжонли тасвирлар орқали суқилиб, баҳосини бера боради. Мароқлантириш, дардлантиришқа куч тўқади. Рўмонтиқ ёзувчилар учун севилиб қўлланадурған бундай приём рўмоннинг биринчи бўлимининг «Тўй, қизлар мажлиси» ва яна иккинчи бўлимида «Бизда ким кўб йиғлайдир?», ҳам «Жонсўз бир хабар ва қўрқунч бир кеч» бобларида очиқ сезилиб туради.

«Қизлар мажлиси – гуллар, лолалар, тўтилар, қумрилар мажлиси! Бу уйда – Кумушбибининг тоғасининг уйида қизлар мажлиси, гуллар мажлиси!.. Агар бу уйга кириб, бу мажлис аъзоларини бир мартаба кўздан кечирсангиз, ҳозирданоқ айтиб қўйиш мумкинки, албатта эсингиз чиқиб кетар:

Бу гулми, кўхлик? Йўқ наригиси! Ундан кўра буниси! Барисидан ҳам ўттаси!... Ана шундай қилиб эсдан ҳам ажрарсиз, гул

танлашда бир қарорға келалмай эл ичида кулгига ҳам қолурсиз, расво ҳам бўлурсиз».

Булар ичидан Кумушни кўкка кўтариш учун:

«...Бошдағи оқ шоҳи рўймол, ичдағи оқ шоҳи кўйнак, устдағи оқ кумуш заррин сирилган пўстин, бағбақаларни ўраб ўпиб турган ёқа қундузларининг келишкани, солиниб тушкан қора жинггила сочларни бўйин теварагига чирмашқани, хом нуқра юзларнинг бўғриққани...»

«...Агар биз шу кезде заршунослик учун энг шимарсак, яъни гулни гулдан ажратадурган бўлсак, бояғидек эсанкираб, мутараддид қолмаймиз, чунки Кумушбиби лолалар ичидағи бир гул ва ё юлдузлар орасидағи тўлган ой эди».

А.Қодирий шоирона бутун тўй, қизлар мажлисини тасвир қилиб чиқади. Кумушнинг ёки қизларнинг ўз сўзлари, ҳаракатлари билан суратлаб жонлантирмайди. Кумушни фақат эси йўқ хаёлчи қилибгина, сир яширғич қилиб қўйган. Кумуш уни босиб келаёткан касофатлар тўғрисида ҳеч ўртоғи билан сўзлашмайди. Реалист ёзувчи Кумушнинг, қизларнинг суратларини ўз сўзларида, ҳаракатларида жонлантириб, гавдалантириб берган бўлар эди. А.Қодирий Гулсун билан Хонимбибининг «Йиғларман» куйига ашула қилдириб шундан Кумушни таъсирлантиради. Шу билан ўқувчиға зўрлаб қизларнинг никоҳ кунги оғир кайфиятларини эслатмакчи. Бу мантиқ ёзувчилар учун энг севикли йўл албатта, шундай приёмлардир. Рўмонтиқлар воқеани одамнинг кайфиятини турмушда қандай бўлса шундай жонлантириб беролмайдилар. Турли-туман киноя, истиора, ўхшатишлар орқали дардли тасвирлар билан кишида ҳаяжон қолдиришға ҳаракат қилади. Бунинг учун рўмонтиқ ёзувчилар воқеалар, кишилардағи ўзгаришлар, руҳий сезгилар тўғрисида мулоҳазаға, фикр юритинишка киришиб кетади.

«...Ниҳоят «Наво» куйи унинг бутун танидағи сувларини кўз орқалиқ тўқдирди-да, фалакнинг тескари ҳаракатидан шикоят этиб қўйди ва дунёда ёлғиз ҳасраткина бўлмағанлиғини билдиргандек ўзининг «савт» куйини ер юзига шодлик ва сўйинч ёғдириб, арз эта бошлади. «Наво»нинг сиҳирлик «савти» Отабекнинг кўз ёшларини қуритди-да, бир енгиллик бағишлади. «Наво» билан ювилиб кеткан унинг умид гулзорида янги чечаклар униб чиқди...»

Рўмоннинг биринчи бўлими «Хукмнома» бобида Отабекни Ўтаббой қушбеги ўлим жазосиға хукм қилади. Дор тагига

етар-етмас Кумуш бир хат келтириб отасини, ҳам Отабекни кутқаради. Шунда Ўтаббой қушбеги ҳузурда Кумушдаги кай-фиятни онглатиш учун:

«Гўё бу сўзлар Кумушбибининг ўчкан чароғини қайтадан ёқарлар, умид осмонининг йўқолиб, яшириниб кеткан юлдузлари яна қайтадан ўз ўринларига келиб қўнғандек бўлурлар, унинг кўз ўнгида жой олган қоралиқлар шу ёқила бошлаган нажот шамълари партави билан ўз-ўзларидан йўқолғандек кўри-нарлар эди».

Ёзувчининг сочма шеърий қуввати орқали Кумушдаги ма-роқли ҳаяжонни сеза бошлаймиз. Муслмонқул олдида Отабек сўроқ беради-да, ўлим жазосига ҳукм бўлади. Отабекдаги ор-тиқча ғайритабиий жасоратнинг ҳақиқат эканини исбот қилиш учун ёзувчи яна хаёллашдириш билан шоирона тасвирга кири-шади:

«Отабек гарангсиган сумол деворга суянган, мундаги ал-лақандай маъноларни онглатқан тахт, тож, хон, бек каби лаш-лушлар унинг кўз ўнгида қора пуллик қадру қийматсиз... Тўғриси, ул ажиб бир табиъатка кирган, унинг вужуди қуруқ ва ҳиссиз... Йўқ, ул сезса-да, билса-да, гўё оёғ-қўли боғланиб бўғизланишга ҳозирланган бир қўй каби қайралаётқан пичоққа бутунлай парвосиз, қўрқувсиз томоша қилар эди. Бу турмиш, бу ҳокимият, чеки кўринмаган бу қоронғилиқ... унинг учун сира қизиқарлиқ эмаслар: ул йўқ эди, тинч эди, ул келди – тинчи-мади, ул яна йўқ бўлса, эҳтимол, яна тинчир эди. Мана шунинг учун ҳам ул безрайган эди».

Шунча сўлғунлиқ, умидсизлик ва унинг сабаблари бизнинг кўз олдимизда гавдаланадими? Йўқ. Балки кишида фақат ҳис-сиёт уйғонади. Реалист ёзувчи Отабекнинг ўзига мантиқий сўз-лар бериб, у сўзлари орқали кишининг жонли тирик суратини тақдим қилар эди. Рўмонтиқ ёзувчилар кишининг ички руҳий азобини ўз юракларидан чиқариб берадилар. Буни биз Отабек-нинг Марғилонга қатнаш вақтларидаги берилган сўз наққош-лигидан ҳам билсак бўлади.

«Унинг қалдирғочлик қаноти ота-она мукофоти билан қай-рилган. Унга учкали эрк бермайдирлар. Лекин ҳайвон унинг қайрилган қанотиға қарамасдан ўзининг эски одим ташлашида қирлар, тоғлар ошиб сувлар кечадир: етти-саккиз қайта бориб келган таниш шаҳарига интилгандан-интила берадир. Бу ошиш-

лар, бу кечишлар ўзга вақтларда Отабек учун ҳузур ва ошиқиш бағишлаган бўлсалар, бу гал уни нафратландирадирлар, бормай қайтиш фикри халидан-хали кўнглига келиб турадир».

А.Қодирийнинг тасвирий қуввати кучлидур. Ўхшатишлар, муболағалар билан сўзлардан маънолик гул дасталари тузиб бера биледи. «Қутидорнинг жавобидан самимият ва ихлос маънолари томиб турар эди. Жавобни эшиткан совчиларнинг томирига умид қонлари югуруб кетди».

А.Қодирий лаззатли тасвири ўз ўрнига қўйиб ўқувчиға ёқади. Ўқувчида ҳаяжонли туйғулар қолдиради.

«...Ариқнинг мусаффо тиниқ суви ёвошғина оқиб келар, Қумушбибининг қаршисиға етканда гўёки унинг таъзими учун секингина бир чарх уриб қўяр, ўз устида ўлтурган соҳиранинг сихрига мусахҳар бўлган каби тағи бир каттароқ доирада айлангач, оҳистагина кўприк остиға оқиб кетар эди. Ариқ сувининг ниҳоятсиз бу ҳаракатини узоқ кўздан кечириб ўлтурғач, қўл узатиб сувдан олди ва юзини ювди. Унинг юзини ўпиб тушкан сув томчилари билан ариқ ҳаракатка келиб чайқалди, гўёки сув ичида бир фитна юз берган эди... Иккинчи, учунчи қайталаб юз ювишда бу фитна тағи ҳам кучайди...»

Нозик оёқлар толдилар, шекиллик, садаф каби оқ тишларини бир-икки қайталаб чайди, ариқ бўйини ва унинг сувларини ташлаб кетди...»

А.Қодирий жой-жойи билан авайлабгина, осойишта тасвир қилиб, жонсиз нарсаларни жонлантиради, ўрни-ўрни билан ғайритабиий чиқишдан ҳам тортинмайди. Устакор қалами билан муддаоларини ўқувчиға ўтказишда кўб енгилликларга муваффақ бўлган. Қалам кучини биз қаҳрамонларни гапиртиргандан кўра ўзи иштирок қилиб ёзиб кеткан вақтларда кўра-миз. Воқеаларни, ўзгаришларни, курашларни тўғри кўрсатиб бермай, кўпрак унга кучли тасвир билан хаёлчанли баҳо беради. А.Қодирий ҳаяжонли баҳо бериш билан воқеаларни тасвир қилиш усулини табиатни тасвир қилишда бир мунча қўллайди. А.Қодирий табиат тасвирини турмуш билан боғлаштириб ўқувчининг кайфини воқеаларнинг давомини ўқишға, яхши ҳис этишға ҳозирлайди. Отабек олдидан Ҳасанали чиқиб совчилик йўллари ахтарар. Уни йўлға чиқариб қўйиб, А.Қодирий: «Қош қорайиб, қоронғу тушаёзган эди. Ҳаво булут, аччиғ совуқ ел тўрт томонға югурар, онда-сонда қор учқунларини

қувлаб зириқтирар эди. Эрув вақтида ярим белдан лой кечишка тўғри келадирган кўчаларнинг лойи қатқалоқланган, шунинг учун юргучи қийналмас, аксинча, ола-чалпоқ қор пағаларини босишдан вужудга келган оёғ остидаги «ғарч-ғурч» товушлари кишига бир турлик кайф, мусикавий енгиллик берар эдилар.

А.Қодирий табиатни тасвир қилганда, албатта, қаҳрамонларнинг ҳаракати, аҳвол руҳиясининг қандай боришини кўзда тутади. Табиатдаги кўриниш билан қаҳрамонларидаги аҳвол руҳияни солиштирган. Бундан бошқа табиий ҳодисаларни ўзи танлаб қуруқ тасвиргина қилмасдан таҳлил ҳам қилиб кетади. Табиий кўринишларни олиб туриб уни обдон кўрсатиб қўймай ундан турли натижалар туғдиришга уннайди. Уста сўзлар, кучли ўхшатишлар билан чизиб беради. Бундай йўллар А.Қодирий учун табиатнинг тасвирини воқеанинг бориши билан боғлаб муддаосини ўтқазишда имконият берган.

«Куз кунларининг оёғи ва қиш кунларининг боши эди. Дарахтлардаги сариқ барглар тўкилиб тугалган, ер юзи ўзининг қишқи сариқ кийимини кийган эди. Тўрт томонининг ўралганлиғи соясида япроқларини тўкилишдан сақлаб қолган бу гилос ёғочлари ҳам бу кун тунги қора совуққа чидамай, елнинг озғина ҳаракати билан-да баргларини ширт-ширт узиб ташламоқда эдилар. Ҳаво очик бўлиб, қуёш тузуккина кўтарилган, аммо унинг ўзи ҳам бу кун унча таъсири йўқ, бу кунги қора совуқ қуёш кучини-да кескан эди».

Куз кунларидаги табиатни уста тасвир қилар экан А.Қодирий муболаға билан ҳақиқатдан тасвирлайди. Тузуккина кўтарилган қуёшни унга таъсири бўлиб кетиши мумкинми? Йўқ, албатта. Бу ерда тасвирдаги муболағалар Кумуш учун қўлланилган. Умуман табиат тасвирини А.Қодирий оддий суратда гавдаламасдан рўмонтиқлар севган равишда ўхшатишлар, муболағалар билан хаёллаштиради. Табиатдаги ўзгаришлар табиий қонунлар асосида мантиқий бўлинкарамай, рўмондаги қаҳрамонларнинг руҳи билан баҳоланиб бориб, курашка кўмакчилик қилади. Юқорида келтирилган жумлаларимиздан сўнгра А.Қодирий Кумушбибининг тасвирига киришиб кетади. Бунда табиатнинг кузги кўринишини Кумушнинг ҳолати руҳиятига мос келтирибди.

«Ўрта эшикдан Кумушбиби кўринди. Бурунги тўлалиғи кетиб, озғинланган ва лекин бу озғинлиқ унинг ҳуснига камчи-

лик бермай, билъакс юқорилатқанлар. Камон қошлари ортик мавж уриб ўзини кўрсаткан, бир оз бота тушкан шахло кўзлар тагин ҳам тим қоралиқ, тагин ҳам нурлилик касб эткан эдилар. Бу кунги совуққа қарши кийиб олган совсар пўстинининг ёқалиғи кишининг ҳасадини ортдириб, нафис бағбақаларни ўпиб ётар эдилар».

Табиат кўриниши билан Кумушнинг усти кўринишини чақиштириб бўлиб, А.Қодирий кайфини ҳам чоғиштириб тасвир қилади:

«Келиб айвон муйишига ўлтурди-да, кўзларини оғирғина ҳаракатландириб, кетма-кет чип-чип этиб тўкилмақда бўлган хазонларга қаради ва ҳар бир япроқни юқоридан кузатиб ерга қўя борди. Ул ерга тушкан ҳар бир япроқда ўзининг таржумаи ҳолини ўқур, ўзини-да мавқеъидан айрилиб, ҳечка чиқиб турган шу хазонлардан айира билмас эди. Айира билмади-да, латиф кўкрагини тўрт энлик кўтариб тин олди ва кўзлари жиқ ёшга тўлди».

Рўмоннинг иккинчи бўлими 12--нчи бобида «Жонсўз бир хабар, қўрқунч бир кеч» воқеасининг тасвирида Отабекнинг аҳволи руҳияси туманлаштирилган. Бу ерда ёзувчи табиатни катта қурол қилиб олади. Мозорлиқ, чинорзорнинг тасвири Отабекнинг кайфи билан мувофиқлаштирилгандур. Гўё Отабекнинг хаёли бир қобик, табиат бир сўз тўлқуни шу сўз ичида ғарқ бўлиб оқади. Ёзувчи Отабекни навбатдаги курашларигача парвариш қилиб тайёрлайди. Табиат тасвирига А.Қодирий албатта уни илоҳий гўзаллик эканидан шама қилади. Шу «илоҳий» табиатнинг ўзгаришлари унинг қаҳрамонларига мадад бериб, курашларида кўмакчи бўлади.

А.Қодирийнинг тасвирий қуввати ҳозирги ўзбек ёзувчиларининг барчасидан кучлидур. Бунда ҳеч бир шубҳанинг бўлиши мумкин эмас. Юқоридаги кетирган мисолларимизнинг ҳаммаси унда куч-қувват борлигини билдиради. Шундай бўлса-да, А.Қодирий ўзининг қалами кучсизлиги тўғрисида сўзлайди. Отабек Марғилонга қатнаб юриб, охири бир куни қутидор эшигидан чиқиб келгучи кишилар оғзида Кумушбибининг тўй хабарини эшитади. Шунинг тасвир қилиб келиб:

«Унинг бу кунги ҳолига қараш юракларни ёрғанидек тасвирга ҳам қалам кучи ожиздир».

Жиноят очилиб, уста Алим келтирган хатни ўқиб кўргач, айниқса Кумуш қутидорнинг бояғи ҳолига тушкан эди.

«Кишининг бу дақиқадаги ҳолини қалам билан чизиб кўрсатиш албатта мумкин эмас эди».

«Бечора ота – бечора она!..»

Учунчи кун улар ҳам келиб етдилар... Уларнинг ҳозирги ҳолини тасвир этиш мумкинми?!»

А.Қодирий учун бу, эҳтимол, «даъводор»ликдур. Бунда бир ёзувчининг усули дейиш мумкин. Ёзувчи ўқувчида чуқур таъсир, ҳаяжон кўзғатиш учун ҳам оламий ожиз кўрсатиш билан воқеанинг дахшатини ортдирмоқчи бўлгандур. Бу манфаатни йўқ деб айтиш қийин. Чунки рўмантиқ ёзувчилар учун бундай йўл яхши сезилади. Аммо бу ерда шуни ҳам чизиб ўтиш лозимки, А.Қодирий воқеанинг кучли ўрунларида одамнинг руҳий ҳолатини бадиий куч билан кўрсатиш фурсати босиб тушкандан нўноклик қилади. Ўшандоғ пайтларда сирни очиб чароқлашиб кўрсатолмайди. Шунда қаламининг ожизлигидан баҳс қилиш йўли билан кучли ҳаяжон туғдирмоқчи бўлади. Ҳақиқатда А.Қодирий тасвирда ўша сирларни очишга кучсиз эмас. Балки тасвирий кучи, қуввати етарлик. Аммо унинг севган усули рўмонтиқ мактабидир. Воқеани, кишини кўрсатиш, тасвир қилиш учун рўмонтизм ўзининг кучсиз прёмлари билан тирик одамнинг бутун пайтларини кўрсатиб, сирни очиб бериши мумкин эмас. Шунинг учун ожизлик айби А.Қодирийда бўлмай рўмонтиқ мактабининг адабий нуқсонларидадир. Уста ўткур қаламли А.Қодирий шу мактабни асосан қабул қилган экан, унинг нуқсонларини ҳам гарданида сақлайди. «Ўткан кунлар»даги тасвирда кўрсатишдаги ожизлигини танқид қилиш билан рўмонтизм мактабини ҳам танқид қилган бўламиз. А.Қодирий асосан рўмонтиқ бўлиб, қисман реалистдир. Натурреализм унсурлари ҳам бордир.

Адабиётда рўмонтизмнинг хусусиятлари нимадур? Бу ерда рўмонтизм тарихий эканига ва тарихда буржуазия манфаатига асосланган адабий мактаб эканига тўхталмаймиз. Бу ҳақда натижалар қисмида тўхтасақ бўлар. Рўмонтизмнинг тубги умумий хусусиятлари тўғрисида ҳеч бир адабий киши кўб тортишмайди. Бу ҳозирги китобларда деярлик умумий таъриф билан бир юради. Рўмонтиқлар оддий кишилар турмушидангина лаззат олмасдан, қаҳрамонларнинг хаёлларини бўёқлар билан сирлиқ кийимларда суратлайдилар. Бундан бошқа ҳозирги ўз замонаси уни қизиқтирмай, эскиликка, оқсоқолларга қўнгли оқа беради. Эски хурофотларни, халқ ҳикояларини яхши кўриш билан баравар унга яқиндаги нарсадан узоқ туришлар ширин

туйилади. Рўмонтик буржуаларнинг приёмлари одамни кўрсатишлари ҳам юқоридаги хусусиятларига боғлиқ. А.Қодирий мавзўни эски замонлардан олиб эски одатлар, ҳикояларни яхши кўрганидан уни хаёллаштириб бериб тасвирлайди. Қоронғу кўчалар, мозорлиқлар унинг асарларини лаззатли чиқаришда кўмаклашади. Рўмонда ўзи истаган қахрамонни кўкларга кўтариб юборган. Отабек билан Кумуш арши аълога чиқарилади. Ҳатто уларнинг кураши – енгишида гўё «илоҳий» кучнинг ёрдами бордек.

Ҳомидда бўлса-чи?

Салбий типларга келганда, ҳеч ўринда «илоҳий» сўзи, илоҳий муҳаббат... илоҳий гўзаллик...лар кўрмайсиз. «Илоҳий» томондан шундай яратмаганда турмушда шундай кераксиз бўлиб қоладир...

Биз ҳаётимизда, курашимизда чиройлик, гўзал бўлиб-да ақлдан заррача йўқ ва жамиятка кўбрак зарар билан «кўмак» эткучи типларни кўрганимиздек, ориқ, савлатсиз, кўрксиз бўлгани ҳолда эслик-хушлик жамият курашининг марказида борғучи типларни ҳам учратамиз. Жулқунбой рўмонида салбий типлар бутунлай кўркдан-ақлдан, бахтдан варакай хароб... Ижобий типлар (Отабек, Кумуш, ҳожи ва бошқалар) варакай кўрккли, савлатли ва ақлли (Ўзбек ойимнинг бир оз салбий характерлари очилган), сўнгра ақлли деб кўрсатилган типларнинг ақли уйдагина қоладир. Отабек, ҳожи, барчаси уйда-четда қолган ақллардир. Умуман типни хаёлдан тўқишда қарши-ма-қаршилиқ туғулаберадир. Хаёлдан тўқишнинг ўзи юқорида айтканимиздек, рўмонтик приёмларидандир.

Ёзишда хаёл бўлмайди эмас, лекин тип яратишда Жулқунбойдаги турмушга кириб текшириш хизмати ёнига педалўтига (кишиларнинг тан тузилиши ва руҳий ёқлардан бўлаклаш) илмини қўшиш керак бўлади. Ёзувчилик хаёли албатта илмий асосдаги ижодий хаёл бўлиши лозимдир.

АСЛ ФИКРНИНГ ЖИЛОВИ

Биз юқорида А.Қодирийнинг усулларига алоҳида тўхтаб ўтдик. Қўллаган усулларининг сабаблари билан очиқ мисолларда майдонга қўйдик. Агар биз А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар» рўмони билан қўллаган адабий усулларини бир жойга жамлаб тартиб билан қараб чиқсак, тубандағича бўлади.

Тарихчилик, яъни тарихни воқеа адреслар каби ёзиш усули, дидактика – ўз муддаоларини ўқувчиға сўқиш, қарама-қарши солиштириш-таққослаш, диалўги-монологдаги қисқалиқ кескинлик билан баравар муҳаррирнинг чекиниши, бекиниши, қаҳрамонларининг баҳодирона қурбон бўлишға интилганини кўрсатишқа қаратилған уринишлар, тасвирдаги суратда (образ) ўхшашли кўчим билан баравар ҳаяжонли баҳо қўя бориш ҳам сўз мастерлиғидир. Бутун бу усуллар билан ёйилган суратлар, фикрлар – барчалари қарама-қарши солиштириб баҳо қўйиш атрофида умумлаштирилади, бутунлаштирилади. А.Қодирийнинг ҳам асосий бош чизиғи, муддаоси ҳам мана шундадир.

А.Қодирий бу хилда чизған чизиғи билан тарихий йироқликқа руҳий асосда кирмакчи бўлмаған. Эски, қадимги замон одамларини ва уларнинг ҳаётини кўрсатишда айнан уларнинг бутун руҳий ҳолатларини ҳар томонлама таҳлил қилиб тирик одамни кўрсатишни кўзда тутмаған. Ёзувчи «Ўткан кунлар» рўмони билан ўз нуқтаи назарида тарихнинг ижтимоий ахлоқий асосларини очиб бермакчи бўлипти. Шунинг билан рўмони орқали кишиға ижтимоий ахлоқ ўргатади, жамият орасида шахсларнинг қандай муносабатда, ахлоқий алоқада бўлиши кераклиғи тўғрисида идеалистларча таълим беради. Шунинг учун «Ўткан кунлар» тарихий руҳи тирик одамни гавдалантирадиган рўмон бўлмай, ижтимоий ахлоқий «тарихий» рўмондур. Мана шундай фикрий томир А.Қодирий рўмони учун манбаъ бўлиб белгиланган.

Ўтмиш адабиёт тарихига кўз ташласақ бирмунча давр рўмонтиқ мактабига асосланиб ёзилған бутун тарихий рўмонларнинг руҳи бўлмай, ижтимоий ахлоқий бўлганини кўраимиз.

Ижтимоий-ахлоқий рўмонлар кўб вақт рўмонтиқ мактабининг шеърятидан иборат бўлған. А.Қодирийнинг фикр манбаълари ҳам айнан ижтимоий-ахлоқий масала бўлганидан «Ўткан кунлар» рўмони ўзбек адабиётида рўмонтиқ шеърятнинг намунаси демак мумкиндир. А.Қодирий бутун рўмонтиқ мактабнинг севған приёмларидан озиқланған. Уни бир оз ўзлаштирган. А.Қодирий ўзбек адабиётидаги рўмонтизмнинг бош кучли намояндаси бўлади.

Озарбайжонда «Ўткан кунлар»нинг биринчи, иккинчи жузъи ўткан йил босилиб тарқатилди. Таржимани Холид Саид қилипти. Китобнинг бошида Холид Саид* билан Қамчинбекнинг* бош сўзи бор. Шунда бир мунча биз қўшилмайдиған нуқталар

учради. Шунинг бир бўлаги устида ҳозир баҳс очишимиз лозим. Муқаддимада айтилади:

«Асар реалист, баъзи ерларда натуралистча ёзилгандур. Бунга кўра реализм маслаги ўзбек адабиётига бу асар билан киради, демак мумкин».

Ажабо, нима учун А.Қодирий реалист бўлади? Бунга муқаддимада жавоб йўқ.

Юқорида санаб чиққан адабий усуллар, приёмларнинг бари рўмонтиқ мактабининг севган приёмларидир. А.Қодирий тарихдан олган ҳодисасини бизга очик реалний кўрсата билмаган. Ўша замон одамларини тирик турмушда борича олмасдан кўкларга кўтариб юриб, кўнгли хоҳлайдиганча тасвир қилади. Албатта, биз асосан рўмонтизм асосида ёзилган бундай рўмонни ёшларга реализм мактабидан намуна деб тақдим қила билмаймиз. Агар биз шундай дейдиган бўлсақ адабий мактабларни ўрганиш масаласида ёш адабиётчиларимизни адаштириб қўйган бўлмаймизми?

Холид Саид, Қамчинбек ўртоқлар ҳар қандай кишини ишонтира олмайдиған даъволарини то охиригача олиб бориш учун А.Қодирийни реалист деганлар. Биз юқоридаги жумлалардан олдинроқ мана шундай жумла ўқиймиз:

«Қаҳрамон (Отабекни айтмакчи – С.Х.) ўзбек халқининг бутун сажиясини (характерини) ўзида тўплаған ўзбек қавмининг бир типидир».

Демак, ўзбек халқи умуман ҳеч синфларга, табақаларга ажрамаған, иқтисодий кун кўриши бир негиз бўлған. Шундай даъвони ким қилади? Қамчинбек ўртоқлар ўзларининг юқоридаги калималари билан мана бизнинг ўзбек миллати, мана Отабек каби «маъноли, яхши, ўткур» кишилар демакчи бўлғанмикинлар?! Ҳар ҳолда Отабекни ўзбекнинг бутун типини ўзига йиққан умумий бир тип дейиш бутунлай шабода фаҳмлиқдир. Ҳатто рўмоннинг ўзи ҳам буни инкор қилади. Чунки рўмонда бир неча хил хусусиятлар билан ажраладиған ўзбеклар иштирок қилади. Албатта, қаҳрамонлар ичидан фақат Отабек, Қумушбиби бўлиб, қолғанлари бошқа миллатдан, деб даъво қилмаслар. Отабекни хаёлдан ўйлатиб чиқарилған савдогар демак мумкиндир. Реалний турмушда биз ундай савдогарни кўрмаймиз ва илгари ҳам шундай бўлған. Бу ердан реализмни тўғри тушуниш масаласи ҳам катта аҳамиятга эгадир. Биз юқорида

айрим приём масалаларида рўмонтизм усули билан реализм усулини солиштириб бордиқ. Унга қўшимча қилиб реализм масаласида бир-икки оғиз сўз ёзиб ўтиш лозим.

Реализм турмушнинг ростини айнан олиб, уни ортиқча хаёл бўёқлари билан бўямасдан, борлиқни тўғри онглашга ва тўғри онглантишга тиришади. Реалний турмушнинг ҳақиқий қонуний тараққиётини, ўзгаришларини тўғри онглаш катта аҳамиятга эгадир. Турмушни, ундаги ички воқеа-ҳодисаларни бир-бирига бўлган муносабатини, алоқасини тўғри илмий асосда онглай олмаган ёзувчи уни ёзувчи кишига ҳам бадиий шаклда онглата олмайди. Реалний турмушнинг чигалларини очиб берадиган илмий усуллар асосан иккига бўлинадилар. Бири марксизм, диалектика усули, иккинчиси метафизика усули. Диалектика ҳодисаларнинг сабабларини, бир неча ҳодисани бир-бирига алоқадор олиб текширганда, метафизика усули алоқасиз, якка-дуқка олиб таҳлил қилади ва ҳоказо. Бу усулларда турли тармоқчалар бўлиб, асосан иккисидан бирига мойил кетарлар. Реализм асосида ёзувчи художниклар ҳам ўзларининг синфий санъатларига қараб реалний турмушни хаёлий бўёқлар билан бўймай олса-да, уни ўзига ўхшаб тушадиған ёғини ажратиб олиб таҳлил қилаберади. Буржуазия реализмаси учун турмушдаги ҳодисалар, воқеалар асосида ишлаб чиқариш муносабати бўлиб, шу орқали ҳодисалар бир-бирига боғлиқ эмаслар. Шунинг учун буржуазия санъаткорлари турмушнинг қайси қисми қирраси улар учун мароқли, манфаатка мувофиқ бўлсалар, ўша жойни олиб суратлай берадилар. Аммо прўлетариат реализмаси бутунлай бошқа асосдадир. Биз турмушдаги ўзгаришларнинг асосида биринчи галда иқтисод ётқанини ва унинг келиб чиқишини, ўсишини, йўқ бўлишини кўзда тутиб, бир-бирига алоқадор таҳлил қилиб тушунализ. Прўлетариат адабиётининг реализмаси турмушни шундай атрофлича онлар, тушунар экан, албатта, буржуазия реализмасига қарағанда тўғри ҳақиқатга яқин қилиб онглата олади.

Баъзи майда буржуазия ёзувчилари бизда реализмни бутунлай хато тушунадилар. Гўё тарихимиздан бир асар ёзсанг шунда иштирок қиладиған қаҳрамонларнинг исмлари тарихда ўткан бўлса, иморатлар, жойлар, тарихий ҳужжат билан ўша вақтда шундай бўлгани рост бўлса, шуни реалний ёзиш деб тушунадилар. Бундай тушунча тарихчилик қоидаси бўйинча тўғрига яқин турса-да, санъат, адабиёт бобида тўғри бўлмайди.

Чунки художникнинг вазифаси реалний бўлиб, ўткан исмларни, унинг қайси маҳаллада турганини айтиб бериш эмас, балки ўша замон синфий табақаларига боғлиқ бўлган бир неча одамларнинг ҳақиқий суратларини бизнинг қаршимизда тикка қилишдур. Бу вазифани реалист рўмончиларгина бир даража ўтадилар. Прўлетар рўмончилиғи эса қаноатланарлиқ бажариши керак. Биз бу ҳақда натижалар қисмида яна тўхтармиз. А.Қодирий тарихий исмларни ҳақиқий реалний ёзиб чиқишга жуда кўб уринган. Шу билан рўмоннинг тарихий ҳақиқатга жуда тўғри бўлганини исбот қилмоқчи бўлипти.

«Ўтаббой қушбеги қипчоқ бекларининг тузукларидандир. Бу киши Марғилонда 1263-67 хижрий йиллар орасида бек бўлиб турди. Мусулмонқулнинг азлидан сўнг унинг ўрнига мингбоши (ҳарбия ва бош вазир) бўлиб белгуланди. Марғилонда Ўтаббойдан қолган осор ҳам бор».

Шу саҳифанинг остига Ўтаббой қушбегининг таржимаи ҳолини ёзиб кўяди. Бу-да унча қизиқ эмас. Бундан бошқа олам жаҳон жойлар, одамлар устида изох, испирафкалар ўқиймиз. Ҳаммадан қизиғи А.Қодирий бош қаҳрамони бўлган Отабекнинг ўғли тўғрисида рўмоннинг энг охирида пухтароқ испирафка беради. Аммо ростлиғига ишониш қийин бўлса-да ишонтиришга ҳаракат қилади:

«Ёзғучидан. Кейинги Марғилон боришимда яқин ўртоқлардан Ёдгорбек тўғрисида суриштириб билдим: Ёдгорбек ушбу асрнинг ўн тўққиз ва йигирманчи очлиқ йиллари миёнасида вафот қилиб, ундан икки ўғул қолибдир. Ўғулларидан биттаси бу кунда Марғилоннинг масъул ишчиларидан бўлиб, иккинчиси Фарғона босмачилари орасида экан. Бу кунда ному нишонсиз, ўлук-тириги маълум эмас, дейдилар».

Албатта, бундай тарихчилик ёзувчини реалист қилиб кўрсатиши мумкин эмас. Рўмонтиқ ёзувчилари, тарихий рўмончилари ўзларини ҳақиқатга жуда яқин ижодчилар деб, даъво қилиб юқоридаги каби художник учун аҳамиятсиз бўлган нарсалар билан ортиқ шуғулланадилар. Тўғри, бизда тарихий асарларимиз йўқ, бўлганидан испирафкалар керак. Аммо уни рўмоннинг ичига тикиштирмай, бутунлай бошқа бир бўлимда, ҳаммасини бир қилиб ёзиб чиқиш мумкин. Испирафкаларни тўғри териб-да тарихий одамларни кўрсатишда рўмонтиқ ёзувчилар приёмини қабул қилган ёзувчи ҳеч вақт реалист бўлмай, рўмонтиқ бўлади.

А.Қодирий қисман натуралистдур. Яъни уни, табиатни рўмонда аралаштирибти деб, натуралист демак бутунлай хатодир. Ҳали баъзи ўртоқларимиз натурализм табиатни кўпрак тасвир қилиш, жуда тўла таҳлил бериш, деб таъриф қиладилар.

Натурализм аслида бундай эмас. Натуралист ёзувчи асосига устки кўринишни олиб, уни ҳеч бир нарсага алоқасиз тасвир қилади. Воқеаларни бир-биридан ажратиб, яқка-дукка таҳлил қилади. Мана шунинг натижасида ҳодисаларнинг, ўзгаришларнинг сабаби мантиқий қўйилиши бутунлай кўздан йўқолади. А.Қодирий ҳам рўмоннинг кўб жойларида оилавий ҳаётни айланадаги ижтимоий турмушдан бутунлай ажратиб олиб, майда-чуйдаларга киришиб кетиб таҳлил қилмишдир.

«Ўткан кунлар»нинг озарбайжончасига ёзган бош сўзларида Холид Саид, Қамчинбеклар бундай дейдилар:

«Ўткан кунлар»да ўзбек халқининг мозийсини (ўтканини) хонлар давридаги жоҳилона сиёсатини, хоннинг феодализм давридаги тортқан меҳнат азобларини кўрсатқан бир рўмондур». Бу ерда биз кескин фикр ўқуймиз. Шундай бўлса-да «Ўткан кунлар»ни Қамчинбек ҳақиқий ўтмишни тўғри акс этабилган демакчидир. Бу фикрга қўшилиш қийин. «Жоҳилона сиёсат», «халқнинг тортқан азоблари» қандай кўрсатилган?

Буни айтиш керак эди. «Ўзбек халқининг мозийсини жуда яхши, тўғри кўрсатқан бўлса, биз ўша вақтдаги ҳаётнинг «лаззатли» кучоғига ўзимизни уришимиз, орқага қараб тисарилишимиз керак бўлиб қолмасмиди? Отабеклар оиласи ва турмуши ҳақиқий ўзбекнинг ўтмиши, деб даъво қилиб бўладими? Йўқ. Ўзбек деганда, унинг синфий табақага бўлинганлигини ҳисламаслик ўқувчининг кўзини бўяшлиқ бўлади. Бундай ўқувчини умумий ёпиқ сўзлар билан адаштириш керак эмас.

А.Қодирий «Ўткан кунлар» рўмони билан ўзбек миллатининг мозийсини тўғри кўрсатиб бера билдим, деб даъво қила олмайди. Ҳозир «Ўткан кунлар»ни ҳақиқатга солишдириб кўриб, мана бундай икки сўроққа жавоб беришимиз керак.

1. «Ўткан кунлар»да ёзилган воқеалар, ҳодисалар, кишилар тўғридан-да тарихий ҳақиқатлар борми? Ўша даврнинг қонуний тараққиёти билан қарама-қарши келмайдими?

2. Агар тўғри бўлмаса, тарихий ҳақиқатдан узоқ бўлса, унинг сабаби нима? Нима учун тарихий мавзуни олиб А.Қодирий бизга тарихдан бошқача фикрлар, одамлар яратиб берган?

Юқоридаги таҳлилларимиз натижаси келиб-келиб юқоридаги икки сўроқни бизнинг олдимизга қўйди. Биз ҳам шунга жавоб бермакда туриб «Ўткан кунлар»даги бу ҳақиқий сабабларини очиб бера олмаймиз.

ЖЎРЖИ ЗАЙДОН – АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

Ҳар бир ёзувчи бошқа бир ёзувчидан шубҳасиз таъсирланади. Аммо тўғридан-тўғри кўчириб олиш, яна тўғриси қўпол ўғрилиқ қилиш жуда кам бошланғич ёзувчиларда учрайди. Асосан бутун ёзувчилар бошда бошқа ёзувчилардан таъсирлансалар-да, кейин-кейин кўпрак ўзлари чеварлик кўрсатадилар. Агар бирон ёзувчидан фойдаланиш билан бирга, ўз сўзини, ўз устакорлигини кўрсатмайдиган ёзувчини ёзувчи (художник) демак, жуда оғир, тўғриси, мумкин ҳам эмас.

А.Қодирийнинг биринчи мартаба «Янги замон рўмончилиги билан танишув йўлида кичкина бир тажриба, яна тўғриси «ҳавас» тарзида қалам ушлаб ёзган рўмонини бу қадар янгилик билан майдонга чиқуви қизиқ бўлиб кўринди. Биринчи мартаба ёзилган ва ўзбек адабиётида биринчи кўринган «Ўткан кунлар»ни бундайин ишланган приёмларда ёзилган бўлуви учун ўқувчиларимиз таҳсин қилишди. Бундай рўмончилик приёмлари билан ошно бўлмаган ўқувчиларимиз бир қанча вақт завқларга кўмилиб, ўзлари ҳайронликда юрдилар. Бизнингча, ҳеч бир ҳайрон бўларлик ўрни йўқ. Чунки А.Қодирий рўмонни ёзишдан илгари Оврўпо техникасида уста ёзилган рўмонларни ўқимасдан ёзгани йўқ. Бутун асосий приёмларни ўзи ўйлаб чиқарган эмас. Асосий приёмларни (бадий усулларни) ҳатто, баъзан монанд қилган. Биз А.Қодирийни бадий адабий усулларда ҳақиқатан Жўржи Зайдондан жуда кўп фойдаланганини аниқлаб олишимиз керак. Бундан кейин уни қайси манбаъдан сув ичгани маълум бўлиб қолади. Бир ёзувчи иккинчи бир ёзувчидан ёзиш техникасинигина баъзи қисмлардан фойдаланмасдан юз прасант усуллари, приёмларидан фойдаланар экан, албатта, унинг мафкураси орқасидан ҳам эргашиб кетади. Аввало усули, приёмлари завқ бергач, унинг фикрлари ҳам маъқул тушиб кетажак.

Жўржи Зайдон Мисрда доврўғланиб, танилиб, 1915-нчи йилларда вафот топқан Миср ёзувчисидир. Унинг таржимаи ҳолига

тегишлик тўла маълумотни топа билмадик. Лекин бор маълумотлар, ёзган тарихлари ва адабий асарлари, қилган хизматлари унинг замонасининг буюк кишиларидан бўлиб ўтканини исбот эталар. Жўржи Зайдон ислом тарихини бир неча жилдда ёзиб чиққан. Ўзи илмий журналларда олам-жаҳон илмий, фалсафий мақолаларнинг муҳаррири бўлгандир. Жўржи Зайдон биргина илмий ишлар билангина шуғулланмасдан, бадиий ишлар билан ҳам анча шуғулланмишдир. Унинг ёзган бир мунча илмий, адабий асарларининг туркчага, озарбайжончага таржима бўлиб тарқалгани аниқдир. Унинг Мисрда яшаган даври, Мисрнинг мустамлака, ярим мустамлакали холиға, яъни саноат капитали оёқ босган поғонасиға тўғри келади. Унинг тарихда бўлган нуқтаи назарларини, бадиий усулларнинг фикрий манбаъларини чуқур таҳлил қилиб чиқарлиқ материаллар кўриб чиқа олмадик. Шундай бўлса ҳам, илмий асарлари билан танишганимиздан кейин, унинг идеалист тарихчи, идеалист рўмонтиқ экани маълум бўлди.

Илмий, адабий ишларида Оврүпонинг идеалист буржуа олимлари билан иш қўргани, унинг ёзган тарихиға қўшимча қилиб, «Армануса», «Ўн еттинчи рамазон», «Карбало ёнғуси» каби бир неча тарихий адабий асарлар яратган. Адабий асарлари бир мунча тасвирий бўлиб, одамларни иштирок қилдириши, воқеаларни баён қилиши билан ажралади. Тарихчилигидаги қўйган муддаолари билан тарихий рўмонларидаги қўйган муддаолари бирикилиб ёпишади.

Жўржи Зайдон ўзининг ислом тарихини ёзган вақтида мутлақо Оврүпо буржуа идеалист тарихчиларининг усулларини қабул қилади. Рўмонларида ҳам Оврүпо, айниқса, франсуз рўмонтиқ ёзувчиларининг усулларидан фойдалангани оп-очиқ кўринади. Қачон биз Жўржи Зайдоннинг тарихий рўмонларини кўздан кечирганимизда ва баъзилари устида жиддий ўлтирганимизда, очикдан-очиқ франсуз рўмонларининг таъсирини кўрдик.

Франсияда катта файласуф олим киши бўлиб ўткан Виктор Гюгонинг таъсири зўр. Биз Виктор Гюгонинг асарлари тўғрисида ёзилган нарсаларнинг баъзи бирларини қараб чиқиб юқоридаги фикрга келдик. Виктор Гюго кейинги янги буржуа рўмончилигида иш кўрсатган олимлиги устига зўр адиб бўлган. Ўзи Франсия рўмонтизмасида улуғ саҳифалар қолдиргандир. Унинг

машхур тарихий рўмони «Тўқсон учинчи йил»ни ўқиб, Жўржи Зайдон рўмонларига чақишдирган вақтда кўп ўхшашликлар, адабий қариндошлиқлар топиладир. Виктор Гюгонинг адабий усуллари билан Жўржи Зайдоннинг адабий усуллари, приёмлари орасида асосан фарқ йўқ даражада. Аммо бу ерда Жўржи Зайдон фақатгина Виктор Гюгонинг биргина рўмонидан таъсирланган ва фойдаланган, деб айтиб бўлмайди. Эҳтимол бошқа Франсуз ёзувчиларини ҳам кўб ўқигандир. Аммо Виктор Гюго ўша замоннинг шухратли ва атоқлиларидан бўлганидан Жўржи Зайдон албатта ўқуған ва ўрганган, дейишга журъат эта биламиз. Биз бу ерда Виктор Гюгодан Жўржи Зайдон қанчалиқ даражада ва нималарда фойдалангани ҳақида тўла таҳлил этиш билан шуғуллана олмаймиз. Чунки бизни тўғридан-тўғри қизиқтиратурған масала А.Қодирийнинг Жўржи Зайдондан қанчалиқ фойдаланганини аниқлашдир. Биз Жўржи Зайдоннинг бутун рўмонларини жиддий ишлаб чиқа олмадиқ. Фақат бир-икки рўмони устида жиддий ишлашга тўғри келди. Шунинг учун «Армануса»дан кўпрак мисоллар келтириб, баъзи мисолларни «Ўн етти рамазон»дан оламиз. Бундан А.Қодирий фақат «Армануса» деган рўмонни ўқиб таъсирланган эканда, деган натижа чиқмайди. А.Қодирий Жўржи Зайдоннинг бутун тарихий рўмонларини ўқиб чиққан ва ҳар қайсисидан ҳам уста фойдаланган. Аммо биз бу ерда ҳаммасидан мисол келтира билмаймиз. Чунки, унинг учун шу мавзу устида алоҳида узоқ бир иш қилиш керак бўлади. Биз бунга ҳозирча уннашдан мундоғроқ турамыз. Шунини ҳам айтиш керакким, биз А.Қодирий фойдаланган жузъий адабий нуқталарғача мукаммал тўхташ имкониятига эга эмасмыз. Биз олдинги мақоламизнинг бирида А.Қодирийнинг адабий усулининг бири тарихий тасвир усулидир, деган ва шунини мисоллар воситаси билан исбот қилган эдик. Биз бундай усулни Виктор Гюгода ва Жўржи Зайдонда янада кучлирак кўрамыз. Жўржи Зайдон «Армануса» исмли рўмони билан очиқ тарихчиликни сездиради. Араблар билан мухорабадағи воқеаларни ўз ичига олатурған тарихий рўмонида ўзидан сўзлар тўқиб тарихчи каби уни протоқўл тарзида ёзиб чиқади. Жуғрофий турмушнинг ва халқларнинг қандай аҳвол кечирганларини ёзиб чиқади.

Тарихий воқеаларни, жойларни, одамларни журналист каби тасвир қилади. Рўмоннинг аксари бобининг боши шу тарихчи-

лиқ воқеанавислик билан бошланади ёки тугайди. Ўзидан-ўзи тарихий илмий испирафкалар қўшиб кетади. «Армануса»ни бошлашда:

«Румийлар Миср мамлакатини фатҳ этиб, неча қиронлар урада қалдилар. Румийлар Мисрда ўлиюркан, масихдин зуҳур эдиб оламда мунташир элмиян Мисрда дохил ўлди. Мисрнинг аҳли эса масих динни қабул эдиб масихнинг мазҳабила йўл гезмеги ўзларина шиор қарар вердилар. Миср аҳли қибтлардан иборат эди. Улардан сўнгра Рум давлати масихнинг мазҳабина дохил ўлди» (биринчи фасл).

Жўржи Зайдон дастлаб рўмониди катта ўринни ишғол этадиган Мисрнинг мозийсини, хонлар, султонлар салтанатини, диний урф-одатларини, қайси миллатлар келиб, қайси миллатлар кетканини, кимларга мустамлака бўлганлигини, қандай кун кечиришларини бирма-бир айтиб чиқади. Худди тарихий хрўника ёзиб чиққанга ўхшаб кетади. Бундан бошқа рўмоннинг бошқа фаслларида тарихий жойлар ва ундаги иқтисодий, ижтимоий кун кўришлар, либослар тўғрисида испирафкалар, хрўникалар ёзади. Ҳатто аксарий кучларни сўзлаб, уларнинг урушларини, энгув, энгилувларини бирин-кетин териб чиқади.

«Арабийнинг қўшини ери ай Бобил қалъасининг атрофида ўтроқ айладилар. Қалъа махсур қолди. Ойида айин аснасида халифа Умара Хитайнинг томонидан дўрд минг нафар араблара гўмак гелди. Арабларин қувваси саккиз минг нафар ўлди». (37-фасл, 351-саҳифа.)

«Тошкент қамалда» фаслини эсласак, ундаги тарихий тасвирларга ўхшаганини кўраимиз. «Ўткан кунлар»ни иккинчи жузъининг бошланиши ҳам бизга тарихчилик учун мисол бўлган эди.

А.Қодирий Жўржи Зайдончалиқ тарихчиликни ўринната олмаган. Чунки А.Қодирий хонлар, беклар тўғрисида дарак берса-да, уларнинг ҳаётлари, курашлари, иқтисодий, ижтимоий турмуш тўғрисида маълумот бермайди. Бу ҳам бўлса, Жўржи Зайдоннинг А.Қодирийдан кўра илмда, билимда жуда юқори турғанини кўрсатади. Тарихчилик усулини қўллашда ҳам Жўржидан фойдаланган ўринлари кўп. Аммо унинг ҳаммасини кўрсатиб бериш ортиқча. Бугина эмас, дидактика (муддаони ўтказув) масаласида ҳам Жўржиге боғлиқ туради. Жўржи Зайдон бу масалада ҳам Виктор Гюго билан бирдур.

А.Қодирий рўмонида ўз муддаосини ўқувчиға сўқиш (дидактика) усулини ҳам айнан Жўржи Зайдондан олади. Жўржи Зайдон ўзининг рўмонларида жуда кўп сўзни ўзидан қўшади. Ўзи ваъз, насиҳат, тушунтириш билан шуғулланиб кетади. Ўқувчиға ўз муддаоларини усталиқ билан ўтказув учун турли йўллар билан адабий усталиқ ишлатувга уннайди. Унинг усталиқ йўлларини, дидактика усулини А.Қодирий қабул этиб, ўз материалиға уйдирган. Дидактика Жўржи Зайдонда А.Қодирийға нисбатан жуда кучли. Рўмонларининг етмиш прасантиға қадари фақат ўзининг сўзидур. Қаҳрамонлари оз гапирадилар ва ҳаракат қиладилар.

«Армануса» рўмонида Мисрдаги Румо аскар бошлиғининг ўғли Аркадиос билан Мисрдаги қиптий халқининг шоҳи Моқуқснинг қизи Армануса билан иккаласини жонажон қилиб баён қилади. Моқус (араблар – ислом қўшинининг тарафдори) бўлгани ҳолда, унинг қизи румолилар генералининг ўғли Аркадиосни яхши кўради. Аркадиос ҳам жуда кўнгил қўйиб Арманусаға боғланади. Жўржи Зайдон бундай сюжет тузув билан рўмонда воқеаларни кенгайтириб, унинг боришини, қаҳрамонларнинг ўзгаришини ўз муддаосиға тўғри қилиб чиқади.

А.Қодирий Отабекни Кумушбибига жуда боғлаб қўйиб, уни хонаки қаҳрамон қилиб, ижтимоий ишлардан чекиндириб юборганини кўрдик. Бу аҳволни Жўржи Зайдон рўмонида ҳам кўрамыз...

А.Қодирий Отабекни ўз ёрдамиға, оталиғиға олиб парвариш қилиб, ҳеч нуқсон еткизмай, олиб ёзганидек, Жўржи Зайдон ҳам Аркадиосни шундай қилади. Жўржи Зайдон бир «Армануса» рўмонидағина эмас, бошқа рўмонларида ҳам ўзининг бир-бириға қарама-қарши қўйиб, айтгиси, тушунтиргиси келган муддаоларини кишилари томонидан айтдириш унча яхши чиқмаса ўзидан қўшади. Ўзининг ортиқ даражада кўб исбот қилиш учун жуда кўп мисол келтирувга тўғри келмайди...

Аркадиос оғир ҳолида фақат-фақат Арманусани шиддатли, қоронғилиқ ичида бир парча ўт шуъласи каби кўрди. Жўржи Зайдон уни камоли ишққа жони-дили билан берилиб кетканидан, кенг бир ҳаяжонли мухораба ва ўз таҳликаси вақтида ҳам фақат Арманусани кўради.

А.Қодирийнинг Отабеки ҳам оғзида жуда катта полвон бўлиб, катта низолар курашиға аралашув арафасида Кумушби-

би учун «ундай бўлса сира тинчимангиз» деб қўяди. Аркадиос каби оғир ҳоллар кечириб, ўлим ханжари остида турганда ҳам Кумушбибини кўради.

Жўржи Зайдон Аркадиос муҳаббати тўғрисида ёзган приёмида бўлса-да, А.Қодирий сўз, жумла қурилишини бошқачароқ, нозикроқ тузган. Бундан бошқа ёзувчининг ўз муддаоларини ўқувчиға ўтказувда катта иш бературған нарса, ҳар хил ажойиб тасодифлардир. Рўмонтиқ ёзувчилар кўб ишлататурған турли тасодифлар Жўржи Зайдонда олам-жаҳондир. А.Қодирий унинг тасодифларини қабул қилған. Аммо тасодиф Жўржи Зайдонда А.Қодирийға қараганда кўбдир. Унинг сабаби «Ўткан кунлар»да воқеанинг жуда озлигидан бўлса керак, Жўржи Зайдон рўмонларида катта ва майда воқеалар жуда кўб...

А.Қодирийнинг қўллаган қарама-қарши солиштириш усули ҳам Жўржи Зайдондан олинғандир. Жўржи Зайдон икки турли сиёсий ҳукумат қурилиши усулини ажратиб, шу асосда одамларни ҳам икки хилга ажратади. Бири румийлар (золим, қонхўр), иккинчиси араблар (рахмдил, соф кўнгил, меҳрибон). Ҳар икки давлат бир-бири билан урушадилар. Аммо ҳар икки давлатдаги турли миллатлар, қабилалар Рум императорлигидан безор бўладилар, ҳатто румлар ҳам арабларга хайрихоҳ бўладилар. А.Қодирийда ҳам ўзбеклар билан қипчоқлар низоси бўлиб, ҳар икки томоннинг яхши ва ёмон, бузуқи кишилари бўлади. Бу ерда синф, синфий кураш рўл ўйнамайди. Балки катта ўринни инсоф, ақл, зеҳн, шижоат, ахлоқ ва виждон олади... Жўржи Зайдонда воқеалар кўб бўлганидан унинг одамлари ҳам кўбдир. Қаҳрамонлари ҳам идея ва характерлари билан ажралиб бир-бирларига қарши туради. Аммо бу қарама-қарши қўйишда А.Қодирий яна ошириброқ юборған. Лекин асарда қарама-қарши қўйиш йўли билан ўз қаҳрамонларини ўзи истаган йўлга солиб юриш усулини Жўржи Зайдондан ўрганибди. Типларни белгилаш, уни бир бошдан оғиз, қулоқ, бурунларини ўзи истаган йўлга солиб юриш, ҳатто уларни гапиртиришда ҳам Жўржи Зайдон таъсири А.Қодирийда зўр.

Жўржи Зайдон рўмонларининг баъзиларида одамлар бир-бирларига қарама-қарши турсалар-да, уларнинг сўзлари ўз эркида қетмасдан ёзувчининг тўла иштироки билан боради. Буни биз «Ўткан кунлар»да ҳам яққол кўрамиз. Киноя, истиоралар билан тўлган сўзлар, ўхшашлик куч билан айтиладиган сўзларни ўхшаш учратамиз. Жўржи Зайдон рўмонларида одамни яшириб бориш, сирни бекитиб, фавқулодда обориб тақаш,

ўқувчини суқ қилиб, воқеанинг боришига эргаштириш усуллари борки, бундан А.Қодирий фойдаланган. Армануса Аркадиосни жуда яхши кўради. Уни ёдлаб Нил бўйларида хаёлга чўмилиб эришув тадбирларини ахтаради. Ёнидаги чўриси уни юпатиб парвариш қилиб юради. Бориб-бориб, натижада Аркадиосни ҳам жони-дили билан яхши кўриб, сиррини айта олмай юргани билинади. «Ўткан кунлар»да бунга ўхшаш ҳодисани учратамиз. Масалан, Кумушбиби ўзининг кимга тегувини билмайди. Натижада ўзи истаган йигит Отабекка никоҳ бўлганини билиб хурсанд бўлиб кетади. Жўржи Зайдоннинг Арманусаси хафа бўлиб, ичикиб юриб, муддаосига эришиб, яна кулфатлар тортганидек, А.Қодирийнинг Кумушбибиси ҳам қайғулар ичида бағрини эзиб, натижада ошиқиға эришиб бўлгач яна аччиқ азобларни бошидан кечиради. Армануса каби Кумуш Отабекни оғир ўлим азобидан қутқаради...

Кўрдингизми, Аркадиос ҳам ишқ йўлида ғойибдан, илоҳийдан куч пайдо қилиб маҳкам арқонларни парчалайди. Отабек эса Кумушбиби йўлида ғойибона куч билан бирдан уч кишини ўлдириб, Аркадиос каби сал жароҳатланади, холос. Ғойибдан куч тўплаш, қизнинг ишқида уни эслаб, яна баҳодирланиб кетиб, ғайритабиий қувват эгаси бўлиб, душман қўлидан қутилиб чиқиб, ёрининг олдида ўзини виждонли-шижоатли кўрсатиш асосан Аркадиос билан Отабекда бир турадир. Фарқ шундаки, Отабек бошқачароқ жойда, Кумушнинг уйининг деволида рақиб билан олишадир. Аркадиос маҳкам қил арқонларини узиб чиқадир. Ҳар иккиси ҳам буни ошиқона равишда ёрига маълум қиладур. Айирма шундаки, Отабек хат ёзиб, шунинг ичида баён қиладур. Аркадиос ўзи юзма-юз гапирадур. Жумлалар, иборалар бир оз бошқача бўлса-да, маъно бирдир...

РЎМОН ҲАМ ҲАҚИҚАТ

Ўрта Осиёни рус империализми олғаниға қадар Ўрта Осиёда Бухоро, Хива, Кўкон хонлиқлари ҳукм суради. Бу хонлиқлар алоҳида мустақил яшаганлар, доимо ўзаро урушиб, талашиб турганлар. Шунинг билан бир қаторда бу ўлкаларнинг иқтисодий аҳволлари жуда ярамас ҳолда эди. Ишлаб чиқариш кучи энг тубан, ишлаб чиқариш муносабатлари чатоқ бўлиб, табиий, ярим табиий хўжалиқ ҳукм сурган бу хонлиқлар чет билан сав-

до алоқасини ҳам қилар эдилар. Аммо у савдо алоқаси у даража аҳамиятга эга эмас эди. Ўрта Осиё куруқ савдо йўли сифатида вазифасини ўташдан бўшагандан сўнгра жуда тубанлаб кеткан эди. Майда хонлиқлар, бекликларга бўлиниш куч олиб кетди. Янги тугал феодализмга қайтиш муваффақият билан борди. «Ўткан кунлар» 1848–1849-нчи йилларни ўз ичига олган ва даврни қандай давр экани тўғрисида «Қарама-қарши солиштириш» мавзу остида ёзиб ўткан эдик. Аммо унда ёзилган сўзлар фақат вақтнинг қандай эканидан дарак берадир. Ҳозир биз рўмоннинг чиндан рўмонми, очиғи, келган тарихий давр сирларини очқанми? Мана шу сўроқларга жавоб берайлик. Рус чорлиғи Ўрта Осиёни олиш арафасида Туркистон халқи жуда кўтарилган, қолоқлиқ, бузғунлиқларга узил-кесил бир чора кўриш томонида эди. Ўша даврнинг инқилобий вазифаси бўлиб мамлакатни бузулишдан, хароб бўлишдан қутқариш иши турди. Ўлканинг тараққийсига қаратилган бу инқилобий ҳаракатда бутун синфлар манфаатдор эдилар. Бу инқилобий вазифа қандай йўллар билан бўлсин ажралиб қолган Ўрта Осиёнинг яна бориб дунё хўжалиғи алоқасига қўшилмоғи, капитализмни тараққий қилмоғи билан ҳал бўлар эди. Бу вазифани ҳал бўлишида манфаатдор бўлган халқ кўпрак мустамлака ҳолига тушмасдан ҳал бўлмоғини кўзлар эдилар. Марказлашган давлат тузиш учун айрим хон, беклар орасидаги давомли низоларни йўқотиб миллий, мустақил, марказлашган давлат тузиш йўли билан ҳал қилиш керак эди. Буни ҳал қилмоқ учун газеталарда чиқилди. Ўша замоннинг энг нозик масаласи мустамлака бўлиш-бўлмалиқ масаласи эди. Чунки руслар босиб келаёткан, бу кунми, эрта бостириб келиши аниқлашган вақт эди. Шунинг учун Туркистонда юқоридаги инқилобий вазифани бажаратурган синфлар ўртасида низо бўлмоғи табиий.

Аксари амалдорлар, катта ер эгалари шаҳар ва қишлоқ халқи русларнинг босиб келишига қарши турдилар. Аммо бир қисм юқори табақа «билимдонлар», ортиқ даражада амалпарастлар, айниқса, Русия билан савдо алоқаси тузиб, мазахўрак бўлган кишилар русларнинг босиб келишига совуққонлиқ билан қарар эди.

Аҳоли ҳам буларга қарши нафратлар билан майдонга чиқдилар. Бу даврда катталашган Туркистон савдогарларининг рўли нима эди? Булар ўзларини қандай тутдилар?

Тарихий текширувларга кўра, бу савдогарларнинг юқори та-

бақалари русларнинг келишига бутунлай совуққонлиқ билан қараганлигини кўрсатадир. Ким учун шундай? Чунки, Туркистоннинг катта савдогарлари Шамай орқали Русия билан савдо алоқасида бўлганлар. Иқтисодий ёқдан руслар Туркистонни олган билан уларга савдо учун яна кенг йўл очилиб руслар билан савдо-сотик жонланди.

Отабек Шамайга бориб келгандан кейин бутун фикри-ёди русларнинг ҳукумат қуришидан режа олиб, ўшандай қурилишнинг ўз Туркистонига келишини истади. Аммо А.Қодирий уни бошқача таҳлил қилиб, рус қурилишига ўхшаган миллий мустақил давлат тарафдори қилиб кўрсатади.

Рўмонда савдо сармоядорлари ўша даврнинг энг ақлли, аъло кишилари бўлуви билан барабар халқ олдида турган инқилобий вазифани бажаришда раҳбарлик қилатурган бир синф бўлиб чиқаду. Чунки биз Юсуфбек ҳожи билан Отабекнинг жамиятдан, синфдан ташқари бир шахс деб олмаймиз. Бундай қараш тўғри ҳам бўлмайдир. Юсуфбек ҳожи ҳам Отабек билан 1886–1889-нчи йиллардаги савдогарлар синфининг намояндалари, юқори табақалари бўлиб саналадир. Буларнинг ҳар бир сўзлари, фикри, муддаолари, умумий руҳлари бутун савдогарлар гуруҳини изох этуви лозим. Юсуфбек ҳожи бир мунча реалистрак, Отабек ҳақиқий романтиқ бўлуви мумкинми? Йўқ, чунки буларнинг ҳар иккиси синф вакили бўлиб рўмонда иштирок қиладирлар. Отабекнинг рўмонтиқ бўлуви мумкинми? Албатта, йўқ. Чунки Отабек инқилобий вазифани бажаришда махсус ўринни ишғол қилиб, савдогарчиликни тараққий қилдиришни кўзлаган ва шунга руслар билан алоқа қилиб имконият булоғини топган ишлик савдогарлар гуруҳининг вакилидир. Шунинг учун Отабекни ижтимоий савдо ишларида бўшанг, фақат шахсий, оилавий, ишқий ҳаётнинг қўли билан тақдим қилиш тўғри бўлмайдир. Шунинг каби Юсуфбек ҳожи ва Отабекни русларнинг келишига жон-дили билан қарши турган шахслар деб таҳлил қилиш тўғри эмас. Хуллас қилиб айтган вақтда, Юсуфбек ҳожи, Отабек ўша даврдаги юқори савдогарлар табақасининг руҳини (психологи) аниқлай олмаган типлардир.

Бундан бошқа рўмонда қисман, умуман айтганда, Қодирий олган муддатнинг типи-қосиблар ва баъзи қуйи табақа амалдорлар, ер бойлари (катта ер эгалари) иштирок қиладирлар. Булар ҳам бир синфнинг, ҳеч бўлмаганда бир синфий гуруҳининг

вакили ўлароқ иштирок қилмайдирлар. Ҳомид ерли бойларнинг вакили ўрнида иштирок қилуви ва шу гуруҳнинг умумий руҳий хусусиятларини ўзида акс этдируви лозим эди. Ўша вақтдаги катта ер эгалари русларнинг келишига ва Туркистоннинг мустамлака бўлиб қолишига қарши руҳонийлар билан бирга ҳаракат қилар эдилар. Аммо Ҳомид ҳеч сиёсатга, ижтимоий турмушга аралашмайдир. Доимо у ёмон одам, ўлдирувчи ва мамлакатда бўлиб турган ўзгаришларга ҳеч эътибор қилмовчи киши. Ер бойлари замонасида шундай ўтканми? Йўқ, албатта. Ақлсизлари бўлгандир. Лекин Ҳомидчалик эмас.

Ҳомид тарихий ижтимоий гуруҳнинг, яъни ер бойларини бизнинг олдимизда гавдалантириб бературган тип бўлмай фақат Отабек учун рақибдур. Ҳомид орқали ўша замон катта ер эгасининг бир оз бўлса-да, тўлароқ суратини ясаб бермаган. Рўмон қаҳрамонлари кўпрак ўша замон хонлари, беклари ва уларнинг ҳакамлари атрофида борадирлар. Аммо ёзувчи ҳокимлардаги порахўрликни бир оз яхши кўрсаткан бўлса-да, хон-бекларни ички ҳаётидан жуда оз баҳс этадир. Хонларнинг, бекларнинг тузукрак ишланган суратларини кўрмай, фақат Отабек ва Юсуфбек ҳожи билан муомаладаги фурсатларини кўрамыз.

Рўмонда уста Алим косиб бўлиб иштирок қилмайдир. Балки Отабекни хаёллаштиришда унинг ҳаракатларини таъсирли олиб боришда ёзувчи учун кўмакчигина бўлиб қатнашадир.

Бу ҳам бир косибнинг сурати (образ) бўлмай, фақат косибнинг бир қисм турмушининг қавартириб ҳикоя қилинган манзарасидир. Энди 1848–1849-нчи йиллардаги аҳволни олайлик. Унда энг катта ўринни деҳқонлар, косиблар олар эди. Чунки қолоқликдан, бузуқликдан, қулликдан қутулмоқ учун газотга мана шу халқ чиқар эди. Биз тарихий рўмонда мана шундай «кичкина» ҳодисалар қаҳрамонини кўрмаймиз. Албатта, рўмонга кирмай қолган нарсаси учун урушмаймиз. Балки у рўмонга сиғдира олган юқоридаги ҳодисани тўлароқ, тузукрак гавдалантириб, суратлар (образ) ясаб берувини талаб қиламиз. Биз воқеани олиб уни носинфий қилиб гавдалантиришини танқид қиламиз. Рўмонни фақат Отабекнинг Марғилонга қатнаши, ишқий жараёни билан каллаклаб қўядир. Бошқа ижтимоий масалаларда оз-моз ўзи испирафкалар бериб қаноатланадир. Чунки А.Қодирий «Ўткан кунлар» рўмонини ёзишдан мақсади тарихий суратларда, тарихий тўлароқ ҳақиқатга му-

вофиқ гавдалантириш бўлмаган. Рўмонни ўйлаганда ва ёзаётганда уни айлантриб олган шароит ва у алоқадор бўлган синф ҳам бундай задания бермаган. А.Қодирийнинг ўз рўмони «Ўткан кунлар» билан айтгиси, насиҳат қилгиси келган нарса ижтимоий ахлоқдир. Яъни яшайтурган инсонлар олдига яхшилик, ёмонликни ёйиб, уларнинг буржуазия, майда буржуазия ахлоқини ўргатмак эди. Ўткан замонни қурол қилиб туриб ҳозирги замонавий фикрини ишқашни кўзда тутган ва шу йўсинда сюжет ўйлаб чиққандир. Биз А.Қодирийнинг яшаган даврини, кечирган кунларини таҳлил қилганда яна очиқ кўрамиз. А.Қодирий деҳқон типини яратмоқчи бўлганда ҳам ярата олмаган бўлур эди. Чунки, улар ва уларнинг ҳаётига шаҳар буржуазиясига бўлган яқинлиги яқин эмас эди.

Хулоса қилиб айтганда, тубандағилар келиб чиқади. Қодирий «Ўткан кунлар» рўмони билан тарихий ҳақиқатларни тубандағича бузадир:

1. Инқилобий вазифани бажаришдаги савдо капиталини ва унинг кайфиятини рўмонида бутунлай бузуб баён қиладур. Яъни русларнинг келишига унча қарши бўлмаган, улардан умиди юқори бўлган савдогарлар табақасини русларни келишига қарши руҳсиз умидсиз қилиб бизга тақдим қиладир.

2. Ер бойларининг инқилобий вазифани бажаришдаги рўли бутунлай йўқ. Ер бойларининг кайфиятини ва курашдаги манфаатини аён қилатурган нарсани рўмонда топа олмаймиз.

3. Ер бойлари ва руҳонийларга таяниб иш кўрган, ҳокимият сурган хон, бекларнинг ҳаётидан ва уларнинг инқилобий вазифани бажаришда ва уни ечишда қандай ҳолда бўлганидан ёзибда вазифани ҳақиқатга тўғри қилиб тўлароқ бажармайдир. Гўё у замонларда хонлар, беклар ур-йиқит билан шуғулланганлар ва ички-ташқи сиёсат чигаллари билан қизиқмаганлар.

4. Ўша замонда ўлка олдидан турган инқилобий вазифани бажаришда биринчи галда манфаатдор бўлган деҳқонлар, косиб халқ рўмонга киритилган, аммо унинг турмуши, кураши бизга ойдинлаштирилиб берилмайдир. Буларнинг ҳаёти, кураши фақат сиргина бўлиб қолган.

5. Ўша замондаги оилавий турмушни, ишқий жараёни ҳақиқатдан узоқлаштириб, арши-аълоға учурадир. Хушрўйбиби каби ғайритабиий типлар билан кундашликни қизитадир. Биз юқоридан (ўткан мақолада) А.Қодирийнинг реал тарихий

турмушни олмаганини ёзиб ўтдик. Унга қўшимча қилиб юқоридагиларни баён қилиб қаноатлансақ бўладир.

Биз юқоридаги фикрларни маҳкамлов учун Ўрта Осиёни ўрганган марксист тарихчилардан бир талай ҳужжатларни келтирмагимиз мумкин эди. Аммо ҳозир бу ерда у материаллар ортиқчалиқ қиладир. Чунки бизнинг вазифамиз тарихни текшириш бўлмай, рўмонни таҳлил қилиш ва тарихий ҳақиқатлар билан солиштирмоқдир.

Бу ерда А.Қодирийнинг ўз рўмонига ёзган бош сўзига тўхтаб ўтмасдан кета олмаймиз. Чунки, кичкина мулоҳазаси билан анча чуқур фикрларни ёйиб қўядир.

«Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсунда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш дostonчилик, рўмончилик ва ҳикоячиликларда ҳам янгаринишга, халқимизни шу замоннинг «Тоҳир-Зухро»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод-Ширин» ва «Баҳромгўр»лари билан танишдиришда ўзимизда мажбурият ҳис этамиз».

А.Қодирийнинг бу фикри туманли бўлуви билан баравар жуда думи қирқилган яйдоқ фикрдир. Тўғри, биз янги даврга, тўғриси сотсиализм қурилиши даврига оёқ қўйдикгина эмас, балки сотсиализм асосида халқ хўжалигини янгидан қуришларимизга жиддий киришдик. Халқимизни эски дoston, афсоналари билан танишдиришгина эмас, улардан қайтариб янги соғлом инқилобий вазифаларимизни бажарувга кўмаклаштурган рўмончилик билан суғормоқни истаймиз. Агарда янги замон деб А.Қодирий ижтимоий қурилиш замонини тушунар экан, унинг тубандаги фикри нотўғри бўладир.

«Ёзмоқға ниятланганим ушбу «Ўткан кунлар» янги замон рўмончилиғи билан танишиш йўлида кичкина бир тажриба, яна тўғриси, бир ҳавасдир». Бу фикр бутунлай танқиддан тубан турадир. Чунки, Оврўпо буржуазия рўмончилик усулларининг биздаги кўчирмасидир, десак, жуда тўғри деган бўламиз.

«Мозийға қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар». Хайрли эмас, фойдалидир. Мозийни ўрганиш келажак галдаги курашда дакки емасликка ўргатадир. Мозий навбатдаги курашларга сабаб бўладир. Аммо, мозийни тўғри англаш ва ундан тўғри натижалар чиқариб сабоқ олиш муҳимдир.

Тарихчи тарихни тўғри материализм асосида онглатиб бермай янглиш таҳлил қилиб берар экан, тубандаги курашчилари-

ни ҳам адаштируви мумкин. Санъаткор ҳам тарихни нотўғри таҳлил қилиб, ўқувчиға ўз янглиш идеясини сўқмоқ истар экан, унда ҳам янги давр курашчиларининг фикрлари, ҳислари эски давр картиналарини жонланиб, жилваланиб кўриниши билан бузуладир. «Ўткан кунлар» рўмони бизга мозийни тўғри намойишлантирғани учун унинг фикрлари тарихий бўлмай, замонавий А.Қодирий фикри бўлиб майдонға қўйиладир.

А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар» рўмони фақат отиғағина тарихий бўлиб, аслида тарихий эмас. Тарихий ҳақиқатларға рўмондағи аҳволлар асосан тўғри келмайдир. Яъни савдо сармоясининг характерларини очмайдир. Биз буни юқорида аниқлаб ўтдик. Энди сабабларини белгилловимиз ва уни айтиб берувимиз керак. Нима учун «Ўткан кунлар» тарихға хилоф чиқади? Рўмондағи сюжетнинг, ундағи фикрларининг манбаи, илҳоми А.Қодирийға қаёқдан ёғилган?

Юқоридағи таҳлилимиз натижада бизнинг олдимизға мана шундай сўроқларни келтириб қўядир. Бу сўроқларға жавоб бермак учун икки манбаъни таҳлил қилмоқ керак:

1. А.Қодирийнинг яшаган даври ва бошидан ўтказганларини, хуллас қилиб айтканда, унга таъсир қилган шароит.

2. Ўзининг адабий усулида, приёмларида ва техникаларида юз прасант деярилик буржуазия ёзувчиси, идеалист Жўржи Зайдоннинг таъсирида бўлуvidир. Биз мана шу таъсирнинг миқдорини, даражасини аниқловимиз керак. Чунки Жўржи Зайдон кўп тарихий рўмонлар ёзган бўлса-да, ҳақиқатға тўла жавоб бературган бўлиб чиқмаган. Ўша приёмлари А.Қодирийни қизиқтирибдир, албатта, нима учун қизиқтирған? – деган сўроққа ҳам жавоб бермакка мажбурмиз.

Шунинг учун таъсирини биринчи ўринға қўя оламиз. «Ўткан кунлар» рўмонининг мана шундай чиқишиға сабаб фақатғина Жўржи Зайдон рўмонларининг таъсири дейиш, бутунлай хато бўладир. Ижтимоий, иқтисодий шароитға кўз ташлаш биринчи навбатда керак. Қачон биз ёзувчининг шароитини таъсири натижасида унда уйғонған, такомиллашған туб фикрни, дунёға қаровини аниқлағанимиздан сўнгра унинг ижодиётининг ижтимоий моҳиятини аниқлаймиз. Ёзувчида бирмунча фикрлар, муддаолар бўладир-да, уни тизиб суратлов учун режалар, турли приёмлар ўйлаб чиқарадир. Шу мақсадда турли-туман бадий асарларни ўқиб юрадир. Ўқиб юрган асарларидан бир

оз хили ўз муддаоларини шу ёзувчининг усулида тақдим қилганида ўнгай кўринадир ва ёзувчини таъсирлантирадир. Гапириб завқ уйғотадир.

Ёзувчи шунинг приёмларига берилиб ва ўзидан нарсалар қўшиб, сюжет тузиб ёза бошлайдир. Одатда, бир мафкура кишилари бўлган ёзувчилар мана шундай технический ҳам фойдаланиб, яъни таъсирланиб кетадилар. Аммо прўлетар ёзувчилари чет асарлардан танқидий фойдаланадилар. Яъни уларнинг приёмларини қабул қилмасдан ўзининг янги идеялари учун чопон бичиб-тикишга мажбурдилар. Янгини яхши бичиш-тикиш учун эскини билмак керак. Аммо ўғрилиқ билан фойдаланиш, таъсирлатиш орасидаги фарқни ажратмоқ лозим. Биз А.Қодирийнинг Жўржи Зайдондан ўғирлаган деб айта олмаймиз. Фақат юз прасант унинг таъсирида, унинг приёмларида ёзган. Гўё бир ишланган уйнинг пойдеволини, синчларини, томини қолдириб, деволларини бузганда, уни янгидан ўзи нақш бериб, замонавий том кийдириб, ясантириб, ишлаб чиқмишдир.

А.ҚОДИРИЙ ЯШАҒАН ДАВРИ ВА РЎМОН ҚАЧОН ЎЙЛАНГАН

Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» рўмонини ўктабрдан сўнг қўлга қалам олиб ёза бошлаган, аммо рўмонни ёзиш фикри (сюжет) ўктабр кунлари бошлангандир. Ўктабр арафаларида ўйлаб-да, уни ёзиш завқи ўктабрдан сўнг бошланган. Лекин рўмон билан айткан фикрлари ундан илгари ҳам А.Қодирий миясида сақланиб келади. Албатта, А.Қодирийнинг яшаган даврида Туркистонда жуда кучли ҳодисадан 1916-нчи йил воқеаси бўлиб ўтди. Сўнгра феврал-ўктабр кунлари босиб тушдилар. Бу катта ижтимоий ўзгаришлар А.Қодирийга таъсир қилмай қўймаган. Чунки А.Қодирий шу воқеалар ичида бўлиб, унга нисбатан бир қадар ўз фикри билан қараб баҳо қўярлиқ ёшда бўлгандир.

1916-нчи рабочий олиш йили бутун Туркистон халқида ҳажон қўзғатиб, миллий озодлик ҳаракати меҳнаткаш халқнинг тала-тўполониға сабаб бўлган эди. Бу ҳаракатга майда бойлар ҳам эргашиб умумий халқ қўзғолони тусига кирди. Чор Русиясининг ҳукуматдорлик усулиға, жабрига, зулмига, талониға қарши оммавий ҳужум бўлиб ўтди. Бу ҳаракатда судхўр бойлар, руҳонийлар чор Русиясини қўлладилар. Бундан кейин бўлган

феврал буржуазияси инқилоби Туркистонда ҳам катта ўзгаришларнинг бўлишига, синфий қаршиликларнинг бир-бирига урилишига сабабчи бўлди. Февралда Туркистон ҳокимлари ва уларнинг думлари ўзларини турли устакорликка, доғуликқа солиб, дума тузиш атрофида анча нағмалар қилдилар. Туркистоннинг янги ўсиб келаёткан кучсиз саноатчи бойлари ва уларнинг зиёли жадидлари феврални кучоқ очиб қаршилаган чоқларида кўзлаган йўлларига эриша олмадилар. Ўктябр инқилоби Туркистонда катта ўзгаришни қилиб ҳақиқий миллий озодликни таъмин қилди. Шўролар тузилиб уларнинг миллий сиёсатлари тўла миллий озодлик бериш йўлига қаратилган эди. Албатта, баъзи шўро байроғи тегига бекинган миллатчи русларнинг қилган номаъқул, ифлос қилиқлари ўктябрдан сўнг ўзбек миллатчи зиёллари қўлида қурол бўлди. Феврални кучоқ очиб ҳурмат билан қаршилаган жадидлар ўктябрнинг миллий сиёсатини нотўғри тушундириш, ёмон қилиб кўрсатиш билан миллий, диний байроқ остига аксилинқилобий кучларни уюштириш билан шуғулландилар.

А.Қодирий бу ўзгаришлар вақтида ҳаёт ва ўз шароитимизда онгли зиёли эди. У вақтда бу ҳодисаларга А.Қодирий майда буржуазия кўзойнаги орқали қарайди. Ўзи майда буржуазия идеяларини олдинга судраб на жиддий том маъноси билан жадид (Чўлпон каби), на уларга қарши бўлиб кетмай ўрта оғма йўлда боради. Унинг «Жувонбоз», «Бахтсиз куяв» каби асарлари бизча унинг чиндан-да ижтимоий ҳодисаларни майда буржуазия нуқтаи назарида онглаб тасвир қилганини кўрсатади. Майда савдогарларни банкалар, косибларни саноат бойлари эзиб уларга «яшашга» йўл бермаганлар. Бунинг орқасида майда бойлар уларга қарши ёмон «ўзим бўлай деган бойлар» деб қарар эди. Ҳар ҳолда майда савдогарлар буржуазия ҳокимлиги вақтида (НЭП даврида ҳам) бир-бирини еб, катталаша борардилар. Аммо ўктябрдан сўнг ҳарбий кўммунизм даври, сўнгра НЭП давридаги сиқилишлари яна оғир калтак бўлиб тушди. Бу ҳоллар майда буржуазия фикридаги А.Қодирийни ҳам аксилшўравий зиёли унсурларга жиблаштириб қўйди. Февралда очилган майда буржуа зиёлларининг қобоғи ўктябрда юмилди.

А.Қодирий мана шу йўсинда юқоридаги даврни бошидан кечирган. «Ўткан кунлар» А.Қодирийнинг ўктябрдан сўнгра ортдирган фикрларининг якуни эмас. Балки умуман ундан

илгари ва сўнгра Туркистонда бўлиб ўткан ижтимоий муносабатларнинг натижасидир. Шу даврдаги майда буржуазиянинг кўз қарашлари ойдинлаштирилгандир. Ўктабр инқилобининг рўмонни суратларида (образи) кескинлаштиришда ўктабрнинг таъсири катта. Ўктабр кунлари ва ундан сўнгроқ ҳам А.Қодирий собиқ фикрларидан қайтмаган. Ўша вақтдаги унинг ёши ҳам фикрини тезда ўзгартириб юборадиган эмас эди.

АДАБИЙ ПРИЁМНИНГ ИЖТИМОИЙ МОҲИЯТИ (НЕГИЗИ)

Виктор Гюго, Жўржи Зайдон, А.Қодирий приёмлари бирга марказлашадирлар. Биз юқорида буларнинг адабий усуллари-нинг ўхшашлигини кўрган эдик. Энди биз адабий приёмлар-нинг биргалигини аниқлаймиз.

«Ўткан кунлар» умумий тўплам қилиб юқоридаги айтканларни жамлаб айтканда, тубандаги адабий приёмлар билан ишлатиб безалган:

А. Нарсаларни, кишиларни (типларни) белгилашдаги муболаға. Бу муболағалар лақабларда ва бошқа сифатларда жуда юқори даражада берилиб кетишга олиб боради.

Б. А.Қодирийда икки боғлама субъективизм кучли туради:

1. Ўзини ёмон кўрадиган ва яхши кўрадиган қаҳрамонларига нисбатан ўзимчилик, яъни қандай тасвир қилсам ўзим биламан (кўкларга кўтариш ёки суриш).

2. Тасвир қиладиган ҳодисаларига нисбатан ўзимчилик бор.

В. Бадиий суратда кўрсатиш ўрнига ёзувчи тарафидан хабар бериш ҳам мулоҳаза юргизиш (ортиқча фалсафа сотиш).

Г. Ажойиб фавқулоддалар.

Бу приёмлар шохобчалар бўлиши бараварида бир ҳовизга уч ариқдан келиб қуйилар, яъни қарама-қарши қўйиш (контрастирование), идеаллашдириш (илоҳийлашдириш), ўз муддаосида тарбия қилиш (дидактика).

Мана бу нарсалар-приёмлар орқали ишланган «Ўткан кунлар» албатта бадиий руҳий рўмон бўлмай, аксинча мафкуравий, ташвиқий (махсус муддаога қараб бориш) рўмон бўлади. Жўржи Зайдоннинг тарихий рўмонларини мафкуравий, ташвиқий деб аташ тўғридир. Франсиядаги сўл халқчилик рўмонизмасини бутун асоси мана шу юқоридаги адабий приём бўлганини айта-

лар. Оврўпо адабиётини текширган, айниқса Виктор Гюго устида узоқ ишлаган В.Синев юқорида кўрсатканча приёмлар билан курулганиб, Виктор Гюгонинг анча рўмон яратқанини айтади.

Франсуз рўмонизмаси араб, турк адабиёти орқали ўзбек адабиётига «Ўткан кунлар» билан кириб келди. «Ўткан кунлар» ўзбек адабиётида биринчи рўмонизм саҳифасини очди. Албатта, айнан механический ўзбек адабиётига келиб ўринлашқан, деб айтиб бўлмайди. Балки рўмантизмнинг пайдо бўлиши, яшаши учун ижтимоий шароит бор эди. Миллий буржуазия ёзувчилари, албатта, Туркистондаги бўлиб ўткан ижтимоий ҳодисалар натижасида рўмантик бўлишлари табиий эди.

РЎМОНТИЗМ МАКТАБИНИНГ ИЖТИМОЙ АСОСИ ҚАНДАЙ?

Рўмонтизм йўлига кириш ёзувчиларда ижтимоий айланадан фарази бўлиш натижасида туғиладир. Оқсуяк ҳоким синф ёзувчилари эски қурилишнинг йўқолиб кетиб янги буржуазия қурилиши бўлганидан умидсизланиб, хафа бўлиб ижтимоий шароитдан норози бўлалар. Аммо халқ-чи? Майда буржўй ёзувчиларидаги рўмонизмнинг ижтимоий негизи янги ҳокимиятнинг инқилобнинг ижтимоий сиёсий натижаларидан қониқмай норози бўлишидир.

Бизнинг буржуа ёзувчиларида рўмонтиклик ўктабрдан илгари бор эди. Аммо ўктабрдан сўнг куч олди. Бунинг сабаби нима эди?

Ўктабрдан илгари биз ўзбек адабиётида рўмонтизм унсурларини унча кўб кўрмадик. Ўктабргача ҳоким адабиёт жадид адабиёти ҳисобланар эди. Жадид адабиёти ўзининг шакли, усули, адабий приёми билан рўмонтизм мактабининг ўзи эмас эди. Лекин сўнгги кураш йилларида, феврал арафаларида жадид адабиётида ҳам чайнаш, умидсизлик унсурларини кўрамиз. Ўктабр инқилобидан сўнг ўзбек адабиёти (асосан жадид адабиёти)да рўмонтизм мактаби жойлашади. Тармоқ ота бошлайди. Чунки феврал инқилобининг берган ижтимоий, сиёсий натижалари билан рози бўлган буржуа, қисман майда буржуа ёзувчилари (зиёлилар) ўктабрнинг берган ижтимоий, сиёсий натижалари билан курашиш йўлига ўтдилар. Мана бундай аччиқ норозилиқ уларнинг миясида умидсиз, хайронлик, хаёл,

гойибдан турли «нажот» йўллари излашни бошлади. Бундай ижтимоий шароит ичида ёзилган «Ўткан кунлар» ҳам рўмонтизм асосларини жуда тез мукамал қабул қила қўйган. Демак, ўзбек адабиётига франсуз рўмонтизмаси турк адабиёти орқали фавқулдда кириб чўкиб қолмай, тегишли мавжуд бўлган иқтисодий, ижтимоий умумий шароит унга сабабчи бўлмишдир. Ўктабрдан сўнг реакция – қора гуруҳ ёзувчиларидаги рўмонтизмнинг характери фаол аксилинкилобий тус олди. «Ўткан кунлар» мана юқоридаги ижтимоий муносабатларнинг емиши бўлиб қолмай ўзбек адабиётидаги рўмонтизмнинг биринчи катта намунасидир.

Бу ерда қора гуруҳ тескари рўмонтизм билан майда буржуазия халқчилик асосидаги рўмонтизмни ажратиб тушуниш зарур. Франсуз адабиётида бу икки турли рўмонтизм кучли ўринни олди. Биринчи рўмонтизм ўзининг ўлим тўшагида кўрган, энди тарихга лаънатлар, нафратлар ўқиб жиғибийрони чиққан оқсуяк ёзувчиларига хосдир. Уларнинг тарихий-бадий асарлари аччиғланиш, жаҳл юқори даражада нафратли қайғуланишдан иборатдир. Булар учун ҳозирги замон бутун умидсизлик туғдиради. Иккинчи турдаги халқчилик рўмонтизми майда буржуазия руҳида бўлиб унга мойил турган. Тарихда майда буржуазия молия капиталистик ҳокимлигида эзилганидан унга қарши норозилик билдирган, аммо унга аччиғ қилиб бутунлай қўл силтамаган. Хусусий мулкчилик асосларини ҳимоя қилиш билан саноат ва молия капиталининг раҳм-шафқатига муваффақ бўлмоқни истаган. Буржуазия инқилобиға қарши қўзғалон прўлетариат тўлқини қучоғиға ўзини уриб, ҳукуматдан ўзига тегишли ўринни ишғол қилиш билан баъзи енгилликларни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб келган.

Феодализм оқсуяклик даври йўқолиб, ўрниға саноат-молия капитали мингач, собиқ синф шоирлари, адиблари буржуазия инқилобининг ижтимоий, сиёсий натижаларини кўргулар келмай бутунлай эскиликни қўмсаб, ичикиб, фарёд билан шуғулланиб охири дамларини оладилар. Майда буржуазия ёзувчилари бўлса буржуазия инқилобининг ижтимоий, сиёсий натижалари орқасида бирмунча қаттиқ қисилиб, вайронлик сари қараб қолганлиқлари учун ўзининг фақат қаноат ҳосил қилмаганлигини, норозилигини билдириб, яна ўзига енгиллик берадиган ўзгариш талаб қилади. Ҳоким синфдан инсоф, раҳм,

шафқат, яхшилик талаб қилади. Майда буржуазия тарихда молия капиталининг ёрдамига ён беришга умидвор бўлиб келгандир. Мана шунинг учун майда буржуа халқи рўмонтиқ ёзувчиларида яхшини ёмонга, раҳмдилни раҳмсиз қонхўрға қарши қўйиб, ўз муносабатларини кўрсатиб тасвирлашдан четлашолмайдилар. Мана шундан рўмонтиқларининг асосий приёмлари келиб чиқади. Муболаға, идеаллаштириш қарама-қарши қўйиш (контрастирование) муҳаррирлик субъективизми, дидактика.

А.Қодирийда ҳам рўмонтиқлик асосан мана шулардир. Туркистон майда буржуазияси феврал, ўктабр инқилобидан куткан натижаларига эга бўлмади. Майда буржуазияни банкаларнинг латаристларнинг сиқишидан бу инқилоб қутқаради деб ўйлаган эди. Лекин инқилобнинг натижалари янгида иқтисодий кураш майдонидан сиқиб чиқаришга бошлади. Саноат налўт, капиталистия, албатта, уларни қаттиқ сиқишга бошладилар. Айниқса, янги иқтисодий сиёсатгача бўлиб ўткан «Харбий коммунизм» даври жуда қаттиқ таъсир қилди. Албатта, шўро ҳукуматининг қурилиши маҳкамланишидан норози бўлган майда буржуазиянинг мафкурачилари бўлган ёзувчилар (А.Қодирий) ўктабрдан илгари чор ҳукуматининг Туркистонда маҳкамланишидан қандай норози бўлган бўлсалар, ўктабр муваффақиятларидан ундан ҳам ортиқ норози бўлдилар. Уларга нисбатан «яхшилик», «раҳм», «шафқат», «эркинлик» бўлмади. Майда буржуазия социализм қурилишидан қаттиқ норози бўлди. Бу қуруш келажакда хусусий мулк асосларини емирар эди. Молия капитали банкаларнинг ҳокимлигидан хафа эди. Чунки у ёмон қисар эди. «Бахтсиз куяв», «Ҳалима» театри асарлари Туркистонда майда бойларнинг қандай қисик, ёмон шароитда бўлганлигидан баҳс қилади.

Халқчи рўмонтиқлар (майда буржуазия) шунинг учун асосан яхшини ёмонга, раҳмни раҳмсизликка, одамни ҳайвонга қарши қўядилар. Шу йўлда бориб ўзларининг қаҳрамонларига нисбатан кўтариш ёки уруш йўлини ушлайдирлар. Бундай йўлда ёзилгандан кейин ёзувчи беихтиёр муболағага, идеаллаштиришга мажбур бўладир. А.Қодирий (халқчи рўмонтиқ) майда буржуазия кўз қарашида жамиятда синфни кўрмайди. Балки яхшилик, ёмонлиқни кўради. Раҳмдиллик сиёсат, жабр, зулм сиёсати асосида ҳукумат қурилишига қарайди. У бутун ҳукумат бошига ҳаммани кўзда тутадиган Ҳасанали кабиларга ҳам раҳм

қиладиган бойларнинг ичидан Отабеклар пайдо бўлсалару ҳукумат сурсалар. Шунда майда буржуазиянинг ҳаётини енгиллаштириб, уларни кўб сиқишга йўл қўймаслар.

Бундай сиёсий чорани бутун майда буржуа халқчи рўмонтиқлари майдонга қўйдилар. А.Қодирий ҳам майда буржуазия табриги учун мана шундай сиёсий тадбирни тақдим қилади. Майда буржуазия ҳеч бир вақт мустақил курашиб, ўз манфаатини ҳимоя қилиш учун майдонга чиқа олмай келган оғма – «аросатда» қолган ғариб гуруҳ бўлиб келди. Шунинг учун ҳам унга раҳмдилли хусусий мулк асоси сақланса-да, бир оз яшашга йўл қўюш мана шундай ҳаммабоп сиёсий қурулишга эга бўлиш керак эди. Туркистон майда буржуазияси бундай қурулишга ўқтабргача эга бўлмаган эди. Ўқтабрдан сўнг ҳам асло эга бўлмади ва эга бўлиш умиди сўниб, қаттиқ норозиликка тушди. Булар учун ҳозирги турмушдан кўра кўбрак илгариги замонлар, ўтмиш яхшироқ кўринар, бўлиб ўтмиш яхшилар (Юсуфбек ҳожи, Отабек, Ўтаббой) каби одамларнинг ҳозир ҳоким бўлиб, ҳукумат бошига чиқишини истар эдилар. Туркистон майда бойлари Туркистонга русларнинг келишидан сўнг норози бўлиб қолган бўлса, ўқтабрдан кейин русларга қарши миллатчиликлари ортди. Ҳамма сиқилишларини руслардан кўрдилар. Сўнгра мусулмоновотни ёдларига келтирдилар. Мусулмоновотдаги яхши, раҳмдил кишиларга ўхшашларининг ҳокимиятка чиқишларини истадилар. Ҳалол, инсоф, ахлоқ масалалари уларнинг асосий ғояларини ишғол этиб, миллатчилик ҳисларини кучайтирдилар. Мана бундай руҳдаги майда буржуазия билан алоқада бўлган ва шунинг суҳбатидан озикланиб рўмон ёзган А.Қодирийнинг сиёсий талабларининг майдонда куйлаш учун «Ўткан кунлар» рамзида ҳозирги кунлардаги майда буржуазия фикрларини қолибга солиб чиққан. Улар яхшилик, раҳм, шафқат қурбони бўлиб майдонда кўриндилар.

Майда буржуазия ҳар тарафдан қисилиб, мискин бўлиб қолган гуруҳ эди. Шунинг учун А.Қодирийга муболаға керак эди. Чунки ёзувчининг ўз муддаolari фикрларини ташиб юрадиган «яхши» қаҳрамонларини гавдалантириш муболағасиз мумкин эмас эди. Муболағалар орқали бутун инсофлик, адолатлик, раҳм, шафқатлик сиёсат тарафдорларини тасвир қилади. Муболаға бир бугина ўринда эмас, А.Қодирийга инсофлик, адолатлик, раҳмдил бўлишга қарши бўлган қаҳрамонларнинг ёмон

томонларини яна ҳам қоралашга иш берган. Мана бу нарсалар билан А.Қодирий тўғридан-тўғри одамларини бир-бирига қарши қўймишдир. Бу вазифа (задания) ўзининг сунъийлиги билан ёзувчини ўраб ташлайди. А.Қодирий ўзининг кучли таланти билан заданияни ўрнига қўяман деб воқеаларни мўътадил, тўғри мантикий олиб бора олмаган. Заданиянинг сунъийлиги касир қилибдир.

Хушрўйбибининг устидаги муболаға ва сунъий задания таланти А.Қодирийга шу йўлдан фавқулодда юриб, ўз томонидан оралашиш, сўз кўшиш, ўзиникини айтиб туриш мажбуриятини туғдирибдир. Юқоридаги вазифани олдиларига қўйган халқчи рўмонтиқларда ўзини қаҳрамонларининг сўзларини орасига сўқиш кучлидир.

Шу билан қаҳрамонларнинг воқеаларни бошқалардан эркин кечирешка қўймайдилар. Суқилиб қаҳрамонга халал бераверадилар. Биз буни «Муддаосини ўқувчиға ўтказиш» сарлавҳали мақолада мисоллар билан кўрсатдик. Лекин биз бундай ҳолни қисман реалист ёзувчиларда ҳам кўрамыз. Аммо реалист ёзувчиларнинг тажрибасиз бошланғичларидағина бордир. Реализм мактабининг рўмонтиқлари каби кучли кишиларида биз буни кўрмаймиз. Реалист ёзувчилардаги ўз сўзлари заруриятдан келади.

Туркистон майда буржуазияси 1919–1920-нчи йилларда ҳали ёш, умиди бор, даврга мувофиқлашиш ёки курашда бирор ёқга ўзини уриб, таъмаъдорлик қилиш пилони унда йўқ эмас эди. Мана шунинг учун уларда ҳозирги қурулишдан зорланиш бор эди. Шунинг учун халқчи рўмонтиқларни қарама-қарши қўюш мазмунида ижтимоий-ахлоқий масала ётади. Яъни жамиятдан бутун безиб ўлиб кетиш эмас, балки ундаги ҳалол, ҳаромни ажратиб, ахлоқ, хулқ масалаларини йўлга қўйиб яхшиларни кўтариш лозимдир. Шундай бўлушка у ахлоқ, хулқ майда буржуазия манфаатларига қарши келмасинлар. Шунинг учун шу руҳда ёзилган рўмон ҳам ижтимоий ахлоқий тарбия берсин. Раҳмдилни кўпайтсин.

А.Қодирий «Ўткан кунлар»и билан мана шу асосда ишлаган. Ҳақиқатан, майда буржуазияга яқин туриб, унинг ҳозирги қурулишдан норозилиқни ва келажакдан умидворлигини куйлаб берган.

Халқчи рўмонтиқлар асарларини қарама-қарши қўйиш асосида тузиш билан унинг яхшилиқни ёмонлиқ устида ҳоким

бўлиши, устун чиқиши билан тамомлайди. Баъзилари яхшиликни ёмонлик устидан жисмоний устун чиқиши билан тамомлайди. Баъзилари яхшиликни ёмонлик устидан жисмоний устун чиқиши билан асарларни тугатсалар, баъзилари ахлоқий мардлик билан устун чиқартиб тугатади. «Ўткан кунлар»да яхшилар ёмонликдан келиб-келиб устун чиқадилар.

«Ўткан кунлар»да Отабеклар олдин жисмоний, сўнгра ахлоқий ёмонликни енгиб чиқадилар. Отабек биринчи мартаба Ҳомидларни ўлдиради. Сўнгра Отабек билан Кумуш ўзлари Тошканда ўлишади. Аммо мард бўлиб инсофли, виждонли, шарафли ўлади. Ўқувчилар уларни бутунлай тарихда оқлаб қизганиб йиғлашгача борадилар. Ахлоқ-хулқи томондан юз прасант устун чиқиб ўз инсофларини, меҳрибонликларини кўрсаттириб, ўқувчининг муҳаббатини Отабекларга жалб қилдириб бўлиб, сўнгра ўлдиради. Бундай ўлдириш билан ёзувчи яна ҳаяжонга, таассуротка ўқувчини кўмади. Рўмонтизм тўғридан-тўғри юзга қараб туриб тўғри гапни, ҳақиқатни айтолмас эди. Ўктабрдан сўнг майда буржуазия ҳам тўғридан-тўғри юзга қараб гапира билмас эди. У жуда ҳайрон қолган, ҳар тарафга қараб паноҳ излаб яхшилик ахтариб қолган эди. Бу шароит келажакни ҳозирги қурулишга, ўтканни ҳозирга қарама-қарши идеаллаштиратурган рўмонтизмни қабул қилди. А.Қодирий бунда ўз синфига катта адабий хизмат қилди. Шунинг учун унинг приёмлари муболаға, қарама-қарши қўйиш, дидактика бўлди. «Ўткан кунлар» ўзининг бадиий приёмлари билан ўктабрдан сўнг бўлғуси реализм приёмларига бутунлай ёт. Рўмон ўзининг приёмлари билан Оврупода яшаган майда буржуа халқчилик рўмонтизмасининг ўзбек адабиётидаги нусхаси. Бугина эмас. «Ўткан кунлар» Туркистон майда буржуазиясининг иқтисодий, сиёсий бўҳронининг бадиий кўринишидан иборатдур. Туркистон майда буржуазия зиёлилари ўз синфларининг заказларини унчалик яхши бажарарлиқ илмий, маданиятли, санъатчи эмас эдилар. А.Қодирий ҳам шу жумладан эди. Аммо унга майда буржуазия қийинчилиғи бадиий шаклни, приёмларини бунчага ишлаткан бўлганлиғи катта ёрдам қилди. Мафқурасига мос келатурган бадиий қолипни у Жўржи Зайдондан топти. Биз буни юқорида кўрсатиб ўтдик. Албатта, Жўржи Зайдонни ўқиб, ундан ўрганиб боргани учун А.Қодирий «Ўткан кунлар»ини яхши қизиқарлиқ чиқаришга муваффақ бўлгандир.

УМУМИЙ МУЛОҲАЗА – ЯКУН

А.Қодирий ўзининг хаётида майда буржуазия оиласида яшаб ўткан. Ўзи шу майда буржуазия оиласида туғулиб, катта бўлмишдир. Унинг униб-ўсиб, йигит бўлган чоқлари майда буржуазия сиқилган вақт эди. У вақтда молия сармоеси банклар уларни қаттиқ қисиб қўйиб яшашга имконият бермас эдилар. Майда буржуазия ўзининг хароба ҳолдалиғини русларнинг келишида ҳам кўрадилар. Шунинг учун русларга қарши миллий озодлик курашида қатнашиб, ўзларининг бахт йўллари изладилар. 1916-нчи йил қўзғалонида майда буржуазия ўзини кўрсатди. Феврал ўзгаришида ҳам хайрихоҳ бўлиб уни шодлик билан қаршилади. Майда буржуазия февралдан ўзига енгиллик туғдиратурган инсофлик, одилонга қурилишни кутар эди. Аммо натижада бу қўзғалонлар капитализм ишлаб чиқариш усулини ҳоким бўлиб, майда буржуазияга айланмади. Балки ижтимоий инқилоб ўзининг тармоғини ёпди. Рус прўлетариатининг раҳбарлигида Ўрта Осиё деҳқон ва чорвадорлари ўз синфий манфаатларини миллий озодликни то охиригача ҳал қилатурган ўктябрни яхши кутиб олиб, уни маҳкамлаш йўлига тушдилар. Ўктябрдан сўнг катта бойларнинг харобаликка тушиши хусусий мулкларининг мусодара қилиниши, сиёсий ҳуқуқдан бутун маҳрум қилиниши уларнинг жуда аччиғларини келтирди. Бунга қўшилиб майда бойлар ҳам қаттиқ норозилик кўчасига кирдилар. Чунки бу қўзғалон истиқболида хусусий мулк асослари емирила бораётқанини майда буржуазия аниқ кўрди. Шунинг учун ўктябрга ўзини тесқари ушлашда бу катта бойлар билан бир турди. Майда буржуазия бу вақтда ўзининг бахтсизлигини бўлган инқилобнинг жумхурият эркинчилик бўлиб тамом бўлмағанидан кўрди. Унинг назарида ўктябр ёмонларнигина кўпайтирди. Узоқни умидида бўлиш билан баравар ўтмишдаги «рахмдиллик», «яхшиларни» Ниёзбек, Ўтаббой, айниқса, Юсуфбек ҳожи, Отабек кабиларга ўхшашларнинг хаёлида бўлди. Ўшанга ўхшашлардан қани энди бир хон кўтарилиб, мамлакат осойишталикка келса, дер эдилар. Буни А.Қодирийнинг фикри негизларида очик кўрамиз.

А.Қодирий рўмонининг туб мағзи ва унинг яратқан суратлари мана шундай умумий майда буржуазия руҳининг емишидан иборатдир. Юқоридаги тарихий шароит А.Қодирийга таъсир қилган.

Ҳақиқатда майда бойлар оғир айланалардан, (шароитдан) қутулиш учун, жанжалларни ечиш учун ишонтириш йўлини тутиб, яхшилиққа, инсофга, мулойим сўзга чақирар эдилар.

А.Қодирий мана шу шароит ичида шу руҳни акс этдиратурган рўмон ўйлаб уни 1919-нчи йилларда ёзишга бошлаган. Ўзининг давридаги майда буржуазия синфининг мафкурасини бадийий шаклга солиш учун «тарихий» рўмон ёзибдир. А.Қодирий тарихда кўринган, бўлган шахсларни ҳам гавдалантиради. Аммо уни юқоридаги идеяларга бўйсундириш учун ортик муболаға-идеаллаштириш билан шуғулланади. Бунингсиз ҳозирги майда буржуазия фикрини акс этдириш мақсадида тарихий ҳақиқатларни бузиб кўрсатиб, бир оз уддасидан чиқиш мумкин эмасдир.

Баъзи ўртоқлар оғзаки суҳбат вақтида А.Қодирий «Ўткан кунлар»и билан бизни ўтмиш замонга, хонлик, беклик даврига, «мусулмоновотга» қайтармоқчи, дейдилар. Бу тўғрими? Албатта, тўғри эмас. Нима учун? Чунки А.Қодирий «тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлган кейинги «хон замонлари»дан белгуладим», деди. А.Қодирий бу билан ўзининг рўмон ичига киритган даврчани «кирлик қора кунлар» деб, у қора кунлардан ёруқ юлдузлар оқтармоқчи. Ҳатто А.Қодирий у замонларни фақат хон замонлари, деб олмайди. Бунда яхшилик, Отабекчилик бошланғичлари бор эди. Жадид деганимиз гуруҳ Отабеклар каби йигитлардан таркиб бўлиб, вужудга келгандир, демакчи. Хон замонлари сўзини тирноқ ичига олиш билан А.Қодирий ўзининг у замонларга бўлган қарашини айтиб туради. Хон замонлари кир, қоронғу бўлсалар-да, яхшилиқ, инсоф, раҳм учқунлари у туман ичида ўйнаб юрар эди, деб шу учқунларни бизга ялтиратиб, идеаллаштириб бермакни кўзда туттади. Юсуфбек ҳожи, Отабек каби синфий манфаат йўлида киши кучидан фойдаланиш, Ҳасанали кабиларни қаттиқ ишлаштиш билан бойишни кўзда тутқанлар фақат яхши сифатларни чаплаб, сунъий сифатларни яна идеаллаштириб ортдиради.

Демак, А.Қодирий хон замонлари «мусулмоновотни» қайтариш тарафида бўлмай, майда буржуазиянинг нажот йўлини ўша эски замонлардан даромад қилиб келади. «Тарихий» рўмон исми билан майда буржуазиянинг ҳозирги қийинчиликдан қутулиши учун «учинчи ғоя»ни – Отабеклар ғоясини тақдим қилади. Унинг суратлари тарихий суратлар бўлмай, бу кунги май-

да буржуазиянинг тутқан ўрнидан келиб чиққан идеяларни акс этувчилардир.

Майда буржуазия синфи учун феодализмнинг қайтиши жуда кўрқинчлидир. Чунки яна ўзбек-кипчоқ ўзора урушлари бўлатурган бўлса, майда бойлар капитализм вақтидагидан бешбаттарроқ янчилади. Савдо-сотик қилиб тирикчилик қилиш имкониятларини йўқотиб қўйган бўлади.

Шаҳар майда буржуазияси ҳеч вақт хон замонларининг эмирилганига хафа эмас. Балки феодализм қурилишининг йиқилиши натижасида вужудга келган капитализм ва судхўрлик қурилишини унга куткан чор ҳукуматининг Туркистондаги сиёсатидан хафа эди. Чунки банклар, трестлар сиқар эди. Ўктабрдан хафа бўлиб жуда қайғирди. Чунки у хусусий мулк асосларини емиратурган чораларни кўра бошлади. Шаҳар майда бойларига налўқлар билан ҳужум қилди. Шунинг учун бу халқ тарихни эслаб, хонларни қайтармоқчи бўлмай, балки шу тарих саҳифаларида ўткан одил-яхшиларнинг енгилиб, натижада мамлакатнинг шундай аҳволга келиб қолишидан қайғирдилар. Ўша замондаги «яхшиларни» (Юсуфбек ҳожи, Отабек, Ниёзбек) гапига киришиб, халқ ва амалдорлар уларни ҳукумат бошига чиқариб халқ жумҳурияти қилганларида эди, биз мана шундай ҳолларга тушмаган бўлар эдик, деб шаҳар майда буржуазияси ҳасрат қилади. Шаҳар буржуазиясининг идеологи А.Қодирий бу ҳасратларни жамлаб туриб, бадий асарлар ёзади.

Бизда майда буржуазия табақалари учун, ўз ижтимоий инсоф, одиллик манфаатларини ҳимоя қилиш учун керакли шароит йўқ эди. Николай вақтида бўлса ҳукмдорлик катта сармодорлар, судхўр рус, ўзбек савдогарлари қўлига қолди. Майда бойларда бир қадар эзилиш бор эди. Аммо ўзининг ижтимоий халқчилик талабларини майдонга қўйишда унда бир қадар сайлов, сайланув ҳуқуқи бўлиб гапириш манбалари жуда тор бўлсалар-да, бир қадар бор эдилар. Шаҳар майда буржуазия табақаси ўктабр арафаларида яна сиқилган, айниқса, ўктабрдан сўнгра бутунлай сиёсий ҳуқуқдан маҳрум бўлиб қолди. Додини, арзини кимга айтишни билмай, гаранг бўлди. Турли йўллар билан шўро идораларига ўрмалаб кириб, ўз манфаатларини айтишга ўтинса-да, тузукрак иш чиқаролмади. Шундан сўнг у биринчи сиёсий, ҳуқуқий минбардан ажралиб, кўпрак адабий минбарга мурожаат қилди. Иккинчи адабий минбарда бошқа жойда май-

да буржуазия қайғисини айта билмас эди. Ўзининг матбуоти йўқ, очиқ майдонда буржуазия фикрларини ёзишга йўл берилмайди. Шунинг учун ниқобли бўлса-да, бирор тирикчилик қилиш, арзи додини билдириш лозим. Бу «бандаи бечоралар» учун ҳеч жойда йўл йўқ. Минбар йўқлигидан адабий минбар катта мафкуравий тарғиб ишларини бажара турган бўлиб ишлайдилар. Майда буржуазия ёзувчиси унинг мафкураларини, муддаоларини очиқ сиёсий мақолаларга эмас, энди сиёсий рўмонлар билан майдонга кўтариб, майда буржуазия руҳида, ахлокида халқни тарбиялашни ва одамларга таъсир қилишни кўзда тутди. Бу жабҳада «холис» туриш қурол бўлади. Биз мақола ёзиб бирор ёқга тарафкашлик қилмаймиз. Рўмонлар билан бор нарсани ҳикоя қилиб тарихий ҳақиқатлар билан ўқувчиларни таништирамиз, дейдилар. Майда буржуазиянинг асосий хусусияти ҳам оғмачилиқ билан «холис» туриб гаранг бўлишдир.

Лекин асосий муддао хусусияти мулкчилик асосида халқ жумхурияти бўлсин-да, молия капитали сиқилмасин. Мана шунинг учун уларда кураш бор. «Ҳалима», «Бахтсиз куяв» асарларини олсангиз, уларнинг бадиий қийматидан ижтимоий, сиёсий қиймати кучлидир. Чунки бу давр ўктабрдан сўнгги адабиёт асосан сиёсий, ижтимоий вазифани ўтай бошлайдир. Бу вақтда бадиий адабиёт жуда муддаолик (тендесиозний) бўлиб кетади. «Ўткан кунлар» ҳам босилиб тарқалиши билан фақат адабий гапгина эмас, анча сиёсий гап бўлиб юрди. Унда қўйилган идея атрофига тарафдорлар кўпайди. Отабек майда бойлар гапига фахрий аъзо қилиниб сайланди. Ўзининг олдига ташвиқ асар кишини жуда ишонтиратурган бўлиши керакдир. Бунинг учун бу хилда («Ўткан кунлар») асарининг муҳаррирлари бутун кучи билан кишини ишонтиришга, қизиқтиришга ҳаракат қилади. Бутун бадиий приём усталиқлари мана шу махсус сиёсий, ижтимоий мақсадга бўйсундирилган бўладир.

Жуда қийин икки-уч исканжани остида, қўрқинч таҳликасида турган шаҳар майда буржуазия синфи учун (ўктабрдан сўнг НЕПманлар) бирдан-бир қурол сўз бўлди. Ҳаяжонли, мулойим, шафқатли «холисона» уста сўзларига бино қўйдилар. Шунинг учун бадиий сўз (тил) майда буржуазия учун энг қулай сўздир. Бундай сўз унга жуда муддаолик (тендесиозний) бўлиб, шу орқали ижтимоий мафкурачилик билан овора бўладилар.

Ўқтабрдан сўнг маҳкамланган ижтимоий қурилишни ўзгартиришқа ожиз қолган буржуазия ёзувчилари ўтмишдаги «халқпарвар»ларни ишлаб чиқиб, мана ўша вақтда қандай ширин лаззатли сўзлар эдилар, дейдилар. Шундай усталиқлар билан кучликка таъсир қилишни кўзда тутдилар. Шунинг учун бадий сўзлар билан безаб, «ўтмишдаги» инсофли, виждонлиларни ўқиб, уларни кўз ёшлари билан гавдалантирадилар.

А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар» рўмонининг тили ва уни гавдалантириш усул-приёмлари мана шу юқоридаги зикр қилиниб ўтилганлар асосидадир.

Рўмоннинг асосий усули қарама-қарши қўйиш (контраст) бутун яратилган суратларнинг ҳам асосий нуқталари мана шу атрофдадир. Одил-инсоф, адолатсиз, инсофсиз. Бу усул умуман сўл рўмонтиқлар (халқчи рўмонтиқлар)нинг севикли усуллари бўлиб келган. Буни ҳозирги маҳкам қурилишга ўз идеяларини адолат, шафқатни қарши қўйиб, ҳозирги турмушдан норозиликларини айталар. Бу қарама-қарши қўйиш усули билан бундай рўмонтиқлар (жумладан, А.Қодирий) одамларни адолат, раҳмдиллик томон диққатни жалб қилади.

Бутун қолган усуллар ҳам, яъни тарихчилик, ўзини сўқиш, тасвирни характери ва умумлаштириб боғлаш ва бошқалар шу юқоридаги қарама-қарши қўйишга мутеъ қилинган.

Унинг олган вақти курашнинг, қаршилиқнинг юқори кўтарилиб-да бир нуқтага тушмаган муддатдир. У йиллар қарама-қаршилиқнинг энг кучайган йиллари бўлганидан А.Қодирий хоншарлар замонидан мана шу пайтларни олиб шу билан ёмонлиқ, қўполлиқ устидан одамгарчилик, инсофликни устун чиқариш йўлида кураш олиб боришни кўзда тутқан. Шу йўлда у жон куйдириб ишлаган ва ўша ингилишларининг натижаси ўлароқ «Ўткан кунлар»ни яратибдир. Бу билан ҳозирги турмушда шу яхшилиқ, инсофлик томон кураш тўлқинларини пайдо қилиш ва уни ёндиришни кўзда тутди. Бу манфаатлар унга кўпда рўмонда даврни кенг олишга ва у даврда бўлган курашни ип учини бошлаб уни охиригача олиб боролмасдан палапартиш тугатиб қўйгандир.

БУНДАН КЕЙИН (НАТИЖА ЎРНИДА)

«Ўткан кунлар» рўмони устида узоқ ўлтириб кўб нарса ёздиқ. Албатта, жуда ҳам мукамаллиги учун кафил бўла билмаймиз. Тарихий рўмонни тарихий ҳақиқатларга хилоф бўлса-да, бостирилишдан муддао ижодий кучларни кўрсатиб туриб, яхши танқид орқасида адабий йўлларимизни тўғри тушуниб иш кўриш учун бир материалдир. Биз бошда тарихчилик, санъатчилик тўғрисида баҳс очқан эдик. Биз у билан ёшларни рўмонтизмни таҳлили баҳонасида адабий назариялар билан таништиришни истадик. Кўб жойларда марксист адабиётчиларидан ситаталарни айнан кўчирмасдан ўзлаштириб ишлатдик. Ўйлаймизким, бу кўшимча ишлар ҳозирги адабий манфаатларимизга қарши келмас ва ортиқча кўринмас.

«Ўткан кунлар» мисолида рўмонтизм, қисман реализм мактабларининг асослариға, уларнинг ижтимоий моҳиятлариға тўхтаб ўтдик. Шу таҳлил натижасида буржуазия ва майда буржуазия идеяларини кузатиш учун ёзилган тарихий рўмонларни ҳақиқатдан узоқ бўлишлари очилди.

А.Қодирийни кўб ўртоқлар турмушдан узоқ, «хон замонлари»да юради, ҳозирги даврда юрмайди, дейдилар. Бунинг устига ўзларича натижа чиқариб, бунға сабаб қилиб, Жулқунбой ўтмишни яхши кўради, дейдилар. Бунинг нотўғри эканини юқорида сўзладиқ. Бу ерда яна бир масалани кўндаланг қўйишни истаймиз. Умуман, тарихий мавзудан олиб адабий асарлар ёзган ёзувчини «замонавий ёзувчи эмас» деб бўладими? Йўқ. Чунки унинг ёзган асарининг мавзуи ҳам дастмоеси тарихий бўлиб, биздан узоқ кўринади. Аммо асари билан баён қилатурган идеаллари, ёзувчининг ўзи яшаб турган шароитдан, синфий муносабатларидан келиб чиққан ижтимоий заказлардан иборатдир. Ёзувчи ўз даврида бор бўлган идеяни акс эттиради. Тарихға ҳозирги ўз синфи тақиб қўйган кўзойнакни кийиб қарайди. Унинг асари учун мавзуни, дастмоеяни танлашда ҳозирги инқилобий даврлардан узоқларға, «хонзамон»лариға кетиши, ҳозирги даврдан қочиш эмас. Балки шунға нисбатан бўлган муомаласи (подход)дир. Узоқдан даромад қилиб келиб, ҳозирги инқилобий даврдан норози эканини ва унинг йўқ бўлишининг хоҳлағанини билдириш бу даврдан қочиш бўлмай-

ди. Балки, ҳозирги даврга бўлган муносабатини адабий шаклда айтиш учун у бир йўл – тадбир ўрнида юради. Идеалист ёзувчилар даврни текширганда уни мужодалавий таҳлил қилмайди. Оғзаки гаплар, миш-мишларга ишонадилар. Улар даврни мукаммал, алоқадор онглашдан ожиздирлар.

Ҳақиқатда А.Кодирий ўзининг мавзуъи, материали билан эмас, балки идеяси, инқилобга бўлган норозилиғи билан биздан узоқда турган ёзувчидир. У бизга яқин бўлиши керак. Яъни ҳозир прўлетариат инқилоби, сотсиализм қурилишини тўғри, ҳақиқий, мужодалавий онглаши билан бизга яқин бўлади. Аммо унинг «Ўткан кунлар»и билан «хон замонлари»ни онглаш идеалистларча онглойдан иборатдир. Тарихий даврни тўғри онглаш ундаги синфий қаршиликларни, курашларнинг сабаблари билан бир-бири билан алоқада таҳлил қилиш А.Кодирийга ва умуман, буржуа идеалист ёзувчиларига муяссар бўлмаган.

Тарихий рўмончилик устида мукаммал ишлаган Нўсинов тарихчи билан тарихдан олиб ёзадирган санъаткорлар орасидаги муноқашани ёзади.

Оврўпода, сўнгра рус адабиётида ҳам адиблар билан тарихчилар низоълашқанлар. Француз ёзувчиси А.Франс тарихий рўмон ёзиб юриб тарихчи адибларга тарихни тўғри онглата олмайди. Бир-икки ҳужжатни олиб ёзиш билан бутун бир қурилишни тушунтириш мумкин эмас, дейди. Шундай тушунчаси орқасида холис, тўғри тарихнинг ўзи йўқ, деган натижага келган. Унингча тарих ёзиш деган сўз даврдан бир неча фактларни йиғиштириб бериш демакдир. Уни тарихий асар деб айтиш ярамайди. Бу билан тарихий, адабий асарларни тарихга хилоф келади деб, танқид қилишлардан озод бўлиб олишни ишташади. Шу билан, демак, тарих тўғри маълумот эмас ва жуда шартли бўлиб ҳозирги даврни ўткандан олатурган сезгиси бўлади, дейди. Тарихни тўғрироқ сезишни санъаткорга муяссар бўлади, деб даъво қилади. Чунки тарихчи тарихий фактнинг у ёқ-бу ёғини санъатчидек суриштирмасдан тақдим қилар эмиш.

Тарихчи Н.Кариёв санъатчи А.Франсга раддия ёзади. У тарихни тўғри онглатиб, даврни тушунтиришда катта рўлни санъатчидан олиб тарихчига беради. Гўё санъатчи тарихий рўмончи билан даврдан бир оилани олиб бир неча одамларнинг истиқболларини ҳал қилади.

Бутун миллат, халқ бир чеккада қолиб, декоратсия каби тас-

вирга кириб қолади. Бутун миллатнинг истиқболини таҳлил қилиб ҳал қилиш тарихий илмий фанга муяссар бўлади. Шунинг учун тарихий рўмон тарихий даврнинг аҳамиятини ечиш вазифаларининг ҳал қилиш даъвосини қила билмайди. Мана бу далиллар билан тарихчи санъатчига қарши чиқади.

Масаланинг бундай қўйилиши тарихчи тарафидан ҳам санъатчи томонидан тўғри эмас. Ишқал бир тарихдан парча кўрсатишдан ёки кўбрак – озроқ факт кўрсатишда эмас, балки уни қандай кўрсатиш устидадир. Санъатчи ўзининг кўрсаткан бир парчасини (оилани) бутун даврнинг бутунлигини онгларлиқ қилиб кўрсатадими? Тарихчи ўзининг тарихий фактларини кўрсатканда ва натижалар чиқарганда, унинг ўз фактидан бутун бир даврни тўғри онглаб бўладими? Ишқалнинг бош қалаваси мана шу ердадир.

Бу ерда тарихчининг адибга қаршилиги фақат тарихий рўмончинигина туртмайди. Бу умуман адабиётка тааллуқлидир. Адиблар ўз шароитини, синфини, тарихни, унинг идеалларини бадиий баён қилмоқчи бўлган тақдирда қандай қилади? Албатта у бунинг учун кишилар, суратлар, характерлар яратади. Яъни бир неча кишиларни ҳаракатлантириш йўли билан бу воқеаларни кўрсатади. Даврни ёки бир ҳаётни, ҳаракатни таҳлил қилиб кўрсатиб беради. Тарихчи ҳам шундай, тарихни, бутун фактларни эмас, балки масаланинг энг ҳал қилатурганларини олиб умумлаштиради. Тарихчининг фактлари бутун шундай баён қилинган бўлиши мумкинким, натижада ундан тарихий даврни тўғри ёки нотўғри тушиниш мумкиндир. Шунингдек, адиб ҳам ўзининг парчаларини шундай гавдалантириши натижада шу ҳол келиб чиқади.

Умуман, буржуа адиблари ва тарихчилари тарихий фактларни ўз мафкураларига мос қилиб олиб нотўғри таҳлил қиладилар. Аммо уларнинг яратган асарлари ҳар ҳолда даврдан маълумот берадилар. Масалан, А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар» рўмони бизга ўктабр кунлари ва унинг маҳкамланиши вақтидаги майда буржуазиянинг руҳини, фикрини очиқ тушунтиради. Биз бу билан бир тарихий, ижтимоий гуруҳнинг аҳвол-руҳияларини онглаймиз. Мана буни қандай қилиб ҳеч тарихий маълумот бермайди деб бўлади. Тўғри, хонлар замониға нисбатан тарихий, тўғри тушунча бермайди. Аммо биздаги майда буржуазияни тушунтиради. Шунинг тилакларидан сайрайди. Нега бундай? Ёки рўмонда беш-ўн

одамларни ёки тор оилавий ҳаётни гавдалантиргани учунми? Албатта, йўқ. Чунки бу нарсалар Жулқунбойга даврни у яқин турган майда буржуазия синфининг илган хўржинининг натижасидир. Аммо унинг бундай синфий заказни қабул қилмай ёзиши мумкинми эди? Албатта, йўқ. Биз буни бошланғич мақолаларда исбот қилдик.

«Ўткан кунлар» махсус тарихий даврдаги ижтимоий шароитнинг емиши ва майда буржуазиянинг фикрини ҳимоя қилатурган чора-тадбир ўрнини олади. Шундай группачилик усулида тарихий бадиий тушуниш, сезиш синфий жамиятда табиийдур. Аммо синфсиз бундай ҳолнинг бўлиши, албатта, табиий бўлиши мумкин эмас.

Коммунизм жамиятида синфлар йўқ бўлғач, албатта, давр адабиёти синфийликдан чиқади. Унда айрим синфлар, табақаларнинг фикрини, манфаатини акс этдиратурган адабиёт бўлмайди. Балки у давр адабиёти умумий инсониятнинг онгини, фикрини ўзида акс этдиргусидир. Аммо синфсиз жамият бир жойда қотиб қолади, деб даъво қилиш хато бўлади. Синфсиз жамият бир асрдан иккинчи асрга ўта бориши билан ўзгаради. Турмуш фикрни, онгни аниқлайди. Шунингдек бундай ўзгаришда даврни сезиш, унинг устида фикр юритиш ўзгариб адабиёт ҳам такомиллаша боради. Синфсиз давр хусусий мулкчиликнинг ва шунинг натижасида гуруҳ манфаатларининг йўқлигидир. Жамиятдаги манфаатнинг бутунлиги ҳозирни ва ўтмишни *тўғри* (объективний) онгланишдан маълум бўлади. Ҳозирги даврни сезиб у вақтида буржуазия рўмончилариға нисбатан айтилган маънода бўлмайди. Синфлар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун биргина ҳозирги замон материалларинигина эмас, балки тарихий материалларни ҳам ўзлариға мутеъ қилдилар. Бутун санъат саҳифаларини субъектив манфаатлар чанги босди. Албатта, бу синф жамиятнинг хусусиятидир. Синфсиз жамиятда санъат бу чанглардан қутулади. Бу йўлга тушишда объектив йўлдан адабиёт, санъатнинг бориши керак. Синфсиз жамият (коммунизм) қуришда бош қахрамонлиқ прўлетариат инқилобининг муваффақиятиға бағишланған. Тарихий охирги синф прўлетариат буни ҳал қилур. Бинобарин, шу синфнинг фалсафасигина санъат объективний йўлда тараққий қилиш йўллари ни очадир. Прўлетариат фалсафаси илмий деаликтика *материализми* билан қуролланиш бу вазифани тез бичади.

Бу ерда сўз куруқ марксизм китобининг ибораларини ўқиб олган адиб устида эмас, балки марксизмнинг ўзига асосий ғоя қилиб олиб шунга берилган, боғланган, ишонган адиб устидадир. Шундагина ўзининг ижодий тушунчасида турмушни қачонки прўлетариат мафкураси бутун ҳукмронлик қилиб турган вақтдагина тарихнинг илмий асослари прўлетар адибларининг яратқан одамлари, суратлари орқали объективний тўғри онглаб бўлади. Шундай одамчилик бориб-бориб бадиий кийимлар билан кийинтирилган тарихни ҳам иги-чиги билан тузукрак онглаб сезади.

Прўлетариат фалсафаси билан (диалектика моддиюнчилиғи) қуролланган ёзувчиғина бизга тарихни, тарихий одамни тўғри тирик кўрсатади. Бўлмаса, қўлимиздан ўткан майда буржуазия руҳида ёзилган рўмонлар одамларни реалний тирик ҳолда кўрсатишдан ожизлар. Ҳозир прўлетариат адабиёти ўзининг олдиға тирик одамни кўрсатишни марказий вазифа қилиб қўйди. Чунки адабий асарлар, айниқса, рўмонда кўброқ одамларни гавдалантириш катта ўринни ишғол қилади.

Прўлетариат адабиёти синфсиз жамият томон интилиб турган синф адабиёти бўлгандан унинг фалсафаси ҳам жуда обективдир. Шунинг учун ҳозир прўлетариат ҳокимияти ҳукм суриб турган бир ўлкада ўсмақда бўлганимиз учун ўрта йўлда оғиб қолган майда буржуазия фикрларидан озод бўлолмай юрган бизга йўлчи бўлган ёзувчиларнинг талантлариға ҳужум қилишни истамаймиз. Балки уларға таъсир қилиб прўлетариат чизиғиға тушуриб олиш керак. Биз йўлчиларнинг олдилариға ўз-ўзни алдамасдан, умидсизланмай ёзинг, деган шиорни қўямиз. Биз улардан кўбрак шўролашиш, ижтимоий қурилиш даврини тўғри сезиш, унға яқинлашишни талаб қиламиз. Лекин улардан ҳаққалашни, дарҳол шўро даражасиға жуда ошиқча кўтарилишни талаб қилиб бўлмайди. Чунки улар дарҳол лолақизғалдоқ каби янгидан қип-қизил «сўл бола» бўлиб касаллашни ярамайди.

Бизда бор обектив шароитлар таъсири билан бирмунча йўлчилар соғлом сўллашмоқдалар. Яъни бизга яқин келаётирлар. Биз бундай йўналишка илмий таҳлил, танқидларимиз коллектив ишлашмагимиз билан кўмаклашамиз. Аммо ёш ўзбек прўлетариат адабиёти ўзининг ўсишида иттифоқ прўлетариат ёзувчилари билан бирликда, ўқиш, ижод қилиш, ўз-ўзини

танқид қилиш шиори остида мустаҳкам ишламаклари лозим.

Биз тирик одамни кўрсатишни, бадий юксалишни «Ўткан кунлар»дан ўрганмаймиз. Балки унға қарши прўлетариат адабиётининг муваффақиятларидан сабоқлар оламиз. Биз «Ўткан кунлар»нинг бературған таъсири билан курашмагимиз керак. Йигитларимиз орасида отабекчиликка, қизларимиз орасида кумушчиликка қарши жанг очиш лозимдир. Чунки прўлетариат адабиёти мешчанлик билан келиша олмайди. Унға қарши жиддий, раҳмсиз ижодий кураш олиб боради. А.Қодирий «Ўткан кунлар» билан ўтказгуси келган муддаосини яхши кийинтириш, уста сўз устида кўб ишлаб синфий вазифасини бажарган. Ёш прўлетар мафкурасидаги ёзувчилар ҳам ўз ижодий вазифаларини бажаришда каттагина технический қурол бўлатурған тилнинг устида ишлашни ўрганишлари лозим.

А.Қодирий бундай замонавий «мувофик», «ҳаммабоп» рўмон яратишға осонгина муваффақ бўла олмаған. Балки у гавдалантиратурған шароитни четдан назорат қилишдан кўра кўброқ шу майда буржуазия шароити ичида қўшилиб курашда иштирок қилиб, киришиб кетмишдир. Шу каби бизнинг ёзувчиларимиз ҳам тирик одамни кўрсатиш вазифаларини фақат назарий китобдангина ўқуб бажара олмайдилар. Унинг устига 1-турмушда оралаш бўлиб четдан яхши диққат билан сезиб юриш; 2-тўғридан-тўғри курашда қурилишнинг ичида бўлиш. Мана бу ҳар икки йўл билан ўқуб ишлаб боратурған ёш ёзувчиларимиз, шубҳасиз, А.Қодирийдан бадий кучда юксалиб кетдилар. Аммо «Ўткан кунлар»ни муваққат муваффақият қозонишининг моҳиятиға тушуниб етмаган ёш ёзувчиларимиз кўб вақтда адабий усулда, приёмда унға эргашишға ҳаракат қилдилар. Албатта, ундан фойдаланатурған технический (тил) муваффақиятлари кўб. Аммо унинг приёмлари рўмантизм, қисман натурализм приёмлари бўлганидан прўлетариат адабиётининг ижодий вазифаларини бажаришқа ярақли эмас. Ҳатто реализм мактабини ҳам катта танқидлар билан биз яратамиз. Биз ҳақиқий прўлетариат реализмаси, материализм асосидаги психологизм асосида кишиларни гавдалантиришға ўрганишимиз лозим. Биз кичикдан бошлаб каттага чиқайлиқ. Биз юқоридаги вазифаларни ўташға тўғридан-тўғри киришиб кета билмаймиз. Бундай вазифаларни бажаришни дарҳол рўмондан бошлаш оғир. Шунинг учун узун ҳикоя ва повестлардан бошлаб

иш кўриш керак. Ҳали бутун иттифоқимизда прўлетариат адабиётининг тўла ишланган рўмони йўқдир. Гладковнинг «Цемент», Фадеевнинг «Разгром» исмли узоқ повести яхши сунъий нусхалардан саналади. Ўйлаймизки, тез кунларда ёш ўзбек прўлетариат адабиёти ҳам юқоридаги синфий, адабий вазифани тез кунда олдига кескин бажариш тарзида қўйиб, ўзининг бошланғич кичик намуналарини берар. Биз ўзимизнинг ушбу танқидий мақолаларимиз билан шу ишни тезлатишка воситачи бўларми экан, деган умиддамиз. Ҳали биздан А.Қодирийга ўхшаш ёзувчининг чиқишига етти қовун пишиғи бор дейдирган оғма, товлама, мулойим ипак афандиларнинг айюҳаннослари ҳақсиз бўлиб, уни, камоли янги ҳоким синфнинг курашига, устунлигига жаҳл билан қарашларидан айтадилар. Шунинг учун бундай васваса гапларни йиғиштириб қўйиб, унга жавобан ўқуш, ижод қилиш устида ўлтиришимиз керак, сотсиализм қурилишига яна фаолроқ қатнашиб кетайлик.

«ЎТКАН КУНЛАР» ҲАМ «ЎТКАН КУНЛАР» ТАНҚИДИ УСТИДА БАЪЗИ ИЗОҲЛАР

Меним «Ўткан кунлар»им тўғрисида Сотти Ҳусайннинг* катта танқиди босилиб, яқинда тамом бўлдим, бу муҳтарам «Шарқ ҳақиқати» ўқуғучиларининг маълумидир. Ижтимоий ёш олимимиз С.Ҳусайн ўзининг кўб вақтини сарф қилиб, танқидчилик бобидаги бирмунча нуқсонларимизни тўлдурушқа буюк жасорат ва ғайрат кўрсатдиким, бунинг учун биз, адабиёт муҳиблари, С.Ҳусайнга ташаккур айтишқа, ҳар доим бу йўлда унга моддий ва маънавий ёрдам бериб туришқа бурчлимиз.

Бундан бирар йиллар муқаддам ўртоқ Сотти Ҳусайн «Ўткан кунлар»ни танқид қилиш ниятида бўлганлигини менга изҳор қилиб, ёрдам сўраганида, унга хурсандлигимни билдирган, «Агар сан шу ниятингда собит қолсанг, танқидчиликдаги бир нуқсонимизни йўқотасан!» деган, керакли маълумотлар бериб, ҳатто мени рўмон ёзишга ҳавасландирган Миср фузалосидан устоз Жўржи Зайдон* билан уни таништириб, Жўржи Зайдоннинг рўмон ва ғайри асарларини С.Ҳусайнга тавсия қилиб ва орзуси бўйинча таржимаи ҳолимни ҳам ёзиб берган эдим. Дарҳақиқат, сиз ва бизнинг вазифамиз бундай ёш, ғаюр¹ йигитларга ҳар доим далда беришлиқдир.

Бу қадар катта ва тўла танқидни кўрмаган хонандалардан² баъзилари (эҳтимолки, меним юзим учун бўлса керак) «Зериктирди, мавзудан чиқди, фалон» каби шикоятда бўлиндиларким, баҳарҳол бу йўсун сатҳий³ тушуниш ёки бундай муфассал танқидни ўзбек матбуотида биринчи мартаба кўришдан ёхуд мунаққиднинг⁴ баҳсига яхши тушунмаганликдандир. Дуруст, бирмунча мавзудан чиқиш каби ҳоллар кўрилди, аммо мунаққиднинг билоқасд⁵ мавзудан чиқишдаги мақсади ўзбек ёш ёзғучиларига адабиёт бобида бир қадар дарс бериш,

¹ Ғаюр – ғайратли.

² Хонанда – ўқувчи.

³ Сатҳий – юзаки.

⁴ Мунаққид – танқидчи.

⁵ Билоқасд – мақсадсиз.

уларға рахбарлик қилиш эди, деб ўйлайман. Бошқа жиҳатларда танқидчининг қусури кўрилар экан, бунинг ёшлиғига ва тажрибасизлигига ҳавола қилиш лозимдир.

Мўътабар «Шарқ ҳақиқати» газетасининг шу устунларини қоралашдан мақсадим С.Хусайннинг «Ўткан кунлар»им тўғрисидаги танқидига жавоб бериш фалон бўлмай (чунки бу меним вазифамга кирмас, деб ўйлайман), балки сарлавҳада кўрсатилганча менга ғариброқ туюлган бир неча нуқталар устида изоҳлар беришдир.

Сўз чўзилмасин, ўқуғучининг қийматли вақти исроф бўлмасин деб изоҳламакчи бўлган бир неча нуқталаримни бандларга ажратиб юритаман:

1. Танқидчи – «Юсуфбек ҳожи дабдурусдан исён чиқаради, озгина жарчиликдан сўнг тўполон бошланиб, уруш бўлиб кетади» («Шарқ ҳақиқати», 132-нчи сон) деб ажабланадир. Ҳолбуки, ўша исённинг жараёни айнан мен ёзганчадир. Ёлғон-яшиги йўқ, исён «дабдурусдан!» Материалистча ўйлаганда ҳам бу «дабдурусдан»нинг сабаби очилса керак. Масалан, 70 кун муҳосарада¹ қолган, очиқган, нонсиз бир халққа бундан юз йил илгариги курс билан 32 танга (бир ярим тилла баробари) солиқ солинсин-чи, қандай томоша бўлар экан! Шундай кезларда халққа бир рахбаргина керакдир. Шу рахбарликни «дабдурусдан» Юсуфбек ҳожи ўтаса, на ажаб.

2. «Ўткан кунлар»да кўпрак қўлланган дидактика тўғрисида. Дидактика усулини кўпрак қўлланишнинг сабаби «Ўткан кунлар»нинг оммамизнинг савиясига қараб ёзилишидандир. Маълумки, бизнинг омма то шу кунгача ҳам ўрта аср дoston ва ҳикоялари билан озиқланиб келади. Омманинг шу ҳолини назарга олганда, бармоқ билан санарлиқ беш-ўнтагина (улар ҳам ўз ҳунарларида нўноқлардирлар) ёшларимиз учун «сўнгги приём»ни бериш – тиши чиқмаган болаға қурт шимитиш каби бўлар эди. Ҳолбуки, бу эски приём жўртта, халқимизнинг савиясини эътиборға олиб қабул қилинғандир. Халқнинг завқини, руҳини назарда тутилмаса, «сўнгги приём» деб Оврупонинг сўнгги мўдасини тақдим қилинса, бундан нима маъно чиқариб бўлар эди. Ҳаттоки, мен «сўнгги приём»лардан баъзисини «Ўткан кунлар»га эртарак киргизган бўлсам керакки, чойхонада ўлтурган таниш бир деҳқондан «Муллака, шу Кумушбиби-

¹ Мухосара – қамал.

нинг китобини¹ хўб ёзгансиз-ку, бироқ бу баъзи ерида гапини худда чови аралаш ушлайсиз-да, тушуниб олгунча энка-тенкамиз чиқди-да!» деб «сўнгги приём»дан шикоят эшиткан эдим.

«Ўткан кунлар»ни ёзар эканман, доим кўз ўнгимда ўқуғучи омамиз турар эди. Мен бу китобим билан халқимиз рағбатини бир оз бўлса ҳам янгиликка тортай дер эдим. Шунинг учундирким, ҳатто бир фаслни тамом ташлаб ўтар эканман, «Фалон ҳолни бундан сўнгги фаслларнинг бирида ўқурсиз» каби сўз билан ўқуғучига таъминот бериб қўйишқача мажбурият сезар эдим.

Машрабнинг «бердисини айткунча» калтак еб олганини тушунар эдим. Бу ҳақда ҳануз бир фикрим бор:

Модомики, асар савияси ўзимизга маълум шу халқ учун ёзилар экан, яна бирмунча вақт «сўнгги приём»лардан кўз юмиб туриш, ораликда «сўнгги приём»ни оз-оз қистира бориш лозимдир. На учунким, «сўнгги приём»да ёзилган шеър ва насрларимиз бир табақагагина хос бўлиб қолабергани даъвомизга далилдир. Вақтики, биз кўбчилик – ишчи ва деҳқон оммаси учун ёзар эканмиз, «эски приём» билан ёзади, биноан алайҳи² бу ёзғучига биринчи нўмирни бермаймиз», деб қилинган танқидлардан хуркмаймиз.

3. Танқидда «дидактика» деб ҳиссий чекиниш (лирическое отступление)ни ҳам аралаштирилиб юборилган. Масалан: «Мен – ёзғучи...» деб, кундаш жанжали тўғрисидаги ўз ҳиссиётимни айтиб ўтар эканман, ҳатто буни «янги приём»лар ҳам маъфу³ санаб, йўл берадир. Бу «дидактика»дан бошқа гапдир.

4. Танқидчи мени мантиқсизликда айблаб келиб, мисолга – «Кумуш қиз экан, ота-онаси ундан сўрамай, ризолигини олмай эрга беради, эрдан чиқгандан сўнг (Отабекдан сохта ажралгандан кейин) иккинчи эрга беришда ота-онаси Кумушнинг ризолигини оламиз, деб овора бўлишдилар. Бу мантиқсизлик А.Қодирийнинг эсига келмайди, чунки шу мантиқсизликни ишламаса, рўмонни боғлайдирган ип чувалиб кетади», («Ш. Ҳ.», 137-нчи сон) деб ўтади.

Ҳолбуки, бу «мантиқсизликқа» турмуш ҳақиқатиға қараб иртиқоб⁴ қилинғандир. Зеро, эски турмуш айтади: «Кумри қиз

¹ «Ўткан кунлар»ни демакчи (Муал.).

² Биноан алайҳи – шунга биноан.

³ Афв этилган, узрли.

⁴ Иртиқоб – киришиш, ҳаракат қилиш.

экан, ота-онасининг танлашлари билан эрга чиксин, бу одоб, иффат тақозоси. Вақтики, эри ўлди ёки эрдан чикди, эндиликда ота-онасининг унинг эр қилишида ихтиёрлари йўқ, фақат улар маслаҳатчиларгина (бу одат йигитлар устида ҳам шундай. «Ўткан кунлар»нинг 1-бўлим 1-фаслига мурожаат). Қизлари эндиликда кўёвни ўз кўзи билан кўради, уй-жойларини, касби-корини текширади – унга рухсат». Бинобарин, «Ўткан кунлар»даги «мантиқсизлик» ҳам шу мақомдадир. Бунда мунаққид Сотти Хусайн маъфу. Зеро, Қумушдан ризолик сўраш устида озгина тўхтаб «дидактика» истеъмол қилсам, иш тамом эди. Аммо мен халқ орасида маълум ва машҳур бу урф устида «дидактика» ёзишни лузумсиз топқан эдим.

Танқидчи С.Хусайннинг бир фикрига мен ҳам қўшиламан: ёзғучиларимиз ва танқидчиларимиз учун халқ орасига кириш, унинг урф-одатиға гарчи машаққат бўлса ҳам вуқуф¹ ҳосил қилиш лозимдир.

5. Хушрўйбиби танқидчиға ғайритабиий (бўлмаган) тип бўлиб кўринади. Бошқа типларни ғайритабиийроқ топилса ҳам, бироқ улар устида Хушрўй каби қатъий ҳукм берилмайдир. Хушрўйнинг табиийлигини онглаш учун яна турмуш кишиларини ўрганиш машаққатини зиммага олиш керак.

6. Танқидчи мени «Ўткан кунлар» билан ўғри қилмаса ҳам, лекин адабиёт ўғрилари тўғрисида баҳс қила келиб: «Ўткан кунлар»нинг анча ери Жўржи Зайдоннинг «Армануса», «Ўн еттинчи рамазон»² рўмонлариға ўхшаб кетса ҳам, унда Абдулла Қодирийнинг ўз сўзлари ҳам кўбдир» («Ш. Х.», 175-нчи сон) дейдир. Ўқуғучилардан баъзилари бу билан шубҳаға тушиб, «Ўткан кунлар»даги Жўржи Зайдоннинг сўзлари қайси ва сизнинг сўзларингиз қайси?» деб менга мурожаат қилдилар. С.Хусайннинг юқори ва қуйидаги йўлларида бундай маъно англашилмагани учун уларға «Оқилон пайрави нуқат накунад»³ жавобини бериш билан кифояландим ва ҳануз шу фикрдаман. Шунга ўхшаш танқидчи ёзувда, тилда бир оз нўноқроқ ва бепарво ҳаракат қилса керакким, унинг жумлаларидан бир қисми

¹ Вуқуф – воқифлик, хабардорлик.

² С.Хусайн Жўржи Зайдоннинг фақат шу икки асаринигина ўқуған кўринади. Мен унга Жўржининг ҳамма асарларини тавсия қилған, рўйхатини топширган эдим (*Муал*).

³ Оқиллар нуқтаға аҳамият қилмайдилар.

изоҳга муҳтож кўринадилар. Жумладан, танқидчи, Ўктябр инқилоби вақтида меним ҳолимдан дам уриб, «А.Қодирий бу ўзгаришлар вақтида ҳаёт эди» («Ш.Х.», 199-нчи сон), деб қўяди. Албатта, бундан меним ҳозирда ҳоли ҳаётда¹ бўлмаганлигимни (яъни ўлганлигимни) онглаш тўғри бўлмайди.

7. Отабекнинг ишқидан ва умуман, муҳаббатдан баҳс қилиниб, «Ишқ-муҳаббат доимий бўлмайди», дейиладир. Бу фикрга мен ҳам қўшуламан. Аммо ишқнинг беш-ўн йилга тортилиши аниқдир. Бунинг мисоллари ҳаётда беҳад кўб. Отабекнинг ишқи уч ярим-тўрт йилгина. Бундай тинчсиз, ҳажр ва фироқли шароитда ундан ҳам кўбга тортилиши маълум.

8. Баъзан «Меним сўзга усталигим» тўғрисида ҳазм ва қолибдан юқорироқ мадҳларда бўлинган – «Бу ҳолни тасвирига қалам ожиздир» каби узрларимни «Елғон айтади, сўзга жуда уста» деган каби талқин қилинадир. Дуруст, менга қарағанда тубан кишилар учун мен «Жуда ҳам сўзни қотирадиган кўринарман», бироқ «Ўзимдан ўтади, ўзим биламан», деганларидек, ҳар кимнинг аҳволи ўзига маълумдир. Баъзи руҳий кечинмалар (переживание) борки, киши сезади, тушунади. Бироқ шу ҳолни қоғозга туширмакчи бўлинганда, сўз топилмай, ифода қилолмай ҳайратда қолинади, ноилож ажз² иқроп қилишга, «қаламим ожиздир» дейишга мажбур бўлинади. Меним «Ўткан кунлар»даги ажзларим ҳам шу жумладандирлар.

Изоҳотларим яна бир банд билан битадир. Юқорида айтганимча, танқидчининг ҳар бир баҳс ва мақоласига тўхташ меним вазифам эмас.

9. Танқидчи: «Абдулла Қодирий пролетариат инқилобиға нисбатан узоқроқ кишидир. Чунки ҳақиқатан А.Қодирий майда буржуазия ёзувчисидир. Унинг синфий асосини белгилаш таҳлил вақтида катта аҳамиятга эгадир» («Ш.Х.», 123-нчи сон) деб, меним синфий асосимни белгилашни ўз таҳлилининг негизига олмоқчи бўлса ҳам, бироқ анчагина узун мақолада белгилаш учун қўли тегмагандек бўлиб қоладир. (Ёки ул меним таржимаи ҳолимни ёзиб, ижтимоий аҳволимни белгиладими, шаҳардан четроқда турганим жиҳатдан «Ш.Х.»ни тартибли ололмайман. Ёзган бўлса, мени афв қилсин). Меним қўлимдаги газеталарда фақат «Майда буржуазия вакили» дебгина кетаберадир ва гоҳи

¹ Ҳоли ҳаёт – ҳаётлик, ўлмаганлик.

² Ажз – ожизлик.

«А.Қодирийни нотариус ва банқалар сиқиб қўйди, ўзи майда буржуазиядан туғилди» («Ш.Х.», 201-нчи сон), дегандек ҳам бўладир. Мен шунга ҳайратда қолдимки (агар ижтимоий аҳволимни белгиламаган бўлса), меним таржимаи ҳолим ҳаммадан ҳам С.Хусайнга маълум эди-ку, яна шу ҳолда мени... Бунчалик лобар ҳаракатни Сотти ўртоқнинг ўзи «Чунки А.Қодирий шундай мантиқсизликдан кўз юмаса, рўмоннинг ипи чувалиб кетади», деб ҳукм қилганича, танқиднинг ҳам ипи чувалиб кетишидан қўрқиб қилмадимки ёки танқидчи тасаввур қилган «реализма» тақозоси шуми ва ёки ўз таъбирича «Бу нарсалар Жулқунбойга даврни, у яқин турган майда буржуазия синфининг илган хуржунининг натижасидир»ми?¹

Ҳар ҳолда, танқиднинг шу тарафи (башарти мен газета сонларини кўрмай кечирган бўлмаганимда), меним назаримда нуқсонли сезилди.

Ўртоқ Ленин ҳақиқатнинг кўзига тўғри қарашқа ўргатадир.

А. Қодирий (Жулқунбой)
«Шарқ ҳақиқати», 1929 йил, 218-сон.²

¹ Бундаги таъбир маъзур кўрилсин. С.Хусайннинг ўз мақоласидан айнан олинди (Муаллиф).

² «Шарқ ҳақиқати» газетаси 1923–30 йилларда Тошкентда чиққан. Тошкент вилояти партия комитети органи.

А.ҚОДИРИЙНИНГ «ИЗОҲЛАРИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН

Менинг «Шарқ ҳақиқати» газетасида «Ўткан кунлар»да унга доир масалалар тўғрисидаги фикрларим анча камчиликлар билан босилиб чиқди. Бу – қизиққан ўртоқларга тўла ёки қисман маълумдир. Газета идораси мақолаларимни фикрлашув ва музокаралашув учун босаётганини билдирганлигидан бу тўғрида бир мунча ўртоқларимизнинг ўз фикрлари билан майдонга чиқишлари лозим эди. Лекин бу бўлмади. Ўртоқларимизнинг ҳали ҳам музокарага қатнашувлари лозим деб ўтаман.

«Шарқ ҳақиқати» газетасининг 1929-нчи йил 218-нчи соҳида А.Қодирийнинг «баъзи бир изоҳлари» босилиб чиқди. А.Қодирий меним кўтарган масалаларим устида фикр юритиш ва жавоб беришни ўз зиммасига олмаса-да, бир мунча муҳим муаммоларни майдонга тўкиб ташлайди. Шу сабабдан «баъзи изоҳлар»га изоҳ билан жавоб беришга қониқмай, бир мунча умумий асосий масалаларга тўхташим керак.

Мақола менинг «Ўткан кунлар» тўғрисида мулоҳаза юритишга бўлган ҳавасим ва бу йўлда А.Қодирийдан олган кўмакларимдан бошланиб кетади. Ҳеч шубҳасиз, мен А.Қодирийдан баъзи керакли маълумотларни сўраб кўмак олдим. Мен бу тўғрида таланти ёзувчи А.Қодирийга ташаккур билдиришим керак.

Қодирий менинг биринчи ва нуқсонлари бўлиши мумкин ишимга – танқидимга танқидий нуқтаи назаридан қарамасдан муболағали сўз уриштиришлардан кейин ўз эътирозларини бошлайди. Албатта, бу ерда масаланинг асоси шахсий алоқа, суҳбат ва муомалалар устида эмас. Масала шундаким, марксизм танқидининг прўлетариатнинг сотсиализм қуриш учун олиб бораёткан синфий курашида кўмакчилик рўлини ўйнаши лозим. Менми, бошқами коммунистик мунаққидлиги доирасини қилар экан, унинг олдида синфий кураш масаласи кўндаланг туради. Мен «Ўткан кунлар» устида фикр юриткан вақтимда ҳам масалага синфий кураш нуқтаи назаридан қарайдим. Шу йўлда камчиликларим ва янглишларим бўлар экан, албатта танқидга учраши лозим.

Энди А.Қодирийға «ғариб туюлған» масалаларға кечайлик.

1. Юсуфбек хожининг исёни меним учун сабабсиз, дабдурусдан бўлган бир ҳодиса бўлиб кўринди. Бунинг асосий сабаби Юсуфбек хожи раҳбарлик қилгунча бўлган воқеаларда деҳқон ва ҳунармандларнинг кун кўриш лавҳалари кўрсатилмаганлигида эди. Ижтимоий ҳодисанинг сабабини ҳеч қачон фавқулоддалиқ билан тушунтириш ярамайди. 1916-нчи йил рабўчий олиш қўзғалонининг сабабини санъаткор ёзувчи ёки тарихчи мажбурий буйруқ чиқарилиши билангина тушунтирмакчи бўлса, марксистлар албатта сўкурлар, чунки 1916-нчи йил воқеасининг ўзига яраша иқтисодий ва ижтимоий сабаблари борким, уни таҳлил қилмай туриб, қўққисдан «буйруқ ғалаёнға сабаб бўлди» дейиш турмуш ва ўзгаришларни фавқулоддалиқдан иборат қилиб танитиш бўлади. Ўзгаришка бундай қараш ва ижодда кўрсатиш буржуазия санъатчи ва тарихчиларининг ишидир. Тарихда хонлар ва бекларнинг 32 тангадан ортиқ солиқ солганлари ва жуда хўрлаб юборган вақтларида ҳам дарҳол исён бўлмаган вақтларини биламиз. Буни ва бунға ўхшаган бирор фавқулоддалиқни (случайность) сабаб қилиб олиш мумкинми? Албатта, йўқ. Чунки бундай йўл билан масала дуруст ешилмайди. Бу ерда моддионларча иқтисодий, ижтимоий ва тарихий сабабларни излаш керак. Санъатчи ҳам дунёнинг тарихини шу асосда сезгандагина гўла, ҳақиқий картина кўрсата олади.

2. Масала «Ўткан кунлар»даги дидактика тўғрисида – дидактиканинг қўлланишини тарихчилик усулининг давоми деб тушунтирган эдим. А.Қодирий аксинча дидактикани киритишга сабаб этиб ҳозирги ўқувчи оммамизни дастак қилади. Бундан тарихчилик усули шу оммани кўзда тутилганидан қўлланилди, деган маъно чиқади. Бу тўғри эмас. Агарда омма ҳақиқатан адабий асар ўқуса ва бадий суратлар кўрсин десак, унга воқеани оддий реализм асосида содда қилиб кўрсатишимиз керак. А.Қодирий буржуазия рўмонтиқ ёзувчиларининг ишлатиб келган усул ва приёмларини тўғридан-тўғри ўз рўмонида қўллаш билан оммани кўзда тутқан бўладими? Ёки у ўйлаған «омма» ҳақиқий бадий асар ўқиёлмас эканми? Бизнинг баҳсимиз бадий ва бадийликдан узоқ усул ва приём тўғрисида борган эди. «Рустами дoston»ларда (ҳозирги замон нуқтаи назаридан) бадий бир қиймат йўқ. А.Қодирий, халқимизнинг савияси эски деб, эскичани сақлашни истар экансиз, нима учун рўмон

ёзиш ўрнига «Рустами дoston» ёзишни зиммангизга олмадингиз? Бахсни бўяш ярамайди. Масаланинг таг томири қай ерда? Бунинглаш ёки онглашга имконият бериш керак. А.Қодирий иккаласини ҳам қилмайди.

Мен ўз мақоламда А.Қодирийнинг усул ва приёмларини шаҳар майда буржуазиясининг рўмантизмидан иборат эканлигини исбот қилишга тиришкан эдим. А.Қодирийнинг ўзи усул ва приёмлари билан рўмонтиқ эканини кўрсатиб туради. Сўнг-ра, рўмонтизм мактабининг камчиликларини ёзиб келиб бизнинг ҳаммамиз учун яқин ва тушунишга енгил бўлган реализм мактабининг асосларини қабул қилиш масаласини қўйдим. Изоҳнинг иккинчи бир моддасида: «Хатто сўнгги приёмлардан баъзини «Ўткан кунлар»га эртарақ киргизган бўлсам керакки, чойхонада ўлтурган таниш бир деҳқондан:

«Мулла ака, шу Кумушбибининг китобини хўб ёзгансиз-ку, бироқ баъзи ерида гапни худда чови аралаш ушлайсиз-да, тушиниб олгунча энка-тенкамиз чиқди-да, деб сўнгги приёмдан шикоят эшиткан эдим», дейилади.

Бу гап тўғрими? Эҳтимол, тўғридир. Шубҳаланмаймиз. Аввало, Қодирий «сўнгги приём» деб нимани тушунди экан? Агар таъбирни мақолам бўйича олган бўлса, менинг прўлетариат реализм мактабининг сўнгги приёми деб юритканимни онглаши ва онглатиши керак. Шундай бўлса, ёзувчи рўмонда сўнгги приёмни ишлатмаган. Эски приём – рўмонтизм асосида ёзган. Деҳқон реализмадан эмас, «Ўткан кунлар» приёми – оғир хаёл рўмонтизма мактабидан шикоят қилгандир. Рўмондаги рўмонтизм мактабининг бир деҳқондан эмас, кўблаб меҳнаткаш ўқуғучилардан шикоят турган гап.

А.Қодирий:

– Халқимизнинг рағбатини бир оз бўлса ҳам янгиликларга тортай дер эдим, – дейди. Бу тўғри эмас. Ўқувчини алдашдир. Демак, Жўржи Зайдон усули ва приёмлари адабий приёмлар тараққиётининг сўнгги муваффақиятлари бўлиб чиқади. Рус реализмаси, Толстой муваффақиятлари, айниқса, прўлетариат адабиётида тирик одамни тўла кўрсатиш қайси эскиликка қўшилади?

Ёзувчининг «бу фикри» тўғри эмас. Унингча, эски приём – рўмонтизм мактаби асосида ёзиб реализмдан оз, оз аралаштириш керак, эмиш. А.Қодирий бунга мисол қилиб, ҳозирги наср

ва шеърларимизнинг бир тоифага хосланиб боришини олади. Тўғри, бизнинг шеърларимизнинг ҳоли шундайроқ. Нима учун? Рўмонтизм асосида ёзмаганлариданми? Йўқ. Балки ифодаларининг ва айниқса, тилнинг устида ишлаганда кўбчилик ишчи-деҳқон ўқувчилариға мувофиқлаштирмай чиройли чиқараман деб, истеъмолдан узоқ, ёт сўзлар излашларидандир. Ёзувчиларимизнинг кўблари меҳнаткаш оммамизнинг турмуши ва синфий курашларидан ёзмай, унинг ён-беридан юзаки ўтадилар. Асарлар шунинг учун меҳнаткаш омманинг завқи ва шавқи билан умумлашиб кетмайди. Ёзувчилар баъзан реализм приёмини қабул қилсалар-да, ёзувда, техникада ва тилда нўноқ бўладирлар. Шунинг учун ишчи ва деҳқонларға яқин турмушдан, уларнинг сотсиализм учун бўлган курашидан олиб оддий тилда прўлетар реализмасининг усул ва приёмларида ёзилган ижодий асарлар учун курашни олдимизға қўйдик.

А.Қодирийнинг «Меҳробдан чаён»и, «Ўткан кунлар»га қараганда бир мунча севимсиз бўлиб, кўб тарқалмади. Бунинг сабабларидан бири «Ўткан кунлар»даги тарихчилик ва дидактика каби бадий асар учун ҳуснбузарлик, чечаклик рўлини ўйнай турган усулдан тортиниш ўрниға унинг ҳаддан ташқари ишлатилишидандир.

3. Мен дидактикани уқдириш, ишонтириш маъносида олган эдим. Бу мақоламдан ҳам онглашиладир. А.Қодирий фикрича, мен гўё ҳиссий чекиниш (лирическое отступление) билан дидактикани фарқиға борган эмасмишман. Бу тўғри эмас, аввало, «Мен ёзувчи» деб бошлаган юрак испарафкаси «ҳиссий чекиниш» бўлмай, тўғридан-тўғри тарихчиликни, дидактикани яна қўполлантириб давом қилдиришдир. «Янги приёмлар»ни маъқул санаган ҳиссий чекиниш бутунлай «бошқа гапдир».

4. Менинг «Ўткан кунлар» рўмонидаги бир кўб мантиқсизликларни ёзиб келиб мисолға Кумушбибани олишим А.Қодирийнинг қаттиқ қаршилиғиға учрабдир. Эски турмуш, шариат одатларига таяниб туриб кўрсатилган важҳлар тўғри. Аммо шариат қандай шароитда ва тарихий даврда бўлмасин тўқис-тугал амалға ошмайди. Чунки шариат, дин киши кучидан фойдаланувчилар манфаатиға томон мувофиқлашади. Масалан, шариатда қизнинг «хўб» дейиши лозим бўлса-да, амалда зўрланиб берилган қиз «хўб» демаса ҳам, турмуш қилишға ва қул бўлишға мажбурдир. «Ўткан кунлар» бошидан охириғача шариат

қонунлариға ва одатка асосланиб ёзилған эмас, деб биламан.

Кумушбиби тўғрисида келтирган менинг мисолларим шариат билан инкор қилинса-да, «Ҳа, тўғри, «Ўткан кунлар» мантиқсизлиқдан бутунлай холи экан» деб айта олмайман. Чунки рўмоннинг асосий моментлари ҳақиқий ҳаёт, яъни жамиятнинг қонуний тараққиётиға қарама-қаршидир. Тарихда синфий курашнинг бутунлай бўлмаганини, ҳатто оилавий ҳаётға таъсири кирмаганини тушунтиратурған фикрга ишониб бўладими? Ижтимоий, ғайратли, исёнчи, зеҳнли, ақлли халқ ходими қилиб кўкларга кўтарилған Отабекнинг «ундай бўлса сира тинчимангиз!» дейиши мумкинми?

Албатта, ёзувчиларнинг ва танқидчиларнинг турмушни ўрганишлари керак. Шунинг билан бирга турмушни тўғри ўрганиш, ундағи қарама-қаршилиқларнинг турли шакллари билан билиш ва фарқлаш зарур, деган фикрни илгари сурамиз. Турмушнинг устки ёғини куруқ томоша қилиши ҳеч нарса бермайди. А.Қодирий бизнинг ҳаётимизнинг чуқурлиқлари билан шаҳар майда бойлари нуқтаи назаридан ўқиб воқиф бўлған бўлса, бизнинг ҳақиқатан моддиюнларча ҳар тарафлама қараб, у илмий курашнинг асосий моҳиятларини марксистларча тўғри онглашимиз лозим.

5. Хушрўйбиби гўдаклик вақтидан бошлаб «халқ орасида маълум ва машҳур бўлған урф» асосида эски турмуш шароитида тарбия топади. Шундай тарбия билан ўскан қиз «маълум ва машҳур урф»ни бузиб ортиқча жангарилик қиладими? Менимча, бу тақлид кундашлик хотинлар ҳаётида бўлғандир. Аммо қиз болаларда бўлиши ҳақиқатдан узоқдир. «Чархни бузар парраси, қизни бузар онаси» деган халқ мақоли бежиз айтилмағандир. Хушрўйбибини бутун эски маккор оналардан ажратиб хуш муболағалар билан тасвирлаш рўмоннинг фикри, ахлоқий натижаларини тегишли даражада кучли тугатиш учун керак бўлған, холос. Умуман рўмонда тип (образ) йўқ. Фақат идеялар бор, деган фикрдаман.

6. Жўржи Зайдоннинг асарларини ўқиб, «Ўткан кунлар»га солиштириб кўрган вақтимда, усулда ва приёмда айнан фойдаланғанлиқни сездим. Бундан кўз юммай, мисолларини кўшиб ёздим. Бу билан нима демакчи эдим? Албатта, А.Қодирий Жўржи Зайдонни айнан туржима қилған, демакчи бўлмадим. Балки «тарихий» рўмон «Ўткан кунлар»ини ёзишда ўз олдиға

янги адабий усул ёки приём ижод қилмаган, балки ифодалар ва тасвирларда анча усталиқ кўрсаткан, демакчи бўлдим. Сўнгра приёмда айнан ўхшаш кетатурган жойларини Жўржи Зайдондан ва А.Қодирийдан айнан кўчирмалар кўрсатдим. Ўшандай жойларда «ифодалар Жўржи Зайдондан олинган» дейиш керак эди. Агарда А.Қодирий юз прасант адабий ўғрилиқ йўлига тушканда эди, сал бошқачароқ қилиб тўғридан-тўғри таржима эта берган бўлар эди. Биз буни А.Қодирийда кўрмаймиз.

А.Қодирийнинг мақолаларимдаги бир нуқсонини кўрсаткан жойига қўшиламан: «танқидчи ёзувда тилда бир оз нўноқроқ ёки бепарво ҳаракат қилса керакким, унинг жумлаларидан бир қисми изоҳга муҳтож кўринадилар» дейди. Бу тўғри ва фойдали таъкиддир. (Бундай жойлар бир қанча бордир. Мақолаларимнинг кўби шошилиш билан ҳам ёзилди. Сўнгралари қусурлиқ жойлари ўзимга ҳам сезилди. Ўртоқлар маслаҳати бўйича рисолача қилиб чиқариш фикридаман. Шунда анча тузатсам керак.)

7. Менинг «ишқ, муҳаббат доимий бўлмайди» деган фикримга А.Қодирий қўшилади. Ишқ, муҳаббат илоҳий бўлмай, табиий, моддий бўлади. Илоҳий деб қилинатурган ҳар қандай таъбир ёлгон ва кўзбўёвчиликдур, деб ёзган эдим. А.Қодирий эслаган юқоридаги фикрдан кўра мана бунисини каттарак қилиб қўйган эдим. Нима учундир ёзувчи ўзининг бу тўғрида қўшилиш ва қўшилмаслигини айтмайди. Демак А.Қодирий «илоҳий муҳаббат»га аниқ ишониб, шуни тарғиб қилади. Яъни ғайритабиий кучнинг борлигини исбот қилмоқчи бўлади. «Ишқнинг беш, ўн йилга тортилиши аниқдир». Бунга мен ҳам қўшиламан. Аммо, қай вақтда? Қандай иқтисодий шароитда? – деган сўроқ жавоб кутиб туради.

Отабекнинг муҳаббати бошдан-оёқ бир мақомда борганини кўраман. Унинг руҳига ва туйғуларига ҳеч қандай ижтимоий ўзгаришлар, тўполонлар ва савдо ишлари таъсир қилмайди. Чунки А.Қодирий Отабекга ҳеч бир доғ тегизмай, авайлаб олиб юради. Ҳақиқатда эса ташқи ўзгаришнинг ички, руҳий кечинмаларга бўлатурган таъсирини инкор қилиш хатодир.

8. Мен А.Қодирийни сўзда ва ифодани безатишда уста дедим. Тўғримми? Албатта, ҳозирги ўзбек ёзувчиларимизга нисбатан тўғри. Бу ҳақда «ҳазм ва қолибдан юқорироқ мадҳларда бўлинган» эмасман. Балки «Ўткан кунлар»даги ҳиссий чекинишдан (лирическое отступление) (бу истилоҳ А.Қодирий томонидан учинчи

моддада ишлатилгандир. Асли мана шу жойга тўғри келади) му-
род тасвири хаяжонли чиқариш экани ҳақида эди.

«Баъзи руҳий кечинмалар борки, киши сезади, тушунади. Бироқ шу ҳолни қоғозга туширмакчи бўлинганда сўз топилмай, ифода қилолмай ҳайратда қолинади, ноилож ажзани иқроп қилишга, «қаламим ожиздир» дейишга мажбур бўлинадир».

А.Қодирийнинг бу тажрибаси тўғри. Аммо доимо «ажз қолиш», ҳайратда қолиш билан иш битмайди. Ёзувчи материал устида қанча ўйлаган сари янгидан-янги ифодалар ижод эта боради. Ёзувчиларнинг шу йўсинда кўпайиши адабий тилнинг бойишига хизмат этадир. Шунинг ҳам айтиш керакким, ҳамма вақт ожизликни арз қилиш идеалист рўмонтик ёзувчиларда учрайди. Реалист ёзувчиларда буни жуда кам учратиш, ҳатто уста мастерларда учратмаслик ҳам мумкин.

Суратга (образ) ишонмайтурган ёзувчилар учун (А.Қодирий ҳам шу жумладан) кишиларни кўрсатиш эмас, улар устида хаяжонли, тасвирий ифодалар билан мулоҳазалар юритиш биринчи ўринга қўйилади. «Ҳайрат», «ожиз қолиш», «ноилож»-ликлик ҳаммаси шундан. Яъни дунёни борича тўғри, тўла моддий тушунолмаслик ва сезолмасликдан келиб чиқади.

9. Мен А.Қодирий шаҳар майда буржуазиясининг руҳини адабиётда акс этдиргучи вакили деган натижани чиқарган эдим. Ҳали ҳам шундай фикрдаман. Чунки А.Қодирий яратқан типлар майда буржуазиянинг дунёга қараши ва дунёни туюшидан фарқи йўқ. А.Қодирий бу масалада мен билан розилашқуси келмайди. Шунинг билан бирга кўрсатқан далилларим устида лом-мим ҳам демайди. А.Қодирий гап ташлаш ва пичинглар билан масалани қалтиратиб, бўяброқ қўйган бўлса-да, мен уни очиб ташлашим керак.

Авалло майда буржуазиянинг ўзи тўғрисида майда буржуазия буржуазия ҳокимияти вақтида ўртада қолган кўчма синфни ташкил қилди. Майда ишлаб чиқарувчиларнинг ҳаммаси бунга қўшилади. Унинг жамиятда тутқан ўрни ва иқтисодий кун кўриши оғмачилиқдан иборатдир. Улар кўбрак ўзларининг хусусий мулкчилик манфаатларини ҳимоя қиладирлар. Майда буржуазиянинг иқтисодий турмуши ва кун кўриши уни оғмачилиққа ва бир йўлни ушлаб туrolмасликга мажбур қилади. Унинг талаблари яримта ва чегаралик бўладирлар. Шунинг учун кўпрак келишувчилик ва ҳукуматдан сўратиш билан оворадирлар. Гўё илтимос ва

сўраш билан раҳмдиллик ва ҳақиқат излаб, сўзлари ўтанурғандек ҳис қиладилар. Жамиятдаги ва иқтисодий асослардаги қарама-қаршилиқни онглаёлмайдилар.

«Майда ишлаб чиқарувчилар ўзлари капитализмга қарши кайфиятда бўлганлари ҳолда, буржуазия билан қўшилтурган кўчма синфни ташкил қиладилар. Шунинг учун уларнинг хушига ёқмай турган йирик капитализмни тасодиф эмас, балки ҳозирги замоннинг ўзаро бир-бирига қарама-қарши бўлган жамият кучларининг натижасида чиққан иқтисодий (ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий) сиёсий ва ҳуқуқий тартибнинг муайян самараси эканлигини онглаш кучларидан келмайди». (Ленин)

А.Қодирий ҳам тарихий ҳодисалар устида ўйлаган вақтида жамият кучларининг иқтисодий, ижтимоий табиатини тушунолмаган. Шунинг учун рўмонида синфий кураш ҳеч акс этмайди. Майда буржуазия одатда сиёсий қурилишнинг яхши ёмонлигини айрим одамлардан, ҳукумат кишиларидан кўради. Сиёсатнинг чиндан-да иқтисодий манфаатларга негизланганини тушунмайди. Шунинг учун ўзи курашда алданиб, баъзан кураш бўлиб юради. Майда буржуазия катта буржуазияга ва феодализм қурилишига норози ва қарши бўлиб, прўлетариатка ёрдам бериб курашади. Бироқ майда буржуазия билан прўлетариат кураши орасида катта фарқ бор. Майда буржуазия ўзига тинч катак, доирани олиш, хусусий мулкни сақлаш асосида эркинрак қуришни истади. Прўлетариат эса хусусий мулк емирмай чин кишилик озодлиги бўлиши мумкин эмас, деб синфий кураш йўлида қаттиқ олишиб, ҳар қандай эксплуатация ва хусусий мулкчиликка қарши курашади. Майда буржуазия эса буржуазия инқилобидан кейин синфий курашни кўрмай, умумий хусусий мулкчилик асосида тинчликни кўзлаб ҳукумат қурилишига турли мунофиқона ислохотлар ва режалар кўриб юради. У бу қилиғини прўлетариат инқилобидан кейин ҳам қилади. Баъзан майда буржуазия ҳукуматдан ўзига ўрин ҳуқуқи олиш учун феодализмни емиришда ҳукуматка ва катта капитализмдан сиқик егач, прўлетариатка (инқилобий синфга) ҳам ёрдам беради. Қачонки прўлетариат мустаҳкам инқилобий йўлни тутиб, сотсиализм томон илгари йўналган вақтда, эксплуататор майда бойлар тарихни ушлаб қолиш учун аксилинқилобий қора гуруҳлар билан иттифоқ тузишқа ҳам тайёр турадилар.

А.Қодирий майда буржуазиянинг юқоридаги сифатларига эга бир вакилдир. Биз буни унинг таржимаи ҳолидан олибги-

на эмас, балки фикридан, дунёга қарашидан, ўз мажужлигини баҳона қилиб, прўлетариатнинг сотсиализм учун кураши вақтида баримта фикрлар билан қаттиқ чиқишидан ва синфий курашни инкор қилишидан олиб айтамыз. Майда буржуазия руҳидаги ёзувчилар (жумладан, А.Қодирий) бориб-бориб ким билан, яъни қайси синф билан кета биладирлар. Бу тўғрида ўртоқ Лениннинг фикрларига мурожаат қиламыз:

«Майда буржуазия шундай иқтисодий аҳволда ва унинг турмуш шароитлари шундайдирким, у алданмай қолмайди. Ноилож, гоҳо буржуазияга, гоҳо прўлетариатка томон мойиллашади. Унда мустақил иқтисодий «чизик»нинг бўлиши мумкин эмас.

Аввали уни буржуазия томониға, истиқболи эса прўлетариат тарафига тортади. Ақл ва фаҳми прўлетариатка томон тортилса-да, унинг эски фикри ва иқтисоди буржуазиядадир». (1917-нчи йил, 14-жилд, 2-қисм, 21-бет).

Прўлетариат сотсиализм қурилишида охирғи йўлбошчи синфдир. Майда буржуазия эса хусусий майда ишларини йўқотиб сотсиализмға мутлақо бўйинсунажақ. Прўлетариатнинг ва меҳнаткаш деҳқонларнинг иқтисодий манфаати сотсиализм билан қарши келмаганидан улар бирликда испекулянт, эксплуататор майда бойларни сиқиб чиқариш йўли билан сотсиализм қурадилар. Прўлетариат диктатураси вақтида ижтимоий ва синфий табақаланиш, капиализм диктатураси вақтидагидан кўра бошқаланади. Капитализм ҳокимияти вақтида умуман майда буржуазия дейилган кўчма синф прўлетариат диктатураси вақтида меҳнатсиз хусусий сармоячилар ва меҳнаткаш хусусий мулкчилар деган хўжалиққа ажраладилар. Бунда меҳнаткаш прўлетариат билан бирга бўлади. Аммо меҳнатсиз майда шаҳар ва кишлоқ бойлари ўзларининг қаттиқ қаршилиқларида давом қиладирлар. Шунинг учун кўчиш даврида синфий кураш сусаймасдан, балки кучаяди. Ёзувчи ва ижодчиларни шундай шароитдан ажратиб қараш ярамайди.

А.Қодирий ўктабрдан сўнг шўро ҳукумати томонидароқ бўлиб, «Муштум» ва бошқа ўринларда доимо руҳонийлар ва эшонларни масхара қилиб келди. Умуман, феодализм сарқитлари ва унинг тарафдорлари билан қалами орқали курашди. Ўзи ҳам буни махсус «тарихий» бир нутқида ва музокара вақтида айтади ва тўғри гапиради.

Тўғри, фирқамиз (прўлетариат) ўша вақтда, яъни ер ислохотиғача ва бундан сўнгра ҳам феодализм қолдиқдариға қарши қаттиқ кураш олиб борди. Ҳозир ҳам курашда давом этаётир. Чунки буржуазия инқилоби тамом қилолмай прўлетариат инқилобиға ташлаб кеткан иш феодализмни бутунлай емириш эдиким, прўлетариатнинг бу вазифани адо этмай туриб сотсиализм қурилиши мумкин эмас эди. Бу ерда шуни ҳам айтиш керакким, феодализм қолдиқларини, яъни қуллик ва руҳонийликни емириш прўлетариатнинг мақсади эмас. Фақат бошланғич вазифаси эди.

А.Қодирий прўлетариатка вазифасини ўташка нима учун ёрдам берди? Нима учун эшон, домла ва руҳонийларни сўқди?

Юқорида айтканимиздай, майда бойларда демократликка интилиш бор. Бунга нималар тўсқинлик қилади? Албатта, феодализмнинг урф-одатлари. А.Қодирий прўлетариат қачонким ер ислохотини кескин қўйиб, синфий кураш йўлини илгари суриб, киши кучидан ҳар турли фойдаланишға, майда хусусий сармоядорлик хўжалиқлариға хусусий мулкчиликка қарши юриш қилғандан бошлаб ўзининг ҳажвчилик қаламини руҳоний ва эшонлардан олиб, прўлетариат ҳаракатини, фирқанинг йўлини танқид қилиш ва ундан кулишка томон тўғрилади ва майда буржуазиянинг программаларини майдонға қўюш билан тарихнинг қонуний тараққиётини тўхтатиб қолишни истади. (Бунға «Муштум»да босилган «Йиғинди гаплар» мисол бўлади.) Бу албатта, табиий эди. Чунки майда буржуазия инқилобчилиғи прўлетариат қўйган мақсадларни ўз олдига қўя олмайди. Шунинг учун прўлетариатнинг ўз курашида майда буржуазиянинг қандоқ томонни кўра олиш билан бирга унинг қайсарлик ва душманлик томонини ҳам олдиндан билиб, унға қарши ўз вақтида курашка ўзини ўнглаб туриши керак. Бу ҳақда Ленин қуйидағиларни кўрсатади:

«Ишчилар синфи майда буржуазия ҳам унинг программаларига қандай муносабатда бўлиши керак? Майда буржуазия синфининг иккиланиш характерини эътиборга олмасдан туриб, бу саволға жавоб бериб бўлмайди. (Майда буржуазия билан катта буржуазия орасидағи қарама-қаршилиқнинг бизда у қадар бўлмаганиға кўра, Русияда майда буржуазиядаги иккиланиш айниқса кучлидир). У тараққийпарвар бўлади, чунки у умумий халқчиллик талабларини қўяди, яъни ҳар қандай ўрта аср (крепостничество) даврининг қолдиқлариға қарши курашади.

Аммо шунинг билан баробар у иккинчи ёқдан қора гуруҳ (реаксионний). Чунки у ўзининг майда буржуазия аҳволини сақлаш учун курашиб мамлакатнинг умумий тараққиётини тўхтатиб орқага – буржуазия йўлига буриб юбориш ҳаракатини қилади. Майда буржуазия ўзининг аксилинқилобий қарашларини химоя қилиш учун деҳқонлар ўртасидан васийлик қилмоқчи бўлади. Ҳақиқатда эса уларнинг ўз озодлиқлари учун бўлган курашларининг энг катта говидир».

Бу тўғрида Ленин сўзлаб келиб айтади:

«Мана шу майда буржуазия программасининг ҳар икки томонини қатъий ажратиш, билиш керак. Уларнинг реаксионий назарияларининг қандайин бўлмасин ижтимоий характерини инкор қилув ва уларнинг реаксионий томони билан курашув билан баробар, халқчиллик томонларини ҳам унитув ярмайди. (1894-нчи йил, 1-жилд, 217-саҳифа).

Ленин буни 1894-нчи йилда айткан бўлса-да, бизнинг инқилобдан сўнгги шароитимизга бемалол тўғри келади. Шунинг билан бирга А.Қодирийнинг руҳонийларга, умуман ўрта аср куллик қолдиқлариға қарши «сўлликни» ва ишчи деҳқонлар, меҳнаткаш халқимиз, «оммамиз» деган сўзларининг моҳиятини очик тушунтиради.

А.Қодирий дунёға буржуаларча илоҳий қарашларини ўша замон ижтимоий муҳит таъсири билан ўзини мураккаб-лаштирган ва турк, тотор, ўзбек миллий буржуазиясининг матбуоти ва адабиётини ўқиб тарбия топқан бир ёзувчидир. Шунинг учун унинг ўша таъсирдан бир-икки «сўл» гаплар билан осонгина қутилиши мумкин эмас. Буржуазия синфи курашни инкор қилатурған, ўзини «сўл» олиб буржуазия манфаатини химоя этатурған зиёлилар, сиёсатчилар ва ёзувчиларға эга бўлиш учун кўб куч сарф қилади ҳам шундай кишиларни етказди. Улар албатта буни эзилганларни ва меҳнаткашларни алдаш учун қиладилар. Бу ҳақда ўртоқ Ленин айтади:

«Буржуазия жамияти ўзларини синфдан холис ҳисоблашни яхши кўратурған сиёсатчиларни, сотсиализм деб ном кўтаришни яхши кўрувчи оппўртунистларни ҳам доим боқадирларким, улар оммани энг гўзал ва энг «сўл» сўзлар билан қасддан ва тадрижий суратда алдаб турадилар. (13-жилд, 216-саҳифа)

А.Қодирий ўз таржимаи ҳолини ва кечмишларини сўзлаган вақтида: «Ишчи-деҳқонлар ёзган асарларимни севиниб ўқуй-

дилар, мени ёзгучилар қаторига киргиздилар ва ҳамон ўқурлар ва унутмаслар» деган эди. Нима учун? Чунки А.Қодирий бошлаб эски аср қуллик урф-одатларидан кулиб ёзганда саводли меҳнаткаш халқ ўқуди. Чунки А.Қодирий ўша вақтда ўрта аср феодализм қуллик қолдиқлариға қарши халқчиллик фикрларини майдонға отқан, қалам кучи билан ўрта аср руҳоний вакилларини сўккан эди. Шунинг билан бирга киши кучидан фойдаланиш ва хусусий мулкка қарши эмас, ҳатто уни сақлаш тарафдори эканини кўрсатиб келди. Буни «Ўткан кунлар» рўмони билан очик қўйди. Шунинг учун прўлетариатни сотсиализм учун курашдан четлаштиришни кўзда тутиб ёзган рўмонини меҳнаткаш халқ ҳазм қилмади.

А.Қодирийнинг ўзи «Нима учун?» сўроғига қарши «мен уларнинг ўз ичларидан чиққан, уларнинг дард ва тилақларини яқиндан билгучи, бунинг устига улуг ўктабр инқилобидан сўнг унинг шароитида ва тарбиясида етишкан бир ходимлари эдим» деса ҳам тўғри эмас. Чунки А.Қодирий сотсиализм учун курашиб, синфий кураш билан ўсиб турған ишчи-деҳқонлар ҳаётидан бадий асарлар яратишға унаши керак эди. Аксинча, у узоқларға бориб ҳозирғи замон учун туманли рамзлар излади. Ҳатто рўмонларида деҳқонларни ҳаётиға доир тузукрак ҳеч бир нарса ёзолмади. Бунинг сабаби шулки, А.Қодирий у табақадан кўра шаҳар мешчанлари ва хусусий кустарлари билан бирга эди. Очик ва кескин айтқанда, синфий курашни инкор эта турған қандай киши бўлмасин, эзилган ва янчилганларнинг ҳамроҳи ва ходими бўла билмайди.

А.Қодирий сўзининг охирида: «Мен Шарқ озодлиғини ва унинг мазлум прўлетариатининг саодати фақат ленинизм орқасида вужудга чиқишиға ишонған бир кишиман. Меним ҳақимда ким нима деса десин, лекин мен Маркс ва Лениннинг адолатли (С.Х.) ҳароратли шогирдиман. Чунки мен Лениндан дам¹ олиб, Марксдан илҳомландим», дейди.

Шу сўзлар эгасининг ёзган катта, муҳим асарларини таҳлил қилган вақтимизда Маркс ва Ленин таълимотлариға яқин келатурған нарсани бутунлай кўрмаймиз. Аксинча инқилобий доҳийларнинг назарияларидаги инқилобий ўткурлик ва синфий кескинликни ўтмаслатиб ва сийқалатиб, майда буржуазия хизматиға олиб келган, холос.

¹ Қодирий ёзган ўз таржимаи ҳолида «дам» сўзи «руҳ» дейилган.

Маркс ўзининг коммунистлар манифестида «Бир буржуазия оиласининг тикка бўлиши учун бир неча ўнлаб эзилган хотинлар бузулиб кетадилар» дегандир. «Ўткан кунлар» устида фикр юритган вақтимизда Отабеклар оиласининг лаззати бобларида юзлаб камбағал деҳқонлар оиласининг вайрон бўлганини «Ўткан кунлар»да учратмадиқ. «Лениндан дам олиб, Марксдан илҳом олиб» ёзилган бу рўмонда биз бунинг бутунлай орсизларча бўлганини кўрамыз.

Демак, А.Қодирий ленинизм ва марксизмни ўзига дунёни таниш ва тушунтиришда нуқтаи назар қилиб олган эмас. Ленинизм ва марксизм майда буржуазия инқилобининг назарияси эмас. Прўлетариат инқилоби ва прўлетариат ҳокимиятининг назарияси ва тактикасидир. Бу тарихда Марксизм душманларининг Маркс исми билан савдогарчилик қилганларини, буржуа ва майда буржуа хизматиға ишлатишқа ҳаракат этканларини кўрганмиз. Бу тўғрида ўртоқ Ленин ўз вақтида ёзган ва тушунтиргандир.

Буржуазия ҳокимияти Маркс тириклик чоғида сиқиб, қийнаб, унинг таълимотларига йиртқичларча ҳужум қилди. Буржуазия эзилган синфларнинг озодлиғи йўлида курашкан олимларни тириклик вақтларида ҳеч бир тинч қўймади. Ўтмиш тарих бизга яна иккинчи ҳолни сўзлайди. «Улар (инқилобий олимлар – С.Ҳ.) ўлгандан кейин эзилган синфларни юпатиш учун уларни зарарсиз бутка айлантириш ёки ақидалашдиришға уринишлари бўлади. Таълимотларнинг мавҳумини ахта қилиш, инқилобий ўткурликни ўтмаслатиш, кўб такрорланган нарсага айландириш йўли билан уларнинг исмларига маълум бир шуҳрат нишони берадилар». (Ленин).

Айни замонда бутун ишчи-деҳқонлар Ленин ва Маркс ўзларининг доҳийлари ва йўлбошчилари эканини, фақат шу йўлбошчиларининг кўрсаткан йўлидан борғандагина чинакам озодлиққа ўз кучлари билан эриша олишларини биладилар. Марксизмға қарши бўлган кишилар ҳам шу сабабдан шу омма орасида ўз таъсирларини киритиш учун марксизм ва ленинизмни қурол қиладилар. Бундай кишиларга аслида марксизм керак бўлмаса-да, унинг инқилобий ўткурлиги билан қўлланиб иш кўрсатурган эзилган меҳнаткаш синфини алдаш, гуруллаб ўсиб турган қурилишимиз атрофидан уларнинг тўпланишларини йўқотиш учун керақдир. Султон Алиевнинг «марксистлиги»нинг ҳам асоси шунда. «Тарихда доим бўладирким, эзилган синфлар ўртасида шуҳрат таратган инқилобий йўлбошчилар-

нинг исмларини, улар ўлгандан кейин мазкурларнинг душманлари, эзилган синфларни алдаш учун ўзлариға ўзлаштиришға уринадирлар». (Ленин. 13-жилд, 480-саҳифа).

А.Қодирий Ленин ва Маркс номларини мана шу мақомда истеъфода қилмоқчи бўлади. Аммо у Султон Алиев каби прўграммани очик қўймайди. Агарда унинг назарияларида маҳкам қолатурган бўлса, Султон Алиевни қувиб етиши шубҳасиз қийин эмас.

Шубҳасиз, биз А.Қодирийнинг яхши томонларини айтиш ва ҳатто махташ билан бир қаторда зиёнли томонларини ҳам очиб солишимиз мутлақо зарурдир. Умуман, биздан узоқ ёки яқин попудчик ёзувчиларнинг асарлари устида танқидий фикр юритар эканмиз, уларнинг дунёға қарашларини ҳам танқид остиға олишимиз керак. Ленин ва Маркс исмларини қуруқ дастмоя қилишға ҳеч қачон йўл бермаймиз.

А.Қодирий ўзининг зиёнли қарашлари устида фикр юритиб, Лениндан «дам» ва Марксдан «илҳом» олар экан, уларни (Ленин, Марксларни) инқилобий назария бериб, дунёни тушунтиргучиларгина эмас, балки дунёни бузиб, янгидан тузишни синфий кураш орқали қилиш кераклигини ва кишилиқ тарихи синфий кураш тарихидан иборат эканлиги тўғрисидаги таълимотларини ўзлаштириб олишни ва шундай деб тушуниши лозим. Бусиз Маркс ва Ленин тўғрисида гапириш меҳнаткашларга ҳийла, найранг ишлатишдир. Бунға, албатта, йўл берилмаяжак. Ўртоқ Ленин «ҳақиқатнинг кўзига» мана шундай тўғри қарашға ўргатади. Бундан бошқа ва синфий курашдан ташқари ҳақиқат тўғрисида оғиз кўпиртириб гапириш, шоирона тасвир тўқиш кўз бўяш ва алдамчиликдир.

А.Қодирий, сиз, ҳозирғи биздан ўртоқ попудчиклар орасида ёзувда ва техникада уста мастерлиқ билан танилган ёзувчисиз. Биз сиз каби моҳир ва қобилиятли кишини ўзимиздан итариб юбориш учун жўрттага қаттиқ танқид қилмаймиз. Балки таъсир қилиш, таъсир қилганда ҳам асосли ва илмий таъсир қилиш, жамиятнинг тараққиёт қонунини материалистларча ўрганишга интилгудек бўлсангиз, кўмаклашиш учун танқид қиламиз. Фақат эски майда буржуазия ва маънавиятчилик қарашларидан қутилишингиз керак.¹

¹ Сотти Хусайннинг ушбу мақолалари «Шарқ ҳақиқати» газетасининг 1929 йил – 120, 122, 123, 125, 130, 132, 137, 138, 145, 153, 154, 169, 199, 201, 206-сонларида, 1930 йилнинг 9, 14, 17-январ кунларида чоп қилинган. Бу мақолалар жамланиб, 1931 йилда Боку шаҳрида «Ўткан кунлар» сарлавҳаси билан китоб қилинган.

8. МЕҲРОБДАН ЧАЁН

*(Мавзуғи, синфий туси ва тузилиши
жиҳатидан текширилмишидир)*

1. Рўмончиликда таржима

Асрий адабиётга янгидан кира бошлаган халқлар адабиётининг рўмон қисмини таржима билан очқанлар. Яъни қаю бир халқнинг адабиётида яхши рўмон бўлса, уни таржима билан халқни ва ёзувчиларни у йўлга ўргата борганлар. Сўнгра-сўнгра бундай рўмонларнинг тақлидини ўз ҳаётлариға уйдириб чиқараборганлар.

Ўзбеклар билан ҳаёт шериги ва маданият ўртоғи бўлган рус адабиётида бу кайфият ўн еттинчи асрнинг ярмидан бошлаб ўн тўққизинчи асрнинг аввалларигача – Пушкиннинг «Руслан ва Людмила» номли асари чиққан /1821/ға қадар давом эткан. Бу замонгача рус адабиёти Оврўпо адабиётини таржима ва тақлидлар билан бу кунги оламшумул вазиятиға ҳозирлик кўрган.

2. Ўзбек адабиётида рўмон!

Ўзбек янги адабиётининг ҳали бўртмачоқ ҳолда бўлганини айтишға ҳам ҳожат йўқ. Айниқса, рўмончиликда ҳеч бир турли ҳозирлиғи ва тажрибаси йўқдур. Ўзбек адабиётининг рўмон жиҳатида таржимачилик ҳам сўнг замонгача бошланмаган эди. Ярим асрдан ошиқ русларнинг руҳли ва асосли адабиётлари билан ёнма-ён яшаганимиз ҳолда у адабиётдан ўзбек тилиға ҳеч рўмон ўтмаган. У чексиз файз, ирфон денгизидир, баҳра олмоқ учун йўл очилмаган. Сўнг замонгача ўзбек адабиётида рўмон номиға «Баҳордониш¹,» «Юсуф-Зулайҳо» ва бошқалар каби ишқ, дин, қаҳрамонлик, вафокорликларниғина ғоя қилган хаёлий эски асарлардан бошқа бир нарса йўқ эди. Унинг каби

¹ Баҳордониш – «Калила ва Димна» асарининг форсча таржимасидаги номи.

асарлар ўз даврларига кўра бирар рўмон бўлсаларда, ҳозирги замоннинг эҳтиёжига зарарлик қобилиятлари ҳеч йўқ бўлиши билан баробар зарарлик ҳам эдилар.

Демак, ўзбек янги адабиёти табиъатини тасвир қилувчи асрий рўмончиликда ҳеч ҳозирлик ва ҳеч тажриба ўткармаган эди. Ўзбек адабий вазияти бу даражада бўлган замонда Жулқунбойнинг «оригинал» бўлган «Ўткан кунлар» рўмони чиқмишди. Орадан беш-олти йил ўткандан кейин «Меҳробдан чаён» рўмонида тарқалди.

«Меҳробдан чаён» ёлғуз Жулқунбойнинг иккинчи асари эмас, балки ўзбек янги адабиёти учун ҳам иккинчи рўмон эди. Ҳамза Ҳакимзоданинг «Миллий рўмон» номли кичик бир асари бўлса-да, унга бу кунги рўмончилик шароитида рўмон демак тўғри бўлмасди. Янги рўмон ва ҳикояларга муштоқ, чанқоғ бўлган давримизда «Ўткан кунлар»и билан танилган Жулқунбойнинг «Меҳробдан чаён»и жуда ҳам шошилиб кутилар эди ва жуда аҳамият билан қаршиланганида кўрилди. Бу ҳол бир даража табиий ҳам эди. Чунки биринчи асарида анча муваффақият кўрсаткан Жулқунбойдан бир неча йил сўнгра чиқадиған асарнинг яна ҳам комил ва гўзал бўлиши керак эди. Локин «Меҳробдан чаён» у истаклар-орзуларга жавоб бера олмади. Унинг «Ўткан кунлар»га нисбатан ҳам анча кучсиз ҳолда чиққанини бошда-ноқ айта оламиз.

3. Рўмоннинг хулосаси.

Асарни нуқта-нуқта танқид қилишдан бурун унинг бир хулосасини тақдим билан ўқувчиларнинг диққатларини яна бир дафъа рўмон устига тортамыз. «Меҳробдан чаён»нинг энг катта ва ёқимли қаҳрамони Анвардур. Ҳамма воқия унинг атрофида айланади.

Анвар камбағал бир оиланинг ташланди ва кенжа боласи. Кичик бола экан ота ва онасидан етим қолади. Опасининг қарамоғида ўн бир ёшга етканда поччасининг оғирсиниши сабабидан Солиҳ маҳдум уйига боқинди ва сиғинди бўлиб киради.

Солиҳ маҳдум каби риёчи, виждонсиз, хоин, хасис, аҳмоқ, лақма бир киши қўлида ва тарбиясида Анвар ахлоқли, виждонли, шоир, ёзувчи, мафкурачи, сахий, яъни жуда ҳам комил бир киши бўлиб етиша боради/??/

Ахлоқи ва яхши маълумотли бўлиши соясида Худоёрхоннинг бош мирзоси Ражаббек мирзога ёқади. Ражаббек воситаси билан ўрда мирзоларидан бўлиб олади.

Вазифасида содиқлиғи ва холислиғи хонга ҳам ёқади. Ражаббекдан сўнгра бош мирзолиқ Анварга берилади.

Анвар бош мирзоликни жуда истиғно ва кўнгилсизлик билан дўстлари ва Солиҳ маҳдумнинг ялиниш ва зўрлашлари билан қабул қилган бўлади. Анвар бу мансабга «... Шунинг учун булганч бир муҳитда шундай талашлик вазифани ўз устимга олишдан ҳазар қиламан» деб, бир ифлос закотчи олдида сўзлайдиган даражада жасур бўлади (?).

Мирзобоши бўлгандан сўнгра-да эски содда одатини бузмайди, ғурур ва такаллуф асари кўрсатмайди. Ўрда одатича ҳаракат қилмагани сабабли ўрда мирзолари қошларида унча менсинмагани каби Султонали мирзо каби холис дўсти томонидан ҳам танқидга учрайди.

Анвар бош мирзо бўлганда ҳам қоронғу қолган бир сабаб (Раънога бўлган ишқ ёки яхшилиққа қилган вафо?) билан Солиҳ маҳдумнинг таъсири остида туради. Солиҳ маҳдумнинг ифлослиғи ва аҳмоқлиғи ўзига маълум бўлгани ҳолда, унинг далолати билан Абдурахмон домла каби ўз душмани бўлган бир кишини била туриб мирзолиққа олади. Сўнгра уни бекор қилиб адоватини қувватлантиради.

Ёшлиқдан бошлаб ўзи билан баробар ўскан Солиҳ маҳдумнинг қизи Раъно билан қаршима-қарши кўнгил боғлашадилар. Бу Раъно ҳам Анвар каби шоир, ахлоқли, маълумотли, заки, жасур бир дилрабо. (Тўғриси, Солиҳ маҳдум каби ифлос бир типнинг тарбиясидан иккинчи дафъа бу дилрабонинг етишиши бир муаммо?) Оила орасида Анвар билан Раъно фотиҳалик саналадилар. Анвар ва Раъно балоғатга етишкан бўлсаларда оила ичида баробар кўришиб, ўйнашиб, ёлғуз ерларда баробар қолиб юраберадилар (?). Муҳитдаги одат ва қаттиқ таассуб хилофида бўлган бу ҳаракат ҳеч бир томондан танқид ва қаршулуққа учрамасдан давом этади. Қиз билан йигитнинг бирлашишларига оилада ҳеч қаршулик йўқ, балки бирлашишлари исталинади. Локин ошиқ ва маъшук тўй-никоҳ масаласини бир фожиъани куткан каби ҳеч сабабсиз ва иттифоқ билан таъхирга¹ туширадилар. Бу таъхир натижасида Анварнинг ошиқ рақиби ва мансаб душмани бўлган Абдурахмон домла ва бошқа душманлари бирлашиб қиз-

¹ Таъхир – кейинга суриш.

ни хонға олдириш учун фитна очадилар. Бу фитнанинг шакли қоронғу қолмиш бўлса-да қизнинг хон тарафидан сўралиши ва Солиҳ махдумнинг бу ҳолда фахр билан рози бўлиши кўрилади. Қизни хонға узатув замонида ошиқ ва маъшук баробар давлат ва мансаблардан кечиб, биргалашиб қочадилар.

Бу қочиш билан ўрдадан Анварнинг алоқаси узилмайди. Тадбир билан Султонали мирзони ўз ерига мирзобоши қилиб кетади. Лекин Анварнинг душманлари Абдурахмон, Шаҳодат, Калоншоҳ мирзо Султоналига ҳам қарши ишлайдилар. Бу ишларнинг туси қоронғу қолмиш бўлса-да, натижада Султонали мирзонинг Анварга баримта бўлиб қамалғани ва охир Анвар ерида ўлумга ҳукм қилинғани кўринади.

Бу можарони Анвар сақланган ерида эшитиб, тоқат қилолмайди. Ўзи учун бир дўстининг қурбон бўлишини истамайди. Ортиқ ишқини, ёрини ва ўзини «вафокорлик» йўлида фидо қилади, ўзи таслим бўлиб дўстини қутқармоқни мақсад қилиб олади. Ёнида бўлган ёрини алдаган сумол бир ҳолда бошқа томонга юбориб ўзи хонға таслим бўлади. Худоёрхон уни ўз олдига чақириб сўроқ қилади. Анвар хоннинг саволига бошданок маъюсона жавоблар бера бошлайди. Ўлумга чиқарилиб турган замонда «Сизда адолат борми, жаноб!» сўзи билан Худоёрдан адолат тилаб, Султонали мирзонинг ўз кўзи олдида озод қилинувини сўрайди ва тиралиб туриб олади. Бу сўздан Худоёр инсофқа келади. Жаллодларни тўхтатиб, Султонали мирзони келтиришқа буюради. Султонали келтирилгунча Анвар хон олдида тўхтаб қолади. Султоналининг озодлиғини кўргандан сўнгра Анвар ўз қўлини боғлатади. Бу замон хоннинг олдидаги домлардан бири туриб хондан афву сўрайди. Хон қабул қилмайди. Анвар хонға ва мусоҳибларига таъзим қилгандан сўнгра жаллодлар билан чиқади.

Бозорда халқ орасида жаллоднинг пичоғи Анварнинг бўғозига борган чоқда Анвар ўз акаси Қобил томонидан хужум билан қутқарилади. Бир неча кун сўнгра Худоёрхон тупроғидан ошиқ ва маъшук баробар чиқадилар.

4. Шартлар

Асрий рўмончиликда эски «рўмонтиқ» (хаёлий рўмончилик) даврининг асослари биткандур. У даврнинг «идеализм»и ерига

«реализм ва натурализм» асослари қурилғандир. Яъни белгили бир ғоя ва мақсад билан ҳаётдаги воқиъаларнинг бўлганлари каби тасвир этмак асоси қабул қилинғандур. Бу кун асрий рўмонлар учун қуйидагича асосий шартларни кўзда тутмоқ албатта керак саналади:

– рўмондаги воқиъаларнинг чин ва ҳақиқатга ўхшашлари. Воқиъаларнинг тусларида сунъийлик ва ғайритабиийликнинг сезилмаслиги;

– рўмондаги шахсларнинг ўрнак ва ишларнинг яшаб турган турмушда учрашлари, яъни типларнинг характерларининг зеҳнларга ётиқ бўлишлари;

– руҳий таҳлил ва табиий тасвирларда андоза-ўрталиқ (эътидол) бўлиши, яъни қоронғу бир таҳлил қандай тўғри бўлмаса муболағалиқ тасвир ва таҳлиллар ҳам шундай тўғри бўлмайди;

– рўмоннинг мавзуи билан яқин аълоқаси бўлмаган ва ёки бўлса-да рўмонни бўш ерга узайтирадиган тасвир ва таҳлиллардан сақланмоқ;

– воқиъаларнинг бошдан-оёққа тўғри, тобора куч олаборган таъсир билан сакта ва аризасиз бориши, воқиъаларнинг бир-бирларига боғланиб боришлари;

– воқиъаларнинг ораларида ёзувчининг ҳеч кўринмаслиги, яъни ёзувчининг ўз тилидан изоҳ, ишорат ва танбеҳлар кўрсатмаслиги;

– рўмоннинг умум руҳидан бирар ибрат ва дарснинг очик сезилиши.

Мавзуъ баҳсимиз бўлган ва хулосамиз тақдим қилинган «Меҳробда чаён» у шартларга мувофиқ тусда ёзилган комил бир асарми? Ёки камчиликлари борми? Бу саволларга сўнгги сўзларимиз жавоб ўрнида тизилиб борадилар.

Тузук жиҳатлари

«Меҳробдан чаён» тус ва тузилиши жиҳатидан «янги» рўмон сифатига эга бўла олади. Унинг баъзи мувофиқ ва оригинал жиҳатлари бор. Мавзуи халқнинг зеҳнидан узоқ эмас. Бу ҳол рўмоннинг онглашимлик бўлишига ёрдам эткан. Тили сучук, тотли ва жумла тузишлари енгилдир. «Сафо келдингиз, бош устига, алайҳига» каби ўзбекча бўлмаган таъбирлари бўлиш билан баробар омма тилига анча яқинлашқан бир услуб билан ёзилган.

«Хой этди, хуй этди, икки коски тўй этди» каби омма, халқ мақсадларини ўрунлиқ ерларда ёпиштириб кетиши тақдирга лойиқ жиҳатларидир. Рўмоннинг қаҳрамонларидан Солиҳ маҳдум, Оғача ойим, аскиялар, қирқ қизлар каби типларни яхши кўрсаткан. Уларнинг типларини табиий демак мумкин.

Камчиликлари

«Меҳробдан чаён» унинг каби баъзи яхши кайфиятларга эга бўлмоқ билан баробар унга бош-оёқ тўкис, тўрт кўзи тугал бир рўмон дейиш албатта шошилиброқ берилган юзаки бир ҳукм бўлиб қолади. Чунки бу асарга рўмончилик шартлари ва усули ва адабиёт қоидалари билан қараганда, анча катта камчиликларни кўрмак мумкин. Зотан, рўманчиликда таржима ва тажриба даври ўткармаган бир муҳитда бирдан бирга комил бир рўмоннинг чиқуви мушкул бир ишдур.

Бунинг каби намуналик асарларнинг устиларидан бетарафона ва холис тусда усул ва қоида ойнаклари билан қараб танқидларнинг юрушлари рўмончилик навъининг камол ва тараққийси учун ёрдам қила борадилар. Ва ҳозирда ягона рўмончи бўлиб танилган, истеъдодли ёзувчини огоҳ қилиш керак бўлади. Бунинг билан асарнинг иккинчи таъби ва ёки ёзадиған бошқа асарида ҳозирда кўрилган камчиликларнинг йўқола бориши мумкин. Бизда бу андиша билан «Меҳробдан чаён»да камчилик деб ўйлаган нуқталаримизни кўрсатиб ўтмакчи бўламиз.

5. Мафкура жиҳати

Ҳозирги кунда ҳар бир асар, хусусан, адабий ва ижтимоий асарларда мафкура жиҳати жуда ҳам зийраклик билан текширилади. Бунинг билан маданиятда орқада қолган ва фикри йўлда ўсиб етмаган бир халққа фикрий ташвиш ва бузуқлик берадиган ҳолларга йўл қўймаслик учун саъй қилинади. Бу яхши, асосли ва идеалний бир тадбир. Локин янги мафкура ва янги йўлнинг руҳ ва моҳиятини онглаб ва уни ҳазм қилиб ва унга комил тусда риоя қила бориш учун илмий ва адабий кучлар кифоя қилмай турадилар. Бу йўлда кучланиб ва кучаниб, тақлид билан қилинган ишлар кўпинча муваффақиятли чиқмаганларини кўрамиз.

Бу кайфиятни «Меҳробдан чаён» асарида ҳам кўрамиз. Асар эгаси рўмонини янги мафкурага хизмат қилдирмоқчи ва унга

риоя билан ёзмоқчи бўлган. У ўз муқаддимасида «... Иккинчи тарафда мазкур қора кучларга қарши «тубан» синф камбағаллар, уларнинг хонлиқ тузилишига, қора куч уламо алайҳига чиқиши. Меҳнаткаш камбағалларнинг ахлоқи, сажияси, оила-си, турмуши, бир-бирига алоқаси ва самимияти...» каби сўзларни ёзади. Бундан рўмонга синфий бир ранг бермакчи бўлгани кўрилади. Локин бу хоҳиш ва истак куруқ даъво ҳолида қолган, амалда ўзини кўрсата олмаган. Ёзувчининг ўзи-да бу ҳолни сезган: «Уларнинг хон ва уламога қарши исёни табиий шаръийдур. Чунки шундан ортиги сохта бўлиши устига китобнинг қадрини ҳам тушурад эди» дейди. Бу сўз билан ўтмишдаги синфий курашнинг шу даража ва шу зехниятдан ошиқча бир кайфиятка эга бўлолмаганини сўзлаб, ўзини маъзур кўрсатмакчи бўлади.

Демак, Жулқунбой асарининг синфий тусда бўлгани ва унга ўзбек тарихининг ҳазми кўтарган даражада синфий тусни бера олгани даъвосидадур. Ҳақиқатда бўлса, асарда синфий тус ҳеч кўринмайди. Ҳатто ўзбек тарихида ва турмушида мавжуд бўлган қадар тасвир қилишга ҳам муваффақият кўрсата олмайди. Мени асарнинг мафкура жиҳатидан баҳс этувга боғлағанда, бу сўнгги нуқта бўлди.

Бу сўзларимизни куруқ даъво ҳолида қолдирмаслик учун «Меҳробдан чаён»нинг ўзига мурожаат қиламиз:

1) Асарнинг марғуб қахрамонларидан Сафар бўзчи бор. Бу камбағал типидур. Сафар бўзчи Анварни ёқлаб Абдурахмон имом ва Самад бўқоқ каби ифлос типлар билан муноқашаларда¹ бўлганини кўрамыз. Локин у муноқашаларга камбағаллик ва руҳонийлик кураш рангини бериш мумкин эмас. Чунки Сафар бўзчининг ҳамма ҳаракати икки қари бўзнинг Анвар томонидан пора – ришват учун олинмагани атрофида туғилиб туради: «Икки бўзни олмагани рост» деб Самад бўқоқ билан ижикилашади, имом билан кекирдак керишади. Агар орадаги курашнинг бош сабаби ва иллоти бу бўлса, Сафар бўзчи бошқа бир ифлос кишидан ҳам шундай бир яхшилик ва эҳсонни кўрса унга ҳам тарафдор бўлиши мумкин. Инсоннинг зехни Сафар бўзчининг кайфиятидан курашнинг камбағаллик ҳисси билан боришни ҳеч бир турлик чиқариб ололмайди. Сафар бўзчининг оғзидан бир-икки ерда Анвар тўғрисида «фуқаропарвар» сифати айтилган бўлса-да, биринчидан бу сўз ўринсизрак ерда,

¹ Муноқаша – низо, жанжал.

аҳамиятсиз тусдагина айтилган. Асл муноқашанинг кўпинча фазлу камол атрофида айланиб қолиши у икки калима сўзнинг бор аҳамиятини ҳам йўқотиб юборган. Бунинг била баробар «фуқаропарвар» сифати бир хон, бир бек, бир улуғ руҳоний ва бир катта бойға ҳам берилиб келган маълум сифатларнинг биридур. Бу сифат уларнинг ғурур ва кибрларини қитиқлаб ва юқори табақа эканларини сездириб туради.

Тарихимизда бундай сифатларни олган хонлар ва қанча беклар ва қанча руҳонийларни кўрамиз. Кечалари шаҳарни айланиб учраган муҳтожларға ёрдамлар қилиб юрган подшоҳларни биламиз. Бунинг билан у аристократ синфи прўлетар синфидан бўлиб қоладиларми? Юз марта йўқ. Балки у кайфият уларнинг яна ҳам уста ва айёр тулки эканларини кўрсатувчи бир кайфиятдур.

Хулоса: рўмоннинг қувватли камбағал типи бўлган Сафар бўзчининг ҳаракатларидан синфий кураш сезгиси берарлик бир кайфият онглашилмайди. Ҳолбуки, Сафар бўзчи тилидан Анварни ёқлашда «Ўзи камбағаллардан чиққан, қаттиқликларни кўб-кўб кўрган, етимлик ила ўскан, унинг учун бизлар каби камбағалларга кўб қайишади, бизнинг қаттиқ аҳволимизни яхши билгани учун юраги ачийди, бунинг мисолларини унда кўб кўрамиз...» каби ўзбек халқи орасида шуурсизча ва руҳдагина бўлган исботларни кўрсатувчи сўзлар сўзланса эди ва энг қувватли иллат ва сабаб бунинг каби сўзлар бўлса эди, албатта бир даражада бўлсин синфий ҳис берилган бўлар эди. Бу шакл яна ҳам табиий, яна ҳам маънодор, яна ҳам чуқурроқ сезги берур эди.

2) Абдурахмон домла, Шаҳодат муфти, Калоншоҳ мирзолар Анварга қарши ишлайдилар. Локин қаршилиқнинг бош ва энг кучли илллати «хотун талаш, мансаб талаш»дур. Сўнгра мубоҳасада Анварга юклатилган айбнинг ҳамма куч ва қуввати фазлу камол мубоҳасасидур: «Ўрда ичида шунчалиқ оқил ва донолар тўлиб ётқан бир фурсатда таҳсил кўрмаган, нодон бир гўдакка бундай улуғ бир вазифа валлоҳи аълам, топширилмас деб ўйлайман. Бу вазифани уҳда қилмоқ учун кўб гап керак. Аввало ақли салим, сониян таҳсили том лозим, ва ҳолонки сиз айтқан йигит ўтқан саналар Солиҳ маҳдумда савод ўқуб биздан ҳижжа ўрганиб юрар эди. Баҳарҳол бу хабарға ақл бовар қилмайди...» Биз Абдурахмоннинг бу сўзларидан, фазлу камол мубоҳасасидан бошқа нимани онглаймиз?

Абдурахмон домла Солиҳ махдумнинг қизини Анвар олиш эҳтимолига кўра уни жек кўради. Сўнгра Анвар томонидан мирзоликдан ҳайдалиши у жекни адоватга айлантириб юборади. Шаҳодат муфти, Калоншоҳ мирзолар Анварнинг ўрнига ўзларини лойиқ кўрардилар, чунки мирзоликдагина умр ўтказиб келганлар. Унинг учун Анварга душманликлари табиий деярлик даражададур. Мана бу уч мунофиқ киши Анварга айб ахтардилар, топқан айблари ҳам нодонлик, таҳсилсизликдур.

Ўртадаги курашнинг бош иллоти бунинг каби шахсий адоватлар ва фазлу камол тортишмачоғи бўлса, ундай курашнинг икки имом, икки муфти, яна аллақандай икки золим ва ифлос ораларида ҳам бўлмоғи жуда мумкин, балки жуда кўпдир.

Бу мақомда у уч киши томонидан Анварга, яна ҳам табиий Анварнинг ҳолига зид тушмайдиган, ўрда маросимларига мувофиқроқ бўладиган ва ўрда халқининг ишларига яна ярашадиганроқ ва айни замонда синфий ҳис берувчи маълум ва машҳур сабаблардан сайлаш керак эди. Масалан, «Анвар пас ва тегсиз бир кишидур, чилласи чироқ кўрмаган, назари пастдур, Солиҳ махдум каби яна бир пас одам эшигида қаттиқ панжшанба нон деб кўртик кўриб ўскан бир сиғинди етимдур. Ўрда маросимларига ҳеч лойиқ бўлолмайди. Бундай паст кишини шундай улуғ ўринга ўтқариларми? Хусусан, у ўрунға мустаҳиклар¹ ва муносиб кишилар турғанда...» каби сўзлар билан айбламак мумкин эди. Бунинг каби маълум сўзлар халқнинг зехнига яна ҳам яқин, қулоғига яна ҳам ошна. Айни замонда синфий бир сезги берувга қобилиятли бўлар эдилар ва айни замонда табиий ҳам эдилар. Чунки эскида бир мансаб бериладиган бўлганда у мансабга лаёқатни фазлу камолда ахтарилмас эди. Энг аввал шуҳрат, ижтимоий аҳвол ва насаб суриштирилар эди. Бунинг учун битмас-туганмас интригалар ўйнатилар эди. Тубан синфдан фазлу камол ва ахлоқи билан кўтарилиши хонлик даврларида йўқ эди. Ҳамда у даврга бу кайфият ярашмас эди.

3) Рўмоннинг улуғ ва севимли қахрамонларидан бири-да Султонали мирзодур. Унинг ижтимоий мавқеъи тамом қоронғу қолган. Унинг ўз сўзидан ҳунарида ихтисоссизрак, катта мансабларга чиқа олишдан умидсизрак, фақат оққўнгил, ахлоқли бир киши бўлгани сезилади. Локин Анвар билан бу қадар

¹ Мустаҳик - лойиқ, сазовор.

жонажон, қилўтмас ва жонфидо дўст бўлиб қолишининг сабаби тамом қоронғу, уни ҳеч бир ердан сезмаймиз. Холбуки бу икки дўстнинг мунчалиқ қаттиқ боғланишлариға кучли сабаблар кўрсатиш керак эди. Масалан, Султоналининг фақир оиладан бўлиши, ўрдадаги асилзода маъмурлар, муфтилар, шоирлар билан яқинлаша олмаслиғи, улар ўз оралариға уни олмаслиқлари, бу ҳоли билан Анвар билан шерик ва бир вазиятда бўлгани каби кайфиятларни сабаб қилиб кўрсатиш керак эди. Бунинг билан бир синфка мансуб икки киши иккинчи синф қаршисида бирлашкан бўлар эдилар. Бу ҳол ҳам табиий ва воқийликдан узоқ келмас эди.

4) Худоёрхон суҳбатида аскиялар – артистлар томоша бердилар. Улар бекларни, мударрисларни, ўрда аҳлини, ҳатто хоннинг ўзини турлик оғир ва маънидор сўзлар билан масхара қиладилар. Хоннинг энг яқин бир мударрисининг маҳаллийчилик сиррини очиб, шарманда қиладилар. Модомики аскиялар бунчалиқ жасорат қила оладилар, уларнинг уюнларидан яна ҳам маънидор нуқталар олинса бўлмас эдими? Масалан, мударрисни маҳаллийчилик билан ва ўз шаҳарликларини ёқламоқ ва қўлламоқ билан айблайдилар. Мударриснинг бу ҳоли ерида уни синфий бир тусда бўлган айбини олмоқ лозим эди. Яъни бек ва бой болаларини эркалаб қабул қилиш, ҳады келтирмаган камбағал болаларини мадрасага қабул қилмайин касб ўргатишқа далолат қилиб қайтариш каби ҳоллари билан айбламак жуда мумкин эди. Бу тус ҳам табиий бўлар эди. Чунки хон олдида бундай томоша берилиб ўтканини у даврни кўрган бир неча кишилардан неча дафъа эшиткан эдим.

5) Анварнинг Қобил номлиқ бир акаси пайдо бўлади. Унинг икки адад ишчи йўлдоши ҳам бўлади. Булар ҳам Худоёрнинг феълени ёқтирмайдилар. Локин Худоёрнинг хонлиғини эмас, ёмон хон бўлганини сўзлаб сўкадилар: «Бу хон эмас, даюс» сўзи ерида «хон ва бекларнинг ҳаммаси шунақа даюс» демайдилар. У қадар сўзни деган Раҳим бу сўзни деёлмас эдими? У сўз табиий воқийи бўларди-да, бу сўз ғайритабиий ва ғайривоқийи бўлармиди?

Рўмонда бунинг каби аҳволни яна кўрмак учун йўллар бор. Бу қадари ҳам бир фикр берарлик бўлганидан уларнинг изоҳларидан кўз юмдик.

Хулоса: «Меҳробдан чаён» ўз муқаддимасида «мумкин қадар

синфий бўлишга уринганини» билдирса-да ва «табиий бўлган қадар эскидаги синфий аҳволни кўрсатканини» хабар берса-да, ҳақиқатда эски турмушда шуурсиз тусда давом эткан ва бор бўлган синфий сезгиларни том мавзуълари келганда ҳам кўрса-та олмайин ўткан. Модомики, рўмон синфий бўлишга уринган, албатта, ундай нуқталарга эътибор қилмаслиғи улуғ камчиликлардан саналади. Рўмон ёзувчисининг янги мафкурага руҳан таниш ва йўлдош бўлиб етмаганини очик изоҳ этади. Қуйида рўмоннинг тузилишдаги камчиликларини кўрсатканда ҳам бу кайфиятга далолат қилурлик нуқталарга учрай оламиз.

Тузилиш хатолари

Рўмончиликда риояси лозим бўлган шартларнинг бири, бу эди: воқияларнинг орасида ёзувчининг ҳеч кўринмаслиги лозим. Ёзувчининг сўз орасида ўқувчиларга хитоб қилиб ўз тилидан сўзлар қўшиши ҳеч тўғри бўлмайди. Асрий рўмончиликда бу кайфият жуда катта айбдор. Рўмон ёзиш усулидан хабарсизлик саналади. Оврупода бу ҳол «хаёлий рўмончилик» замонларидаёқ тугаб кеткан.

«Мехробдан чаён»да бу кайфият жуда кўб ерда ва жуда очик ҳолда кўринади. Улардан бир қисмини ўзича ва бир қисмларини ишоратлар билан қайд этиб ўтамыз:

1) «Муниг можароси эрса қуйидағичадур: Туркистон хонлиғи тарихидан хабардор кишиларга маълумдирки» саҳифа 8.

2) «Юқорида ўқувчиларга бир даража онглашилган бўлса керакки... ҳар ҳолда бизнинг мундаги вазифамиз маҳдумни таҳлил қилиш эмас, балки...» саҳифа 14.

3) «Шу ергача бир неча саҳифаларни маҳдумнинг таърифи билан тўлдирдиқ. Эҳтимолки, домланиг ғийбатини ҳам қилдиқ ва қилармиз...» саҳифа 19.

4) «Бу ақчалар хусусида кейин сўз бўлур» саҳифа 21.

5) «Мухтарам ўқувчини қаҳрамонларимизнинг бир қисми билан танишдиришни шу ерда тўқтатамыз...» саҳифа 26.

Бунинг каби сакта¹ сўзлардан йигирма ерда қайд этканмен. Уларнинг ораларида шундай узун ва ўрунсиз тушканлари борки, у ерни ўқуған вақтда инсон асарнинг рўмон эмас, жиддий бир асар бўлганини ўйлаб қолади. Бундай жуда ўрунсиз бўлиб

¹ Сакта – тўмтоқ.

тушкан сакталардан бири 95-сахифададур. «Мехробдан чаён» ёзувчиси ўқувчиларга масаланинг онглашилмай қолишини андиша қилади. Унинг учун танбеҳ ўрнида шундай изоҳларни бергиси келади. Бу шакл қай тусда бўлса бўлсин, рўмончиликда жуда катта айбдур. Асрий ва реалист рўмонларда ҳукмлар воқиъанинг боришига ҳавола қилиниб қўйиладилар. Ёзувчилар ўз тилларидан ҳеч бир нарса сўзлашмайдилар, ўзларини тамом ўртадан чиқарадилар. Рўмонда бу кайфиятнинг хунуклик даражаси саҳнада туриб, ўйин орасида халққа қараб хитоб қилиб сўзлаб кеткан артистнинг ҳаракатидан ҳам кучли саналади. Бу кайфият хунарсизлик кайфияти аломати саналади. Эски ҳикоя китобларидаги «шу эрди ҳодиса... энди бир шингил сўзни доғулидан эшитинг...» каби сўзларга ўхшаган бу кайфиятнинг янги рўмонларда бўлишлари ҳеч тўғри эмас.

Ғайритабиий жиҳатлари

Рўмондаги воқиъаларнинг табиий тусда бўлишлари кераклигини рўмоннинг шартларидан санаган эдик.

«Мехробдан чаён»да ундай ғайритабиий ҳолларни анчагина учратдик. Бу ҳолни биз рўмоннинг бир неча қаҳрамонларида кўрамиз:

1) Анвар каби «олим, шоир, ахлоқли, виждонли, тарбияли, мафкурачи, жасур» бир киши Солиҳ маҳдум каби «риёчи, мунофиқ, виждонсиз, хасис, аҳмоқ...» бир кишининг тарбиясидан етишади. Яна у Солиҳ маҳдум тарбиясидан Раъно каби олима, шоира, виждонли, тарбияли, жасур, озод фикрли бир қиз ҳам етишади. Бу иккисининг бу тусда комил бўлишларига ҳеч бир турлик бошқа таъсир кўрсатилмайди. Буларнинг тарбияларини «тикандан гул, аридан бол» чиққанини мисол келтириб ғайбий таъсирларгагина боғлангани кўрилади.

Бу ҳол тарбиянинг таъсиридан ва идеянинг идеяга таъсир қилишидан хабарсизлик натижасида туғилган бир кайфиятдур. Солиҳ маҳдум каби ифлос типдан Анвар ва Раъно каби икки комил шахсларнинг чиқувларига инонмоқ учун «атойи ғайбий¹, фазли илоҳий»га инонмоқ ижоб этади. Шу ҳолда Анвар ва Раъно каби комил типларнинг Солиҳ маҳдум тарбиясидан етишишлари тамом ғайритабиий бир ҳолдур. Бу ғайритабиийликка йўл қўймас-

¹ Атойи ғайбий – ғойибдан бериш, йўқдан бор қилиш.

лик учун уларнинг тарбияларига бошқа бир таъсир яратиш керак эди ва ёки Солиҳ маҳдумни улар билан савияда баробар қулфат ва фалокатда шерик бўлган севикли типлардан қилиб кўрсатиш лозим эди. Зотан етим Анварни тарбиясига қабул қилиши билан унинг яхшилиғи бошланган эди.

2) Сафар бўзчи асардаги изоҳотнинг ифодасига кўра содда, билимсиз ва локин тоза кўнгил бир киши. Бундай содда бир кишининг Абдурахмон имом ҳужрасидаги сир сўзларни олдирув учун ўйнаган рўли тамом ғайритабиийдур. Чунки у рўлни ўйнамоқ учун Сафар бўзчининг катта бир сиёсий ва тажрибада бир қўмитачи бўлиши лозим бўлади. Бу воқиядан кейин ҳам Сафар бўзчининг соддалиқ типда қолиши у ғайритабиийликни яна қувватлаб тушади.

3) Том бир эски оила ва эски одат ва анъаналардан фойдаланиб турган Солиҳ маҳдум оиласида Анвар билан Раънонинг муносабатлари тамом ғайритабиийдур. Чунки рўмондаги воқиянинг замони замонамиз эмасдур, тахассуб, анъана ва одатларнинг ҳукм сурган замонидур. У замонда икки етишкан йигит ва қиз ўртада никоҳ раво бўлган ҳолда, қизнинг қочмасдан юриши, хусусан, уларнинг фотиҳалиқ бўлганлари маълум бўлган замонда у кайфиятнинг давом этиши мумкин бўлмаган бир даражададур. Йигит ва қизнинг фотиҳалиқ эканлари хорижда маълум бўлмаса, балки Солиҳ маҳдумнинг бу ҳам киши билмас ишларидан биридур, демак мумкин эди. Локин бу ҳол ҳар томонда, ҳатто ёш болалар ораларида ҳам маълум. Масалан, Раънонинг укаси «муллатанинг хотини» деб Раънони сўқади. Шу ҳолда Солиҳ маҳдум ҳеч бўлмаса юртнинг маломатидан андиша қилиб Раънони Анвардан узоқ тутиши лозим бўлар эди. Бу ҳол ўрнига Анвар билан Раъно тамом озод қўйилган. Кечалари-кундузлари боғ ва ҳовлиларда ёлғуз қолишадирлар. Бунга на оила тарафидан ҳеч монёъ йўқ. Локин ўзлари эскидаги ахлоқ зеҳниятига тамом садоқат кўрсатиб, жинсий муносабат бошлолмайдилар. Бизча бу кайфият эски турмуш шароитига нисбатан тамомғайри табиийдур.

4) Анвар дўсти Султоналини ўлумдан қутқариш учун ўзи хонга таслим бўлади. Бу тўғрида ишқ ва ёрини фидо қилади. Бу кайфият бизга ошиқ ва бир даража инқилобчи Анварни эмас, балки эски ҳинд адабиётидаги ва «Баҳордониш» ҳикояларидаги «вафо»ни ҳар нарсдан юқори тутган вафодорларни кўрсатади.

«Меҳробдан чаён» севимли қаҳрамони учун бу тусдаги ва-

фокор муносиб эмасди. Балки ўзи хонга таслим бўлганда дўсти билан баробар қурбон бўлишини тушинган, ўз акаси Қобилнинг таклифини қабул қилиб, дўстини тадбир билан қутқариш йўлини ўйлаган, бу бўлмаган тақдирда интиқом учун фурсат қутқан инқилобий фидокор керак эди. Ўзини пичоқ остидан қутқаргунча ўзи ҳам бошқалар билан баробар ишлаб дўстини пичоқ остидан қутқариши ёки бу замон баробар ўлиб кетиши яна ҳам муносиброқ тушар эди.

5) Анвар Худоёрхонга таслим бўлади. Хон уни ўз олдига ундаб сўроқ қилади. Бу ҳолнинг Анвар тилидан бир неча жумла жонли сўз сўзланмоқ учун яратилгани сезилиб туради. Бу ҳолни бошқачароқ, яна ҳам табиийроқ тусда бўлиши керак эди. Анварнинг хонга қарши сўзлаган сўзларида, берган жавобларида ва кўрсатқан ҳаракатида ҳам табиийлик йўқ, сунъийлик сезилиб туради.

Худоёрхон Анварни ўлумга ҳукм қилган замонда Анвар чексиз бир қуролга эга бир киши эмиш каби ҳокимона бир вазият олади. Хоннинг адолатига мурожаат қилиб, Султонали мирзонинг озод қилинишини талаб қилади ва тиралиб туриб олади. Хон ҳам инсофга келиб, Султоналини Анварнинг кўз олдига озод қилдиради.

Бу кайфият золим бир хонга нисбатан тамом ғайритабиийдур. Чунки бу мақомда Худоёрга Султоналини ҳам баробар ўлумга юбориш яна ҳам муносиброқ бўлур эди. Бу хонга яраширған бир ҳол эди. Қўллари қонли бир хон шу замонгина кўзларда жонланар эди. Бу замон хонга қарши ҳар бир истаганини сўзлаб чиқиши яна ҳам табиийроқ бўлур эди. Бу нуқталар каби бошқа нуқталарда ҳам диққат қилинса, эски турмушга нисбатан анча ғайритабиийликлар учрайдилар.

Сакталар

1) Абдурахмон домланинг «Меҳробдан чаён» бўлиши қийинлик билан онглашилади. Агар Абдурахмонга бир-икки ерда «чаён» дейилмаган бўлса эди, воқиъанинг боришидан ва унинг ўйнаган ролларидан «чаён» деб қабул қилиш мумкин эди. Воқиъа рўмоннинг аввалида Бухорода қўлдан-қўлга нозу ишва сотиб юрган Абдурахмон номлиғ бир болани яхшигина таниймиз. Унинг охирда фазлига, молига мағрур бир домла бўлиб

қайтишидағи ахволини-да яхши онглаймиз. Локин Абдурахмоннинг у ахволи «Меҳробдан чаён» бўлишига сабаб бўладиган ахвол эмасдур. Бунинг билан баробар у ахвол Абдурахмоннинг ёшлиқ чоғида бўлган. Рўмон ёзувчининг муътариз¹ сўзлари қаторида «таассуфки бузган эдилар» дегани каби Абдурахмон бошқаларнинг адаштиришлари билан у бузуқ маиший йўлга ўргатилган эди. Зоҳирий, жисмоний ва маиший, хусусан, ёшлиқ чоғдағи бузуқ ахволнинг у шахснинг табиатига ҳар бир жиҳатда ҳоким бўлиб қолиши ҳеч бўлмаган гап. У ахволнинг асл табиъатга таъсир қилишини ҳеч бир олим ва ҳеч бир фаннинг айтиши у ёқда турсин, ўйламаганда шунчалиқ борки, агар биз Абдурахмоннинг сўнгги ахволини яхши таниган бўлсақ эди, у ахволда ҳам бизга ёрдамчи маълумот бўла олардилар.

Локин Абдурахмоннинг сўнгги фаолияти ва рўли қоронғу тусда қолиб кетади. Унинг тилидан нақл этилган сўзлар фитна ва фасод бўлишдан кўра тадбир ва зако сезгисини берадилар. Айни замонда унинг ўйнаган рўли Шаҳодат муфти ва Калоншоҳ мирзоларнинг рўлларидан ошиқча бўлмайди.

Бизча Абдурахмоннинг қизни хонға хабар бердириш нуқта-сини жуда очик ва тафсил билан онглатилиши керак эди. Абдурахмоннинг ундағи фаолиятини маънидорроқ тусда гавдалантириш керак эди. Солиҳ маҳдум каби иккинчи даражадағи қахрамонға бир неча фасл айирган рўмоннинг бунингдек керакли нуқтаға-да бир-икки саҳифани бериши керак эди. Сўнгра Анвар қочқандан сўнгра Султонали мирзони ҳам бадном қилиш учун ариза ва унинг усуллари, мазмуни керакли ва жонли нуқталар эдилар. Улар қоронғу қолиб кетдилар. «Чақангиз сийқа эмасми?» учун махсус фасл берган ва Шаҳид закотчи каби воқиъада рўли бўлмаган бир кишига узун изоҳот бағишлаган рўмоннинг «Меҳробдан чаён» белгилаш учун ҳам бир неча фасл бермаги керак эди.

Мана, Абдурахмон каби катта қахрамоннинг том фаол бўларлиқ замонидағи қоронғу қолган ҳоли рўмон учун каттагина сакта ва аризадур.

2) Султонали мирзонинг уйига Анвар Раънони олиб боради. Бундан сўнгра воқиъа хатланиб кетилади. Бирдан бирга Султоналининг тунқотар ёнида чақимчи ва хоин ҳолда кўрамиз. Бу ҳол шундай бир тусда кўрсатиладики, Султонали Анварга чиндан хиёнат қилган. Сўнгра рўмон бу сактани сезади. Айрим

¹ Муътариз – эътирозли.

бир фасл билан Султоналини оқламоқчи бўлади: «Биз ўткан 51-фаслда Анвар билан Раънони Султоналининг дарбозасида қўйиб, 52-фаслга сакраган эдик. Шунда чала қолган бир неча аҳволни ҳозир айтиб кечмасак, мухтарам ўқувчиға Султонали масаласи бир оз онглашилмай қоладирған кўринди» бошламаси билан у хатони тузатиб ўтмакчи бўлади. Аввалги тухматини бу ерда Султонали устидан отмоқчи бўлади. Бу ҳол жуда очиқ сакта ва аризадир. Султоналининг бирдан бирга хоин тусига ўтиб кетишидан, ногаҳон тушкан тўғондан қаёққа оқарини билмай шошиб қолган оқин сув каби зеҳнлар ўз оқим ва интизомларини йўқотиб қўядилар. Сўнградан қилинған тузатишда «хайитдан кейин сурма» қавиндан бўлған ва келишмаган бир кайфият. Айниқса уни ёзувчининг ўз тилидан нақл қилинған тусда онглашилиши катта хатолардандир.

Типлар

1) Рўмонда кўрсатилған типларнинг кўрсатилишлари турли зид ҳоллар ва кучсиз кайфиятларни кўрсатадилар. Солиҳ маҳдум, ўрда қизлари, аскияларда бошқа типларда камчиликлар жуда кўб. Энг катта қаҳрамон Анвар инқилобчими, ошиқми, мафкурачими ёки ҳар нарсани дўст учун фидо қилувчи вафкорларданми, белгилаб бўлмайди. Бу сифатларнинг ҳар бирига Анварнинг эга бўлған нуқталарини турлик ерда кўриб турамыз. Рўмон бу сифатлардан қайси бирини Анварга асосий фикр қилиб бергани қоронғу. Воқиъа тўғри келған тусда ўзгариб, аралашиб кетаберади. Анвар каби фикрли, тадбирли, доно киши учун Солиҳ маҳдум каби ифлос типнинг доимо таъсири остида қолиши тўғри бўлмаған бир кайфият. Ундай бир кайфиятни зарур кўрсатувчи бирор нуқта йўқ.

2) Раъно типида йўқ бир нарсадур. Ўзбек эски ҳаётида мунчалиқ ўзига эга, маъшуқи билан оиласи кўзида ойларча бирга қолиб мумонаат¹ кўрмаган бир қизни хаёлдағина яратмоқ мумкин. Эски «Баҳордониш»да ҳам типни мунчалиқ ҳаёли қилиб қўймайди. Сўнгра Раънони мунчалиқ фидокор, вафкор ошиқ билганимиз ҳолда Анвардан айрилған замонда унинг ҳажрини тараннум қилмайди. Балки Анварнинг фалокат замонида ёнида туриб тасалли бермаганини хотирлаб, хафа бўлади. Бу ҳол

¹ Мумонаат – қаршилиқ, монеълик.

бизнинг шоира, жасур, яна аллақандай сифатлар билан таниган Раъномизга ҳеч ярашмайди.

Энг кучли, ёмон ва золим тип қилиб Худоёрхонни жонлан-тирмоқ лозим эди. Локин хоннинг шахсияти жуда бузуқ кўрсатилган. Худоёр гоҳ «Онангиз арабми?» деб мирзоларнинг арабчани кўб ёзганлари учун итоб қилади. Демак, унда миллий сезги кўрсатилмакчи бўлинади. Гоҳ русларга қарши кучлик кўринмак учун маданий ишлар кўрувни лозим кўради. Демак, Худоёр – мудаббир¹, ватанпарвар бир сиёсий.

Гоҳ фазлу камолини тақдир қилиб, ўз ўрдасининг маросимлариға риоя қилмайин, Анварни мирзобоши қилади. Демак, Худоёр – ҳақиқатчи. Гоҳ Анварни ўлумга ҳукм қилганда унинг талаби бўйинча инсофга келиб Султонали каби ноҳақ ерга, зиндонға тушкан кишини озод қилади. Демак, Худоёр – адолатчи ва Анварга берилган жазода адолат тақозоси, ҳоказо...

Рўмон ёзувчиси балки буларни билиб ва шуур билан қилмайди. Унинг мақсади балки Худоёр типини золим ва ифлос қилиб кўрсатмакдур. Буни кўрсатувчи ерлари бор. Локин у кайфиятларнинг ўз мақсадиға зид тушишларини онглай олмайди. Бизча хоннинг типи доимо зулм ва қон билан бўялган бўлиши керак эди. Уни доимо қизларнинг олдиларида, доимо ғафлатда кўрмагимиз керак эди. Анварнинг талаби билан Султоналини инсофқа келиб озод қилиш эмас, балки Султоналини-да қўшиб жаллодға топшириши керак эди. Чунки Худоёр бир дафъа Султоналини бадгумон билан зиндонға солмишди. Анвар уни ёқламоқ билан у гумонни қувватлаб тушкан эди. (Зотан, хонга донос қилган Абдурахмон ва шериклари бу эҳтимолларни тушинган эдилар. Уларнинг бизга қоронғу қолган аризаларида, албатта, уларни айткан бўлишлари керак.)

Шу замондағина қўллари қонли зулм ҳайкали бўлган бир хонни гавдалантирмак мумкин эди. Шу замондағина бир хон типи яратилган бўлар эди. Бунинг каби рўмоннинг кўб типларига синчиклаб қаралса, кўб ярашмаган ва бир-бириға тўғри келмаган ҳоллар кўрилиб турадилар.

Таъсири

Рўмоннинг воқияларида чуқур маъно йўқ. «Ўткан кунлар» рўмонидағича Тошкан-Фарғона орасида, чўл-биёбонлар-

¹ Мудаббир – тадбиркор.

да ёлғуз фироқни тушунган, «табдили қиёфа билан қиз юртининг атрофида висолни айлаган», фалокат замонида борини кўруғлаған» Отабек ҳолидағи чуқур маъноларнинг ишларини биз «Меҳробдан чаён»да кўролмаймиз. «Отабекнинг ва онасининг таъсири билан узун замон жудолик мотамини тутқан», «ёрини ўлумдан қутқармоқ учун қалъа беги дарбозаларида азоблар тортқан ва тадбирлар ҳозирлаған» Қумушбибининг кайфиятининг мисолини «Меҳробдан чаён»да учратолмаймиз.

Анвар билан Раъно доимо висол ичида юрадилар. Никоҳнинг таъхири¹, айрилишнинг туғилиши ҳеч сабабсиз ва маъносиз суратда туғилган бир кайфиятдур. Бунинг каби анчағина ҳоллар рўмонда ғироми кайфият² бўлмағанлиғини кўрсатадилар. Ғироми кайфият эрса рўмон учун лозим эди, шарт эди.

Хулоса

Хулласки, «Меҳробдан чаён» тили, услуби, янги рўмон бўлиши ва ёлғуз-ёлғуз қарағанда баъзи тақдирға лойиқ нуқталарға эгалик эътибори биландур сийрак жиҳатларға эга бўлсада асл рўмончилик шартлари ва усули жиҳатидан қаралғанда унинг ҳар бир фаслида ва ҳар бир типиди ва ҳар бир воқеъасида хато ва камчиликлар кўбдур. Ғоя ва мафкура эътибори билан-да белгили бир йўл тута олмаған. Ўзининг даъвосига «мумкин қадар синфий бўлиши» масаласида қуруқ даъво ҳолида қолған. Бу ҳоллар билан баробар мавзуъи гўзал ва бир даража ишланған бўлганиға кўра асослироқ бир тузатиш билан гўзал рўмон бўла олишини айтмак мумкин. (Битди.)

Бошқармадан: мақолани фикр олиш йўли билан босамиз.

Миён БУЗРУК

«Шарқ ҳақиқати» газетаси, 1929 йил,
1-2 апрел, 63, 64-сонлар, 2-3-бетлар.

¹ Таъхир – кечиктирилиш.

² Ғироми кайфият – романтик ҳолат.

9. ДУШМАН МАФКУРАГА ҚАРШИ

...Биз ҳозир Султоналиев, Хидиралиев,* Мирзараҳимов чиқишларига эгамиз. Султоналиевчиликнинг турончилик асоси, уларнинг ғоя ва йўлларининг прўлетар инқилобига, шўро қурулишига, коммунизмга ашаддий душман ҳаракат эканлигини кўрсатса, иккинчи томондан, бу ҳаракат панисломистлар илгари сурган йўлларнинг давоми эди. Мирзараҳимов, Хидиралиев чиқишлари мана шу турончилик негизидан сира фарқ қилмайди. Ўзбек буржуа ёзувчилари ҳам ўзбек адабиёти, мактаби, саҳнасига ўзларининг панисломист, пантуркист асарлари билан кириб келди. Булар Турон давлати, ундан қолса, бутун жаҳонда ислом буржуа тузиш йўлида хаёлландилар. Бир вақт ўрта, олий ўқув юртларининг кўп ўқувчиларини ўз ичига сиғдирган Самарқанд «Қизил қалам» ташкилотига ҳоллар, «Дарвешлик» тарғиботи (Вадуд Махмуд хуружи) ҳам мана шу турончилик негизига тарғиботнинг давоми эди.

Биз бу ерда ўзларининг мозийси, иши билан сотсиализм қурулишининг душмани бўлган зиёлилар устида тўхташимиз керакдир. Булар ҳали маданият ўчоқларимиздан бадарға қилиниб битмагандирлар. Улар ҳам кадр тайёрлайдилар. Бироқ қандай кадрлар? Масаланинг бузуқ, тугуни ҳам шундадир. Буржуазия ҳам кадрлар учун курашадир. Чунончи, бир вақт жадид оталаридан бири Мунаввар қори: «Жадид мактаби очишимизга сиёсий ва маданий курашчилар тайёрлаш баҳоси берилмаганига таассуф билдирмай ўта олмайман», деган эди.

Ҳақиқатда уларнинг (жадидларнинг) савдо буржуазиясининг орзу-ҳавасларини акс эттирганликларини, ўзлари мансуб бўлган мазкур синф учун кадрлар тайёрлаганлиқларини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Бир вақт жадид мактаблари диний мактабларга қарши бир мавқеъни эгаллаган эдилар. Бу вақтда чинакам шўро мактаблари «афанди»лардан эндигина тозалана борар, ўз мавқеъларини кўтармақда эдилар. Кейинги даврда биз кўрдикким, жадид мактаблари ва сиёсий маданий курашчилар тайёрлаш баҳоси берилмаганидан азоб чеккан Мунаввар қорилар эски мактабларга қарши курашларни тўхтатдилар, яна ўша жадид афанди бу кун уламо билан оғиз-бурун ўпишиб кетди. Чунки энди ўртага гигант куч бўлиб прўлетариат чиқди.

Тошкентдаги ўқув юртларининг баъзиларида сўнгги вақтлар-
гача миллий савдо буржуазиясининг йирик намояндалари иш
кўриб келдилар. Мана шуларнинг бевосита раҳбарлиги билан
шўролар ҳукуматиға қарши ҳар хил чиқишлар уюштирилди...

Ленин номидаги 2-босқич мактабда яқинда юз берган
воқеъа шоёни дикқатдир. Мактабнинг тил-адабиёт ўқитувчи-
ларидан Муродхўжа домла А.Қодирийнинг «Меҳробдан чаён»
муносабати билан «Жулқунбойға бағишлаб» шеър ёзиб ташлай-
ди ва буни 6-синф ўқувчилари ўртасида худди адабиёт дарсида
ўқуб беради. Масала яхши онглашилуги учун биз бу шеърнинг
муҳим ўринларини тўлароқ берамиз:

*Олинг чиқди, бу кун Жулқунбойнинг ёзган фикри иншоиси,
Деса мумкин ани баҳри адамнинг дурри яктоси.
Асарнинг исмини гўё «Меҳробдан чаён» қўйган,
Битиб чиқмасдан аввал тутди оламни аллоси.*

*Кўзим ўнгида турган жилва бирла айрилмас,
Баён этканда Раъно васфида ул кўзи шаҳлоси.
Ўқуб чиққан замон шеъри Раъно бирла Анварнинг,
Ажаб маҳв айлади алфак у гулшаннинг тамошоси.*

*Кўнгулда қайғуни маҳв эткали меҳроби афсонанг,
Шароб ишқингдан тотмоқда гўё сиркоси.
Бошимда бир турли қайғу бор эди, хотирим ранжур,
Тамоман бир йўл йўқ, этди афсонанг аллоси.*

*Кел энди ҳиммат айлаб тут қалам илгинга эй Жулқун,
Кўнгулда бор эрса шеър этмоғлиқ таманноси.
Агар фурсат топилса ушбу шеърнинг жамъ қилғайдим,
Халойиқнинг бошимда бор эрур бе суд савдоси.*

Бу шеърнинг адабий қимматини таҳлил қилишға киришиб
ўлтирмаймиз. Масала унинг қанчалиқ «нафис» ёзилишида
эмас, балки ўз мазмунидан маълум бўлишиға ўқувчиға берган
таъсири, мафқураси устидадир.

Муродхўжа домла икки кун шу шеърини синфда таҳлил
қилдиради ва болаларға кўчиртирадир. Ўқувчиларға Жулқун-
бойнинг бутун асарларини кўриб чиқишға кенгаш берадир. Бу

«тарғибот» ҳам натижасиз қолмайди. Талабалар «Меҳробдан чаён», «Ўткан кунлар» билан қизиқсинадилар. Буларни икки-уч марталаб ўқуб чиқадилар. Ортиқча ҳиссиётга бериладилар. Кўз ёши қиладилар. Ва ҳоказо...

Муродхўжанинг адабиёт дарсидаги таҳлил ва қарашлари ҳам «санъат-санъат учун»дан, маънавиюнчилар қараши ва таҳлилидан иборатдир. Мана бунинг натижасида «Биз Чўлпон, Жулқунбойларнинг мафқурасини эмас, яратган бадиий намуналарини ўқуймиз», деган сохта даъво майдонга чиқади.

Ахир шаклга қараб, мазмунни ёки унинг юксаклигини даъво қилиш мумкинми? Албатта, мумкин эмас. Шаклнинг мазмундан бошқа маъноси ҳам йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмасдир.

Бу мактабда янгидан-янги ёш националистлар юз кўрсатадилар. Булар сўз, матбуот хурлиғи, кўтарилиш, ижод хурлиғи йўқлиғидан нолийдирлар. Бу норозилик ҳаракати сира ҳам тасодифий эмас эди. Бу душманнинг қўли билан ишланган. Миллий ўзбек буржуазиясининг ўз намояндалари орқали ёшларга берган тарбиясининг самараси эди. Мактаб раҳбарлари бу чиқишга бутунлай бошқача қарайдилар.

Маҳмудхўжа домла ўз шеърини мактаб мудири Маҳмуд Ҳакимийга¹ ўқуб беради. Маҳмуд бунга қуллук кўрсатишдан бошқага ярамайди. Маҳмуд Ҳакимий бўлса, шунда ҳам унинг саводсизлигини, бетарафлигини даъво қиладир. Бу «бетарафлик» ҳам бутунлай сохта даъводир. Сиёсий бетарафлик бўлиши мумкин эмас, шунинг учун сўзда «мен сиёсатга аралашмайман, бетарафман», деб бош оғритиш амалда буржуазия ниқобини кийишдан иборат.

Ахир душман синфининг намояндаси бир домланинг, сиёсий саводсиз деб даъво қилиши, ундан хавф йўқлигини баён қилишнинг ўзи бир сиёсат эмасми? Маҳмуд Ҳакимийнинг бу чиқиши, ўзларини очиқ кўрсаткан Эсон афанди, Мунаввар қори, Шорасул Зуннун ва Муродхўжа домлаларнинг хуружидан ҳам хавфлидир, бу чиқиш душман кучини, ҳаракатини яширишдир. Бундай сохта даъволар амалда душман олдида прўлетариатни қуролсизлантириш, душманга ёрдам қилиш учунгина керак ва дастақдир...

Б. ШЕРБЕК

*«Шарқ ҳақиқати» газетаси, 1930 йил, 9 апрел, 80-сон,
2–3-бетлар.*

¹ Маҳмуд Ҳакимий – бу киши ҳақида бешинчи жилдда эслаб ўтилди.

10. ЯНГИ ТУРМУШ УЧУН КУРАШ

...Буржуазиянинг «Ошиқ ва хусусий турмуш»га боғлаб кўрсаткан бутун «ҳақиқатлари» таъсирининг ҳозирги адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларимизда тадрижий равишда акс этатканини мушоҳада этамиз.

Бу кун саҳналаримизда ўйналаётган «Ҳалима», «Фарҳод-Ширин», «Лайли-Мажнун», «Тоҳир-Зухра» ва «Юсуф-Зулайҳо»лар оилавий муносабат ва турмуш жараёнларини реал йўсинда кўрсатишқа хизмат қилаётир, деб ким айта олади (билъак зарарлари кўб). Бу асарлар ўз мундарижалари билан ҳозирги куннинг инқилобчи томошабинларига қандай маънавий озиқ бераётирлар. Ҳеч!.. Мана сизга керак бўлса тарбия. Олдинги шу «тарбия» таъсири билан заҳарланган, ёр васлига етолмай ўзини отмоқчи, осмоқчи бўлган айрим томошабинлар бўлмадими? Шу томошалиқларни кўргандан сўнг зулмати хижронда қолиб, дунёда ҳаёт кечиришдан воз кечмакчи бўлган бу кунги Фарҳод ва Ширинларни кўрмадикми?

Бўлди, кўрдик, афсуски, кўрдик!

«Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларининг қаҳрамонларини олингиз. Отабек ва Мирзо Анвар, Кумуш ва Раъноларнинг тарихий ишини кўз олдингизга келтирсангиз-да, ҳозирги кунда ўрта, олий ва ҳатто ибтидоий мактабларимизнинг баъзиларида воқеъ бўлаётқан «ишқий ҳодисалар» билан таққослаб қарангиз. Нима кўрасиз? «Қора конвертлар», «заҳар ичишлар», «томдан ташлашлар», қовушмоқни табиатдан сўраб олғувчи «қора мактублар», «тўппонча билан ўдағайловчи қаҳрамонлар». Уларнинг натижаси ўлароқ майдонга келган кучсиз заиф бандалар, ўз қўли билан «яқинлиқ» қилғучи беқарор «эрлар» ва бошқалар.

Тарихнинг бу қора нуқталарини такрорлагувчилар «давримизнинг тақозоси шу», деб тушунадилар, чоғи! Ҳолбуки, бу ҳаракатлар, ўлиб борғучи феодализм-капитализмнинг кишиликини ҳалокатка судрагувчи дастакларидир. Билим юртларимизнинг баъзи бирларининг ҳожатхоналарида кўринатурган «нафис адабиётлар», «ваҳималик карикатуралар» эса мешчанлик, обивателликнинг¹ турмушда акс эткан қабиҳ манзарасидир. Буларни суғоратурган тарихий чашма Фарҳодлар, Мажнунлар,

¹ Мешчан, обивател – манфаатпараст, худбин.

Лайлилар, Ширинлар, Отабек, Мирзо Анварлар ва Кумуш билан Раънолардир.

Шуларнинг қўланса таъсири билан бўлса керакки, бу кунги ўткирлашкан синфий курашни, гигант қурилишни тасвир этмакчи бўлган баъзи шоирлар илҳомни энг аввал «гўзал қизнинг гул юзидан бир ўпиш, унинг нозик белидан бир қучишдан» олиб реал бир нарсани «ишқ муҳаббат» пардаси билан ўраб тасвирлайдилар...

Зиё САИД, Назир САФАРОВ.

«Қизил Ўзбекистон», 1930 йил, 2 ноябр, 257-сон, 3-бет.

11. ПРО ЛИСУ И ЧУДАКА¹

Еще до того Кадыри перечитал все, что только смог найти из старой узбекской литературы: героические поэмы, лирические стихотворения. Пользуясь тем, что узбекский язык имеет много общего с турецким, тюркско-азербайджанским и татарским, Кадыри сумел быстро изучить эти языки. За довольно короткий срок он основательно ознакомился с новейшей османской и татарской литературой.

В 1912 г. Кадыри делает первые робкие попытки писать стихи. Молодой поэт получает доступ в джадидский орган «Садои Туркестан» («Голос Туркестана»), а через некоторое время печатает рассказы в Самаркандском журнале «Айна» («Зеркало»), тоже джадидского направления.

В этот период А.Кадыри поступает в медресе. Высшие духовные училища – медресе были оплотом мракобесия, рассадниками мусульманского фанатизма. В них готовились кадры мусульманского духовенства. Впрочем Кадыри ничуть не мечтал о духовной карьере. Он пошел в медресе с целью изучить арабский и персидский языки. В другом месте этого сделать было нельзя. Выбора не было. Но и в медресе не удалось бы ничему научиться, но прогрессивно настроенный учитель, по просьбе Кадыри и других учеников, преподавал по новым книгам. Все же занятия в медресе, дух учебного заведения наложили отпечаток на творчество писателя.

¹ Таржимон Лидия Евгеньевна Соцердотова «Обид кетмон» қиссасидан «Бир тулки ва бир кулки» бўлимини шу номда рус тилига таржима қилиб, китобча ҳолида нашр қилдирган эди (1935 йил). Ушбу мақола шу китобчага «Кириш» сўзи қилиб берилган эди.

В 1916 г. Кадыри публикует рассказ «Улакда» («На качках»). Все это время Кадыри находится под идейным влиянием джадидов.

Джадиды – прогрессивная мелко-буржуазная партия, возникшая в Туркестане в начале нашего столетия. Первоначально, в дореволюционный период джадиды ставили перед собой задачи: отказ от некоторых окостеневших догм ислама, открытие светских школ, европейское платье, уравнивание местной национальной буржуазии в правах с русской колониальной буржуазией.

Крестьянское восстание 1916 г. было для джадидов крайне неприятной неожиданностью, больше того, они перепугались и предали движение. Вожди джадидизма, представители местной буржуазии помогли колониальной администрации «успокоить» мятежное дехканство Туркестана.

Во время февральской революции джадиды в блоке с реакционным духовенством создают исламистские организации, поддерживают связь с меньшевиками и эсерами, кавказскими и казанскими националистами. Тогда же джадиды оформились в контрреволюционную националистическую партию «Иттихад ва таракки», выдвинувшую задачу – основать в Туркестане буржуазное государство.

На Октябрь джадиды ответили контрреволюционным восстанием (Кокандская автономия). Но после разгрома Кокандской автономии, джадиды меняют тактику, приспособляются к советской власти и многие из них устраиваются в наркоматах ответственными работниками.

Для характеристики джадидов можно привести историческую справку. В 1918 г. напуганный революцией в России Бухарский эмир выступил с манифестом, обещающим куцые реформы. И партия джадидов спешит откликнуться на обращение гнуснейшего из феодальных восточных князьков.

«Бог есть помогающий нам во всех делах, – взывают джадиды к трудящимся Бухары, – вы действуете не по-мусульмански – все мусульмане братья друг другу – эмирский манифест это священный документ – повинуйтесь ему». Выражая полное удовлетворение манифестом, джадиды в своем воззвании патетически восклицают: «Вы, смутьяны, пришли ко дворцу эмира, начали безобразничать и из-за ваших неподобающих

поступков великий эмир даже плакал». Далее идут призывы искупить вину, поклониться эмиру.

После революции 1920 г. в Бухаре джадиды энергично поддерживают басмачей, помогая им завязать связь с империалистами. Они посылали делегацию за рубеж, стремясь навлечь на Туркестан и Бухару все ужасы колониального порабощения, лишь бы власть получила и буржуазия.

И только победа Советов на всех фронтах нанесла смертельный удар джадидским организациям. Мы вынуждены были подробно остановиться на сущности джадидизма лишь потому, что это движение в известный период оказывало большое влияние на Кадыри. Спешим оговориться, что в то время будущему писателю было 13–17 лет. Едва ли он мог дать правильную оценку взглядам джадидов. К чести Кадыри надо сказать, что после Октябрьской революции он сразу рвет с джадидами и в дальнейшем упорной учебой и работой над собой старается избавиться от неприятного идейного «наследства». Кадыри принимает горячее участие в организации профсоюзов в старом городе, работает и пишет в органе ЦК компартии Туркестана «Иштракиюн» (Коммунист) и в Росте.

К сожалению, в своем первом большом историческом романе (являющимся также первым романом на узбекском языке) «Уткан кунляр» («Минувшие дни») Абдулла Кадыри еще находится в значительной мере в плену мелкобуржуазной националистической идеологии.

С 1923 по 1925 г. Кадыри работает в юмористическом журнале «Муштум», в котором систематически печатает свою сатирическую, антирелигиозную повесть «Из памятной тетради Кальвак Махзума».

Писатель чувствует, что ему многого не хватает и хочет учиться. В 1925 г. он едет в Москву, поступает в художественный институт имени Валерия Брюсова и оканчивает его. Там же в Москве он дописывает 3-ю часть «Минувших дней».

Несколько слов о романе «Минувшие дни». По существу это произведение является хвалебной одой кокандским купцам середины прошлого века. На протяжении 3-х частей описываются приключения Атабек – сына коммерсанта. Герой наделен всеми возможными «героическими» свойствами. Все события разворачиваются в обстановке мрачного средневековья, когда в Фергане

шла кровавая борьба между узбекскими и кипчакскими феодалами. Взятничество чиновников, произвол, тюрьмы-клоповники, башни из отрубленных голов, колдуны-джадугары, дичайшее суеверие, оргии чиновников. На таком фоне автор рисует идиллическую историю двух влюбленных сердец.

Кадыри в «Минувших днях» совершенно игнорирует классовую борьбу. Он не видит доведенного жестокой эксплуатацией до нищеты крестьянства, разоренных кустарей. Мертвящая роль мусульманской догмы выявлена слабо. К религии автор в этом романе относится весьма терпимо. На протяжении всего произведения все делается с благословения Аллаха.

Писатель сделал все возможное, чтобы нарисовать купцов положительными красками, чтобы изобразить торговую буржуазию прогрессивной силой, в руках которой будущее узбекской нации. Автор пытается вывести молодого, прогрессивно настроенного купца, который по замыслу должен быть духовным родоначальником джадидов.

В романе автор преклоняется перед патриархальными устоями семьи. «Ата-ана арзусы» – родительская воля – есть главный устой, на котором покоится мир. Сын должен во всем подчиняться главе семьи. Участь женщины: бесправие, чачван, паранджа, гнет религии Кадыри рисует смягченными красками. Быть счастливой – зависит от самой жены. Прежде всего она должна быть бессловесной и покорной и, тогда душевное спокойствие обеспечено. А если не все обстоит хорошо в узбекской семье, то религия и обычаи тут не при чем. Во всем виноваты дурные характеры дурных людей.

Словом «Минувшие дни» – это «доброе старое время». Приглаженные, причесанные националистической гребенкой «Минувшие дни», естественно, встретили осуждающую критику в советской печати.

В 1927 г. выходит в свет исторический роман Кадыри «Михрабдан чайан» («Скорпион из алтаря») из эпохи последних лет существования кокандского хана. Кадыри делает попытку критически подойти к эпохе, но впадает, правда в меньшей мере, в те же ошибки, как и в «Уткан кунляр». Автор все же не без успеха пытается разоблачить мрачные стороны правления ханов, рабство, произвол, изуверство фанатиков, жестокую эксплуатацию, которой подвергается население. Богатый фактический материал

подается сквозь призму едкой сатиры. Но Кадыри далек еще от верного понимания движущих сил истории. И в «Скорпионе из алтаря» о классовой борьбе он молчит. Это приводит к неверному, искаженному изображению эпохи.

Новое произведение А. Кадыри «Абид кетмень» написано в 1933 г. после трехлетнего перерыва в работе писателя. 1929-1932 гг. – период молчания. Но... была ли тут вина самого Кадыри. Только частично. Он пишет, делает попытки печататься, но ему никто не помогает. Критические выступления носят далеко не всегда нужный характер.

Только после решения ЦК ВКП(б) от 23 апреля писатель получает возможность нормально работать. Создается новое крупное произведение «Абид кетмень».

Повесть. «Абид кетмень» показывает, что Абдулла Кадыри перестраивается, стремясь избавиться от всего, что было навеяно националистической идеологией джадидизма.

«Абид кетмень» – первое произведение Кадыри на современную тему.

На протяжении всей повести показаны этап за этапом важнейшие события в существовании колхоза «Четан». Первые робкие шаги объединения единоличных хозяйств в артели, ожесточенная классовая борьба в кишлаке, провалы и ошибки руководства, борьба за урожай, укрепление колхоза, рост дисциплины, развитие хозяйства и повышение состоятельности колхозников.

Показаны глубочайшие сдвиги, произошедшие в кишлаке после революции, а затем во время коллективизации.

Хорошо даны растерявшиеся кишлачные «столпы» – баи, муллы, подкулачники, быстро меняющие тактику, переходящие от открытой борьбы к подрывной деятельности «тихой сапой». В повести перед нами развернута целая эпопея: труднейшие дни рождения колхоза, перегибы с хлопком и с обобществлением скота, «головокружение от успехов». Читатель переживает вместе с героями, успехи и неудачи колхоза «Четан», словно живет и работает в нем.

Писатель сделал попытку отразить жизнь колхоза во всем ее многообразии, во всех ее проявлениях, даже самых мельчайших, но значительных.

Перед нами проходит как живой председатель колхоза, бывший середняк, положительный, уравновешенный дехкан Абид

Кетмень, знающий прекрасно хлопок, хороший организатор. С большой любовью автор вырисовывает мельчайшие черточки характера этого мелкого собственника, ставшего прекрасным председателем колхоза, хозяином и руководителем артельного имущества. Разве не характерен штрих, когда Абид кетмень указывает членам правления колхоза, что их место не за канцелярским столом, а в поле за плугом, кетменем!

Но нужно признать, что в показе Абид кетменя есть целый ряд существенных недостатков. Автор не сумел объяснить до конца, как произошел перелом в настроениях Абида в момент коллективизации.

«Любовью к одиночеству», как уверяет Кадыри, нельзя объяснить, почему Абид долгое время чуждался бедняков и батраков. Напомним также, что Абид кетмень долго весьма настороженно относился ко всем мероприятиям советской власти. Автор объясняет это тем, что «большую роль здесь играли свойства его натуры, его любовь к одиночеству». Не этим, конечно, объясняется, что Абид кетмень чуждался общества бедноты, а если посещал собрания, то упорно молчал. Не в этом дело. Сам Кадыри очень нерешительно, нехотя отмечает:

«В этом поведении Муллы Абида нельзя сказать, чтобы не было влияния классовых врагов. Было. Это покажут нам следующие главы. Однако приходится признать, что еще большую роль здесь играла его натура, его любовь к одиночеству».

Странно, что эта «склонность» упорно заставляла Абида долгое время искать общества баев. Не совсем понятно, почему А.Кадыри ищет оправдания поступкам своего героя в туманных рассуждениях. Ведь большое достоинство повести в том, что в ней выведен живой человек, середняк, не сразу принимающий советскую власть, а колеблющийся, подверженный тысяче сомнений, боящийся всего нового, ломающего привычный уклад жизни. Таких середняков было в кишлаках очень много, и сейчас из них получились хорошие колхозники потому, что на практическом опыте, близком крестьянину, они поняли необходимость и прямую выгоду перехода к товарищескому, артельному земледелию.

Натянута, не совсем правдоподобно описано вступление Абида в артель.

Посмотрим, что толкает этого середняка в колхоз судя по словам Кадыри.

«Мулла Абид не такой ограниченный раб желудка, любящий поработать, поесть и поплевать, завязав покрепче в узел деньги. Удовлетворив личные нужды, он отдает лишние силы для удовлетворения своего честолюбия. Он страстно любит известность среди народа. Разве колхоз не подготовит ему для этого хорошей почвы. Геройство, слава в работе ради счастья бедняков, голодных и нагих – а? Когда Мулла Абид думает об этом, то чувствует горячее расположение к колхозу».

Здесь автор явно не справился, не сумел показать, как произошел перелом в психологии середняка. Задачи колхозного строительства опошляются, колхоз превращается в орудие тщеславия.

Конечно, дело не в тщеславии, Абид кетмень за первое десятилетие советской власти прошел длинный сложный путь, боролся сам с собой. Отчаянно цеплялся за устои религии, за старые обычаи, за собственность. По ходу событий повести видно, как Абид медленно переваривается в котле новой кишлачной общественности. Абид кетмень приходит в колхоз не из-за тщеславия только, а потому, что чутьем понял, что труд в колхозе дает огромные преимущества перед единоличным хозяйством, освобождает от нужды, от темноты. Кадыри, к сожалению, не нашел нужным это сказать ясно и прямо.

Если разобраться поглубже, то в первой части повести, быть может против воли автора, выплывает мысль, что крепкий середняк, разумный, бережливый может обойтись собственными силами, может стать на ноги, создать для себя зажиточную жизнь, без помощи колхоза. А ведь и старом кишлаке и середняку жилось далеко но так привольно как может показаться при чтении повести. Средняк много терпел и от налогов, и от ростовщиков, и от баев. Вот этой стороны Кадыри не коснулся совершенно.

Не совсем правдоподобно, что Абид по религиозным соображениям на 4-й год колхозной жизни не пускает свою жену на собрания. И это после того, как автор дал в руки Мулле Абиду блестящие аргументы против религии после того, как на протяжении всей повести служители ислама – имамы разоблачаются.

Но все же перед глазами читателя встает фигура честного, добросовестного колхозника. Вот яркий факт – Мулла Абид видит, что птицы выклевают семена из свежей пашни.

«Он огорчен так, как будто птица выклеывает не семена, а его собственные глаза».

Мулла Абид – человек дела.

Он хороший председатель колхоза. Во всех важных делах он советуется с колхозниками, учитывает их мнения. Но если он чувствует свою правоту, он умеет настоять на своем.

Уже в первые дни существования колхоза Мулла Абид категорически воспретил давать на пашню жеребых кобыл. Если он видит, что лошадь переутомлена, он немедленно ставит ее на отдых, предпочитая сам шагать несколько километров пешком. Абид также знает цену трактору и сельскохозяйственным машинам.

Хороши главы повести, рисующие старый, дореволюционный кишлак, потонувший в беспросветной тьме. Автор прекрасно знает дехканство того времени, дехканство темное, невежественное, вечно обманываемое муллами и баями. Замечательны страницы, разоблачающие кишлачное духовенство, которые рассказывают о жадности, обжорстве, о всей гнусности мусульманских попов. Это прекрасный материал для антирелигиозной пропаганды. Но все же и здесь есть недочеты. Мулла Мухсин недостаточно разоблачен. Симпатия автора на его стороне. Этот поп представлен бессребренником. Автор не видит, что Мулла Мухсин похитрее многих других имамов, лицемернее их, тоньше, опаснее. В то время как мулла Махмуд действует грубо, агитирует слишком откровенно, мулла Мухсин гораздо осторожнее.

Такие, как мулла Мухсин, особенно опасны, так как они настроены «демократично» и ищут популярности среди дехкан.

Хорошо показано в повести, как баи эксплуатировали батраков и бедноту. Типичен случай с Берды Татаром, много лет работавшим на бая безвозмездно только потому, что тот обещал выдать свою дочь за него замуж.

Отталкивающими чертами, но без всякой утрировки показаны классово-чуждые. Богач мельник Абду Джалиль дарит в виде компенсации Мулле Абиду 30 фунтов муки и тут же перекладывает стоимость ее на ни в чем неповинного своего работника. Тот же Абду Джалиль панически трусит перед ба-смачами, но в то же время старается сблизиться с ними на почве общей ненависти к советской власти.

Недостаточно ярко очерчена фигура Берды татары. По мысли автора этот бывший чернорабочий, ставший коммунистом, является одним из главных строителей колхоза «Четан».

Однако чем ближе к концу повести, тем бледнее становится фигура Берды татары.

Во второй части повести Берды татары отходит совсем на задний план, заслоняется фигурой Муллы Абида.

Есть в повести и другие промахи. Все искривления в колхозном строительстве преодолеваются очень быстро, безболезненно. Классовая борьба с момента организации колхоза обрывается. Неужели «Четан» такое счастливое исключение и в него не проник ни один кулацкий прихвостень, ни один классовый враг.

Не совсем удачна сцена, когда агроном теряется перед опытным.

Можно найти и другие недостатки.

В заключение хотелось бы указать на очень существенный момент. Вся повесть написана очень неровно. Первая часть значительно лучше, ярче, чем вторая. Старый дореволюционный кишлак Кадыри знает лучше нового колхозного.

Но нужно отдать должное. Отдельные ошибки, недостатки и срывы все же не могут умалить основного достоинства нового произведения узбекской художественной литературы. Повесть «Абид кетмень» – это прежде всего художественный рассказ об одном и узбекских колхозов, члены которого честно, энергично трудятся и быстро идут к зажиточной культурной жизни. А герои этой повести – председатель колхоза Абид кетмень – яркая иллюстрация к словам т. Сталина, сказанным им еще в 1930 г.

«...Среди середняков имеются замечательные хозяева, которые могли бы стать великолепными хозяйственными работниками колхозного строительства».

И дальше «...задача состоит в том, чтобы привлечь руководящей работе в колхозах лучших людей из середнячков и дать им развернуть на этом деле свои способности».

Как развернул в колхоз свои способности бывший одиночник-середняк Абид кетмень и может узнать читатель из этой повести.

Михаил ШЕВЕРДИН.

12. «ОБИД КЕТМОН» ҚИССАСИ ҲАҚИДА

(Абдулла Қодирий асари, масъул муҳаррир С.Анқабой, Ўзнашр, 1935 йил, баҳоси 4 сўм 80 тийин)

Ўзининг ўткир қалами ва санъаткорлиги билан танилган ўртоқ Абдулла Қодирий – Жулқунбойнинг яқинда босилиб чиққан «Обид кетмон» қиссасини (повестини) ўқиб чиқдиқ. Мана шу асар ҳақида ўзимизнинг баъзи бир мулоҳазаларимизни айтиб ўтмакчимиз.

Аввал шуни айтиш керакки, бир вақтларда биздан анча йироқда туриб, ўзининг кўз ўнгидан фақат ўтмишнинг феодал қаҳрамонлари (Отабек, Кумуш, Анвар, Раъноларини) ўтказиб, уларни гўзал ранглар билан гавдалантиришни мақсад қилиб келган ўртоқ Абдулла Қодирий сотсиалистик қурилишнинг биринчи беш йиллиги ғалабасидан кейин у партиямиз сиёсатининг тўғрилиғига тўла ишонган ҳолда бизга яқинлашиб, сотсиалистик қурилиш ва унинг қаҳрамонларидан илҳом олар экан, бу умуман, бизнинг ва айниқса, совет адабиётимизнинг ютуқларидан биридир. Шунинг билан бу партиямизнинг «Адабиёт ва санъат ҳақида» 1932 йил 23-апрелдаги тарихий қарори ва эски ёзувчиларга нисбатан тутган тўғри сиёсатининг катта натижаларидан биридир.

Дуруст, унинг кейинги «Обид кетмон» асари ҳам айрим камчилик, нуқсон ва ҳатто баъзи бир жиддий хатолардан холи эмас. Бизнинг вазифамиз мана шу камчилик ва хатоларни ўз вақтида большевикларча тўғри танқид қилиб кўрсатиш билан уларни тузатишда ёзувчига ёрдам беришдир.

«Обид кетмон» қиссасининг бош мақсади колхозчилик ҳаракатининг бошлануви ва унинг тараққиёт йўлларини кўрсатишдан иборат.

Лекин ёзувчи колхозчилик ҳаракати ва айниқса, ўрта ҳол деҳқонларнинг бу ҳаракатга муносабатини жуда ҳам идеаллаштириб, ошириб юборган. Яъни аҳволнинг ҳақиқий суратини эмас, балки уни бўрттириб, «силлиқлаштириб» кўрсаткан.

Асарнинг бош қаҳрамони – Обид кетмон. Бу одам асарда айтилишича, якка деҳқончиликда ажойиб мўъжизалар кўрсатиб, сал вақтда бақувват ўртаҳол деҳқон даражасига кўтарилиб қолган киши. Унинг рўзғорида чор ишқал-тўқис, етишсизлик жойи йўқ. Яна очикроғи, егани олдида, емагани орқасида. Бунинг устига у ўтакетган диндор «художўй», беш вақт намозини сира тарк ва

қазо қилмайди. Оғир табиатли бўлиб мажлис-маъракалардан тортиниб юради. Ер ислохоти вақтида берилган ерни бойлар таъна-сидан кўрқиб олмайди. Хатто инқилобнинг биринчи йилларида (19-20-йилларда) совет ҳокимиятига қарши бўлиб, кейиндан унга нисбатан бетарафна қараб келади.

1929-йилда, яъни колхозлаштириш арафасида мана шундай кишининг (диндор ҳам бақувват ўртаҳолнинг) колхознинг нималигини яхши билмасдан, кўрмасдан туриб, қишлоқ батраги коммунист Берди татарнинг ҳамда шаҳардан вакил бўлиб борган рабочий Рафиқовнинг бир мунча оддий ташвиқоти билан «биринчи бўлиб колхозга киришига, от, хўкиз, қўш-анжом, хатто сигир-бузоқ ва уруғлиқларини дарров умумлаштириб юборишига ҳамда ўртаҳол деҳқонларни ташвиқот қилиб, бир кунда колхозга тортишига ақл сира бовар қилмайди.

Гўё Обид кетмон бу «инқилобий фаолиятини» ўзи учун эмас, балки камбағаллар, очлар, яланғочларнинг саодати йўлида қаҳрамонлик, номдорлик кўрсатиш учун қилган.

Бу дунёнинг хаёлий таъбири билан ўртаҳол деҳқонни жуда ҳам идеаллаштириб юборишдир. Биз шуни яхши биламизки, колхозчилик ҳаракатининг биринчи тўлқинида (1929 йил бошида) ўртаҳоллар, айниқса Обид кетмон каби диндор, бақувват ўртаҳоллар бутунлай янги бир нарса бўлган колхозни икки қўллаб қарши олмасдан, бирмунча вақт натижани пойлаб қолган эдилар. Уларнинг баъзилари эса, муштумзўр, руҳонийлар таъсирига берилиб, колхозлаштиришга қарши курашган эдилар. Шундай бўлиши ҳам табиий эди, чунки асрлардан буён уларнинг миясига жойлашиб қолган хусусий мулкчилик, муҳофазакорлик традицияси, бунинг устига диний урф-одат, ўртаҳол деҳқонни бир зумда коллективист, сотсиалист бўлишига тўсқинлик қиларди. Хатто Обид кетмон каби шухратпараст, «камбағалпарварлар» ҳам ўзларининг бу «муқаддас» тилак ва орзуларини бир мунча кейинга сурган эдилар.

Ахир тарихий ҳужжатлар ҳам бизга шуни яққол кўрсатадики, 1929 йил баҳорида ўртаҳол деҳқонлар колхозга оммавий равишда кирмаган эдилар. У вақтда бутун ўртаҳол деҳқонларнинг уч просентигина колхозга кириб (булар ҳам камқувватли ўртаҳоллар), қолганлари 1930-йил охирларидан бошлаб оммавий равишда колхозга кира бошладилар.

Ёзувчи ўртоқ Қодирий тарихий воқеаларнинг вақтини ҳам шунга боғлиқ бўлган тарихий ҳужжатлар вақтини янглиш кўр-

сатади. У колхозчилик ҳаракатидаги эсанкираш ва бузулиш вақтини ҳам шу муносабат билан ўртоқ Сталин томонидан «Ютуқлар олдида эсанкираш» деб ёзилган мақолани 1929 йил баҳорида бўлганини айтади. Ҳолбуки, бу воқеа 1930 йил баҳорида бўлиб ўртоқ Сталин мақоласи ҳам худди шу вақтда (1930 йил 2-мартда) ёзилгандир. Тарих устида қилинган мана бу янглиш ҳам асардаги воқеаларнинг ҳақиқийлиғига (реаллигига) бирмунча халақит берган.

«Четан» колхози тузулгандан кейин орадан бир ойча вақт ўтгач Обид кетмон колхозга раис бўлиб кўтарилади. Мана шундан кейин у колхозчилик ҳаракати бобидаги бутун назариялар ва амалиётларни сув қилиб ичган «файласуф»га айланади. Обид кетмон колхозга раис бўлиб олиш билан ҳеч бир тараддудсиз қишлоқ хўжалигини машиналаштириш, хотин-қизларни ишга тортиш, сотсиалистик мусобақа – зарбдорчилик усуллари қўллаш, ишбайини амалга ошириш, бригадирлар ташкил қилиш каби колхоз қурилишидаги энг муҳим масалаларни ўз боши билан «кашф қилиб», буларни турмушга татбиқ қила бошлайди. Шуниси қизиқки, у бу ишларнинг ҳаммасини 1929 йил ичида қилади. Колхозчилик ҳаракатидан оз-моз хабардор бўлган киши шуни яхши биладики, колхозларни ташкилий хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш омиллари бўлган юқоридаги ишлар бир йил ичида эмас, балки партия ва ҳукуматимизнинг маълум қарор ва кўрсатмалари билан бир неча йил ичида амалга оширилиб келди. Айниқса, Ўзбекистондаги бутун колхозларда юқоридаги чоралар 1930-йиллардан бошлаб татбиқ қилина бошлади.

Асарда коллективлаштириш бошида ва унинг давомида бўлган синфий кураш жуда бўш тасвирланган. Синфий душманнинг коллективлаштиришга қарши ва колхозларни ичдан бузиш учун қилган ҳаракатлари тўла равишда фош қилинмаган. Ёзувчи фақат колхоз тузуми бошида қишлоқ муштумзўрлари томонидан колхозга қарши қилинган бир мунча ифвогар билан қишлоқда бўлган бир оз тартибсизликни ва бир-икки кундан кейин яна бутун иш ўз йўлига тушиб қолганини кўрсатади. Қишлоқдаги олти муштумзўрнинг мол-мулклари мусодара қилиниб ҳайдалгандан кейин бутун иш хотиржамликка айланади. Колхознинг ичида ҳам ва унинг ташқарисида ҳам синфий душманнинг қаршилиқ ҳаракати бўлмайдди. Ҳатто асли кам-

бағал бўлиб муштумзўрлар таъсирига берилиб кетган Аҳмад тоғанинг баъзи бир тутуриқсиз ҳаракатларини (бу киши сал вақтда тўғриланиб кетди) мустасно қилсақ, колхозда битта ҳам синфий душман ва унинг агенти бўлмайди. Колхоз ўзининг тузулишидан бошлаб, тўрт йил давомида ҳеч бир лат емасдан, силлиқ тараққий қилади. Гўё кечаги якка хўжаликлар колхозга кириб, сотсиалистик руҳда ишлайдиган бўлиб қоладилар. Буни ёзувчи партия ячейка котиби Берди Шодиев тили билан: «Бизда битта ҳам ялқов йўқ», дейди.

Ёзувчининг яна битта жиддий хатоси шуки, у асарнинг биринчи қисмида руҳонийларнинг текинхўрлик, алдовчилик, муғамбирлик найрангларини фош қилади-да, лекин негадир бу руҳонийларни «катта» ва «кичик» табақаларга бўлиб, фақат катталарини зарарли қилиб кўрсатади. Аммо «кичик» руҳонийларни «жуда содда, ростгўй, ҳақиқат юзасидан иш қилувчи» киши қилиб тасвирлайди. Масалан, у «кичик» руҳонийлар типни қилиб мулла Муҳсин деган домалани кўрсатади. Ҳатто бу домла колхозлаштириш даврида (бой муштумзўрлар томонидан колхозни бузиш ҳаракати бўлаётган пайтда) душманлар томонига ўтмасдан, балки партия ячейкаси ва қишлоқ коммунистлари ёнига тушиб, «колхоз учун» ташвиқот юргизади.

Бу мутлақо тўғри эмас, албатта. Биз яхши биламизки, колхозлаштириш арафасида руҳонийлар ўзларининг «катта», «кичик» бўлишларига қарамасдан, муштумзўр бойлар билан бирлашиб, колхозга қарши очикдан-очик кураш олиб борган эдилар. Колхоз тузуми ғалаба қозонгандан кейин улар кураш тактикаларини ўзгартириб, яъни юзаки «писмиқлик», яширин зараркунандалик қилиб келдилар ва қилмоқдалар. Аммо ўртоқ Абдулла Қодирий томонидан камбағалпарвар қилиб тақдим қилинган мулла Муҳсин каби инқилобчи домлаларни кўрган эмасмиз.

Ўзининг тузулишидан бошлаб тўрт йил давомида ҳеч бир нуқсонсиз катта ютуқларга эришган «Четан» колхозига партия раҳбарлиги ва советнинг рўли-ёрдами очик кўрсатилмаган. Гарчи, ёзувчи колхоз партия ячейкасининг котиби Берди татарни тартиб рақам билан колхознинг «биринчи устуни» қилиб кўрсатса-да, лекин амалда унинг вазифаси фақат ижрочигина бўлиб кўринади, яъни Обид кетмон қандай бир янгиликни ўз бошидан «кашф» қилиб чиқармасин, Берди татар уни маъқуллаб, табриклайди, холос. Аммо унинг етакчилик рўли мутлақо кўринмайди. Яна шуниси

ажабланарлики, Обид кетмон партия ячейкасининг котиби Берди татарнинг айрим «сўллик» хатоларини тузатиб юради (масалан: мачитни бузиш).

Колхозни тузишда ва уни мустаҳкамлашда қишлоқ совети томонидан берилган ёрдам тўғрисида асарда бир сўз ҳам айтилмаган. Қишлоқ совети (махаллий ҳукумат) томонидан қилиниши лозим бўлган маъмурий ишларни ҳам колхоз правлениеси қилади (масалан: муштумзўрларни тугатиш ва бошқалар), булардан бўлак асарда яна сотсиалистик мусобақани киморбозликка айлантириш, қозонларни сувга ташлатиб, умумий қозонга кўчиш каби айрим хатолар ҳам бор.

Обид кетмон типи ёзувчи томонидан унча тўғри танланмаган. Воқеанинг боришида Обид кетмон ўзининг ясамалигини, сохталигини очиб қўяди. Масалан, шунча қахрамонликларни қилгандан кейин колхознинг ўн етти бош отини сўйдириб, гўштини аъзоларга тарқатиш, сентябрь ойида очилган пахталарни тердирмаслик ҳаракатларини қилиб қўйиб ўқувчи кўзига унинг сохта бир қахрамон эканлиги кўриниб туради.

Ёзувчи ўртоқ Абдулла Қодирий мана шундай қилиб колхоз ҳаракати ва ўртаҳол деҳқонларни жуда ҳам идеаллаштирган. Шунинг учун унинг типлари ва образлари киши ишонмайдиган даражада ясама бўлиб чиққан. Бунинг асосий сабаби шуки, ёзувчи колхозчилик ҳаракати ва унинг тараққиёт йўллари ҳақиқий равишда ўрганмасдан туриб, бу мавзуъ устида қалам тебратган.

Ишонамизки, ўртоқ Абдулла Қодирий ўзи ният қилганча «иккинчи беш йиллик Обид кетмонлари муваффақиятини давом этдирган» вақтда бу камчилик ва нуқсонларни тўлдирар. Ўзининг уста санъаткорлик талантига сотсиалистик реализм методини қўшиб, сотсиалистик қурилиш ва унинг қахрамонларининг айна суратини кўрсатиб берар.

Рустам АБДУРАҲМОНОВ

Бошқармадан: *Ўртоқ Рустам Абдураҳмоновнинг «Обид кетмон» қиссаси устида ёзган танқидий мақоласини босиш билан биз бу тўғрида бошқа ўртоқларнинг ҳам фикр беришларини сўраймиз. «Маданий инқилоб» газетаси, 1935 йил, 26 ўктябр.*

13. «ОБИД КЕТМОН» ҲАҚИДА

Абдулла Қодирий Жулқунбой Октябр инқилобидан илгари адабиёт майдонига кирган ёзувчи. А.Қодирий у даврда ўсиб келаётган савдо-саноат буржуазиясининг олдинги вакили сифатида ўз асарларида буржуазия идеяларини ўтказди, миллатчиликни ташвиқ қилди.

Октябр инқилобидан кейин очикдан-очик аксилинқилобчилар лагерига ўтган, советларга қарши курашиб, ҳамма реакцион кучларни бирлаштирган, босмачиликни ташкил этиб, интервенциячилар билан апоқ-чапоқ бўлган жаидлар қандай йўллар билан бўлса-да, ишчи-деҳқон ҳукуматини йиқитиш фикрига тушдилар. Жаид ёзувчиси А.Қодирий ҳам совет ҳукуматининг душманлари билан бирлашиб, Октябрни ашаддий душман сифатида қарши олди. У болшевикларни масхара қилиб, совет воқелигидин кулиб сатирик асарлар ёзди (кўпинча «Муштум» журналида).

Ўзбек буржуа ёзувчилари совет воқелигидан қочиб, ўтмишни мақташга, уни идеаллаштиришга тушдилар. А.Қодирий ҳам ўтмишни ва унинг қаҳрамонларини, миллий буржуазия вакилларини кўкларга кўтарди. А.Қодирийнинг идеали ҳам Оврупа буржуазиясидан ўрناق олган, фикран овруполашган савдогар Отабек эди. «Ўткан кунлар» романида бу ёзувчи Отабек, Юсуфбек ҳожи, Қутидорларнинг яхшилиги, одампарварлиги, ислом динини юқори кўтарганлигини мақтайди.

«Меҳробдан чаён» А.Қодирийда ўз дунёга қарашига бир ўзгариш қилишга интилиш борлигини кўрсатувчи ҳужжат тариқасида дунёга чиққан эди. Дуруст, бу асарда ҳам А.Қодирий ўтмишимизнинг тўғри манзарасини бермайди, халқнинг қарши ғазоби кўрсатилмайди, диннинг эксплуататорлар қуроли экани очилмай қолади (ёзувчи динга ва дин арбобларига қарши эмас, балки Солиҳ маҳдумдек ёмон руҳонийларга қарши), хон саройидаги зулм етарли тасвирланмайди. Аммо асосий қаҳрамоннинг камбағал оиласидан олингани, хасис, пулпараст Маҳдум образининг яхши чизиб берилиши, хон саройидаги зулмнинг айрим томонлари кўрсатилиши («Қирқ қизлар») булар ҳаммаси А.Қодирийнинг тўғри йўлга кира бошлаганини кўрсатиб турар эди. А.Қодирий сўнгги йилларда чиққан «Обид кетмон» повестида совет воқелигини тасвирлашга киришади.

Асарда асосий мавзу колхоз қурилиши, ўртаҳол деҳқоннинг колхозга кириши бўлиб, асосий ижобий қаҳрамон Обид кетмондир. Асарнинг мавзуи актуал. Бу мавзуга қараб ва юзаки ўйлаб, ёзувчи эски позицияларидан тамом узоқлашган, қайтадан қурилган деб айтиш мумкин: агар асарни жиддий, атрофлича текширганда, бу фикр нотўғри эканлиги маълум бўлади.

Маълумки, бадиий асарнинг қиммати турмушни тўғри, реал кўрсатиш, типик характери типик шароитда бериш билан ўлчанади. Аммо «Обид кетмон» бу талабга тўғри келмайди. Асардаги асосий ижобий қаҳрамон Обид кетмон илгари кустар ва муллавачча бўлган киши. Аммо умрида деҳқончилик қилмаган, деҳқончиликдан хабари йўқ бу киши дарров деҳқончиликнинг бутун майда-чуйдаларини билиб олади-да, бир йил ичида машхур кетмони, замбилғалтаги билан сигирли, қўйли, от-аравали, омбори ғаллага тўлган, тўқ турмушга эга бўлган ўртаҳол деҳқонга айланади. Яна бир-икки йил шундай ишласа, кулоқ бўлиши турган гап. Бундан фақат куч сарф этиш, дангаса бўлмасанг, якка хўжалиқда ҳам бахтли турмуш кечирасан, бой бўласан: кулоқлар ҳам киши кучидан фойдаланмасдан, ҳалол меҳнат билан бойиганлар, деган натижа чиқади.

Обид кетмон оғир табиатли одам: кишини ранжитмайди, беш вақт намозни қўймайди. Унинг турмушида жуда кўп рангбаранг ҳодисалар бўлса ҳам, унинг характери ўзгармайди. У синфий душманларга нафрат кўзи билан қарайди эмас, балки уларга хайрихоҳлик қилади. Колхоз раиси бўлиб беш йилдан ортиқ ишлаганида ҳам, имом ва бойларни ранжитмасликни ўйлаб, улар билан бирга намозини ўқий беради. Обид кетмонга зўр муҳаббат билан қараган ёзувчининг ўтакетган тақводорлигини, характерининг ўзгармаганлигини, синфий душманларга қарши курашда четда турганлигини қораламайди, аксинча, буларни унинг яхши сифати қилиб тасвирлайди. Асарда колхоз ичидаги синфий кураш кўрсатилмаган.

Колхоз раиси синфий курашдан четда; синфий кураш ҳам намоз ўқиши каби, унинг хусусий иши, хоҳласа синфий курашга қатнашади, хоҳламаса йўқ. Дуруст, Обид кетмон ўтмишда диндор, намоз ўқувчи домуллаларга хайрихоҳ бўлсин, хотин-қизлар озодлигига қарши чиқсин, синфий курашга актив қатнашмасин; айтайликки, колхозга кирганида ҳам биринчи йиллари эски тушунчани давом эттирсин. Лекин социализмнинг буюк

ютуқлари, мамлакат юзининг тамомила ўзгарганлиги, тарқоқ камбағал деҳқонларнинг колхоз қурилишидан кейин бадавлат маданий турмушга эга бўлганликлари ва бошқалар наҳотки Обид кетмоннинг характерини, тушунчасини ўзгартирмасе-я.

«Кулоқлик кийиб четроқда ўлтурган мулла Обид ер остидан куйловчи қизлар ичидаги ўз қизи Зайнабга хўмрайиб) қарайди». Повест мана шу сўзлар билан тамом бўлади. Юқоридагилар кўрсатадики, мулла Обид янги тип кишилар, колхозчилар образи, айниқса, социализм йўлида актив иштирок этувчи колхоз раисининг образи бўлолмайди. У икки жаҳон ўртасида қолган қоқоқ одам. У тип, образ ҳам эмас, ўйланиб чиқарилган схема.

А.Қодирий илгариги романларида ҳам синфий курашни, меҳнаткаш халқнинг бойларга қарши инқилобий курашларини йўқ қилиб кўрсатгани каби, бу повестда ҳам худди шу аҳволни такрор қилади. Асарда колхоз қурилиши вақтида бойлар, кулоқларнинг колхозга қаршилиқ кўрсатиши, колхоз ичига кириб, писмиқлик билан иш кўришлари, душман тактикасининг ўзгариши очилмаган, синфий душман фош қилинмаган, аксинча, повестда уларга муҳаббат, «улар ҳам одам-ку», деган ачиниш туйғуси бор. Мисол учун мулла Муҳсинни олайлик. Ёзувчи мулла Муҳсинни ижобий тип қилиб кўрсатади, чунки ислом динини тўғри англайди, беш вақт намозини ҳам қўймайди, бошқаларга ҳам зарари тегмайди, динни ўз шахси учун ишлатмайди, эмиш. Советларга қарши бўлган руҳонийни ёзувчи колхозга, ҳатто партияга ҳам киргизмоқчи бўлади. «Обид кетмон» ўқувчида синфий душманларга нисбатан ғазаб-нафрат кўзғатмайди. Асар ўқувчини динга қарши тарбиялашдан узоқ туради. Асарда «большевик»лар турмушдаги большевикларга сира ўхшамайди. Уларда мустақиллик, раҳбарлик роли йўқ. Берди татар, Рафиқовлар умуман деҳқончиликдан хабарсиз. Мулла Обид ва Усмон полвонлар нима деса қилиб, сеники маъқул дебгина юрувчи кишилар. Берди Татарнинг шахсий турмуши ўқувчининг кўнглини айнитадигина холос. А.Қодирийнинг «коммунист»ларида бирорта фазилат йўқки, одамга ёқсин.

А.Қодирий повестида биз жуда зўр қийинчиликларни енгиб, коллективлашни муваффақият билан амалга оширган, меҳнаткашларга бирдан-бир тўғри йўлни кўрсатиб, ёруғ турмушга олиб чиқиб, колхозчилар оммасининг энг самимий муҳаббати ва офаринига сазовор бўлган партиямизнинг вакилларини эмас, балки мужмал, лавашанг, қуруқ маҳмадоналарни кўрамиз.

«Обид кетмон» повестида омманинг роли йўқ. Ҳар нарсада буюк бутун ишларнинг илҳомчиси қилиб колхоз раиси Мулла Обид кўрсатилади. Мулла Обид бўлмаса эди, колхоз ҳам бўлмас, юксалмас, плон ҳам тўлмас эди. Асарда омманинг на характери ва на ташаббуси бор. Партия ва шаҳар прўлетариатининг колхозга доимий раҳбарлиги кўрсатилмаган. Район, шаҳар раҳбарлари уч-тўрт йилда бир мартаба, шунда ҳам тантанали мажлисга келадилар. Ҳар нарса Обид кетмон миясидан чиқади. Обид кетмон коммунистларга ҳам ҳар жиҳатдан етакчилик этади:

А.Қодирий совет ёзувчилари устидан кулади, масхаралайди. Ўзининг қаҳрамони «комсомол» Ҳасан Раҳмат тилидан ифлос сўзлар айтдиради.

«...Шаҳарлик шоирларимиз қишлоқ турмушини билмайдилар ёки билишни тиламайдилар... Шунинг учун биз ўз турмушимизни нафис, қишлоқилар учун англашилари қилиб кўрсатилган адабиётга муҳтож бўлиб келамиз. Тўғри, шоирларимизнинг шеърлари, ҳикоялари, дostonлари кўп, бироқ улар бизнинг завқимизга, эҳтиёжимизга ёт, биз улардан сариқ чақалик фойдалана олмаймиз».

Бу сўзларнинг сюжетга ҳеч қандай алоқаси йўқ, фақат А.Қодирийнинг ўз мақсади йўлида ишлатилган сўзлар. Биз билемизки, шоирларимиз орасида А.Қодирий кўрсатган кишилар йўқ эмас, бор. Лекин ҳеч кимни фарқ этмай, ҳамма совет шоирлари устида айтилган бу сўзлар совет ёзувчиларига тухмат, ҳақоратдан иборат.

Қизиқ, «Обид кетмон»да ёзувчи муҳим сиёсий масалаларга парвосиз, менсимай қарайди, муҳим масалалар ҳақида «у билан ишимиз йўқ» каби сўзлар билан чегараланади.

«Ернинг йилдагича беш-олти эмас, етти ва баъзи бўлтакларда саккиз марта ҳайдалишини, чигит экишни ўн бешинчи апрелдаёқ бажарилишини кўрган Усмон полвон ёқасини ушлайди:

– Буларга бир бало бўлдими, кўзикиб қолмайлик-да, – дейди.

Мулла Обид у қадар таажжубланиб турмайди.

– Бу колхоз менлиги, – дейди.

Татар бу ҳолни бошқача таъбир қилади:

– Ўртоқ Сталин айтганча, колхозимиз болшевиклашади, – дейди.

Бу таъбирлардан қайси бириси тўғрироқ, бунда бизнинг ишимиз йўқ».

Ёзувчи дохий Сталиннинг шиорини бузиб беради. Ўрток Сталин колхозларимизни большевистик колхозларга айлантиришни айтса, ёзувчи уни бузиб, Татарга колхоз болшевиклашадди, дедиради. Воқеага баҳо беришга келганда эса аниқ жавобдан бош тортади. Юқорида келтирилганлардан маълум бўладики, «Обид кетмон» колхозчилик йўлига кирган қишлоғимизни кўрсатмайди, колхоз қурилишидан мақсад ва афзалликларини ташвиқ этмайди. «Обид кетмон»нинг «қаҳрамон»лари социалистик қишлоқнинг илғор кишилари эмас, балки жуда нотайин шахслар. Асарда сиёсий тутуриқсизлик ва тўппадан-тўғри мантиқсизликлар жуда кўп.

Булар кўрсатадики, «Обид кетмон» ёзувчисининг дунёга қарашида ҳали қатъий мусбат ўзгариш йўқ. Абдулла Қодирий совет воқелигини билмайди, турмушимизда бўлиб турган буюк воқеаларнинг (жумладан, колхоз қурилишидан) моҳиятини тунунмайди, янги ҳодиса ва янги одамларни кўрмайди.

Абдулла Қодирийнинг ижодий принципларидаги катта бузуқликлар ҳам «Обид кетмон»да кўп камчиликларни туғдиради. Авваллари романтик асарлар ёзиб келган Абдулла Қодирийнинг ижодий принципларидан бири асарда ҳар вақт якка шахсни марказий қилиб олишдир. Буржуа романтизмга хос бу ижодий принцип бизнинг реал турмушимизни акс эттириши лозим бўлган «Обид кетмон»да зўр камчиликни келтириб чиқаради: асарда омма унутилади, Обид кетмон эса ғайритабиий қобилият ва фазилатли кишига, фавқулодда ва ягона шахсга айланади. Гўёки ҳамма яхши ишларга боис фақатгина у.

Абдулла Қодирийнинг иккинчи нотўғри принципи характери ўзгартирмай турган адабий хислат деб талқин этишидир. Обид кетмоннинг атрофида бўлиб турган буюк ҳодисалардан сира таъсирланмас бир без характерда бўлиши шундан келиб чиқади. Яна Абдулла Қодирий одамларни синфий гуруҳларга эмас, балки «яхши» ва «ёмон» деган «гуруҳлар»га бўлади. Шунинг учун ҳам у «Обид кетмон»да диннинг моҳиятини очиб бериш ўрнига, руҳонийларни «яхши» (Муҳсин домла каби) ва «ёмон» (Хатиф шалҳак каби) руҳоний тарзида кўрсатиш билан ўзини катта иш қилгандек хис этади, ваҳоланки, бу динни фош қилиш эмас, балки динга ва руҳонийларга ёрдам қилишдир.

«Обид кетмон» Анқабойнинг сиёсий таҳрири остида чиққан. Муҳаррири «Обид кетмон»ни шунча идеологик бузуқликлари

ва хатолари бўлса ҳам бостириб чиқаришни зарур топган экан, бу асарга муфассал бош сўз ёзиб, ўқувчига бу асардаги ҳамма тугуриқсизликларни яхшилаб тушунтириб бериши зарур эди. Анқабой бундай қилмаган, катта сиёсий кўрлик кўрсатган.

*Жуманиёз ШАРИФИЙ,
Олим ШАРАФИДДИНОВ,
«Қизил Ўзбекистон», 1937 йил, 3 июн.*

1. Олим Шарафиддинов (тахаллуси Айн) – (1903, Тошкент – 1943, Белоруссия) – адабиётшунос, педагог олим. Ўзбекистон ФАнинг мухбир аъзоси. Бир қатор ёзувчилар, хусусан Навоий ижодига бағишланган монографиялар муаллифи, мактаблар учун адабиёт фанидан дарсликлар тузган.

2. Шевердин Михаил Иванович (1899, Модлин – Польша) – рус совет ёзувчиси. Ҳарбий врач оиласида туғилган. 1893 йилда Шевердинлар оиласи Туркистонга кўчиб келган. 1908–17 йилларда Самарқанддаги эрлар гимназиясида ўқийди. Туркистон шарқ институтини тугатган (1927). Ўша даврнинг рус тилидаги газета ва журналларида ишлаган. Кўплаб очерк ва ҳикоялар, Ўрта Осиёда шўро ҳокимиятини ўрнатиш учун кураш воқеаларидан ҳикоя қилувчи романлар муаллифи.

3. Муҳаммад Ҳасанов – (1904–1938, Тошкент) ўқитувчи оиласида туғилган. «Қизил йўл», «Қизил байроқ», «Туркистон» газеталарида адабий ходим, Туркистон Компартияси Марказий Комитети матбуот бўлимининг инструктори бўлиб ишлаган. 1930 йилда Москвада ВКП(б) МК ҳузуридаги Олий партия курсининг газета бўлимида бир йил ўқуб, тугатиб, «Қизил Ўзбекистон» газетасига масъул муҳаррир этиб тайинланади. 1936 йилда эса «Правда Востока» газетасида муҳаррир бўлиб ишлайди. Шу билан бирга у моҳир таржимон ҳам бўлган. «Халқ душмани» сифатида отувга ҳукм қилинган.

4. Сулаймон Хўжаев – (1893–1937, Тошкент) илк кино актёри, сценарийчи, кинорежиссёр. Ўзбек кино санъати асосчиларидан. Адабиётшунос олим Ҳамид Сулаймоновнинг отаси. Тошкентдаги «Кўкалдош», «Абулқосим» мадрасаларида (1902–12) ва Москвадаги кинематография институтида (1927–32) таҳсил олган. «Турк адам марказият», «Миллий истиқлол» аксилшўровий ташкилотлари аъзоси (1917–21). «Работ қашқирлари», «Чачвон», «Сўнгги бек», «Авлиё қизи», «Тонг олдидан» фильмларида артист, сценарий муаллифи, режиссёр сифатида иштирок этган. Хўжаев навбатдаги фильмни суратга олиш пайтида (1934) ҳибсга олиниб, 6 йиллик муддатга жазоланади. Кўп ўтмай «Малик» лагерь савхозида аксилшўровий тарғиботда айбланиб, отувга ҳукм қилинади.

5. Иброҳим Тоҳирӣ – татар миллатига мансуб маърифатпарвар матбуотчилардан, 1910–20-йиллар матбуотида фаол

иштирок этган. Шоира Саида Зуннунова ёзган хотирасида САГУ (Ўрта Осиё Давлат Университети)даги талабалик йилларини эслаб, бу кишини психологиядан дарс берган эди, деб эслаб ўтади. Бу шахс ҳақида бошқа маълумот топилмади.

6. Пётр Григорьевич Галузо – (1897–1937 Белоруссия) шўро тарихчиси, Ўрта Осиёнинг тадқиқчиси, Туркменистон Олий коммунистик халқ хўжалиги мактабининг ректори (1924-1937), «халқ душмани» сифатида қатл этилган.

7. Миёнбузрук Солиҳов – (1891–1938 Тошкент) адабиётшунос, фольклоршунос, санъатшунос олим. Истанбул университети тугатган (1927), Туркистонга қайтгач, Шарқ факультетида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берган (1927-31). Тожикистон давлат маориф институтида ўқитувчи (1931-32), Ўзбекистон Маданий қурилиш илмий тадқиқот институтида (1932-33) ва Ўзбекистон Фан қўмитаси қошидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим (1934-35). Тошкент, Самарқанд, Бухоро педагогика институтларида ўқитувчи бўлиб ишлаган. Ўзбек адабиёти ва санъатига оид мақолалар, рисоалар ва монографиялар муаллифи. С.Айнийнинг «Дохунда» романини ўзбек тилига таржима қилган. 1937 йил 7 августда ҳибсга олиниб, 1938 йил 5 ўктябрда «халқ душмани» сифатида отувга ҳукм қилинган.

8. Хидиралиев Инъомжон (Иноғомжон) – (1891 – Наманган вилоят, Поп тумани, Исковат қишлоғи – 1928, 31 декабр, Москва) давлат ва жамоат арбоби, дипломат. Хидиралиев 1919 йилдан шўро идораларининг турли масъул лавозимларида ишлаган. Фарғона вилояти партия қўмитасининг котиби (1920-21), Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси (1922-24), РСФСР Ер ишлари, федерал комитети президиуми аъзоси (1923-24), Туркистон АССРнинг РСФСРдаги мухтор вакили (1924 й. январ-ноябр). Хидиралиев Туркистон республикаси манфаатларини ҳимоя қилиб, болшевикларнинг шовинистик сиёсатига қарши курашган. «Халқ душмани» сифатида отувга ҳукм қилинган. Москванинг Ваганьково қабристонига дафн қилинган. Вафотидан кейин 1937 йилдаги оммавий репрессия даврида «халқ душмани» сифатида қораланган.

9. Назир Сафаров – (1905–1985, Жиззах) Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1975), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1950), «Қизил Ўзбекистон» газетасининг бўлим мудирини, «Ишчи» газетасида (1929-33) ва Ёзувчилар уюшмасида масъул

котиб (1932-35) ва бошқа мартабали лавозимларда ишлаган, кўплаб китоблар ва драмалар муаллифи.

10. Рустам Абдурахмонов – (1905-Бухоро вилояти, Гиждувон тумани) журналист, таржимон. «Озод Бухоро» газетасининг масъул котиби, 1930 йилдан «Ленин йўли», «Кизил Ўзбекистон», «Коммунист» газета ва журналларида муҳаррир. Ўзбекистон давлат нашриётида бош муҳаррир, урушдан сўнг эса давлат партия ташкилотларининг турли лавозимларида ишлаган. «Русча-ўзбекча луғат» Р.Абдурахмонов таҳрири остида чиққан.

11. Жуманиёз Шарипов – (1911 Хива) таржимашунос олим, ўзбек совет ёзувчиси, 1930 йилларда тил-адабиёт, маданият бўлимларининг масъул лавозимларида ишлаган.

АДИБНИ ХОТИРЛАБ

Аббос АШРАБОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби,
техника фанлари доктори, профессор

КЎКТЕРАКДА БИР КУН

1926 йил ҳамал ойининг охири кунлари эди. Бугун ҳам одатдагидек, ҳовли ўртасидаги бақатерак тагида тўпландик. Ҳар ҳафта пайшанба куни тушлик овқатдан сўнг болалар уйининг юқори синф ўқувчилари шу терак тагига ўрнатилган курсиларда ипга чизилган мунчоқдек қатор-қатор бўлиб ўтирардик. Болалар уйи мудир Садриддин домлазода рўпарамизда ўтириб русча китоблардан, Л.Толстой, М.Горький ва А.Чехов асарларидан парчалар ўқиб, ўзбекча ҳикоя қилиб берар эдилар. Бизлар домлазоданинг ҳикояларини мароқ билан тинглар эдик. Улуғ ёзувчиларнинг бу асарлари бизларда адабиётга бўлган қизиқиш, меҳр-туйғуларини уйғотар эди. Болалар уйимиз кутубхонасида ўзбек тилида ёзилган биронта ҳам китоб йўқ эди. Кутубхонада татар тилида ёзилган Олимжон Иброҳимовнинг «Қозоқ қизи» ва «Дим бўйнида» деган асарлар бўлиб, улар қўлдан-қўлга ўтиб ўқиларди.

1926 йилнинг охири кунларидан бирида тил ва адабиёт дарсининг ўқитувчиси Боқирхон домла шаҳардан қайтишида машҳур ёзувчи Абдулла Қодирийнинг уч жилддан иборат «Ўткан кунлар» романини олиб келдилар. Дарс вақтида домла роман ҳақида қисқача гапириб бердилар. Кечки пайт оқшом овқатидан сўнг мен ва синфдошларимдан Усмонали, Аброрхон учаламиз домлалар хонасининг деразаси ёнига келиб турдик. Хонага кириб-чиқиб турган домлалардан бири бизларга бир назар ташлаб, ичкарига кириб кетди. Орадан беш-ўн дақиқа вақт ўтгач, Боқирхон домла Абдулла Қодирий романининг биринчи жилдини кўтариб чиқиб, менинг қўлимга узатдилар. Биз ўзбек тилида ёзилган романни биринчи марта кўрганимиз

учун уни қайта-қайта ўқидик. Романни ёзган адиб бизларга гўё ўша даврда яшагандек туюларди.

Кейинги йили баҳор фасли одатдагидек пайшанба куни яна шу бақатерак тагига тўпландик. Бу гал домлазода билан бирга Боқирхон домла ҳам олдимизга келдилар. «Ўткан кунлар» романи ҳақида батафсил гапириб бердилар. Орадан кўп вақт ўтмай мактабнинг хўжалик мудирини Бўрихожи ака ташқаридан ҳовлиқиб кириб келди. Шопдек, қалин, қора, учи қулоғига етadиган мўйловини бармоқлари билан у ёқ-бу ёққа суриб, домлазоданинг қулоғига ниманидир шивирлаб гапирди. Домлазода бирон воқеа тўғрисида гапирмоқчи бўлсалар, одатда чап кўзларини қисиб, қошини чимириб, сўнгра секин гап бошлар эди. Бу гал ҳам шу аснода бизларга назар ташлаб, тарқалишга имо қилдилар. Домлазода Боқирхон домлани ёнларига олиб, кўча дарвозаси олдига чиқдилар. Қўлларини пешонасига соябон қилиб келаётган отлиқларга назар ташладилар. Улардан бири ўзимизнинг боғбонимиз Обид ака, иккинчиси машҳур ёзувчи Абдулла Қодирий эди. Улар отларини ётоқхона олдидаги даррактларга боғлаб, мактаб дарвозаси томон кела бошлашди.

Бошига мошранг дўппи, устига сидирға банорас чакмон, оёғига пошнаси паст этик кийган бу меҳмон кўзимизга иссиқ кўринди. Мен бундан бир неча кун илгари чиққан «Қизил Ўзбекистон» газетасида шу кишига ўхшаган суратни кўрган эдим. Меҳмон дарвоза олдига борганида тўхтаб, дарвоза тепасига қоқиб қўйилган кўргазмага назар солиб, бир оз кулимсираб, домлазодага қаради. Унда бир томонига ўзбекча ва иккинчи томонига русча «Етти йиллик болалар уйи» деб йирик-йирик ҳарфлар билан ёзилган эди. Бироқ русча ёзилган «Семилетняя» сўзида охириги ҳарфи хато – «яя» ҳарфлари ўрнида «ая» бўлиб ёзилган. Бу хатони домлазода олдиндан сезган бўлса ҳам, тузатиб улгуролмаганлар. Ўзларига бир оз ноқулайлик сезиб:

– Хўжалик мудирини кўргазмани шаҳарда тайёрлаб келтирган, хатога эътибор бермаган, – деб кулимсираб қўйдилар.

Ҳовлидаги бақатерак соясида турган домлазода столга меҳмонни таклиф қилди. Обид ака ёнидан пичоғини олиб, бўлка нонни кесиб, уларнинг олдига қўйди, сопол пиёлаларда чой қуйиб узатди. Домлазода болалар уйидаги аҳвол, ўқиш ҳақида батафсил гапириб бердилар. Абдулла Қодирий эътибор билан қулоқ солди. Сухбат охирида Абдулла Қодирий айвонга чиқиб

деворий газеталарни кўздан кечирди. Адиб чап қўлини белига қўйиб, ўнг қўли бармоқлари билан энгагини тутиб, деворий газетада ёзилган кўпгина мақолаларни эътибор бериб ўқиб чиқди. Болалар уйидаги ўсмирлар ижоди унга анча таъсир қилди. Ёнида турган Боқирхон домлага қараб адабиёт дарси ўтишидан мамнунлигини изҳор этди. Абдулла Қодирий домлазодадан узр сўраб, кетишга ҳаракат қилди. Улар меҳмонни кузатиб ҳовли четига яқинлашганларида йўлакдан рус тили ўқитувчиси Владимир Иванович Чернов кириб келди. Абдулла Қодирий уни кўриб, ўзига яқин бир кишини учратгандек номини айтиб сўрашди.

Обид ака ҳам отига миниб, меҳмон билан бирга Келес бека-ти ёнидаги қишлоғига жўнаб кетди. Улар кўздан узоқлашгунча бизлар ётоқхона деразасидан қараб қолдик.

* * *

Май байрамига тайёргарлик қизғин бормоқда эди. Боқирхон домла мени, Усмонали ва Аброрхонни ёнига чақириб:

– Болалар, май байрами кунлари шаҳарга тушсаларинг, бизнинг уйга меҳмон бўлинглар. Миша амакига айтаман, у сизларни аравасида шаҳар яқинига олиб бориб қўяди, – дедилар. Сўнгра чўнтақларидан бир парча қоғозни чиқариб, менга узатдилар. Унда кўча номи, уй рақами кўрсатилган эди. Май байрами арафаси куни тушки овқатдан сўнг мен, Усмонали ва Аброрхон учаламиз Миша амакининг от-аравасида шаҳарга келдик. У бизларни шаҳарнинг Қумлоқ гузарига етказиб қўйди. Қуёш ботишига яқинлашди, хатда ёзилгани бўйича, Хадрадан ўтиб Қоратош кўчасидаги кўприк олдига келдик. Домла Яланқари кўчасидаги уйлардан бирида турар эдилар. Қуёш ботиб кеч кирабошлаганида, домланинг уйларига етиб келдик. Домла бизни хурсанд кутиб олдилар, ташқаридаги меҳмонхонага жойлаштирдилар. Бизлар билан бирга анча ўтириб, шаҳар янгиликларидан сўзлаб бердилар. Домла эртаги кунимиз тўғрисида гап бошлаганларида ҳар учовимиз ҳам бир истакнинг хаёлида турар эдик.

Домла буни пайқадилар:

– Бирор илтимосларинг бўлса, сўранглар, – деб бизга қарадилар.

Усмонали бошини юқори кўтариб:

– Бизларнинг сиздан сўрайдиган тилагимиз бор, агар имкони бўлса, сизга оғир келмаса, бизларни ўша азиз меҳмонимиз ёзувчи Абдулла Қодирий билан учраштирамангиз, – деб илтимос қилди.

Домла бир оз ўйланиб турди-да, бизларга қараб кулимсираб қўйдилар.

Эртаси эрталаб нонуштадан сўнг домла бизларни бошлаб Абдулла Қодирийнинг уйига олиб кетдилар. Қоратош кўчаси кўпригидан ўтгач, ўнг қўлдаги тор кўчага қайрилдик. Бу боши берк тўртинчи Эшонгузар кўчаси бўлиб, унда буюк ёзувчи Абдулла Қодирий яшар эди. Тор кўчанинг охирига етганимизда икки тавақали эшик олдида тўхтадик. Эшикни Абдулла аканинг ўзи очдилар. Домла ҳаммамизнинг номимиздан миннатдорчилик билдириб, бевақт келганимиз учун узр сўрадилар.

Уйга кирдик. Тўрдаги курси устида даста-даста қўлёзмалар турарди. Булар вужудга келаётган катта бир асардан дарак берарди. Бизлар бошимизни қуйи солиб, домла билан ёзувчининг суҳбатларини тинглаб ўтирдик. Биз ёш ўсмирларга адиб катта кишилардек эътибор билан қараб, роман ҳақида гапириб берди. Абдулла Қодирий ҳозир иккинчи романини ёзиб, ниҳоясига етиш олдида экан. Яқинда Қўқонга бориб қайтгани ҳақида сўзлаб берди.

– Қўқондан келганимга уч-тўрт кун бўлди, у ерда қолдик тарихий ёдгорликлар ва хон ўрдаси атрофида яшовчи Қўқоннинг кекса мардумлари билан суҳбатда бўлдим. Қўқондан қайтиб келганимдан сўнг қўлёзмага бир оз ўзгартиришлар киритдим. Биринчи қўлёзмада романнинг номи «Меҳробдан бўри» деб аталган эди. Таҳрирдан кейин уни «Меҳробдан чаён» деб ўзгартирдим. Бу ўзгаришлар китобнинг анча зийрак бўлиб чиқишига имкон яратди.

Ёзувчи бизларни дастурхонга таклиф этиб, сўзида давом этди:

– Агар романи катта бир харсанг тош деб фараз қилсак, биз унинг устига чиқиб атрофга назар ташлаймиз, мавзуга оид бўлган, киши илҳомини ҳаракатга келтирадиган сўзларни қаламга тортамиз. Шу билан бирга бир жумлани ёзмоқчи бўлсак, унга оид бир неча сўзлар кўзимиз олдидан ўтади. Улардан бирининг устида тўхтаб, жумламизга киритамиз.

Қискагина бир вақт ичида адибнинг катта бир мактабида бўлиб чиқдик. Унинг ҳар бир сўзига эътибор бериб, мароқ билан тингладик. Орадан йиллар ўтган бўлса ҳам, суҳбатда эшитган сўзлар дилимизда сақланиб келмоқда.

Боқирхон домла қўлидаги пиёлани дастурхон четига қўйиб бизларга, энди кетайлик, деб имо билан қараб қўйди. Сўнгра мезбондан кетишга ижозат сўрадилар. Шу пайт эшик орқасидан кекса бир аёл уч дона дўппини енг ичида хужрага узатди. Абдулла Қодирий ўринларидан туриб дўппиларни олдилар, бирини менга, иккисини шерикларимнинг бошига кийгизиб, май байрами билан табриклар қўйдилар. Бизлар аёлни, адибнинг табаррук оналари бўлсалар керак, деб ўйладик. Абдулла Қодирий бизларни кўча эшигига қадар кузатиб чиқиб, халқимиз яратган санъат ва адабиётни чуқур ўрганишга даъват қилиб қолдилар.

Кеч оқшом пайти Кўктерак манзилидаги уйимизга етиб келдик.

* * *

Собит РАҲИМБЕРДИ ўғли

БЕРДИ ТАТАР

Дадам Абдулла акамнинг акси бўлиб, дунёни сув босса, тўпигига чиқмайдиганлардан эдилар. Чойни хўплаб, пиёлани эриниб хонтахтанинг четига қўярдилар. Биз:

– Дада, ўртароққа қўйинг, пиёла ерга тушиб кетади, – десак, «чип» этиб лабларини чимирибгина қўярдилар.

Бир куни Абдулла акам, Раҳбар опам, ойим дадамни уйга қоровул тайинлаб, Эрон қишлоғида яшовчи Ориф поччамни-кига меҳмонга кетишибди. Улар келишгач дадам:

– Ҳа, Роби, келдиларингми? Ичкарига кирларинг. Бу ёғиям зўр бўлди, – деб ётган жойларида кутиб олган эканлар. Ичкарига киришса, ҳамма ёқ алғов-далғов. Ҳайрон бўлиб бунинг сабабини сўрашибди. Дадам бепарвогина елка қисиб қўя қолибдилар. Воқеа бундай бўлган экан.

Маҳалладаги безори болалар уйга киришиб, ухлаб ётган дадамни каравотлари билан кўтариб суриб, ичкари эшикни очиб,

челақдаги ёғ ва бошқа арзимас нарсаларни олиб чиқиб кетишибди. Дадам билиб турсалар ҳам, бепарво ётаверибдилар.

Эсимда, бир куни ойим дадамга:

– Бориб товукни сотиб, ўрнига егулик олиб келинг, – деб бозорга тушириб юбордилар. Дадам бир маҳал бўш тоғорани қўлтиқлаб кўтариб келдилар. Ойим:

– Егулик қани? Тоғорани нега олдингиз? – дедилар.

– Э, товукни ҳеч ким олмовди, тоғорага алмашвордим. Рўзгорга ярар, – деб жавоб бердилар дадам. Ҳозиргача ҳам «Товукнинг пулига келган тоғора» деб уни сақлаб келамиз. Дадам ўзи ёшликларидан шунақа содда эканлар. Катталарнинг эслашича, Жосият бибим енгларида узум, мевалар бекитиб:

– Раҳимберди, дадангга айтмагин, – деб қўшниларникига улашгани олиб чиқиб кетарканлар. Кечқурун дадам Қодир бобомга:

– Дада, ойим уйдан ҳеч нарса олиб чиқиб кетмадилар, – деб «сотиб» қўярканлар.

Ўша давр одамлари қанчалик содда бўлишмасин, бироқ бир-бирларига оқибатли бўлишган. Абдулла акам Москвага ўқишга кетганларида ойим кармондўзлик қилиб, «Қайним қийналмасин» деб пул йиғиб жўнатар эканлар. Абдулла акам ҳам бизга жуда меҳрибон эдилар. Ойкумуш опамни ўз фарзандларидан ҳам ортиқроқ суярдилар. Опам ёшликлариданоқ зийрак, уқувли эдилар. Улар айтган:

*Гар ўзинг ўйнагали бир яхши ўртоқ истасанг
Ўнг қулоғин қурт еган каллага топширдим сани,*

– каби ҳажвий шеърлари ҳали-ҳали қулоғим остидан нари кетмайди.

Маҳалламизда Отинча опа деган аёл бўларди. Опа бизникига келиб, Ойкумуш опамга дутор чертишни ўргатардилар. Опам дутор чалишни ўргангач:

*Вақ-вақа тўрам, босманг жамалагимни
Ушлананг, ака, қўйворинг оқ билагимни,*

– деб ашула айтардилар.

Абдулла акам қизларига қўшиб опамни ҳам Бешёғочдаги мактаб-интернатга ўқишга бердилар. Бироқ опам ўқишдан келётганида томдан осилиб тушган сумалакни еб, ўпкалари шамоллаб, 19 ёшда вафот этдилар. Абдулла акам жуда куйиниб кетгандилар. Мен Абдулла акамнинг йиғлаганларини биринчи марта ўшанда кўрганман.

Опам Отинча опага ўхшаш оқ-сарикдан келганликлари учунми, ойим уларни доим бизникига олиб чиқиб, йиғлаб суҳбатлашиб ўтирардилар. Кейин ўша аёл онамнинг илтимосларига кўра менга дутор чалишни ўргатди. Мен Ҳабибулла ва Масъудга ўргатдим.

Абдулла акам шийпон қурадиган бўлиб қолдилар. Мен Ҳабибулла билан озгина ғишт қуйган бўлдик. Кейин усталарга ғишт таший бошладик. Абдулла акам бизга махсус ғишт ташийдиган тахта ясаб бергандилар. Тахтани орқамизга қўйиб, тахта учига боғланган икки арқонни елкамиздан ошириб, устига етти-саккизтадан ғишт қўйиб таширдик.

Шийпон ҳам битди. Абдулла акам шийпон атрофини текислаб деҳқончилик билан шуғуллана бошладилар. Боғнинг кунботар томонига картошка эймоқчи бўлдилар. Уларнинг ер чопиш ҳунарлари антиқа эди. Биринчи йили ернинг бир томонини одам бўйи келадиган қилиб, энига узун ҳовуз томонга сурдилар. Натижада узун ҳовуз ернинг иккинчи томонида пайдо бўлди. Кейин катта-катта жўяк олиб картошка экдилар. Картошка униб чиққач, бароб, яъни танасини кўма бошладилар. Картошка тепага қараб ўсаверди. Абдулла акам кўмиб тепага чиқавердилар. Картошкаларни кўмиш шу даражага етдики, мен Ҳабибулла билан ариқнинг ичига тушиб бемалол бекинма-чоқ ўйнардик. Йиғим-терим маҳалида картошканинг ҳар бир тупидан челагидан орттириб ҳосил олдилар. Кузда ерни яна ҳовуз томонга суриб ағдариб чиқдилар.

Абдулла акам шийпоннинг юқори қисмида узумзор барпо этмоқчи бўлдилар. Жойни ҳозирлаб, узум кўчати экиш вақти ўтганиданми, кўзлаган кўчатлари бўлмаганлиги учунми, негадир иш тўхтаб қолди. Ер бўш қолмасин деб, Бердивой исмли бир татар йигит билан шерикчиликка помидор экдилар. У вақтларда биз томонда помидор экиш одат тусига кирмаган эди. Абдулла акам Берди татар билан ер чопишдилар, жўяк олишдилар. Хуллас, помидор кўчатини экиш, сув, ўғит билан

парваришлар, чопиқ қилиш ишларини Абдулла акам баб-баравар бажаришдилар.

Бердивой ака асли Сирдарё яқинидаги ноҳияларнинг биридан бўлиб, тирикчилик сабабли шаҳарга иш қидириб келганлардан экан. Бердивой ака шийпонда ётиб юрарди. Бўш вақтларида Абдулла акам билан суҳбатлашар, ҳатто бирга намоз ҳам ўқирди.

Помидор ҳосилга кириши маҳалида Бердивой ака Абдулла акамдан рухсат олиб, бирор ҳафтага бола-чақасидан хабар олгани кетди.

Бердивой ака айтган муддатида келавермагач, Абдулла акам кимнидир унинг уйига жўнатдилар. Орадан бирор кун ўтмай, борувчи шум хабар олиб келди. Бердивой ака бола-чақасини кўриб, яна Тошкентга қайтаётганида хайрлашиб уйдан чиқибди-ю, уйларининг олдидаги темир йўлдан ўтаётиб поезд тагида қолиб кетибди.

Абдулла акам бу хабарни эшитиб:

– Бечора Бердивой хокисор, имони бут, ишнинг кўзини яхши биладиган йигит эди, – деб анча вақтгача ачиниб юрдилар. Орадан бирмунча вақт ўтгач Абдулла акам:

– Мен Бердивойникига бордим. Бечоранинг тўрт фарзанди етим қолибди. Ўзиям турмушлари жуда ночор экан. Оиласига ҳақини ташлаб келдим, – деган эдилар бир оилавий суҳбат чоғида.

Ўша йили ернинг зўриданми ёки Бердивой аканинг меҳнатиданми, ҳосил чунонам мўл бўлдики, етилган помидорларни териб улгура олмадик. Абдулла акам эски шаҳарлик баққол танишлари билан гаплашдилар. Обид акам, мен, Ҳабибулла баққолнинг дўконига помидор ташиб бердик. Раҳбар опам помидор териш, қоқи қилиш, қўшниларга тарқатиш билан машғул бўлдилар. Ўша йили Абдулла акам Обид акам ва менга бош-оёқ кийим-кечак олиб бердилар. Ўзлари келаси йил учун помидор уруғларидан қўшниларга улашдилар.

Абдулла акамнинг ёзувчилигу деҳқончилик хунари авж олган паллада алғов-далғов замон бошланди. Ҳамма бир-биридан кўрқиб яшай бошлади. Узокроқ қариндошимиз Соли совунгар деган киши ҳам қочиб, бизникида ётиб юрди. Ўшанда Абдулла акамга:

– Сизни Эрон қишлоғига обориб қўяйлик. Даштда қовун экиб юрасиз, – деганимизга ҳам кўнмадилар. Балки айтганимизга кўнганларида тирик қолган бўлармидилар. Чунки ўша ерга шаҳардан қочиб чиққанлар бари жон сақлаб қолди.

Абдулла акамни олиб кетишаётганида Ҳабибулла бетоб эди. У бир йилга яқин гипс каравотда чалқанчасига ётди. Одам ётаверса чақалоққа ўхшаб қоларкан, Ҳабибулла ўрнидан турганда юришни ҳам эсидан чиқариб қўйган экан. Уни ўн беш кунча етаклаб юрганмиз. Кейин аста-секин юриб кетди. Махсус тикилган белбоғ тақиб юрарди. Ўшанда шийпонга ғишт ташиб, бели эзилган экан раҳматликнинг.

* * *

Нуриддин ЗАЙНИДДИН ўғли

БУВА ҚАДРДОНЛАРИМ

Менинг бувам Иноғомжон Исажон ўғли (1876-1960) асли кўк-тераклик бўлиб, Тошкент атрофида номи чиққан боғбон эдилар. У киши ҳурматли адибимиз Абдулла Қодирий билан ниҳоятда яқин бўлишган. Бувам Абдулла Қодирийни ўкинч-алам билан тез-тез эслаб қолардилар. Кейинчалик уларнинг қай даражада яқин бўлишганини ўғиллари Ҳабибулла аканинг суҳбатларидан, ёзган мақола ва китобларидан ҳам ўқиб билдим. Мен тўрт-беш ёш бола пайтларимда кечқурун бувамнинг ёнларида ётардим. Бувам ҳар кечаси ухлашдан олдин Қуръон оятларидан менга ёдлатардилар. Орада менга «Обид кетмон» китобининг охирида ёзилган шеърни ҳам ёдлатганлар. У ҳали ҳам эсимда турибди:

Меҳнат – дилбар, бизлар унинг шайдосимиз

Вазифасин англаганлар аълосимиз!

Бахтнинг қуши бизга томон қанот қоқди,

Камбағаллар қулбасига чироқ ёқди!

Обид кетмон колхозининг аъзосимиз,

Момиқ отлиқ оқ олтиннинг дарёсимиз.

Бувамдан менга шулар эсдалик бўлиб қолган. Шу эсдалиқдан ҳам уларнинг бир-бирига муносабат, ҳурмат-эътибори қандай бўлганини ўйлаб қоламан.

1957 йил. Ўн-ўн бир ёшли бола эдим. Ўқишдан кейин тирикчилик учун қассоблардан гўшт олиб, Чорсу бозорида сотардим. Бир куни гўшт сотиб турсам, ғовур-ғувур гап бошланиб қолди. Қизиқиб одамлар орасига кириб бордим. Бир кекса одам ёнида халтага солинган китоблар, қўлида эса янги босилган «Ўткан кунлар» китобини ушлаб сотиб турибди. Одамларнинг қўлида ҳам шу китоб. Мен бу китоб ҳақида бувамдан кўп эшитганман, лекин ўқимаган эдим, чунки бу китобни ўқиш бу пайтгача тақиқланган эди. Мана энди яна қайта босиб чиқаришибди. Мен ўйлаб ўтирмай биттасини сотиб олдим ва китобни бувамга олиб бориб бердим. Ўша кун бувамнинг у ҳолати ҳамон эсимда. Бувам китобни икки қўллаб ушлаб, бир менга, бир китобга қарардилар, кейин уни бир неча марта лабларига олиб бориб, сўнг пешоналарига теккиздилар. Кейин бағриларига босиб, хўнг-хўнг йиғлаб турган ҳолда: «Алҳамдулиллаҳ, шу кунларга етказиб, кўрсатганингга шукур», деб Аллоҳга ҳамду санолар айтдилар. Кейин кўнгилларига бир нималар келдими, опам Шарофатга сандиқдан тез тўн олиб чиқишни айтдилар. Сўнг қийиққа ўралган тўнни қўлга олдиларда, менга: «юр, мен билан бирга» деб йўлга тушдилар. Ҳозир эсласам, биз Абдулла бувани ўша шийпонли ҳовлиларига борган эканмиз. Биз кириб борганда ҳовлидаги айвонда анча-мунча одам ўтирган экан. Бизни кўриб ўринларидан туришди. Отам ўғиллари бўлмиш Ҳабибулла акага йиғлаб-йиғлаб тўн билан дўппи кийгиздилар. Турганларнинг кўпчилиги йиғлади. Айниқса оқ-сарикдан келган бир киши юз-кўзларидан ёшлари оқиб шийпон томон юринди. (Кейинчалик балсам бу киши Ғози Юнуснинг ўғиллари Тўлқин Юнусов экан). Табрик-йўқловга келиб тўрда ўтирганлардан Зиёвиддинхон эшон Бобохон ҳазратлари эканлигини кейинчалик билдим. У киши билан пойгаҳда ўтирган тўладан келган ёшроқ бир киши Абдулла бува ҳақида кўп яхши суҳбат қуришди. Билсам, у киши Абдулла бувани қайнилари экан. Зиёвиддинхон домла Абдулла бувани ҳақларига тиловат қилдилар...

Сўнгги кунларида ҳам бувамнинг тилларидан Абдулла Қодирий оти тушмас, китобларини ёстиқлари тагида асрар, у киши ҳақларига дуо қилар эдилар. Бувам 1960 йил 15 август куни оламдан ўтдилар ва шундан сўнг Қодирийлар хонадони билан борди-келдимиз узилиб қолди.

1976 йилнинг куз ойларида хотинимнинг соғлиғи ёмонлашиб, нафаси қисадиган бўлиб қолди. Бир куни тунда шу касали қаттиқ хуруж қилди. Мен уни 10-шаҳар касалхонасига (Қорақамишдаги ҳозирги ИИБ касалхонаси) олиб бордим. Навбатчи шифокор киши аёлимни кўрди, текширди, биринчи ёрдам қилиб дори берди, укол қилди. Азобланиб турган аёлим тинчланиб, тезда уйқуга кетди. Тонгда ўзига келиб: «Шифокорларга раҳмат айтдингизми?» – деди ва гап орасида Абдулла Қодирийнинг ўғилларидан бири шу ерда шифокор бўлиб ишлашини айтди. Мен дарҳол шифокор хонасига бориб, у ердаги кишидан аёлим айтган гапни сўрадим. Нималарнидир қоғозга ёзиб ўтирган шифокор кўзойнаги устидан менга қараб: «Сиз ким бўласиз?» – деб сўради. «Мен Иноғом отанинг набиралари бўламан», дейишим билан у киши ўрнидан туриб келиб, мени бағрига босди ва: «Мен ўша Абдулла Қодирийнинг ўғли Ҳабибулла акангиз бўламан», – деди. Кўзлари ёшланди.

Биз ўтириб узоқ суҳбатлашдик. Суҳбат давомида Ҳабибулла ака бувамни кўп эсладилар. «Терак шохига узум улаб, ҳосил оладиган қўли гул боғбон эдилар» деб таъриф қилдилар. Шу-шу Ҳабибулла акани тез-тез йўқлаб турадиган бўлдим.

1987 йил катта қизим Шаҳнозани турмушга узатадиган бўлди ва Ҳабибулла акани тўйга таклиф қилиб уйларига бордим. Чамаси, кечки соат тўртлар эди. Ташқарига чиқишларини кутмай, ўзим хоналарига кириб бордим. Хонтахта устида жуда кўп ёзилган-чизилган қоғоз варақларига кўзим тушди. Оталарининг сўнгги кунлари ҳақида ёзаётганларини айтдилар. Ўша ғурбат кунларда одамларнинг бир-бирига муносабатлари ҳақида гаплашдик. Ҳабибулла ака шуни эсладилар:

«Дадамни НКВД ходимлари олиб кетганидан кейин бир ҳафтала ўтиб Иноғом ота ҳовлимизга кириб келдилар. Мен уларга бу уйга бошқа келмасликларини, бизни халқ душмани деб қоралаётганларини айтдим. Иноғом ота эса «Йўқ, мен барибир келавераман», деб чиқиб кетдилар. Ўшандан кейин Иноғом ота, Музайяна Алавия ва яна бир рус аёли Лидия Соцердотовадан бошқа ҳамма бу хонадондан оёқ тортиб кетди».

Ҳабибулла ака билан суҳбатимиз тугаб, кўчага чиққанимда соат 7 бўлибди.

Мен ҳам ҳали ҳамон бу ҳовлидан хабар олиб тураман. Абдулла бувамизнинг, Иноғом бувамнинг, Ҳабибулла акамнинг охиратларини Аллоҳ обод қилсин. Омин.

* * *

Бизнинг шаҳар ҳовлимиз Чорсуга яқин «Пахта» кўчада, ярим гектарга яқин дала ҳовлимиз эса ҳозирги Обиназир маҳалласида эди. Ўша пайтларда бувам Иноғом отани пайвандчи номи билан ҳамма танир эди.

Обиназирдаги боғнинг донғини ҳамма эшитган эди. Янглишмасам 1953 йил мен 7–8 яшар боламан, ёзнинг август ойлари эди. Бир куни отам (мен бувамни ота дер эдим) мени етаклаб Чорсудаги Коппон бозорга олиб тушдилар. У ерда дўкондорлар билан савдолашиб ёғоч қўшнаровон сотиб олдилар. Нарвон ҳали йиғилмаган, унинг тўртта оёғини бир боғлаб, мен елкамга олдим, пиллапояларини ва жўплайдиган темирини отам кўтариб олдилар. Йўлда кетатуриб: «Ота, нарвонни нега олдик?» деб сўрадим. «Ўзум тарашга», деб жавоб қилдилар. «Кўкалдош» мадрасасининг олдига келганда: «Юр, мен сенга морожний олиб бераман», – дедилар. Мадраса ёнидан Чорсу бозорига киришда ошхона, ундан нарида бир китоб дўкони бор эди. Ошхонадан менга, ўзларига морожний олиб, еб туриб китоб дўконига қараб сўзландилар. «Бу Маҳкам қачон савдо қилади, қачон кўрсам олдида одам, гаплашгани-гаплашган», – дедилар.

Бирдан отамнинг юзлари жиддийлашиб, ўйланиб қолдилар: «Абдулла акам билан бирон маслаҳатли иш бўлса, доим шу дўконда учрашар эдик, – дедилар ва гапларини давом эттирдилар: – 1933 йил очарчилик авжига чиққан эди. Абдулла акам билан шу дўконда учрашиб, гаплашиб турсак аптоқашқа (автокачка – от қўшилган тўрт ғилдиракли арава) дупур-дупур қилиб келиб қолди. Ундан иккита одам тушди. Улар шу «Кўкалдош»нинг тагида «нон-нон» дея очликдан титраб қатор ўтирган, узала ётган одамларни орасидан оралаб ўтиб, ўлганларни кўтариб-кўтариб ўтин тахлагандай аравага ортишди-да, олиб кетишди. Уларнинг кетидан Абдулла акам менга қараб: «Ота, тиловат қилинг», – деди. Мен «ўзларидан бўлсин, бизники нари-бери...» дедим. Абдулла акам қироати билан Куръон тиловат қилди. Кейин «Кўкалдош» томонга қараб: «Кишмиш бериб боққан отларим ажриққа зор бўлди», – деб қўйди. Маҳкам эса кўрсаткич бармоғини лабига теккизиб қўйган эди».

Биз ўрнимиздан туриб йўлга тушдик. Китоб дўкони олдидан ўтаётганда дўкондор киши билан отам бир-бирларини кўриб, бош силкитиб кўришишди. Отам эшитарли қилиб: «Ўтганларни худо раҳмат қилсин», деб қўйдилар...

«МАРОЖНА ЕГАНМАН»

Баъзан раҳматли дадам оилавий суҳбатларда: «Менга Абдулла Қодирий марожна¹ қилиб берган, мен мазза қилиб еганман», деб бир-икки марта шу воқеани мақтаниб айтганлари эсимда.

Шаҳар ҳовлимиз илгари «Сузук ота» маҳалласида, бир гектарча боғ ҳовлимиз эса мана шу турган ҳовлимиз атрофида бўлган экан. Дадам 1926 йили туғилганлар. Айтишича, тўрт-беш ёшлик бола чоқларида – қиш бекорчилик – оталари Абдурасул бувам (мен бувамни кўрмаганман, у кишини «Абдурасул Карвон» деб аташган, иккинчи жаҳон урушида дараксиз кетган экан) уларни етаклаб эшикдан Абдулла бувани чақириб, ҳовлига кириб боришибди. Абдулла бува уларни шийпон остидаги уйга таклиф қилибди. Анча суҳбатлашиб ўтиришибди.

Бир вақт дадам, бола бўлган-да – зерикканми, хархаша қила бошлаган. Шунда Абдулла бува: «Сенга марожна қилиб бераман, бирпас жим ўтирасанми?» – деган эканлар. Дадам: «Хўп, жим ўтираман», – дебдилар. Абдулла бува ўрниларидан турибдилар-да, токчадан бир ликопо олиб, ташқарига чиқибдилар. Қалин қор ёққан экан. Ликопда сила қилиб қор олиб кирибдилар, шакардондан чойқошиқда шакар олиб ликопдаги қор устига сепиб, қошиғи билан дадамнинг олдига қўйибдилар. Дадалари – бувам бу тadbирдан кулиб, ҳайрон бўлар эмишлар.

Дадамга «марожна» жуда ёқибди, бир чеккадан ея бошлабдилар...

* * *

Яна бир воқеани Абдуғани бува амакимдан эшитган эдим. Абдуғани бувам акалари Абдурасул бувам билан Кўктерақдаги молбозорга от-аравада чиқиб тирикчилик қилишар экан.

– Аниқ йили эсимда йўқ – 30-йиллар эди, – деган эди бувам, – бир куни эрта тонгда аравани ҳайдаб кетаётсак, узоқдан оппоқ кийиниб шаҳдам кетаётган бир одам кўринди. Яқинлашиб бордик, юришларидан, орқа кўринишларидан таниш – Абдулла

¹ Музқаймоқ.

ака кетяптилар. Эгниларида оқ яктак-иштон, бошларида оқ тўр дўппи, елкаларида қопчиқ, оёқ яланг.

– Ҳа, Абдулла ака, тонг саҳардан қаёққа?

– Кўктеракка.

– Бозорга кетяпсизми?

– Йўқ... Ёзадиган нарсамга баъзи бир гапларни билиб келмоқчиман, шунга...

– Кўктераккача ҳали анча йўл, қани, аравага ўтиринг.


– Йўқ, йўқ, раҳмат, мен пиёда кетаман, шу менга, ёзадиган нарсамга керак. Шу айтганларинг учун ҳам раҳмат, сизлар бемалол бораверинглар, – деб қолдилар...

Нарироқ борганда акам ачиниб кетди чоғи, шапати билан тиззасига тарс этиб уриб, бошини чайқаб қўйди.

Кейинроқ «Обид кетмон» китоби чиқибди, деган гапни эшитдик, топиб ўқидик, худди бизбоп китоб экан, деб гапириб берганлари эсимда.

АДИБДАН ҚОЛГАН ҚЎЛЁЗМАЛАР

Китобнинг давомида эътиборингизга ҳавола этилаётган, бир аср муқаддам оддий дафтарга ёзилган “Бахтсиз куяв” пьесаси қўлёзмасининг 3-саҳифасида “Ушбу асаримнинг бостирмоққа рухсат бердим тошкандлик Саид Ҳабибулла Саид Орифхўжаефга – Абдулла Қодирий, 21-нчи август, 1915-нчи йилда” деб дастхат битилган. Ношир эса нашр этилган китобчанинг устига “Ушбу “Бахтсиз куяв” театр рисоласининг бошқа шаҳардин сўратувчиларга адресим: Тошкандда, Чорсу бозорида Саид Ҳабибулла Саид Орифхўжа ўғли” деган эслатмани қайд қилиб ўтади. Муаллифнинг қўлёзма дафтари эса ноширнинг ўғиллари Саид Мужибуллахон (1929-2007)га, бу кишидан эса набиралари Комронбек Ҳабибулла ўғлига адабий мерос қолиб, улар уни кўздек асраб юз йилдан сўнг Қодирийлар оиласи ихтиёрига тортиқ қилдилар. Биз шоир Хислатнинг туғишган укалари бўлмиш бу оила авлодига ташаккурларимизни билдирамиз.



عبدالله قادری

„بحث در کویا“

تیارتر سالہ ۱۳۰۰

تورکوں معیت میں آنجان تورٹ برده یک فاجہ

یا فوجی

فاسری: برده ایک برده فوجی عارف جواب اوفظ

Абдулла Кадыр

„Бахтисур кувъ“

Драмма 4-го действия

из жизни Туркестанских

мушмань,

издатель: Саидъ Кадыр

Саидъ Арприходжаевъ.

1^е издание

Адресъ: Старый Ташкентъ

Базаръ „Чарсу“ Саидъ Кадыр

Саидъ Арприходжаевъ.

تاریخ: ۱۳۰۰ سالہ
بحث در کویا
تیارتر سالہ ۱۳۰۰
تورکوں معیت میں آنجان تورٹ برده یک فاجہ
یا فوجی
فاسری: برده ایک برده فوجی عارف جواب اوفظ
ابو عبدالله قادری

عبدالله قادری

نیا تر سالہ سی

تو درستان ہمیشتی دن آئینان تو دت پردہ لیک ناچہ

« بخت سز کو پایا و »

جو اثر بز تو درستان لیک رہی او یلا نیک و قزایرگہ

ہر مکنی اسراف و آخر پیر نی تصدیر و تنقید قلمک ایلہ

برابر قرضہ ایلہ خوب او یلا نیک فر رنی اچھن آچھا

کو رساتا دور

« باستریش حق ایلا سید قرائتک »

((اپنی طبی))

اولیٰ اترم نیک باستر ما قدر حصت بردہ - تا کفہ لیک لیک حصت

سید عارف محمد ایفگہ عبد اللہ قادری

۲۰ جنی اولہ ست ۱۹۱۵ فی ہند

(اوینا و چیل)

صالح - ۲۵ یشار کویا و بولدورگان یکت

عبدالرحیم - ۱۴ یشار صالح زنجلی

حیفی بای - ۵ یشار صالح زقاین اتاسی

داملایچا آه - ۱ یشار

ایلیک باشی - ۳ یشار ینی فکر

بای - ۱۴ یشار صالح پوله بیروچی اچار و حور

رحیم - ۱ یشار صالح آلا دورگان قز

غولتف - ۱ یشار پینده بیروچی

موت

بای - ۱ یشار

بای - ۱ یشار

((برنجی پرده))

صالح نے خواجہ حسین مہمان خانہ میں، اونٹن دہرہ دوزن ان ایشیف، صلوحہ ہر تیرہ زہ، قازوقا
پر وہ چکان پیلہ بیلداغ شہنشاہ اوغوش شہسپاہر، مہاراجہ نے آستینہ سمد، صالح لچیک راقا
تعدی اوستینہ اور تیرہ دستور، ہندوستان پر چائیف چای قدیوب، نانہ نسیب چایدن ایشیف اوغوش
پر ان دون صلوحہ عبدالرحیم
عبدالرحیم - (گزارہ یونالوب)

صالح - (عبدالرحیم مختار اب سکراب اور نیندین توروب) اسلام علیکم کیلینک عملے (عبدالرحیم)
نہ ملا تانیف اوج تورت قدم ہودار)

عبدالرحیم - وعلیہم اسلام (قول الشوب اسانھی امانھی صلوحہ) ^{احوال} ^{حاکم (تورہ نفور)}
صالح - قنی عملی تورچی اول تورننگ؟ (قوی بیلداغ تارت قیلور)

عبدالرحیم - صوب صوب چائیف ہم بار ایگانی؟ اوز نیک ہم اول تور (اول تور ارر) آمین اللہ اعلم
رواج ہر یون التدابیر (فاتحہ اوغور)

صالح - حوش کیلوب سر عملی اچوک حویار قادی کیلین آیم اوکاریم! ایسان امان روغوش
قنی! نانہ ذمرمت قیلینک (چای قویار)

عبدالرحیم - حوش وقت بول، حد اکثر ہم لری سلامت، ینتک سنکروب سلام دیب بیاردی
تورکون سنی توغوشیلد بر لب چتیب قادی، سنک معلوم قیلا ی، اینہ اوز نیک تلوب

وہاں ہویان کور کانیم یوق ایدی، کوروب ہم کیلا ی دیب کیلورم (نانہ سادہ)

صالح ہے (جای بروب) جو وہ جتنی منہم سزے سافینگان ایدم
 عجب ایدم - (بیلا تدریس) اونیلفہ باروب کلسانک بولمایدیمی؟ نیچے عور کپیر بولور دور بارہ
 شون دیب کوز تو تمان بار ^{بوسنا سانیہ} پش اتق کونڈہ بر باروب تدرسانک ایشک قالہ
 دور می؟

صالح - ایتیکانیزدی نیچے بارہ بولور بار ایلیه دیب او یلا یمن، او ز نیر غم ملامت بیک او فی حد
 متکاری بولگانیزدن کیلین قاین بولور ایلان، بارہ من دیلان کونم حو ایدیم ایش بولور
 روب قدیر دی، بار المای قالہ من کیچیک سی، حولیفہ باروب یا تیب کلسام بولور دور
 کوز حولیدہ یا لغوز اوزہ؟ یا تکی فی زیر یلم، نینہ آراسی اوز اقا بولور ^{بول برون} ^{بجسته بر کد اشلا}
 جان افغانی لربار کپسی بر کپلا شیب یا تیب بر او بر او یتر نم اور کلسام شب کالنگان
 اور دن اوالیم نم کلمیدور

عبدالیم - جو اوز اقا بولور سوزن سور ایدور کان کیم بار، ار حوب دیسانک ایتیه من (بیلا فی
 بدتاقوب صالح کد بروب) منڈے جای یرمه اویدہ جو وہ کدوب ایچوب کلدیم؟
 صالح - حیر قن ^{شون} کپ ایلان سولانک ایشتای؟

عبدالیم - سوریم شونک، اتا انا لئی، او کانیزه اوج قدرت نیل بولوب قالدی، شون دن بومان

شوق جواب نینده صد مده یوروب نه، قیچی اچی یفدنیف ؟

صالح - اچی بیفالمایم یوق تا پکان بولم اوز حراجه کیتوب تور ووردی

عبارت صحیح بالایی ایتا بر او بیلامه که حکم مندن سورا ب آله ویب اچنیف اوز نیلغوب

یور سون قدرتم ؟

صالح - (بیر که قراب آزا اولیاب) اوج یوز مع فی قیمن اچی یفدم

عبارت - بی بی بارک (سند او غلام نوز ما نده حوب یغیب لندی) ^{سوزدن} (آزا تو حجاب)

من منی سرتیندن نیچ وقتدن بویان فیض بای، انا نلنی آشناسی بیلان

قوزنی منغه آتوب بریکچ بولوب سوللا شوب یورار ایدم، بولون ایرتم

بیلان منی او یو مو فیض بای کیدوب ارسالده قزیم آتوب برادر کار بولسا

کمز و قلیراق ح کت قلیف بولم بر باشق صاوی کیدوب تور ووردی قزیم

نطاح آتوب بر مار کز کیدو ^{تور کمان} انا صاویف قدده بولوب ^{مال} کالسا ایدم

چالصال ریوی، من اوندک بولم صالح دن سورا ب یچقرون جواب بر ایتوب

هغه کیدیم، من لندن قیچی اچنیف سورا نلنی بسی شوق ایدی من

اچرا منده مو یو اچی کمالک بولوب من، اولیاب اوندک انا انا نلنی ح ایدم

یا قسائک الریه ارواح لری مندر هم کوب راق لندن حد شفو و بود ایدی
 فیه اوز نیک حولیده یا لغو زیا تا مالکین دیسن، حادثون آکا لندن صعونک زیر پایهای
 حد ننگه پاتا دور کارن بولرس، فیض با میانه اوز نیک طیش بیلرس، دستور ^{حاندیک} ~~عاند اوسا~~
 آبرو لیک هم قرینو کوب مال قیده دور کارن آدم مور، انیدی منگ ^{صوب بولادی}
 دیب جواب بر سائک ایرتد که حد دن ایلک باشی و داملا ایجا ن آکوب ^{فیض}
 با اینک ف بارون فاتح هم آوغ صالح رخ رنه پلا شیب بره توله ^{تومی بولادی}
 کارن قیلوب کیلر قضا نو جواب بر اسن؟

صالح - (یر که قراب سکوت قیلور)

عبدالرحمن - او یاله بوسوزیم شریفده بار لپ ایتیر حبیب پییر

صالح - (عبدالرحمن ذ قراب) یوقا یکه او یالکام یوقا خافده حاتون آکون دیکان

اوی کو کر الیه یوقا، خافه وقتیه ایسر

عبدالرحمن - نیگا اوند اقا دیسن حاتون آقا فرض و سنت ایسای، حاتون آقا اوف

وقتیه بی وقتیه بار موب بر ننگه وقت بولاس هم لندیک بر ننگه ضرور دور

خصوصاً سگام فرض هم قرض دور، چونکه او نینله ^{پایه} ~~پایه~~ ^{پایه} ~~پایه~~

عبدالرحمن - آنہ ایندی گیلدینک بارک اللہ بنا، من بو کون فیضی بائی چیر سیرہ من، ایندی
 گہ ایلیک باشش واما ایلام بیله نقاتیم غہ ہم آلوخ صالح گہ گید من زین بکاول
 ہم حلد سینا گتہ سید جبر بروب تردد قیلوب توران اکتہ ابر (اور سید)
 منگہ جواب و قتلینک راقا فیضی بائی نچ جبر سیرہ ما ستم بولیدور

صالح - (اور سیدن توروب) گتہ سز می جلی

عبدالرحمن - شوقناق ایندی امان بول، مندن جوابینک فی صلاح دیکین جیر (حقیق کینار)

صالح - (برایک قدم یوروب) جیر بولما سہ مندن اویدالک لمر فی سلام ایتینک (جاموش)

سید بیلا جانیدہ لیلوب اولتورار ^{حلقوزاب} قند ای گپ بولدی، شوق زمانہ کینار گتہ

نہ توینو سیر سیرت منینک مع لیتوب ^{توجان} اکتان بول، قرضدار بولما قتم آب اچیتا

کوزوب تورگان ایش، باشمہ آنا نام یوقا کہ منی نچمہ زین سیر لرون اوچون

حرکت قیلہ لراہ سیر اکتان حلایم اوزنیک اشمہ توغریلا مانیل من سیم بند کینی

کاری آغردور (ویب کوز باشی قیلوب چوتنا کیدان دست رو نیالین آرت)

کوزین آرتان پرده توشار

۷
 ضیفی بای نه مهان مازسی، صولکه گزده ده گانه ایشل، اولنجه ایگه دیرکجه مهان مازاسنی
 سمک گهنده اوج طرفینه رسمی کورچی، بر تازوق و قلسا صیقا، بر تاکچه ده بر یادنوس نال
 نیه بر یادنوس ده تریلا گزده شریک لیک، اولکنده دستورمان یا فیلک لاینه بر تاکچه ده تودت
 دانه تون تودیه بیروله معد گانه، بر آزون صولک حله سینی داملا ایلمی سیلان ضیفی بای کرار
 (داملا ایلام ضیفی بای کرار)

داملا ایلام - حاجا ایشل گنه کوشه لیب نهم اتدیتم بر کب بارکو ضیفی کاشینک ده دسب
 (تاکچه ده گنه تونلری قراب) توی بولدور ده گانه او حشایه کورکجه ده تونل

ضیفی بای - قینی اولتور نیک تقیر کیلا شدر من (تورخ اولتور بایر)

داملا ایلام - آمین اللد زاده قیلون اللد ابر (تاتی او قدر لر) قینی کپور نیک
 ضیفی ایلام - ^{ادب کورکجه} قضا و قدر سون عبد الرحیم بای اعلیک ^{بای اعلیک} بای اعلیک ^{بای اعلیک} بای اعلیک
 گیلکجه نیه آلیغ صالح طلیس نام احوال شوق لیب دنه سزنی جاقروب
 کیدیم که یورت کورکان سز یورتده گنه آلیغ صالح لر غنور تونوب
 کالکان سزنی لوفقدون سز کیلا شت سز نازوب

داملا ایلام - جایی، جایی، جایی، جوده کشتی بولدور حوا زیاده قیلون ^{بای اعلیک} بای اعلیک
 جایی، جایی، جایی

4

قویارینه سوار پادشاهی پیا له گریه کیلتوروب قویوب سوار کیلتورما قوی

حقیب کییار

داملاییم - (نانگره لندوروب قویوب) قنی سهاندرانه مرهت قلینگر (همه لری ناره ناره)

قیلدرلی

داملاییم (عبداریم قراب) جوره کجشی غیرت قیلوب سرز اینتیب ز یاده مر لند پودوم

عبداریم شونده اقا بولدی تقصر من غیرت قیلیم ^{صالح} یم یلیک نه بیچگی یوقه بر یافده

صلیبه یوزولوب کیتما ده حاتون آلب میرسام اوینوراب حد لسی

یوزما لردن اولتورار دیب اولیادیم

داملاییم - شنده اقا، کوب ثواب نه داخل داروبوب سر (حنیفی با سوار آلب

کروب قویوب جای قویما قنه باشر برده نه آرمی اولتور کانگر نه آرمی

جای قویوب بروب تودار

داملاییم - ایللیک باشی بر فاتحه قیلوب قویوب کی طخه بولور ایوی (حنیفی با غنه

قراب سر نر وینر

ایللیک باشی جوره کجشی بولادی حنیفی با - اوز لرنیز بیلدر

۱۰
 داملا ایلم - قنی بولمسه قولیکیز مرزا کونار نیک سر (بده سری قول لرینا فانیخه آجورده)
 آمین الله بر ایکی نه عمرین اوزاق قیلد ب قوشه قار تیره سیر فرزند کیر
 دولت قیلد الله ابر

ایلیک باشی - (ضیف باسی قراب) ضیف با کاسرغی بر ایکی کلید سوزایتی من اکر صعب
 ویسانکز

ضیف با - صوب قنی ایشتمای سویلا نیک (بده سری تنکلمر)
 ایلیک باشی - سوزیم شواله صاوی کرچلیک آغ صالغ سویلا شیدیه چونکه کویاو
 بولمش یکت اورنیکرغ مصلح تیم نام کیمغی، شی آغ صالغ شریفیده
 یوق کب آغ صالغ قلین کویا ورن کوب اچ آیدیه قرضدار بولوب
 قار کیشی بولماس دیلمه کرب یک نرسه سرغی آزداق غذا اچ آوب
 نکاح کب برسانکز شریفیدای ایش بولور ایدی.

ضیف با آغ صالغ بولمسه تومی تومی بولادیغی منی نام باشده بر قریم آرزو
 بوس یک دنیا کیشی لاب آرزو بوس قیلام دیلمه تیم ده بار (داملای)
 قراب تقو بوکنی نه سوزلری درست مو

داملایام - بوکشی نه اتیکان بریدیک قیدانکن حلقه خذ کوکیم بولاسن آوغ صالح قلغ
بولیدور (ایلیک باشیقوراب) آوغ صالح یورت نه رسمی اوشی قلغ
بیماقینز عیب کب

ایلیباش - من شریعت مصطفی بویچی ایشی توتیلدی دیب ایتم کناه اوتار بول
عقد ایت سز لر آوغ صالح، سولاشیلدی، سولاشیلدی (عبدالرحمن)
عبدالرحمن اگاسن قدر دینسز

عبدالرحمن - اوز لر نیکورده کب مال دیمی؟ صالح غر جوده ۴۴ اغر بولور کاره بولاسن
صیفی ک - (داملایام) داملایام قورقن آوغ صالح، نه یورته حوب کور کانسز ۴۴ ایشیلدی
سز سولاشیلدی

داملایام - جولد ساوجی کز حلیک بره کتت تو نیما س قیلوب سولایام کلاس چوند
بیلگیل راق بولور

صیفی ک - یوق بارش، بارش، سولاشیلدی
داملایام - سین بر قیلدی بره سز آسان راق بولادور (عبدالرحمن، ایلکباشی غوراب)

۴۴ سولایام سز لر کتت لاب تنکلاب تورنیک لر، بار اکر تو یورده بئش یوز

مع پول، اون بیش قوی، بر آط، تورت باتمان بغدادی، تورت باتمان سرخ
 کچا کوره مویر، تورت شک، اون باشوک هر حیل قند شیرین لیک نیکر مه قوروم حلوا
 اوج منیک دانه کچیک نان، ایک منیک دانه گل اوردنک، ایک ضیف دانه کت نان،
 قرانده نسالده، قر لریف اون باشو ایاقا کیم کحباب، دو حابه، شای، اهدر،
 ماوت، چیدانک، چت، و باشو هر بر بریدن کویلاک، کمزول، مدکور لرفه لایق
 قیمت بهار و مال کرینه اوج دانه فرقی شای، دو حابه، آدرس، اوج دانه
 کت، سی، قوم قریند اشرفه اوز لریفه ضیف لریفه باشو آ ایاق کیم.

ایلیکاشن - یوق داملا جوده آشوریب کپوردنیک! یکت نه حالی او نیکر نه معلوم هر بولادورلا

بولاسون

صغی با - (داملایه تراب) جوده کیم ایندنیک من موندل راف ایاسمن یورت عرفی قیده بو

قیده، حالما، نینچی نرسنه قالدور دنیل (ایلیک باشیف) نینسرنه آشوروب یبار

دنیل دیان سوز نیکر غجرانن

داملا - (ایلیک باشیف) اوزنیکنه هر نیکر بار، اهد باجی اوهول لریفه صداق توی قیلوب حاقون

آلوب بر دیکر، بول اول آدم نیک تومینی او چوقه نیدیک ایماس لیک

ایک ایکیشی - او مذاق اسرافچی با ایند قویہ پیرانکری چا تقیر، حال لری نیند بولوتدی
 ہر کون قرضدار بولوب توروب قول لریداگ بوراون اچو سینک قوی تھا
 شاز اصراف قلب، پودارنہ چانہ ناقیب ہر المای اسنب ملک اشیاہ
 اجر الواتان ریند کورمانگری؟ الرنہ توینی قوی دیمان آری غرا کو قوی؟
 عبدالرحم - (ضیف ہانغ) مکتونیک صاحبہ بیدر سہج نوسویق شیم مونداتنگ آشوق چہ الہ
 ضیف ہای - حالی من مونگہ کونجمن داملا جودہ کم اتیوب قویہ ل
 داملا لیم - (ضیف ہانغ) میں کم بولسہم، چونکہ کویا ونیل شیم بلیت شونیک او چون آر توچی
 ایقادہ (عبدالرحم غ) سز کردن بولبول و با شوق سہرگنہ الہانہ بیللاہ
 او زنی صرف قیلہ دور ہمیان غہ سالہ دور دیب او یلا مانگی؟
 ضیف ہا - من سز غہ نام بنام تو شونورای سورہ گان غدا ر توین آشتی نام نانہ لیتہ
 دورا قوی و آطر، بولبول باغ گوشہ آشتا لیتہ دورا بدینہ ایچیدہ
 چرا، یوز کورسا کادری ہم بارا بولوف میس اسباب ایک دانہ فلک ایکانہ
 کل کورفا لکن دانہ دایوشتر تر میف بویون طومار قولوق طومار، طلا ماشہ
 زردک موندنہ باشو میدہ چویرہ نرسہر بیلان تمام لانا دورا نانک بولسہر

توی قنداق بولدای

ایلیک باغی - شریعت مصطفی ده شونداقله کویا و طرفین قرغنه مهر تقیه لاماقا،
 سونگره برکانه سوبيله نکاح لاماقا، محمد علیه السلام بیک دن بول آغیل نکل
 گل کورفادار پوروش طومار قودتوق طومار قیلغیل بیک قرضدار بولوب
 قانیم دیریم؟ حافره بز تورکتان دیردن باشق جده مملکت حصصا
 مکتب مدینه، استانبول لیل یوقا دیردک ایتلا نکل قرغنه ایرگه دیر دور، کویا و دن
 اقی سوره ماتقن نامسلمانیک دیب بیل دور، و بز نزدیک اسراف قیلیم،
 (فاملاغ قراب) تقیر سزیم طاب علم سزا حد او دبول سز نه بویره غلری
 شونداق ایجاسی؟ و بولگنه سوره کانی شریعتن آشکاری ایجاسی؟
 داملالیم - هر جایی مسلمانیزی بر رسمی بولدای، بز لرغیم شونداق قیلاق شومدور
 ایتلا شمی - هر جایی مسلماننما و سلمی ایجاس، باشق ولایت مسلمانن شریعت که موافق کیم ییلا
 قیل دور، اما بز بر شریعت قیلدی جا هدایت زمانین کالکان بدعت ایتلا شمی؟
 ضعیف پای - اگر بز بر شریعت موافق قرغنه ایرگه بر سالی خلق بز غیب قیلوب کولای
 سونگره دیر سز بز خلق کولای بولما شمی کچی سی؟

ایلیکباشی - حلقہ شریعتی محرمہ قیلہ دیر می؟ سر منی انتکاشنی قیلہ بیر نیک، حلقہ سزورن
 کولسه، شریعت بویر ونی قیلہم دیسنر بیلم بیچ قیلہم دیسالمی، اریعب قیلہم کولسه
 ضیفی با - موند اقسوزنی اوزوب اولایور کال ایبا نسر، جوده منی کونک قیلہم نیک، اند
 بولسا، بولسا، داملا ایلام، انتکاشنی بیر سر نیک منی، بولسه اوزونلر
 بیلد سز من یورتنی رسمین تاشلاب قر ایرک بر الامینه، اندی کینی کوب چوز
 مانک، منیک کپور کاشیکده دزه چ منک تاثیر قلمیدور
 ایلیکباشی - حیر، حیر، مندن اوتکار بولسه عفو اتیور سز من سز، کولیا ونیز خوریندا
 ایچاسمن، شو نیچک شو نواق برعت کولسه ایبیدیب سوزنی اوز اتیور دم
 جبر قیلک نکر کولیا ^{سوزنی قیلور} کولیا بونینکر، منک منی فاشده منی خور (بیر اوزونلر)
 داملا ایلام (عبدارم خ قراب) سز حوب دیبا بیر نیک موند اتنگ کچمن دیب اولتور مانک
 تو نیق کنتکان اچنی حد اوزی یقوز اوزور قور مندار بولسه بولر (وقض اوزونلر)
 حاقور یانک کال کالیا سوز بار ایلیکباشی قیا عداک بولکلان سوزورن
 کپوریب سز نعت لانتوریب قوریدیلر اوکتنی سوزنی قویا بیر نیک
 عبدارم - حیر بولسه بیلک نکر نکر نکر قلمیلر

داملایجا؟ - قولنیکر نه تودار نیکار (بیمبری فاتحه آچور لروکاملا ایچیده اوزاق دعا قیلور)

آمالین اللہ اکبر، بارک الله (عبدالرحمن فخرآب) ایندی مبارک بولور؟

عبدالرحمن - فیضی ہا - قول لوق، قول لوق،

فیضی ہا - (عبدالرحمن فخرآب) تو نیکار بیلار نیکار ^{اوشو میں بولانوں} سچو کونہ میں سولہ شیلکائی بتیام بیلار ورتا؟

عبدالرحمن - کاطرہ بولنیک ~~بوسچہ بوسچہ~~ برتہ قیلور ورتا

ایلیکباشی - (اوندی تودوب) ایندی منہ جواب کتہ منہ (ایلیکباشی فخرآب تودوب)

فیضی ہا - اولتورہ تودونیک آتش طیار. ایلیکباشی - پارہجت بیلک مذک بولور

(بیمبری اور نیندیرہ تودار) فیضی ہا - سزر اولتورہ سزر لوی

لوق سزر ہم کتار من فیضی ہا - تو صانکر بھکت (جہان تودکان تا کور)

جہان تودکان تود ^{داملایجا} کیلوزار ایلیکباشی کور لیکازہ کیماس

فیضی ہا - سب کیماسر با با ہم فخر بولنیکر ہی؟ ایلیکباشی - تو کیماسر ^{بوسچہ} کیماسر

فیضی ہا - تو نیکر ایلیک نیکر ^{بوسچہ} بولر ایسی، چونکہ تو نیکر بترک ایسی. (عبدالرحمن فخرآب)

ایرتار کاتولر میان بھکت تو نیکر بترکی برار من

کھنڈارا - حوب حوب ^{بوسچہ} (بوسچہ) حوب کتیار فیضی ہا ^{بوسچہ} (بوسچہ) کتیار

(پرہ توشار)

« او چینی پرده »

صالحه ادیبی، صولون کره دورلان اینیک، یانیده دریک، مجذ آستیفه آقا اینیک نندا تورده اوزده
ایک کورن ساندور، تاکر کره، قیاده ایکی جابلیک، قاره قوفاش، و باشور لای پرده لوتار بلکان وقده صالحه
فقور دوت یودار

ای باغ

عبدالرحم - (کرار) ایسی پیر ~~دین~~ شورده مودنیک، سنی حوام بینکینه لیده دیب بارکان ایتم
یوق ایگانشن جورده آواره بولوب قاتیم، اونیکه کیلک ایگانشن من کیلیم
دیب، منده جبر برسانک بولما سودی من آواره بولوب حوام بینکینه بارما ایم
(تورده قیب کور فخره اولتورار)

صالح - (شفور کین بر چکلده تاغلاب) کیلک خلک، اودین بر صحر آلابیب بولون شورده
کیلک ایتم، سز فخر بر مکانین و جی اونیگورده بار موز، یوق موز کرب اولام (عبدالرحمان)
عبدالرحم - یختی کیلوب سن ^{نکله} کپلیم بار ایتم، جورده تیرلاب پشیب کتیریم ^{ده} (باشیدن)
سکر سن آوب یانیده قویوب دسترو نیالی بیلان اوزنیما آراز بیلفور

صالح - خلک جایی نان آوب کیلایم؟

عبدالرحم - یوق، جایی نانی، وقتن بار، کپ سنی جوابینک بیلان، کدرن ملاکیم ایلیک باشنی آوب
فیض بابا نیکیف قاتیم، ^{قیف} الفخ صالحه ^{بیلامین} که بار دوک ^{قیف} بله بولدی قاتیم که ^{قیف} و آنده لرین قاتیم
یورته اکر رهنی آلامن ^{کیلک تورده لوتنک} دیب کور سنی ایلیک باشنی بیچاره شریفده موندقا اوزاق ^{کیلک} بولوب

14

کبریا ایسی

کچھ دوسری بیماریاں کو بچاؤ کے لیے آبرو قیلدی، فیض جانہ جلد سنی داملا ایسی ہی ~~تھیں~~ ~~تھیں~~ ~~تھیں~~
 میان آدم اویلاں یورت عرفی ترک بولما سون ویب فیض جانیا قوتور تور دی،
 من نا علاج بولوب آتق بولم خوب ویب کو نیب چقان کیویب کیلین، اویرہ
 چو تلاب باقام برمنیک بیش یوز صغ کتیار ایلان

صالح - موند قنگ آفر نرسہ لور سورہ گان بولم بولمیدی ویب قودہ بولما لای لایلا ~~تھیں~~ ~~تھیں~~ ~~تھیں~~ ایسی
 قچیا آتی، و قچیا دن غلہ آلا راملین

عبداللہ - بیش یوز صغ بولم، تورت باتماندن غلہ، کونڈیرا ش میدہ چو میدہ ر
 صالح - (کوز رسی آلا بیب) وای، بابا یو، بوقند آتق کپ، میدہ چو میدہ سینا اوز نیوم تینی کوز یوز
 صغ کتیدور، منا اوز نینک بیل سز اوزدا قاتی و غلہ لروب حاتون آما قافہ قوتم
 تیمایور، قرضدار بولما قاتق کورونوب تور کمان اینش حالی نام بونچ نرسہ لروب
 حاتون آلا میدور ویب جو اینیا برنیک ~~تھیں~~ ~~تھیں~~ ~~تھیں~~

عبداللہ - ایسی بولم اینش بولم، بیش آتق یوز صغ قرضدار بولما نیک بولم بسن قوتم تیمایور
 دیماق دیکت کئے غعیب کپ ایسی تیشیکنے تیشیکنے قوی اوز قنگ کینکینے قوی؟

صالح - یوق جو اینیا برنیک حاتور قرضدار بولوب حاتون آلا نین، قرضدار بولما قرضنیکم برادر دی یوز نینا تگلا ~~تھیں~~ ~~تھیں~~ ~~تھیں~~

عبدالح- ای اچھی ایوان لکھو، میرا سن کپڑا کپور ہو دیکھو؟ فاتیحہ حدانہ مہری دیب دور
 لرا فاتیحہ دن قایسٹ لکھنے فاتیحہ اور ادور، لیکھیں گے پشیمان جائے روشناس
 دیکھانندیک
 دیکھو دیکھو رکھو یولو قوب لیکھیں پشیمان بولوب یور مہ، تیر منی فعلی ایواتو
 (زر دہ واجی ایبلہ کپورار) قرضدار بولوب بیک بولوب کیا اور تادہ تود کانی او
 لکھو ب قویادور کان پیش قیلہ؟

صالح- صیر من کوندہم انیدی کندن قرض سورا ایمن، من بیچ کم نہ تانیا سم
 عبدالح- سن موندہ تشویش قیلہ، من کیچہ قاسم باسی بیلان سوبلا نشان ایوم سنگہ قرض بر ماچی
 ایوس، من قاسم باسی نے آدیفہ باروب موندہ آوب کپور من اچھی ایچارہ آلامن
 ویسے خوب دیکھو بر (سلاسیہ کیوب اور نیدن توروب جقیب کیکار)
 صالح- (عبدالح نے لکھیں کپور ماچی بولوب کپور الماس کالور صلح خراب) منڈہ حاتون آفاق
 بر بلا ای عظیم بولوس آلامن دیکھم نے اچھی بایاگی آلامن دیکھم بر تلامی قرضدار
 بولوب قالہم انیدی قنداق قیلہ من، ای صا اوزنی آسان قیلہ بونفہ دیکھان کیکہ
 حاتون آفاق غمیر بریم منک مع کتیبہ رحمت لیک دادم دن اشتار ایبلہ انا کتیبہ
 دادہ سی منک بریم جقم سز قرض نین نکاح لاب بر کان دیب، تیر با باام رحمت لیک میرا سم

۱۱۱
 ۱۲۵
 گدردس آئید اول کتے شریفه موافق استن قلاک لری؟ بانه موافق ایماسن الیه
 موافقا بولنه لک چونکه بابام تور کتانه برنجی علیا لردن ایویل اندی بوزمانده
 آتوخ صالحه غلّه نه ننه بلار حقیب کتیدی، کاتون آتار بکت خضدار بولماسون
 اولیا ناآلمیدور قچیرسی بیر جای لری ^{بیر اطاق ده} لره منیم اوشه لری بولمید
 بولادور کانه اوصافینده ای ایتدایو بدعت لری اوزنیک دن باشقه چاره سنیا تا پالمیدی
 اوزنیک آسان قیل (موندن صفتک قاپاغین سالب حقیقتت اولتور اری اوزنیک ^{بویوب})
 محمد - (گدرار) تور صالح ^{روحه} بای کلدی بول سورده سالم یوق دیمه کین اکر یوق
 دیانک بورد حقیقه من، سلام بروب بای بیلان کوروش
 صالح - (سکروب اوزنیک تور ارجه ارمم غ) شوته منی بای
 عبدالرزاق - هر شوته، (ایشیک غ قراب) کله برینک بای الحاق (بای - کرار)
 صالح - (سلام بروب کورشار باینی یوقار یوق چاروب اولتور اری)
 بای - آملای قدا تیدی بلاتیا سورن اللد اکر (بیمه لری فاتحه او قودری)
 عبدالرزاق (اورنیک توروب) حوش کور روک بای الحاق؟
 بای - حوش حقت بولنیک رحمت (صالح گ قراب) بالام سزغ اچ کر اکی؟

ضاح - شوق اقا با ای اقا.
بای - قیچی اقا کیرک، برای بی بیوز صوم بولد بولادی بی؟
صاح - حکم بیلا دیگر (عبدالصوم ذراب) کیرائی اشینک؟ (سیرگ ذراب اولقودار)

عبدالصوم - توقور تصوم بولد بولادی
بای - صوره ییچی نیچ آیه براسز لر؟

عبدالصوم - صواصاح توقور کیرسه بریلده سیرادی،
بای - من شغال شیطر بیلدی اقا کیرسه منک اوقی توقور صوم غه بریز صما ایجا ره قوتوب اینین صوم غه
لام ویکس لام حوی، یو صولید ایغی نده نرس لر نه نارسین ده منک کراو (ذالوب) قیلوب سیر
سز (سرو کید برسام صوب بولسه ده صولیا، وده لید ایغی عدز سر کیر صول با شنگلایت، ایکنی اقا
آیوه بر کون اوقور ماسده بولمن تمام بره سز، ام جینج، نه آلاسز، اگر شول شیطر غه صوب

دیسر کیرتوز اقا سیرمه بولسه یوق،
عبدالصوم - ایجا ره سین کراق قیلک، و سرو کینی بریل قیلک، تاکه شول افاق ذ آس بولوسو، نده ویکس نه

اوز بن برسه بولادی جدیکده بایار غه دا دختل شول، کراو نه قیلک
بای - اوز نین بیل سز زمان ایجا بولوب کینک، او وقتده بورد اونی صقیدن بیجم قور قییدور، شونین
ایش ننگه کراو قیلوب آلام، اوز م نه عازتم بیخته شوندا اقام عا، دره سینا کینک، لایه سرو کیم شوق

عبدالصوم - برف بولسام تهل جعفر اوق قیلک صا طک جبر بولاسون
بای - من بر کیرد رار من ایجا شوروب اولتور و کور طلام یوق بولسه خوب دینک بولسه منک جوار بولدی

عبدالرحمن - چرخ بوسه نکند شوی صبح نو نام ربه (سیرت قراب او و تعداد)

بای - (صالحه قراب) و یکسره خود قوی بشوید بید سزای؟

صالح - به بای که جمله من.

بای (صالحه) طبعی، صحنی نیو سار حله لیگ معلم ص؟

صالح - به معلم، آنچه گفته او را تکرار کن، چه تو قلم سار حله کندی؟

بای - (صورت خندان که گفته قلم اوب به صافه) خوب طرفی کم؟ متص؟ شرف کم؟ خوب کم؟ متص؟

صالح - شمال نمید متص؟
تو بی بیلان ایش رت قیدوب) بویاق ایش که گفته اگه، بویاق تو درسون الا اگه افه، بویاق تو درسون

بای - (بازوب آلوب) بارک الله اندی بولدی، تو دریک لرتنا رتشیخ باره فر وقت اوقاصه نیولنی

بای - (بازوب آلوب) بارک الله اندی بولدی، تو دریک لرتنا رتشیخ باره فر وقت اوقاصه نیولنی

صالح - (بازوب آلوب) بارک الله اندی بولدی، تو دریک لرتنا رتشیخ باره فر وقت اوقاصه نیولنی

بای - (بازوب آلوب) بارک الله اندی بولدی، تو دریک لرتنا رتشیخ باره فر وقت اوقاصه نیولنی

صالح - (بازوب آلوب) بارک الله اندی بولدی، تو دریک لرتنا رتشیخ باره فر وقت اوقاصه نیولنی

بای - (بازوب آلوب) بارک الله اندی بولدی، تو دریک لرتنا رتشیخ باره فر وقت اوقاصه نیولنی

صالح - (بازوب آلوب) بارک الله اندی بولدی، تو دریک لرتنا رتشیخ باره فر وقت اوقاصه نیولنی

بای - (بازوب آلوب) بارک الله اندی بولدی، تو دریک لرتنا رتشیخ باره فر وقت اوقاصه نیولنی

صالح - (بازوب آلوب) بارک الله اندی بولدی، تو دریک لرتنا رتشیخ باره فر وقت اوقاصه نیولنی

بای - (بازوب آلوب) بارک الله اندی بولدی، تو دریک لرتنا رتشیخ باره فر وقت اوقاصه نیولنی

صالح - (بازوب آلوب) بارک الله اندی بولدی، تو دریک لرتنا رتشیخ باره فر وقت اوقاصه نیولنی

بای - (بازوب آلوب) بارک الله اندی بولدی، تو دریک لرتنا رتشیخ باره فر وقت اوقاصه نیولنی

(جموده تفتار)

۲۲

Мундарижа

«Обид кетмон» ҳақиқати.....	5
Обид кетмон.....	19

Биринчи қисм

1. Тиктепа қишлоғи	19
2. Обид кетмон	25
3. Кўпчиликнинг таважжуҳи	36
4. Тиктепанинг «устунлари»	44
5. Мен босмачи эмасман	52
6. Бир тулки ва бир қулки	63
7. Қарға қизил кўради	74
8. Хатиб домлани тарра тутади.....	80
9. Берди татар	95

Иккинчи қисм

1. Четан қурулиш олдида.....	118
2. Колхоз – баракадир	134
3. Бош айланиш.....	142
4. Колхоз жони.....	165
5. Қўқдан табрик.....	176
6. Четан «устунлари».....	185
7. Қуёш билан ҳам қурашаман	206
8. Аҳмад тоға ўч олмоқчи	220
9. Қўлингни бер, ошнам!.....	228
10. Ҳисоб.....	237
11. Кенгайиш	242
12. Сотсиализм ҳиди келади!.....	252
Истибдод замонининг қиёфаси	266
1. Абдулла Қодирининг рўмони «Ўткан кунлар»ни текшириш учун тезислар	289
2. Первый узбекский роман	291
3. Нафис адабиёт майдонида прўлетариат мафкураси учун қураш масаласи	309
4. «Муштум»	312
5. «Муштум»ни варақлар экан.....	314
6. Сиз адабиёт муҳибимисиз?.....	320
7. «Ўткан кунлар» ҳам ўткан кунлар	321
Кўлёзма.....	328
Муддаосини ўқувчиға ўтказиш (дидактика)	335
Қарама-қарши солишдириш	342

Кишилар – маслаклар.....	354
Солиштиришни келиштириш.....	363
Тили.....	368
Тасвири.....	372
Асл фикрнинг жилови.....	379
Жўржи Зайдон – Абдулла Қодирий.....	385
Рўмон ҳам ҳақиқат.....	391
А.Қодирий яшаган даври ва рўмон қачон ўйланган.....	398
Адабий приёмнинг ижтимоий моҳияти (негизи).....	400
Рўмонтизм мактабининг ижтимоий асоси қандай?.....	401
Умумий мулоҳаза – якун.....	407
Бундан кейин (натижа ўрнида).....	412
«Ўткан кунлар» ҳам «Ўткан кунлар» танқиди устида баъзи изоҳлар.....	419
А.Қодирийнинг «изоҳлари» муносабати билан.....	425
8. Мехробдан чаён.....	439
1. Рўмончиликда таржима.....	439
2. Ўзбек адабиётида рўмон!.....	439
3. Рўмоннинг хулосаси.....	440
4. Шартлар.....	442
5. Мафкура жиҳати.....	444
9. Душман мафкурага қарши.....	457
10. Янги турмуш учун кураш.....	460
11. Про лису и чудака.....	461
12. «Обид кетмон» қиссаси ҳақида.....	470
13. «Обид кетмон» ҳақида.....	475
Адибни хотирлаб	
Кўктерақда бир кун.....	484
Берди татар.....	488
Бува кадрдонларим.....	492
«Марожна еганман».....	496
Адибдан қолган қўлёзмалар.....	498



Abdulla Qadiri



ABID KETMAN

ozdovnaşz
1935

«Обид кетмон» қиссаси 1932–1934 йиллар миёнасида ёзилган. Уни ёзувчи елкасида буюқзоқ, қишлоқма-қишлоқ, ялангоёқ юрғиб, далаларни қезиб, қўлида кетмон, наҳра чопиқларида қатнашиб, бободехқонлар билан суҳбатлашиб ёзган.



Адабий-бадиий нашр
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

ОБИД КЕТМОН

Қисса


Нашрга тайёрловчи: *Хондамир Қодирий*
Мухаррир: *Воҳид Умиров*
Бадиий муҳаррир: *Баҳриддин Бозоров*
Мусаххих: *Тимур Азизов*
Саҳифаловчи: *Умид Раҳматов*
Техник муҳаррир: *Баҳодир Хусанов*

Лицензия рақами: АІ №207, 08.28.2011 йилда берилган.
Босишга 30.01.2018 йилда рухсат этилди.
Бичими 60x90 1/16. Нашр тобоғи 31,5.
Шартли босма тобоғи 30,75. «PT Serif» гарнитураси.
Офсет усулида босилди.
Адади 1000 нусха. Буюртма № 085.

Ушбу тўплам бўйича фикр-мулоҳазаларингизни
қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

“Info Capital Group” нашриёти, 100128,
Тошкент ш., Лабзак кўч., 29/55.
Тел.: (+998 71) 241-3221, 241-0169.
Факс: (+998 71) 241-0173.
Электрон почта қутиси: info@infocapital.uz

«Print Line Group» ХК босмахонасида чоп этилди.
100097, Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 44.





*...Хақиқат халқнинг биринчи мартабада иқтисодини
тузатиш, ундан сўнг чин маърифат бериш, ҳам шулар
асосига бошқа масалаларни қўйишдадир...*

 «INFO CAPITAL
GROUP» нашриёти

ISBN 978-9943-4712-9-0



9 789943 471290